

В.А. ЧЖЕН

Х.Р. Рахманкулов
О. Окюлов
Г.М. Тансиқбоева
Г.М.Фиглин

БОЗОР
ҚОНУНИЯТИ
АСОСЛАРИ

"БИЗНЕС КАТАЛОГ" КОМПАНИЯСИ ТАҚДИМ ЭТАДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING НАШРИ

*Демократик давлат қурилишининг
назарияси ва амалиёти*

В.А. ЧЖЕН

Х.Р. Раҳманкулов
О. Окюлов
Г.М. Тансиқбоева
Г.М. Фиглин

**БОЗОР
ҚОНУНИЯТИ
АСОСЛАРИ**

3

Лойиҳанинг муаллиф-раҳбари
Иқтисод фанлари доктори - **Чжен Виктор Анатольевич**

Муаллифлар жамоаси:
Иқтисод фанлари доктори - **Чжен Виктор Анатольевич**
Иқтисод фанлари доктори - **Х.Р. Раҳмонкулов**
Иқтисод фанлари номзоди - **О. Окюлов,**
Иқтисод фанлари номзоди - **Г.Н. Тансиқбоева,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
журналист, ҳуқуқшунос - **Г.М. Фиглин**

Нашрга **С.Н. Аманов**
тайёрлаган

© “Бизнес Каталог” компанияси нашри
© Материалларни нашрга “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”
нашриёт уйи тайёрлаган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Кўлингиздаги китоб - ислоҳотларнинг назарий асослари ва уларни амалга оширишга бағишланган бир туркум асарларнинг биридир. Бироқ айни вақтда бу мустақил нашр ҳам бўлиб, унинг мақсади - Ўзбекистон ислоҳотларининг ўз моделида яхлит бир бутун бўлиб жиҳслашиб кетган сиёсий ҳўжалик ва ижтимоий ўзгаришларнинг ўзаро алоқаларини чуқурроқ англаб етишга ёрдам беришдан иборат. Айни ислоҳотлар турли жиҳатларининг ўзаро алоқаси, уларни рўёбга чиқариш воситалари китобнинг асосий мавзудир.

Муаллифлар ислоҳотларнинг Ўзбекистон моделини таърифлар экан, мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг муқаррарлигини келтириб чиқарган тарихий шарт-шароитларни таҳлил қилади. Республика ислоҳотларни бир партиявийлик ҳўкмидан, мафкуравий зуғумдан озод бўлишдан, ижтимоий ҳўётнинг ҳамма соҳаларини ва энг аввало сиёсий тизимни мумкин қадар демократиялашдан бошлади. Чўнки сиёсий эркинлик, чинакам халқ ҳўкимияти бўлмас экан, иқтисодий эркинлик, ривожланган бозор муносабатлари бўлиши ҳам мумкин эмас. Китобда ана шу жиҳатлар батафсил ёритилади.

Мустақил Ўзбекистон жамиятда демократиянинг қарор топишини қонун устўнлигини мустаҳкамлаш, ҳўкуқий ислоҳотни амалга ошириш билан таъминлади. Ҳўкуқий давлат қўриш учун қонуннинг бирламчилигини эълон қилиб қўя қолишгина етарли эмас. Инсоният ҳўкуқий давлат моҳиятини бир неча асрлар мобайнида яратиб келди. Ҳўкимиятнинг қонунга бўйсўниши муҳимлигини белгилайдиган ғўяларга ўтмишнинг буюк мутафаккирлари, шу жўмладан буюк аждодимиз Амир Темур ҳам, ўз ҳўссасини қўшганлар. Қонуннинг бирламчилигини таъминлайдиган воситалар кўплаб

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

давлатлар томонидан ишлаб чиқилди. Бу ҳақдаги ҳикоялар китобнинг мазмунига киритилган. 1992 йилги Конституцияда мустақамлаб қўйилган ҳокимиятларни ажратиш ва уларнинг Ўзбекистонда ўзаро таъсирининг ҳуқуқий асослари жаҳон тажрибаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ўзининг тараққиёт моделини белгилар экан, давлатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига монопол ҳокимлигига асосланган иқтисодиётни маъмурий усулда бошқариш тизимини рад этиб, бозор тизимини танлади. Бу моделга тарихий тажриба ҳам, халқнинг маънавий анъаналари ҳам, шунингдек энг ривожланган мамлакатларнинг ютуқларини таҳлил қилиш ҳам асос қилиб олинди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, ислохотларнинг пировард мақсади кучли ҳуқуқий давлат, эркин бозор иқтисодиётига ҳамда очик ташқи сиёсатга эга демократик жамият қуришдан иборатдир. Ўзбекистон моделига асос бўлган ўзгаришларнинг беш тамойили, уларни ҳокимиятнинг уч тармоғи томонидан амалга ошириш, ислохотларнинг бош натижаларига эришиш, уларнинг ҳар бир инсон, ҳар бир оила турмуш даражасини оширишга қаратилганлиги китобда батафсил ёритилган. Ислохотларнинг Ўзбекистон моделини яққол кўрсатиш мақсадида уларни чизма шаклда тасвирлашга ҳаракат қилинди ва унинг ҳар бир унсури асослаб берилди.

Қонуннинг устуңлиги, иқтисодиётни мафкура таъсиридан чиқариш, уни сиёсий зуғумдан озод қилиш тамойиллари дастлабки қадамларданок, ислох ишини ҳуқуқий негизга қўйишни талаб қилди. Ўзбекистон ўз қонунларини ривожлантира бориб, аввалги, умумиттифоқ меъёрий ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулкчилигини қарор топтирган, шахснинг ҳар қандай ҳўжалик, тадбиркорлик эркинлигини намоён этишини истисно қилган маъмурий-буйруқбозлик услубидан аста-секин йироқлашди.

Ҳуқуқий ислохот жараёнида қонун ҳужжатларини иш-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

лаб чиқиш ва қабул қилишнинг самарали механизми шаклланди, давлат-ҳуқуқий бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди. Ушбу тизим фаолиятининг натижаси ўлароқ республиканинг давлат ва иқтисодий мустақиллигининг, янги хўжалик муносабатлари ва энг аввало мулкчилик муносабатлари ривожланишининг ҳамда янги туғилиб келаётган тадбиркорлик тузилмаларининг ташқи иқтисодий фаолият майдонига чиқишининг ҳуқуқий негизлари яратилди. Айни бир вақтда давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро жавобгарликнинг меъёрий базаси ҳам шакллантирилдики, бусиз ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди, инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари мустаҳкамланди, ҳар бир инсоннинг ташаббус кўрсатиши учун имкониятлар кенгайтирилди ҳамда аҳолининг ёрдамга муҳтож тоифаларини аниқ адресли ижтимоий қўллаб-қувватлаш таъминланди.

Ўзбекистоннинг хўжалик соҳасидаги қонун ҳужжатлари қарор топиш босқичида. Муаллифлар жамоаси ушбу китоб устида иш олиб борган вақтда республикада бозор ислохотларини янада фаоллаштириш учун биринчи даражали аҳамиятта эга бир туркум қонун ҳужжатларини муҳокама қилиш давом этмоқда эди. Шунини айтиш кифояки, яқин вақт ичида ҳуқуқшунослар ва хўжалик ходимлари мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигига асосланган ҳамда бозор шароитида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши керак бўлган янги Фуқаролик кодекси тўла ҳажмда қабул қилиниши ва амалга киритилишини кутмоқда.

Қонунчиликнинг жадал ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ушбу китобда ислохотларнинг бирон бир муайян пайтидаги ҳуқуқий меъёрларни қатъийлаштириш ва баён этиш мақсад қилиб олинмади. Шу билан бирга муаллифлар қонун ҳужжатларини янгилаш йўналишларини белгилаб берган асосий ҳуқуқий жиҳатларни таҳлил қилишга, янги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда баён этилаётган ғоялар ҳақида сўзлаб беришга, Ўзбекистоннинг шаклланиб келаёт-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ган қонун ҳужжатларини бозор иқтисодиёти учун гоят муҳим бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан қиёслаган ҳолда таърифлашга уриниб кўрдилар.

Китобнинг махсус бўлимлари мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожига, тадбиркорликнинг, шартнома муносабатларининг, рақобатнинг қарор топишига ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришга, инфраструктуранинг, бозор иқтисодиёти мавжуд бўлиши учун жуда муҳим меҳнат бозорининг шаклланишига, давлатнинг ижтимоий сиёсати тақомиллашувига бағишланган. Умид қиламизки, китобхонлар ана шу бўлимлардан янги ва ўзлари учун фойдали катта ҳажмдаги ахборотни топа оладилар, иқтисодий ислоҳотни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг умумий қоидаларини ҳам, янги ва ҳозирча одатланимаган қонун қоидаларининг аҳамиятини янада яхшироқ тасаввур қила оладиган, Ўзбекистонда ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни бозор анъаналари тараққий этган мамлакатлар тажрибаси билан қиёслай оладиган, Ўзбекистон моделини ажратиб турган хусусиятларни кўра оладиган бўладилар.

Муҳаррирлар жамоаси ушбу китоб учун материаллар тўплашга ёрдам берганларнинг ҳаммасига миннатдорчилик билдиради.

Бу нашр иқтисодий ва хўжалик олий ўқув юр்தларининг талабаларига қўлланма, шунингдек амалий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, бозор ва ижтимоий сиёсат билан қизиқадиган кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Иқтисод фанлари доктори,



В.А. ЧЖЕН.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

1 - бўлим

1.0. Ҳуқуқий ислоҳот - мустақил Ўзбекистон умумий ислоҳотлар йўлининг бир қисми

1.1. Ислоҳотнинг мақсадлари

Ҳар бир халқ тарихида унинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборадиган воқеалар юз беради. Совет тизимининг барбод бўлиши, собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақиллиги қарор топиши бизнинг мамлакатимиз учун чинакам тарихий ҳодиса бўлди. Ўзбекистон биринчилар қатори ўзининг тараққиёт йўлига ўтиб олди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асосини 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Қонун ташкил этади. Аслини олганда, ана шу қонундан бошлаб Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида қарор топиши ва ривожланишида янги давр бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ республикада давлат ва иқтисодиётни қайта қуриш бош-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ланди. Президент И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобида қайта қуришнинг пировард мақсадлари аниқ белгилаб берилди. Бу - “барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишдан иборатдир”.

Ислоҳотларнинг пировард мақсадларига эришиш ҳар бир оиланинг муносиб турмуш кечирishiни таъминлаш имконини беради. Айни оила амалга оширилаётган ўзгаришларга асосий мақсаддир, чунки Ўзбекистоннинг анъаналари, одатлари, менталитетида оила ҳар бир инсоннинг қалби ва ҳаётида асосий ўрин тутади. Oilанинг гуллаб-яшнаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш шахсий эҳтиёжларга тўла-тўқис мос ва уйғундир.

Шундай қилиб, одамларнинг ҳаётий манфаатлари, ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш, уларни қаноатлантиришнинг воситалари ва усуларини излаш, жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш қобилиятини, индивидларнинг ташаббусини ва мустақиллигини тўла-тўқис ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш амалга оширилаётган ислоҳотлар учун ҳал қилувчи омиллар бўлиб қолди. Ислоҳотлар қайси соҳада амалга оширилмасин - сиёсий, иқтисодий ёки маънавий ахлоқий соҳаларда амалга оширилмасин, улар инсон учун, инсоннинг эркин ривожланиши учун рўёбга чиқарилади.

Энг аввало, суверен Ўзбекистонга мерос бўлиб қолган, ўзининг мазмуни, тузилиши, барча унсурларининг ўзаро алоқалари жиҳатидан умумиттифоқ сиёсий-иқтисодий тизимидан кўчирма қилиб олинган сиёсий-иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, қўйилган мақсадга эришиб бўлмас эди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Ислоҳотларни зарур қилиб қўйган конкрет тарихий сабаблар. Бошқа собиқ совет республикаларининг сиёсий тизимларида бўлгани каби Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида ҳам тоталитаризм кучайиб борган сари жамиятнинг ҳокимиятдан бегоналашуви, ҳокимиятнинг партия аппарати қўлида тўпланиши, партиянинг монопол ҳукмрон ташкилотга айланиши билан боғлиқ жараёнлар юз берди. Ўз табиатига кўра конституцияга зид бўлган бу жараёнлар этатлашув (французча “etat” - “давлат” сўзидан) яъни сиёсий тизимнинг ҳамма бўғинлари давлатлаштирилиши, уларнинг давлатсифат тузилмага айланиши билан бирга юз берди. Фақат партиягина эмас, балки қасаба уюшмалари, комсомол, сиёсий тизимга кирган бошқа ҳамма ижтимоий бирлашмалар ҳам этатлашув жараёнига қўшилиб кетди. Ҳокимиятнинг марказлаштирилган давлат бошқаруви органларига “қўшилиб кетиши” уларнинг сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи ҳокимият устидан юксалишига олиб келди.

Бу жараёнлар халқнинг ҳокимиятдан ва бошқарувдан бегоналаниши, инсонни оддий ижрочи, “юқорининг” директив кўрсатмаларига жимгина қулоқ соладиган ижрочи даражасига тушиб қолиши билан биргаликда юз берди.

Шу нарса ўзини эътиборга тортадики, сиёсий тизимда юз берган салбий жараёнлар гўё ҳуқуқий асосда амалга оширилди. Иттифоқ конституциядан тортиб, республика конституциясигача бўлган барча совет конституциясида партиянинг “ҳуқуқий мақоми” сиёсий тизимнинг “ядриси” сифатида таърифланди. Шу тариқа тизим ҳуқуқдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланди.

Ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳалари бузилишга учради. Федератив тизимнинг ўзи тубдан ўзгариб, у кон-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ституциясида ёзиб қўйилганига қарама-қарши реал турмушда ҳаддан ташқари марказлаштирилган мамлакатга айланиб қолди. Унитарлаштириш жараёни миллий республикаларнинг давлат суверенитетини соҳтагарликка айлантириб қўйди.

Бузилиш фақат халқнинг ҳокимиятдан бегоналашувидагина эмас, балки одамларнинг мулкдан ҳам бегоналашувида намоён бўлди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими тараққиётнинг иқтисодий қонунлари билан ҳисоблашмасдан, одамларнинг манфаатлари ва талабларини инкор этган ҳолда, иқтисодий усулга ёт бўлган мажбурлаш усулидан фойдаланди. Мулкдан маҳрум қилинган одамлар давлат кўлидаги кўғирчоққа айлантириб қўйилдилар (“коммунизмнинг буюк қурилишлари”, мавсумий қишлоқ хўжалик ишларига сарфбир қилиш ва ҳоказолар). Мулкдан бегоналаштирилган одамлар меҳнат қилишдан иқтисодий манфаатдорликни йўқотдилар. Совет жамиятида маълум-машҳур бўлган, апроприация (лотинча “appropriatio” - ўзлаштириш) - ана шундай бегоналаштиришнинг қонуний оқибатидир. Жамиятда “ҳеч кимники бўлмаган” мулкдан, давлатнинг бўш қозонига қарам қилиб қўйилган одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини бирон-бир даражада қондириш учун, “юлиб олишга” интилишидан иборат муайян руҳий кайфият ривожланиб борди.

Моддий рағбатлантиришни инкор этиш, иқтисодий тараққиётнинг ички қонуниятларини менсимаслик - меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг паст бўлиши билан, одамларнинг “ҳеч кимники бўлмаган” мулкни сақлаш ва кўпайтиришга бефарқ қараши билан, иқтисодиётнинг таназули билан “ўч олди”.

Бошқаришнинг буйруқбозликка асосланган усули

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

шахсий ташаббус ва меҳнат қилишдан манфаатдорликни буғибгина қолмади, шу билан бирга у одамларнинг ижобий лаёқатларини ҳалок қилди, уларни ўзларини ифода-лаш мақсадидан маҳрум қилди. Ҳайрон қолдирадиган нарса шуки, одамлар тизимнинг қувғинлари ва таъқибларига қарамай, одатда халқ ижоди буюмлари деб аталадиган ажойиб буюмларни яратишни тўхтатмадилар. Ушбу тизим чайқовчиликка қарши кураш баҳонаси билан миллий анъанавий кийимларни (чопонлар, дўппилар ва ҳоказолар) ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳунармандчилик меҳнати учун таъқиб қилинган халқнинг ижодиётини таъқиқлаб қўйишга уринди. Чайқовчилик деган тушунчанинг юридик маъноларини бу ерда аниқлаб ўтирмаймиз, лекин сотишга чиқариш билан ҳунармандчилик маҳсулотлари чайқовчиликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаганлигига, чунки у ўзи тайёрлаган товарларни бозорга сотишдан бошқа нарса эмаслигига бирон-бир одам шубҳа қилмаслиги керак. Халқ одамларга керакли бўлган анъанавий ҳунармандчиликни сақлаб қолиш учун қатъий интилмаганида эди, ҳозирги Ўзбекистон халқ ижодиётининг ажойиб маҳсулларини фақат мамлакат музейларидагина кўз-кўз қилиб қолмасдан, балки уларни бошқа мамлакатларга экспорт ҳам қилиб бутун дунёни лол қолдириш имконига эга бўлмасди.

Буяруққа асосланган, одамларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган тизим фақат иқтисодий муносабатлар табиатини бузибгина қолмасдан, балки ҳуқуқий бошқаришни ҳам бузиб келди. Ҳуқуқ жамиятта фойда эмас, балки зарар келтира бошлади.

Ўтмишнинг салбий оқибатларини енгиш йўлини фақат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ва энг аввало сиёсий тизимни максимал даражада демократлаштириш

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

орқалигина топиш мумкин эди, давлат мустақиллигига эришилган пайтдаги дастлабки қадамларданоқ шундай қилинди ҳам.

Ислоҳ қилиш сари ташланган дастлабки қадамлар ҳокимият органларини партия таъсиридан чиқариш ҳамда партия структураларини давлат тасарруфидан чиқариш, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги бузилган мутаносибликни тиклашдан, давлат мафкурасидан воз кечишдан, сиёсий институтлар ва фикрларнинг хилма-хиллигини эътироф этишдан иборат бўлди. Республикада ривожланиб борган демократиялаш жараёни марказига инсон ва унинг ажратиб бўлмас ҳуқуқлари қўйилди, бу ҳуқуқлар орасида энг биринчилари яшаш, эрк, қадр-қиммат ҳуқуқидир.

Ҳар қандай жамиятда эркинлик давлатнинг қандай тузилганлигига, унинг тизими қанчалик демократиклигига, унинг халқ қанчалик эркинлигига боғлиқдир. Бугун дунёда машҳур бўлган “демократия” сўзи юнон тилидан таржима қилинганида “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади (demos - халқ, cratos - ҳокимият). Демократия мавжуд бўлган жойда халқ олий ҳокимият органларини тузади, уларнинг тамойиллари, фаолият ҳарактерини белгилайди, улар устидан назорат қилади. Фуқаро ўзи бевосита жамият ва давлат ишларини хал қилиш билан шугулланмаслиги мумкин, лекин унда ўзи олий ҳокимият органига сайлаб қўйган вакиллар (депутатлар) орқали иштирок этишга ҳақли. Шу тариқа халқ ўз сиёсий ҳокимиятини рўёбга чиқаради.

Иқтисодий эркинлик масаласига келсак, бу эркинлик муаммоларни мустақил ҳал қилиш мумкинлигида рўёбга чиқади. Хўжалик ҳаёти соҳасида инсон мустақил субъект сифатида ҳаракат қилиб, унга нима ёқса ва нима-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ни муҳим деб ҳисобласа, ўша нарсани ишлаб чиқаради, ўзи ишлаб чиқарган нарсани ўзи учун мақбул нархларда сотади ва ҳоказо. Унинг иқтисодий эркинлиги, тadbиркорлиги ва манфаатдорлик билан меҳнат қилишининг асосини мулк ташкил этади. Ана шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига кириши даврида унинг Асосий Қонуни мулк шакллариининг хилма-хиллиги тамойилини мустақкамлаб қўйди, бу шаклларнинг ҳар бирини муҳим ва даҳлсиз деб эълон қилди.

Равшанки, сиёсий тизимни тубдан қайта ташкил этмай туриб, иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида қайта қуриш мумкин эмас, чунки маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида партия-бюрократик аппарат унинг устидан ўз ҳукмини ўтказиб келган эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимини бузиб ташламасдан бозор иқтисодиётини яратиш мумкин эмас. Бу диалектик ўзаро боғланган жараён бўлиб, тараққиётнинг янги жараёнларини рағбатлантиришга мўлжалланган янги ҳуқуқий негизни яратишни талаб қилади, лекин янги ҳуқуқ тизимини яратиш фақат янги қонунлар қабул қилиш учунгина эмас, балки уларни рўёбга чиқариш учун ҳам кўп вақт талаб қилади.

Ана шу ҳолатлар ҳуқуқий ислохотлар соҳасида мўлжалланаётган чора-тадбирларни эволюцион йўл билан, аста-секин ва изчил рўёбга чиқаришни мўлжаллаб иш тутиш вазифасини қўяди.

Биринчи муҳим қадам демократик ташкил этилган жамиятда белгиловчи ҳуқуқий негиз бўлган янги Конституцияни яратишдан иборат бўлди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Конституцияси тараққиётнинг ҳозирги босқичида шакллантирилаётган ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларини мустақкамлаб қўяди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Маълумот учун материал

1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Республика Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси мустақил Ўзбекистон Конституциясини қабул қилди. Ҳақиқат 8 декабрни умумхалқ байрами - Конституция кунини деб эълон қилиш ҳақида қонун қабул қилинди.

Бу воқеадан олдин тайёрланаётган Конституция лойиҳаси бутун халқ томонидан кенг муҳокама қилинди. 1992 йил 26 сентябрда лойиҳа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди ва бир неча ой мобайнида меҳнат жамоаларида ва ўқув юрғларда йиғилликларда, матбуотда, телевидение ва радиода муҳокама қилинди. Конституциявий комиссияга лойиҳани маълумлаш ва айрим қондалар юзасидан аниқ тақлиф ҳамда мулоҳазалар билдирилган минглаб хатлар келди. Келган тақлиф ва мулоҳазаларни (уларнинг умумий сони 1992 йил ноябрь ўрталарида 5 мингдан ошиб кетди) таҳлил қилиш асосида Конституциявий комиссия Конституция лойиҳасининг муқаддимаси ва 46 моддасига ўзгаришлар киритди, шу билан бирга 35 моддага жиудий тузатишлар киритилди. Конституциявий комиссиянинг қарорига мувофиқ Конституция лойиҳаси унга киритилган ўзгаришлар билан бирга 1992 йил ноябрда муҳокамани давом эттириш ва тугалаш учун яна бир бор эълон қилинди.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Конституциявий комиссия Осис, Европа ва Америкадаги ўнлаб мамлакатларнинг конституцияларини ўрганиб чиқди. Лойиҳа устида олиб борилган иш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1948 йил декабрь ойида қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа халқаро ҳуқуқларга асосланди.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси ўзининг моҳияти, фалсафиси, номлари жиҳатидан республиканинг олдинги Конституцияларидан тубдан фарқ қиладиган мулақо янги ҳужжат бўлди. Жаҳон қадриялари орасида ташкил этувчи марказ сифатида энг буюк қадрият - инсон лойиҳада алоҳида ажратиб кўрсатилди. Мана шу тамойил давлат, жамият ва фуқаро муносабатларини Конституциявий тартибга солишга асос қилиб олинди.

Суверен Ўзбекистоннинг Конституциясида инсон ҳуқуқларига ҳурмат, демократия, халқнинг иродасини ифодалайдиган ва унинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий давлат куриш тамойилларига содиқлик ўз аксини топди. Унда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi чуқур масъулият гавдаланди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Конституция асосида ва унинг ғояларининг ривожи ўлароқ бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан бозор ҳужжалигини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Ана шундай қонун ҳужжатлари жумласига, хусусан, мулкчилик ҳақидаги, ер, тадбиркорлик фаолияти, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, банк тизими ҳақидаги ва бошқа кўпгина қонунлар киради. Шу билан бирга, қанчалик мукамал бўлмасин, биргина қонунларнинг ўзи билан ҳуқуқий давлат барпо этиб бўлмайди. Сиёсий тизим соҳасида унинг барча бўғинларини деэатлаш билан, давлат ташкилотлари билан нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда юз берган бузилишларни тўғрилаш билан боғлиқ бўлган туб ўзгаришларни амалга ошириш ҳам зарур. Сиёсий тизимни деэатлаш фақат ана шу бўғинлар ўртасидагина эмас, балки давлат билан жамият, шахс ўртасида, давлат билан ҳуқуқ ўртасида ҳам тўғри муносабатлар ўрнатиш учун ҳам зарурдир.

Ишлаб чиқилган ҳуқуқий ислоҳот дастурида Ўзбекистон ҳуқуқий давлатни шакллантириш билан боғлиқ бўлган мураккабликларни, бу муаммони бир зарб билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳисобга олади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қандай тамойиллар асосида барпо этилмоқда ва шакллантирилмоқда?

Энг аввало, ҳуқуқий давлат негизида қонуннинг устуңлиги ётади. Ҳуқуқий давлатда қонун ҳамма нарсадан афзал бўлмоғи керак. Юқорида айтиб ўтилганидек, давлат билан ҳуқуқнинг ўзаро нисбати масаласида эатлаш концепцияси давлатнинг ҳуқуққа нисбатан устуңлигига асосланади. Давлатни ижтимоий ҳаётнинг марказига қўйиб келган совет фани доимо ана шу нуқтаи назарга амал қилиб келди. Бу фан учун анъанавий бўлиб қолган ҳуқуқ ҳақида-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ги таъриф ҳамиша давлатнинг устунлигини: у ҳуқуқни қарор топгиришини, у ҳуқуққа руҳсат беришини, у ҳуқуқ нормаларига мажбур қилиш орқали реоая этилишини ҳимоя қилишини ва таъминлашини таъкидлаб келди. Давлатнинг, унинг мажбурлаш кучининг ролини абсолотлаш давлатнинг жамиятдан устун бўлишига, жамиятнинг унга буйсунишига олиб борар эди. Ҳуқуқни тушунишга ана шундай ёндашилганида ижтимоий соҳа - одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари, уларнинг нормаларини шакллантиришдаги роли, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг аҳамияти инкор этилар эди.

Давлат билан ҳуқуқни бир-биридан ажратилган ҳолда қараш мумкин эмас, чунки улар бир-бири билан диалектик боғланган, шу сабабли доимо бир-бирига таъсир кўрсатиб туради, бири иккинчисига сабаб бўлади. Бинобарин, гап ҳуқуқнинг давлатга нисбатан бирламчилиги ҳақида борар экан, бу давлатнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини инкор этишни аниқламайди, асло. Аксинча, бундай ўзаро нисбатда давлатнинг ўзининг ҳуқуқий табиати намоён бўлади, давлат ҳуқуқий тартибда, ҳуқуқий талаблар билан уйғун ҳолда иш олиб бориши зарурлиги ва шартлиги таъкидланади. Чунки фақат ҳуқуқ ҳукмрон бўлган, унга фуқароларгина эмас, балки давлатнинг ўзи ҳам буйсунадиган давлатгина ҳуқуқий давлат деб тан олинади.

Ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари рўёбга чиқишини кафолатлайдиган дастаклар амал қилиши керак.

Чинакам ҳуқуқий давлатда ҳокимиятни ажратиш таъмоийли устунлик қилади. Бу эса давлатнинг қонунлар яратиш, уларни бажариш, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган кўп қиррали фаолияти давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари - парламент, ҳукумат ва суд

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

I

Маълумот учун материал

Амир Темурнинг (1336-1405 йиллар) “Тузуқлар”и ўтмишнинг энг буюк ёдгорликлари жумласига киради. Улар жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган бўлиб, ўзининг теранлиги ва маънодорлиги билан турли соҳа олимларини - тарихчилари, адабиётшуносларни, файласуфларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Юридик фан соҳасида бу асар ўрта аср Шарқининг гоят қимматли ҳуқуқий ҳужжатларидан бири деб ҳисобланади. У ҳақда Темур ўз ворисларига империя билан биргаликда яна ҳам қадрлироқ меросни - империяни сақлаб қолиш дастурини тоншириб кетган деб ёзишган эди.

Аслини олганда “Тузуқлар” - Темурнинг ўз ворисларига сий-сий-ҳуқуқий насиҳатлари бўлиб, уларда буюк саркарда ва ҳукмроннинг қандай қилиб ўз давлатини кучли ва қудратли, халқини эса - бахтиёр қилиш мумкинлиги ҳақидаги таассавурлари мужассамлашгандир.

“Тузуқлар”нинг ҳуқуқий қадри кўп қирралидир. Бу ёдгорликда Темур ўз ворисларига тавсия этган умумий мажбурий руҳдаги қоидалар, кўрсатмалар мужассамлаштирилган, унда қонуннинг роли ҳақидаги мулоҳазалар ҳам, қонунга риоя этилишини ва уни бажарилишини таъминлайдиган давлат тизимининг тасвири ҳам берилган.

“Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим,- деб ёзган эди Темур “Тузуқлар”да. Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандларини ўзимдан рози эдим. Гуноҳдорга ҳам бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим”.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

II

“Тузуқлар”да Темур салтанатида давлатни бошқариш соҳасида жорий этилган ягона тартиб, армияни ташкил этиш, турли табақаларни рағбатлантириш ва жазолаш, одил судловни амалга ошириш тасвирланади. Темур ҳамма учун мажбурий бўлган ягона кўрсатмаларни билиш одамларда ишонч ҳосил қилади, уларга бирон бир ҳолатда тўғри йўл танлашга ёрдам беради деб ҳисоблар эди. Ҳақиқий эркинлик, Темурнинг фикрича, қонун устун бўлган жойда мавжуд бўлади.

Темур қонуннинг родини таъкидлаб, унга буйсуниш ҳокимлар учун ҳам мажбурий эканлигини алоҳида кўрсатган эди. “Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқар; деб насиҳат қилган эди у, - чунки ривоят қилишларича ганимлар ҳокимиятни сақлашлари мумкин, лекин у ҳеч қачон золимлар қўлида узоқ сақланиб қолмайди”. Давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузуқка боғланмас экан, дейди Темур “ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар таб тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини ислом дини, тўра ва тузуқ асосида мустаҳкамладим, салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузуқ асосида адо этдим”.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Ўртасида бир текис тақсимланиши кераклигини англатади. Ҳокимиятни тақсимлашнинг машҳур назариясига мувофиқ, унинг муаллифларидан бири деб тан олинган XVIII аср француз мутафаккири Шарл Луи Монтескье кўрсатиб ўтганидек, мазкур ҳокимиятни ажратиш унинг уч тармоғи фаолиятида маълум мувозанатни вужудга келтиради, бир тармоқнинг бошқа тармоқлар фаолият соҳасига аралашшига йўл қўймайди. Ушбу тамойил - ҳокимиятни ажратиш тамойили - шундан иборатки, у ёки бу ҳокимият тармоғи томонидан қилиниши мумкин бўлган суиистеъмолларга қарши қаратилгандир. Тармоқларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғланган, бироқ улардан ҳар бирининг фаолияти ўз хусусиятига, мақсад йўналишига эга бўлиб, бу ҳол парламент, ҳукумат ёки суд ваколатининг хараكتери билан белгиланади. Тармоқлардан ҳар бири ўзининг қонунан белгилаб қўйилган фаолияти соҳасида мустақил бўлмоғи керак.; Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш жамиятга салбий таъсир кўрсатиши, ҳокимиятнинг босиб олинишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳокимиятни ажратиш назариясининг моҳияти шундан иборатки, у тармоқлардан бирортасининг ҳам ҳокимиятни суиистеъмол қилишига йўл қўймайдиган, тармоқлардан бирортасига ҳам бошқаларидан устун бўлишига имкон бермайдиган тизгинлар ва посангилар тизимини яратиш зарурлигига асосланади. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимиятини тармоқларни ажратиш тамойили асосида ташкил этиш ҳокимиятни суиистеъмол қилишга йўл қўймайдиган ва қонуннинг устунлигини таъминлайдиган кафолатлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ва улар ўзаро таъсирининг ҳуқуқий негизи ҳуқуқий давлатда унинг Конституцияси билан жорий этилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

1.2. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият

1992 йилги Конституция бўйича Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган Олий давлат органи Олий Мажлис бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Олий Мажлис бир палатали орган бўлиб, бир мандатли ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган 250 депутатдан иборатдир. Олий далаат вакиллик органининг ваколат муддати - 5 йил.

Олий Мажлис ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- *Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва қонуларини қабул қилиш, бу қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;*

- *Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси таклифлари асосида стратегик давлат дастурларини қабул қилиш;*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари тизимини ҳамда ваколатларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш;

- *божхона, валюта ва кредит ишини, маъмурий, ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш;*

- *Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш;*

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОҲОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш;

Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат мuddати тамом бўлгач, Президент сайлови кунини тайинлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги, уларнинг раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳақидаги Фармонларини тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ялти ва қисман сафарбарлик эълон қилиш ҳақидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, уни узайтириш ва тўхтатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

- халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш ҳамда денонсациялаш;

- давлат мукофотлари ва унвонларини жорий этиш;

- туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ташкил этиш, уларни тугатиш, номларини ўзгартириш ҳамда чегараларини ўзгартириш.

Бундан ташқари Олий Мажлис Конституция ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1.3. Ижро этувчи ҳокимият

Давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи, яъни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Президент бўлиб у миллатнинг рамзи сифатида иш олиб боради.

Президентлик тартиботи ҳуқуқий давлатлар ҳокими-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ят тизимининг муҳим жиҳатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатни ривожлантиришда ва унинг иш олиб боришида муҳим роль ўйнайди.

Президентнинг халқ томонидан сайланиши унга алоҳида мақом беради, бу мақомни Олий Мажлисга сайлов билан таққослаш мумкин. Бутун халқнинг ана шундай қўллаб-қувватлаши Президентга ўз вазифаларини самарали бажариш имконини беради.

У миллий мустақилликнинг, ҳудудий бутунликнинг, битимлар ҳамда халқаро шартномаларга риоя қилишнинг кафилидир. Конституцияда Республика Президентининг ваколатлари жуда аниқ белгилаб қўйилган. Давлат бошлиғи сифатида у вакиллик вазифаларини бажаради ва олий маъмурий ҳокимиятдир. Давлат бошлиғи миллат номидан вакил бўлиб, халқаро даражада давлатни гавдалантиради ва фавқулодда вазиятларда олий раҳбар бўлиб қолади.

Республика Президенти бир қанча идораларда раислик қилади:

- Вазирлар Маҳкамасига бошчилик қилади;
- Идоралараро кенгашларга бошчилик қилади;
- Олий бош қўмондон сифатида миллий мудофаа кенгаши ва қўмитасига бошчилик қилади.

Президентнинг парламент - Олий Мажлис ва бошқа идоралар билан муносабатлари Конституцияда ва қонунлар билан ҳокимиятни тақсимлаш, қонуннинг устуңлиги тамойилларига мувофиқ белгилаб қўйилган:

- ҳукумат билан муносабатлар: Республика Президенти Вазирларни тайинлайди ва уларнинг ваколатларини тўхтатади, у регламент белгиловчи ҳокимиятга эга, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва декретларни имзолайди;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

- маъмурият билан муносабатлар: давлат бошлиғи фуқаровий ҳамда ҳарбий давлат лавозимларига раҳбарлар тайинлайди;
- одил судлов билан муносабатлар: Республика Президенти суд ҳокимияти мустақиллигининг кафилидир.
- халқаро ҳамжамият билан муносабатлар: давлат бошлиғи шахсан ўзи амалга оширадиган дипломатия вазифаларидан қатъи назар, элчилар тайинлайди. У музокаралар олиб боради ва шартномалар имзолайди.

Ҳукумат. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Президент томонидан ташкил этилади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Бош Вазир ҳукумат аъзоларининг ҳаракатларига раҳбарлик қилади, зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ёки бошқа органларда раис сифатида Президентнинг ўрнини босади.

Барча Вазирлар ҳукумат ишчи органларининг мажлисларида мамлакат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашадилар. Бундан ташқари, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси парламент ҳамда афкор омма олдида ҳукуматнинг сиёсатини ва ўз вазирлигининг сиёсатини тушунтириб бериши ҳамда ҳимоя қилиши шарт. Ҳукумат аъзолари сиёсий таъсир кўрсатишдан ташқари, маъмурий тартибда муҳим шахсий вазифаларга ҳам эгадирлар. Улар ўз вазирлик департаментларининг бошлиқлари бўлганликларидан, ҳукумат директивалари маъмурий хизматлар (уларга раҳбарлик қилиш ҳам вазир зиммасида бўлади) томонидан тўғри ижро этилишини назорат қилиб боришлари керак.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётга раҳбарлик қилишни, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Республика Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

бажарилишини таъминлайди. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши шарт бўлган ҳужжатлар чиқаради.

Жойлардаги давлат ҳокимияти асослари ҳам Конституцияда белгилаб қўйилган. Маҳаллий ҳокимиятнинг вакилик органлари Халқ депутатлари кенгашлари бўлиб, уларга ҳокимлар раҳбарлик қиладилар. Халқ депутатлари кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати - 5 йил.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари қонунлари, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, қўйи Халқ депутатлари кенгашларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқлари доирасига қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалалари; маҳаллий бюджетни тузиш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни жорий этиш, бюджетдан ташқари фондларни тузиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, артоф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати ҳужжатларининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш кирати.

Тегишли ҳудудга вакилик ва ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилиқ қилади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Президент томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари шаҳар (вилоят) ҳокими томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

шаҳар (вилоят) Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва вазифасидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ваколатлари яқдиллик тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу эса у раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгар эканлигини англатади. Ҳоким томонидан қабул қилинадиган қарорлар тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси поёлқалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, поёлқалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлишини назарда тутди. Фуқароларнинг йиғинлари ана шундай органлар бўлиб, улар 2,5 йилга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Жамиятни демократиялаш, унинг асосий тамойилларини рўёбга чиқариш тизимида, энг аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш жуда катта роль ўйнайди.

Ўзбек халқига хос бўлган жамоатчилик, манфаатлар бирлиги ва муштараклиги анъаналарига мувофиқ маҳаллани унинг аҳолиси бошқаради. Маҳалладаги алоҳида вазият, одамлар орасидаги кундалик алоқалар, оилаларнинг доимий мулоқоти, амал қилиш механизми, келишилган қарор қабул қилиниши, ҳаёт руҳининг ўзи маҳалла фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий адолатли тизимини, унинг юксак ва шубҳасиз обрў-эътиборини яратиб беради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

1.4. Суд ҳокимияти

Конституцияга мувофиқ суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, бошқа ижтимоий ташкилотлардан мустақил ҳолда иш олиб боради.

Республиканинг суд тизими умумий вазифаларга эга бўлган, демократик тамойиллар асосида ташкил этилган ва иш олиб борадиган, одил судловни амалга ошириш борасидаги муносабатлар билан ўзаро боғланган судлар мажмуасидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судидан, Олий судидан, Олий ҳўжалик судидан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судидан, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судидан, шунингдек вилоят ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар судларидан, ҳарбий судлар ва хўжалик судларидан иборатдир.

Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга нечоғли мос эканлиги ҳақидаги ишларни кўриб чиқади ва конституциявий назоратни амалга оширади.

Конституциявий судларнинг мавжуд бўлиши қонун устунлигини таъминлаш тизимининг мангикий талабидир. Назорат муқаррар суръатда мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак, масалан, агар қонун чиқарувчи ҳокимият ўз қарорларининг Конституцияга мослиги ҳақида ўзи ҳукм чиқарса эди, бу ҳол ҳар қандай назоратнинг йўқлигини аниқлаган бўларди. Назорат барча ҳужжатлар устидан амалга оширилиши керак, чунки бусиз айрим ҳужжатлар Конституцияга зид келиб қолиши ва, демак, уларни “қайта кўриб чиқиш” зарур бўлиши мумкин. Шундай

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Маълумот учун материал

Темур “Тузуқлар”да суд тизими

Темур давлатида одил судловни қозилар амалга оширганлар. Аҳоли ишларини, қўшинлар ишларини, диний арбоблар ва хизматчилар қатламларининг ишларини кўриб чиқадиган қозилар тоифалари мавжуд эди.

Шаҳарлар, вилоятлар ва туманларнинг аҳолиси барча жинсий ва фуқаролик ишлари бўйича судлар (раият қозиси), ҳарбий хизматчилар эса - ҳукмларни “Тузуқлар” асосида чиқарадиган трибуналлар томонидан суд қилинар эди. Заминдорлар учун алоҳида суд жорий қилинган (ихдом қозиси) бўлиб, у оддий ҳуқуқ нормаларига хизмат қилган.

Руҳонийлар шайхулислом томонидан суд қилинар эди, у руҳонийлар номидан амир ҳузурда вакиллик қилар эди.

Барча суд муассасаларида фуқаролик ва жинсий ишлар бўйича хулосаларни муфтилар (қонунишунос юристлар) чиқарар эди. Ҳамма судлардаги процесслар мусобақалашшиш тарзида ўтар, тарафлар далил-исботларни мустақил келтирар эдилар. “Тузуқлар” судьялардан асосли қарорлар ва ҳукмлар чиқаришни талаб қилар эди. Тарафлар қарорлар ва ҳукмлар устидан амирга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

Бутун салтанатда одил судловнинг ҳолати учун қозикалон (олий судья) жавоб берар эди. У давлатга, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ва мансабни суиистъомол қилиш юзасидан айб қўйилган суд ишларини бошқарар эди.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

қилиб назорат ҳар қандай ҳолатда ҳам Конституциянинг бирламчилигини таъминлаши, бошқача сўзлар билан айтганда, барча нормалар энг олий нормага мувофиқлигини таъминлаши керак.

Чинакам Конституциявий назоратни амалга ошириш имконини берадиган тизимлар хилма-хил бўлади: назорат, Қўшма Штатлардаги каби, оддий судяларга кўриб чиқиш учун топширилган низолар ҳал қилинган ҳолларда улар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бундай ҳолда назорат майдалаштириб юборилган деб аталади. Аксинча, бу иш одатда Европа Демократияларида бўлгани каби махсус органга топширилиши мумкин.

Республиканинг фуқаровий, жиноий ва маъмурий судлови соҳасида суд ҳокимиятининг юқори органи Олий суддир.

Олий ҳўжалик суди иқтисодий соҳада ва иқтисодиётни бошқариш жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал қилади.

Республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хил ижроси устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг барча тармоқлари қолғи чиқарувчи, ижроий этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида мувозанатга эришилган, шунингдек вазифаларнинг назорат қилишини таъминланган. Ҳокимиятнинг барча тармоқлари функционал мажбуриятларини самарали бажариши воситасида республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг пиروвард мақсадларига эришиш таъминланади.

Фуқароларга ўзларининг бузилган ёки камситилган ҳуқуқларини суд ёрдамида ҳимоя қилиш имкониятини бериш фуқароларда мансабдор шахснинг ўзбошимчалиг-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

идан ҳимоя истаб кимга мурожаат қилиш кераклиги ҳақида ҳеч қандай шубҳа туғилмаслиги ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. Улар учун судга мурожаат қилиш ўз-ўзидан аён бўлган нарсадир. Ҳуқуқий давлат фуқаролари бундай ҳимояни реал ва таъсирчан деб ҳисоблашлари жуда муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат қонунлар таъсиридагина эмас, балки уларни суд воситасида рўёбга чиқариш амалиёти билан ҳам шакллантирилади. Бир томондан, жамиятда қонунни ҳурмат қилишни, иккинчи томондан эса унга ишонишни шакллантириш кўп жиҳатдан судларнинг амалий фаолиятига боғлиқдир.

Ҳуқуқий давлатни давлат ва шахснинг ўзаро масъулиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Масъулият фақат инсон зиммасига юклатиладиган, давлат эса фуқаро олдида ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайдиган ерда одамларнинг ҳуқуқлари муқаррар равишда поймол қилинади. Инсон эрдан маҳрум бўлади, мустабид ҳокимият зулми остида қолади. Фуқаролар билан давлатнинг ўзаро масъулияти мавжуд бўлган ерда эса қонунсизликка йўл қўйилмайди. Ижтимоий шериклик, давлат билан фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун қулай шароитлар яратилади.

Ҳуқуқий давлатда индивид манфаатларининг устунлиги, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тамойили ҳукм суради. Инсон ҳуқуқлари ўз хусусиятига кўра сиёсий, иқтисодий, фуқаровий ва маданий бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бир турини рўёбга чиқариш учун хизмат қиладиган норматив асос билан таъминланади.

Ҳуқуқий давлат назариясини яратувчилар айнан инсоннинг қисилиб-қимтиниб яшашига қарши чиққан эдилар, давлатнинг шахснинг манфаатларига хизмат қилишига, унинг ижодий қобилиятлари намоён бўлишига хизмат қила

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

оладиган ва хизмат қиладиган кучга айланишини талаб қилган эдилар.

Ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги иқтисодий-сиёсий концепцияси ҳуқуқий давлат кафолатлайдиган эркинлик, шу жумладан иқтисодий эркинлик (бу эркинлик умуман эркин тартиботнинг зарур таркибий қисми деб ҳисобланади) ва ижтимоий ҳимояланганлик ва ижтимоий адолат билан боғлиқ бўлган ижтимоий давлат идеалларининг бирлаштириб юборилишига таянади. Эрк ва адолат деган мақсадларнинг ана шундай чирмашиб кетиши “ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги” деган тушунчада ўз аксини топади. Бозор хўжалиги ўзида хўжалик эркинлигини гавдалантиради. У харидорларнинг ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлган буюмларни ўзлари танлаб харид қилиш эркинлигидан (истеъмол қилиш эркинлиги), ишлаб чиқариш воситалари эгасининг иш кучидан, пулдан, мол-мулкдан ва тадбиркорлик қобилиятидан ўз хоҳишига қараб фойдаланиш эркинлигидан (касб эркинлиги, касб ва иш жойини танлаш эркинлиги, мулкдан фойдаланиш эркинлиги), тадбиркорларнинг товарларни ўз хоҳишларига қараб ишлаб чиқариш ва сотиш эркинлигидан (ишлаб чиқариш ва савдо қилиш эркинлиги) ҳамда ҳар бир харидор ёки товар сотувчининг эркинлигидан иборатдир.

Давлат бозорга ўтиш даврида ва бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида вазифаларни бажаради, бу вазифалар куйида кўриб чиқилади.

2.0. Ўзбекистон моделининг хусусиятлари

Иқтисодиётни бошқаришнинг дунёда мавжуд бўлган икки қарама-қарши тизимлари амалиёти ижтимоий тараққиёт тизим томонидан қўлланилаётган усуллар характери-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

га, уларнинг демократизми даражасига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Бошқаришнинг одатда тоталитар тизимга хос бўлган буйруқбозлик, қаттиқ чегаралаб қўювчи усулидан фойдаланиладиган давлатда жамиятнинг иқтисодий тараққиёт жараёни шахснинг ижодий қобилиятларини менсимаслик, уни хўжалик муаммоларини ҳал қилишда ўз фаоллигини, мустақиллигини намоён қилиш имкониятидан маҳрум бўлган арзимас “мурват”га айлантириш билан ажралиб туради. Бироқ, шахснинг ижодий имкониятлари ва эркини бўғиш муқаррар равишда унда ўзининг вайрон этувчи таъсир кучи билан шу тизимнинг ўзига, унинг ички асосларига қарши қаратиладиган энергия имкониятлари ривожланиши билан бирга юз беради. Маъмурий-буйруқбозлик тизимига бир талай “ташмачилар”, чайқовчилар, яширин иқтисодиёт, кенг ривожланган порахўрлик ва тизим томонидан вужудга келтирилибгина қолмасдан, балки унинг емирилиш сабабларидан бирига айланиб ҳам қолган бошқа салбий ҳодисалар мавжудлиги хосдир. Қаттиқ буйруқбозлик тизимига боғланган бу тизим ўз моҳиятига кўра зиддиятлидир, чунки унинг асосида буйруқ ва мажбур қилиш ётади. Бошқаришнинг бундай усули эскиликка ёпишиб олиш кайфиятини, бефарқлик ва хафсаласизликни келтириб чиқарадики, булар иқтисодий тараққиётнинг муваффақиятига асло ёрдам бермайди.

Бозор иқтисодиётининг афзаллиги, энг аввало шундаки, унга шахсни иқтисодий рағбатлантириш, инсоннинг ўз меҳнати сифатли ва унумли бўлишидан манфаатдорлигини рағбатлантириш хосдир. “Одамлар,- деб ёзган эди диалектика назариясининг асосчиси Фридрих Гегель “Ҳуқуқ фалсафаси”да,- ўзларини қизиқтирган ёки ўзлариники сифатида қизиққан нарсалар йўлида ҳаракат қили-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

шни хоҳлайдилар”. Аини бозор иқтисодиётининг инсоний табиати, Гегель тилга олган қизиқишлар ва эҳтиёжларни кўзлаши бу тизимни маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мутлақо фарқлаб туради.

Ўзбекистон ўзининг тараққиёт моделини белгилар экан, иқтисодиётни бошқаришнинг давлат ишлаб чиқариш воситаларига ва ишчи кучига монополь ҳукмронлик қилишига асосланган маъмурий тизимни рад этиб, бозор тизимини танлаб олди. Бу моделга халқнинг тарихий тажрибаси, маънавий анъаналари ҳам, энг ривожланган мамлакатларнинг ютуқларини таҳлил қилиш ҳам асос қилиб олинди. Бозор иқтисодиёти сари йўл тутишда бошқа омиллар билан бир қаторда минтақанинг буюк Ипак йўли даврида ёрқин намоён бўлган имкониятлари ҳам ҳисобга олинди.

Ўзбекистон бозор муносабатларини ривожлантиришга ўз интилишида цивилизация, -яни бошқариладиган, жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган бозорни мўлжаллаб ҳаракат қилмоқда. Бироқ “бошқариш” ва “марказлаштирилган режалаштириш” деган атамаларни бир деб ҳисобламаслик керак, чунки улар мазмун жиҳатидан бир хил эмаслиги у ёқда турсин, ҳатто моҳияти жиҳатидан ҳам бир-бирига тамомила зиддир.

Бозор ўзини-ўзи бошқарадиган тизим бўлиб, у олдиндан белгилаб қўйилган режа, ташқаридан бериладиган буйруқлар билан чиқиша олмайди. Бозорнинг ўзи иқтисодий муносабатларни жуда қаттиқ бошқаради, харидорларнинг эҳтиёжларини аниқлайди ва ҳисобга олади, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди, унинг миқдори ва нархини белгилайди, шу тариқа истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бироқ, бу бозор бошқарувчи таъсирга муҳтож эмас деган маънони аниқлат-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

майди асло. Барча ижтимоий тизимларга ўхшаб бозор ҳам асло мукамал эмас, унинг афзаллик жиҳатлари салбий томонлари билан чирмашиб кетади, уни такомиллаштиришга, унга жамиятнинг таъсир кўрсатишига ижтимоий эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон бозор сари ўз йўлини совет тоталитар тизимининг барбод бўлиши билан боғлиқ ўзига хос мураккаб тарихий шароитларда бошлади. Тоталитар тизимда ижтимоий турмушнинг барча соҳалари, шу жумладан иқтисодиёт ҳам давлатлаштирилган эди. Эталлаш қонуний равишда фуқаролик жамиятининг давлат томонидан ютиб юборилишига, партия-бюрократик аппарати ва унга хос бўлган бошқаришнинг буйруқбозлик усули ҳалдан ташқари катталашиб кетишига олиб келди.

Буйруқбозлик тизимидан бузилган, ривожланишнинг паст суръатлари билан ажралиб турадиган иқтисодиёт, технологиянинг қолоқлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатсизлиги, одамларнинг бозор тараққиёти шароитларига руҳан тайёр эмаслиги мерос бўлиб қолди. Бу ҳол мамлакатнинг бозор иқтисодиётига кириш жараёнини ҳалдан ташқари мураккаблаштириб юборди. Бозор иқтисодиётининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланишнинг стратегик ва устун йўналишларини аниқлаш моделини тўғри танлаб олишга боғлиқ эди.

Ўз аҳамияти ва кўзлаган мақсади жиҳатидан жуда муҳим бўлган ислоҳот:

- жамиятта хизмат қиладиган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ёрдам бериши;
- республиканинг мулкчиликнинг турли шакллари асосида кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш йўли билан бозорга киришини таъминлаши;
- марказлаштирилган тартибда бошқариладиган иқти-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

содиётдан марказлаштирилмайдиган бошқаришга ўтишни амалга ошириши;

- бошқаришнинг иқтисодий усуллари жорий этиши;
- иқтисодий рағбатлантириш ва яқка меҳнатни рағбатлантиришни ривожлантириши ва такомиллаштириши;
- бозор инфратузилмасини яратиши;
- янгича иқтисодий фикрлашни ривожлантириш йўли билан турғунликни енгишга ёрдам бериши керак.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши концепциясининг моҳиятини ва аҳамиятини очиб бериш учун унинг энг муҳим қоидаларини кўриб чиқамиз. Уларда иқтисодиётни ривожлантиришда шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари билан, бу соҳага давлатнинг аралашishi чегаралари билан, иқтисодиётнинг сиёсат билан ўзаро таъсири билан боғлиқ масалалар назарий жиҳатдан асослаб берилди.

2.1. Ислоҳотларнинг эволюция йўли

Бозор иқтисодиётига эволюция йўли билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим аҳамиятта эга. Унинг моҳияти шундаки, бозор муносабатларини турмушга татбиқ этишнинг “жадаллаштирилган” усулини тақозо этувчи “жазавали даволаш” ғояси бизнинг республикамиз учун номақбулдир.

Бозор иқтисодиётига “бир онда”, минимум муддатда (100-500 кунда) кириш фикри нореалгина эмас, балки ўз моҳиятига кўра ғайриижтимоий ва асоссиздир. Шунини айтиб ўтиш керакки, кўникиб қолинган турмуш тартибидан, қарор топган тасаввурлардан янгисига ўтиш, фуқароларнинг унга мослашишини ўзиёқ жамият учун жуда

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

машаққатлидир. Чунки бозорга ўтиш фақат биргина хўжалик соҳасини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларини ҳам тубдан ўзгартиришни англатади. Ўз-ўзидан ўтиш, муқаррар суратда ижтимоий ҳаётнинг беқарорлашувини, ишсизликнинг ўсишини, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишини, анъанавий таркиб топган муносабатлар ва ўзаро алоқаларнинг бузилиш кетишини келтириб чиқаришни тасаввур қилиш қийин эмас.

Бозорнинг зиддиятларга тўлиқ тараққиёт тарихи бозор тизимининг номукаммал эканидан, унда салбий жиҳатлар мавжудлигидан дарак бериб турибди. Бу тарих бозорни қўлингиз тегиши биланоқ одамларнинг фаровон турмуш кечиришига ва жамиятнинг гулла-яшнашига олиб келадиган қандайдир “қайнар хумча” дег деб тасаввур қилишга имкон бермайди. Равшанки, цивилизацияли бозор – бир неъматдир, бироқ бу неъматта узоқ муддатли тарихий ривожланиш натижасида эришилади. Лекин шунда ҳам у мунтазам такомиллаштириб боришга, ишсизлик, бировларнинг бойиб кетиши, бошқаларнинг эса хонавайрон бўлиши ва қапшоқлашуви билан боғлиқ жамиятнинг кескин табақаланиши каби салбий ҳодисаларни енгишга муҳтож. Бозорга кўққисдан, сакраб ўтилганида жамият унинг салбий кўринишлари қаршисида ҳимояси қолади.

Ўзбекистонда ислоҳотлар модели белгиланган вақтда бозор муносабатларини эволюция йўли билан ривожлантириш назариясига асосланди, жамиятнинг бозорга босқичма-босқич кириб бориши афзал кўрилди.

Масалага бундай ёндошишнинг инсонпарварлик хусусияти ўтиш даврининг қийинчиликларини юмшатишга,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

унинг табиатига хос салбий жиҳатларни мумкин қадар кўпроқ камайтиришга интилишда намоён бўлади. “Зарур шарт-шароитни яратмай туриб, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, -деб ёзади Ислом Абдуганиевич Каримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, деган китобида, - бозор муносабатларининг белгиларини ўта жадаллик билан, сунъий равишда амалга ошириш кутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини қуриш ғоясига путур етказди”.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг эволюция йўлининг танлаб олинганлиги ўзининг анъанавий оғир-босиқлиги, пухта ўйлаб қарор қабул қилишга руҳан мойиллиги ҳамда тинчликсеварлиги туфайли бир ҳолатдан иккинчисига, айниқса турмуш тарзида, сакраб ўтишга рағбати йўқ ўзбек халқининг фикрлаш тарзига айнан мосдир.

Яна шу нарса ҳам ғоят муҳимдирки, бозор тараққиётининг босқичли жараёни давлатнинг туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни аҳиллик вазиятида, жамиятнинг қўллаб-қувватлашга таяниб амалга ошириш имконини беради. Жамиятнинг иқтисодий ўзгаришларга манфаатдорлик билан интилиши -ислоҳотни самарали амалга ошириш гаровидир.

2.2. Давлат - бош ислоҳотчи

Давлатнинг бошқарувчи вазифаси ролини бажариши иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг яна бир ғоят муҳим шартидир.

Совет давлат ҳуқуқи фани фақат “олий тарихий типдаги” давлатларгина, яъни социалистик давлатларгина умумижтимоий фойдали фаолият кўрсатишга қодир, деб тан

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

олар эди. Бошқа барча давлатлар ўз эксплуататорлик табиатлари туфайли умумий фойдали фаолиятни амалга ошира олмайди, деб ҳисобланар эди. Давлатни бундай талқин қилишга мутлақ даражага етказилган синфий, партиявий ёндашув асос бўлган эди. Бундай ёндошув турли хил давлатлар фаолиятига объектив баҳо беришга йўл қўймас эди. Мафкуравий ёндошишнинг бирёқламалиги социалистик давлатни кўкларга кўтариб мақташда ўз аксини топар эди.

Ҳолбуки, ҳар қандай давлат, қайси хилда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ижтимоий табиатига кўра жамиятта хизмат қилиши керак. Масалан, суғориш тармоқларини ривожлантириш, тўғонлар, дамбалар қуриш, коммуникация тизимини, хизмат кўрсатиш соҳасини барпо этиш ва шу каби ижтимоий ишлар барча замонларда ҳам давлатнинг бошқарувида амалга ошган.

Бозор хўжалиги ҳам ҳамма вақт давлатнинг бошқаруви таъсир доирасида бўлиб келган. Бундай таъсир кўрсатиш зарурлиги ва мумкинлиги бозорнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади. Бозор механизми шунинг учун ҳам ўз табиатига кўра ижтимоийдирки, унда шахсларнинг манфатлари ва эҳтиёжларигина эмас, балки ҳаётнинг бутун хилма-хил қирралари - ортиқча ишлаб чиқариш ёки талаб билан таклиф ўртасида келиб чиқадиган танг ҳолатлар билан боғлиқ номутаносиблик ҳодисалари ҳам, ёки бошқа иқтисодий номутаносибликлар ҳам худди кўзгудагидек акс этади. Бу ҳодисаларнинг ижтимоий табиати жамиятни вужудга келган ноқулай шароитлардан давлат-ҳуқуқий воситалари орқали таъсир кўрсатиб, чиқиб кетиш йўлларини излаш ва топишга мажбур қилади. Шу тариқа давлат бутун жамиятнинг ижтимоий манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни хал қилади. Давлатнинг яратувчанлик роли,

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

айниқса ана шунда намоён бўлади, давлатдан ўзининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишнинг таъсирчан воситаси сифатида фойдаланадиган жамият унинг мавжуд бўлиб туриши ва ривожланишидан манфаатдордир.

Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, иқтисодийётни ривожлантиришда давлатнинг роли масаласи олимлар томонидан узоқ вақт давомида хилма-хил ҳал қилиб келинди. Уни ҳал қилиш йўллари жумласига давлатнинг бозорга таъсир кўрсатиши фойдали эканлигини тан олиш ҳамда давлатнинг таъсирини инкор қилиш ҳам киради. Масалан, классик эркин рақобат даврида мавжуд бўлган “тунги қоровул” назарияси давлатнинг ролини айнан ана шу ифодали номланган вазифадан иборат қилиб қўйган эди. Ушбу назария тарафдорларининг фикрича, давлатдан фақат хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва эркин бозорнинг самарали ишлаб туриши учун шароит таъминлашгина талаб қилинар эди. Соф капитализм давридаги ана шу ва кўпгина бошқа ғояларга кўра, бошқарувчи ролини фақат табиий ривожланадиган бозорнинг ўзигина ўйнайди деб тан олинар эди. Лекин, кўпчилик тармоқларда эркин рақобатни сиқиб қўйган монополиялар вужудга келиб, давлат-монопол хўжалик соҳасининг объектив зарурлиги намоён бўлгач, иқтисодий тараққиётнинг зиддиятли жараёнлари мураккаблашганидан сўнг, давлатнинг бозор жараёнларига аралashiши муқаррар нарса деб қабул қилина бошлади. Ҳозир давлатнинг аралашуви зарурлигига шубҳа йўқ. Бунинг устига, фан давлатнинг бошқарувчанлик роли таъсирчанлигини тасдиқлайдиган кучли далилларни келтиради.

Тарихда давлат аралashiши натижасида иқтисодийёт таназулнинг, танглик ҳолларининг олди олинган кезлар кўп бўлган. Ўз вақтида давлатнинг бошқаруви таъсири ту-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

файли йигирманчи йиллар охири - ўттизинчи йиллар бошидаги иқтисодий тангликнинг ғарб жамияти учун оғир оқибатларининг олдини олишга муваффақ бўлинган эди. Мамлакатнинг инфляция ҳолатидан чиқишига ёрдам берадиган давлатнинг дефляция чоралари ҳам самарали таъсир кўрсатади. Ва, аксинча, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга аралашмаслиги, ҳатто иқтисодий юксалиш даврларида ҳам жиддий ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга давлатнинг бошқарувчанлик родини мутлақлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. У бозорнинг ўзини ўзи бошқариш имкониятига етарли баҳо бермасликка ва худди шунингдек яқка иқтисодий эркинликни мутлақлаштириш - давлатнинг бошқарувчи ролига етарли баҳо бермасликка айланиб кетади. Фақат индивиднинг тadbиркорликдаги эркинлигини давлат таъсирининг тартибга солувчи имкониятлари билан уйғун қўшиб олиб боришгина иқтисодий тизимнинг самарали амал қилишини рўёбга чиқара олади. Бироқ, бундай уйғунлаштиришнинг табиати ва чегаралари ҳар бир ҳолатда муайян мамлакатнинг конкрет-тарихий шароитлари билан белгиланади. Шу сабабли бозор тизимини шакллантириш учун ҳаммабоп намуна бўла оладиган модел йўқ. Бозорга кириб бораётган ҳар бир мамлакат, энг аввало ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

Бозор иқтисодиётига кириб келаётган Ўзбекистонда давлат мавжуд муносабатларнинг бозор муносабатларига тубдан айланиши жараёнининг ташаббускори бўлиб чиқмоқда ва бош ўзгартирувчи родини ўйнамоқда. Бу эса ўтиш босқичида иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг бошқарув роли қонуний равишда ошиб бораётганини аңлатади. Бироқ давлат бошқарув ролининг бундай ошиб

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Маълумот учун материал

Мул-қулчилик ичида очлик - Бенгалиядаги 1943 йилги очарчилик

Кўпинча очарчилик - табиатнинг бахтсиз одамзотдан оладиган ўчи, деб ҳисобланади. Гарчи табиат ҳақиқатан ҳам чегараланган миқёсда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини келтириб чиқариши мумкин бўлса-да, унинг кенг қўламдаги очарчиликка айланиб кетишига инсоннинг ўзи сабаб бўлиши мумкин. Одамлар озиқ-овқат маҳсулотлари йўқлигидан эмас, балки уларни сотиб олишга қурблари етмаганигидан оч қоладилар.

Бенгалияда 1943 йилда юз берган очарчилик нима сабабдан шундай бўлишни кўрсатиб берди. Гарчи ўша вақтда умуман олганда озиқ-овқат тақчиллиги бўлмаган бўлса-да, тўрт миллиондан ортиқ одам бу дунёдан кўз юмган эди. Аслини олганда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган буғдой захиралари 1941 йилдагига қараганда 1943 йилда 9% кўп эди.

Бу очарчилик қисман иқтисодий юксалишнинг натижаси эди. Уруш билан боғлиқ ҳолда иш соҳасида фаолликнинг кескин ўсиши иқтисодига қудратли инфляция таъсири ўтказди, бу эса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини ошириб юборди. Шаҳарларда ишлаётган кишилар бундай нархларни тўлай олар эди. Қишлоқ жойларда деҳқонлар ва бошқа ишчилар ейишга овқат топмастликларини кўрганларидан кейин ҳаётларини сақлаб қолиш умидида шаҳарларга, хусусан Калькуттага минг-минглаб йўл олишди. Чайқовчилик ва харид талабининг кучайиб кетиши нархларни яна ҳам кўтариб юборди.

Эҳтимол, давлат ўз вақтида ҳаракат қилиши, билан очарчиликни тўхтатишга имкон топса бўларди. Бироқ, мустамлакачи ҳукумат ишлаб чиқарувчилар, савдогарлар ва истеъмолчиларнинг оқмини тўхтатиш учун ҳеч иш қилмади. “Ўлмасак - кўрармиз” деган қонини умумий сийсат эди. Қурилган чоралар мулақо старли эмасди, қишлоқ жойларда дон тарқатиш эса - самара бермади. Ҳатто 1943 йил октябрида Калькутта кўчаларида 100000 одам касал бўлиб ётган ва ўлаётган пайтда ҳам ҳукумат очарчилик юз берганини инкор қилмади.

Бунинг натижасида инсон ҳозирги замоннинг энг йирик ҳалокатларидан бирини ўз қўли билан келтириб чиқарди.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

бориши унинг хўжалик фаолияти соҳасига тўғридан-тўғри аралашуви билан юз бераётганини англамайди, асло. У мамлакатда бозор муносабатлари ривожланишига ёрдам берадиган шароитларни яратиш билан чекланади. Давлат бозор иқтисодиётини, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган рақобатни рағбатлантириш ва кучайтириш билан боғлиқ ўзининг бошқарув фаолиятини конституциявий негизда амалга оширади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ давлат “истеъмолчининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”.

Иқтисодиёт соҳасида амалга ошириладиган ўзгаришлар хал қилинаётган вазифаларнинг серқирралиги, бозорни шакллантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бу жараён, биринчидан, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришини қайта ташкил этиш билан; иккинчидан, бозор инфратузилмасини яратиш билан, учинчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилиш билан боғлиқдир.

Қайта ташкил этиш энг аввало илгари мамлакат иқтисодиётини марказлаштирилган тартибда бошқариб келган давлат тузилмаларини тугатишдан бошланди. Булар жумласига Давлат режалаштириш қўмитаси, Давлат нарх қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси киради. Давлат режалаштириш қўмитаси ўрнига Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси тузилди. Давлат таъминот қўмитаси Республика улпуржи ва биржа савдоси акциядорлик жамияти билан алмашинди. Давлат нарх қўмитасини батамом тугатиш асосида Молия ва

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

зирлиги тизимида махсус Демонополиялаш ва монопол юқори нархлар устидан назорат қилиш Бош бошқармаси ташкил этилиб, у 1996 йилда Монополияга қарши қўмитага айлантирилди. Банк тизимида жиддий ўзгаришлар юз берди: тижорат банклари ташкил этишга катта эътибор берилмоқда, чунки тадбиркорлик фаолияти тижорат банкларисиз муваффақиятли ривожлана олмайди. Ислохотлар амалга ошириладиган қисқа муддат ичида Давлат солиқ қўмитаси тузилди, унга Бош божхона бошқармаси бевосита бўйсунди. Кўп укладли иқтисодий ривожлантиришда Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг рағбатлантирувчи аҳамияти каттадир.

Қайта ташкил этишнинг аҳамияти, биринчидан, ўз умрини яшаб бўлган буйруқбозлик тизимининг, иқтисодий буйруқбозлик асосида бошқаришнинг тутатилишидадир, иккинчидан, иқтисодий бошқаришнинг буйруққа эмас, балки тадбиркорлик, хўжалик фаолиятини рағбатлантиришнинг иқтисодий усуллари асосланган мутлақо янги, демократик тизимининг яратилишидадир. Қайта ташкил этиш тоталитар тараққиёт шароитида ишлаб чиқаришни монополия қилиб олган давлатнинг ўзини демонополиялашдан бошқа нарса эмас.

Демонополиялаш жараёни мамлакатнинг ички ҳаёти билангина чегараланиб қолмайди, унинг аҳамияти анча терандир, чунки у фақат давлатнинг ўзининг эмас, балки нодавлат, хўжалик юритувчи, тадбиркорлик тузилмаларининг ҳам бевосита ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради.

Шундай қилиб, иқтисодий муносабатларни янгилаш ўз умрини яшаб бўлган, бозор хўжалиги талабларига мос келмайдиган бошқарув тизимини тутатиш, шунингдек якка

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

тадбиркорликни ва ташаббусни рағбатлантирадиган янги тизимни яратиш йўлидан ҳам бормоқда.

Давлат ислоҳотчилик фаолиятини амалга оширар экан, бозор инфратузилмасини (усиз бозорни тасаввур ҳам этиб бўлмайди) яратмоқда ва такомиллаштирмоқда. Чунончи, қисқа муддат ичида республикада меҳнат биржалари тизими яратилди. 1995 йилдаёқ Ўзбекистонда 240 та меҳнат биржаси бор эди. Агар аҳолининг табиий ўсиши (унинг йиллик ўсиши 2%дан ортиқ) билан боғлиқ демографик хусусиятларни ҳисобга оладиган бўлсак, давлатнинг яширин ишсизликни енгизиш учун кўраётган чора-тадбирлари қанчалик аҳамиятли эканлиги аён бўлади.

Давлат бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида нарх-навони эркинлаштириш сиёсатини қўлламоқда, мажбурий давлат буюртмаларини бекор қилиб, хусусийлаштириш жараёнини рағбатлантирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, давлатнинг ислоҳ қилиш фаолияти янги очиқ бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат бўлмоқда. У бевосита иқтисодий фаолият жараёнига аралашмаган ҳолда, энг яхши шароитларни яратиш йўли билан унинг самарали ривожланишига ёрдам бермоқда. Ривожланиб бораётган бозор шароитида давлатнинг бошқарувчи ролининг хусусияти унинг рағбатлантириш табиатига эга эканлигидадир. Бозор барқарорлашиб борган сари бошқаришнинг бозор механизмлари, жамиятнинг ўз-ўзидан бошқариладиган имкониятлари борган сари катта аҳамият касб этиб бормоқдаки, бу бозорга давлат таъсирини муқаррар суратда чегаралаб қўяди.

Ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчи ролининг аҳамиятига эга бўлишга бозорнинг, унга хос механизмларнинг ривожланмаганлиги, у ҳозирча тараққиётнинг бошланғич босқичида турганлиги сабаб бўлмоқда. Давлат бо-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

зорнинг қарор топишига кўп укладли иқтисодиёт, мулкнинг турли шакллари ва рақобатнинг ривожланишига ёрдам берадиган шароитларни барқарорлаштириш йўли билан мадад бериши керак. Иккинчи томондан, давлат жамиятда юз бераётган табақалашини муносабати билан одамларнинг моддий фаровонлиги даражасида фарқ бўлишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

2.3. Кучли ижтимоий сиёсат

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш - шунчаки мақсад эмас - у инсон учун, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, манфаатлари ва эҳтиёжлари рўёбга чиқишига шароит яратиш учун амалга оширилади. Айни вақтда, бозор иқтисодиётига ўтиш бир қатор ижтимоий муаммоларнинг вужудга келиши билан - жамиятнинг табақалашуви, инфляция, ишсизлик, турмуш даражасининг пасайиши, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви билан бирга юз беради. Маълумки, ҳамма ижтимоий тузилмалар ҳам бозорга мос келавермайди. Ҳар бир жамиятда шундай соҳалар мавжудки, уларнинг маҳсулотини маълум даражада шартли равишда “товар” деб аташ мумкин, булар - фан, санъат, таълим, соғлиқни сақлашдир. Мазкур соҳаларнинг вакиллари бозор сари ривожланиш шароитида ҳаммадан кўра камроқ ҳимояланган бўлади. Ногиронлар, болалар, пенсионерлар ёки ўқувчилар каби ижтимоий гуруҳларнинг аҳволи оғирроқ кечади. Бозор ҳар қанча ўзини ўзи бошқариш имкониятига эга бўлмасин, ана шу гоят мураккаб муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат зарур.

Бундай сиёсатнинг моҳияти шундаки, давлат бутун жамиятни аниқ ишлаб чиқилган, янги бозор муносабатларига ўтишни юмшатадиган ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олишга ҳаракат қилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Ўзбекистонда жамиятни ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадни кўлаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва воситаларнинг бутун бир тизими билан таъминланмоқда. Булар жумласига қуйидагилар киради.

- иш билан бандлик хизматини вужудга келтириш;
- давлат корхоналари, ташкилотлари тизимида иш жойларини таъминлаш;
- аҳолининг энг кам таъминланган табақаларига аниқ адресли ёрдам кўрсатиш;
- миллий даромадни қайта тақсимлаш;
- дефляция чоралари;
- бепул тиббий ёрдамни сақлаб қолиш;
- бепул таълимни сақлаб қолиш;
- илмий салоҳиятни сақлаб қолиш.

Ана шу чора-тадбирларни амалга ошириш бозор та-раққиётининг одат тусига кирмаган хусусияти туфайли келиб чиқадиган руҳий тарангликни йўқотишга ёрдам бериши керак. Шу билан бирга ўтиш даврининг ижтимоий сиёсати одамларда тоталитар тузум томонидан шакллантирилган боқимандалик кайфиятини енгитишга, уларда бозор шароитида зарур бўладиган тадбиркорлик ва мустақилликни уйғотишга ҳам қаратилган.

Бозорнинг ривожланиши одамларнинг иш билан бандлиги муаммосини тубдан ўзгартириб юборади, чунки хусусий шуббанинг аҳамияти борган сари ошиб боради. Масалан, республикада хусусий фирмалар сони 1992 йилда 4 минг 634 та; ташкил этган бўлса, биргина 1995 йилнинг ўзида эса 60 мингдан ортиқ хусусий фирма вужудга келди. Шунга мувофиқ ҳолда давлатта қарашли ва хусусий шуббаларда ишлаётганлар сонининг ўзаро нисбати ҳам ўзгаради, бу ҳол омилкорлик, профессионализм, малака ва шу каби бошқа муаммоларни келтириб чиқармаслиги мумкин эмас.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Ишсизлик муаммоси - бозор иқтисодиётининг муқаррар йўлдоши бўлиб, у шубҳасиз, ишсизлик бўйича нафақалар жорий этиш, иш билан бандлик хизматини ва иш билан бандлик фондини ташкил этишга қаратилган ижтимоий сиёсатда ҳисобга олинади. Иш билан бандлик фондига ҳар бир корхона, масалан, иш ҳақи фондининг икки фоизини ажратиши шарт.

Давлат соғлиқни сақлаш, таълим, фанни ривожлантиришга, болалар ва оналарга нафақалар беришга, камбағаллар ва кам таъминланган oilаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта миқдорда маблағлар сарфламоқда. Ана шу ижтимоий эҳтиёжларга қилинадиган давлат ҳаражатлари барча давлат чиқимларининг деярли 40 фоизини ташкил этмоқда.

Ўтиш даври ижтимоий сиёсатининг кучи ва аҳамияти унинг инсонга, уни ҳимоялашга инсонпарварларча қаратилганидан иборат. Бироқ бу ҳол кейинчалик, республика бозор иқтисодиётига барқарор ва қатъий суръатда кириб борганидан кейин унга эҳтиёж қолмайди деган маънони англатмайди асло. Ўтиш даври шароитида таркиб топадиган ижтимоий ҳимоя тизими, табиийки, келажакда ўзгариб бораётган аниқ тарихий шароитларга мувофиқ ҳолда тегишли суръатда янгиланади, лекин ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт шароитида унга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон йўқолмайди. Демократик йўсинда ташкил этилган давлатнинг моҳияти ана шунда кўринади.

2.4. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуңлиги.

Ислоҳ қилишнинг амал қилинадиган тамойилларидан бири - иқтисодиётни мафкурадан озод қилиш, уни мафкуранинг бўғиб қўядиган таъсиридан ҳалос қилишдан иборат.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, мафкурадан озод қилиш ҳеч қачон умуман мафкурадан воз кечишни англамайди, чунки бирорта ҳам жамият ижтимоий онгининг санъат, дин, сиёсат ёки ахлоқ каби турли шаклларда муҳассамланган муайян ғоялар, тасаввурлар, тушунчалардан ташқарида ривожлана олмайди. Бу ерда гап у ёки бу жамиятда расмий давлат мақомини оладиган мафкуранинг роли ва аҳамияти ҳақида борадики, шу туфайли бошқа барча, нодавлат мафкуралари “қонунсиз”лар тоифасига ўтибгина қолмасдан, балки давлат томонидан камситилади ва таъқиб қилинади. Бундай ҳолларда жамиятда мафкуравий чиқишмаслик муҳити вужудга келадики, бу ўз оқибатлари жиҳатидан ғоят ҳавfli ва ҳалокатлидир. СССРда, шунингдек бошқа барча социалистик мамлакатларда - марксча-ленинча мафкурани бирдан-бир тўғри ва барча илмий ҳулосалари бенуқсон деб тан олинган эди. Бу мафкурага муносабат одамнинг сиёсий жиҳатдан ишончилигини аниқлаш мезони бўлиб хизмат қилди. Унинг қоидаларига танқидий ёндошиш у ёқда турсин, ҳатто ҳар қандай шубҳаланиш ҳам давлат тузумига таҳдид деб баҳоланди.

Ана шу ҳаммаёқни қамраб олган сиёсий мафкуранинг қоидалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига - давлат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, маънавий-ахлоқий соҳаларга сингиб кетган эди. Давлатнинг бирламчилиги, инсон унинг манфаатларига хизмат қилиш ғояси жамоатчилик онгига ўрнаштирилган эди. Одамдан “олий давлат манфаати” устун бўлиб, унинг ўзи давлатнинг қўшоғига айланиб қолган эди. Давлат инсон манфаатларига хизмат қилиши ўрнига, аксинча фуқаро давлатнинг ҳукми остига тушиб қолар, ўз хизмати, оладиган иш ҳақи, стипендияси, пенсияси, квартираси ва таълимини давлат томони-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

дан инъом қилинган жуда катта неъмат деб ҳисоблар эди. Шу тариқа “бахтли болаликни”, “халқлар дўстлигини”, “халқ душманларидан” ҳимоя қилишни таъминлайдиган “васий давлат”, “валенеъмат давлат” образи вужудга келди.

“Давлат манфаати”ни рўқач қилиш жамоатчилик онгида бу манфаатда ижтимоий манфаатларнинг хилма-хил кўринишлари жамланади деган хомхаёлни яратишга мўлжалланган эди. Бироқ ҳақиқий воқеликда “давлат манфаати” аслида, ё партия амалдорларининг худбинлик манфаатларини, ёки тор гуруҳнинг идоравий манфаатларини, ё бўлмаса унисини ҳам, бунисини ҳам ифодалар эди.

Ҳаётта сиёсат кўзгуси орқали қараш жамиятнинг ҳар бир аъзосида тарбияланди ва шакллантирилди. Сиёсатта аралашмасликка йўл қўйилмас эди, у жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка олиб борадиган жиноятга тенглаштирилар эди. Лениннинг ҳаммага маълум бўлган сиёсат “иқтисодиётнинг мужассамлаштирилган ифодаси” деган таърифи совет юридик фанида яна ҳам машҳурроқ бўлган “ҳуқуқ - сиёсатнинг мужассамлашган ифодаси” деган иборага айланиб кетганлиги тасодифий эмас. Жуда катта кўпмиллатли мамлакатнинг бутун ижтимоий ҳаёти тоталитар тузум томонидан сиёсатнинг мужассамлашган ифодасига айлан-тириб юборилган эди, чунки унинг бошқарувчи таъсири кириб бормаган бирорта соҳа қолмаган эди.

Мамлакат иқтисодий сиёсатининг ривожланиши ҳам сиёсатнинг зуғумли таъсири остида эди. Сиёсат билан иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро нисбат асло иқтисодиёт фойдасига эмасди ва бу ҳол аниқ мақсадга қаратилган хўжалик фаолияти натижасида даромад олиш билан боғлиқ энг оддий талабларга ҳам менсимай қарашда намоён бўлар эди. Дикқат марказида инсон, унинг манфаатлари ва

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

эҳтиёжлари эмас, балки режа, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сони, “нима қилиб бўлса ҳам режани бажар” деган буйруқ оҳангидаги талабда ёрқин ифодаланган машҳур ялпи маҳсулот турар эди.

Иқтисодий мақсадга мувофиқликни менсимаслик хўжалик тараққиётининг экстенсив йўлдан боришида, якка шахснинг эркинлигини бўғиб қўядиган ҳуқуқий таъқиқлар, охири кўринмайдиган чекловларда ўз ифодасини топар эди. Шуниси жуда қизиқки, қайта қуриш жараёни авжига минган бир пайтда - 1986 йил май ойида амалда якка меҳнат фаолиятини таъқиқлаб қўядиган қонун қабул қилинган эди. Дарвоқе, бу қонун иқтисодий тараққиёт қонунлари билан мос келмаганлиги туфайли иш бермади. Лекин қабул қилинишининг ўзиёқ диққатта сазовордир.

Сиёсатнинг устун таъсири, шахснинг хоҳиши ва манфаатларини, иқтисодий мақсадга мувофиқликни инкор этиш иқтисодий жараёнларга салбий таъсир кўрсатди, халқ хўжалигини фалокат ёқасига олиб келди.

Мафқуранинг таъсирини йўқотиш иқтисодий тараққиётда сиёсий омилнинг аҳамиятини, унинг мақсадларини, умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясини белгилашдаги ролини инкор этмайди асло. Мафқуранинг таъсирини йўқотиш иқтисодий ва сиёсий омилларни уйғунлаштиришдан, иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устун аҳамиятга эга бўлишидан, иқтисодиётни ички тараққиёт қонунларига зид бўлган ўзбошимчалик, сиёсий бошқарув усулидан озод қилишдан иборатдир.

2.5. Қонуннинг устулиги

Буюк аждодимиз Амир Темури ўзининг машҳур “Тузуклар”ида “Тегишли тартиб ва қонунларга риоя қилиш”

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Ўз тақдирининг ва муваффақиятларининг асоси бўлганлигини ёзган эди.

Кўрамизки, ҳуқуқнинг ҳукмронлик ғояси янгилик эмас, қадим замонлардаёқ келиб чиққанлиги унинг умумий ижтимоий қадрини таъкидлайди. Бу ғоя Янги даврнинг феодал қонунсизлик ва ўзбошимчалик ҳодисаларига, имтиёзлар ва табақавий чеклашлар тизимига, ижтимоий тенгсизликка барҳам беришга ҳаракат қилган файласуфлари асарларида янада ривожлантирилди ва чуқурлаштирилди. Буюк мутафаккирлар Д.Локк, Г.Граций, Ш.Л.Монтескье, И.Кант, Д.С.Милль ва бошқалар давлат ва ҳуқуқ масалаларида энг аввало инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қондасига асосланар эдилар. Вольтер Франциянинг пенитенциар тизимида ҳукм суриб келган феодализм, шафқатсизлик қолдиқларига қарши қанчалик кескин кураш олиб борганликлари маълум.

Янги давр мутафаккирлари шафқатсизликни, ҳокимият ўзбошимчалигини, ўрта аср даҳшатларини қош қилиб, қонуннинг устуңлиги, айбсизлик презумпцияси, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ғоясини шакллантирдилар. Улар одил судловни, унинг мустақиллигини ҳимоя қилиб ҳамда ўлим жазосини бекор қилишни, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглигини ёқлаб чиқдилар.

Фуқаро учун,- деб ёзган эди Ш.Монтескье,- сиёсий эркинлик ўзининг хавфсизлигига ишонишга асосланган руҳий хотиржамликдир. Ана шу эркинликка эга бўлиш учун шундай бошқарув керакки, унда бир фуқаро иккинчисидан кўрқмайдиган бўлсин. Ана шундай ишончни инсонга давлат ҳокимияти томонидан жорий қилинган ва руҳсат берилган ҳулқ-атвор қоидаларининг жами ўлароқ ҳуқуқ таъминлаб беради.

Бироқ ҳар қандай ҳуқуқ ҳам инсонга бу қадар қатъий

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ишончни яратиб беришга қодир эмас. Масалан, совет тоталитар воқелигида мавжуд бўлган мажбурий меҳнат тизими инсоннинг меҳнатга ўз муносабатини белгилаб олишида эркинликни истисно қилар эди. Меҳнат қилишдан иборат юридик бурч конституция даражасида мустақамлаб қўйилган эди. Чунончи, СССР Конституциясининг 60-моддаси ижтимоий-фойдали меҳнатдан бош тортиш социалистик жамият қоидалари билан сиғишмаслигини белгилаб қўйган эди. Ана шундай Конституциявий чегаралаш мавжуд бир шароитда шахснинг иқтисодий мустақиллиги ҳақида гапиришга ўрин ҳам бўлмаса керак. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти ҳукм сурган мамлакатларда меҳнат қилиш эркинлиги тамойили эълон қилинади. Инсон реал иқтисодий эркинликка эга, меҳнат қилиш ёки қилмасликни унинг ўзи ҳал қилади, унинг ўзи у ёки бу фаолият турини танлаб олади. Бундан ташқари, мажбурий меҳнатни қонун таъқиқлаб қўйди, инсоннинг ишни эркин танлаш ҳуқуқи 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида энг муҳим тамойиллардан бири сифатида мустақамлаб қўйилганлиги жуда муҳимдир.

Бозор тараққиёти йўлига кирган Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ривожланган демократик ҳуқуқий давлатлар ҳамжамиятига қўшилишга ҳаракат қилмоқда ва бунда бозор ҳужалигини юритишнинг умумтомонидан қабул қилинган қоидаларга амал қилинмоқда. Давлат-ҳуқуқий амалиётида бу интилишнинг реал ифодаси бўлиб, республикада мажбурий меҳнатнинг конституция йўли билан таъқиқланиши (37-модда) мисол бўла олади. Ушбу қонданинг мустақамлаб қўйилиши индивиднинг иқтисодий эркинлиги учун ҳуқуқий негиз яратади, бу эркинлик эса ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг зарур шартидир.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Республикада амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳот мустақил Ўзбекистон умумий ислоҳотлар йўлининг таркибий қисмидир. Ҳуқуқий ислоҳотнинг амал қилиш доираси фақат ўзига хос ҳуқуқий майдон билангина чекланиб қолади деб ўйлаш нотўғри бўлур эди, чунки ҳуқуқий ислоҳотнинг ўзгартирувчи кучи ижтимоий ҳаётнинг ғоят хилма-хил соҳаларини қамраб олади. Ҳуқуқий ислоҳот бўлмас экан, сиёсий тизимни ёки иқтисодий ҳаётни самарали ислоҳ қилишга умид боғлаш ҳам мумкин бўлмайди. Бу соҳаларни ислоҳ қилиш барча ҳолларда ҳам ҳуқуқий шаклда амалга оширилади. Давлат комплекс тарзда ислоҳ қилишга киришар экан, энг аввало ана шу ғоят масъулиятли жараённинг конституциявий негизини яратишга киришганлиги тасодифий эмас. Мустақил Ўзбекистон конституциясида шундай асосий қоидалар, юридик йўл-йўриқлар белгилаб қўйилдики, улар асосида фақат сиёсий соҳадагина эмас, балки ҳаётнинг иқтисодий, шунингдек маънавий-ахлоқий соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Ҳуқуқий ислоҳот амалга оширилмас экан, демонополизацияни ҳам, давлат тасарруфидан чиқаришни ҳам, мафкура таъсиридан чиқишни ҳам амалга ошириб бўлмайди, шу сабабли туб ўзгаришлар жараёни қонунлар орқали ва улар ёрдамида амалга оширилади.

Чинакам демократик давлатда қонун олий юридик кучга эга, шунинг учун ҳам у олий ҳокимият органи томонидан яратилади. Бинобарин, ҳар бир қонун ҳужжатининг юридик кучи уни қайси давлат органи қабул қилишига боғлиқ ҳолда белгиланади. Қонунни фақат вакиллик органи қабул қилиши мумкин, бу унинг мутлақ ҳуқуқидир. Бошқа давлат органлари, масалан, ҳукумат ҳужжатларига келсак, улар қонун асосида, қонунга мувофиқ ва уни ба-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

жариш юзасидан қабул қилинади. Шу сабабли бундай ҳужжатлар қонун асосидаги ҳужжатлар деб аталади. Низоли ҳолатларда юридик кучи қонуннинг кучидан беқиёс даражада паст бўлган қонун асосидаги ҳужжат эмас, балки қонуннинг ўзи амал қилади. Ҳудди шунинг учун ҳам қонун қонун асосидаги ҳужжатга нисбатан устун туради. Лекин унинг устунлиги анча кенг маънода тушунилади, яъни унга жамиятнинг беистисно ҳамма аъзолари бўйсуниллари керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устунлиги қондасини мустақкамлаб қўйиб, ўзининг ҳуқуқий давлат тузишга интилаётганлигини эълон қилди. Бу давлатда ҳокимиятнинг бўлиниши ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари ҳамма ҳолларда ҳам ҳуқуқнинг бирламчилигини таъминлайди.

Қонуннинг устунлигини мустақкамлаб қўйиш жамият учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у фуқароларга, давлатнинг ўзига, унинг органлари ва мансабдор шахсларига қонунларга мувофиқ иш олиб бориш мажбуриятини юклайди ва бу билан одамларнинг юз бериши мумкин бўлган зўравонликдан ҳимояланишнинг кафолатлайди.

Қонунга ҳурмат билан қараш, унинг талабларига риоя қилиш - ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролар жамиятини шакллантиришнинг зарур шартидир.

3.0. Бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришда давлатнинг роли

Мустақил Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишни ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг ягона давлат шакли ҳукм сурган режаланштирилган хўжалик тизимидан бошлади. Ислоҳот йилларида давлат органларининг тузилиши тубдан ўзгарди ва бу ҳақда юқорида айтиб ўти-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

лди. Республиканинг иқтисодиётида ҳам жуда муҳим ўзгаришлар юз берди. Ислоҳотларнинг иккинчи bosқичи-да иқтисодиётда ҳам хусусийлаштириш натижасида, ҳам тадбиркорлик ташаббуси учун имкониятлар яратиб бериш ҳисобига мулкчиликнинг нодавлат хусусий шакллари қарор топмоқда. Тармоқ бозорларини монополиядан чиқариш изчиллик билан амалга оширилмоқда ва рақобатчилик муносабатлари ривожланиши учун шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва унинг истиқболларига ишониб, республиканинг очиқ иқтисодиётига бир ярим мингдан ортиқ чет эллик инвесторлар ўз маблағини олиб кирди. Булар орасида бутун дунёга машҳур фирмалар ҳам оз эмас. Барқарорликни сақлаб қолтиш ва ислоҳотларни изчил амалга ошириш билан бирга Ўзбекистон ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасликка муваффақ бўлди - республикадаги аҳвол кўпгина иқтисодий кўрсаткичлар бўйича собиқ советдаги бошқа мамлакатлар, шу жумладан Марказий Осиё минтақасидагиларга нисбатан ижобий жиҳатлари билан фарқланади. Энг муҳими эса - ислоҳотлар жараёнлари ривожланиб боргани сари тобора оммавийлашмоқда, уларга мамлакатимизнинг бутун ҳудудидаги аҳоли жалб этилмоқда. Одамлар, бериб қўйилган имкониятлардан фойдаланиб, давлат корхоналарини эмас, балки ўз корхоналарини очмоқдалар, энг яхши натижаларга эришмоқ учун меҳнатни ўзлари ташкил этмоқдалар, бу эса кўпроқ пул ишлаб топиш ва оиланинг моддий имкониятларини кўтариш йўлидир; республикадаги барча аҳоли пунктларида шундай бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат қурилишининг, мамлакат ҳўжалиги асосий жиҳатларининг конституциявий ўзгаришларига мувофиқ иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсир кўрсатиш вазифалари, йўналишлари ва усуллари ҳам бо-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

шқача бўлиб қолди. Давлатнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги ҳозирги ролини аниқроқ тасаввур этиш уни бошдан-оёқ режалаштириш, буйруқбозлик-маъмуриятчилик иқтисодиётига асосланган аввалги роли билан таққослаш кифоя.

3.1. Иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқариш қоидалари

Бошдан-оёқ режалаштириладиган иқтисодиёт шароитида барча асосий хўжалик нисбатлари давлат томонидан белгилаб берилар эди. Давлат органларининг ҳар бир корхонага директив топшириқлари корхона фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичлари: маҳсулот ҳажми, ассортимент ва нарҳларини белгилаб берар эди. Ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчиларни ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмол қилувчиларни танлаш ҳам давлатга боғлиқ эди. Корхонага меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани жорий этиш, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантириш ва ҳоказолар бўйича режа топшириқлари юқоридан берилар эди. Корхона муҳим аҳамиятта эга бўлмаган кичкинагина масалалар доирасини мустақил ҳал қилиши мумкин эди. Бошқача қилиб айтганда, бошдан-оёқ режалаштириладиган иқтисодиёт учун максимал даражада бошқариш қойдаси хос, яъни: марказлаштирилган тартибда бошқариш мумкин бўлган ҳамма иқтисодий жараёнлар давлат органлари ихтиёрига олинган эди.

Бозорга ўтиш, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари яратиш жараёнида бозор иқтисодиётига хос бўлган ўз-ўзини бошқариш механизмлари - бозор муносабатлари иштирокчиларидан ҳар бирининг максимал даражада фойда олишга интилиши, рақобатчилик шароитлари ва шу

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

кабилар ишга киришди ҳамда борган сари кўпроқ таъсирчан бўлиб бормоқда. Бозор иқтисодиётида хўжалик нисбатларининг асосий бошқарувчиси - бозорнинг ўзидир. Давлат бошқаруви эса бошдан оёқ режалаштириладиган иқтисодиётдагига қараганда мутлақо бошқа қоидалар асосида: зарурият ва етарлилик қоидалари асосида амалга оширилади. Мазкур бошқарув хўжалик юритишнинг бозор муносабатлари бирон бир сабабларга кўра кам самарали бўлган соҳаларидагина ёки бу соҳада давлатнинг бошқаруви анча мақсадга мувофиқ, фуқаролар, жамият ва давлатнинг манфаатларига жавоб берадиган деб ҳисоблансагина қўлланилади.

Ҳатто бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган мамлакатларда ҳам хўжалик юритишнинг айнан қайси соҳалари ва қай даражада давлат томонидан бошқарилиши кераклиги ҳақидаги тасаввурлар аниқ шарт-шароитларга, анъаналарга, турмуш тарзига қараб фарқланади. Масалан, Японияда давлатнинг бошқариш доираси Германиядагидан бошқачадир. Швецияда давлат иқтисодий жараёнларга Кўшма Штатлардагига нисбатан анча фаолроқ таъсир кўрсатади. Бироқ шу билан бирга бошдан оёқ режалаштириладиган иқтисодиёт ҳукм сурган мамлакатларни бозор иқтисодиёти мавжуд мамлакатлардан фарқлантириб турадиган умумий қоида бор. Режалаштиришга асосланган иқтисодиётда давлат бошқаруви хўжалик нисбатларининг асосий бошқарувчисидир. Бозор шароитида давлатнинг бошқаруви бошқача роль ўйнайди - иқтисодий механизмлар ўрнини босмасдан, балки уларнинг амал қилишига ёрдам беради.

Иқтисодиётни мафкурадан ҳоли қилиш, уни сиёсий зуғумдан қутқариш, хўжалик жараёнларини аввалгидек авторитар усуллар билан эмас, балки ҳуқуқий усуллар би-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

лан бошқариш, қонуннинг устувлигини қарор топтириш каби қондалар ислоҳотларнинг Ўзбекистон моделига асос қилиб олинди. Иқтисодиётда давлат бошқарувининг мақсадлари, ҳажми ва воситаларини тубдан ўзгартириш бозорга реал ўтишнинг зарур шarti деб эътироф этилди.

Бозор ҳўжалиги мавжуд мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётдаги роли постсоциалистик давлатларда ислоҳотлар даврида зарур бўлганидагига қараганида анча камдир. Бундай аҳвол учта сабаб билан изоҳланади.

Биринчи сабаб - бозор қарор топиш босқичида турар экан, унинг ўзини-ўзи бошқариш лаёқати ҳали унча катта эмас, бозор механизмлари ҳамма вақт ҳам юқоридан буйруқбозлик-маъмурий таъсир кўрсатиш анъаналарига ва қуйидан боқимандалик кайфиятига қаршилиқ кўрсата олмайди.

Иккинчи сабаб - давлат аввалги режаланштириладиган иқтисодиётда бош ролни ўйнаганлиги сабабли, етарли даражада тайёргарлик кўрмасдан ундан четлашиш муқаррар суратда ҳўжалиқ ва у билан бирга ижтимоий беқарорликни келтириб чиқаради. Собиқ социалистик мамлакатлардаги бозор йўналиши сийсатчиларининг ана шу йўлдан боришга уриниши бу уринишнинг жуда ҳатарли эканлигини ишонарли тарзда исботлади.

Ниҳоят учинчи сабаб. Бозор муносабатларининг қарор топиш тарихи асрларга тенг бўлиб, равнақ топиш даврларидан то аҳолига катта-катта кулфатлар келтирувчи сурункали тангликлар ва фалокатларга қадар жуда катта ўзгаришларни бошидан кечирган. Ривожланган мамлакатларда бозорнинг ўзини-ўзи бошқариши билан давлат бошқарувининг мутаносиб уйғунлашувини қарор топиши туфайлигина бу фарқ қисқариб ривожланиш барқарорлашади. Бозорга ўтиш даврида тарих сабоқларидан юз

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ўтириш, ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги тажрибасидан фойдаланмаслик кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди.

Учала сабаб мажмуи бозорга ўтишнинг давлат томонидан бошқарилишини зарур қилиб қўймоқда. Ўзбекистонда қабул қилинган ислоҳотлар моделига кўра айнан давлат бош ислоҳотчидир. Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” деган китобида айтилганидек, мураккаб ўтиш даврида давлат “халқ манфаатлари йўлида ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчиллик билан амалга ошириш шарт...”.

3.2. Давлат бошқарувиининг устун йўналишлари

Ислоҳотлар даврида давлат бошқаруви вазифаларининг табиатига қараб, уларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифа айнан ўтиш даври билан, бозорнинг самарали ишлаши учун шароитлар яратиш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади. Иккинчи тоифага бозор механизмларини тuzатиш ва тўлдириш билан боғлиқ вазифалар гуруҳи киради.

Биринчи гуруҳнинг устун йўналишлари жумласига ҳуқуқий базани яратиш ҳамда хусусийлаштирилган мулкни вужудга келтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, монополиядан чиқариш ҳамда рақобатлашув муҳитини шакллантириш учун шароитлар таъминлаш киради. Шунингдек унга очиқ иқтисодиёт ҳисобига тармоқ бозорларига чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг инвестициялари ва товарларини жалб қилиш, жаҳон стандартлари бўйича рақобатлаша оладиган ўз маҳсулотини чиқариш ҳам киради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Иккинчи гуруҳ бозор иқтисодийети ҳукм сурган ҳар қандай давлатга хос бўлган ресурсларни тақсимлашга тизимли қилиш, даромадларнинг бир қисмини ижтимоий дастурларга мувофиқ қайта тақсимлаш, умуман бутун давлат барқарорлигининг таркибий қисми ўлароқ иқтисодий барқарорликни таъминлашни ўз ичига олади.

Шаклланиб бўлган бозор ҳўжалигида иқтисодийетнинг амал қилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш соҳасидаги фаолият асосан амалдаги қонунларга риоя қилиш ва уларни бажаришни назорат қилишдан, уларга зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан иборат бўлади.

Ислоҳотлар босқичида эса кенг кўламли ва мураккаб вазибалар туради, бу вазиба бозор ҳўжалигини юриштирининг тамомила янги ҳуқуқий базасини яратишни тақозо этади.

Ислоҳотлар бошида Ўзбекистон ихтиёрида бўлган ҳўжалик соҳасидаги қонун ҳужжатлари бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик қоидаларини мустақамлар, ҳаддан ташқари мафқуралаштирилган ва марказлаштирилган тартибда режалаштириш руҳи билан суғорилган эди. Бундан ташқари, республикамизнинг қонун ҳужжатлари умумиттифоқ қонун ҳужжатларига мослаштирилган ҳамда бу ҳужжатлар республиканинг хусусиятларини ҳисобга олмас эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор йўлини мустақил равишда танлаб олар экан, унинг олдида қонун ҳужжатларини, шу жумладан ҳўжаликка доир қонун ҳужжатларини ҳам иқтисодий ва ижтимоий ўзгартишларга мувофиқ тубдан янгилаш зарурати пайдо бўлди.

Иқтисодийетни ислоҳ қилишнинг ўзимизга хос модели бозор ривожланган, ҳатто тараққий топган бошқа мамлакатларнинг ҳам қонун ҳужжатларидан кўр-кўрона фойдаланиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

республикада хўжалик соҳасидаги қонунчиликнинг жаҳон тажрибаси кенг ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ўзбекистонда амал қилиб турган кўпгина қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар обрўли халқаро ташкилотлар, хўжалик ҳуқуқи соҳасидаги таниқли мутахассислар томонидан экспертиза қилиб баҳоланди.

Нисбатан қисқа муддатда ислоҳотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Президентлик бошқарув шакли, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг яқиндан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги конституциявий қоидалар бу тизимга асос қилиб олинди.

Ана шу ўзаро ҳамкорликнинг шаклантирилган ва амалиётда синовдан ўтган механизми И.А.Каримовнинг асарларида батафсил таърифланган. Жуда умумлаштирилганда бу механизм қуйидаги келтирилган схема асосида ташкил этилади ва амал қилади.

Республикада ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари Ўзбекистон Республикаси давлати ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи Президент ташаббуски билан белгиланади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Фармонларда қабул қилинаётган қарорларнинг мақсад йўналишлари, уларни рўёбга чиқариш усуллари белгилаб берилади.

Фундаментал, барқарор узоқ вақт амал қиладиган меъёр ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида акс эттирилади. Ислоҳотлар чуқурлашиб ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тажрибаси тўпланиб борган сари қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган олий давлат вакиллик органи - Олий Мажлис қонунларга зарур қўшимчалар ва ўзгартишларни киритади. Мутлақо янги қонунчилик шакллангани сари уни тизимлаштириш, ҳуқуқнинг асосий тармоқлари бўйича йирик

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

кодификацияланган ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Президент фармонларида баён этилган қоидалар ҳукуматнинг қарорларида батафсил ёритиб берилади ва конкрет чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Республика ҳукумати - Вазирлар Маҳкамаси - қарорлар қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислоҳотларни тезкор суратда давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаради.

Ислоҳотларнинг боришига жиддий суратда таъсир кўрсатувчи қарорлар олдин кенг кўламда муҳокама қилинади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида махсус Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилган. Кенгашнинг асосий вазифалари жумласига республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш иқтисодий жараёнларни давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг энг самарали чора-тадбирларини белгилаш ва бошқалар кирди. Идоралараро кенгашнинг фаолияти муҳим қарорларни тайёрлаш чоғида кенг доирадаги фикрларни ҳамда мутахассисларнинг тавсияларини ҳисобга олиш имконини бермоқда.

Ислоҳотлар жараёнини давлат томонидан бошқаришнинг пухта ишланган тизими нисбатан қисқа муддат ичида республика иқтисодиётининг бозорга ўтиши учун яхлит меъёрий базасини яратиш имконини берди.

Давлат бошқарувининг ўтиш даври хусусиятлари, бозор механизмларини ҳамда хусусийлаштирилган мулкни шакллантириш билан боғлиқ биринчи гуруҳ вазифаларини ҳал қилишда оммавий суратда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг ҳуқуқий жиҳ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

атдан муваффақиятли таъминланганлиги алоҳида роль ўйнади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда қонун ҳужжатларининг ана шу тармоғини ташкил этган бошқа меъёрий ҳужжатлар ислоҳотларнинг Ўзбекистон моделини тавсифлайдиган дастурий қоидаларга асосланади.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар - Буюк Британия, Япония, Франция ва бошқаларда ҳам амалга оширилмоқда. Рақобатта бағишланган, қуйида баён этиладиган бобда давлатнинг монопол тармоқларни бошқариш билан боғлиқ бошқа вазифалари қаторида алоҳида олганда фойда келтирмайдиган ва тadbirkorlarни қизиқтирмайдиган, лекин жамият учун зарур ҳамда бутун мамлакатнинг хўжалик тизимида катта роль ўйнайдиган айрим корхоналарнинг, иқтисодиёт шўбаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, молияланиши кўрсатиб ўтилади. Бундай корхоналар иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб борган сари давлат шўбасидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади, яъни хусусий эгалikka сотилади. Бироқ советдан кейинги мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, хусусийлаштиришнинг мислсиз катта қўламларни талаб қиладиган мутлақо янги вазифалари намоён бўлди. Ривожланган мамлакатларда бўладигандек, давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан чекланган структуравий ўзгаришларни амалга ошириш эмас, балки аслини олганда бозорга ўтишнинг асосий муаммосини ҳал қилиш - кўп укладли хўжаликни шакллантириш керак эди.

Кенг қўламдаги хусусийлаштириш ишларини амалга оширишда советдан кейинги ҳар бир давлат ўз тажриба-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

сини тўплади. Хусусийлаштиришнинг турли мамлакатларда амалга оширилаётган вариантлари ўзларининг муҳим вазифалари, механизмлари, бориш суръати жиҳатидан бири-бирдан жуда фарқланади.

Ўзбекистон Россиядан қабул қилинган чеклар - ваучерлар ёрдамида хусусийлаштириш ғоясидан воз кечди. Бу ғояни бир қатор чет эллик экспертлар бизнинг республикамиз учун ҳам таклиф қилган эди. Ҳозир “ваучерли” хусусийлаштириш қандай ривожланганлигини кўрганимиздан кейин у ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқармаслиги ва жуда қисқа муддатда, тахмин қилинганидек, кўп сонли мулкдорлар қатламини вужудга келтирмаелиги аён бўлди. Аксинча, турли молия компаниялари, фондлари ва шу кабилар пайдо бўлиб, улар ваучерларнинг эгалари беҳабарлигидан фойдаланиб, уларни сув текин сотиб олдилар. Шундай қилиб, “ваучерлаш” ўртача даражада ўзига тўқ қатламнинг шаклланишига эмас, балки бойлар ва камбағалларга янада кўпроқ ажралишга олиб келди. Бундан ташқари, ваучерларни сотиб олган кўпгина компаниялар тез орада хонавайрон бўлиб, иқтисодий беқарорликни кучайтирди ва осон эришилган нарсанинг қадри бўлмайдиган деган бозор ҳақиқатини тасдиқлади.

Ўзбекистонда қабул қилинган хусусийлаштириш қоидалари қуйидаги жиҳатларга эга.

Биринчидан, давлат мулки янги мулкдорга сотиш йўли билан мулкнинг бошқа шаклига айлантирилади. Бунинг маъноси шундаки, мулкни сотиб олувчилар уни аввалги текисчилик тизими анъаналари бўйича шунчаки қўлга кирган, нима сабабдан олинганлиги номаълум бир нарса деб идрок этмасин. Мулкни сотиб олган одам буни англаб ва пухта ўйлаб қилади, демак у сотиб олган мол-мулкига тўғри тасарруф эта олишига, ундан самарали фойдалани-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

шига умид кўпроқ бўлади. Статистика буни ишонarli тарзда тасдиқлади: 1993 йил маълумотларига қараганда, хусусийлаштиришнинг бошларидаёқ хусусий мулкка айланган корхоналар давлат мулкида қолган корхоналарга қараганда 7-8 фоиз ортиқ фойда келтирган.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришни давлат томонидан бошқаришнинг иккинчи гоят муҳим жиҳати унинг босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётганлигидир. Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганидек, хусусийлаштириш умумреспублика ва ҳудудий дастурлар асосида олиб борилмоқда. Бу дастурлар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланади. Биринчи босқич - кичик хусусийлаштириш деб аталган бўлиб, 1992-1993 йилларда савдо, маиший хизмат кўрсатиш, майда саноатни қамраб олди. Иккинчи босқич - оммавий хусусийлаштириш - 1994 йилда бошланди. Ушбу босқичда енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, қурилиш, транспорт, алоқа сингари ҳаётий муҳим тармоқларнинг корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилмоқда. Индустриянинг базавий тармоқларига тегишли йирик корхоналар ҳам хусусийлаштирилмоқда. Иккинчи босқичдан кўзланган мақсад республика иқтисодиётининг структурасини ўзгартириб, давлат сектори унда асосий мавқеларни эгалламайдиган бўлишига эришишдан иборат.

Хусусийлаштиришнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилиши республикада хусусийлаштирилган мулк шакллариининг вужудга келишини уларнинг амал қилиш меъёрий базасини яратган ҳолда бошқариб бориш имконини берди. Ислоҳотлар жараёнининг ўзини ҳам, бозор механизмларининг қарор топишини ҳам таъминлайдиган ўзаро боғлиқ ҳуқуқ тармоқларининг яхлит тизими тўхтовсиз шакллантириб борилди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Масалан, оммавий хусусийлаштириш босқичи очик турдаги акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, муомалага акциялар чиқариш, кенг қўламда қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорларини шакллантириш учун меъёрий базанинг юксак даражада тайёрлиги билан ажралиб туради. Давлат тасарруфидан чиқариш керак бўлган ўрғача ва йирик корхоналарни акциядорлик компанияларига айлантириш, уларга меҳнат жамоаларининг, хорижий инвесторларнинг маблағларини қўйиш, эркин сотиш учун акция чиқариш схемаси ишлаб чиқилди.

Биржа фаолияти учун меъёрий база яратилиб, унинг асосида фонд, валюта, товар-хонашёр биржаси, кўчмас мулк биржаси ишлаб турибди.

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши, давлат томонидан ташкилий чора-тадбирларнинг кўрилиши ислоҳотлар даврида бозор шаклланиб бораётган бир шароитда юридик ва жисмоний шахсларга, мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш учун зарур тижорат банклари тармоғини вужудга келтириш имконини берди.

Мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилди. Иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторига янги тадбиркорларнинг кириб келиши рағбатлантирилмоқда. Ана шунга қаратилган ҳуқуқий йўсиндаги давлат чора-тадбирлари тизимига солиқлар борасида имтиёзлар бериш ва давлатга қарашли бўлмаган сектордаги ривожланиб бораётган хўжалик структураларини асосан хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан кредитлаш учун қулай шароитларни таъминлаш; ажнабий инвестор тадбиркорларни жалб қиладиган инвестиция ша-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

роитини яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ҳар хил фондларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг меъёрий базасини таъминлаш ва ҳоказолар киради.

Иқтисодиётда юз бераётган жараёнларни ўз вақтида меъёрий таъминлашга алоҳида эътибор бериш - қонун устунлиги қондасининг ғоят муҳим кўринишидир. Шунга мувофиқ Ўзбекистонда ўтиш даврининг ўзидаёқ бозорга хос бўлган иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқариш вазифаларининг иккинчи гуруҳи жадал суръатда ҳал қилиб борилди. Ҳозирги вақтга келиб, бозор иқтисодиётининг меъёрий базаси ҳам, унинг асосида ишлаётган бозор механизмлари ҳам умумий жиҳатларига кўра шаклланиб бўлди. Китобнинг навбатдаги боби хусусийлаштирилган мулкни вужудга келтиришни, тадбиркорликни ҳуқуқий асосларини, шартнома муносабатларини, меҳнат бозорининг ишлашини, республикада қабул қилинган ижтимоий сиёсатни, давлатнинг монополияга қарши чораларини тартибга соладиган ва рақобатни рағбатлантиришни, республиканинг ташқи иқтисодий очиқлигини белгилаб берадиган қонун ҳужжатларига бағишланган. Бу бобда эса давлат-ҳуқуқий бошқарувининг энг умумий таърифларига эътиборни қаратамиз.

3.3. Бошқаришнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бошқаруви ўз-ўзини бошқариш механизмлари ҳаракатини тўғрилаб ва тўлдириб туриш вазифасини бажарганлигидан, Давлат бошқаруви соҳасида эса оптимал аралашув қондасига амал қилиш мажбурий бўлиб қолади. Бу қондани қуйид-агича таърифлаш мумкин: бозор иқтисодиёти шароитида давлат аралашувининг берилган мақсадга эришиш учун

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

оатимал самарани таъминлайдиган ҳажми ва усуллари ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет шароитларга қараб белгиланади.

Нима учун шундайлигини кўриб чиқамиз./ Давлат бошқарув вазифаларини амалга оширар экан, маъмурий ёки иқтисодий усуллардан фойдаланади. Маъмурий ёки тўғридан-тўғри бошқарув хўжалик юритувчи субъектнинг танлаш эркинлигини чегаралаб қўяди, муайян ҳуқуқий доираларни белгилайди. Маъмурий бошқарув ўз табиати-га кўра бозорга хос тартибга солиш ҳаракатига тўсқинлик қилади. Бироқ ривожланган бозор шароитида ҳам бошқаришнинг маъмурий усуллари ўз аҳамиятини сақлаб қолади ва зарур бўлганида улардан фойдаланилади. Хусусан, бозор иқтисодиёти ривожланган ҳамма мамлакатларда маъмурий усуллар воситасида монополияга қарши сиёсат амалга оширилади. Давлат бозорнинг монополлаштирилишга тўсқинлик қиладиган маъмурий чекловлар тизimini белгилайди, монополчи компаниялар фаолиятини дериктив йўсинда бошқаради.

Маъмурий усуллардан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофазалаш соҳаларида фаол фойдаланилади. Хавfli технологиялардан фойдаланиш, зарарли ишлаб чиқариш чиқитларини чиқариб ташлашни таъқиқлаш, одамлар соғлиғига зарарли маҳсулотни реклама қилишни таъқиқлаш ва шу кабилар хўжалик юритувчи субъектлар эркинлигини чегаралайди ва бошқаришнинг маъмурий усуллари жумласига киради ва ҳоказолар. Хўжалик юритувчи субъектларни маъмурий йўл билан тўғридан-тўғри у ёки бу ҳаракатларни бажаришга мажбур қилиш ёки, аксинча, бу ҳаракатларни таъқиқлаш айна бир вақтнинг ўзида бошқарилаётган соҳага тааллуқли бўлган ҳамма иқтисодий жараёнларга билвосита таъсир кўрсатади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Агар маъмурий бошқариш усуллари ўз-ўзини бошқарадиган бозор механизмларига қаршилиқ кўрсатса, уларга тўсқинлик қилса, иқтисодий усуллар эса аксинча, улардан фаол фойдаланишга таянади.

Хўжалик соҳасига давлат таъсири иқтисодий усуллари яхлит тизимини вужудга келтириш бозорга ўтиш шароитида муҳим вазифадир. Бироқ, таъсир кўрсатишнинг бозор табиатига мос бўлган иқтисодий усулларидан чексиз фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаш, масалани соддалаштиришдан иборат бўлур эди.

Бозор жараёнларига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий усуллари жумласига кредит, солиқ, шунингдек трансферт, яъни аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида пул маблағларини қайта тақсимлаш усуллари киради. Давлат бу усулларни қўллаб, бозорни шакллантириш чоғида ҳам, унинг ўз-ўзини бошқариши босқичида ҳам ғоят муҳим жараёнларни бошқаради.

Бироқ бошқаришнинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш ҳажми ва йўналишини етарли даражада аниқ ҳисоблаб чиқилмаслиги, маъмурий усулларни қўллаш каби, бозор механизмларининг амал қилишини кучайтириш ўрнига кучсизлантириб қўйиши ва номақбул оқибатларга олиб келиши, мумкин.

Масалан, режалаштиришга асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даромадларнинг кескин фарқланиши, аҳолининг турмуш даражаси бўйича табақалашуви билан бирга юз беради. Жамиятнинг ҳаддан ташқари бойлар ва ҳаддан ташқари камбағаллардан иборат кутбларга ажрალიшига йўл қўймаслик учун давлат даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бундай қайта тақсимлаш усуллари

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

иккита бўлиши мумкин: Шахсий даромадларни прогрессив солиққа тортиш ва трансферт тўловлари тизими. Бироқ солиқ прогрессиясини ўзбошимчалик билан қўпайтириб боришга муваффақ бўлинмайди. Конкрет шароитларнинг жамига боғлиқ бўлган қандайдир оптимал даражадан ошиб кетганидан кейин муқаррар равишда салбий оқибатлар таъсир кўрсата бошлайди.

Оптимал вариантга мувофиқ бўлмаган прогрессив солиққа тортиш юқори даромад олишга қизиқишни ва шу билан бирга, тегишли суръатда юқори унум билан меҳнат қилишни, инвестицияларга бўлган қизиқишни йўққа чиқаради. Даромадларни солиқлардан яшириш усуллари излаш йўллари муқаррар суратда пайдо бўлиб, бундай вазиятда улар жамиятда салбий баҳоланмайди. Халқаро тажриба шунини кўрсатмоқдаки, иқтисодиёти бозорда йўналтирилган давлатларда даромадлар ҳаддан ташқари юқори прогрессив солиққа тортилиши билан капиталлар чет элга чиқиб кета бошлайди.

Аҳоли даромадларини бараварлаштириш имкониятлари каби трансферт тўловларига келганда, уларнинг ҳам оптимал чегаралари мавжуд. Шу билан бирга гап фақат ушбу мақсадлар йўлида фойдаланилиши мумкин бўлган бюджет маблағларининг мавжудлигида эмас. Агар жамиятда ўртаҳоллар қатлами жуда юпқа бўлса, у унча катта бўлмаган ғоят бадавлат кишилар гуруҳига ва кам таъминланган катта миқдордаги кишиларга гуруҳига ажралган бўлса, салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлар юз бериши ҳам муқаррардир. Давлат бундай табақаланишга қарши трансферт чораларини кўриши зарурдир. Иккинчи томондан, нафақаларнинг аҳолининг кўп сонли тоифаларига яшаш имкониятини берадиган даражада катта миқдорда ва ҳилма-хил бўлиши бозор иқтисодиётига хос бўлган меҳ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

нат қилишга ундашни барбод этишга, олдинги давлат-текисчилик тақсимотидан қолиб келаётган тайёрга айёрлик психологиясини мустаҳкамлаб, уни янги бозор шароитларига мослаштиришга қодир. Шундай қилиб, бу ўринда ҳам трансферт бошқаруви амалга ошириладиган конкрет шароитларни ҳисобга олган ҳолда трансферт бошқарувининг оптимал вариантини излаш зарур.

Кучли ижтимоий сиёсат - Ўзбекистон бозорга ўтишнинг гоят муҳим қоидаларидан биридир. Бу сиёсат бизнинг республикамызда алоҳида аҳамиятга эгаллигига фақат иқтисодий вазиятларгина эмас, балки соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида, кўп болали ўзбек оиласига мадад бериш ҳақидаги ғамхўрлик ҳам, халқнинг маънавий қоидаларига, унинг юксак коллективизмига асосланган ҳолда кексаларга, ҳимоясизларга анъанавий ёрдам бериш эҳтиёжи билан ҳам боғлиқдир.

Республика шароитларига оптимал даражада мос бўлган бундай ижтимоий сиёсат ислоҳотлар бошидан бери ишлаб келинмоқда ва унга тузатишлар киритилмоқда. Унинг тараққиёт истиқболлари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқларида акс эттирилди. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида “ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш йўли давом эттирилади, - деб ёзади у “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобида. - Муайян моддий ёрдам аниқ оилаларга етиб бориши, бироқ бу муайян кишиларга мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши ва мураккаб ўтиш даврида ҳақиқатан ҳам бусиз кун кечира олмайдиганларга бориб тегиши даркор”.

Иккинчи томондан, деб қайд этади И.А.Каримов,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

“кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу энг аввало, сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топдиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини оширишдан ҳам иборатдир. Бозорга ўтиш дастурини рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Уларнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, ўзгаришларга тайёрлиги янги иқтисодий муносабатларни қарор топдиришга, ишлаб чиқаришнинг пасайишини жадал бартараф этишга, иқтисодиётни соғломлаштириш ва юксалтиришга энг кўп даражада кўмаклашиши мумкин”.

Иқтисодий ислоҳотларни қонун воситасида бошқариш жараёнлари амалиётида давлат ҳам оптимал йўлни танлаб олиши зарур бўлади. Хўжалик юритишнинг ҳуқуқий асоси барқарор бўлиши зарур деган фикрни исботлаш талаб қилинмайди. Агар қонун ҳужжатлари муттасил ва жиддий ўзгартирилиб ҳамда тўлдирилиб турилса, бу ҳол хўжалик юритувчи субъектларда ўз режаларини амалга оширишда, истиқболларнинг реаллигига ишончсизлик туғдиради. Жадал ўзгариб турадиган ҳуқуқий нормалар жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пасайишини, ҳуқуқий ишончсизликни келтириб чиқариши муқаррардир.

Бозорга ўтиш бутун қонун ҳужжатларини тубдан янгилаш вазифаси билан боғлиқ бўлиб, бундан қочиб қутилиб бўлмайди. Қисқа муддатларда, эндигина шаклланиб келаётган бозор муносабатлари шароитида яратилаётган, амалий фаолият соҳасида ҳали синаб кўрилмаган янги

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

қонунлар биргина ана шу сабабларга қўра номукаммалдир. Бозор қарор топиб борган сари уларга жиддий тузатишлар киритиши талаб қилинади.

Шундай қилиб, қонун ҳужжатларининг барқарор бўлиши ҳақидаги талаб билан уларни бозорга ўтиш босқичида такомиллаштириш зарурлиги ўртасидаги объектив зиддият ғоят кескинлашиб кетади. Давлат иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш вазифасини амалга ошираётган оптимал аралаштириш қонунларида изчиллик билан амал қилишга, ҳуқуқий нормаларга тузатишлар киритишдан қўрқиниб қолмаслик ва ижобий самарани ҳуқуқий барқарорликнинг навбатдаги бузилишидан қўрқиниб қолмаслик мумкин бўлган зарар билан таққослаб боришга мажбур.

Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги, агар ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш аниқ белгиланган, барқарор мақсадлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устун йўналишлари, асосли давлат дастурлари негизида амалга оширилса, камдан-кам юз беради.

Дастлаб давлатнинг дастурлаштирилиши бошқаришнинг алоҳида усули бўлиб, у иқтисодий ёки маъмурий усуллар гуруҳларига кирмайди, бироқ, белгиланган мақсадларга эришиш учун уларни қўллашни тартибга солиб туради.

Давлатнинг дастурлаштирилиши бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган барча мамлакатларда қўлланилади, бироқ, ислоҳотлар босқичида унинг роли айниқса каттадир. Ўзбекистонда бозорга ўтишнинг умумий дастури доирасида обрўли халқаро ташкилотларнинг маслаҳатлари ва эксперт ёрдами, кўмаги билан алоҳида иқтисодий жараёнларни, хўжалик соҳаларини, республиканинг ҳудудларини ривожлантиришнинг батафсил дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусийлаштириш давлат дастури, кичик ва хусусий биз-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

несни қўллаб-қувватлаш дастури, Орол бўйи экология ҳалокатининг оқибатларини енгиш дастури ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга давлат дастурлари юксак даражада ишлаб чиқилиши ва уларнинг изчил бажарилиши ҳосилдир.

Ислохотларнинг Ўзбекистон модели элементларини ушбу бўлимда ёритиб бериш бу моделнинг ноёб эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Образлироқ бўлиши учун бу моделни пирамида шаклида тасаввур қиламиз.

Ислохотларнинг Ўзбекистон моделига республика иқтисодиётини ислох қилишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таърифлаб берган бешта асосий тамойилни асос қилиб олинди.


1) иқтисодиётни мафкурадан батамом ажратиш, унинг сиёсатдан устун туриши;

2) Давлат - бош ислохотчи бўлиб, ислохотлар жараёнида ташибускор бўлади, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

3) ҳуқуқий негиз - янгиланиш ва тараққиётнинг асосидир;

4) сиёсий барқарорликни таъминлайдиган, олисни

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

кўзлаб тузилган, кучли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ка-
фолатлар;

5) янги бозор иқтисодий асосларининг босқичма-бо-
сқич, пухта ўйлаб қарор топтирилиши;

Жамиятни ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бу та-
мойиллари жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида си-
новдан ўтган. Ҳокимиятларни ажратиш ва унинг уч тар-
моғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари-
нинг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизми орқали рўёбга
чиқарилади.

**Давлатни ва жамиятни қайта қуришнинг асосий мақ-
садлари куйидагилардан иборатдир:**

1) фуқаролар жамиятининг ривожланишини таъмин-
лайдиган кучли демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш;

2) барқарор, ижтимоий йўналтирилган бозор иқти-
содиётини шакллантириш;

3) очиқ танқид сиёсати;

Ислоҳотлар жараёнида беш тамойилнинг амалга оши-
рилиши, Ўзбекистондаги барча ҳокимият тармоқларининг
фаолияти ўзгаришларнинг асосий мақсадларига эришиш-
га қаратилганки, бу ҳар бир оила учун муносиб турмуш
шароитларини яратишга хизмат қилади. (1) Таркиб тошган
тамойиллар, урф-одатлар, ҳалқ руҳияти негизда оиланинг
тўқ-фаровон яшаши ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларига тўла-
тўқис мос тушади, бу эҳтиёжлар билан уйғун бўлиб кетади.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Муҳокама учун саволлар

Биринчи булимни ўқиб чиқинг ва жавоб беринг:

- 1** 1977 йилги СССР конституциясида ва 1992 йилги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон суверенитетининг конституциявий белгиланишини таҳлил қилиб чиқинг. Энг асосий, туб фарқларни кўрсатинг.
- 2** Ўтиш даврининг асосий қоидаларини эсланг. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион усулда ўтиш қоидаси қандай намоён бўлди? Ўзбекистон бозорга ўтишнинг эволюцион йўлини нима сабабдан танлаб олганлигини таҳлил қилинг.
- 3** Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчи ислоҳотчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.
- 4** Сизнинг назарингизда, бозор иқтисодиётининг ҳаммабоп модели борми? Ўзбекистон бозор сари ривожланишнинг ўз моделини танлаб олганлигига сабаб нима?
- 5** Ёлғиз мафқуранинг ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлган мафқуравий чиқишмаслик жамият ҳаётида қандай роль ўйнайди? Тоталитар тизимда иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга мафқуравийлаштирилган ёндошишнинг оқибатларини таҳлил қилинг.
- 6** Сизнингча, ҳозирги дунёда идеал даражада мукамал ҳуқуқий давлатлар мавжудми? Давлат ўзининг

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ УЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

ҳуқуқий тизимига эга бўлганлиги биланоқ уни ҳуқуқий давлат деб ҳисоблаш мумкин деб ўйлайсизми? Жавобингизда ҳуқуқий давлат назариясининг моҳияти ва аҳамиятини ёритиб беринг.

7

Ҳуқуқий давлат концепциясида ҳокимиятларни ажратиш қондасига қандай аҳамият берилади? ҳуқуқий бошқаришни амалга ошираётган Ўзбекистон давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тизимини таърифлаб беринг. Бу органлардан ҳар бирининг вазифалари ҳокимиятларни ажратишдан иборат конституциявий қондаларга қанчалик мос келади?

8

Ўтиш даврида Президент ҳузуридаги Идоралараро кенгаш қандай роль ўйнамоқда? Шаклланган бозор шароитида унинг аҳамияти ўзгарадими ёки аввалгича қолаверадими? Жавобингизни асослаб беринг?

9

Давлат билан шахснинг ўзаро жавобгарлиги қондасини қандай тушунасиз?

10

Олдинги жиноят қонунлари чайқовчиликни жиноятлар жумласига киритар эди. Янги Жиноят қонунига мувофиқ бундай жиноят йўқ. Шу билан бирга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ва Жиноят кодексда, масалан, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида рўйхатдан ўтишдан бош тортган ҳолда савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Чайқовчилик ҳақидаги олдинги норма буйруқбозлик иқтисодийётига хос бўлган максимал даражада бошқариш принциплари билан қандай

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

боғланганлигини таҳлил қилинг. Бозор шароитида давлат-ҳуқуқий бошқарувига хос бўлган зарурлик ва кифоялик қоидаси ҳозирги ҳуқуқий ёндашувда қандай акс этган?



Маъмурий ва Жиноят кодекслари ўлчовдан, торозидан, пулдан уриб қолганлик учун ёки харидорларни ёхуд буюртмачиларни бошқача тарзда алданганлик учун ҳам жавобгарликни назарда тутди. Бу норма бозор механизмларнинг ишлашини бўғиб қўядими ёки аксинча, бозорнинг ўзи сотувчини харидорларга ҳалол ва сифатли хизмат кўрсатишга ундайди, ҳуқуқий норма эса бу рағбатларни тўлдирадими?



Бир йўла барча хўжалик тармоқларини қамраб оладиган “ваучерли” хусусийлаштириш амалга оширилганида, давлат тасарруфидан чиқарилган мулк аҳоли орасида текисчилик қоидаси асосида тақсимланган эди. Ўзбекистонда қабул қилинган хусусийлаштириш модели иккита босқични: дастлаб кичик хусусийлаштиришни, сўнгра эса оммавий суръатда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқарилган мол-мулкни янги мулкдорларга сотишни назарда тутди. Уларнинг оқибатлари қандай фарқланади? Нима сабабдан Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг пасайиши МДҲ га кирувчи бошқа мамлакатлардагига қараганда унчалик кескин бўлмади?



Собиқ Иттифоқ ўз умрининг охириги йилларида бир неча минг норматив ҳужжатлар: қонунлар, қарорлар, турли идораларнинг Низомлари, йўриқном-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

алар ва шу каби иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилган эди. Уларнинг сони кўпайиб бориши билан ҳуқуқий нормаларнинг таъсирчанлиги кескин пасайиб кетди ва ҳўжалик соҳасида стихияли жараёнлар кучайди. Бу ҳўл нима билан изоҳланади?



Сиз Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир-бири билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.



Бозор иқтисодиётига ўтишда бошқарувнинг маъмурий усуллари ўз аҳамиятини йўқотади. Шу фикр тўғрими? Қисман тўғрими? Бутунлай нотўғрими? Жавобингизни асослаб беринг.

Глоссарий

Давлат - жамиятда сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг алоҳида шакли бўлиб, унинг ихтиёрида ўз олдига қўйилган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун бошқарув ва мажбурият ашарати бўлади. Қонун - сўзнинг кенг маъносида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаммаси, давлат томонидан белгилаб қўйилган умуммажбурий қўйдаларнинг ҳаммаси. Юридик маънода Қонун - давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи томонидан қабул қилинган ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳужжат, қонун давлат ҳуқуқ тизимининг асосини ташкил этади.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИСПОХОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Қонун ҳужжатлари - қонун чиқаришга вакил қилинган органлар томонидан чиқарилган норматив ҳужжатлар мажмуи бўлиб, уларнинг энг муҳими қонундир. Қонун ҳужжатлари тизимига кирадиган нормалар муҳим умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, қоида тариқасида ҳуқуқий бошқаришнинг умумий негизларини белгилаб, бирламчи, бошланғич роль ўйнайди. Конституциявий ҳуқуқ - ҳуқуқ соҳаси бўлиб, у ҳуқуқий жиҳатдан давлат ҳокимияти муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг амал қилиши принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини ва уларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Конституция - давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий тузум асосларини, бошқарув шакли ва давлат қурилиши шаклини, шахснинг ҳуқуқий мавқеини, ҳокимият ва бошқарув органларини ташкил этиш тартибини ва уларнинг ваколатларини, одил судлов, сайлов тизимини ташкил этишни ва асосий қоидаларини мустаҳкамлаб қўяди. Давлатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этувчи бошқа барча норматив ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлади.

Ҳуқуқ - давлатнинг кучи билан қўриқланадиган ижтимоий умумажбурий нормалар тизими.

Ҳокимиятларни ажратиш - бу қоидага мувофиқ асосий конституциявий ҳокимиялар - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидан биронтаси ҳам ўрталарида тақсимлаб қўйилган вазифалардан иккитасини ёки иккитадан ортигини ўзида бирлаштириши мумкин эмас. Ҳокимиятларни ажратиш қоидаси уларнинг ўзаро ҳамкорлигини инкор этмайди, балки тақозо этади.

Суверенитет - ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. Давлат суверенитети - мамлакат ичида давлат ҳокимияти-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСПОХОТПАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

нинг устунлиги ва унинг ташқи сиёсий соҳада мустақиллигидир.

Этап - Сиёсий тизим барча бўғинларининг давлат ихтиёрига ўтиши, партия ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг давлат сифат тузилмаларга айланиши.

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

2 - бўлим

1.0. Мулкчилик назариясининг асослари

Мулк иқтисодий категория ҳамда моддий неъматларни ўзлаштириб олишнинг юридик шакли сифатида одамларнинг турмуш шароитларига ва умуман жамиятта ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Моддий ва бошқа неъматларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар тизими ишлаб чиқаришнинг хусусиятини ҳам, яъни аслини олганда ҳар қандай жамият иқтисодий ҳаётининг асосини белгилаб беради. Мулк бирламчидир, бошқа муносабатларнинг, масалан тақсимлаш муносабатларининг хусусияти мулкка боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқариш омиллари (сармоя, ишчи кучи ва бошқалар) кимнингдир мулки. Сармоя мулкдорлари ўзлари ёки менежерлар орқали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятининг натижа-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ларини ўзлаштиради, фойда олади ёки зарар кўради. Ишчи кучининг мулкдорлари иш ҳақи олади.

Мулкнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалар мавҳум-назарий хусусиятга эга эмас. Бу ҳол айниқса бир-бирига қарама-қарши турувчи иккига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар - давлат-бюрократик мулкка асосланган маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти ҳамда умумий ва хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқлигига асосланган рақобатли-бозор тизимлари мисолида аниқ намоён бўлди. Уларни оддийгина қиёслаб таҳлил қилишнинг ўзигина қайси бири жамиятнинг ривожланиши ҳамда равнақ топишини кўпроқ таъминлаши ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Башарти, давлат-бюрократик мулкчиликка асосланган хўжалик лоақал аҳоли учун мақбул даражада амал қилиб турганида эди, марказлаштирилган тартибда режалаштириладиган иқтисодиёт ҳеч қачон банкрот бўлмас эди.

70-йилларнинг охирларидан бошлаб режалаштирилдиган хўжалик тизими чуқур танглик даврига кира бошлади, бу тангликни ўша тизим доирасида объектив сабабларга кўра бартараф этим мумкин эмас эди. Мулкни бир субъект - давлат қўлидагина жамланиши ва марказлаштириш мамлакат иқтисодиётига марказлашган тартибда рақбарлик қилишни талаб этар эди. Бироқ, режа топшириқларида одамларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олиб бўлмас эди, бу эҳтиёжлар мувозатналаштирилмаган, бироқ энг асосийси, ишлаб чиқарувчилар учун уларга рия қилиш ҳамда бажаришга ундайдиган етарли моддий рафбатлар мавжуд бўлмай, ташаббуссизлик ва ижтимоий боқимандаликни келтириб чиқарар эди. Ҳаракат қилиш эркинлигининг чекланганлиги, етарли даражада моддий манфаатдорликнинг йўқлиги ишлаб чиқарувчиларнинг

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ҳафсаласизлик билан иш олиб боришининг асосий сабаби эди.

80-йилларнинг ўрталарида ишлаб чиқаришни давлат ихтиёрига олиш ва унинг юридик шакллари ҳозирги жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасига мос эмаслиги аён бўлиб қолди. Вужудга келган вазиятни марказлаштирилган режали хўжаликнинг иқтисодий негизларини юзаки ўзгартириб яхшилашга уринишлар қилина бошланди. Ҳар турли тажрибалар - ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, кооперативларни жонлантириш ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятига ёрдам бериш кабилар амалга ошириб кўрилди.

80-йиллар охири - 90-йилларнинг бошида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартирмасдан туриб иқтисодиётни соғломлаштиришда муваффақиятга эришиб бўлмаслиги тушунила бошлади.

Мулкнинг ўзи нима? Мулкчилик муносабатларини қуйидаги сифат белгилар тўла-тўқис тавсифлаб беради.

Биринчидан, бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари (яъни ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган, унинг дастлабки шарт ва натижасининг муносабатидир). Иккинчидан, одамларнинг моддий неъматларни, энг аввало ишлаб чиқариш воситаларини (унинг шарт-шароитларини), шунингдек ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини бевосита ўзлаштириб олиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларидир. Учинчидан, мазкур муносабатларнинг моҳияти моддий неъматларнинг муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ўзлаштириб олинганлиги ва ўз ихтиёрига ўтказиб олганлиги ҳолатидан иборатдир. Мулк - ишлаб чиқарилган моддий неъматларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидир.

Моддий неъматларнинг ўзлаштириб олинганлик ёки

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ихтиёрига ўтказиб олганлик ҳолати нима эканлигини, унинг мазмуни нимадан иборатлигини батафсилроқ кўриб чиқайлик. Бу - энг аввало, - бирон-бир шахснинг ирода-сига боғлиқ бўлмаган ҳолда, фақат ўз ихтиёри билан моддий неъматлардан (мол-мулкдан), барча бошқа шахсларни четлаштириб (ёки уларни яна фақат ўз хоҳишига кўра моддий бойликларидан баҳраманд қилиб) ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

Бироқ, бу ерда шуни таъкидлаш муҳимки, моддий неъматлардан бундай фойдаланиш имконияти уларни истеъмол қилишдан эмас, балки улардан унумли фойдаланиш имкониятидан иборатдир. Чунки товар ишлаб чиқарилиши шароитида меҳнатнинг натижаси бозор механизми ёрдамида пулга айланиш орқали бошқа товарларга айирбошланган товар шаклини олади, бироқ ишлаб чиқарувчи ёки мулкдорнинг ўзи томонидан истеъмол қилинмайди.

Бу ерда гап мулкдорнинг ўзига қарашли ашё устидан тўла “хўжалик ҳукмронлигини” ўрнатиши ҳақида бормоқда. Бинобарин, иқтисодий маънода мулкчилик моддий неъматларнинг мансублик (ўзлаштирилганлик) муносабатидан иборат бўлиб, у моддий неъматлар устидан мулкдорнинг ихтиёри билан бошқа барча шахсларни четлаштириш ёки ўз мол-мулкидан фойдаланишига имкон беришига, бундай фойдаланишнинг хусусиятини мустақил белгилашига йўл қўядиган тарзда унинг “хўжалик ҳукмронлигини” ўрнатишдан иборат.

Бироқ, мулкдорнинг ўзига қарашли мол-мулк устидан “хўжалик ҳукмронлиги” эгалликнинг “ёқимли неъмат” бўлиш, даромадлар олиш ва тегишли эҳтиёжларни қондириш имконияти билан ҳам тутамайди. Ишлаб чиқаришнинг товар хусусиятида (бу эса инсоният цивилизациясига маълум барча формацияларда айнан шундай хусусиятга

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

эга бўлган, фақат ёввойилик ва бадавийлик даври бундан мустасно) мулкчилик юкининг пайдо бўлиши муқаррар. Бу юк мол-мулкни сақлаш, тузатиш ва муҳофаза қилиш учун сарф-харажатлардан, давлат солиқларини тўлаш заруратидан, энг муҳими эса - хўжаликни омилкорона юритмаслик ёки ўқувсиз юритиш туфайли бой бериш, ҳатто бутунлай хонавайрон бўлиш хавфидан ҳам иборат.

Товар ишлаб чиқаришга асосланган хўжаликда мулкчилик объектларини сақлаш ва кўпайтириш мулкдор учун чинакам ҳаёт-мамонт масаласидир ва ана шу маънода мулк хўжайинни товар ишлаб чиқарувчи, омилкор ишлаб чиқариш ташкилотчиси ва тежаб-тергайдиган коммерсант бўлишга мажбур қилади. Шубҳасиз, мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунида ана шу жиҳатлар ҳам акс этган бўлиши керак.

Айнан “неъмат” билан “юк”ни боғлаб олиб бориш ҳақиқий мулкдорни кўрсатади ва, аксинча, ана шу иккала унсурдан истаган бирининг йўқ бўлиши мулк эгасига чинакам хўжайин бўлиш имконини бермайди. Масалан, давлат ва жамоат корхоналари, меҳнат жамоаларининг ҳуқуқлари қанчалик кенгайтирилмасин, хўжалик юритиш натижалари учун жавобгарликнинг йўқлиги, тўла-тўкис банкрот бўлиш эҳтимолининг реал даражага етиши “хўжайинлик ҳисси”нинг кучайишига эмас, балки “гуруҳ худбинлиги”нинг навбатдаги ҳуружларига олиб келади.

2.0. Ҳуқуқ ва мулк

Ҳуқуқ (унга риоя қилишга мажбурлашнинг алоҳида аппарати бўлган давлат) айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Аслида, бундай муҳофаза қилиш иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий бошқаришнинг асосий мазмунини

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ташқил этади, шу нуқтаи назардан эса мулк ҳуқуқи бутун ҳуқуқий тизимнинг ядроси, маркази бўлиб қолади.

Ҳуқуқ товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда ғоят муҳим вазифани ҳам бажаради.

Дастлаб натура асосидаги хўжаликда майда ишлаб чиқарувчи маҳсулотини ўзлаштириб олишига зарурат йўқ эди, чунки бу маҳсулот шундоқ ҳам унинг ўзига қарашли эди. Лекин, ишлаб чиқарилган маҳсулот товар шаклига кириб, ўз ишлаб чиқарувчисидан ажралиш хусусиятига эга бўлгач, ҳуқуқ ёрдамида, яъни ишлаб чиқариш муносабатларида (ёки унумли ўзлаштиришда) умуман қатнашмасдан, балки “бор-йўғи” тақсимлаш ва айирбошлаш муносабатларининг иштирокчиси бўлиб, масалан, савдо воситачиси - савдогар сифатида, мулкдорга айланиш имконияти пайдо бўлди.

2.1. Мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий шакллари

Мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий бошқариш ҳулқ-атвор қоидаларидан (меъёрларидан) таркиб топади, бу меъёрлар, биринчидан, моддий неъматларнинг муайян шахсларга (уларнинг жамоаларига) тегишли эканлигини (ёки тегишли бўлмаслигини) белгилайди, шу тариқа бу неъматларнинг амалий (иқтисодий) мансублик ҳолатини юридик жиҳатдан мустақкамлайди. Иккинчидан, бу - мол-мулк эгаларининг қонун билан қўриқланадиган ва ҳулқ-атвор чегараларини белгилайдиган қоидалардир, яъни мол-мулк устидан “хўжалик ҳукмронлиги”нинг конкрет имкониятларини тасвирлаб берадиган ҳуқуқий ваколатларидир. Ниҳоят, учинчидан, бунга моддий неъматларнинг қўриқланадиган “мансублик ҳолати” га бошқа шахсларнинг тажовузларидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий усуллари ҳам, уларга мол-мулк устидан хўжалик ҳукм-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ронлигини ўрнатиш борасида бериладиган имкониятлар ҳам қўшилади.

Ўзининг юридик табиатига кўра юқорида санаб ўтилганларнинг ҳаммаси ҳар турли, ҳилма хил тармоқларга хос. Ҳақиқатан ҳам саналган меъёрларнинг биринчи гуруҳига давлат томонидан эътироф этилиб, қўриқланадиган мулкчилик шакллари ҳақидаги конституциявий (давлат-ҳуқуқий) қоидаларни, шунингдек мол-мулкка эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиш ва бекор қилишнинг асослари (усуллари) ҳақидаги маъмурий-ҳуқуқий ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий меъёрларни ҳам киритиш керак бўлади. Иккинчисига, энг аввало, мулкдорларнинг ва бошқа мол-мулк эгаларининг қонуний ҳуқуққа эгаллиги тўғрисидаги фуқаровий-ҳуқуқий меъёрлар, шунингдек ҳуқуқнинг бошқа тармоқларига қарашли бўлган тегишли мол-мулкнинг ҳуқуқий тартибини белгилайдиган (масалан, фуқароларнинг мол-мулкнинг айрим турлари юзасидан бирон-бир битим тузишни маъмурий таъқиқлаш) меъёрлари ҳам киради. Учинчи гуруҳ мулкчилик муносабатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги фуқаровий, маъмурий, жиноий ҳуқуқ меъёрларини қамраб олади.

Демак, мулкчилик муносабатлари юридик жиҳатдан турли ҳуқуқ тармоқларининг меъёрлари билан юридик жиҳатдан бавосита ифодаланади (бошқарилади). Бундан хулоса шуки, мулкчилик муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларнинг жами, гарчи унинг ядросини, шубҳасиз, фуқаровий ҳуқуқ меъёрлар ташкил этса-да, у комплекс, тармоқлараро тарзга эга.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хусусий мулкчилик ҳуқуқини ривожлантириш мақсадида

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

фуқаровий қонун ҳужжатларига катта ҳажмдаги мутлақо янги меъёрлар киритилди. Айтиш мумкинки, ҳўжалик ҳуқуқи соҳасида бундан кейинги ислоҳотларга йўл очиб берган бошланғич қонун ҳужжати кейинчалик конституция билан асослаб берилган гоят муҳим қоидаларнинг: турли шаклдаги мулк эркинлиги ва тенглиги-қоидалари ҳамда иқтисодий фаолият эркинлиги қоидасининг тасдиқланишидан иборат бўлди. Мулкчилик ҳуқуқи ислоҳ қилинганидан кейингина Ўзбекистонда ишлаб чиқариш воситалари, бошқа мол-мулклар ҳақиқий эгалари қўлига топширилиши ва тадбиркорликни ривожлантириш учун асос бўлиши мумкин эди.

Ўзбекистонда жамият бутун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини қатъий ҳуқуқий тартибга солинишига мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқли эканини эътироф этиш асос бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: “Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодиётининг асосини ҳилма хил шакллардаги мулкчилик ташкил этади” деб белгилаб қўйилган.

Олдинги иқтисодий тизимда “мулкчилик шакллари” тушунчаси ва таърифи социалистик ва шахсий мулк муносабатларининг юридик фарқини белгилаш ҳамда тегишли суратда расмийлаштириш мақсадида қўлланар эди. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида мулкнинг барча шакллари учун ягона ҳуқуқий тартиботни жорий этиш мулк ҳуқуқи деган ягона тушумчани ҳамда унинг шакллари сифат жиҳатидан янгича чегаралаш заруратини келтириб чиқарди.

Мулкчилик муносабатларидаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўзи моҳияти ва мазмунига кўра янги жамият табиатига жавоб берадиган ҳамда бозорга ўтиш жараёнларига фаол таъсир кўрсатадиган қонунлар ва бо-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

шқа ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини шакллантириш заруратини туғдирди.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясини қабул қилишдан олдинги қонунчиликдаги ўзгаришлар ядросини 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган, аслида иқтисодий ислохотнинг ҳуқуқий пойдевори тамаллоштини “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонун ташкил этади. Айнан ана шу Қонунда биринчидан, янги демократик жамиятнинг иқтисодий тизими; иккинчидан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган бошқа қонунларнинг моҳияти ва мазмуни белгилаб берилди. Бундан ташқари, мулкчилик ҳақидаги Қонун сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий мустақиллигига асос солди.

1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни мулкчилик ҳақидаги Қонунни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитни таъминлади, давлат мулкининг турли хил жамоа ва хусусий мулкларига айланиш жараёнига ёрдам берди. 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунда мустақкамлаб қўйилган қоидага мувофиқ фақат жисмоний шахслар (фуқаролар) гина эмас, балки нодавлат юридик шахслар ҳам мулк ҳуқуқининг субъектлари деб эътироф этилди.

2.3. Мулкчилик ҳуқуқининг Конституциявий асослари
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мустақил давлат иқтисодиётининг асосини ташкил этадиган мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлилигини ва ҳимояланганлигини давлат кафолатлай-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ди. Шу тариқа собиқ марказлашган давлатда узоқ йиллар мобайнида инкор қилиб келинган хусусий мулк, Ўзбекистонда Конституциявий мақом олди. Ўзбекистон ССР нинг 1927 йилдаги Конституциясига мувофиқ хусусий мулкка истисно тариқасидагина йўл қўйилган бўлиб, кейинчалик яқка тартибда истеъмол қилинадиган ашёларнинг шахсий мулкчилиги билан алмаштирилди. Давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан бошланган туб ўзгаришлар хусусий мулкчиликнинг ҳам эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг бошқа шакллари билан бир қаторда республика иқтисодий тизимининг асосини ташкил этишига олибкелди.

Хусусий мулк бўлмас экан, бозор муносабатлари ҳам бўлмайди. Бу жамиятнинг давлат мулкига бўлган эҳтиёжи бекор бўлишини аниқлатмайди. Давлат мулки ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки давлатнинг ўзини яшаб туриши учун ҳам зарурдир. Шу сабабли хусусий мулкнинг ҳам, давлат мулкнинг ҳам тенг асосларда мавжуд бўлиши қонунийдир.

2.4. Фуқаролик қонун ҳужжатларида мулкчилик ҳуқуқи

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлади ва бу билан бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига муҳим ўзгаришлар киритди.

Мулкчилик ҳуқуқи-шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига қараб ва ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ҳуқуқи эканлиги шунингдек ким томонидан

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

бўлмасин, мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишини бар-
тараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳуқуқ юридик фан ва амалиётда умум томони-
дан қабул қилинган учта таркибий қисмдан иборат. Би-
ринчиси - эгаллик қилиш қонуний ҳуқуқи бўлиб, бунда
қонунга асосланган ҳолда (ёки юридик жиҳатдан таъмин-
ланган) муайян ашёга эга бўлиш (уни ўз хўжалигида сақ-
лаб туриш, балансга киритиш ва ҳоказолар) имконияти
тушунилади. Иккинчиси, фойдаланиш қонуний ҳуқуқи,
яъни ашёдан хўжалик ёки бошқа мақсадларда фойдала-
ниш, уни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб, фойдали хусу-
сиятларини чиқариб олиш ҳуқуқи. Учтинчиси, тасарруф
этиш қонуний ҳуқуқи, яъни ашёнинг мансублиги, ҳолати
ёки вазифасини ўзгартириш (бошқа шахсга бериш, йўқ
қилиб юбориш кабилар) йўли билан ашёнинг тақдирини
белгилаш имконияти.

Бошқа мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида ушбу
тушунчага бошқача таръриф берилган. Масалан, “ашёлар-
дан фоят муглақ тарзда фойдаланиш ва уларни тасарруф
этиш” (Франция фуқаролик кодексининг 544-моддаси),
“ашёни ўз хоҳиши бўйича тасарруф этиш ҳамда бошқа-
ларни унга ҳар қандай таъсир кўрсатишдан четлаштириш”
ҳуқуқи тўғрисида (Германия фуқаролик қоидаларининг 903-
моддаси) гапирилади. Ҳозирги инглиз-америка ҳуқуқида
мулкдорнинг 11 та қонуний ҳуқуқи мавжуд бўлиб, шу би-
лан бирга улар турли ҳолатларда мулк ҳуқуқининг қарийб
бир ярим минг вариантини беради.

Мулкдорнинг ўзига қарашли мол-мулкига “хўжалик
ҳукмронлиги” дан ўз ихтиёрига кўра барча учинчи шах-
сларни (қонунга таянган ҳолда) четлаштириш имконияти,
умуман мулкчилик қонуний ҳуқуқида бўлгани каби мулк-
дорнинг қонуний ҳуқуқларида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Ана шу маънода мулкдорнинг қонуний ҳуқуқлари алоҳида, фавқулодда тусдадир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида мулкнинг дахлсизлиги ва қонун билан қўриқланиши белгилаб қўйилган. Унинг дахлсизлиги шундан иборатки, мулкдорга қарши турган барча субъектлар мулк ҳуқуқини бузишдан ўзини тийиб туради. Мулкдордан мол-мулкни олиб қўйиш, шунингдек унинг қонуний ҳуқуқларини чеклашга фақат Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мулк ҳуқуқи билан бир қаторда асосий ашёвий ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат:

- хўжалик юриштиш ҳуқуқи ва оператив (тезкор) бошқариш ҳуқуқи;
- ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи;
- ер участкасига доимий эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи;
- сервитутлар (ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи).

Юқорида келтирилган ашёвий ҳуқуқлардан бирига эга бўлган шахснинг қонуний ҳуқуқлари мулкдорнинг ҳуқуқларидан алоҳида ҳолатга эга эмаслиги билан фарқ қилади. Бу эса ушбу мол-мулкка мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини “истисно” этмаслиги у ёқда турсин, балки мулкдор вакил қилган шахснинг ёлғиз ўзининг иродаси билан эмас, балки мулкдорнинг иродаси билан вужудга келишини англайди.

Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, мулкдор қонуний ҳуқуқларининг алоҳида табиатга эгаллиги унинг чексиз эркин ҳаракат қилиши учун асос бўла олмайди. Ўзбекистон

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Республикасининг фуқаролик кодекси мулкчилик ҳуқуқини амалга ошириш шартларини махсус белгилаб қўйган, яъни:

- мулкдорнинг ўз қонуний ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги керак;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардаги шартлар асосида ва шу доираларда мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига (масалан, бегона ер участкаси орқали яёв, ёки транспортда ўтишни таъминлаш учун сервитут белгилашга) йўл қўйиши шарт;

- мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суистеъмол қилиб, бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳаққи йўқ;

- мулкдор ўз ҳуқуқини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар келтиришининг олдини олиш чораларини кўриши шарт.

2.5. Мулкчилик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига мувофиқ фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулкчилик ҳуқуқининг субъектларидир. Мулк ҳуқуқлари объектлари жумласига ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, хусусан бинолар, иншоотлар, ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк шунингдек интеллектуал мулк объектлари киритилади.

Биргина шунинг ўзидаёқ янги фуқаролик қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солинадиган ҳуқуқий муно-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

сабатларнинг аввалги, мулк субъектларининг ҳар бирига объект таркибида қатъий чегара белгилаб қўядиган маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос ҳуқуқий муносабатлардан тубдан фарқ қилиши кўриниб турибди. Бу ҳол фуқароларнинг мулкчилик ҳуқуқи субъектлари бўлганида айниқса яққол сезилди. Улар учун эгаллик қилиш мумкин бўлган ва меъёрий руҳсат этилган мулк объектлари фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланиладиган ашёлар, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар эди. Шунга мувофиқ ҳолда юридик оборотда - жисмоний шахсларда бошқа мулк бўлиши мумкин эмаслигини тақозо этадиган барқарор сўз бирикмаси - фуқароларнинг шахсий мулки - мустақкамлаб қўйилган. Колхоз-кооператив ва давлат мулкининг объектив таркиби шунга мувофиқ ҳолда унинг субъектлари ҳам қатъий чегараланган эди.

Республикада бозор ислохотларини амалга оширишнинг биринчи босқичидаёқ қонун чиқарувчи ушбу чегаралашларни бартараф этиш йўлидан бориб, бунинг мулкнинг турли шакллари реал суратда вужудга келишининг, Ўзбекистон иқтисодиётида мулкдорлар тенг ҳуқуқлилигини қарор топтиришнинг зарур шартини деб баҳолади.

2.6. Мулкчилик ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор қилиниши.

Умуман ҳар қандай ҳуқуқий муносабат сингари мулкчилик ҳуқуқи муносабатлари ҳам муайян юридик омиллар мавжуд бўлганида вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Масалан, товар оборотида бирон шахсда конкрет ашёга мулкчилик ҳуқуқининг вужудга келиши айни вақтда бошқа шахсдаги унга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг бекор бўлишини англатади.

Республика Қонун ҳужжатлари мулкчилик ҳуқуқини

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

қўлга киритишнинг бир қанча асосларини белгилаб беради. Бундай асослар жумласига қуйидагилар киритилган: меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш бўйича тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан битимлар бўйича мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, қўлга киритиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; қўлга киритиш муддати; қонун ҳужжатларида зид бўлмаган бошқа асослар.

Шундай қилиб, Республика Қонун ҳужжатлари халқаро тажрибани ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ўз модели талабларини ҳисобга олган ҳолда, мулкчилик ҳуқуқининг вужудга келиш асослари доирасини анча кенгайтди, бозорга ўтиш жараёнларини фаоллаштириш учун шарт шароит яратди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, янги мол-мулкни яратиш, шунингдек мавжуд мол-мулкни кўпайтириш натижасида мулкчилик ҳуқуқининг вужудга келиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мол-мулкдан хўжалик мақсадлари ва бошқа мақсадларда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, мева-лар, бошқа даромадлар, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкнинг эгасига қарашли бўлади.

Мол-мулкка эгаллик ҳуқуқи битим натижасида, яъни олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва бошқа шартномалар асосида вужудга келиши мумкин.

Юридик амалиётда мол-мулкни қўлга киритувчида мулкка эгаллик ҳуқуқи вужудга келадиган пайтга аниқ белгилаш зарур. Масалан, шартномани тузиш вақти ашёни топшириш вақти билан мос келмайдиган ҳоллар бўлади. Одатда, мол-мулкни шартнома бўйича қўлга киритувчида мулкка ҳуқуқ уни амалда топшириш пайтида, агар қонунлар ёки шартноманинг ўзида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

бўлса, вужудга келади. Борди-ю, шартнома давлат органлари ёки бошқа органларда рўйхатдан, мулкка эгалик ҳуқуқи ашёнинг амалда қачон топширилишидан қатъи назар ана шундай рўйхатдан ўтиш пайтидан бошлаб вужудга келади.

Юқорида саналган асослардан ташқари, қонун ҳужжатида барчанинг йиғишга қурби етадиган ашёларнинг, топилмалар, топиб олинган хазинанинг мулкка айланиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Мулкка эгалик ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари мулкдорнинг иродасига - мулкдор мажбуриятни, ўзи бир томонлама қабул қилган, мол-мулкнинг тақдирини белгилайдиган қарорни (масалан, ҳадя) ихтиёрий тарзда бажаришига боғлиқ, шунингдек унинг иродасига боғлиқ бўлмаслиги - мол-мулкни суд қарори, шунингдек мулкка эгалик ҳуқуқини бекор қиладиган қонун ҳужжати асосида олиб қўйилиши (ҳақ тўлаб олиниши) ҳам мумкин.

Мулкка эгалик ҳуқуқининг бекор бўлиши мулкдор иродасига боғлиқ бўлмаган вазиятлар жумласига мол-мулкни тугатиш (йўқ қилиш), национализация - фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг ҳақ тўлаб бошқа шахсга ўтиши, реквизиция - мулкдордан мулкни унинг қийматини тўлаган ҳолда олиб қўйиш, мусодара - суд қарори билан мулкдордан мол-мулкни ҳақ тўламасдан олиб қўйиш ҳам киради. Ана шу асосларга кўра мулкка эгалик ҳуқуқини бекор қилиш шартлари ва тартиби амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилади.

3.6. *Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича оммавий ва хусусий мулкчилик.*

Янги фуқаролик қонун ҳужжатига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида мулкчилик хусусий ва оммавий шаклларда бўлади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Янги фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича жорий этилаётган чегаралашга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар хусусий мулкдорларга, давлат ва бошқа оммавий тузилмалар эса - оммавий мулкдорларга айланадилар. Бошқача айтганда, қонун ҳужжатлари бугун дунёда қабул қилинган мулкчиликни хусусий ва оммавий мулкка анъанавий бўлишга қайтиб келмоқда, бу эса хусусий ва оммавий мулкчилик шакллари (тоифаларга) бўлишнинг юридик мазмунига мосдир.

3.1. Оммавий мулк

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти ҳукм сурган собиқ мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, бюрократик давлат мулки самарали, жўшқин ривожланиб борадиган иқтисодиётни ҳам, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини ҳам таъминлашга қодир эмас. Шу билан бирга бошқа ҳаддан ташқари ҳолатга ҳам тушиб қолиш, яъни - давлат мулкининг сиёсий-иқтисодий тараққиётдаги роли ва аҳамиятини камситишга йўл қўйиш ҳам мумкин эмас.

Ижтимоий бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган мамлакатларда давлат мулкининг тарқалиш доираси қандай? Энг аввало, давлат мулки ҳақиқатан ҳам халққа қарашли бўлган бўлинмайдиган, ноёб ёки умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир. Бунга мисол қилиб ўрнини тўлдириб бўлмайдиган табиий ресурсларни, хусусан ер ва ерости бойликларини; фойдаланиш натижасида бутун аҳоли учун катта хавф туғдирадиган ёки, аксинча, бу натижаларнинг бутун аҳоли томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин бўлган у ёки бу объектларни кўрсатиш мумкин. Ана шундай объектлар жумласига энергетика, транспорт, умуман иқтисодий инфраструктуранинг каттагина қисми, яъни иқтисодий тизимнинг бевосита аҳоли фойдасига

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Маълумот учун материал

ГФРда давлат мулки

Федерал статистика идорасининг 1990 йиллар бошига тааллуқли бу маълумотларига кўра ГФРда тақрор ишлаб чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати тахминан 10000 миллиард маркани ташкил этади. Бу мол-мулк таркибига касб-ҳунар учун фойдаланиладиган уй-жой бинолари, машиналар, транспорт воситалари, маъмурий бинолар, касалхоналар ва ўқув юртлари киради. Бунга ҳарбий мақсадларда фойдаланиладиган заҳиралар, буюмлар, айрим оилалар тасарруфидаги узоқ фойдаланиладиган товарлар ҳамда автомобиллар ва номоддий бойликлар (масалан, патентлар) киритилмайди. Ушбу тақрор ишлаб чиқариладиган мол-мулкдан давлат секторига тахминан 18 фоизи тўғри келади. Давлат тadbиркорлик секторига ҳам ўз улушига эга, яъни ҳосил қилинаётган мулкнинг тахминан 10 фоизи оммавий-ҳуқуқий мақомга эга корхоналарга тўғри келади. Бинобарин, давлат вужудга келтираётган қиймат улушига ҳудди шунча мулк улуши мос келади деб тахмин қилинса, давлат мулкнинг деярли ўттиз фоизига эга бўлиб чиқади, яъни хусусий ишлаб чиқариш мол-мулкнинг шубҳасиз устунлиги ҳақида гапиряш мумкин.

Ер мулкига эгаллик қилишда давлатнинг улуши анча юқори. Бироқ, ҳатто бунга транспорт мақсадлари учун фойдаланиладиган ер участкаларини (йўллар, портлар, аэродромларни) ҳам киритганимизда бу улуш 50 фоиздан ошмаслиги аниқ.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ишлайдиган ва миллатнинг ижодий салоҳиятини яратадиган қисмлари киради.

Иқтисодий ўтиш босқичини бошдан кечириётган мамлакатларда давлат мулкининг роли яна ҳам улкан. Бу мамлакатларда у қўшимча суратда бозор ҳўжалиги томон ривожланишни барқарор таъминлайдиган бирқатор ғоят муҳим иқтисодий вазифаларни бажаришга мажбур.

Ўзбекистонда давлат мулкининг янги ҳуқуқий мақоми Фуқаролик кодексига мустақамлаб қўйилди. Ушбу Кодексга мувофиқ республика мулкидан ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал) иборат давлат мулки оммавий мулкдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 1992 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулкка) ажратиш тартиби” қарори билан тасдиқланди. Шу тариқа маҳаллий ҳокимият органларининг роли оширилди ва уларнинг ўзларига қарашли ҳудудларда иқтисодий ривожланиш шароитини яратишдаги имкониятлари кенгайтирилди. Қарорда давлат мулкининг республика мулкига ва коммунал мулкка ажратилиши мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билансига бепул топшириш асосига амалга ошириш белгилаб қўйилган. Бунда ажратиш пайтида маъмурий-ҳудудий тузилмалар билансига турган объектлар шак-шубҳасиз уларнинг мулкига айланиши тайинланган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига мувофиқ ер, ерости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

мол-мулки, давлат аҳамиятига молик маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджети маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулкида бўлади. Бюджет маблағлари ёки давлатнинг бошқа маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган корхоналар, бошқа мулквий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, бошқа мол-мулк ҳам республика мулкида, фойдаланишида ва тасарруфида бўлиши мумкин.

Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, улар вакил қилган органлар тасарруф этади.

Республика мулки солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Муниципал мулкда давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулк бўлади.

Муниципал мулкда бўлган мол-мулкни давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк солиқлар, йиғимлар ва маҳаллий бюджетга бошқа тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Республика мулкидагидек муниципал мулк бўлган мол-мулкка хўжалик эгаллиги ҳам оператив бошқарув ҳуқуқи асосида юридик шахсларга бириктириб қўйилиши мумкин.

Республика ва муниципал мулк ҳуқуқи объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулкка берилиши мумкин.

3.2. Хусусий мулк

Собиқ СССР ҳудудида хусусий мулк биринчи марта Ўзбекистонда 1990 йилда фуқаролар мулкининг бир тури сифатида расмийлаштирилди. Умумиттифоқ “марказида” бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳар хил назарий чизмаларини яратишгаётган бир вақтда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар йўлида дастлабки амалий қадамлар ташланди. Республика қонун чиқарувчи ҳокимиятининг олий органи аслида бир овоздан хусусий мулкнинг жорий этилишини тасдиқлаб, шу тариқа иқтисодиётни бозор йўлида ўзгартиришни юридик жиҳатдан таъминлашда илгари кетди. Бу ҳол Ўзбекистон жамиятида эркин хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ижтимоий-руҳий вазият кенг қўламда сақланиб қолганлигининг натижаси бўлди. Буни йиллар давомида маъмурий-режалаштириладиган тизим доирасида яшаш ҳам сўндира олмаган эди. Шунингдек, ана шундай дадил қадам ташлашдан чўчимаган Республика раҳбариятининг амалиётчилиги ва узоқни кўзлаши ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Хусусий мулк жорий этилган пайтидан бошлабоқ, шахсан истеъмол қилиниб, фойда (даромад) олиш мақсадларига хизмат қиладиган шахсий мулкдан ажралиб турди. У чекланган тарзда ёлланма меҳнатни қўллаган ҳолда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишнинг

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ҳуқуқий шакли сифатида амал қилиши назарда тутилган эди.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, 90-йилларнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият учун хусусий мулкни ҳатто ана шундай тушуниш ҳам чинакам революцион ҳодиса эди. Хусусий мулк туфайли хусусий тадбиркорлик жиндий жазога тортиладиган ишлар ҳолатидан чиқиб, қонун томонидан ҳимоя қилинадиган фаолиятга айланди.

Давлат мустақиллиги эълон қилинган ва бозорга ўтишнинг ўз моделимиз ишлаб чиқилган, асосий эътибор хусусий мулкни амалда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилди. Дастлаб мулкчилик ҳақидаги қонун, сўнгра эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси уни жамиятимизда бозор иқтисодиёти амал қилишининг зарур шартларидан бири сифатида мустаҳкамлади. Бироқ, хусусий мулкни ривожлантириш имкониятларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш бошқая, бу имкониятларни амалда рўёбга чиқариш бошқа нарса. Равшанки, ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида мулкнинг давлатлаштирилган шакллари ҳукмрон бўлиб келган жамиятда унинг хусусий шаклини тиклаш, гарчи юридик жиҳатдан тиклаш амалга оширилган бўлсада, дарҳол амалга оширилиши мумкин эмас эди. Энг аввало, мулкнинг нодавлат шакллари шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш талаб қилинди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг раҳбарияти ислохотларнинг дастлабки босқичида ўз эътиборини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга қаратди. Кенг кўламда амалга оширилган ана шу жараёнлар, кичик, ўрта ва йирик давлат корхоналарининг турли тадбиркорлик тузилмаларига айлантирилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусийлаштиришнинг дастлабки пайтларидан бошлаб, мулкчиликнинг барча шакллари ман-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

суб корхоналарнинг амалда тенг ҳуқуқлигини жорий этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими рўёбга чиқарилди. Нодавлат секторини сунъий равишда чеклаб турадиган юридик ва ташкилий тўсиқлар олиб ташланди. Янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилган, эгаларининг мулкига асосланган ёхуд чет эл капиталининг иштирокида ташкил этилган корхоналар учун солиқлар соҳасида қўллаб-қувватлайдиган, рағбатлантириладиган имтиёзлар ва устунликларнинг бутун бир тизими тузилди.

Хусусий мулкни шакллантиришнинг бошқа манбалари бозор иқтисодиёти ривожланиб борган сари унинг хусусиятига хос бўлган аҳамият касб этиб бормоқда.

Хусусий мулк билан давлат мулкининг тенг ҳуқуқлигини қонун билан тасдиқлаш тадбиркорлик соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатининг кенгайтишига, уларнинг аввалги чеклашлардан озод бўлишига ёрдам берди. Фуқаролар ўтмишда бўлганидек, мулк ҳуқуқи асосида ҳозирги вақтда фақат ўзларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган мол-мулккагина эга бўлиб қолаётганлари йўқ. Улар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқаришга мўлжалланган мол-мулкка эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнатларидан ҳам, шунингдек ёлланма меҳнатдан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Фойда олиш истаги тадбиркорларни таваккал қилиб, янги бизнес очишга ёки умуман жамиятга фойда келтирадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга ундайди. Худди шунга ўхшаб, фойда олиш ва ундан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш имконияти корпорацияларни ҳам фойдани кўпайтирадиган қарорлар қабул қилишга рағбатлантира-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

I.

Маълумот учун материал

Хусусий мулк ҳуқуқи бозор иқтисодиётини вужудга келтириш учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Перулик иқтисодчи Эрнандо де Сото унинг ролини таъқиқ қилиб, “хусусий мулк ҳуқуқининг иқтисодий аҳамияти унинг мулкдорларга янада бойиш имконини беришдан иборат эмас, балки у эгаларига бутун жамиятнинг раванқ топиши ва тараққий этиши учун инвестициялаш, новаторлик ёки ресурсларни бирлаштириш йўли билан ўз капитални ошириб бориш имконини беришдан иборатдир” деб ёзади.

Хусусий мулкнинг қуйидаги вазифалари мавжуд.

1. Фаровонлик, таъминланганлик, эркинлик ва мустақилликни ошириш вазифаси. Мулк иқтисодий қадрга эга бўлганлиги ва даромад келтириши (масалан, қўйилган сармоядан фойзалар ёки уй-жой майдони учун ҳақ) мумкин бўлганлигидан, у иқтисодий фаровонликни ва айни вақтда мулкдорнинг иқтисодий мустақиллигини оширишга ёрдам беради. Бироқ у иқтисодий ҳимояланганликни ҳам оширади, чунки қийин вазиятда ушбу мулкдаги қийматдан фойдаланиш имконияти мавжуд. Мол-мулкни тасаруф қилиш имконияти мулк эгасининг ҳаракат эркинлигини ҳам оширади ва шахснинг эркин ривожланишига ёрдам беради (бу энг аввало мулк бўлган квартиралар ва уйларга тегишли).

2. Қийматни сақлаш ва унумдорликни оширишни рағбатлантириш (фаолиятни рағбатлантирувчи) вазифаси.

Мулкдорларнинг мулкда мавжуд бўлган қийматни сақлаб қоллиш ва уни қўлайлиқдан манфаатдорлиги уларни мулкка авайлаб муносабатда бўлишга, ундан оқилона, яъни фойда оладиган қилиб, бошқача айтганда рентабелли фойдаланишга ундайди. Шундай

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

II.

қилиб, хусусий мулк иқтисодий қадриятларни сақлаш ва қўлайтиришга ёрдам беради, пухта ўйланган қарорлар қабул қилишга олиб боради ва иқтисодий унумдорликни рағбатлантиради. Ишлаб чиқариш мол-мулкларининг эгаси мулкдор бўлмаган ва унинг учун жавобгарлик ҳис қилмайдиган шахслар бўлганида аксинча вазият юзага келади.

3. Рақобат ва тараққиётни таъминлаш вазифаси. Самарали рақобат ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат ва сармоя)нинг максимал иқтисодий самара олишни таъминлайдиган тарзда ишлатилишини тақозо этади. Бу эса (масалан машина паркинни кенгайтириш ёки янги ишлаб чиқариш техникасини ўзлаштириш учун) ишлаб чиқариш воситалари бўлиши зарурлигини ёки (ишлаб чиқаришнинг муайян тури иқтисодий нуқтан назардан мақсадга мувофиқ бўлмаса) ер ва сармоядан аввалгига қараганда бошқачароқ тарзда фойдаланиш мумкинлигини аниқлатади. Шу сабабли ер ва мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш эркин бўлиши, яъни давлатнинг розилигисиз амалга оширилиши керак. Акс ҳолда фирмалар бир-бирлари билан рақобатлаша олмайди (3 бўлимга қаранг). Рақобат техника тараққиётини илгарилатиш, яъни янги, янада арзонроқ технологияларни топиш ҳамда янги, яхшироқ бузумларни ишлаб чиқаришга ҳам хизмат қилганлиги сабабли, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги ҳам рақобат “кашфиётларни рағбатлантириш технологияси” вазифасини бажаришга ва техника тараққиётининг илгариланишга, янги техникани сынаб кўриш ва ундан рентабелли фойдаланишга катта ёрдам беради. Тажриба шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулкка асосланган жамиятларда техника тараққиёти давлат мулки ёки умумий мулкка асосланмайдиган иқтисодий тартиботдагига қараганда, анча юқори бўлган.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ди. Шу билан бирга корпорация истеъмолчилар талабини қаноатлантиради.

Агар фойда олиш имконияти бўлмаса, айрим тadbиркорлар ва корпорациялар таваккал қилмайди, демак амалий фаоллик пасаяди ва жамиятда бойлик камаяди. Рақобатга асосланган бозор тизими хусусий мулкдорлар интилишларини фойда олишга шундай тарзда қаратад-ики, бу интилиш индивиднинг ҳам, бугун жамиятнинг ҳам фойдасига хизмат қилади. Бироқ, бозор иқтисодиё-тининг равнақ топиши учун ҳукумат фуқаролар ва фир-малар мулкани мажбурий равишда тортиб олмаслиги ёки адолатли суратда ҳақ тўламасдан тортиб олмаслиги ке-рак.

Хусусий мулкнинг ҳаётимиздаги ролини чуқур тушу-ниш учун унинг ҳуқуқий мавқеи: хусусий мулк тушунча-си, унинг бошқа шакллар тизимидаги ўрни, унинг объек-тлари доираси, мулкдорнинг қонуний ҳуқуқлари хусуси-ятларини, бу ҳуқуқнинг қимояси ва уни амалда рўёбга чиқаришни англаб олиш зарур.

Қонун ҳужжатларида хусусий мулк ҳуқуқи шахннинг у қонун ҳужжаларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулк-ка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи деб таърифланади. Хусусий мулк бўлган мол-мулк-нинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Хусусий мулк тушунчасининг ўзи Ўзбекистон Рес-публикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунининг 7-мод-дасида мустақамлаб қўйилган бўлиб, унда хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгаллик қилиш, ундан фойдала-ниш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Хусусий мулкнинг асосий белгиси шуки, хусусий жисмоний ва юридик шахслар, фуқаролар, хўжалик шир-катлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлаш-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

малари, ижтимоий фондлар ва бошқа нодавлат юридик шахслар бу мулкнинг субъектларидир.

Мулкдор мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширади, яъни у бошқа шахсларнинг розилиги ёки рухсатини сўраб ўтирмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра иш олиб боради. Амалдаги қонун ҳужжатларида хусусий мулк тушунчасига худди ана шундай мазмун берилади.

Мулк шакллари тизимида хусусий мулкнинг ўрнини белгилаш учун унинг бошқа шакллардан фарқини аниқлаб олимоқ керак.

Маълумки, давлат мулки шаклида давлатнинг ўзи субъект (мулкдор) бўлиб, инсон мулкдан ажратилган, узоқлаштирилган. Хусусий мулкда эса бошқа ҳеч ким эмас балки унинг ўзи субъект бўлади. Хусусий мулкнинг асосий фазилати шундан иборатки, барча шакллар орасида ёлғиз у мулкдорга яқин туради, бу ҳол эса унга ўз хоҳиши билан ва ўз иродасига мувофиқ мол-мулкка тез, оператив ва пухта таъсир кўрсатиш имконини беради. Худди шунинг учун ҳам бу ерда у ҳамisha аниқ белгиланган шахс, ижтимоий мулк шакллариининг айрим кўринишларида бўлганидек, қандайдир мавҳум субъект эмас. Мулкнинг ўз хоҳиш ва иродаси билан унга вақтида таъсир кўрсатиш имконига эга, уни бошқариши ва назорат қилиши мумкин бўлган аниқ хўжайини бўлса, мулкнинг сақланиши ҳамда кўпайиши ҳамisha кафолатланган бўлади. Бундай шароитларда мулк ҳеч қачон эгасизлик, талон-тарож, исрофгарчилик ва бошқа суиистеъмолликлар қурбони бўлмайди. Фақат хусусий мулк ҳуқуқига инсонда ўзининг ихтиёридаги у ёки бу мол-мулкнинг тақдирини учун масъулият ҳиссини туемира олади. Иккинчи томондан, хусусий мулк инсоннинг моддий фаровонлигини белгилаб беради,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

унинг ҳар хил эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқи мулкдорнинг қонуний ваколатларини амалга оширишда унинг мустақиллигини таъминлаб беради, ташаббус ва тadbиркорлик учун кенг йўл очади. Хусусий мулк фуқароларнинг тadbиркорлик фаолияти учун моддий асосдир ва шу сабабли бозор муносабатлари тизимида алоҳида ўрин тутади.

Хусусий мулк бўлиши мумкин бўлган объектлар доираси ва турлари жуда кенг ва хилма-хилдир. Шу сабабли қонун ҳужжатларида “тақиқланмаган нарсага рухсат этилган бўлади” деган қоидага амал қилган ҳолда хусусий мулк бўла олмайдиган объектлар рўйхати келтирилган. Қонун ҳужжатларида хусусий мулкни шакллантириш манбалари ҳам ёзиб қўйилган. Фуқароларнинг ёлғаниб ишлашдан, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан, кредит муассасаларига қўйилган маблағлардан, қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари, мерос тартибида мол-мулкни қўлга киритиши ва амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа вазиятларда мол-мулкни қўлга киритиши ана шундай манбалар бўлиши мумкин. Хусусий мулкни шакллантиришнинг муҳим манбаи фуқароларнинг давлат мулкни хусусийлаштиришда иштирок этишидан иборат.

Уйлар, квартиралар, дала ҳовлилар, турли бинолар, қурилишлар, иншоотлар, ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, уй ҳайвонлари, пул, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқларнинг турли объектлари (кашфиётлар, ноу-хау, фан, адабиёт асарлари) хусусий мулк объектлари бўлиши мумкин.

Ўз ҳуқуқий тартиботига кўра эркин фуқаровий оборотда бўлган хусусий мулк объектлари ва чекланган фуқаровий оборотда бўлган объектлар фарқланади. Қонунда

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

давлат, жамият ва шахсий хавфсизлик манфаатларига амал қилган ҳолда, фуқароларнинг муайян буюмларни (масалан, ов милтиғи, портловчи, заҳарли, наркотик, психотроп моддалар ва бошқалар) қўлга киритиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришнинг алоҳида тартиби белгилаб қўйилди. Қонун билан белгилаб қўйилган тартибни бузган ҳолда тегишли ваколатли давлат органларининг рухсатисиз ана шу нарсаларни қўлга киритганлик (яратганлик), улардан фойдаланганлик, уларни сақлаганлик, сотганлик учун турли юридик жавобгарлик, шу жумладан маъмурий ва жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Ер, хусусий мулк объекти сифатида алоҳида хусусиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонининг 3-бандига мувофиқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга танлов асосида сотилишига рухсат берилди. Бинобарин, ушбу ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқининг ҳамма меъёрлари тааллуқли бўлиб, улар сотилиши, васият қилиб қолдирилиши, ижрага берилиши мумкин ва ҳ.к. Бироқ, ернинг бошқа тоифалари (умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалик экинзорлари, давлат заҳирасига киритилган ерлар ва шу кабилар) давлатнинг алоҳида мулк объектларидир ва шу сабабли улар фуқароларга фақат мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаликка берилиши мумкин.

Мулкдор хусусий корхонага эга бўлиши мумкин. Хусусий корхонанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 14 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ушбу

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Низомга кўра, хусусий корхоналарнинг икки хили - ёлланма меҳнатдан фойдаланиладиган хусусий корхона (бундай корхона юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланади ва у қонунда белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт), ва фақат мулкдорнинг шахсий меҳнатига асосланган хусусий корхона фарқланади.

Хусусий корхонанинг эгаси одатда хусусий тадбиркор бўлади. Ўзи таваккал қилиб ва ўзи мулккий жавобгар бўлган ҳолда шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида тапаббускорлик асосида хўжалик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар ана шундай хусусий тадбиркор бўлади. Хусусий корхонадаги ёлланма ишчиларнинг сони чекланмаган.

Хусусий корхона юридик шахс бўлиб, ўз мустақил балансига, муҳрига, банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга эга. Унинг эгаси ўз мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақли, ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга, ўз корхонасини бошқаришни мустақил ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган буюмлар, мол-мулк, мулккий комплекслар (корхоналар)нинг батафсил рўйхати мавжуд (масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига 1-иловада давлат тарассуфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, ҳақ тўлаб олинлиши, ижарага берилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулкнинг турлари ҳамда гуруҳлари белгилаб қўйилди.

У ёки бу объектларни хусусий мулк бўла олмайдиган буюмлар ва мол-мулк рўйхатига киритишни, бу рўйхатдаги объектларни қуйидаги тарзда тавсифлаш мумкин:

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

- алоҳида мулк ҳуқуқи асосида давлатга қарашли объектлар;
- ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳаво бўшлиғи, сув, ер (савдо объектлари жойлашган ер участкалари бундан мустасно), тарихий-маданий ва табиат мероси объектлари, бадиий бойликлар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва бошқалар;
- давлат суверенитети ва хавфсизлигини таъминлайдиган объектлар;
- давлат хазинаси, пул ва валюта заҳиралари, олтин захираси, қуролли кучлар ва ҳарбий саноат объектлари ва бошқалар;
- давлат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ объектлар;
- атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш хизмати, санитария-эпидемиология, ёнғинга қарши, фалокатдан қутқариш хизматлари, патент идораси, стандартлаш ва метеорология хизматлари ва шу кабилар;
- иқтисодийнинг амал қилиши ва аҳолининг тегишли турмуш шароитини таъминлаш учун ҳаётий муҳим объектлар;
- қимматбаҳо тошларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, ёқилғи қазиб чиқариш корхоналари, энергия ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи комплекслар, магистрал газ ва нефть қувурлари, тизим ташкил этувчи электр тармоқлари, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти ва шу кабилар;
- ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини сақлаш мақсадида давлат ихтиёрида олиб қолиш мақсадга мувофиқ бўлган объектлар;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

- кучли таъсир қиладиган заҳарлар, наркотик, портловчи моддаларни, радиоактив элементларни, спорт ва ов ўқотар қуролларини, ўқ-дориларни, шунингдек совуқ қуролларни ишлаб чиқариш корхоналари, юқори даражага хавфли бўлган ва хавф келтириб чиқариш эҳтимолига эга ишлаб чиқариш объектлари ва ҳоказолар.

Юқорида кўрсатилган рўйхатни кенгайтириб талқин қилиш мумкин эмас ва шундай қилиб рўйхатта кирмай қолган ҳамма объектлар хусусий мулк бўлиши мумкин.

3.3. Хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.

Шуни эътироф этиш керакки, мулкнинг бошқа шакллари орасида айнан хусусий мулк жуда нозик бўлиб, алоҳида ҳимояга муҳтож. Бунинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, хусусий мулк нисбатан яқинда тан олинди ва ошкора мавқе эгаллади, кўпгина соҳаларда у ҳали ҳам бошланғич ҳолатдадир. Иккинчидан, унинг кўпгина эгаллари ўз ҳуқуқ ва ваколатлари мазмуни ҳамда ҳажмини яхши билмайди ва бу ҳол эса уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини бўғиб турибди. Учинчидан, хусусий мулк эгалари ҳамма вақт ҳам айрим амалдорлар ва мансабдор шахслар томонидан қўллаб-қувватлана бермайди. Тўртинчидан, мазкур ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг суд тизими ҳали мукамал эмас (тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ кўпгина низоларни қуйи бўғинлари фақат вилоят марказларидагина иш олиб бораётган ҳужалик судлари томонидан кўриб чиқилмоқда).

Яна бир муаммо асосан мулкни юридик ҳимоялаш механизми билан боғлиқдир. Ҳозир амал қилиб турган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ҳуқуқий тизимда мол-мулк, пул, ашёлар шаклидаги мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва суд томонидан ҳимоялаш механизми йўлга қўйилган ва ишлаб турибди, хусусий мулк ҳуқуқининг мулкчий комплекслар (корхоналар) сингари объектларини ҳимоя қилиш суд амалиётида янгилик бўлиб, меъёрий ҳужжатларни қўшимча тартибга солишни талаб қилади.

4.0. Ўтиш даври иқтисодиётида мулкнинг иқтисодий муносабатлари

Ўтиш даври иқтисодиётида янги мулкчилик муносабатларининг қарор толиши ижтимоий-психологик, ҳўжалик ва идоравий суствликнинг анчагина сақланиб қолиниши шароитида юз берди. Бу муносабатлар бўш ерда эмас, балки давлатлаштириш даражаси юқори бўлган, ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бюрократларча бегоналаштиришга, топшириқ беришнинг маъмурий-бўйруқбозлик модели ва шу кабиларга асосланган аввалги мулкчилик тизимининг ўзгариши негизида шаклланмоқда. Ушбу тизимда мулк ҳуқуқининг асосий “дастаси” бюрократик табақаларнинг турли босқичлари ва “ҳуфия иқтисодиёт” хўжайинлари ўртасида тақсимлаб олинган эди. Ўтмишнинг мана шу барча жиҳатлари бирданита йўқ бўлиб кетмайди ва ўтиш даври иқтисодиётида мулкчилик муносабатларининг мазмунига, улар шаклларининг тузилмасига, мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланишига ва улар субъект (хўжайин)ларининг табиатига катта таъсир кўрсатмоқда.

Бозорга ўтиш мулкнинг мазмуни, шакли ва ҳуқуқларининг тузилишида муайян сифат ўзгаришларини объектив зарурат қилиб қўйдик, буларга “яхшилаш”, “тузатиш”, “ислоҳ қилиш” кабилар билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун аввалги мулкчилик муносабатлари тизимининг моҳи-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

яти тадбиркорлик қобилиятига эга одамларнинг ҳўжалик фаолияти воситалари ҳамда натижаларидан бюрократларча бегоналаштиришни бузиб ташлаш зарур. Бунда гап заводлар, фермалар, дўконлар ёки стадионларни бузиб ташлаш ҳақида эмас, балки иқтисодий муносабатларни ҳамда уларнинг идоравий, шунингдек ҳуқуқий шаклларини сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳақида боради. Аввалги тизимни ана шундай бузиб ташлаш хусусийлаштириш, яъни давлат-бюрократик мулкни хусусий мулк билан алмаштириш йўлидан бормоқда.

“Реал социализм” ва унинг бюрократларча давлатлаштирилган ҳўжалик ҳаётидан узоқлашиб бораётган мамлакатларда бозор иқтисодиётининг қарор топиши хусусий мулкни ривожлантириш вазифаси билан бежиз боғлиқ бўлиб қолмади: айнан ана шу хусусий мулк ўз вақтида (бундан 500 йил эмас, балки бор йўғи 100 йил аввал) ҳозирги бозор тизимининг қарор топиши учун асос бўлган.

Натижада социализмдан кейинги барча мамлакатларнинг ўтиш даври иқтисодиёти иккита ягона ва бир-бирига қарама-қарши тамойиллар: хусусий мулкни социализациялашдан иборат умум цивилизация тамойили билан бюрократик-давлат мулкидан хусусий мулкка ўтишдан иборат ўзига хос тамойил чорраҳасига келиб қолди. Ана шу асосларнинг ўзаро таъсир қилиши - иқтисодиётда мулк шаклларининг тузилиши ҳамда табиатини тушунишнинг калитидир.

Мулкчилик муносабатларида сифат ўзгаришлари, муҳим ўзгаришларнинг мавжудлиги, муассасавий, сиёсий ва бошқа ирода билан боғлиқ омилларнинг ўтиш даври иқтисодиётда мулкчилик динамикасида барқарор иқтисодиётдагига қараганда анча катта роль ўйнашини келтириб чиқармоқда. Маъмурий-буйруқбозлик тизими вайро-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

налари устида хусусий мулкнинг вужудга келиши ёввойи, ғайриижтимоий бозор иқтисодиётининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Хусусий мулкнинг қарор топиши давлат томонидан белгиланган ва назорат қилиб бориладиган шарт-шароитлар, бир томондан шаклланаётган мулкдорлар синфини ўртача ва қуйи босқич бюрократиясидан, иккинчи томондан эса - жамиятнинг ўзини фойда олишга интилиб, умумий манфаатларни назарга илмасликка тайёр мулкдорлардан ҳимоя қиладиган шарт-шароитлар доирасида юз бермоғи керак.

4.1. Утиш даври иқтисодиётида хусусий мулкнинг қарор топиши ва ўзига хос жиҳатлари

Хусусий мулкнинг анъанавий шаклларига азалдан мулкдор ҳам, ишчи ҳам бир шахс бўлган яқка тартибдаги ёки оилавий майда корхоналар кирар эди. Бундай корхоналар яқка тартибдаги меҳнат ёки микрожамоа (оила) меҳнати анча самарали бўлган жойларда тарқалган (у тақрор ишлаб чиқариш жараёнини мустақил равишда ёки йирик ҳўжалик тизимлари, масалан, давлат кўмагида таъминлаши мумкин). Ривожланган мамлакатларда майда хусусий корхоналар қишлоқ ҳўжалигига (фермерлар), савдо ва сервис, касб-хунарлар, ижодий фаолиятнинг баъзи шакллари (тиббийёт, санъат) ҳамда трансакция секторидаги фаолиятга (майда брокерлар, адвокатлар, гумашталар ва шу кабиларнинг хизматлари) ҳаммадан кўра кўпроқ хосдир.

Ўзбекистоннинг ўтиш даври иқтисодиётида майда хусусий мулк дастлаб “яқка тартибдаги меҳнат фаолияти” шаклида пайдо бўлди, сўнгра фермерлик вужудга келди. Ҳозирги вақтда майда хусусий корхоналарнинг кўпчилиги қисми (1-15 киши) “хусусий корхона” ёки “масъулияти чекланган жамият” деган юридик шаклга эга.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Маълумот учун материал

Яши давлатлаштиришга асосланган (хусусий мулкчиликка асосланган бозор муносабатлари зимдан ривожланган ҳолда) иқтисодидан ўсиб чиқаётган хусусий мулкни вужудга келтириш учун тўртта йўл бор. Биринчи - бу хусусий мулкчилик муносабатларининг ривожланишига у ёки бу йўсида йўналтирилган давлат мулкидан хусусий мулкнинг ривожланган ҳар хил тур ва шахсларга ўтишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган расмий хусусийлаштириш модели. Иккинчи йўл - қонундан ташқари, гайри табиий амалга ошириладиган, қонуларга эйд бўлган давлат мол-мулкнинг у ёки бу шахслар томонидан ўзлаштириб олинishi жараёни. Учинчи - расмийлаштириш йўли, олдинги ўн йилликлар мобайнида яширин (хуфя) бозорда таркиб тошган хўжалик бўғинларининг расмий, хусусий мулкчилик тузилмаларига айлантириш. Айрим шахслар томонидан маблағларни жамғариш асосида хусусий мулкни вужудга келтиришнинг тўртинчи, ҳозирги хўжалик тизимлари учун муштарак бўлган йўли ҳам мавжуд.

Россиянинг тажрибаси ўтиш даври иқтисодиёти учун гоят хос бўлган хусусий мулкнинг корпоратив-номенклатура ёки “хуфя” усулда келиб чиқишнинг иқтисодий оқибатлари ҳақида бир қанча хулосалар чиқариш имконияти беради.

Биринчидан, хусусий мулкдорлар ва талбиркорларнинг иқтисодий хулқ-атворининг номенклатура-корпоратив ёки хусусий ошқора моделини кўзлаши. Бу ҳол иқтисодиётнинг муассасалашувига шунингдек Рузвельтнинг “ҳалол рақобат кодекси”га ўхшаш бўлади-ми, давлат бошқаруви дастурларини бажариш бўладими ёки, жуда бўлмаганда ҳозирги солиқ тўлаш бўладими, булардан қатъи назар “ўйин қондаларига” ривож этилишига қаршилик кўрсатилишини аниқлатади.

Иккинчидан, турли корпоратив тузилмалараро ва улар ичидаги норасмий ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг юксак даражада аҳамиятга эгалиги сабабли ушбу тузилмалар реал даражада алоқадарлиги ва рақобатга чидамлилиги анъанавий бозор иқтисодиётига қараганда анча паст (аниқроғи анча бошқачароқ) бўлиб чиқмоқда.

Учинчидан, ходимнинг ва бошқа фуқароларнинг хусусий шахсларга (бу ўринда номенклатура-корпорация ва “норасмий” тузилмаларга) қаршилик бўлган мулкдан беғоналашуви ривожланган капиталистик мамлакатлардаги шароитлардагидан анча юқори бўлади: демократик назорат шакллари, бошқаришда қатнашиши ва шу қабилар анча паст даражада ривожланганлар.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Ҳозирги замонда майда хусусий мулкдор миллий иқтисодиётга (техникавий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан) жуда ҳам сингиб кетган. Иш моҳиятига кўра майда бизнеснинг ривожланиш калити бўлган хусусий мулкдор ҳозирги кунда қай даражада чинакам хусусийдир деган жуда муҳим парадоксал муаммо мавжуд.

Энг аввало, хусусий мулкдор “ишлаб чиқаришни умумлаштирилиши” билан, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг жамланиши ҳамда кооперацияси асосида индустриал ишлаб чиқаришнинг айрим бўғинларининг технология, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан бир-бирига боғлиқлигининг ўсиб бориш жараёни билан етарли даражада чегаралаб қўйилган.

Умумлаштириш жараёни майда хусусий мулкдорни минглаб кўзга кўринмас ришталар воситасида маҳсулот етказиб берувчилар ва уни истеъмол қилувчилар билан боғлаб қўяди. Фермер учун булар хизмат кўрсатиш, ускуналар, уруғлар, ўғитлар, етказиб бериш тизими, маҳсулотни сотувчи ташкилотлар ва ҳоказолардан иборат. Аслини олганда, фермерлик хўжалиги комбайн ва электр энергияси ишлаб чиқаришдан бошланиб, донни қайта ишлаш ва нон ёки гўштни сотиш тизими булан тутайдиган кўплаб йирик хўжалик тизимлари корпорациясининг муракаб занжирига уланган вақтдагина самарали бўлади. Бошқа соҳаларда банд бўлган майда тадбиркор учун ҳам ушбу занжир деярли ўзгармайди. У “кириш”да (ишлаб чиқариш воситаларини, хом ашё, материаллар ёки сотиш учун маҳсулотлар етказиб бериш) ҳам ва “чиқиш”да (унумли майда бизнес маҳсулотини сотиш) ҳам одатда йирик ташкил этилган хўжалик ва технология тизимларига луч келади.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиётида ҳар қандай майда мулкдор мураккаб молиявий ва бошқа иқтисодий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзаро муносабатлар тизимига анча мустаҳкам кириб қолган бўлади. У ўзи иш олиб борадиган банкка ва бошқа молиявий идораларга жуда боғлиқ.

Башарти, ўтиш даври иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда ўзи ишлайдиган ва ўз меҳнатининг маҳсулотини ўзлаштирадиган майда мулкдор, **биринчидан**, давлат корхоналари ва бюрократик давлат тизимининг меросига боғлиқ. Масалан, фермер собиқ жамоа хўжаликлари (амалда давлат ихтиёрида бўлган корхоналар) ёки давлат хўжалиқларидан бошлаб техника етказиб берадиган ва маҳсулотни ҳарид қиладиган давлат ёки ярим давлат тузилмаларини ўз ичига оладиган агро-сноат мажмуасининг қатъий васийлигида (патернализм) ва айни вақтда бюрократларча зулми остида қолмоқда. Бу боғлиқлик фақат салбий эмас, балки ижобий бўлиши ҳам мумкин: табиийки, фермер бутун технология циклини мустақил амалга ошира олмайди ва бу ерда ўзи кооперацияга кириши зарур бўлган ёрдамчи ролини, хоҳлайдимиз, хоҳламайдимиз яқин вақтларгача, одатда давлат қўлида бўлган ёки бошқача ўтиш шаклидаги мулк (айтайлик, давлат маблағлари каттагина улушни ташкил этган акциядорлик жамияти) бўлган йирик хўжалик тузилмалари ўйнайди. Лекин бундай ижобий ўзаро таъсирнинг шарти йирик бизнес томонидан яккаҳокимларча тазйиқ ўтказишдан эмас, балки майда ва йирик бизнеснинг шерикчилик муносабатларидан иборат бўлиши шарт.

Иккинчидан, ўтиш даври иқтисодиётига майда хусусий мулкдорнинг ҳам технологик, ҳам иқтисодий табиатга эга монополизм шароитида маҳсулот етказиб берувчиларга ва истеъмолчиларга боғлиқлиги хос. Ўзаро картель муносабатлари билан боғланган якка-ёлғиз техника етказиб берувчига ёки техникани етказиб берувчилар гуруҳига

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ана шундай монополь бeғлиқлик ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида майда хусусий мулкнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатадиган муҳим омилга айланиб бормоқда.

Учинчидан, ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида майда бизнеснинг муассасага бeғлиқлиги айниқса муҳим бўлиб қолмоқда. У асосан бюрократик тусдаги бeғлиқликдир. Майда хусусий мулкдорнинг эркинлигини бюрократларча, расмий чегаралаб қўйиш энг муҳим ҳолат бўлиб, моделга ҳамда майда хусусий мулк амал қилишининг иқтисодий натижаларига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар қандай иқтисодиётда, шу жумладан ўтиш даври иқтисодиётида ҳам майда хусусий мулк секторига эски фирмалар хонавайрон бўлганида ёки бир мунча йирикроқ структураларга ўтганида янги фирмаларнинг тез пайдо бўлиши хос (махсус қўллаб-қувватлаб туриладиган майда корхоналар, масалан Ғарбий Европадаги фермерлик хўжаликлари бундан мустасно).

Мулкдорнинг ўз меҳнатига асосланган майда мулк эволюциясининг тарихан анъанавий йўналиши мулкдор билан ходимнинг ажралишига асос бўладиган, ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори бир қутбда, ўзининг ишчи кучини сотадиган ёлланма ишчи иккинчи қутбда пайдо бўлган шаклларнинг вужудга келишидан иборат эди.

Ўтиш даври иқтисодиётида бундай тақсимланиш қайта куриш давридаёқ “кооперативлар” доирасида юз берган эди. Улардаги ёлланма ходимлар сони 80-йиллар охиридаёқ кўпинча кооператив аъзоларининг сонидан ошиб кетар эди. Бунда вазифалар анча жўн тақсимлаган: кооператив аъзолари мулкдор ролини, бир қанча ҳолларда эса тадбиркор ролини бажарган, асосий ишлаб чиқариш вазифаларини эса ёлланма ишчилар амалга оширар эди. Худди шундай тенденцияларни Шарқий Европа мамла-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

катларида, ҳатто Хитойда ҳам кузатиш мумкин, уларда майда бизнеснинг ривожланиши кўпинча, давлат томонидан чеклаб қўйилишига қарамай, ёлланма меҳнатнинг салмоғи ошиб бориши билан бир вақтда юз бермоқда.

Агар ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хусусий мулк ўртача (фабрика) ёки йирик (корпорация) даражага етса, ўтиш даври иқтисодиётида у акциялар озми, кўпми айрим шахслар (ҳатто ташкилотлар) қўлида тўпланадиган акциядорлик хусусий мулкига айлана бошламоқда.

Акциядорлик мулки ривожланган мамлакатларда ҳам, шунингдек ривожланаётган мамлакатларда ҳам ўрта ва йирик корхоналар учун энг типик мулкка айланмоқда. У ўтиш даври иқтисодиёти учун ҳам гоёт хос. Бу мулк анъанавий хусусий мулкдан нимаси билан фарқ қилади? У энг аввало жамоа бўлиб тасарруф қилиш ва ўзлаштириш унсурларининг пайдо бўлиши билан фарқланади. Ҳатто агар акциялари биржада эркин котировка қилинадиган очиқ турдаги классик акциядорлик жамиятини олиб қарайдиган бўлсак, бу ҳолда ҳам мулкни тасарруф этиш ҳуқуқлари, хусусан стратегик масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш акциядорлик жамиятларида расман (бир қанча ҳолларда эса ҳақиқатан ҳам) барча акциядорлар қўлида. Бу ваколатлар улар томонидан биргаликда амалга оширилади, бу эса ишлаб чиқариш воситаларининг коллектив ёки жамоа мулки реал унсурларини пайдо бўлаётганлигини аёнлатади.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, мулкнинг акциядорлик шакли турли ҳужалик тизимларининг бир-бири билан қўшилиши учун анча катта шарт-шароитлар яратиб беради. Алоҳида фирмалар бир-бирларининг акцияларини сотиб олганларида ўзаро бирлашади, уларнинг иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига боғлиқлиги, мулкчилик муносабатлари тизимидаги бирлиги ошиб боради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

I.

Маълумот учун материал

ГФРда хусусий мулкни умумий мулкка айлантириш (социализациялаш)

Германия Федератив Республикасида мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи Асосий Қонун 14-моддасининг 1-хатбошиси билан кафолатланади. Ушбу Қонунга мувофиқ хусусий шахслар ҳам, юридик шахслар (корхоналар ҳам) Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз хоҳишларига қараб мулкни қўлга киритиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга (албатта, давлат ташкилотлари ҳам шунингдек давлатнинг ўзи ҳам мулкдор бўлиши мумкин). Бироқ айни вақтда Асосий Қонунда мулк билан боғлиқ “ижтимоий мажбуриятлар” ҳам ёзиб қўйилган. Шу модданинг иккинчи хатбошисида бундай дейилади: “Мулк мажбуриятлар ҳам келтириб чиқаради. Ундан фойдаланиш бутун жамият фаровонлигига хизмат қилиши керак”. Бундан мулкни ўз хоҳишига қараб тасарруф этиш ҳуқуқи умумий фаровонлик манфаатлари йўлида чекланади, деган маъно келиб чиқади.

Уз навбатида Қонун чиқарувчилар мулкнинг мазмуни ва чегараларини аниқлаш чоғида ундан фойдаланиш учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслигини кузатиб туриш мажбуриятини олади. Амалиётда мулкнинг ижтимоий вазифини таъминлашга доир бир қатор ҳуқуқий қоидалар, масалан иш кунининг давомийлиги ҳақидаги қоида (мулкдан фойдаланишни вақтинча чегаралаш), асос-сиз равишда ишдан бўшатилган ёки кўчириб юборилган ҳимоялаш тўғрисидаги қоидалар (фойдаланиш ҳуқуқини шахсий ҳуқуқлар

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

II.

билан боғлиқ ҳолда чегаралаш), касбкор қоидалари доирасида хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар (мол-мулкнинг сифат жиҳатида доир кўрсатмалар), корхона устави ҳақидаги қонуннинг ҳамда меҳнаткашларнинг корxonани бошқаришда иштирок этиши ҳақидаги қонунларнинг қоидалари (мулк эгаси бўлмаган шахсларга бошқа шахсларнинг мулкни тасарруф этишда қатнашиш ҳуқуқини бериш) ҳамда картеллар ташкил этилишини ва муайян катталиқдаги корхоналарнинг бирлашишини таъқиқлайдиган, маҳсулотни харид қилувчилар зарарига мулкни суистеъмол қилишга йўл қўймайдиган, рақобатни чеклашга қарши қонуннинг ҳуқуқий меъёрлари мавжуд. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик рақобат мавжуд бўлганида ва монополиялар шаклидаги иқтисодий ҳокимият вужудга келишига ёки иқтисодий ҳокимиятни суистеъмол қилишга (бундан қочиб қутилиб бўлмайди) тўсқинлик қилиш мумкин бўлган шароитдагина тўлиқ ҳажмда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

ГФРда мулк соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг энг амалий хусусияти шуки, мулкдорларнинг умумий сонини кўпайтириб бориш билан мулкнинг асоссиз равишда давлат, фирмалар ва хусусий шахслар қўлида тулланиб қолишига қаршилик қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Бунда мулкчиликнинг акциядорлик шакли асос эътибор ила хусусий бўлиб қолаверади, чунки, биринчидан, акциялардан айрим шахс (бу ўринда жисмоний шахс бўладими ёки юридик шахс бўладими) бунинг аҳамияти йўқ), алоҳида бошқа шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланади; иккинчидан, мулк устидан реал назоратни, одатда шахсларнинг тор қатлами амалга оширади, ва учинчидан, акциядорлик фирмасининг ўзи бир-бирларидан алоҳида бўлади.

Ўтиш даври иқтисодий шариоитида акциядорлик мулкининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Жамоа бўлиб тасарруф этиш ва ўзлаштиришнинг айрим унсурларига қарамай, бутун ўтиш даври жамията бюрократик мерос унинг мазмунига ҳал қилувчи даражада таъсир кўрсатади. Хусусий шахслар эмас, балки ўтмиш иқтисодий шаклидан ўсиб чиқаётган корпоратив тузилмалар мазкур мулкнинг асосий субъектларига айланиб бормоқда. Акциялар ҳақиқий назорат мажмуининг (бу пакет 51 фоиз бўлиши шарт эмас, у анча кичикроқ улуш бўлиши ҳам мумкин) давлат ва мустақил корпоратив тузилмалар (концернлар, холдинглар, давлат ва акциядорлик корпорациялари ва шу кабилар ана шундай тузилмалар бўлиши мумкин) қўлида тўпланиши, йирик хўжалик тизимларининг ишлашини ҳар томонлама бюрократик назорат қилиб бориш имконини беради.

90-йилларнинг бошларида социализмдан кейинги мамлакатлар иқтисодий учун хос аралаш давлат-хусусий компаниялар: ишлаб чиқаришнинг ўрта ва юқори бўғин бюрократия вакиллариининг тор доираси ривожланишини назорат қилишни ўзида жамлайдиган холдинглар; одатда давлат молция ва ишлаб чиқариш корпорациялари томонидан ўз фаолиятини молциялаш учун ташкил этиладиган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

ҳамда яна ўша тор доирадаги номенклатура шахслари томонидан назорат қилинадиган банк тизимлари ва бошқалар акциядорлик мулкани номенклатура-корпорация мазмунининг аниқ шакллари дир.

Шундай қилиб, ўтиш даври иқтисодиётидаги мулкчиликнинг акциядорлик шаклида ички зиддият мавжуд. Бир томондан - иқтисодиётни социализациялаш потенциали, яқка тартибдаги хусусий мулкдан социализациялаштирилган мулк шаклларига ўтиш эволюцияси. Иккинчи томондан - мулкчилик муносабатларининг номенклатура-корпоратив эволюцияси учун ғоят қулай шакллар яратади. Мулкчилик муносабатларининг номенклатура-корпоратив эволюцияси акциядорлик мулки объектлари бўлган хўжалик тизимларининг самарали иш олиб боришдан унчалик манфаатдор бўлмаган тор доирадаги шахшлар қўлида сақланиб қолишини англатади.

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида жамоа мулкнинг турли шакллари амал қилишда давом этмоқда. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида яшаётган мамлакатлар ижтимоий онгида “жамоа” мулки тушунчаси, одатда, аввалги маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг “сарқитлари” билан уйғунлашиб, жуда номақбул бўлиб қолмоқда. Амалиётда эса жамоа шакллари ҳам “цивилизациялашган”, ҳам маъмурий-буйруқбозлик тизимидан узоқлашаётган иқтисодиётда ўзига йўл очиб бормоқда.

Кооперативни хусусий фирмадан қайси мезонларга қўра ажратиш мумкин? Бу жуда осон: кооператив ёки жамоа корхонаси - одатда, ҳам мулкдор, ҳам ишчи вазифаларини бажарадиган жисмоний шахслар гуруҳининг уюшмасидир. Бунда мулкдор ҳуқуқларининг кўпчилиги қисми (тасарруф этиш, фойдаланиш, ўзлаштириш) улар томонидан биргаликда амалга оширилади. Мулкдор вази-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

фаларига нисбатан, ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ва меҳнатга нисбатан бу тенглик кооператив ёки жамоа корхонасининг муҳим жиҳатидир. Аини вақтда жамоа ва кооператив корхоналари хусусий мулкка хос бўлган бир қатор механизмларни сақлаб қолиб, бир-бирига қарама-қарши икки манфаат - хусусий мулкдор манфаатлари ва ишлаб чиқариш воситаларидан биргаликда фойдаланаётган жамоага хос манфаатларни қўшиб олиб бормоқда.

Кооперативда ходимнинг хусусий мулкка оид пай ёки якка ҳисобвараққа бўлган эгаллиги “қолади” (бундай ҳолда гап жамоа-улуш мулки ҳақида боради). Кооператив аъзоси бу мулкни мустақил тасарруф эта олмайди, лекин у даромадларнинг маълум қисмини (меҳнатга қараб тақсимлаш асосида олинadиган даромаддан ташқари) олиш учун асос бўлади ва кооператив аъзоси кооперативдан ёки жамоа корхонасидан чиқиш вақтида уни ўзи билан олиб кетиши мумкин.

Мулкнинг ана шу кичик турлари ўртасидаги фарқ муҳим эмас. Одатда кооперативлар жумласига акциядорлик шаклига эга бўлмаган кичикроқ корхоналар киритилади. Йирик бирлашмалар (бир неча юз ва ҳатто минглаб ходим ишлайдиган, масалан, мамлакатимиздаги саноат жамоа корхоналари ёки Испаниядаги кооперативларнинг Мондрагон бирлашмаси каби) одатда жамоа корхоналарига айланади. Ўтиш даври иқтисодиётида кўпчилик ҳолларда бу жамоа корхоналари масъулияти чекланган ширкатлар ёки ёпиқ акциядорлик жамиятлари шаклига эга ва унинг акцияларининг кўпчилиги (овоз берувчи акцияларнинг кўпчилиги, эҳтимол барча овоз берувчи акциялар) ходимларга тегишли биржада эса ё овоз ҳуқуқига эга бўлмаган имтиёзли акциялар, ё акцияларнинг жуда оз қисми ёхуд ҳеч нарса котировкаланмайди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўтиш даври иқтисодиётида жамоа мулкани ривожлантириш учун қандай асослар мавжуд? Энг аввало, кооперативлар муваффақиятли ривожланиб бораётган бошқа ҳар қандай мамлакат, яъни Англия, Испания, Бразилия, Хитой иқтисодиётидаги каби асослар мавжуд. Бу шакл умумжаҳон тамойилларидан истисно ҳам эмас, тоталитар мерос натижасининг ўзигина ҳам эмас.

Ўтиш даври иқтисодиётида жамоа мулкани ривожлантириш учун фақат умумжаҳон асослари эмас, балки ўзига хос асослар ҳам мавжуд. Булар орасида иқтисодий, ижтимоий ҳаётда жамоачилик анъаналари ва менталитетнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек ижтимоий адолат тушунчалари мавжуд.

Айни вақтда ўтиш даври иқтисодиёти жамоа мулкида алоҳида муаммолар ва “носоеғломликлар” ҳам мавжуд. Улар энг аввало жамоа мулкнинг келиб чиқиши мулкчилиكنинг хусусий шаклидан ҳосил бўлган ана шу мулкнинг амал қилишидаги қатор муаммоларни ўзи билан одиб келиши билан боғлиқ. Бу муаммолар, асосан яна ўша номенклатура-корпоратив тамойилларидан иборат бўлиб, улар бир қанча ҳолларда корхона ходимларига олий ҳукмдор ҳуқуқлари, яъни ўз мулкларидаги мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини жамоа бўлиб тасарруф этиш ҳамда ўзлаштириш ҳуқуқлари расмий равишда бериб қўйилган бўлишига қарамай, кўпинча жамоа мулкнинг мазмунини ташкил этиши мумкин. Бу зиддият (номенклатура-корпоратив мерос билан мулкчилиكنинг жамоа шакли ўртасидаги) ўтиш даври иқтисодиёти доирасида жамоа корхоналари ва кооперативлар учун ҳосдир.

Бундан ташқари биргаликда хўжалик юритиш, ўзлаштириш ва тасарруф этиш, бундай корхоналар ичида ўз-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Маълумот учун материал

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпчилик ривожланган мамлакатларда жамоа корхоналарининг бозор шакллари кенг ривожланди. Булар энг аввало кооператив корхоналар, шунингдек мулкчиликда ходим ҳам кенг иштирок этадиган корхоналар эди. Улар ҳукмрон мавқеи эгаллагани йўқ, лекин Ғарбий Европа мамлакатларида барқарор секторни ташкил этиб, қатор тармоқларда ишда банд бўлганларнинг 5-10 фоизини бирлаштиради. Булар қишлоқ хўжалик ишчилари ёки фермерларни бирлаштирувчи майда гуруҳлар эмас асло. Масалан; "Employee Stock ownership plan" давлат томонидан корхона акцияларининг катта улушини ходимлар қўлига бериш мақсадида қўллаб-қувватланадиган махсус фондлар ташкил этилишини тақозо қилади. Бу режа кенг қўламда (саноатнинг 10 фоизи) АҚШда амалга оширилмоқда. У ерда 1000 дан ортиқ корхонада ҳозирнинг ўзидаёқ жамоа мулки устундир. 1994 йилда жаҳондаги энг йирик авиакомпаниялардан бири "United Air Lines" (100 мингдан ортиқ ходим) ишловчилар мулкига айланди.

Шундай бўлсада, жамоа корхоналари ва кооперативлар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг арзimas қисми бўлиб қолмоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзини бошқариш муносабатларининг ривожланишида деярли энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммони ташкил этади. Корхона юридик мақомининг жамоа корхонаси сифатида мустаҳкамлаб қўйиш ходимларнинг ишлаб чиқариш воситаларига биргаликда эгаллик қилиш, ўз корхоналарини ривожлантириш ва мулкни тасарруф этишида бирга қарорлар қабул қилиш, ўз жамоа меҳнати натижаларини биргаликда ўзлаштира оладиган шахслар сифатидаги иқтисодий мақомини асло таъминлаб бермайди. Ўзини-ўзи бошқариш ва ходимларнинг реал хўжайинларга айланиш муаммоси жамоа корхоналарини ривожлантиришнинг асосий ички муаммосидир.

Айни вақтда шуни унутмаслик керакки, кооперативлар ва жамоа корхоналари хусусий мулк жиҳатларига ҳам эга. Бу фақат жамоа бойлигини яқка тартибда ўзлаштириш имкониятига (эгасининг номи ёзилган ҳисобварақлар ёки пай) эмас, балки кооперативнинг худди шундай бошқа жамоа ёки хусусий корхоналар билан бир қаторда “хусусий хўжайин” сифатида хўжайинлик қиладиган алоҳида субъект эканлигига ҳам тааллуқли. Ана шу маънода ташқи шерикларга нисбатан жамоа ёки кооператив корхонаси аввалгидек гўё “катта хусусий мулкдор” бўлиб қол-аверади.

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Муҳокама учун саволлар

Иккинчи булимни ўқиб чиқинг ва жавоб беринг:

- 1** Нима сабабдан бошқа ҳеч қайси Қонун эмас (масалан, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун), балки айнан “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонун бозор иқтисодиётини ҳуқуқий таъминлаш пойдеворидаги биринчи тамалтоши бўлганлигини асослаб беринг?
- 2** Бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ ҳуқуқий ислоҳот жараёнида мулкчилик ҳуқуқий муносабатларининг объект таркиби қандай ўзгариши мумкин?
- 3** Сиз юридик маънода мулк ҳуқуқини қандай тушунасиз? Мулк ҳуқуқининг уч таркибий қисми биридан ҳар бирининг аҳамияти нимадан иборат? Бу таркибий қисмлар алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкинми?
- 4** Мулк ҳуқуқи билан бошқа ашёвий ҳуқуқлар ўртасидаги муҳим фарқ нимада?
- 5** Қандай тамойиллар асосида давлат мулки республика мулкига ва коммунал (муниципал) мулкка ажратилди?
- 6** Қонун ҳужжатларида мулкнинг даҳисизлиги қандай таъминланади?
- 7** Қонунда тарихий-маданий мерос объектлари давлат мулкига мансублиги белгилаб қўйилган. Айни вақтда ҳаммага маълумки, фуқароларнинг хусусий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

коллекциялари мавжуд бўлиб, уларда катта бойлик ҳисобланган кўплаб ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик асарлари, ноёб нашрлар бор. Нима сабабдан бу ерда зиддият йўқ?



Кўпгина бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда кўчмас мулк эгалари янги магистрал йўл ўтадиган жойга тушиб қолганида, буни омад деб ҳисоблайдилар. Бундай вазиятда кўчмас мулкни олиб қўйиш ҳақидаги масала қандай ҳал қилинади?



Хусусий мулкни “умумлаштириш” ва “социализациялаш” деганда нима тушунилади?



Ўтиш даври иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўзига хос жиҳати нимада?

Глоссарий

Эгасиз мол-мулк - Мулкдори бўлмаган ёки мулкдори номаълум мол-мулк.

Эгалик қилиш - ашёнинг унга хўжайинлик қилувчи шахс хўжалигида амалда бўлиши. Эгалик қилиш қонуний ҳуқуқи - қонун томонидан бериб қўйилган ашёни ўз эгалигида ушлаб туриш имконияти.

Фойдаланиш - ашёнинг фойдали хосларини топиш ва қўллаш, уни вазифасига мувофиқ ишлатиш. Фойдаланиш ҳуқуқи - унинг фойдали хусусиятларини қонун асосида то-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

пиш, шунингдек, ашёдан самара ва даромадлар олиш имконияти.

Оператив бошқариш ҳуқуқи - юридик меъёрларнинг муайян тизими; у, мулкдор билан корхона, муассасалар, шунингдек муассасалар ўртасида уларга бириктириб қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш муносабатларини тартибга солади.

Мулкчилик ҳуқуқи - объектив маънода давлат -томонидан жорий этилган, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини ўзлаштириш (уларнинг мансублиги), шунингдек уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги ижтимоий муносабатларни мустақамлаб қўядиган ва бошқарадиган юридик меъёрларнинг муайян тизими. Субъектив маънода - вакил қилинган шахсдаги мол-мулкка ўз манфаатлари йўлида эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш борасидаги қонун томонидан белгилаб қўйилган хулқ-атвор меъёри.

Хусусий мулк ҳуқуқи - шахс томонидан қонунга мувофиқ қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.

Оммавий мулк - республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат Давлат мулки.

Тасарруф этиш - ўз ашёлари борасида қонун доирасида юридик ҳаракатларни амалга ошириш. Тасарруф этиш ҳуқуқи - мулкдорнинг хоҳишига қараб ашёнинг юридик тақдирини белгилашнинг қонун томонидан бериб қўйилган имконияти.

Сервитут - ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Ўзганинг ер участкаси орқали яёв ёки транспортда ўтиш, электр узатиш ва алоқа линияларини, тру-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУЛКЧИЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

боп-роводлар ўрнатиш ва улардан фойдаланишни, сув таъминотини, шунингдек кўчмас мулк эгасининг бошқача тарзда таъминланиши мумкин бўлмаган ўзга эҳтиёжларини таъминлаш учун жорий этилиши мумкин.

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3-бўлим

1.0. Рақобатнинг жамиятдаги ва хўжалик соҳасидаги ўрни

Ҳар қандай ижтимоий тузумда рақобат муайян ижтимоий вазифаларни бажаради.

Кенг маънода рақобат деганда бир мақсад сари интилаётган субъектларнинг фаол мусобақадаги ўзаро муносабатлари тушунилади.

Шунга кўра рақобат:

- мусобақа иштирокчилари ўртасида мақсадга етишнинг энг яхши воситаларига эга бўлганларни ва бошқаларга қараганда улардан маҳорат ила фойдалана оладиганларни рўёбга чиқаради (танлаш воситаси);
- муайян вазифани (оқилона) ҳал этиш йўлини рағбатлантиради ва йўлни мусобақа иштирокчилари фаолиятининг натижаларини қиёслаш, текшириш ва синаш асосида топишга ёрдам беради;
- беллашув иштирокчилари интилаётган мақсадга эришиш ёки мавжуд шароитларда унга имкони бор даражада яқинлашишни рағбатлантиради.

Рақобатсиз бозор иқтисодиётининг бўлиши мумкин эмас ва бундай иқтисодиёт мавжуд бўла олмайди ҳам.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

I.

Маълумот учун материал

Асризмизнинг энг буюк тадбиркорларидан бири - машҳур “Сони” компаниясининг бошлиғи япониялик Акио Морита. Унинг фақуллда қобилиятлари ва шериги Масару Ибукининг техника соҳасидаги улуғ истеъдоди урунда вайрон бўлган Японияда 1946 йилда ташкил этилган кичкина бир радиопрёмникларни қайта ясаш устахонасини жаҳондаги энг йирик фирмалардан бирига айланишга имконият берди. Улар биринчи навбатда энг машаққатли иш - тамомила янги товарларни яратиш ва бозорга киритиш билан шуғулланганликлари учун ҳам муваффақиятга эришдилар.

Акио Моританинг иқтисодиёт оламидаги обрўсига шубҳа йўқ ва шу сабабдан ҳам унинг рақобат тўғрисидаги мулоҳазаларини эшитиш мароқли. “Япон бизнесининг шухрати ҳам, кескир қилчи ҳам, саноатимизни ҳаракатлантирувчи куч - бу ўша марҳаматли эски рақобат ҳисобланади. Бизда эркин иқтисодий тизим, бу тизимда ҳар ким ҳам қонунда руҳсат этилган ҳар қандай компанияни барпо этиши мумкин. Шу сабабли бирон-бир товар муваффақият қозониши билан кўпчилик кишилар бирданга ўзини унга урадилар ва шу товарни ишлаб чиқариш учун жон-жаҳди билан ўзаро кураш бошлайдилар. Бир неча йил муқаддам “Ямаха” компанияси “Хонда”га қарши курашга қулай пайт келди деб ҳисоблаб, япон мотоцикл ва мотороллери бозорида ўз ҳиссасини кўпайтиришга қарор қилди. Ўша пайтда “Хонда”нинг қўли баланд эди, аммо у АҚШ да автомобилларни йиғиш бўйича янги завод

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

II.

учун катта капитал маблағлар сарфлаётган эди. Шунда “Ямаха” бир неча янги моделларни чиқарди ва реклама компаниясини авж олди.

Оғир молиявий аҳволга қарамай, “Хонда” раҳбарияти тезда ҳаракатни бошлади, компания бир йил давомида ҳар ҳафтада янги моделдаги мотоцикллар чиқаришни бошлаб, жавоб зарбасини берди. “Ямаха” унинг кетидан қувиб ета олмади, охир-оқибатда “Ямаха”нинг раҳбарларидан бир қисми истеъфо беришга мажбур бўлди.”

Акио Морита рақобатни шу қадар муҳим деб биладики, ҳатто ўз рақибларига ёрдам ҳам беради? Бу ҳақда у шундай дейди:

“Биз Японияда магнитофонлар чиқара бошлаганимизда жами энг муҳим патентлар бизнинг қўлимизда бўлиб, бозор юз фоиз бизники эди. Аммо бундай монополия сақланиб қолганда бу бизни хароб қилиши мумкин эди. Биз лицензияларни сотишни бошладик ва натижада тез орада бозорнинг ўттиз фоизигина қолди, аммо бу анча кенгайган бозор эди. Биз америкалик саноатчилардан биронтаси ҳам видеомагнитофон ишлаб чиқармаганидан қувонмаймиз... чунки рақобат бўлганда биз бозорни янада кенгайтирган ва янги моделлар яратишни тезлаштирган бўлар эдик. Рақобат бўлмаган пайтда янгилыкни жорий этишнинг қизиги пасаяди”.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аммо Ўзбекистон, бошқа собиқ совет республикалари ўрнида пайдо бўлган давлатлар каби, бозор иқтисодиётига маъмурий-бўйруқбозлик иқтисодиётидан ўтмоқда. Шу сабабли гапни: Маъмурий-бўйруқбозлик шароитларида хўжалик соҳасида рақобатнинг бирон-бир унсурлари бор эдими? - деган саволга жавоб беришдан бошлашга тўғри келади. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, бўйруқбозлик иқтисодиёти икки муҳим хусусияти билан ажралиб туради: биринчидан, барча моддий ресурсларга амалда ижтимоий мулкчиликнинг бўлиши; иккинчидан, ресурслардан фойдаланиш ҳажмлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мақсулотларни тақсимлаш ва шу кабиларга тааллуқли жамики барча асосий қарорларнинг марказий давлат органлари томонидан қабул қилиниши. Давлат мулки бўлган корхоналар ишлаб чиқаришни ҳам унинг кўрсатмалари - ишлаб чиқариш режалари асосида амалга оширади. Аммо шундай бўлсада, ҳатто шундай вазиятларда ҳам хўжалик соҳасида рақобат кураши фақат яширин ва бузилган шаклларда мавжуд эди. Хўжалик ходимлари давлат органларида ўхшаш корхоналарга қараганда пастроқ режа топшириқлари - бажариш осонроқ, ошириб бажарганлик учун давлат томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириладиган ҳамда обрў берадиган кўрсаткичлар учун кураш олиб борар эдилар. Давлат корхоналари ўртасида фондлар ва лимитлар учун, фойдали ва ишончли етказиб берувчиларга биркитиш учун кураш борар эди. Тармоқлар эса ресурслар олиш учун ўзаро курашарди.

Аммо бўйруқбозлик иқтисодиёти шароитларида истеъмолчилар ўртасидаги рақобат ниҳоятда кучли эди: давлат томонидан амалда барча истеъмолчиларга қулай нархлар белгиланган, мақсулотлар ва хизматлар таклифдан ортиқ талабда ўзининг тақчиллиги туфайли етишмас эди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Нархларни сунъий ушлаб туриш ишлаб чиқариш ҳажмлари тўловга қобил аҳоли эҳтиёжларидан тобора орқада қолаётган тармоқлар сонининг кўпайиб бориши билан қўшилиб, истеъмолчилар ўртасида рақобатнинг одат тусига кирган ғайриқонуний усуллари тизимини яратди: илғор ходимларни тақчил товар харид қилиш ҳуқуқи билан рақобатлантириш, товарларни давлат савдосидан олиб юқори нархларда яширин ва жинойткорона сотиш ва ҳоказолар.

Истеъмолчи тақчил маҳсулотни эркин сотиб ола билмас, балки шу маҳсулотта эгаллик иштиёқида бўлганлар билан беллашувда қўлга киритиши лозим эди.

Айни пайтда Совет Иттифоқи ўртача жон бошига истеъмол бўйича ривожланган бозор иқтисодиёти давлатларидан тобора орқада қола бошлади, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди, бошқа саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан ишлаб чиқариш технологияси эскириб борди, саноат товарлари, айниқса, халқ истеъмоли товарлари-сифати жаҳон стандартлари бўйича юқори эмас, деб баҳоланар эди.

Бу ҳолатлар собиқ СССР ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларнинг кўпчилигини бозор ислохотлари йўлини танлашида муҳим роль ўйнайди. Илгариги хўжалик юритишнинг буйруқбозлик тизимидаги жуда кўп нуқсонлар бозор иқтисодиётига ўтиш билан рақобат туфайли бартараф этилиши мумкин.

Бозор рақобати қандай хусусиятларга эга? Биринчи навбатда, ривожланган бозорда рақобат истеъмолчилар (харидорлар) ўртасида эмас, балки товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ўртасида харидорнинг пули учун олиб борилади. Бозор иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобати натижасида умуман

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

рақобатта хос бўлган функциялар амалга ошади - ҳамма учун бир бўлган мақсад сари ишлаётган ишлаб чиқарувчилар ўртасида мақсадни қўлга киритишнинг энг яхши воситаларига эга бўлган ва бошқаларга қараганда улардан маҳорат билан фойдалана оладиганлар ажралиб чиқади ва кўпроқ муваффақият қозонади.

Бозор шароитида ишлаб чиқарувчилар, товарлар ва хизматларни сотувчилар ҳам истеъмолчилар сингари фойда олиш йўлида ҳаракат қилади. Аммо ишлаб чиқарувчининг шахсий фойдани кўзлаши рақобат бўлганда юқори рақобатбардошликка эришиши учун ишлаб чиқариш жараёнида моддий-техника, молия ва меҳнат ресурсларидан самарали нисбатларда фойдаланишга ундайди. Улардан самарали фойдаланиш эса умуман жамият манфаатларига мос келади, чунки ресурслар (ёки бошқача айтганда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган воситалар) ҳар қандай жамиятда ҳам чекланган. Рақобат маҳсулот (хизмат) бирлигига меҳнат сарфини камайтиришга, энг мукамал технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва нархини пайсантиришга рағбат беради.

Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг бозор рақобати фақат истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадигандек туюлиши мумкин. Амалда бундай эмас. Биринчидан, “истеъмолчи” тушунчаси ўз даромадларини истеъмол буюмлари сотиб олишга сарфлайдиган жисмоний шахслар билан чекланиб қолмайди. Ҳар қандай корхона, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект истеъмолчи ҳисобланади, чунки улар ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани сотиб олишга ҳаракат қилади. Бозор рақобатини кўзлаш ресурсларни етказиб берувчилар учун ҳам муқаррар. Ресурсларга

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

талаб ҳосила ҳисобланади, уни товарлар ва хизматларга бўлган талаб белгилайди. Товар ва хизматларни яратиш, ишлаб чиқариш учун ресурсдан фойдаланилади.

Иккинчидан, турли мулк шаклларидаги тадбиркорлар учун бозор рақобати уларнинг пайдо бўлиши ва кейинги муваффақият қозониши имкониятларини белгилайди.

Аммо бозор, идеал эмас, реал амалда бўлган ҳар қандай тизим каби ижобий ва салбий хусусиятларни мужассам этгани билан тавсифланади, бозор иқтисодиётида унинг асосий ҳаракатлантирувчи ва назорат механизми бўлган рақобатта салбий таъсир кўрсатадиган бир қатор омиллари ҳам мавжуд бўлади.

Рақобат шароитларида пайдо бўлган ва иши юришган ҳар қандай тадбиркор унинг шафқатсиз таъқиб этувчи таъсиридан қутилишга ҳаракат қилади. Рақобат ижтимоий нуқтаи назардан мақбул нарса, якка тартибда эса тадбиркорга имконияти бўлганда рақиблар сонини чеклаш ёки биргаликда рақобатни сусайтириш учун рақиблар билан келишишга интилиш хос бўлади. Икки асрдан кўпроқ илгари шотланд иқтисодчиси ва файласуфи, дунёга машҳур “Халқларнинг бойлиги табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар” асарининг муаллифи Адам Смит шундай деган эди: “Икки бир хил тармоқнинг вакиллари ўзаро камдан-кам учрашадилар. Аммо шундай учрашув юз бериб қолганда, уларнинг ўртасидаги суҳбат халойиққа қарши тил бириктириш ёки нархни кўтариш мақсадларидаги бирон-бир ҳаракат билан якунланади”.

Бирон бир якка шахсларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда рақобатни сусайтирадиган омиллар ҳам мавжуд. Масалан, мураккаб ишлаб чиқаришларда замонавий технологияларни қўллаш катта молиявий сарфлар, барқарор хом ашё манбалари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

сотиш учун йирик бозорларни талаб этади. Буларнинг барчасини катталиги бозор миқёслари билан қиёсланганда сезиларли бўлган улкан корхоналарни барпо этиш зарурати талаб қилади. Шундай қилиб, мураккаб ва қимматбаҳо замонавий технологияларнинг жорий этилиши тармоқда сони кўп майда корхоналарнинг эмас, балки бир неча йирик корхонанинг бўлишини тақозо этади.

Ниҳоят, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар рақобатни истисно этадиган ёки чеклайдиган тармоқлар - темир йўл транспорти, алоқа, энергетика тармоқлари ва бошқалар бор. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган, анъанавий бозор тизимларига эга мамлакатларда бу тармоқларда нархларни бошқаришни давлат амалга оширади. Бундай бошқариш усулларига биз қуйроқда тўхталамиз.

Сотувчилар ва олувчиларнинг сонига, уларнинг имкониятларига қараб бозор тузилмалари бир-биридан жиддий фарқланади.

Иқтисодиёт фани бозорнинг рақобатчилик таркибий тузилишининг турли-моделларини ажратиб берган. Унинг тўрт модели кенг эътироф этилган: мукаммал (соф) рақобат; монополистик рақобат; олигополия; мукаммал (соф) монополия. Бу моделларни кўриб чиқамиз.

1.1. Рақобатнинг тўрт модели

Мукаммал (соф) рақобат бозорга эркин кириб келадиган ва ундан чиқиб кетадиган харидор ва сотувчиларнинг кўпчилиги билан тавсифланади, сотувчилар бир хил ёки турдош товарлар ва хизматларни таклиф этадилар. Бунда харидорлар ёки сотувчиларнинг биронтаси ҳам алоҳида бир ўзи бозор нархларига таъсир кўрсатишга қодир бўлмайди. Бу моделга кўра мукаммал рақобатчи мавжуд бозор нархларида ўзи сотиш учун мўлжалланган жами маҳ-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

Маълумот учун материал

Иқтисодий модель ва шарқ бозори

Жаҳонда мукамал рақобат моделига жуда яқинлашиб берадиган оз миқдордаги бозорларга одатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини киритиш мумкин. Ўзбекистон бозорлари ўзининг тўқинлиги билан бундай бозор тузилмасига яхши мисол бўлади. Айтайлик, помидор етказиб берувчилар тўхтовсиз савдога қўшилиб турадилар, ҳамма молини сотиб бўлиб, ёки бошқа бозорга кетишни кўзлаб бозорни тарк этади; турнақатор харидорлар оқими ҳам камаймайди - улардан биронтасининг бозорда пайдо бўлиши ёки бозордан кетиши умуман бозор савдосига таъсир кўрсатмайди. Сотувчилардан бирининг маҳсулоти бироз яхшироқ, иккинчисиники бир қадар сифатсизроқ, бундай мўл-кўлликда харидорнинг сотувчилардан биронтасини афзал кўришида ҳеч бир маъно йўқ. Помидорни умуман сотиб олмай, уни бошқа сабзавотлар билан алмаштиришнинг ҳам имкониятлари катта, чунки бозорда бошқа сабзавотлар ҳам сероб. Натижада микробитишувлар амалга ошади: бир жойда харидор қимматроқ тўлашга рози бўлди, бошқа жойда сотувчи арзонроққа берди, аммо ҳар лаҳзада юз берадиган бундай юзлаб беллашувлар, келишувларнинг биронтаси ҳам бозор нархи-га таъсир кўрсатишга қодир эмас... Давлат иқтисодий ислохотлар шароитларида Ўзбекистондаги бозорларда бирон бир гуруҳларнинг назорат ўриятиш, эркин рақобатга тўсиқ қўйишга урушиларини бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларини кўрмоқда.

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

сулоти ёки хизматини бозорда сотиш имкониятига эга бўлган ишлаб чиқарувчи ёки товарларни сотувчи ҳисобланади. У умумбозор нархларига, уни кўтариш ёки пасайтириш томонига қараб ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди, чунки бир хил ёки турдош товарлар ва хизматлар савдосининг умумий ҳажмида унинг ҳиссаси катта эмас, унинг ҳиссаси бир ишлаб чиқарувчи бозорни ўз измига оладиган ҳажм бўсағасидан паст.

Ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан худди шундай рақобатли бозор энг фойдали ҳисобланади. Бундай бозорда якка бир ишлаб чиқарувчи ва сотувчи нархга таъсир кўрсата олмайди (аммо, мисол учун, бозорга етказиб бериш ҳажмини ўзи билганча тартибга солган ҳолда), жамият эса харидорлар қиёфасида таклиф этилаётган маҳсулотни қиёслаб текшириб, синаб, танлаб олиб, айти пайтда ишлаб чиқаришни таъсирчан назорат қилади ва бошқаради.

Аммо реал ҳаётда мукамал рақобат бозорининг идеал моделини рўёбга чиқариш, воқе қилиш мумкин эмас. Унга фақат кўпроқ ёки камроқ яқинлашиш мумкин, холос.

Монополистик рақобат ўз номига мос ҳолда устун келадиган рақобатнинг бир қадар монопол ҳукумронлик билан аралашмасидан (қўшилишидан) иборат.

Рақобатчиларнинг анчагина сонли бўлиши улардан ҳар бирининг бозор нархларини назорат қилиши имкониятини тўлиқ бўлмасида, аммо сезиларли даражада чеклайди. Монополистик рақобатта хос бўлган муҳим белги сотувчиларнинг товарларни табақалаштиришга интилишидир. Табақалаштириш, яъни товарга алоҳида, уни ўзига ўхшаш товарлардан ажратиб турадиган сифат бериш (ҳақиқатан ҳам амалда ёки маҳорат билан олиб бориладиган реклама орқали истеъмолчиларни ишонтириш) сотув-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

чига рақибларнинг худди шундай товарларга қараганда унинг товарларини афзал кўрувчи харидорлар доирасини яратиш имкониятини беради.

Олигополия - тармоқда бир неча фирманинг ҳукмронлиги бўлиб, уларнинг ҳар бири бозорнинг катта қисмини назорат қилади.

Олигополия шароитларида фирмалар ўзаро боғланиб қолади, уларнинг ҳар бири ўз ҳаракати билан рақибларга бевосита таъсир кўрсатади ва ўзи ҳам уларнинг таъсирида бўлади. Бозорнинг олигополик тузилмасида фирмалар айнан ўхшаш ёки деярли бир хил ёки бўлмаса, табақаланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари мумкин. Олигополик бозорда нарх бўйича пешқадам бўлиш кўп учрайди. Бу пешқадам тармоқдаги энг йирик ёки энг самарали ишлаётган фирма бўлади. Тармоқдаги пешқадам ўз маҳсулоти нархини ўзгартириш билан бошқа ҳамма фирмаларни ҳам нархини қайта кўриб чиқишга мажбур этади. Олигополияда рақобатчи фирмалар сонининг кўп бўлмаслиги уларнинг нархлар, етказиб бериш ҳажмлари, бозорни бўлиб олишни биргаликда бошқариш мақсадларида махфий тил бириктириш эҳтимоли имкониятларини келтириб чиқаради. Олигополия тармоқ шароитларида фирмалар ҳамкорликни юридик жиҳатдан расмийлаштирмасликдан ва бу ҳақда ошқора хабар бермасликдан манфаатдор бўлишлари мумкин. Бу билан бозор иқтисодиёти мамлакатларида монополиялар қаторига кириб қолиш ва шу муносабат билан фаолиятининг кўп томонларига қатъий қонуний чеклашларга дучор бўлмаслик учун хўжақўрсинга рақобат қиладилар. Масалан, АҚШда фирмаларнинг нарх белгилаш ёки бозорни бўлиб олиш соҳасидаги махфий келишувлари ўтган асрдаёқ федерал ҳукуматта қарши қаттиқ жиноятлар сирасига киритилган. Бундай махфий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

тил бириктириши фош этилган фирмалар суд қарорига кўра тутатилиши мумкин эди ёки уларга ноқонуний ҳисобланган айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ман қилинар эди. Бундай ҳолларда айбдор бўлган мансабдор шахслар қаттиқ жазога, шу жумладан узоқ муддатли қамоқ жазосига тортилган. Хўжалик субъектларининг рақобатни жиддий чеклашга олиб келадиган ноқонуний келишувларига ёки ўзаро келишилган фаолиятига қарши курашиш бозор иқтисодиёти давлатларида монополиядан чиқариш (антимонопол) қонун ҳужжатлари ёрдамида ҳал қилинаётган вазибалардан биридир.

Мукамал (соф) монополия мукамал (соф) рақобатнинг тамомила акси. Бу моделда яқинроқ ўринбосарлари бўлмаган маҳсулот таклиф этадиган ягона ишлаб чиқарувчи мукамал монополист ҳисобланади. Бу моделга яқин бозорларда сотувчи танҳо ёки уларнинг сони шу қадар камки, уларнинг ҳар бири рақиблари билан келишмаган ҳолда мустақил товарлар ва хизматлар таклифи умумий ҳажмига ва уларнинг нархига таъсир кўрсатишга қодир. Монопол бозорлар барча мамлакатларда, шу жумладан рақобат даражаси юқори бўлган ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда ҳам мавжуд. Бу ҳолни бир қанча сабаблар пайдо этади. Юқорида биз рақобатни сусайтирадиган омиллар тўғрисида сўз юритдик.

Замонавий технологияларни жорий этиш кўп ҳолларда кам чиқимли унумдор ишлаб чиқаришга эришиш учун унинг миқёсларини кенгайтиришни, ҳам мутлақ маънода, ҳам бозорга нисбатан, талаб этади.

Шундай тармоқлар ҳам борки, уларда маҳсулот ёки хизматлар бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтириш айниқса ишлаб чиқариш миқёси (кўлами)га ва рақибнинг бор-йўқлигига бевосита боғлиқ. Электр, сув,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

иссиқлик таъминотларида, масалан, бир ҳудудда бир неча рақобатчи фирманинг фаолият кўрсатиши уларнинг ҳар биридан потенциал истеъмолчи-абонентлар сони ҳудуд билан қатъий чекланган шароитда параллел тармоқлар ўтказиш, сарф-харажат талаб этган бўлар эди. Бундай шароитларда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар ҳудудга бир компаниянинг монопол хизмат кўрсатишига қараганда анча юқорироқ бўлар эди.

Маҳсулот бирлиги харажатларининг ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқлиги ёрқин кўринадиган ва табиий шароитларга кўра рақобатнинг бўлиши қийин ёки уни қўллаб бўлмайдиган тармоқлар табиий монополиялар деб аталади.

Амалда барча давлатларда жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжларига хизмат кўрсатадиган тармоқлар: электр таъминоти, алоқа, темир йўл транспорти ва шу кабилар табиий монополиялар қаторида туради. Рақобат курашининг ноқулай оқибатларига йўлиқмаслик учун табиий шароитларга кўра монопол тузилма маъқул бўлган ўринларда давлат, одатда, бир компанияга (бу компания давлат ёки нодавлат мулкчилигида бўлиши мумкин) муайян ҳудуддаги аҳолининг жамоат транспортига ёки ягона компьютер тармоғига, табиий газ ёки телефон алоқасига бўлган эҳтиёжларини таъминлашда мутлақ имтиёзлар беради. Аммо алоҳида имтиёзлар ва шароит яратиб берган давлат, уларга берилган монопол ҳуқуқларнинг суистеъмол қилинмаслиги учун монополист компанияларнинг фаолиятини бошқариш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Монополияларнинг давлат томонидан бошқарилиши доирасига одатда монополист фаолиятининг ҳудудий чегараларини белгилаш, унинг товарлари ёки хизматлари сифатини, белгиланган нархлари ва рентабеллигини назорат қилиш киради. Давлат ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларининг

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

фаолият кўрсатишга бозор унсурларини жорий этишга ёрдам бериши мумкин.

Монополист ишлаб чиқарувчининг фойда кўришга иштиёқмандлиги нархлар билан товарлар ва хизматлар ҳажми нисбатини шу нархда сотилганда энг кўп фойда берадиган даражада белгилашга ундайди. Агар маҳсулот бирлиги харажатларининг пасайиши ва фойданинг ортishi ишлаб чиқариш миқёсининг ўсишга боғлиқ бўлса, монополист ишлаб чиқарувчи монопол бозор чегараларини кенгайтиришга, маҳсулотни катта ҳажмда сотиш имкониятларига эга бўлишга интилади.

Аксарият ҳолларда истеъмолчи доираси муайян ҳудуд билан қатъий чегараланган ва бу ҳолда, масалан, коммунал хизмат кўрсатишга монополия бўлганда, истеъмолчи учун монополистнинг хизматидан воз кечиш мумкин эмас.

Бу ҳолда монополистда нархларни кўтариш мумкин бўлган, ундан ҳам кўтарса истеъмолчиларнинг оммавий тўловга қодирсизлиги юз берадиган даражага етказишдан манфаатдорлик пайдо бўлади. Монополияларнинг давлат томонидан бошқарилиши, бир томондан, монополистга маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни таъминлашга, иккинчи томондан, харажатларнинг иқтисод қилинишидан фақат танҳо товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчигина эмас, балки биринчи навбатда истеъмолчилар, монополист хизмат кўрсатадиган ҳудуд аҳолиси фойда кўришини кафолатлашга хизмат қилади.

Монополия ёки рақобат? Ижтимоий манфаатларга мувофиқлик - ҳал қилувчи омил. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида уй-жойлар оммавий равишда хусусийлаштирилганидан кейин коммунал хизмати сифати ва уларнинг юқори нархларидан норози бўлган хусусийлаштирилган уй-жой эгалари матбуотда

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Бевосита рақобат мумкин бўлмаган ҳолларда самарадорликни шартнома муносабатлари орқали бошқариладиган рақобат ҳисобиغا кўтариш мумкин. Бундай шартнома муносабатларининг кўринишлари турлича - аниқ бир хизмат турларини кўрсатиш бўйича оддий контрактдан объектни ишлатиш, унга техника хизмати кўрсатиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича узоқ муддатли концессиягача бўлиши мумкин. Ҳар бир муайян вақт давомида шундай хизмат турини кўрсатадиган фақат ягона бир етказиб берувчи бўлишига қарамай, рақобат контракт имзоланишига қадар, шунингдек, жуда бўлмаганда назарий жиҳатдан шартнома муддати тугаб, уни янгидан тузишга тўғри келганда пайдо бўлади. Бунинг натижасида концессиянинг муддати давомида рақобат йўқ бўлишига қарамай, бозор учун рақобат вужудга келади.

Инфраструктура соҳасида узоқ муддатли ижара ва концессия шартномалари тобора кенгроқ қўлланоқда. Бундай шартномалар 37 мамлакатда, шу жумладан даромади паст бўлган 18 мамлакатда амалда ёки амалга кириш босқичида. Транспорт соҳасида концессиялар асосан йирик кўчмас мулк объектига, масалан, порт (бандаргоҳ) ва ҳақ олинадиган йўлларга берилади.

Аксарият концессиялардан сув таъминотида фойдаланилади. Сув таъминотида тежамкорлик ишлаб чиқариш миқёсида жуда муҳим бўлиб қолаётгани сабабли кўпгина мамлакатларда соҳада бозор учун рақобатни яратиш механизмидан фойдаланилган.

Табий монополияларда монополизмнинг салбий асоратларига қарши курашнинг бошқа бир ноанъанавий усули - истеъмолчиларнинг бошқариш механизмида иштирок этишлари бўлиши мумкин. Истеъмолчилар уюшмалари муҳим назорат вазибаларини бажариб, монопол ҳокимият томонидан суистеъмолликларни чеклашга имкон берадиган ахборот манбаи бўлиши мумкин. Турли шаҳарларда коммунал соҳа хизматларининг сифати тўғрисидаги қиссий маълумотларнинг кенг эълон қилиниши ахборот базасини барпо этади. Истеъмолчилар уюшмалари бу базага таянган ҳолда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни қўллашлари мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

коммунал хизмати доирасини монополиядан чиқариш, бу соҳада ҳам рақобатни яратиш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатадиган фирмаларни танлаш имкониятларини таъминлаш каби таклифлар билан чиқдилар. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам коммунал соҳа-ё жамоат сектори ҳисобида, ёки давлат томонидан бошқариладиган монополистик тармоқдан иборат. Ва бу ҳолат тасодифий эмас.

Францияда, АҚШда, нисбатан яқинда Англияда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида анъанавий воситалар билан рақобатни яратишга уринишлар бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар махсус адабиётларда учрайди. Уларнинг ҳаммаси бир оқибат билан якунланган. Табиий монополия талабларига белпсандлик, чегараланган ҳудудда бир неча рақобатчиларнинг фаолияти улардан ҳар бирининг маҳсулот бирлигига қилинган харажатларини кўпайтирди, демак нархларнинг ошиб кетишига олиб келди. Бундан ташқари кескин кураш натижасида рақобатчилардан бири рақибларини суриб чиқариб, бозорда ҳукмрон бўлиб олди ва янги шароитларда энг кўп фойда олишни кўзлаб коммунал хизматига бўлган нархларни янада кўтариб юборди.

Шундай қилиб, коммунал хизмати соҳасида бир қолпда монополиядан чиқариш норози истеъмолчилар учун тўғри ечим эмаслигига жаҳон тажрибаси ишончли асос беради. Аммо коммунал хизмати соҳасида фирмалар кўп бўлса, бу энди монополияга қарши курашмаслик керак, деган маънони билдирмайди. Худди шу коммунал хизмат кўрсатишдаги монополиялардан норозилик вақти-вақти билан турли мамлакатларда бу ҳолатни тугатиш борасидаги (шу пайтгача муваффақиятсиз якунланаётган) уринишларга сабаб бўлмоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Истиқболли йўл, эҳтимол, монополияни инкор этишда эмас, балки истеъмолчиларнинг манфаатларига яқиндан ва аниқ жавоб берадиган монопол тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқаруви билан биргаликда олиб боришни таъминлаш, рақобатни яратиш ва монополизмга қарши курашнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш бўлиши мумкин. Пировард натижа ҳам тадбиркорлик ва давлат бошқаруви бир бирига нақадар ёрдам бериши ёки халақит беришига боғлиқ, бизнинг мисолимизда коммунал хизмати сифати ва уларнинг нархларини истеъмолчилар нимани, қандай нархлар бўйича мумкин ва олишни хоҳлаганликларига имкони борича мувофиқлаштириб бориш тўғри йўл ҳисобланади.

1.2. Бозор ислоҳоти ва монополиядан чиқариш

Социализмда шаклланган кишиларнинг кўпчилигида капиталистик иқтисодиётга хос бўлган монополия рақобат натижасида пайдо бўлади деган тасаввур бор. Содда қилиб айтганда, энг устумон ва тадбиркор ишлаб чиқарувчи, товарлар ва хизматлар сотувчи рақибларини сиқиб чиқариб бозорни эгаллаб олади. Чиндан ҳам, анъанавий бозор мамлакатларида бу жараёнлар шундай кечган ва ўтган асрнинг сўнгги чораги - ҳозирги асрнинг бошларида бозорларни назорат қиладиган ғоят улкан ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, АҚШда XX асрнинг биринчи ўн йиллигида саноатнинг саккиз тармоғида ишлаб чиқариш деярли бутунлай ягона бир ишлаб чиқарувчи қўлида тўпланган эди. Иқтисодиёт тараққиётининг бу босқичида бозор ва сиёсий беқарорликнинг кескин кучайганлиги, шу жумладан 1923-1933 йиллардаги буюк депрессия билан тавсифланади. Буюк депрессиянинг ўзи ҳам монополистик муносабатларнинг ҳукмронлиги оқибати бўлган.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўтган асрнинг охири - ҳозирги асрнинг бошларида монополизмнинг салбий оқибатлари пайдо бўлиши билан антимонопол, антитрест давлат чора-тадбирлари тизими ҳам шаклиана бошлади. Бу тадбирлар асосан жамият ва истеъмолчиларни ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларнинг мажмуидан иборат эди.

Аmmo агар “классик” монопол бозор ишлаб чиқаришнинг табиий равожи натижаси бўлган бўлса, ҳозирга келиб бу бозор бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистонда бу бозор биринчи навбатда шуни-си билан ажралиб турадики, бизнинг монопол бозорларимиз илгариги режали маъмурий-буйруқбозлик тизимидан келиб чиққан. Давлат-режали иқтисодиётни ислоҳ қилишда, уни бозор иқтисодиётига айлантиришда ўзаро жипе боғланган икки асосий йўналиш алоҳида кўзга ташланади. Биринчиси - давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулкчиликка асосланган ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишига ёрдам бериш. Иккинчиси - биринчи йўналиш билан мувофиқлаштирилган монополиядан чиқариш, яъни тармоқларни илгариги монопол давлат-ҳўжалик тузилмалари ҳукмронлигидан озод қилиш, бу тармоқ бозорларини эркин рақобат учун очиб қўйиш. Агар иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида республикада хусусийлаштириш ва рақобатли бозорларни барпо этиш асосан кичик бизнес соҳасида амалга оширилган бўлса, энди унинг иккинчи, ҳозирги босқичи саноатнинг базавий тармоқларидаги йирик корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини қамрайди. Масалан, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон саноати, пахтани қайта ишлаш, машинасозлик ва бошқа тармоқлар шу жумлага киради. Иккинчи босқичнинг бориши давомида жамият ишлаб чиқариш таркибини иқтисодиётнинг но-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

давлат сектори етакчи мавқени эгаллайдиган тарзда ўзгариши кўзда тутилган. Аммо хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш мураккаб, серқирра жараён бўлиб, уларга юзаки ёндашувлар билан иш битмайди.

Иқтисодий ислохотлар, бозорга ўтишни - рақобат муҳитини яратишнинг шубҳасиз устувор янги бўлган ҳолда албатта ялпи монополиядан чиқариш зарурати тарзида тушуниш нотўғри.

Барча мамлакатлардаги бозор иқтисодиётида рақобатчи тармоқларнинг устуворлиги билан бир қаторда монополияларнинг сақланиб қолиши ҳам хос нарсас.

Бу ерда гап фақат табиий монополиялар тўғрисида эмас, балки жаҳон иқтисодий амалиётида қабул қилинган ижтимоий зарур, лекин зиён кўриб ишлайдиган тармоқларнинг давлат монополияси ва қўллаб-қувватланиши ҳақида бормоқда. Ривожланган бозор иқтисодиётида ҳам давлат, ҳам эгалари бўлган мулкчилик шакллариининг илмий-техника тараққиёти ишлаб чиқаришнинг технологик хусусияти, маҳсулотнинг янги бозорларнинг очилишига асосланган монополияси мақбул ҳисобланади ҳамда сақланиб қолади ва ҳоказолар.

Бошқача айтганда, тармоқда монополия ёки рақобатнинг бўлиши турли шароитларда ҳар хил оқибатларга олиб келиши, иқтисодий мақсадга мувофиқ ёки номақбул бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси монополиядан чиқаришга мулоҳазакорлик, табақалашган ҳолда ёндашишни талаб этади.

Бундан ташқари, монополиядан чиқаришни ўтказиш уни батафсил тайёрлашни ҳам назарда тутати.

Иттифоқдан кейинги маконда тармоқни шошилинч, атрофлича ўйланмаган ҳолда хусусийлаштириш ва монополиядан чиқаришга уринишлар тармоқларда ишлаб чиқ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ариш ҳажмини кескин пасайтириб юборгани, ҳатто тўлиқ тўхтатиб қўйганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Иккинчи томондан, тармоқ ичида рақобат учун унга ташқарилан янги ишлаб чиқарувчиларнинг кириши учун шароитлар яратилмаган, бунинг учун инфра тузилма мослаштирилмаган, меъёрий база ривожланмаган ва ҳоказо бўлса, тармоқ бозорларининг илгариги “эгалари” давлат тасарруфидан чиқарилганидан кейин ҳам тармоқда ўз монопол ҳукмронлигини сақлаб қолишлари мумкин. Собиқ “давлат-эгаси йўқ” мулкни бозор руҳиятига аниқ мувофиқ ҳолда хусусийлаштириш хусусий мулкчилар учун фойда кўриш иштиёқини биринчи ўринга чиқаради, демак монопол мавқедан келиб чиқадиган афзалликлардан фойдаланишга, нархларини ўз билганича белгилаш, ўз товари ва хизматини, уларнинг сифати ҳақида ҳам чекмай ўтказишга уриниш, ва шундай қилиб, оворагарчиликсиз имкони бўлган энг кўп фойда олишга йўналишни кучайтиради.

Ўзбекистонда қабул қилинган бозор иқтисодиётига ўтиш моделига кўра давлат бош ислоҳотчи сифатида давлат тасарруфидан чиқариш ва монополиядан чиқариш жараёнларини бошқаради, жамият манфаатларига жавоб берадиган рақобат ривожига ёрдам беради. Бунинг учун хусусийлаштириш билан бирга, агар технология имкон берса, тармоқни мустақил, эркин рақобат қилувчи корхоналарга бўлиб юбориш ҳам ўтказилмоқда; тармоқ бозорига четдан тadbиркорларнинг эркин кириб келиши учун шароитлар яратилапти; монополияларнинг ўз мавқеидан фойдаланиб юқори фойда олишга интилишлари прогрессив солиқ солиш билан сўндириб борилади; ҳалол рақобат антимонопол қонунлар билан муҳофаза қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.3. Рақобатнинг шакл ва усуллари

□ Реал бозор “мукаммал рақобат - мукаммал монополия” ўқи бўйича тўрт моделдан қайси бирига мувофиқроқ келишига қараб ушбу бозорда товарлар ва хизматлар сотувчиси бўлган тадбиркорлар рақобат курашининг турли йўлларида фойдаланади. Масалан, Тошкентдаги кўп қаватли уйлардан бирида жойлашган кичик озиқ-овқат дўконини хусусийлаштириб олган чакана дўкондор учун унинг бозори монополистик рақобат доирасида турган ҳолда соф рақобат моделига яқинлашадиган бир қатор белгиларга эга бўлади. Асосий моллари бир андозадаги товарлар (ҳаммасида бир хил ичимликлар, сигареталар, шоколадлар ва бошқалар) бўлган тадбиркорнинг пойтахтдаги жами харидорларни жалб этишга интилиб умумшаҳар миқёсида рекламага пул сарфлашидан ҳеч қандай маъно йўқ. Аммо у шаҳар атрофидан етказиб бериладиган сут маҳсулотлари, сабзавот кабиларнинг сифати ва нархи, харидорларга қулай иш вақти, ўзининг ва қўшниларининг болалари ёрдамида маҳсулотларни уйга етказиб бериш ҳамда харидорлар учун маъқул бўлган бошқа воситалар билан қизиқтирган ҳолда доимий харидорлар доирасини яратиши ва монополистик рақобат модели бўйича озиқ-овқат маҳсулотига талабгор яқин-атрофидаги икки-учта кўп қаватли уйда яшайдиган аҳолидан иборат бозорда қисман ҳукмронликка эришиши мумкин.

Тошкент шаҳрида машҳур хорижий фирмаларнинг русумларига мансуб спорт кийимлари ва пойабзали, аудио ва видеотехника билан савдо қиладиган сотувчиларнинг аҳволи бошқача. Улар ҳам юқорида айтилган озиқ-овқат сотувчиси каби монополистик рақобат доирасида, аммо унинг қарама-қарши томони чегарасига - олигополияга яқин турадилар. Муваффақиятга эришиш учун мут-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

лақо бошқа усуллардан фойдаланиш ҳам худди шу билан шарҳланади. Очиқ бозор иқтисодиётининг шаклланиши босқичида Тошкент шаҳрида машҳур хорижий фирма русумларидаги товарлар сотишга ихтисослашган савдо корхоналари нисбатан кам. Бундай товарларга ихтисослашган савдо корхоналари таклиф этиладиган маҳсулотларини янада табақалаштиришга, харидорда, айтайлик у ёки бу ишлаб чиқарувчи фирма маркази қўйилган кроссовкалар нафақат ажойиб сифатларга эгаллиги, балки уни сотиб олишнинг ўзиёқ гоят нуфузли эканлиги ҳақида тасаввур яратишга интилиб пойтахтда ҳам, вилоятнинг яқин-атрофдаги шаҳар-қишлоқларида ҳам имконий харидорлар ўртасида рекламага пулни аямайди.

Бозор иқтисодиёти мамлакатларида қонунлар реклама соҳасидаги рақобат курашига монеллик қилмайди, тadbиркорларга, хусусан фақат уларнинг товари ёки хизматини сотиб олиш гоят афзал эканлигига харидорни ишонтиришга уринишларда жуда катта эркинликлар беради. Аммо тadbиркорлар “четта қадам” ташлайдиган бўлса (масалан, таклиф этилаётган ўз товарининг хислат ва сифатлари ҳақида харидорни чалғитишга ўтса, рақибининг мулки ва шаънига зарар келтириши мумкин бўлган нотўғри маълумотларни тарқатиш билан шуғулланса, бошқа фирманинг товар белгисидан рухсатсиз фойдаланса, бошқа фирманинг товари шакли, ўраб-жойланиши, ташқи безатилишини кўчирса), яъни қонун ҳужжатларида тақиқланган чегарани бузса, унинг ҳаракатлари фирром рақобат сифатида баҳоланиши ва жазоланиши мумкин.

Бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда рақобат курашининг шакл ва усулларини ўрганиш, таҳлил этиш ва тизимга солиш ишларига катта эътибор бериллади. Шу мақсадларда тadbиркорлар ўртасида уларни кўр-кўрона ҳара-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

кат қилишдан огоҳ этадиган, ўзларига фойдали ва энг самарали, айни пайтда ижтимоий манфаатларга мувофиқ келадиган амалий қарорлар қабул қилишларига ёрдам берадиган билимлар ёйилади. Ҳуқуқий даялат бошқаруви соҳасида қўлланиладиган рақобатнинг шакл ва усуллари тўғрисидаги илмий қарашлар жамият манфаатлари талаб этадиган жойларда рақобатли муҳитни шакллантиришни янада аниқроқ ва мақсадга мувофиқ рақобатлантириш, монопол тармоқларининг фаолиятини самарали назорат қилиш ва бошқариш, рақобатчилик муносабатларини ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилган ҳаракатлардан муҳофаза этиш имкониятини беради.

Рақобат воситаларининг шакли-тамойили ва унинг намён бўлиш соҳалари ғоят кўп ва кенг. Унинг тармоқ ичидаги ва капиталнинг бир тармоқдан бошқасига оқиб ўтишига олиб келадиган тармоқлараро, жаҳон бозорларида турли мамлакатлар ҳўжалик комплекс (мажмуа)ларининг рақобати каби турлари мавжуд. Рақобатни амалда тасаввур этиш учун унинг бир неча кўринишларини санаб ўтамиз, шу кўринишларга мансуб бўлган ҳозирги усуллардан айримларини кўриб ўтамиз ва жаҳондаги ҳамма мамлакатларда қонуний ҳисобланадиган ва амалда кенг қўлланиладиган рақобат ҳулқининг турли типларини тавсифлаймиз.

Нарх билан рақобатлашув - анъанавий шакл. Унинг анъанавий ва энг кўп қўлланиладиган усулларига қуйидагилар киради:

- “**Нархлар жанги**” - йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан суриб чиқариш учун нархларни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. “Нархлар жанги”ни бошлаган бақувват фирма товарнинг сотилиш ҳажми кўпайганлиги ҳисобига кўпроқ даромад

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

кўришни кўзлайди. Йирик компанияларнинг ўзлари учун янги бўлган мамлакатларда очилган шубба корхоналари, филиаллари бошқа хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни бозордан сиқиб чиқариш учун аксарият “нархлар жанги”ни қўллайди. Истеъмолчилар дастлаб тармоқдаги “нархлар жанги”дан фойда кўради, аммо кейинчалик бундай монополиялаштиришнинг жабрини тортишлари мумкин. Давлат маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқни ўзлаштиришидан манфаатдор бўлиб, қудратли хорижий фирмалар билан курашда маҳаллий бозорда ўрнашиб қолишига ёрдам бериш учун уларни алоҳида имтиёзлар ва афзалликлар тизими билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади, у ёки бу тармоқда хорижий хўжалик юритувчи шахсга тадбиркорлик фаолияти учун маҳаллий шерик иштирокида қўшма корхона барпо этишни мажбурий шарт қилиб қўяди ёки бошқа чеклаш ва тартибга солиш чораларини кўради.

- **Демпинг** - амал қилиши ва мақсадларига кўра “нархлар жанги”га яқин бўлган нарх билан рақобатлашув усули. Унинг моҳияти шундаки, йирик товар ишлаб чиқарувчилар бошқа мамлакатлар ҳудудида корхона қурмайдилар, аммо унинг бозорларига ўз ички бозоридagi нархлардан, жаҳон нархларидан арзон, айрим ҳолларда ҳатто таннархидан паст нархларда товар киритадилар. Демпингнинг маъноси - товар ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ички бозоридa нархларни сақлаб туриш, амалдаги нархлар бўйича ички бозорда сотилаётган ортиқча маҳсулотни йўқотиш ва янги бозорларга кириб олишдан иборат. Ривожланган иқтисодиётта эга бўлган давлатлар ривожланиши пастроқ мамлакатларга демпингни экспортчи компанияларга бюджетдан махсус экспорт мукофотлари ва субсидиялари тўлаш билан рағбатлантиради ва бу тўловлар компаниялар кўра-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

диган зарарни қисман қоплайди. Бундай ишлардан давлатнинг манфаатдорлиги бошқа мамлакат бозорларида ўз иқтисодий иштирокини кучайтириш, иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш учун негиз яратишга интилиши билан изоҳланади.

Ривожланган мамлакатлардан ривож пастроқ мамлакатларга демпинг товар чиқариш амалиётда доимий ҳодиса. Демпинг нархлар истеъмолчиларни сўзсиз қониқтиради, аммо “нархлар жанги”да бўлгани каби бозорда бундай товарларнинг ҳозир бўлиши маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ривож олишини қийинлаштирадиган омилга айланиши мумкин. Демпинг товарлар кираётган давлат бу жараёни савдо чеклашларни жорий этиш, муайян турдаги товарларни киритиш учун божларни кўтариш билан назорат қилиш, шунингдек демпинг нархларда сотилаётган товарларга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорларга ёрдам бериш имкониятларига эга.

Кўп ҳолларда нархлар билан рақобатлашувда прејскурант нархларидан чегирма ва сийлов бериш (асосий харид қилинган нарсага қўшимча товарлар ва хизматлар қўшиб бериш) ҳам учрайди. Халқаро амалиётда маҳсулот нархидан чалғитмаслик ҳамда товарларнинг қиймати ва сифати соҳасида рақобатни қийинлашгирмаслик учун чегирма ва сийловларнинг энг юқори миқдорларини белгилаб қўйиш ҳам учрайди.

Шунингдек нарх билан рақобатлашувга яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

- муайян тоифадаги истеъмолчилар учун имтиёзли нархлар (масалан, авиакомпанияларда йўловчилар гуруҳига бир йўла олинадиган “оилавий” билетлар якка-якка олинганига қараганда арзонроқ сотила-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ди);
- вақти ва жойига қараб нархларни тушириш ёки кўтариш (кинотеатрга эрталаб бориш кечкидан кўра, иш кунда бориш дам олиш кунидан кўра арзонроқ туради);
- Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми кўпайган ёки товарлар сифати яхшиланган шароитларда ҳам амалдаги нархларни сақлаб туриш;
- харидорлар учун кредитлар муддатларини купайтириш ва бошқалар.

Нарх билан рақобатлашувга кирмайдиган рақобат усулларини “нархсиз рақобат” деб аташ қабул қилинган. Бу атама, гарчи ноаниқ бўлса-да амалиёт ва илмий адабиётда кенг қўлланилади, рақобат курашидаги турли усулларга ягона ном беришга имконият яратади.

“Нархсиз рақобат”га қуйидагилар киради:

- *асбоб-ускуна, жиҳозларни такомиллаштириб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш. Бу маҳсулотнинг стандарт нархи ва стандарт сифати шароитларида рақибга қараганда юқорироқ фойда олишни таъминлайди;*

- *ишлаб чиқариладиган товарларни такомиллаштириш ва бозорда сифати юқори янги товарлар билан пайдо бўлишда рақиблардан ўзиб кетиш;*

- *маҳсулот етказиб беришнинг муддатлари, мароми ва бошқа шартларига нисбатан истеъмолчиларнинг талабларини қондириш;*

- *харидорларга товар сотилгандан кейин ҳам доимий хизмат кўрсатиш, айниқса узоқ хизмат қиладиган мураккаб рўзғор техникаси ҳамда ишлаб чиқариш воситалари соҳасида бу усул жуда қўл келади;*

- *мураккаб технологик ускуналарни сотиб оладиган корхоналар ходимларининг ўқиш-ўрганишини таъминлаш этиш ва бошқалар.*

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.4. Компания турлари ва рақобат ҳуқуқи

Бозор иқтисодиёти шароитларида қизгин ва ниҳоятда таъсирчан рақобатни ривожлантиришга нима сабаб бўлади? Биринчи навбатда компания турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг бозорда турлича ҳуққ стратегиясини амалга ошириш имкони. Рақобат фақат рақиб фирма билан кучлар нисбатини аниқлашдангина, яъни кучлининг кучсизга қарши курашидан иборат эмас. Агар шундай бўлганида қудратли корпорациялар қолган ҳаммани бозордан суриб ташлаган булар эди.

Майда фирмалар бозорнинг алоҳида талабларига тез мосланувчанлиги, ихтисослашган компанияларнинг ўз соҳасида биринчи бўлиш ютуқлари уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунга мувофиқ ҳолда бозорда турли фирмалар - майда ихтисослаштирилган, монополия ва эксплерентлар фаолият кўрсатади.

Кичик (майда) корхоналар

Жами ривожланган бозор мамлакатларида иқтисодиётнинг энг йирик секторини ташкил этади, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда майда тадбиркорликка интилиш камаймай, аксинча тобора ўсиб бормоқда.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида банд аҳолининг камида ярми кичик ва майда корхоналарда ишлайди, Японияда эса кичик ва майда корхоналар жами иш билан банд японларнинг тўртдан уч қисмини иш билан таъминлайди.

Майда компаниялар юксак унумдор ускуна-жиҳозларга эга эмас, моллиа ресурслари билан таъминланганида имкониятлари чегараланган, ўта мураккаб ва юқори сифатли товарлар ишлаб чиқара олмайди, аммо улар иқтисодиётнинг ўзаро боғланган, яхлит ҳолда ривожланишини

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

таъминлайди. Шу сабабли бундай компаниялар **комму-тантлар**, яъни боғловчилар деб аталади.

Йирик ишлаб чиқариш айтайлик автомобил ёки бензин каби бир турдаги маҳсулотни ёппасига ишлаб чиқаришда гоёт самарали. Катта фойда бермайдиган ҳамда иш ҳақи харажатлари кўп бўлган фаолият турларига қудратли компаниялар қизиқмайдилар. Агар коммутантлар тадбиркорлик йўлида ҳар қандай имкониятлардан фойдаланишга шай бўлиб турмаганларида хўжалик ҳаётида турли номутаносиблик (диспропорция)лар келиб чиққан бўлар эди. Кичик бизнес бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бозорнинг бир қисм эҳтиёжларини инкор этадиган “қуроқ иқтисодиёт” пайдо бўлади. Янги пайдо бўлаётган ижтимоий эҳтиёжларни доимо излаш ва уларга узлуксиз мослашиш майда корхоналарнинг бозор стратегияси негизини ташкил этади. Умуман олганда майда корхоналарнинг фаолияти иқтисодиётнинг мослашувчанлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Аслида ҳам мамлакат хўжалигининг доимо ўзгариб турадиган бозор конъюнктурасига умуман мослашиб боришга қодирлиги майда бизнеснинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Рақобатчилик муҳитини яратишда ҳам майда корхоналарнинг аҳамияти катта. Агар аниқ бир майда фирманинг монополия билан юзма-юз тўқнашуви аксарият ҳолларда хонавайронлик билан яқунланса, жами кичик бизнес билан йирик компанияларнинг ўзаро муносабатларида етакчи фирмалар маҳсулотларидан “нусха кўчириб”, шу маҳсулотларга ўхшатма маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва уни харидорларга арзон нархларда таклиф этадиган майда фирмалар ҳужумкор томон бўлиб чиқади. Майда корхоналар маҳсулотларининг арзон бўлиш сабаби шундаки, улар жуда катта ҳаражат талаб қиладиган илмий тадқиқот иш-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

лари билан шугулланмайди ва нархларни сунъий равишда кўтармайди. Натижада майда бизнес фаолияти монополистик нарх белгилашдаги зўравонликни чеклашда муҳим воситага айланади. Майда компанияларнинг доимий рақобат тазйиқи бўлмаганда йирик фирмалар нархларни мувофиқлаштириш ва биргаликда кўтаришга осон эришган бўлар эди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва ходимлар сонига кўра унчалик катта бўлмаган компания умумий талаб кўп бўлмаган тор ихтисослик маҳсулотларини етказиб беришда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши мумкин.

Патент - тор ихтисослашган, ўз кўламига кўра кичик фирма бўлиб, кўпинча фақат мамлакат миқёсидагина эмас, балки жаҳон иқтисодиёти миқёсида ҳам бозорнинг бўш жойини тўлдирди. Унинг бозорда ҳали ҳеч ким эгалламаган ўз жойи бор. Пациент ишлаб чиқарадиган товарлар бозори улкан компаниялар учун ғоят торлик қилади. Пациент стратегиясига амал қиладиган фирмалар майда ихтисослашмаган корхоналарга нисбатан афзалликларга эга. Айни пайтда пациент ўзидан бошқа ҳеч ким қондира олмайдиган эҳтиёж бор бўлган давргача фаолият кўрсатади. Эҳтиёжларнинг ўзгариши билан пациентнинг фаолияти ҳам тўхтабди. Унинг ишлаб чиқариши тор ихтисослик бўлгани сабабли пациент учун ўзининг тор ихтисослик ишлаб чиқаришини қайта ихтисослаштириш катта қийинчиликлар келтириб чиқаради. Қимматли ва бой тажрибага ёки патент билан ҳимояланган алоҳида ҳуқуқларга, ноу-хау, ихтисослашган савдо тармоғига эга бўлган пациент қўшиб олиш учун йирик компаниялар эътиборига сазовор бўлади. Чоғроқ корхона - пациентлар бундай қўшилишни аксарият ҳолларда фойдали деб биладилар (мустақиллик улар учун асосий нарса эмас) ёки энг олий сифатли

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

товарлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозорда етакчи ма-
вқени эгаллаш ҳисобига фаолият доирасини кенгайтириш
стратегиясини танлайди.

Виоентлар - йирик фирмалар ҳозирги бозор иқтисо-
диётида ялпи маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчи-
лари ҳисобланади. Уларнинг ишлаб чиқариш дастурлари
бозорнинг энг умумий ва кенг тарқалган эҳтиёжларига
мўлжалланган. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга
бўлган мамлакатларнинг энг яхши техникавий, сифат ва
нарх тавсифларига (арзонлигини ҳам ҳисобга олган ҳолда)
эга бўлган товар ишлаб чиқарувчилар тарзидаги донғи
кўпинча ўз тармоғида монополист бўлган гигант фирма-
ларнинг маҳсулотлари билан қўлга киритилган. Ҳозирги
замондаги монополия ортиқча фойдани бозорга қўпол куч
билан тазйиқ кўрсатиш йўли билан эмас, балки оммавий
харидорнинг талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уни аниқ
кўзда тутиб ишлаш туфайли олмақда.

Монополияларнинг барқарорлигини ишлаб чиқариш-
нинг улкан хажми, маҳсулотнинг сифат жиҳатидан юксак
стандартлаштирилгани, халқаро миқёсда филиаллар тар-
моғининг мавжудлиги таъминлайди. Гигант корхоналар
кучсизроқ фирмаларни бозордан суриб чиқариб, ўз бозо-
рини кенгайтиришга интиладилар (виоент стратегияси).

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар-
да рақибларни қувиб етиши учун ҳамиша вақт ҳам, ресурс
ҳам етарли, чунки ҳар қандай бирон бир янгилик бозор-
нинг барча сегментларига таъсир кўрсата олмайди. Етак-
чи корпорациялар ўз имкониятларини фақат ютуқ белги-
лари кўринган пайтда ишга соладилар, ҳатто бу йўлда но-
ватор компанияни сиқиб чиқаради, чунки тижорат ман-
фаатини янгиликни ёшпасига чиқариш ва уни турли соҳ-
аларда қўллаш таъминлайди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётида аксарият ҳолларда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларининг катта қисмини бир компаниялар (эксплерентлар) олиб борса, кучлироқ, яппи маҳсулот чиқаришда етакчи бўлган бошқалари эса катта фойдани қўлга киритади. Йирик компанияларнинг ўзлари ҳам илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига катта пул сарфлайдилар, аммо одатда уларнинг, мақсади ўзлаштириб бўлинган товарлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Эксплерентлар - кашшоф, янгиликларни очишга бел боғлаган компаниялар, улар ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари ва технологиялар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун кучларни жамлашга тайёр туради. Эксплерент компаниялар янги техникавий йўналишнинг тижорат имкониятларига йирик компаниялар ҳали шубҳа билан қараган босқичда ташаббускорлар томонидан ташкил этилади.

Барча турдаги компаниялар - вилеонтлар, коммутантлар, пациентлар, эксплерентларнинг фаолияти бозорни бир гуруҳ компаниялар зуғумидан ва шу ҳолат юз бергудек бўлса муқаррар турғунликдан сақланишга олиб келади. Албатта биринчи йўл очиш вазифасини майда фирма ва эксплерентлар бажаради. Ўзини оқлаган янгиликни яппи-сига ишлаб чиқишни йирик компаниялар яхшироқ уюштира олади, жамият ҳам бунда ютади, чунки жамият кашшоф фирманинг зарур даражагача ўсишини кутиб ўтиришига зарурат қолмайди. Вилеонтларнинг оммавий маҳсулотлар бозорини эгаллаб олиши бошқа фирмаларни ўз “сўқмоғини” излашга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларига мойиллик билан мослашишга мажбур этади. Янги такомиллаштирилган товари бор ихтисослашган компа-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ниялар бозорнинг катта ёки кичик сегментларини эгаллаб, виллоентлар фаолияти доирасини торайтиради, уларни илмий-техника учун кўпроқ маблағ ажратишга мажбур этади. Ишлаб чиқаришда турғунлик юз берганда оммавий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар йирик бўлмаса ҳам, аммо тезкор фирмалар хужумига учрайди.

Бозор иқтисодиёти механизмлари мувозанатланган ва изга тушган, рақобат муҳити ривожланган, тадбиркорлик билан шугулланиш учун етарли даражада кенг ва хилма-хил имкониятлар мавжуд шароитларда компанияларнинг ҳар бир тури ўзигагина хос бўлган вазифаларни бажаради, рақобат эса умуман ижтимоий эҳтиёжларни етарли даражада самарали таъминлайди.

Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш билан ҳамма нарса ўз-ўзидан, тўғри қарорларни излаш машаққатсиз, давлат ва халқнинг фароғатини таъминлаш йўлидаги курашларсиз ҳал бўлиб қолади дейиш янги орзуга нисбатан хатолик бўлади. Ўзбекистоннинг ўз йўлини танлаб олиши бозор механизмлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги даражасига кўпроқ мувофиқ келишини ва турли мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати ва аҳоли фаровонлигидаги турлича фарқлар бўлишига қарамай самаралироқ амал қилишини аниқлаш ҳамда ақл-идрок билан баҳолаш натижасидир. Биз учун бозор ислоҳотлари шунчаки мақсад бўлмай, республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлари бағрида ётган улкан имкониятларни халқ фаровонлиги йўлида янада тўлароқ ишга солиш воситаси, холос. Бизнинг шароитларимизда иқтисодий ислоҳотлар бозорни идеаллаштирмай, унинг салбий томонларини ҳисобга олган ва уларнинг эҳтимоли бўлган оқибатлари бартараф этилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида сурункали ва чуқур тангликлар, айримларнинг тез бойиб

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

кетиши, бошқаларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг даромадлари бўйича кескин табақаланиши ва бошқа жуда кўп қусурлар хос нарса. Бунда турли давлатларда, турли аниқ шарт-шароитларга қараб бозор иқтисодиётининг салбий хусусиятлари турли шаклларда ва турли даражада юзага чиқади, салбий томонлар шу мамлакатда наф берадиган иқтисодий ва давлат-ҳуқуқ воситалари ёрдамида у ёки бу даражадаги самарадорлик билан бартараф этилади ёки уларнинг олди олинади.

Умуман рақобат муносабатлари ва бозор иқтисодиётининг умумлашма, мавжум моделлари аниқ бир давлат шароитларида борпо этилганда, шу мамлакатнинг ўзига хос томонлари ва анъаналарига мувофиқ келадиган такрорланмас белгиларга, фарқларга эга бўлади. Муваффақият билан амал қилаётган аниқ бир бозор моделининг шу модел амалга оширилган мамлакатлар бўйича яъни япон модели, швед модели, Жанубий Корея модели, немис модели ва бошқалар деб фарқ қилиниши тасодифан эмас.. Муваффақият билан фаолият кўрсатаётган моделларнинг хилма-хиллиги уларнинг биронтасида ҳам бошқа мамлакатларда қўллаш учун тайёр “гуллаб-яшнаш” рецептини топиш мумкин эмаслигини яна бир марта исбот этади. Бизнинг давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар стратегиясида шу нарса ҳисобга олинган бўлиб, унинг тўғрилиги ислохотлар чуқурлашган сайин тобора ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодий ислохотлар стратегиясининг моҳияти бозор муносабатларига ўтишнинг ўз моделида халқнинг тарихий ўзига хослиги, хўжалик ҳаёти тарзи, анъаналари ва қадриятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан максимал фойдаланишдан иборат.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бу моделни амалга оширишда давлат ислохотларнинг боришини бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларини турли нисбатларда биргаликда қўлайди. Бир ҳолда бу воситалар рақобат муҳитини шакллантиришни рағбатлантириш, бозорга кириб келаётган ва уни ўз маҳсулотлари билан тўлдираётган янги тадбиркорларни уларга бирон бир тўсиқ қўйишга уринишлардан, фирром рақобат усуллари билан фойдаланишдан ҳимоялашда қўлланилади. Бошқа ҳолларда эса давлатнинг роли илмий техника новаторлигини қўллаб-қувватлаш, ихтирочиларнинг мутлақ ҳуқуқларини патент билан мустаҳкамлаш, ихтиролардан фойдаланишга лицензия чеклашлари белгилаш орқали янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Тадбиркорларга мажбурий маълумот-касб, мулкӣ ва бошқа талаблар қўйиладиган муайян тармоқларга кириш ёки муайян фаолият турларига руҳсат бериш ҳам лицензиялар билан чекланиши мумкин.

Монопол тармоқларда жамият учун давлатнинг энг муҳим вазифаси монополистик фаолиятнинг ҳудудини, нархлар ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини назорат қилиш ва тартибга солишдан иборат.

2.0. Монополияга қарши (антимонопол) қонун ҳужжатлари - рақобатнинг меъёрий асоси

Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг асосий вазифаларидан бири эркин иқтисодий рақобат учун имкониятлар яратишдан иборат. Ўзбекистоннинг монополиядан чиқариш, юксак рақобатли тармоқ бозорларини барпо этиш ва очиқ иқтисодий сиёсат сари йўли ислохотларни эълон қилинган асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Давлат бош ислохотчи сифатида иқтисодий рағбат ва ҳукумат тартиблаш усуллари биргаликда опти-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

мал қўллаш орқали рақобат муҳитининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Ислохотларнинг бошиданоқ республикада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни монополияга барҳам бериш ҳамда турли мулкчилик шаклларидаги тадбиркорлар учун рақобатни рағбатлантирадиган шароитлар яратиш йўналишида олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда монополияга қарши тартибга солишнинг қонуний асослари яратилди ва давлат монополияга қарши органлари тизими ташкил этилди.

2.1. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонунлар ва монополияга қарши (антимонопол) органлар тизими

Давлат томонидан монополияга қарши тартибланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги”ги Қонуни ташкил этди. Қонунга қўшимча тарзда, уни амалга оширишни таъминлайдиган бир қатор меъёрий-услубий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

1993 йил феврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра монополияга қарши сиёсатни ўтказиш бўйича вазифалар Молия вазирлигига юкланди. Бу вазирлик таркибида ташкил этилган Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бош бошқармаси ўзининг қисқа фаолияти давомида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатчилик муносабатларини ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ўтказишда биринчи тажриба тўплади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 15 майдаги Фармони билан бош бошқарма ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўми-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

таси ташкил этилди. Фармонда белгилаб қўйилганидек, қўмита рақобатни ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни ўтказиш бўйича давлат бошқарув органи ҳисобланади. Қўмитанинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва кўрсатмаларини бажариш вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий. Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонунга мувофиқ қўмита ходимларига уларнинг ўз хизмат бурчларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш, мансабдор шахслар ва айрим фуқароларнинг қўмита ходимлари зиммасидаги вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик вазифалари юкланган.

Республика монополияга қарши органлари тизимига қуйидагилар киради: Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари ҳузуридаги ҳуқуқий бошқармалар. Туманлар ва шаҳарларда ҳокимликлар молия бўлимлари ҳузурида монополияга қарши қонунчиликка ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича нозир (инспектор)лар лавозими жорий этилган.

Монополистни қандай аниқлаш мумкин? “Монополист” дейилганда оддий тасаввурда гигант корхоналар гавдаланади. Албатта, жуда катта моддий ва молиявий ресурсларнинг хўжалик муносабатлари иштирокчиларидан бирининг қўлида тўпланиши унга ўз иқтисодий қудрати ҳисобига рақибларига, ўзи билан шартнома тузганларга, ис-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси республикада тўлақонли рақобат муҳитини яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Қўмита олиб борадиган ўзаро ҳамбарчас боғлиқ амалий чора-тадбирлар мажмуида қуйидаги асосий йўналишларни кўрсатиш мумкин.

Қўмита монополиядан чиқариш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 14 та ҳудудий бошқармани тўлиқ ташкил этди. Ҳудудий бошқармалар ва услубий (методология) бошқармалари монополияга қарши курашни тартибга солиб бориш, иқтисодий монополиядан чиқариш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатлари ва метёрий услубий ҳужжатлар билан таъминланади, уларга ташкилий-техникавий ва услубий ёрдам кўрсатилади.

Қўмита товар бозорларини таҳлил этишда ўзаро мувофиқлашган ёндашувни таъминлаш ва республика иқтисодиётидаги тармоқларни, биринчи навбатда машинасозлик, снгил ва маҳаллий саноат тармоқларини монополиядан чиқаришни амалга ошириш бўйича ташкилий ва услубий ишлар олиб бормоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Ҳозирги бозор иқтисодиятида саноат гигантлари ҳам пафқатсиз рақобатга дуч келишлари мумкин. Мисол учун япон компанияларининг АҚШ автомобиль бозорига кириб боришини олайлик. Натижада америкалик ишлаб чиқарувчилар бозорнинг салкам 30 фоизини бой бердилар, “Крайслер” каби жаҳонга машҳур фирма банкротлик ёқасига келиб қолди.

Ўз қўламага кўра катта бўлмаган корхона ҳам монополист бўлиши мумкин. Турли мамлакатларда ҳужалик юритувчи субъектнинг монопол ҳулқ кўрсатиш хавфи бўлган бозор ҳиссасини белгилашда турли миқдорий баҳолар қабул қилинган. Европада, масалан, бозорнинг учдан бир қисмидан, Америка Қўшма Штатларининг монополияга қарши кураш қонунларида эса жами бозор ҳиссаси атиги 15 фоиздан ошадиган фирмалар учун бир қатор таҳиқлар белгиланган. Айтийлик, АҚШда фирмаларнинг вертикал қўшилиб кетишига (олди-сотди муносабатлари билан ўзаро боғлиқ бўлган корхоналарнинг қўшилиши), агар улардан бирининг тегишли бозорда ҳиссаси 10 фоиздан ортиқ бўлса йўл қўйилмайди.

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Ўзбекистон Республикасида монополиястик тузилмаларни бўлиб юбориш бўйича туб чора-тадбирлар кўрилди. Масалан, "Ўзбекиқовқатсаноат" уюшмаси "Ўзбекиқовқатсаноат" ва "Ёғ-мой-тамақсаноат" уюшмаларига бўлинди. "Ўзماشсаноат" уюшмасидан "Ўзқшплотқўжаликман" холдинг компанияси ажралиб чиқди. Айниқса, 1994-1996 йилларда савдо ва маъшиий хизмат тизимида корхоналар жуда майдалаштирилди. Буни қуйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин.

Уюшмалар, корпорациялар номи	Юридик шахслар (АЖ, ИК, ЖК) сони, 1.01.1994 й.	Улардаги объектлар сони	Амалда ажралиб чиқиш			
			1994 йилда	1995 йилда	1996 йилнинг 1-апрелида	94-96 йилларда жами
Ўзмаиший-уюшма	606	6172	1064	1308	161	2533
"Ўзбексавдо"	342	8196	3220	2315	245	5780
"Ўзбекбирлашув"	827	20168	591	5461	607	6659
Жами	1775	35336	4875	9084	1013	14972

(АЖ - акциядорлик жамиятлари, ИК-ижара корхоналари, ЖК - жамоа корхоналари)

"Ўзмаишийуюшма", "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" тизимларидаги акциядорлик жамиятларини майдалаштириш бўйича маълумотлар.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

теъмолчиларга осонгина таъсир кўрсатиш имконини беради. Аммо монополист ҳақидаги бундай тасаввурлар ҳақиқатни хаспўшлайди, муаммони фақат катта ва кичик корхоналар нисбати маъносида тушунишдан иборат қилиб қўяди.

Ҳатто нисбатан кичик бўлган корхона ҳам монополист бўлиши мумкин. Бунинг учун у бозорда у ёки бу турдаги маҳсулотнинг асосий қисмини тақдим этиши ва жиддий рақибларга эга бўлмаслиги керак. Шундай қилиб монополистик фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги жаҳон ҳуқуқий амалиётида корхонанинг катта-кичиклиги эмас, балки унинг бозордаги ҳиссаси энг муҳим деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда монополистик бирлашма (корхона)ларни Давлат реестрига киритиш учун мезонларни белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда ўтиш даврининг ўзига хос томонлари ҳисобга олинди, чунки республика иқтисодиётида монопол тармоқлар сони ҳали жуда кўп. Агар корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳиссаси умумреспублика ёки маҳаллий вилоят миқёсида, товар бозорида, конкрет (аниқ) бир товарлар гуруҳида, ўзаро ўринбосар товарлар ёки бир технологик мақсадлардаги маҳсулотлар орасида 35 фоиздан ортиқ бўлса, бу корхона монополистик бирлашма (корхона)лар Давлат рўйхатига киритилади. Озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай мезон даражаси пастроқ - 20%.

Кейинги бир неча йиллик маълумотлар ҳужалик юри-тувчи субъект - монополистлар сони, уларнинг маҳсулотлари, иш ва хизматлари реестрларда йилдан йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, 1993 йилда республика реестрига 112 та, маҳаллий реестрларга 381 та монополист корхона киритилган бўлса, 1995 йилга келиб

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Монополияга қарши назорат ва тартибга солиш

1996 йил 1 июль ҳолатига кўра республика ва маҳаллий бозорлар Давлат реестрида 5153та маҳсулот турлари ва товарлар, ишлар, хизматлар гуруҳлари бўйича жами бўлиб 878та корхона бор.

Товарлар ва молия бозорларини ўрганиб бориш асосида реестр доимо қайта кўриб борилади.

Давлат реестрига кирган монополист корхоналарга, тегишли концернлар, бирлашмаларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасига хабарномалар тарқатилади. Давлат реестрининг ҳар бир навбатдаги нарҳи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тармоқ бошқармаларига маълумот ва фойдаланиш учун тарқатилади.

Республика товар бозорида монополист корхоналар Давлат реестрига киритилган монополист

*корхоналар ва тармоқлар бўйича маҳсулотлар
(1996 йил 1 июндаги ҳолатга кўра)*

	Корхоналар сони	Маҳсулот турлари сони
Жами	146	294
1 Нон-булка маҳсулотлари, дон, ун	2	4
2 Кўмир	1	3
3 Газ	3	4
4 Озиқ-овқат	17	23
5 Енгил саноат	34	56
6 Маҳаллий саноат	9	12
7 Нефть кимёси саноати	22	74
8 Машинасозлик	31	67
9 Қурилиш материаллари	10	16
10 Хизматлар	11	24
11 Бошқа тармоқлар	6	11

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

республика реестрига яна 16 та, маҳаллий реестрларга 172 та корхона киритилди. Шундай қилиб республика реестридаги монополист корхоналар сони 144 тага, маҳаллий реестрдагилар сони 798 тага етди.

Ушбу келтирилган маълумотларни баҳолашда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бу даврда монополияга қарши кураш органлари биринчи марта республика ва маҳаллий бозорларни босқичма-босқич, тармоқлар бўйича таҳлил этиб, шунга мувофиқ реестрларни тўлдириб бордилар. Ислохотларнинг биринчи босқичида монополист корхоналар сонининг кўп бўлиши муқаррар эди, чунки бизга ўз табиатига кўра давлат-монопол, яна бунинг устига ғоят издан чиққан ягона умумиттифоқ комплексига кирган хўжалик мерос қолган эди. Аммо на табиий, на технологик, на бошқа бирон бир муҳимроқ иқтисодий сабабларга кўра оқланмайдиган жойларда монопол тузилмаларни яна сақлаб қолиш давом этаётган қайта қуришлар билан асло сийишмайди. Фаол монополияга қарши сиёсат - монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш - ислохотларнинг иккинчи босқичидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда товарлар, иш ва хизматлар ишлаб чиқарувчи монополист бирлашма (корхона)лар реестрига киритиш мезонларини янада такомиллаштириш зарурлиги масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарувчининг бозордаги монопол мавқеини товар ёки хизмат турининг оз табақалаштирилган ва ҳатто белгиланган фоиз даражаси билан ўлчаш етарли даражада самарали эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда монополист деб ҳисоблаш масаласини ҳал этишда айрим гуруҳдаги корхоналарнинг ўзига хос томонларини, республика мин-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

тақалари бўйича ишлаб чиқаришнинг жамланиш даражаси, ҳудудий тавсифларини ҳисобга олган ҳолда фоиз кўрсаткичларининг янада табақалаштирилган даражалари сирасини (шкаласини) ишлаб чиқиш таклиф этилади. Минтақада қанчалик кичик бўлса, маҳаллий бозорда монополист тоифасига кириш шунчалик осонлиги аниқ, аммо шу ўринда кейинги пайтда тарқалаётган янглиш фикрларга ойдинлик киритиш керак, гўё реестрга киритиш товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчини салбий жиҳатлардан тавсифлар эмиш. Республика ва маҳаллий реестрлар ишлаб чиқарувчиларни умуман ҳеч қандай тавсифламайди, уларда фақат тармоқ бозорлари ҳолати акс эттирилади, холос. Реестрлар асосида бу бозорларда рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек монополистлар томонидан иқтисодий ҳукмронликни суиистеъмом қилишнинг олдини олиш тадбирлари олиб борилади.

2.2. Монопол тармоқларга давлат томонидан таъсир курсатишнинг асосий усуллари

Реестрга киритилганидан кейин корхоналар билан бозорда монопол мавқе эгаллаган маҳсулотлар нархини давлат йўли билан тартибга солиш бўйича ишлар олиб борилади. Молия органлари бундай корхоналар учун бу маҳсулотта шартномавий (эркин) нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабелликнинг чегарасини белгилаб қўяди. Айни пайтда бу маҳсулотни рақобат негизида чиқаришга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Рақобат муҳити яратилиши натижасида ҳиссаси умумий товар ҳажмида белгиланган мезон даражасидан паст бўлган корхона реестрдан чиқарилади.

Аммо Ўзбекистондагина эмас, балки кўпчилик бошқа давлатларда ҳам қўлланилаётган рентабелликнинг энг

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

Маълумот учун материал

Монополизмни бартараф этиш ва рақобатчилик муҳитини яратиш буйича давлат сиёсати ҳуқуқий базасини ривожлантириш

1992 йил июль ойида қабул қилинган “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонунни амалда қўллаш тажрибаси бу қонуннинг айрим мезъорларига тузатишлар, шунингдек иқтисодийётимизнинг фаолият кўрсатишида ўзгарган шaroитлар тақозо этадиган бир қатор қўшимчалар киритиш зарурлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан “Товарлар ва молня бозорларида рақобат ҳамда монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги янги Қонун лойиҳасининг кам-кўстини тўлдириб, узил-кесил охирига стказилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ушбу қонун ҳужжатида биринчи марта бир-бирининг мулкани назорат қиладиган юридик шахс тушунчаси қўлланилган. Агар бир юридик шахс иккинчи бир юридик шахснинг акциялари, пайларини ва устав фондидаги иштироки ҳиссасининг 25 фоиздан кўпроғига эгаллик қилганда; бир юридик шахс бошқа юридик шахс акциядорлари овозининг 50 фоиздан кўпроғини таъминлайдиган акцияларига, яъни акцияларнинг назорат мажмуига эгаллик қилганда; турли юридик шахслар бошқарувидаги сайлаб қўйиладиган ва ижроия органларида камиди 1/4 айнан бир жисмоний шахслар, бўлганда юридик шахслар бир-бирларининг мулкларини назорат қиладиган юридик шахслар, деб эътироф этилади.

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

юқори меъёрларини товар нархида белгилаш амалиётини таҳлил этишда бу усул монополистик тенденцияларга фақат қисқа муддатли истиқбол учун самарали тўсиқ бўла олишини ҳисобга олиш керак. Вақт ўтиши билан нарх билан тартибга солишнинг бу усулига хос бўлган салбий белгилар юзага чиқиб қолади. Рентабелликнинг чегара меъёри бевосита мутаносибликда қонуний йўл билан олиш мумкин бўлган фойда миқдорини товар таннархи билан боғлиқ қилиб қўяди. Шу сабабли монополист корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш эмас, аксинча, таннархни ва тегишлича рухсат этиладиган товарлар нархини кўтаришнинг турли йўллари билан фойдаланишга интилиш пайдо бўлади. Бундай майллар ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишдан ташқари товар нархларини охир-оқибатда чегара меъёрлари билан тартибга солмасда уларнинг кўтарилиши мумкин бўлган даражадан ҳам ортиб кетишига олиб келиши мумкин.

Қатор давлатларда нархни тартибга солиш билан бирга монополияга қарши тадбир сифатида ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган монополист бирлашмаларни бўлиб ташлаш, майдалаштириш усули қўлланилади. Бу тадбир ҳам ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитларда ҳам ижобий самарани таъминламайди. Гап шундаки, монополизм миқдор эмас, сифат муаммосидир. Рақобат пайдо бўлиши учун тармоқда битта ўринга шунчаки бир нечта ишлаб чиқарувчини ташкил этиш билан иш битмайди. Муҳими, уларнинг манфаатлари ўзаро зид бўлсин рақобатлашишга интилиш бирлашишга мойилликдан устун келсин. Бу эса фақат янги, шу жумладан етарлича жиддий рақобатчиларнинг бозорга кириб келишининг реал имкониятлари бўлганда, капиталнинг оқиб кириш механизми амал қилгандагина юз бериши мумкин. Агар тармоқда “четдан

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Маълумот учун материал

Ўзбекистонда монополияга қарши кураш органлари 1995 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш соҳасида аниқлаган вазият диққатга сазовор. Бу соҳадаги собиқ давлат корхоналари республика миқёсида шунга ўхшаш корхоналар ўртасида сиртдан рақобат бордек туюладиган шароитда ўзлари жойлашган туманлар даражасида “туман даражасидаги” монополиялар бўлиб чиқди ва ишлаб чиқарувчилар олдида ўзларининг бундай мавқеини суиистеъмол қилганлиги очилди. Монополияга қарши кураш органлари текширган 92 пахта заводидан 59 тасида умумий суммаси 40 млн. сўм бўлган қўшимча тўловларнинг хўжаликларга берилмагани аниқланди. Қайта ишлаш корхоналари томонидан ўрнатилган ва асоссиз пасайтирилган харид нархлари ҳисобига жамоа ва фермер хўжаликлари кўпинча зарар кўриб ишлайдиган бўлиб қолди.

Айни пайтда қайта ишлаш корхоналарининг рентабеллиги эса 15 дан 22 фоизгача борди, уларнинг ходимлари ривожланган ижтимоий тузилмаларнинг жами неъматларидан фойдаланди. Бундан ташқари, қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишга солинмаслиги маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларнинг ўсишига олиб келди. Бу ерда ҳам бу муаммони монопол мавқедан фойдаланиб ҳал этилди - тайёр маҳсулот сотиш нархларини кўтариш билан чиқимлар қоплаб келинди.

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

келган” тадбиркорларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли фақат мавҳум-назарий мазмунга эга бўлса, кўп ҳолларда корхоналар ўртасида илгариги монопол тузилмаларга хос, аммо энди топиш ва тартибга солиш юяг мураккаб, одатдаги ўзаро муносабатларни амалда тиклайдиган келишувлар пайдо бўлади.

Агросаноат комплексида рақобатни яратиш учун монополияга қарши кураш органлари самарасиз бўлиб чиққан воситаларга қараганда бошқачароқ тадбирлар тизимини таклиф этди. Хусусан, маҳаллий бозорларда ҳал қилувчи мавҳега эга бўлиб, узоқ вақт давомида тўлиқ қувватлар билан ишламаган гўшт, сут, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни майдалаштиришнинг алоҳида тартиби, бундай корхоналарнинг акциялари ва мулкани биринчи навбатда инвесторларга - қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларга сотишни назарда тутиш таклиф этилди.

Монопол хўжалик тузилмалари ёки корхоналарни бўлиш усули, агар технологик жиҳатдан мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлса, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида қўлланилади. Йирик хўжалик тузилмалари ёки корхоналар таркибидан ёрдамчи, асосий ишлаб чиқариш билан технологик боғлиқ бўлмаган корхоналар, хизматлар ва бошқа объектлар ажратилади. Яна бир бошқа имконият - мавжуд ижара, акциядор ва бошқа жамоа корхоналари негизида янги хусусий ёки акциядорлик корхоналарини барпо этишдир.

Корхоналарни бўлиш Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 июлдаги 366-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисида Низом”га кўра амалга оширилади. Ушбу қарорга мувофиқ 1995 йилда ак-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

циядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналари таркибидан “Ўзмаишийуюшма”да 2372 объект (объектлар умумий сонининг 34%), “Ўзбексавдо”да 5535 (объектлар умумий сонининг 67,5%), “Ўзбекбирлашув”да 6052 объект (объектлар умумий сонининг 30%) чиқди ва мустақил корхоналарга айланди.

Тармоқ ичидаги рақобатни рағбатлантириш учун тармоқ ичида бир типдаги маҳсулотлар чиқарадиган ва ўзининг етказиб берувчиларига эга бир неча молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш қўлланилди. Тармоқни бундай таркибий қайта ўзгартиришда рақобат муносабатларини ривожлантириш мумкин, аммо унинг учун нарх бўйича келишувларни қаттиқ назорат қилиш ва уларнинг имкониятларини бартараф этиш талаб этилади. Тармоқлар шароитларига кўра бундай тузилмалар “Ўзентилсаноат”, “Ўзметвасабзавотузумсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” тизимларида ташкил этилиши мумкин.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида металлургия ва машинасозлик, кимё, ёқилғи-энергетика комплекслари корхоналарини хусусийлаштириш авж олдирилди. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли “Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштиришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда. Бу тармоқлардаги корхоналарни майдалаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятлари иқтисодийётнинг барқарорлигини сақлаш, товар бозорини тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ҳиссаси, ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг технологик мураккаблиги ва илм талаблиги, жаҳон бозоридаги ўрни ва бошқа мезонларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил этилади. Тармоқларнинг ўзига хос томонларига мувофиқ уларда

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

I.

Маълумот учун материал

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари

1996 йил 17 майдан Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Уни амалга ошириш юзасидан Қўмита муайян ишларни бажарди.

Ўзбекистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиган давлат истеъмол сисъатини шакллантириш ва амалга ошириш борасида вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро Кенгаш тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Бу Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил этиш, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масъалалари бўйича қонунлар ва меъърий ҳужжатлар ишлаб чиқишнинг ташқил этиш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмни ташқил этиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларида иштирок этиш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун МДҲга аъзо мамлакатларнинг тегишли давлат ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш ишларини ташқил этиш.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ сотувчи билан харидор ўртасидаги муносабатлар тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш учун

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

II.

олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қондалар, шунингдек аввал ҳукумат томонидан тасдиқланиши талаб этиладиган айрим турдаги товарларни сотиш қондалари белгиланган. Уларга қуйидагилар кирди: Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг айрим турларини сотиш қондалари; Умумий овқатланиш (хизматлар) маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш қондалари; Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан қилинган буюмлар савдосининг қондалари; Узоқ муддат хизмат қиладиган товарларни фуқароларга кредитга сотиш қондалари; Янги автотранспорт воситаларини сотиш қондалари; Автотранспорт воситаларига техника хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича хизмат қондалари; Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қондалари; Коммунал хизматлар кўрсатиш қондалари; Меҳмонхона хизмати кўрсатиш қондалари; Телефон, телеграф ва почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қондалари; Аҳолига пуллик табиёт хизматлари кўрсатиш қондалари; Бош вазир Уринбосари Б.С.Ҳамидов томонидан тегишли вазирликлар ва идораларга бир ойлик муддатда кўрсатиб ўтилган қондаларни ишлаб чиқиш ва қўмита билан келишилгандан кейин тасдиқлаш учун ҳукуматга тақдим этиш ҳақида кўрсатма берилган. Қондалар тасдиқланганидан кейин аҳолини хабардор қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига истъомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик киритилган ҳамда 183-модданинг номи янги таҳрирда “Монополияга қарши қонун ҳужжатлари ва истъомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб аталади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш жараёнлари шундай ҳисоб билан ўтказиладики, бу тадбирлар юксак уюшган ишлаб чиқариш билан кураш олиб боришга айланиб кетмасин, балки тармоқ тузилмаларида ўзини оқлайдиган ўзгаришлар учун шароитлар яратсин, пировард натижада ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулотлар чиқаришни таъминласин.

Ўзбекистонда ислохотлар босқичларида мамлакат ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тариф сиёсатига ўзгартиришлар киритиш, товар келтириш ва чиқариш тарифлари ставкаларини тартибга солиб бориш йўли билан ички бозорни ҳимоя қилиш усулларида фаол фойдаланмоқда. Бундан ташқари чет эллардан сифати шубҳали бўлган, лекин нархи арзон бўлгани учун маҳаллий товарлар билан рақобат қиладиган шарбатлар, конфет, шоколад ва шунга ўхшаш товарларнинг ички бозорга киришини кескин қисқартириш ва кейинчалик тамомила тўхтатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Импорт товарларнинг кўп турлари сифат сертификатларига эга эмас, уларнинг ким томонидан, қачон ва қаерда ишлаб чиқарилгани кўрсаткичлари йўқ. 1996 йил апрель ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни асосида фирром рақобатга, шу жумладан республика бозорларига белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқаришга йўл қўймаслик механизми яратилмоқда.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда имкони бўлган жойда тартибга солишнинг маъмурий эмас, балки иқтисодий усулларида кўпроқ устуворлик берилади: буюрт-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

малар танлов асосида жойлаштирилади, кредитлаш ҳўжалик фаолияти натижаларига қараб амалга оширилади, капиталнинг оқиб келиш механизидан фойдаланилади, нодавлат мулкчилик шаклларидаги муқобил корхоналар учун зарур бўлган ресурслар бозори яратилади ва ҳоказолар.

Рақобат муҳитини шакллантиришга ягона методологик ёндашувни таъминлаш, хусусийлаштириш ва монополиядан чиқаришнинг тармоқ ҳамда минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш кабилар муҳим вазифалар ҳисобланади. Бу вазифаларни Монополиядан чиқариш қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамкорликда ҳал этади.

2.3. Монополияга қарши қонун ҳужжатларининг амал қилиш доираси

Монополияга қарши кураш органлари фаолиятида монополияга қарши қонунчиликка ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя қилиш устидан давлат назоратини ўрнатиш катта ҳажм ҳамда алоҳида аҳамиятга эга. Бундай назорат доирасини белгилашда, шунини таъкидлаш лозимки, “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра унинг амал қилиши мулкчиликнинг қандай шаклида бўлишидан қатъи назар республика ва маҳаллий товарлар бозорларида фаолият кўрсатиш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, айрим мансабдор шахслар иштирок этадиган муносабатлар доирасини қамрайди. Шунингдек Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузиладиган ёки амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳаракатлари ёки битимлари республика

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

бозорда рақобатни чеклашга ёки бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган ҳолларда ҳам қўлланилади. “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг биринчи моддаси энергетика тармоғидаги корхоналар; мудофаа мақсадларидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар; магистраль темир йўллар; трубопровод транспорти; умумдават мақсадларидаги алоқа тизимлари билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмаслиги белгиланган қонун-қоидалар ҳам алоҳида эътиборга молик.

Бозор механизмини қўллаш қийин бўлган табиий монополияларда давлат йўли билан тартибга солиш аксарият ҳолларда бизга яхши таниш режали иқтисодиётга яқин таъминот асосида ташкил этилади. Давлат бошқаруви органлари (умумиллий ёки минтақавий) нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар ҳажми ҳамда тур-хилига доир асосий кўрсаткичларни белгилайди. Табиий монополистларга Энергетика вазирлиги, Алоқа вазирлиги, “Ўзнефгаз”, “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари киради. Бу идораларда нархлар ва хизмат кўрсатиш сифати устидан давлат назорати асосий тартибга солиш механизми ҳисобланади. Табиий монополияларни монополияга қарши қонунчилик таъсири доирасидан чиқариш бундай монополияларни давлат йўли орқали тартибга солиш билан рақобат мавжуд бозорлардаги монополист корхоналар фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиш ўртасидаги фарқларни ёрқин акс эттиради. Муҳими шундаки, рақобат учун очиқ бўлган бозорда давлат йўли билан тартибга солиш рақобатли бозор тартиб-қоидаларини ўзгартириши эмас, балки уни ҳимоя қилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида” Қонун ихтиролар, саноат намуналари, товар белгилари ва муаллифлик ҳуқуқларининг ҳуқуқий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Маълумот учун материал

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ҳатто қадимдан табиий монополиялар қаторига кирадиган тармоқларда ҳам рақобат муҳитини яратишга имконият беради. Бунга алоқа тармоғини мисол келтириш мумкин. Бу соҳада радиореле уяли алоқани ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай тармоқларни барпо этиш унчалик кўп капитал маблағларни талаб этмайди, шу сабабли уларнинг бозорида рақобатга ўрин катта. Радиореле телефон тармоқлари маҳаллий телефон тармоқлари билан, айрим мамлакатларда эса бир-бирлари билан рақобат олиб боради. 1993 йилда Шри-Ланкада уяли алоқа тармоқлари оператор-компанияларидан тўрттасига лицензия берилиши натижасида бундай алоқа турига бўлган тарифлар жаҳонда энг паст бўлди, яъни тармоққа улаш 100 долларни, бир минут фойдаланиш ҳақи 16 центни ташкил этди. Бу рақамларни Сальвадордаги худди шундай хизматлар қиймати билан қиёслаш мумкин. Бу мамлакатда фақат биргина оператор компания иш олиб боради ва тармоққа улаш 100 доллар, бир минут фойдаланиш ҳақи 35 цент туради.

Ўзбекистонда 1996 йилга қадар уяли алоқа хизмати соҳасида монополист - "Ўздунробита" қўшма корхонаси ҳукмрон эди. Тармоққа улаш 500 доллар, фойдаланиш ҳақи 50-60 цент турадиган нархлар бу тармоқда яна икки янги компанияга лицензия берилиши билан пасая бошлади.

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

муҳофазаси меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан қўлланилмайди (тегишли ҳуқуқлар уларнинг эгалари томонидан рақобатни чеклаш мақсадларида атайлаб қўлланилган ҳоллар бундан мустасно).

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш халқаро амалиётда алоҳида ҳуқуқий институт деб қаралади. Муаллифлик ҳуқуқи - ихтиро ёки кашфиёт қилган, санъат асари ёки янги товар яратган юридик ва жисмоний шахснинг ўз янгилитининг жорий этилишидан шахсан якка ўзи фойда кўриши ва бошқа товарлар ҳамда хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг ундан ҳақ бермай фойдаланишига рухсат бермаслик ҳуқуқидир. Жаҳон бозор амалиётида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш заруратини бошқаларнинг ғояларини текинга тижорат мақсадларида фойдаланишга асосланган жуда кўп сохта товарларнинг пайдо бўлиши келтириб чиқарди. Бундай маҳсулотлар бозордан ҳақиқий муаллифларни сиқиб чиқаради ва уларга катта зарар етказади. Компьютер дастурларини ноқонуний йўл билан кўпайтириш бунга ёрқин мисолдир. Бу ишда шу дастур эгалари бўлган фирмалар йилига 14 миллиард долларни бой бериши аниқланган. Жами сохта, хатто ўраб-жойланиши ҳам қалбаки бўлган товарларнинг кўп қисми Тайванда ишлаб чиқарилиши маълум бўлди. Бундай ҳолат Тайвань билан АҚШ ўртасида жиддий низоларга сабаб бўлди, чунки бу ишдан зарар кўрганларнинг аксарият қисми Америка фирмалари эди.

Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқининг патент-лицензия тизими ва меъерий асослари тубдан ислоҳ қилинди, бозор иқтисодиёти талабларига кўра уни такомиллаштириш давом этмоқда. Мисол учун, 1993 йил 7 майда “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра Давлат патент идораси повар белгилари ҳамда хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказади. Бу

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Белгилар бир жисмоний ва юридик шахснинг товари ва хизматини бошқа шундай ишлаб чиқарувчиларнинг товари ва хизматидан дарров фарқлашга имкон беради. Товар белгиси эгаси ундан фойдаланиш ва тасарруф этишда, шу жумладан уни бошқа шахс томонидан фойдаланишга рухсат бериш ёки фойдаланишни тақиқлашда ҳам танҳо эгаллик ҳуқуқига эга. Қонунда товар белгисидан гайриқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланган. Айни пайтда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ эгаси уни рақобатни чеклаш мақсадлари йўлида қасддан фойдаланадиган бўлса, унинг ҳаракатлари “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонун қўлланиладиган соҳага ўтади ва шунга мувофиқ монополияга қарши кураш органлари юрисдикциясига киради. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишига, мультиплик ҳуқуқининг патент-лицензия ҳимояси билан монополияга қарши қонунчиликнинг рақобатни рағбатлантириш чора-тадбирлари чегараларини белгилаш нозик ва мураккаб масала. Республикамизда бундай чегаралашнинг меъёрий базаси, шубҳасиз, тажриба тўпланиши билан Ўзбекистоннинг эҳтиётлари ҳамда ўзига хослигига мувофиқ ҳолда, халқаро ҳуқуқий меъёрлар таъсирида такомиллашиб боради.

3.0. Монополияга қарши тартибга солишнинг хусусиятлари

Республикамизнинг монополияга қарши қонунчилиги қуйидагиларни тақиқлайди: бозордаги устунлик мавқеини суниестемол қилиш; ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қонунга хилоф битимлар тузиш (келишилган ҳаракатлар қилиш); рақобатни чеклайдиган ташкилий қайта тузилишлар, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклаш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари; фирром рақобат.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Кучли рақобат моделларига яқин бозорларда ишлаб чиқарувчиларни рақобатлашувчи субъектларнинг фирром ҳаракатлари таъсиридан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бундай фирром ҳатти-ҳаракатлари қонун билан ҳимоя қилинадиган товарларни табақалаштириш, уларни реклама қилиш усуллари ва бошқа ҳолатларни бузиш билан боғлиқ.

Республиканинг монополияга қарши қонун ҳужжатларига кўра қуйидагилар фирром рақобат ҳисобланади ва улар тақиқланади:

- *хўжалик юритувчи бошқа субъектнинг мол-мулки ва тадбиркорлик нуфузига зиён етказиши мумкин бўлган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тарқатиш;*

- *товар белгисидан, товарнинг фирма номидан ёки марказидан ўзбошимчилик билан фойдаланиш, шунингдек хўжалик юритувчи бошқа субъект товарининг шаклини, идишини, ташқи безагини айнан кўчириб олиш;*

- *илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, савдо ва бошқа соҳага оид маҳфий ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор қилиш;*

- *товарларнинг хусусияти, уларни тайёрлаш усули ва ўрни, истеъмол хоссалари ҳамда сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитиш;*

- *хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини чекловчи ҳатти-ҳаракатлар қилиш.*

Бундан олдинги параграфда таъкидланганидек давлат рақобат кучли бўлган маҳсулотлар бозорларини муҳофаза қилиш мақсадларида қонун бузилишларининг олдини олиш ва қонунбузарларни жазолаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўради. 1996 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленумида савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа қонунбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

суд амалиёти учун махсус қарор қабул қилинди. Бу қарорга кўра товарларнинг бозорга эркин киришини чекловчи ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, бозор маъмурияти ёки бошқа шахсларнинг товар эгасига нисбатан бозордан ишлаб чиқарувчиларни сиқиб чиқариш, ҳаддан ташқари юқори нархларни сунъий равишда тутиб туришини талаб қилиш, агар улар зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, мулкка зарар етказиш ёки йўқ қилиш билан боғланиб кетган ва бирон бир мулккий фойда кўриш мақсадларида қилинган бўлса судлар Жиноят кодексининг 165-моддаси билан товламачилик (рэкет) тарзида баҳолашлари керак. Бозорлар маъмуриятининг савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган мансабдор шахслари, ўзга мансабдор шахслар товарлар ёки ишлаб чиқарувчиларнинг бозорга эркин киришига ҳақ олиш ҳисобига тўсқинлик қилган, ҳаддан ташқари юқори нархларни сунъий равишда ушлаб турган ҳолларда Жиноят кодексининг 210-моддаси билан порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортиладилар. Кўриладиган чора-тадбирлар озиқ-овқат бозорларида иқтисодий механизмларнинг амал қилиши учун зарур шароитларни таъминлайди. Бозорга эркин кириши мумкин бўлган шароитларда ўхшаш ёки ўринбосар товар сотувчиларнинг сони амалда чекланмаган даражага боради ва улар муқаррар равишда нарх рақобати орқали ўзаро муносабатларга киришади.

Бозорнинг олигополия моделига ва монополияга хос белгилари аниқ намоён бўладиган тармоқларда республиканинг монополияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган устунлик мавқеини суиистеъмол қилишни, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қонунга хилоф битимлар тузиш (келишилган ҳаракатлар қилиш)ни, рақобатни чеклайдиган ташкилий қайта тузилишларни тақиқлаш муҳим аҳамиятта эга.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон тарихида монополияга қарши, трестларга қарши қонунчилик рақобат муҳитини яратиш боғлиқ бўлмаган тарзда шаклланди ва ривожланди. Бизнинг шароитларимиз учун хос бу масала анъанавий бозор иқтисодиёти ҳукмрон мамлакатларда пайдо бўлгани ҳам йўқ. Монополияга ва трестларга қарши қонунларнинг роли (бу унинг умумий қабул қилинган номида ҳам акс этган), биринчи навбатда монополистик фаолиятни чеклаш ва унинг истеъмолчи манфаатларига дахлдор, ҳам ижтимоий, ҳам давлат нуқтаи назаридан номақбул салбий оқибатларини тугатишдан иборатдир.

АҚШда, масалан, трестларга қарши биринчи Шерман қонуни 1890 йил, Клейтон қонуни 1914 йил қабул қилинган ва шу йили алоҳида қонун билан федерал савдо комиссияси трестга қарши қонунчиликни амалга оширадиган давлат органи ташкил қилинган эди. Бошқача айтганда АҚШда трестга қарши ҳуқуқ тарихи совет иқтисодиётининг туғилишидан то таназзулига қадар бўлган даврдан узунроқдир.

Албатта, бир асрдан кўпроқ давр давомида жаҳон амалиётида монополиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Бу тажрибалар бизнинг шароитларимиз учун ҳам асқотади ва иқтисодий ислохотлар моделларидан Ўзбекистоннинг монополияга қарши қонун ҳужжатларини яратишда фойдаланилган.

Ҳар қандай мамлакатнинг монополияга қарши сиёсати тамойилларига у ёки бу даражада алоқадор муаммолар ҳам мавжуд бўлади. Юристар мунозараларига сабаб бўлган асосий масалалардан бири тармоққа давлат-ҳуқуқ чора-тадбирларини қўллаш заруратини қандай мезонлар асосида аниқлаш керак - тармоқ бозори тузилишига қарабми ёки унда маҳсулоти устунлик мавқеига эга бўлган ҳужа-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

лик юритувчи субъектларнинг хулқи, иш тутишига қарабми?

Тармоқ тузилмасига қараб баҳолаш тарафдорлари (“структуралистлар”), агар тармоқ монопол ёки олигопол тузилмага эга бўлса, бу тармоқ бозорида иш кўрадиган хўжалик юритувчи субъектлар муқаррар равишда ўзининг устунлик мавқеидан фойдаланишга интилади деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назарга кўра рақобатли бозорларда таркибий қўшилиб кенгаш ва ишлаб чиқаришнинг жамланишини илк бўсағада ўтиб кетишига йўл қўймаслик, зарурат туғилганда корхоналарни мажбурий бўлиб юбориш таклиф этилади.

Унга қарама-қарши бўлган “бихевиоризм” тарафдорлари таркибий тузилма билан хатти-ҳаракат ўртасидаги тобелликни у қадар бевосита ва қатъий деб ҳисобламайдилар. Бу нуқтаи назарга кўра агар хўжалик юритувчи субъект - монополистлар истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириб, улар фаолияти тартибини белгилайдиган меъёрий қийматларга ҳалол бўйсуниб келаётган бўлса, бундай тузилмаларнинг фаолиятини фақат ишлаб чиқаришнинг ғоят жамланганлиги сабаби билан тўхтатиб, мажбурий равишда бўлиб юборилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг монополияга қарши қонун ҳужжатларида, бир томондан, республикада монополиядан чиқаришни кенг миқёсда ўтказиш ва рақобатни ривожлантириш зарурлиги ҳисобга олинган, иккинчи томондан эса, тармоқ бозорлари етарли асосда ислоҳ этилмагани учун улардаги аҳволни ёмонлаштиришга йўл қўймасликка, агар товарлар зарур ва бозоргир бўлса уларни ишлаб чиқаришни пасайтирмасликка интилиш пайдо бўлди.

Биз юқорида Давлат реестри ва унга асосан монополист бирлашмалар (корхоналар) фаолиятини тартибга со-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

лиш ҳақида гапириб ўтдик. Аммо қонун янги ташкил топётганларга қараганда ҳозирги мавжуд монополияларга марҳаматлироқ, Республиканинг монополияга қарши қонун ҳужжатларида бозорда устун мавқега эга бўлишни таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар (жумладан хўжалик уюшмаларининг барча турлари)ни ташкил этиш, бирлаштириш, қўшиб олиш, қайта тузиш, тутатиш тақиқланган. Амалиётда бу қоида монополияга қарши органларнинг акциялаштириш жараёнларини назорат қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агар хўжалик юритувчи субъектлардан бири бир турдаги ёки ўхшаш товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар акцияларининг мажмуаларини сотиб олса, у охир-оқибатда тармоқ бозорида монопол ҳукмронликни қўлга киритиши мумкин. “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонун бунга йўл бермайди ва монополияга қарши органлар қонуннинг бу талабига риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон қонунларига кўра товарлар (хизматлар) бозорида монополистик фаолиятни амалга ошираётган ёки рақобатнинг жиддий равишда чекланишига олиб келувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий равишда бўлиб юборилиши мумкин. Асосий масала - мажбурий тартибда бўлиб юбориш асосларини ҳозирга нисбатан янада батафсилроқ ишлаб чиқиш керакми ва монополияга қарши органларга қарорлар қабул қилишда қай даражада эркинлик берилиши лозим деган масала очиқ қолмоқда. Бу масала жаҳон юридик фанида ҳам мунозара қилинмоқда. Ҳар бир давлат учун бу масалар ўз шароитларидан келиб чиқади ва ҳар қандай қарор ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга эканлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Монополияга қарши тартибга солишда яна бир муҳ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

им муаммо олигополия моделига яқин бозорларда бир неча фирма-ишлаб чиқарувчиларнинг хуфия келишиб олиш имкониятлари билан боғлиқ. Айрим мамлакатларда, масалан бозорда монопол ҳукмронликни эгаллаш мақсадларидаги бундай келишув оғир жиноят ҳисобланади ва иқтисодий чоралардан ташқари айбдорларни узоқ муддат озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Бошқа бир мамлакатларда бундай келишиб қилинадиган ҳаражатлар монополияга қарши қонун ҳужжатлари билан тақиқланади ва катта жарима билан жазоланади. Асосий муаммо бундай хуфёна келишувларни исботлашнинг мураккаблигида. Одатда бундай тил бириктиришни фақат бевосита далиллар мажмуи билан тасдиқлаш мумкин, масалан корхона раҳбарлари ўртасидаги мулоқотлар тўғрисида гувоҳлик берадиган материалар, бундай мулоқотлардан кейин ҳулқдаги бир хиллик, яъни нархларни бир вақтнинг ўзида кўтариш ёки тушириш, муайян ҳудудларга товар етказиб беришни тўхтатиш ва шу кабилар ана шундай далил-исботларга киради. Шу муносабат билан жаҳонда бу муаммони ҳал этишнинг вариантларидан бири - олигополия бозори иштирокчиси бўлган фирмаларга жазолар қўллаш учун хуфия келишувлар фактини исботлаш шарт эмас, уларнинг келишилган хатти-ҳаракатлари фактини исботлаш етарли. Албатта, бу нарса эҳтимол тугиладиган далиллар доирасини кенгайтиради, фирманинг муайян бир даврда бозордаги ҳулқини қиёсий таҳлил қилиш асосий далил бўлиб қолади. Бундай ёндашувнинг заифлиги тасолифий параллелизмни қасддан қонунбузарлик хатти-ҳаракатларидан ажратишга имкон берадиган меъерий чегараларнинг лозим даражада аниқ эмаслигида.

Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатлари бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобатни қуйидаги йўллар

◆ БЎЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

билан чеклашга қаратилган битимлар (келишиб олинган ҳаражатлар) тузиш тақиқланади ҳамда ҳақиқий эмас деб топилади:

- кимощди савдоларида, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни ошириш, сақлаб туриш ёки пасайтириш;
- бозорларни ҳудудий тамойил бўйича, олди-сотди ҳажми бўйича, товарларнинг турлари бўйича, сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) доираси бўйича тақсимлаб олиш;
- муайян сотувчилар ва харидорлар (буюртмачилар) билан шартномалар тузишдан бош тортиш мақсадида тил бириктириш;
- рақобатни жиддий тарзда чеклайдиган ёки чеклаши мумкин бўлган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Шунингдек бири устун мавқега эга бўлган, иккинчиси эса маҳсулот етказиб берувчи ёки истеъмолчи (буюртмачи) бўлган ва ўзаро рақобатлашмаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган битимлар (келишиб ҳаракат қилишлар), башарти пировардида рақобатни жиддий тарзда чеклаб қўйса, ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, бундай битимлар (келишиб ҳаракат қилишлар) ҳақиқий эмас деб топилади.

Шу билан бирга “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонунга кўра алоҳида ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг юқорида айтиб ўтилган ҳатти-ҳаракатлари, башарти бу субъектларнинг ҳатти-ҳаракатлари бозорни товарлар билан мўл-кўл бўлишига, товарларнинг истеъмол хусусиятларини яхшиланишига ёки ташқи бозорда уларнинг рақобатбардорлигини оширишига ёрдам беришини исботласа, тўғри деб топилиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОВАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қонунда асосий қоидалар истиснолар билан бир қаторда айрим қоидалар ва кўрсатмаларнинг умумий мазмунда, батафсил бўлмаслиги қонунни қўлловчи органларга шу қадар кўпроқ эркинлик беради ва шунга ўхшаш ишлар бўйича қабул қилинадиган қарорларда беқарорлик шу қадар кўпроқ учрайди. Жаҳонда трестларга қарши, монополияларга қарши қонунларнинг қўлланиши амалиётини таҳлил этган иқтисодчилар ва юристлар монополияга қарши чора-тадбирнинг хусусияти ҳукумат олиб бораётган монополияга қарши сиёсатнинг қатъийлигига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Масалан, америкалик тадқиқотчилар ҳокимият тепасида монополист компаниялар муносабати бўйича аралашмаслик тактикасига амал қилган, трестларга қарши фаолиятни оддий усул билан - трестларга қарши қонунларнинг бажарилишини назорат қиладиган ва қўллайдиган органларга бюджет харажатларини қисқартириб кейинга суриб қўйган давлат маъмурияти турган даврларни кўрсатиб ўтадилар. Тарихнинг бошқа бир даврларида трестларга қарши қонунчиликка катта эътибор берилган, бу қонунни амалга оширишга масъул бўлган монополияга қарши органларга эътибор ва талаб кескин ошган. Гап шундаки, фаолияти монополияга қарши органлар диққат-эътиборида турадиган монополист-компаниялар жуда катта қудрат ва нуфузга, яширин таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга бўлгани учун, бир қатор таҳлилчиларнинг фикрича, давлат органлари ўз назоратидаги тузилмалар томонидан “забт” этилган ҳоллар маълум. Улар жамият манфаатлари йўлида тартибга солиш ўрнига монополист фирмаларни қаноти остига олиб, уларга қулай мавқени таъминлаб берганлар.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, батафсил ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари қонунни амалга ошира-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

диган монополияга қарши ва бошқа органларнинг мансабдор шахсларини қатъий белгиланган доирада ҳаракат қилишга мажбур этади. Иккинчи томондан, бир қадар “имкониятларнинг икки ёқламалиги” оқилона ёндашишга шароит яратади. Ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий тактиканинг у ёки бу варианты турли тарихий даврларда тайин бир шарт-шароитларга қараб танланган.

3.1. Рақобатни ҳокимият органларининг қонунга хилоф аралашувидан ҳимоя қилиш

Ўзбекистон иқтисодиётининг маъмурий-буйруқбозлик ўтмишини ҳисобга оладиган бўлсак қонун билан белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги алоҳида аҳамиятга эга. Қонунга кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини чекловчи, улардан айримларининг фаолият олиб боришини камситувчи ёки, аксинча, айримларига қулайлик туғдирувчи, шароитлар яратиб берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга ёки ҳаракатлар қилишга, башарти бундай ҳужжатлар ёки ҳаракатлар ўз пировардида рақобатнинг жиддий равишда чекланишига ёки хўжалик субъектлари ёхуд жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар етказилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳақли эмаслар.

Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қуйидаги ҳаракатларини тақиқлайди:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян фаолият турларини амалга оширишига, айрим товар турларини ишлаб чиқаришига тақиқ белгилаш (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни бозордан четлатиш;

- хўжалик юритувчи айрим субъектларга уларни бозорга худди шу хил товар чиқараётган хўжалик юритувчи бошқа субъектларга нисбатан устун мавқега қўядиган солиқ имтиёзи ёки ўзга имтиёзларни асоссиз равишда бериш;

- хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузишда кимгадир устунлик бериш тўғрисида ёки муайян харидорлар (буржумачилар) доирасига товарларни биринчи навбатда етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида кўрсатмалар бериш;

- фаолиятнинг муайян соҳасида хўжалик юритувчи янги субъектлар ташкил этишга асоссиз тўсқинлик қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигини чекловчи қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар содир этиш.

Иқтисодийётни ислоҳ этиш даврида бундай қонун бузилишларининг учраб туриши икки сабаб билан изоҳланади: биринчидан, ўтмишдаги маъмурий-буйруқбозлик даврида мансабдор шахсларнинг хўжалик жараёнларини бошқариш анъаналари билан (улар хўжалик фаолиятига аралashiш натижалари учун қонун олдида жавобгар бўлмаганлар), иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ишлаётган шахсларнинг аксарияти бозор шароитида хўжалик юритиш тажрибаларига ва унинг тартиб-тамойиллари ҳақида чуқур тасаввурларга эга эмас.

Республика қонунларига кўра мансабдор шахсларнинг кўпгина тоифаларига тадбиркорлик билан шуғулланишдан ташқари корхоналарнинг эгаси ёки муассиси бўлиш ҳам тақиқланади. Бу амалда давлат мансабларига иқтисодийётнинг нодавлат, хусусий секто-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

1995 йили республиканинг монополияга қарши идоралари давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг рақобатни чекловчи, ноқонуний қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига нисбатан 20 га яқин ишни кўриб чиқди.

Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кабелли телевидение хизматини марказлаштириш тўғрисида фармойиш чиқарди ва бу билан ушбу хизматни яқка бир хўжалик юритувчи субъект - "Тасвир" фирмасига топширди. Тошкент шаҳрида ҳар бир туманда ўнлаб хусусий кабелли телевидение студиялари бор. Ҳокимият қарорига кўра уларнинг ҳаммаси ўзлари каби рақиб-корхона тузилмасида рўйхатдан ўтиши ва унга фойдасининг 30 фоизини бериши керак.

Яна бир мисол: ўз вақтида харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун савдо корхоналарида касса аппаратларини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Тошкент вилояти ҳокимининг қарори билан бундай аппаратларни сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқи фақат "Кафолат" корхонасига берилди, вилоятдаги савдо корхоналарига эса касса аппаратларини сотиб олиш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича фақат шу корхона билан шартномалар тузишга кўрсатма берилди. Бу ушбу хизмат тури бозоридан буйруқбозлик йўли билан рақиблар суриб чиқарилганини англатади, балки рақиблар бу хизмат турини яхшироқ ва арзонроққа бажаришлари мумкин эди. Бу ва шунга ўхшаш монополияга қарши қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳужжатлари (ҳаракатлари) бекор қилинди ёки қонунга мувофиқ ҳолга келтирилди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ридан тажрибали кишиларнинг келиш йўлларини тўсиб қўйди.

Афтидан, кейинги пайтларда муомалага жуда кўп бозор билан боғлиқ янги тушунчаларнинг кириб келиши нафақат кундалик ҳаётда, балки меъёрий ҳужжатларда ҳам кўпинча корхона эгаси билан тадбиркорни бир шахс тарзида тасаввур қилинишига сабаб бўлмоқда. Анъанавий бозор иқтисодиёти давлатларининг қонунчилигида корхона эгаси билан тадбиркор умуман тенг, айнан бир хил тушунчалар эмас. Мулк эгаси бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаслик мумкин. Тадбиркорлик билан шуғулланадиган шахс ёлланма ходим бўлиши ҳам мумкин. Одатда давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини чеклайди ёки тақиқлайди, аммо бу мулкка эгалик ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ эмас.

Республикамизда давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунчилик ривождаги бундай тажрибалардан фойдаланиш иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги шахсларда давлат хизмати учун йўл очади. Бу эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда мансабдор шахсларнинг билмаслик туфайли хўжалик соҳасига монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган, қонунга хилоф аралашувлари сонини қисқартиришга олиб келади деб умид қилиш мумкин. Айни пайтда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, жаҳон тажрибасидан давлат хизматчилари томонидан бирон бир корxonанинг акциялар, пайлари, улушлари эгаси сифатида шахсий манфаат туфайли трестга қарши қонунчиликнинг бузилганлигига жуда кўп мисоллар бор.

Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонунчиликни ри-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

вожлантиришнинг у ёки бу йўлини танлашда, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ёки корхона эгаси бўлиш ҳуқуқини тақиқлаган ҳар бир вариантнинг ижобий ва салбий томонларини диққат билан ўйлаб кўриш муҳимдир.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларидаги мажбурий чора-тадбирлар. Монополияга қарши қонунлар бузилган ҳолларда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли орган қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисида, асоссиз орттирилган даромадни тегишли бюджетга ўтказиш тўғрисида, хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тартибда бўлиб юбориш тўғрисида ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги устун мавқеини бартараф этиш ёки пасайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар тўғрисида хўжалик юритувчи субъектлар бажариши шарт бўлган кўрсатмалар беришга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларга, бошқарув органларига ва мансабдор шахсларга жарима солишга ҳақли ҳисобланади. “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонунга кўра қуйидаги ҳолларда жарималар солинади:

- монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли органнинг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаганда ёки ўз вақтида бажармаганда;
- монополияга қарши фаолиятни амалга оширишувчи ваколатли органга хабар бермаганда ёки қасддан нотўғри маълумот берганда.

Жарима жазо чораларининг миқдори қонунбузарлик субъектига қараб энг кам иш ҳақининг 3 дан 500 бараваригача белгиланади.

Монополияга қарши қонун ҳужжатлари талабларини ашаддий бузувчилар Ўзбекистон Республикасининг

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 178-моддаси ва Жиноят Кодексининг 183-моддаси билан маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шундай қилиб, республикада монополияга қарши қонунчилик талабларига бўйсинишни таъминлайдиган мажбурий тадбирлар тизими барпо этилди.

1995 йили республиканинг монополияга қарши фаолиятни амалга оширадиган органлари 7 минг корхонани текширди. Уларнинг деярли 3 мингтасида монополияга қарши қонунчиликни у ёки бу даражада жиддий бузишлар аниқланди. Бюджетта олинган пул суммаси 147 миллион сўмни ташкил этди, 100 дан ортиқ киши хизмат лавозимидан четлаштирилди. 94 ҳолатдаги текширув натижалари бўйича материаллар тергов органларига юборилди.

Амалий монополиядан чиқаришни, рақобат муҳитини яратишни таъминлайдиган қонун ҳужжатлари ҳам ва монополияга қарши органлар, прокуратура, хўжалик ва умумий судларнинг бу қонунларни амалга ошириш борасидаги иши ҳам тобора тараққий этиб, такомиллашиб бормоқда. Бундай тараққиётнинг энг муҳим йўналишларидан бири монополияга қарши қонунларни бузувчиларга маъмурий ва жиноий жазо белгилаш тизимини, уларни жавобгарликка тортиш тартибини янада асосли теранрок ишлаб чиқиш, бу масалада республикамиз қонунчилигини тарихан шаклланган бозор иқтисодиёти давлатлари қонунчилигига яқинлаштириш ҳисобланади.

Бундай ишларда, ислоҳотларнинг жами йўналишларида бўлгани каби монополиядан чиқарилган тармоқлар ёки аниқланган қонунбузарликлар сони асосий мақсад эмас. Асосий вазифа ишлаб чиқаришни ривожлантириш,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

истеъмолчилар талаб-эҳтиёжларини қондириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган рақобатбардош товарларнинг жаҳон бозорига чиқиши бўлиб қолаверади.

Муҳокама учун саволлар

Учинчи бўлимни ўқиб чиқинг ва жавоб беринг:

 Сотувчилар ва харидорлар учрашувини таъминлашга, улар ўртасида олди-сотди келишувларини амалга оширишга мўлжалланган ҳар қандай тузилма бозор ҳисобланади. Газета киоски, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори (деҳқон бозорлари), тижорат дўкони - буларнинг барчаси бозорлардир. Ўйлаб кўрингчи, яна қандай бозор турлари сизга маълум ва улар тўрт бозор моделининг қайси бирига яқин туради?

 Бозор иқтисодиёти бозор муносабатлари иштирокчиларининг шахсий фойда кўришга интилиши билан ҳаракатга келади ва рақобат орқали тартибга солинади. Сиз бу фикрни ҳар қандай бозор модели учун мутлақо тўғри деб ҳисоблайсизми? Ёки бу фикр қисман тўғрими? Жавобингизни асослаб беринг.

 Телефон алоқаси табиий монополияларга кирадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда радиотелефонлар бир қадар урф бўлди, лекин

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

улар оммавий алоқа воситасига айланмаётир, чунки ундан фойдаланиш оддий телефонга қараганда жуда қиммат. Фараз қилинг, бир вақтнинг ўзида абонентлар сони амалда чегараланмаган, эфирда бир-бирига халақит бермайдиган жуда кўп радиотелефон станцияларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишга имкон берадиган технология кашф этилди, бунда хизмат бирлиги учун харажатлар ҳам оддий телефон тармоғига қараганда ортиқ эмас. Тармоқда ҳозир монополист бўлган телефон компаниялари учун вазият қайси йўналишда ривожланишини тахминлаб кўринг: сизнинг фикрингизча, янги шароитларда уларнинг қайси харажатлари иқтисодий асосланган ва тўғри бўлади?



Ўзбекистоннинг аграр тармоғида қулай иқлим шароитлари туфайли мевалар ва сабзавот экспорти анча потенциалга эга ва ҳозир ҳам шимолий минтақаларга асосий мева-сабзавот етказиб берувчилардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар шимолий бозорларда ўз товарларининг рақобатбарбардошлигини яна қандай усуллар билан оширишлари мумкин?



Кейинги бир неча йилда Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг ҳиссаси маъданли ўғитлар ишлаб чиқаришда 48,6%дан 80%га, кимёвий толалар бўйича 81,4дан 94%га, цемент бўйича 38,5%дан 59,2%га, тракторлар ишлаб чиқариш ва бўйича 38,2дан 45,9%га кўтарилди. Марказий Осиёда кўпгина тармоқлар бўйича етакчи ишлаб чиқарувчи бўлган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистондаги бундай ўзгаришларни баҳолашда маҳсулотлар сотиладиган бозорларнинг бўлиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги муҳим аҳамиятга эга. Нима сабабдан бозор иқтисодиёти шароитларида товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилганда ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича етакчилик эмас, балки маҳсулот сотиладиган бозорлардаги етакчилик мавқеи асосий кўрсаткич деб қаралишини тушунтириб беринг.

 Монополист-бирлашмалар (корхоналар) Давлат реестрининг аҳамиятини тавсифлаб беринг. Эслаб кўринг-чи, хўжалик юритувчи субъектлар қайси асосларга кўра реестрга киритилади?

 Республиканинг синтетик ювиш воситалари бозорида танҳо бўлган “Ўзмаишийкимё” ишлаб чиқариш бирлашмаси монополист-бирлашмалар (корхоналар) Давлат реестрига киритилган эди. 1995 йилда республикага чет элларда ишлаб чиқарилган синтетик ювиш воситалари катта миқдорда келтирилди. 9 ой давомида уларнинг импорти деярли 6 минг тоннани ташкил этди. “Ўзмаишийкимё” ишлаб чиқариш бирлашмаси республикада ҳамон ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган ягона корхона, аммо шу маҳсулот тури бўйича монополистлар реестридан чиқарилди. Нима учун?

 Ўзбекистонда тармоқ бозорларини монополиядан чиқаришда илгариги тармоқ таркибий тузилмаларни бўлиб юбориш билан бир қаторда, агар техно-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

логия жиҳатидан имкони бўлса тармоққа четдан хўжалик юритувчи субъектларнинг кириб келиши учун шароитлар яратиш ва уни рақобатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Нима учун бу ҳодиса рақобат муҳитини яратиш учун гоаят муҳим? Нима учун рақобат ривожланган бозор мавжудлигининг энг муҳим шартларидан бири сотувчи ва харидорларнинг бозорга эркин кириб келиши ва чиқиб кетиши ҳисобланади? Бу шарт қандай аҳамиятга эга?



Жаҳондаги давлатлар мавжуд монополияларга янги пайдо бўлаётганларига қараганда марҳаматлироқ муносабатда бўлади, уларнинг пайдо бўлишига турли малмакатларнинг трестга қарши, монополияга қарши қонунлари қатъий қаршилик кўрсатади. Қандай иқтисодий омиллар мавжуд монополист компаниялар билан муроса қилишга мажбур этади? Нима сабабдан янги монополист хўжалик бирлашмаси пайдо бўлишига йўл қўймаслик кейинчалик монополиядан чиқаришни амалга оширишга қараганда афзалроқ ҳисобланади?

Глоссарий

Монополиядан чиқариш - давлат томонидан тармоқ бозорда рақобат муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашувчи тартиб қоидаларнинг жорий этилиши. Мавжуд хўжалик тузилмаларини майдалаштириш, параллел тузилмалар ташкил этиш, тармоққа янги ишлаб чиқарувчиларнинг кириб кели-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

шини рақобатлаштирадиган шaroитларни таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Демпинг - нарх билан рақобатлашув усули; бошқа мамлакатлар бозорларига ўзининг ички бозорларидаги жаҳондаги нархларга қараганда, айрим ҳолларда эса ҳатто ўз таннархига қараганда паст нархларда товар чиқариш.

Виолент - сотиш бозорларини кенгайтиришга интилаётган ва шу мақсадларда кучсизроқ рақибларини сиқиб чиқардиган йирик корхона.

“Нархлар жанги” - нарх билан рақобатлашув усули. Унинг моҳиятини рақибларни тармоқдан сиқиб чиқариш учун мутасил ёки узоқ вақт нархларни пасайтириб бориш ташкил этади.

Коммутант - йирик корхоналар учун истиқболсиз ҳисобланган хўжалик фаолиятини амалга оширадиган чоғроқ корхона. Ўз фаолияти билан “қуроқ иқтисодий”нинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади ва бирлаштирувчилик вазифасини бажаради.

Рақобат - ягона бир мақсад сари интилаётган кенг доирадаги субъектларнинг ўзаро муносабатлари. Иқтисодий маънода рақобат мустақил ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг бозорга эркин кириши ва чиқиши шaroитлари билан таърифланади.

Патент - патент билан ҳимояланган алоҳида қимматли тажрибаларга ёки ҳуқуқларга эга корхона. Ташқи ва ички бозорда тор ихтисослик талабини қондириш мақсадларида ташкил этилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Эксплерент - янгиликка йўл очувчи, кашшоф корхона. Йирик корхоналар тижорат мақсадларида фойдаланишга ҳам шубҳа билан қарайдиган янгиликларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

4 - бўлим

1.0. Тадбиркорлик тушунчаси

Иқтисодийёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р. Кантильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж. Б. Сей асарларида амалга оширила бошланди. Бироқ ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг қуп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунча ҳақида қупинча бу фавқулудда ҳодисанинг иқтисодий, ташкилий ва руҳий тавсифлари эклектик (турли-туман қарашлар) тупламидан иборат ҳар хил тасаввурлар мавжуд. Тадбиркорлик вазифасига доир муҳим жиҳатларнинг тарихий узгарувчанлиги билан бирга бу тушунчага янги маънолар киритилмоқда.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс - тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлилигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф орасида

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

мувозанат урнатишга доир таваккалчилик фаолиятдан иборат, деб тан олинган.

Кейинчалик “сармоя эгаси” ва “тадбиркор” тушунчалари бир-биридан фарқлана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юришини, кўпайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядор, яъни жалб қилинган молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга ўз гоёлари, билими ва кўникмаларини татбиқ қилиб, кўп фойда олиш мақсадида ўша маблағларни таваккалли ишларга сарфлайди.

Р. Кантильондан кейин неоклассик мактаб намояндalари асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шугулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб ҳисоблай бошладилар. Бундай талқинда тадбиркорнинг даромадига таваккалчилик учун тўлов деб қаралди, бу даромаднинг бунак (аванс) қўйилган сармоядан келадиган даромад ва иш ҳақидан тафовути ҳам ана шунда деб тушунишди. Олинадиган даромаднинг тарзи хусусий сармоядор ва менежернинг тадбиркорликка доир вазифаларини бир-биридан фарқлаб туради, лекин бу вазифаларни битта жисмоний шахснинг ўзи ҳам бажариши мумкин.

Тадбиркорликнинг таваккалчилик ва инновация фаолиятига доир вазифаларини бирлаштириш мумкинлигига И. фон Тюнен эътиборни қаратди. Унинг тасаввурига кўра, тадбиркорнинг даромади таваккалчилик фаолиятдан келадиган даромаддан ва янгиликни қўллаш туфайли иқтисодий самарага эришиш натижасида олинадиган даромаддан ташкил топади.

Инновация фаолиятининг тадбиркорликка доир асосий функционал тавсиф эканлигини Й. Шумпетер асос

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

лаб берган: унинг нуқтаи назарига мувофиқ, тадбиркор катта хусусий ҳужалик фаолияти бошидаги иқтисодий ҳаётни узгартиришга қодир ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётида ҳал қилувчи шахс сифатида намоён бўлади. Бу муаллиф тадбиркорни иқтисодий ўсишнинг табиий омили сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда доимо марказий ролни ўйнайдиган шахс, деб таърифлайди. Агар тадбиркорлик вазифасининг моҳияти ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишдан иборат бўлса, тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни маҳсулотни тайёрлаш имкониятининг очилиши ва ундан амалда фойдаланилиши, технологиянинг қўлланилиши, янги хом ашё манбаларининг ишлатилиши ва янги бозорларнинг топилиши, ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил қилиниши ва ҳоказо туфайли ишлаб чиқариш ва муомала омиллариининг янги ўйгунликларини амалга оширишдан иборат бўлади. Ў. Шумпетер тадбиркор учун мулк эгаллиги мақомининг шарт эканлигини инкор қилиб, тадбиркорлик вазифаси ходимларнинг турли тоифаларига хослигини ва уни ҳар қандай ижтимоий формациянинг иқтисодий вазифаси деб ҳисоблаш туғри эканлигини таъкидлаган эди. Бунда ижтимоий формация тадбиркорлик фаолиятининг бозор-рақобат тизими ва маъмурий-бўйруқбозлик ҳужалик-сиёсий тизими учун фарқланадиган усуллари, шакллари ва мавзуларини белгилайди.

Янги Австрия мактабининг бошқа атоқли вакили Ф. фон Хайекнинг қарашлари Ў. Шумпетер тасаввурларига яқин туради. У тадбиркорликка янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш ва тадқиқ қилиш деб қарайди, шу билан бирга, фаолияти излаш тарзида кечадиган ҳар қандай шахсни бўлгуси тадбиркор деб ҳисоблаш мумкинлигига ишонади.

Тадбиркорлик фаолиятини акциядорлик мулки шак-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ УЗИ ҚОНУН-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

лида ҳам, жамоа мулки шаклида ҳам, хусусий (якка) мулк шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бироқ акциядорлик мулки шакли ва жамоа мулки шакли доирасида уни ташаббус курсатиш, қарорлар қабул қилиш ва ўз фаолияти учун жавобгарлик масалаларида ходимлар ва менежерларга хусусий мулк эгаси имкониятлари қанчалик даражада берилишига боғлиқ равишда амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорликнинг узи фақат якка шахс даражасида эмас, балки йирик ташкилотлар даражасида ҳам амалга ошади ҳамда қарорлар қабул қилиш ва таваккалчилик қилиш, ишлаб чиқариш омилларининг янги уйғунликлари ёки янгиликларни татбиқ қилиш, ресурсларни самарали йўналишларга тақсимлаш, бошқариш, ташкил қилиш ва қабул қилинган қарорларни бажариш каби қўринишларда очиқ-ойдин ва пинхона тарзда намоён бўлади. Демак, тадбиркорлик - иқтисодий тизимнинг мувозанатлашмаган ҳолати шароитида тўловга лаёқатли талаб салоҳиятини қондиришнинг янги имкониятларини кашф этишга доир яратувчанлик фаолияти экан.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фойда олишга интилиш рақобат товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилишига ва андозалашган оммавий хизматларнинг қўпайиб кетишига сабаб бўлган бозорларда талаблар объектив тарзда ўзгариб турган (диверсификация) шароитда амалга ошади, бу эса якка тадбиркорларни илгари мавжуд бўлмаган, фан ва техника ютуқларига асосланган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматларни курсатиш йўли билан монополияни енгишга мажбур қилади.

Тадбиркорлик ҳақидаги тасаввурларнинг ўсиб бориши шу билан боғлиқки, бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган давлатлар тараққиётининг энг илк босқичларида бошқариш малакасига бундай фаолият турининг энг муҳим тав-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Маълумот учун материал

Бозор муносабатлари ва рақобатга бўлган салбий баҳодан келиб чиқиб ҳамда тadbиркорликнинг фақат хусусий мулкчиликка хос эксплуататорлик табиатини эътироф этиб, марксизм жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга оширишда тadbиркорлик фаолиятининг ролни инкор этади ҳамда жамият ривожига синфий кураш билан куч ишлатишга ижтимоий тузумнинг аниқ бир мақсадга мувофиқ қуришнинг асосий воситаси сифатида етакчи ўринни ажратади. К. Маркснинг “Капитали” да тadbиркорлик вазифасининг чекланган талқини келтирилган. Бу талқинга кўра, капиталист капиталнинг уни кенгайтирилган ишлаб чиқариш билан боғлиқ мақсадини итбаткорона амалга оширади холос. Капитал - функция тadbиркорнинг энг яқин синонимлари сифатида К. Маркс томонидан моҳиятан оддий назорат ва бошқарувга тенглаштирилади.

Капиталистик хўжалик юритиш амалиётининг ўзи тadbиркорнинг фаолияти билан капиталистнинг фаолияти орасидаги тафовутни очиб берди. Капиталистнинг мақсади ягона фойда олишгина эмас, уни тўхтовсиз ҳаракатлантириш ҳам. Даромад қилиш учун капиталист ёлланма меҳнатни жалб қилиши лозим, тadbиркор учун - шарт эмас. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан тadbиркор мулк эгалари синфига мансуб (ёки муваффақиятли фаолияти натижасида уларга қўшилши) ёхуд интра тadbиркорлик деб аталадиган шароитда ёлланма ишчи бўлиб қолиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

сифи деб, менежернинг фаолияти эса инноваторнинг ролига нисбатан устунроқ деб қаралган. Бироқ юқори технологияларга асосланган иқтисодийда ўтиш тадбиркорликнинг шундай талқинини биринчи ўринга олиб чиқдики, бу талқин асосан инновация жараёнлари билан, уларнинг ўз янгиликлари асосида ёки янгиликларни инновация тарзида жалб қилиш асосида тарқатилиши билан боғлиқ. Шунга мувофиқ, аграр- хом ашё иқтисодий ва саноатлаштиришнинг илк босқичида турган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида имитацион тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади. У мавжуд ва олинishi осон бўлган ресурслардан фойдаланишга, бошқариш малакасига, техникавий билимларга, жалб қилинган технологияга асосланади.

Шундай қилиб, кенг маънода - тадбиркорлик - шахсий манфаатга асосланган, субъект олдида турган мақсадга эришишга қаратилган, унинг бевосита иштирокида ўзининг шахсий омиллари (мулки жисмоний ва ақлий қобилияти, билими, тажрибаси, ижтимоий муҳитдаги мавқеи, у берадиган ҳуқуқлар, оқибатларни олдиндан кўра билиш борасидаги шахсий хатти-ҳаракатлари)га асосланиб амалга ошириладиган ақлий (интеллектуал) фаолият. Тадбиркорлик бошқа субъектларнинг топшириқларини бажаришга мослашган алоҳида ижрочилик фаолиятидан ҳар хил соҳаларда олинishi мумкин бўлган натижалардан энг янги ва яхшисига эришишга қаратилган ташаббускорлиги билан фарқ қилади.

Тор маънода - тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий соҳанинг турли-туман даражалари - оила ҳужалигини юритишдан тортиб, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишгача бўлган юмушлар билан боғлиқ.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

Демак, тадбиркорлик кенг фаолият турларини ўз ичига олади: янги маҳсулотни яратиш, янги технологияни ишлаб чиқиш, янги бозорларга кириб бориш, янги истеъмолчилар доирасини шакллантириш, ишлаб чиқаришга янги ресурсларни, маблаг билан таъминлаш манбалари ва шаклларини жалб қилиш, ташкилий-бошқарув янгиликларини ўтказиш, янги кооперацион муносабатлар, шу жумладан, халқаро муносабатларни шакллантириш ва ҳоказо.

1.1. Тадбиркорликнинг инновация-мувофиқлаштириш вазифаси

Тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган давлатлар иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Бундай давлатларда тадбиркорлик фаолияти ишгирокчиларининг эркин фаолият курсатиш ҳуқуқлари тан олинади, шу туфайли, илгари фойдаланилмаган тижорат жиҳатидан самарали ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ҳисобига миллий бойликни кўпайтиришга эришилади.

Тадбиркорлик вазифаси вужудга келган эҳтиёжга мувофиқ (ҳар доим ҳам аниқланавермаган эҳтиёжга мувофиқ, бу эса тадбиркорни ўз маҳсулоти ёки хизматларига талабни вужудга келтиришга мажбур қилади) янги таклиф (янги уйғунлик) орқали янги бозор яратилиши билан боғлиқ. Товар ишлаб чиқаришига хос ноаниқлик, янги талабга янги таклиф учун кафолат бўлмаган шароитларда таваккалчилик қилиш тадбиркорнинг мувофиқлаштириш вазифасидан ҳосилага айланади.

Тадбиркорнинг бу вазифасини бевосита давлат бажаради, натижада миллий бойлик катта ҳажмда исрофланади, аҳолининг кўпчилик қисми хонавайрон бўлади ва иқтисодиёт издан чиқади.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Маълумот учун материал

XX аср ўртасига келиб тадбиркорни инноватор сифатида тушуниш қарор топди. Инновация фаолияти тадбиркорликнинг асосий ва ажралмас белгиси деб эътироф этила бошланди, бу ҳол иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг янги ривожланиш даврига - инновация ёки информация-индустриал (ахборот-саноат) даврига кириши билан боғлиқ эди. Бу давр ишлаб чиқаришни ривожлантиришга илмий-техника тараққиётининг қўшган ҳиссанинг устунлиги (сармоя ва ишчи кучи сонининг ўсиши билан таққослаганда) ва ахборотнинг роли ошиб борганлиги билан ифодаланади. 2000 йилга келиб, АҚШ ва Япония каби мамлакатларда ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва тарқатиш билан банд бўлган ходимларнинг улуши бутун ишчи кучининг ярмини ташкил қилади.

Инновация фазаси (даври)нинг шаклланиши ривожланган давлатларда ташкилий-ҳўжалик новаторлиги билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг кўпайиши билан юз берди, бу эса кўлам жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада янги корхоналарнинг очилишига сабаб бўлди. Масалан, АҚШ ва Италияда 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳар йили тегйшлича 600 минг ва 200 минг янги корхоналар ташкил қилинди.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Тадбиркорнинг яратувчанлик роли янги бозор яратиш билан, янги эҳтиёжлар ва янги ишлаб чиқаришларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ, бу тадбиркорлик фаолиятининг икки асосий шаклида намоён бўлади: ихтиролар ва янгиликларни иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (илмий-техникавий тадбиркорлик) ҳамда бозор новаторлиги (мавжуд маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар очиш, янги хом ашё манбаларини топиш, арбитраж битимлари, яъни илгари сотиб олинган маҳсулотни бошқа бозорда қимматроқ нархда сотиш).

Шундай қилиб, мунтазам равишда янгиликларни амалга ошириш тадбиркорликнинг асосий объекти ва воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бу фаолият ёндашувнинг холислиги билан, ишлаб чиқариш жараёнлари мобайнида, саноат ва бозорлар тузилишида, демографик вазиятдаги, шунингдек янги билимлар пайдо бўлиши натижасида вужудга келадиган узгаришлар ва имкониятларни излаб топишга қаратилганлиги билан ифодаланади. Самарали янгилик киритиш ҳар доим ҳам конкрет ижтимоий эҳтиёжни қондиради.

Тармоқлар тузилишининг узгариши ва амалий илмий тадқиқотларнинг усиши тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида таъсир курсатади; булар татбиқ қилиш учун яроқли илмий-техникавий янгиликларнинг мавжуд захирасига бевосита боғлиқ булган илмбоп тармоқларда тадбиркорлик шубҳасини шакллантиради.

1.2. Тадбиркорнинг иқтисодий мустақиллиги

Хужалик юритувчи субъектнинг иқтисодий эркинлиги (мустақиллиги) тадбиркорликнинг мажбурий шартидир. Бу унга фаолият турини, шаклини ва соҳасини, уни амалга ошириш усуллариини излаб топиши ва танлашида,

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ушбу фаолият келтирадиган натижа ва даромаддан фойдаланишида мустақил қарор қабул қилишга имкон беради. Шу билан бирга, ҳужалик юритувчи субъект билан ташқи муҳитнинг узаро таъсири натижасида тадбиркорнинг ҳуқуқлари чекланади.

Иқтисодий эркинлик ҳужалик юритиш натижаларининг ноаниқлиги билан боғлиқ таваккал қилиш ва унинг яқунлари учун жавобгарликни кўзда тутати. Тадбиркорликнинг ажралмас хоссаси - қарорлар қабул қилиш - уни бошқарув фаолияти билан, ташкилий инновациялар билан боғлаб туради. Иқтисодий фаолият табиатининг ўзи фойда олишни кўзда тутати, шунинг учун аниқ тадбиркорлик ва зифалари жумласига фойдалиликни баҳолаш ҳам киради.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг ривожланишига ҳужалик эркинлиги даражасининг ўсиши ва маъмурий - қонунчилик чекловларининг бекор қилиниши, тадбиркорликнинг (аввало, қўшма ва кичик тадбиркорликни) ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик ташаббусининг янги имкониятлари ва соҳаларини очиб берган солиққа доир ва маъмурий ислоҳотлар ҳам катта ёрдам беради. Мамлакатда сармоя бозори тезкорлик билан ўсмоқда ва бизнесни маблағ билан таъминлаш базасини кенгайтирувчи янги молия муассасалари яратилмоқда, ахборот инфратузилмаси ривожланмоқда, патент-лицензия тизими мустаҳкамланмоқда, ҳужалик фаолиятининг янги турларини шакллантиришга ихтисослашадиган ташкилотлар (инкубаторлар ва ҳоказолар) пайдо бўлмоқда.

1.3. Тадбиркорлик фаолияти турларини таснифлаш

Тадбиркорликнинг моҳияти ҳужалик фаолияти учун янги имкониятлардан мустақил фойдаланиш асосидаги ташкилий новаторлик билан боғлиқ бўлганлиги учун АҚШ,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Франция ва Буюк Британия иқтисодий адабиётидаги мавжуд ва тадбиркорликнинг бизнеснинг майда шакллари билан ухшашлиги ҳақидаги тасаввурга асосланган таърифини қабул қилиб бўлмайди.

Тадбиркорликнинг таснифи мезонга боғлиқ равишда ўзгаради. Масалан, товарлар ва хизматларнинг янгилик даражаси тадбиркорлик фаолиятини инновация (янгилик жорий этилган) ва эскирган турларга ажратишни тақозо қилади. Тадбиркорликни ҳуқуқий тартиб билан таққослаш уни расмий очиқ ва хуфия, яширин (жиноий) турларга ажратади. Тармоқлар бўйича мезонга кура уни саноатлашган, илмий, аграр, молиявий ва ҳоказолар турларга ажратиш мумкин. Қарор қабул қилиш мақомини белгилайдиган мулкчилик муносабатларига қараб, тадбиркорлар хусусий корхона эгалари ва ёлланган бошқарувчиларга бўлинади.

Муҳим фаолият фақатгина маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиб қолмасдан, у тижорат (савдо) ва тижорат воситачилиги орқали сотилади ҳам. Бу кейинги икки шакллар иқтисодийнинг зарур қисмлари бўлиб, тижорат фаолияти сифатида чайқовчиликдан тубдан фарқ қилади. Маълумки, чайқовчиликда истеъмолчи танлаш имкониятидан маҳрум ва товарлар (хизматлар)ни қиммат нархларда сотиб олишга мажбур, бу эса бозор иқтисодиёти мавжуд давлатларда ноқонуний баҳоланади.

Тадбиркорликнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари қуйидагилар:

- *якка тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан юридик шахс ҳосил қилмай туриб;*
- *кооперативчилик ҳаракати;*
- *ҳужалик жамиятлари тадбиркорлиги (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар, тулик ва коммандит ширкатлар);*

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗОСИ

Маълумот учун материал

Тадбиркорларнинг чет эл олимлари белгилаган энг муҳим шахсий хусусиятлари жумласига қуйидагилар киради.

1. Имкониятларни излаш ва ташаббускорлик (тўсиқларни енгиб ўтишга тайёрлик, мақсадга етиш учун ҳолатини ўзгартириш хусусияти).

2. Таваққалга тайёрлик.

3. Самардорлик ва сифатга йўналганлик.

4. Иш юзасидан алоқаларга мойиллик, жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлик ва ишни бажариш учун шахсий фидоийликка бориш.

5. Мақсадга интилувчанлик.

6. Хабардорликка интилиш.

7. Ишнинг бажарилишини мунтазам кузатиш.

8. Ишонтириш ва алоқалар ўрнатиш хусусияти.

9. Мақсадга етишдаги қатъиятчилик.

10. Қондалар ва назоратдан: мустақиллик, мураккаб вазифаларни бажаришда ўз қобилиятига ишониш.

Социологик сўроқлаш Ўзбекистон тадбиркорлари ичида айниқса қадрланган устун хусусиятларнинг рўйхатини аниқлашга имкон берди. Тадқиқот иштирокчилари кўпроқ қуйидагиларни танлашди: омилкорлик (63%), ҳалоллик (52%), профессионализм (45%), лафзи ҳалоллик (43%), таваққал қила олиш (36%), идрокчилик (24% атрофида).

Бошқа хусусиятлар 20%га яқин овоз тўплади. Уларнинг орасида: дадиллик ва ўзини тута билиш (16%ча), оптимизм (15%), талабчанлик (12%), киришувчанлик, тажрибалилик, ғайратчилик (10%ча), жасурлик ва айёрлик (3%дан), ишонувчанлик (2%).

Тадбиркорнинг мазкур хусусиятлари ўқиниш ва тажриба ҳамда табиий майл натижаси ҳисобланади. Улар Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги даврда айниқса муҳим аҳамият касб этади, chunkи бу давр хўжалик юритишнинг ташкилий-хўжалик новаторлиги ва иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги каби шароитлари шаклланиши билан боғлиқ. Маълумки, бундай шароитлар эскидан ўрнашиб келган маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос натижаларни маълум усуллар ва воситалар таъсирида олишга қаратилган фаолиятнинг қотиб қолган тури ўрнига келмоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

- ижара ва жамоат ҳужаликлари тадбиркорлиги, шу жумладан, жамоат ҳужаликлари, кооперативлар, ҳужаликлараро, хусусийлаштирилмаган ташкилотлар, матлубот кооперациялари тадбиркорлиги;

- хорижий фирмалар билан ҳамкорликдаги қўшма тадбиркорлик.

Келиб чиқиш тарзига қараб, тадбиркорлик тузилмасини давлат тасарруфидан чиқарилган, хусусийлаштирилган, тижоратлаштирилган ёки нодавлат мулк эгаларининг улушлари ҳисобига, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига янгитдан ташкил қилинган турларга ажратиш мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий аломати буйича тадбиркорлик тузилмаларини яқка мулк эгаси томонидан ҳам, жамоат тарзидаги тадбиркор (ижара ҳужалиги, ҳужалик ширкати ёки жамияти, жамоа корхонаси, қўшма корхона ва ҳоказо) томонидан ҳам тақдим қилинадиган жисмоний шахс ёки юридик шахс мақомини олиши мумкин.

1.4. Тадбиркорнинг ижтимоий-руҳий тури

Бозор иқтисодиёти мавжуд мамлакатларда тадбиркорнинг ижтимоий-руҳий тури (типи)ни аниқлаш мақсадида кушлаб тадқиқотлар ўтказилган.

Янги ишлаб чиқаришга шахсий энергия ва сармояси (ўз сармояси ёки қарз олган сармоясини) бевосита қўйилганда, тадбиркорлик фақат бошланган ишнинг даромадлиги учунгина эмас, балки унинг тадбиркорнинг шахсий салоҳиятига мослиги туфайли ҳам самарали бўлади.

Бозор иқтисодиётининг ижтимоий базасини ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида тадбиркорлик шахсининг меҳнат ва ижтимоий фаолиятдаги янги мақомини белгилайди. Бу жамиятнинг муайян тарихий ривожланиш

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

босқичида унда шаклландиган ижтимоий меъёр ҳисобланади.

Тадбиркорлик борган сари хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик алоқалари ва узаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини таъминлайдиган энг самарали ва новаторлик иқтисодий-ташқилий узаро таъсирлашув шаклига айланмоқда. Ўзбекистонда уз ижодий қобилиятларини ривожлантирган ўқимишли кишиларнинг катта салоҳияти тўпланган. Билим даражасининг ошиши туфайли таълимнинг “аллокацион самара” деб аталадиган таъсири натижасида тадбиркорлик ривожланади. “Аллокацион самара”нинг моҳияти шундаки, таълим даражаси ошган сари кишида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилияти ҳам усиб боради.

2.0. Тадбиркорлик фаолиятининг умумий ҳуқуқий асослари

Тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий муҳитни яратиш бир-бирига зид қарорларга йўл қўймайдиган ягона концептуал (мустақил фикрлар тизими) асосдаги қонунчилик ва меъёрий базани доимо такомиллаштириш тизимининг мавжудлигини тақозо қилади. Бундай тизим қуйидагиларни кўзда тутати:

- қонунчиликда хусусий бизнеснинг эркинлигини, ҳимоясини ва қўллаб-қувватланишини таъминлайдиган аниқ ҳуқуқий кафолатларни белгилаш;
- мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани янги қонунларга мувофиқлаштириш;
- хусусий мулкнинг ҳеч ким олиб қўя олмайдиган ҳуқуқини конституция орқали мустаҳкамлаш;
- бу фуқаролар ва хусусий корхоналарнинг мустақил

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

равишда хўжалик фаолияти юритишини, хусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлигини кафолатлайди;

- қонун ҳужжатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари, шунингдек, тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайдиган ноҳукумат ташкилотлар орқали амалга ошириш механизмини шакллантириш;
- ҳудудий, тармоқ бошқарув ва ҳукумат органларининг, жамоат ташкилотларининг ўзаро келишиб фаолият кўрсатиши.

Ташкилий нуқтаи назардан меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилишини қуйидагилар таъминлайди:

- қонун чиқарувчи органлар - Олий Мажлис комиссиялари ва қўмиталари;
- ҳукумат органлари, давлат қўмиталари ва муассасалари;
- қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини аниқлаштирадиган давлат бошқарув органлари (ҳокимликлар);
- давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказий ва маҳаллий органлари;
- тадбиркорлик доиралари манфаатларини ифодаловчи ноҳукумат ташкилотлари, шу жумладан тадбиркорлар уюшмалари ва бирлашмалари;
- қонун ҳужжатларини қўлланиш объектлари ҳисобланган ва тескари алоқа механизмини таъминлайдиган тадбиркорлик тузилмалари;
- республика қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг бир хил талқин этилишини назорат қиладиган органлар;
- қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқловчи, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини эксперт баҳоловчи, уларни амалда

◆ БАЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

қўллаш самарадорлигини олдиндан айтиш ва мониторинги билан шуғулланувчи илмий муассасалар (хорижий экспертлар ҳам шунга қиради);

- макроиқтисодийнинг стратегик ва инновация йўналишларини белгиловчи ижтимоий-институцион ташкилотлар ва гуруҳлар.

Инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида тадбиркорлик ҳар хил ижтимоий меъёрлар таъсирида бўлади. Уларнинг ичида ҳуқуқий нормалар, ишдаги саранжомлик, ишбилармонлик удумлари, одоб ва ахлоқ қоидалари етакчи ўринни эгаллайди.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ҳар хил қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодекслар, амалдаги қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан тортиб, токи вазирликлар ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларигача - барчасида белгилаб берилади.

Тадбиркорлик ташаббускорлик фаолиятидан иборат, яъни тадбиркор ўз ташаббуси бўйича, ўз ихтиёри билан, ҳеч кимнинг тазйиқсиз ёки кўрсатмасисиз фаолият тури ва мавзуини танлайди, уларни амалга ошириши вазифалари, усуллари ҳамда услубларини мустақил равишда белгилаб олади. Тадбиркорларнинг ташаббуслари ва мустақиллигини чеклаш ҳар хил жавобгарликларни, шу жумладан, жиноий ва мулкӣ (фуқаролик-ҳуқуқӣ) жавобгарликни келтириб чиқаради. Масалан, фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, алдов, зўравонлик, қўрқитиш таъсирида ёки мушкул ҳолатлар зайили билан амалга оширилган, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини тушунмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

фуқаро амалга оширган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бироқ тадбиркорнинг ташаббускорлиги ва мустақиллиги ҳам чегарасиз эмас. Амалдаги қонун ҳужжатларида бундай фаолият чегараси белгилаб қўйилади.

Ишдаги саранжомлик деганда тадбиркорлик амалиётида ўрнашиб қолган иш тутиш қоидалари тушунилади. Тадбиркорликда ишдаги саранжомлик ўз ҳолича ҳуқуқ манбаи бўла олмайди. Бироқ давлат ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишдаги саранжомликни жамлаб қўйса, у юридик кучга эга бўлади ва тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари тизимига киради. Масалан, фуқаролик қонун ҳужжатларида кўзда тутилишича, мажбуриятлар шартнома шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига, улар бўлмаган ҳолда эса одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ зарур тарзда ва белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Ана шу кейинги “одатда қўйиладиган талаблар” айнан ишдаги саранжомликдан келиб чиқади. Ҳозирги вақтда қонун чиқарувчи орган барча ишдаги саранжомликлар ичидан тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўлланиладиган “ишбилармонлик удумлари”га алоҳида аҳамият беради.

Ишбилармонлик удумлари деганда тадбиркорлик фаолиятининг бирон бир тармоғида удум тусига кирган ва кенг қўлланиладиган, бирор меъёрий ҳужжатда қайд қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган иш тутиш қоидалари тушунилади. Ҳозирги вақтда бундай ишбилармонлик удумлари бошқа ишдаги саранжомликка нисбатан кенгроқ қўлланилмоқда. Фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, агар ишбилармонлик удумлари қонун ёки шартнома қоидаларига зид бўлмаса, улардан тадбиркорлик соҳасида фой-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

даланиш мумкин. Бу ерда яна шуни кўзда тутиш керакки, тадбиркорлик яқиндагина қонуний туста кирди, шунинг учун мамлакатимизда ишдаги саранжомлик ва ишбилармонлик удумлари эндигина шаклланмоқда. Ҳозирча уларнинг шаклланиш жараёни бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўрнашган ишбилармонлик удумлари билан ишдаги саранжомлик қоидалари таъсирида юз бермоқда.

Одоб ва ахлоқ қоидалари бирор меъёрий ҳужжат билан мустаҳкамланиб қўйилсагина, улар тадбиркорлик ҳуқуқи манбаига айланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида топиб олинган нарсани уни йўқотган одамга ёки унинг эгасига қайтариш зарурлиги қайд қилинган. Ҳуқуқий тартиб ва ахлоқ асосларига атайтаб зид мақсадда тузилган битим ҳеч нарсая арзимайдиган битим ҳисобланади. Агар бундай битимни тузган иккала томоннинг ҳам нияти бузуқ бўлса, бундай битим натижасида олинган даромад давлат фойдасига ундирилади.

Бизнинг қонун ҳужжатларда “Қонунда нима тақиқланмаган бўлса, ўшанга рухсат берилади” тамойили амал қилади (“Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси). Бу тамойилнинг тадбиркорлик соҳасига ҳам бевосита алоқаси бор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, фаолиятнинг бу соҳасида қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари пайтларда эркин ташаббус кўрсатишга имкон бор. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги қарорига 1-иловага мувофиқ Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришга ва сотишга руҳеат берилмайдиган корхоналар ва мулк турлари ҳамда гуруҳлари рўйхатида кўзда тутилган мулк мулкчилик, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

объекти бўлиши мумкин эмас. Тадбиркор фаолият турини танлашда “Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар (ташкilotлар), шу жумладан, хорижий ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида”ги талабларга риоя қилиши лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ташаббускорлик Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасида қайд қилинган тадбиркорликнинг умумий тамойилларида ўз аксини топган. Унда қуйидагилар кўрсатилган:

- тадбиркорнинг қонунда тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзига тегишли мулкдан фойдаланиши эркинлиги;

- тадбиркорнинг хўжалик фаолиятидаги ва унинг натижаларини тақсимлашдаги мустақиллиги;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолияти барча турларининг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

- тадбиркорлик ва ходимларни ёллашни амалга оширишнинг ихтиёрийлиги.

Тадбиркор - мулк эгаси (субъекти). Бу аломат тадбиркорлик фаолиятининг моддий асосини белгилайди. Одатда, тадбиркорлик тадбиркорнинг хусусий мулки асосида амалга оширилади. Бироқ у бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкидан фойдаланиши ҳам мумкин (ижарага, кредитга олиши мумкин ва ҳоказо). Давлат корхоналари ва муассасалари мулкчилик субъекти бўлмаса ҳам ўзларига берилган давлат мулкига нисбатан хўжалик юртиш ва уни оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фаолият кўрсатади.

Тадбиркорликнинг муҳим аломати фойда (даромад) олиш (чиқариш) мақсадини кўзлаш ҳисобланади. Амалда-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕБЁРИЙ БАЗАСИ

ги қонун ҳужжатларига мувофиқ, олинадиган фойда миқдори чекланиши мумкин эмас, уни олган шахс олинган даромадни ҳам мустақил равишда, ўз хоҳишига кўра ишлатиш ҳуқуқига эга.

Тадбиркор ўз фаолиятини таваккал ва мулкӣ жавобгарлик асосида амалга оширади. Таваккалнинг моҳияти шундаки, у даромаддан фойда олмаслиги, яъни манфий натижага ҳам олиб келиши мумкин. Таваккал тадбиркорлик фаолиятининг муҳим аломати ҳисобланади. У фақат мақсадга эришмасликнигина эмас, балки бахтсиз ҳодиса, табиий офат ёки бошқа сабабларга кўра мулкнинг нобуд бўлишини ҳам қамраб олади. Омадсиз таваккал ва унинг оқибатлари бутунлай тадбиркор зиммасига тушади (агар бунда бошқа томон айбдор бўлмаса ёки тасодифан нобуд бўлган мулк суғурта қилинмаган бўлса). Тадбиркорнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида кимгадир моддий ёки маънавий зиён етган бўлса, у бунинг учун мулкӣ жавобгар ҳисобланади. Одатда, тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда бошқа бир ҳўжалик юритувчи шахс билан шартнома асосида муносабатларга киришади. Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда амалдаги қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ у мулкӣ жавобгар бўлади. Мулкӣ жавобгарлик фақат шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учунгина эмас, балки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида бошқа субъектларга етказилган зиён учун ҳам вужудга келиши мумкин. Тадбиркорга тегишли барча мол-мулк кредиторларнинг талабларини қондириш учун сарфланиши мумкин.

Тадбиркорнинг мақоми ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш тартиби ҳақидаги маъсала ҳам анчагина муҳим. Бизнинг қонун ҳужжатларимиз

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

I.

Маълумот учун материал

Тадбиркор мақоми

Баъзи мамлакатларда (масалан, Францияда) ўзининг оддий касбини бажариш жараёнида савдо битимларини ҳам амалга оширадиган шахслар тадбиркор (тижоратчи) ҳисобланади. Бошқача айтганда, тадбиркор (тижоратчи) мақоми касб-хунар кўринишида тузиладиган битимларнинг савдо-сотилма доир жиҳатлари билан белгиланади, шу билан бирга, уларнинг рўйхати қонунда белгилаб қўйилади. Савдо-тадбиркорлик операциялари сифатида эътироф этиладиган операцияларнинг бу рўйхати қонун ҳужжатларида акс этади ва кенг битимлар доирасини қамрайди. Бундай операцияларни амалга ошириш аломатлари бўйича юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам тадбиркорлар деб тан олинади. Тузиладиган битимларнинг табиатидан келиб чиқиб тадбиркор мақомининг эътироф этилиши “тадбиркорни аниқлашнинг объектив тамойили” деган номни олди. Лекин бу тамойилга изчиллик билан риоя қилинмайди, у субъектив баҳолаш мезони билан тўлдирилади. Масалан, тузиладиган битимларнинг мавзудан қатъий назар, фаолиятнинг ташкил қилиниши шаклига кўра, тўлиқ ширкатлар, командит ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар ва акциядорлар жамиятлари тадбиркорлар ҳисобланади. Шахсни савдо-тадбиркорлик реестрига киритиш тадбиркор-тижоратчи сифатига эгалик презумпциясининггина беради ва фақат шу фактнинг исботларидан бири ҳисобланади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

II.

Бошқа мамлакатларда (масалан, ГФРда) тижоратчи-тадбиркор сифатида фақат тадбиркорлик соҳасида бирон бир касб-хунар билан шуғулланадиган шахсларгина тан олинади. Тижоратчи-тадбиркорлар ичида товарлар ёки қимматли қоғозлар олди-сотдисси билан шуғулланадиган; суғурта, банк, транспорт, воситачилик ва бошқа кўп хил битимларни амалга оширадиган; тадбиркорлик фаолиятининг санаб ўтилган асосий турлари билан шуғулланмасалар ҳам, лекин савдо-тадбиркорлик реестрига киритилган “ҳаваскор” тижоратчи-тадбиркорлар фарқ қилинади. Кейингилари савдо реестрига киритилгандан кейингина тадбиркорлар деб эътироф этилади.

АҚШда бир тахлитдаги савдо кодексининг 2-104-моддасига мувофиқ, маълум турдаги операцияларни амалга оширадиган ёки ўз машғулотлари бўйича ўзларини битим мавзуи ҳисобланган операциялар ёки товарларга нисбатан алоҳида битимларга ёки тажрибага эга кишидек туталган шахслар, шунингдек, агент, брокер ёки бошқа воситачи хизматидан фойдаланганлари туфайли бундай битимлар ёки тажрибага эга деб ҳисобланадиган шахслар тижоратчи-тадбиркор деб эътироф этилади.

АҚШ ҳуқуқида бир тахлитдаги савдо кодекси билан тартибга солиб туриладиган муносабатлар соҳасида тижоратчи-тадбиркор мақомини белгилашнинг объектив мезонларига шу тариқа риоя қилинади.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

бўйича жисмоний шахс, масалан, тадбиркорлик фаолияти билан фақат тегишли давлат муассасаси (туман, шаҳар ҳокимлиги)да рўйхатдан ўтганидан ва хусусий тадбиркорлар реестрига киритилганидан кейингина шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Бироқ бундай тартиб ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас. Умуман, агар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги қонунлардан келиб чиқиладиган бўлса, тадбиркор мақомини бериш ё объектив мезонлар, ёки субъектив мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда тадбиркорлик деганда, бир томондан, касбга доир билимлар ва тажрибадан фойдаланган ҳолда оддий касб тарзида шахе томонидан бирор касб-хунарга асосланиб амалга ошириладиган, иккинчи томондан, шахе томонидан ўз номидан, яъни мустақил хўжалик арбоби сифатида амалга ошириладиган тижорат-хўжалик фаолияти тушунилади.

Битимлар тузишнинг касб-хунарга оидлигидан ташқари, шахсга тижоратчи-тадбиркор мақоми беришнинг шarti унинг ўз номидан ҳаракат қиладиган мустақил тадбиркор, касб-хунар эгаси сифатида фаолият кўрсатиши ҳисобланади. Шунинг учун, масалан, комиссиянерлар тижоратчи-тадбиркор ҳисобланади, бирор жамият ёки компания номидан вакил сифатида иш юритувчи хизматчилар тижоратчи-тадбиркор ҳисобланмайди.

Юридик ёки жисмоний шахсни тадбиркор-тижоратчи деб эътироф этиш муҳим юридик факт ҳисобланади ва муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаради.

Ривожланган мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига кўра, шахсни тадбиркор сифатида эътироф этиш унинг учун бир қатор махсус мажбуриятларни туғдиради, касб-хунарини юритишга доир ташкилий-хўжалик фаолиятида баъзи ҳуқуқлар ва имтиёзларни яратади. Қўшимча мажбу-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

риятлар, биринчи навбатда, хўжалик оборотидаги бошқа ишгирокчиларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишни, қўшимча ҳуқуқлар эса тадбиркорларга баъзи имтиёзларни беришни тақозо қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир тадбиркорларга юкланадиган махсус мажбуриятлар доирасига қуйид-агилар киради:

- *тадбиркорни савдо реестрида рўйхатдан ўтказиш шаклида у ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш; бундан мақсад - учинчи шахсларга тадбиркорнинг ҳуқуқий мақоми ва унинг мулкий аҳволи ҳақидаги умумий маълумотларни ха-бар қилиш;*

- *хўжалик фаолиятининг бориши ва натижалари ҳақи-да бир нечта махсус реестрлар (савдо дафтарлари) юритиш; бундан мақсад - фаолиятнинг боришини назорат қилиб ту-риш, учинчи шахслар билан мунозаралар вужудга келганда эса операцияларнинг ўтказилганлиги фактларини исботлашни осонлаштириш;*

- *кредиторларнинг тадбиркордан қарзни ундиришга доир махсус ишни очишлари учун олинган мажбуриятлар бўйича тўловларнинг тўхтатилганлиги ҳақидаги ахборотни белги-ланган тартибда эълон қилиш;*

- *ўзининг банк ҳисобварағини очиш.*

Тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган махсус молиявий тартибдан келиб чиқадиган баъзи бир бошқа мажбуриятлар ҳам шу санаб ўтилганлар қаторига қўшил-ади. Тадбиркорларнинг фаолиятини солиққа тортиш учун, хусусан, тадбиркорларнинг айрим тоифаларидан корпо-ратив солиқ деб аталадиган солиқни ундириш учун тад-биркорларга махсус молиявий ҳисобот бериш вазифаси юкланади. Бошқа баъзи ҳолларда тадбиркорларга касб-хунарни олиб бориши учун маҳаллий бюджетга белгилан-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ган солиқни тўлаб, рухсат (патент) олиш вазифаси юкланади.

Тадбиркорларнинг манфаатларини таъминлаш учун баъзи махсус ҳуқуқлар ҳам берилади: фирмага ном қўйиш ҳуқуқи, бозорда учинчи шахсларнинг ноинсофлик билан рақобат қилишларига қарши ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасида ва бошқа бир қатор мамлакатларда тадбиркор мақомини бериш тартибларини таққослаш уларда кўпгина умумий хусусиятлар ва аломатлар мавжудлигини эътироф этишга имкон беради. Айни вақтда, Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хослиги туфайли баъзи бир тафовутли жойлари ҳам бор.

Ташкил бўлиш тартиби бўйича, қонуний ҳуқуқларнинг ҳажми бўйича республикада тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уч тури фарқ қилинади:

а) тижорат юридик шахслар;

б) нотижорат юридик шахслар;

в) юридик шахсни ҳосил қилмаган хусусий тадбиркорлар (жисмоний шахслар).

Ташкил бўлиб ва давлат рўйхатидан ўтказилгач, тижорат юридик шахслар тадбиркор мақомини олади. Тижорат ташкилоти (корхонаси) ҳисобланган юридик шахс давлат корхонаси, хўжалик жамияти ва ширкати, кооператив, муассаса, жамоат бирлашмаси ва ҳоказо шаклида тузилиши мумкин.

Нотижорат ташкилотлар ўзларининг уставларидаги қоидаларга мувофиқ даражада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, шу билан бирга, олинган фойда уларнинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмайди, балки асосан уставда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ишлатилади. Нотижорат ташкилот ҳисобланган юридик шахслар матлубот кооперативи, жамоат ташкилоти (бирлашмаси), диний ташкилот (бирлашма) тарзида мулк эгаси томонидан маблаг билан таъминланадиган муассаса, хайрия фонди ва бошқа жамоат фонди ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларда тузилиши мумкин.

Ҳар бир фуқаро хусусий (якка) тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб, юридик шахс ҳосил қилмай туриб ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун белгиланган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва устунликлардан фойдаланмайдилар. Улар ҳам маъмурий (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 174-176-моддалари) ва жиноий (Ўзбекистон Республикасининг Жиноий кодекси 184, 188, 190-моддалари) жавобгар ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахс ҳосил қилмай туриб ҳамда белгиланган тартибни бузиб (давлат рўйхатидан ўтмасдан) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаро ўзи тузган битимга нисбатан “мен тадбиркор эмасман” деб баҳона қилишга ҳаққи йўқ. Суд бундай битимларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар ҳақидаги нормаларни қўллаши мумкин.

Жисмоний шахснинг “тадбиркор” мақомини олиши учун ушбу икки: умумий ва махсус шартлар мавжуд бўлиши лозим.

Умумий шартлар, аввало, ҳуқуқ субъекти сифатида жисмоний шахснинг муайян аломатлари: тўлиқ маънода ишга лаёқатлилиқ ёки ҳуқуққа эгалик аломатлари билан

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

боғлиқ. Ишга лаёқатлилиги чекланган, ишга лаёқатли бўлмаган ва вақтинчалик муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилинган (масалан, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо муддатини ўтаётган) шахслар тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин эмас.

Жисмоний шахс 18 ёшга тўлганидан сўнг тўлиқ ишга лаёқатли ҳисобланади ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бу қоидадан икки истиснога йўл қўйилади: биринчидан, агар фуқаро 18 ёшга тўлмай туриб қонуний асосда никоҳдан ўтса; иккинчидан, эмансипация - бу янги фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Эмансипация - меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ёки ота-оналарининг рухсати билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 16 ёшга тўлган ўспиринни тўлиқ ишга лаёқатли деб эълон қилиш.

Қандай соҳаларда тадбиркорлик фаолияти эркин амалга оширилади, қандайларида махсус рухсат (лицензия) олиш талаб қилиниши масаласини аниқлаш ҳам жуда муҳим.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун зарур бўлган махсус шартлар, аввало, тадбиркорликнинг маълум тури тарзи билан, тадбиркорда шу фаолият тури учун талаб қилинадиган касбга доир кўникмалар ва тайёргарлик бўлиши шартлари билан боғлиқ.

Фақат махсус рухсат (лицензия) асосидагина шуғулланишга йўл қўйиладиган фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 й. 18 апрелдаги 1034-ХII сонли қарори билан, лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 19 апрелдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Юқорида айтилган рўйхат фақат давлат ва жамият манфаатлари учун (давлат хавфсизлиги, жамият ва шахсий хавфсизлик учун, давлат органларининг нормал ишлаши учун) муҳим аҳамият касб этадиган, шунингдек амалга оширишда алоҳида тайёргарлик ва касбга доир кўникмаларни талаб қиладиган фаолият турларинигина қамраб олади. Қонунда тўғридан-тўғри тақиқлаб қўйилган фаолият турларига келсак, улар жиноий ва маъмурий қонун ҳужжатларида кўрсатилган.

Белгиланган тартибга кўра, лицензиялар фақат маҳсус ваколатли давлат бошқарув органлари томонидан берилади, улар қуйидагилар:

1. *Вазирлар Маҳкамаси (ракета-космик мажмуа, алоқа тизимлари, қимматбаҳо металллар ва ноёб ер металлари, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш, қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари ясаш, ҳаво транспорти ва ҳ. к. билан боғлиқ фаолият турлари бўйича);*

2. *Адлия вазирлиги (масалан, юридик шахсларнинг юридик амалиёт билан шуғулланиши);*

3. *Молия вазирлиги (масалан, қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш, лотереялар ўтказиш ва ҳоказо);*

4. *Марказий банк (валюта қийматликлари билан операциялар ўтказиш ва ҳ. к.);*

5. *Ички ишлар вазирлиги (овчилик ва спорт ўқотар қуроллари ҳамда уларга ўқ-дорилар ишлаб чиқариш, тuzатиш ва сотиш, шунингдек совуқ қуроллар ишлаб чиқариш ва сотиш, таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни экиш, қайта ишлаш ва сотиш, наркотик моддалар тайёрлаш ва сотиш, ўйинхоналар ташкил қилиш ва ҳоказо);*

6. *Соғлиқни сақлаш вазирлиги (фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш; тиббий хизмат кўрсатиш,*

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

парфюмерия ва косметика буюмлари, маиший кимё товарларини тайёрлаш);

7. Халқ таълими вазирлиги (соғломлаштириш ва бошқа болалар, ўсмирлар ҳамда ёшлар лагерларини ташкил қилиш, хусусий ўқув муассасаларини очиш ва ҳ. к.);

8. Алоқа вазирлиги (алоқа хизмати кўрсатиш).

Фуқароларнинг муайян тоифалари, ҳаттоки ҳам умумий, ҳам махсус шартлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас. Гап Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги қарорига (ЎзР ҚТ, 1992, № 3, 7-модда) мувофиқ, тадбиркорлик билан шуғулланиш тақиқланган шахслар ҳақида кетмоқда. Шу қарор билан тасдиқланган Рўйхатга мувофиқ қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларига;
- давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгилари ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бор мансабдор шахсларга;
- давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқига эга ўринбосарларига;
- давлат таъминот ва сотиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбар ходимларига;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки уни назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифасини ҳам ўтайдиган давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига;
- чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналари, савдо бошқар-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

малари, трестларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, бош мутахассисларига, тузулмавий бўлинмалар бошлиқларига, моддий жавобгар шахсларга.

Ҳозирги вақтда республикада ташаббускор тadbиркорлик фаолияти учун зарур меъёрий база яратилган. Буни ушбу бўлимнинг кейинги бобларида кўриб чиқамиз.

3.0. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Қонун ҳужжатларида тadbиркорликнинг куйидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари белгиланган:

- 1) якка меҳнат фаолияти;
- 2) хусусий тadbиркорлик; у айрим фуқаро томонидан ёлланма меҳнат жалб қилиш йўли билан амалга оширилади;
- 3) жамоа ёки қўшма тadbиркорлик; у фуқаролар гуруҳи ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Якка меҳнат фаолияти тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг оддий шакли ҳисобланади. Уни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган хусусий тadbиркорлик тўғрисидаги низомда белгиланган. Бу низомга мувофиқ, ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тadbиркор ўз фаолиятини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтмай амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда якка фаолиятни амалга оширишда фақат хусусий тadbиркорнинг меҳнати қўлланилади, қонун баъзи ҳоллардагина оила аъзолари меҳнатини жалб қилишга рухсат беради.

Якка фаолият хусусий тadbиркорликнинг энг оддий ва оммавий тури ҳисобланади ва шунинг учун ҳам қонун ҳужжатларида уни амалга оширишнинг энг соддалаштирилган тартиби кўзда тутилган.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Юридик шахс ҳосил қилмай тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг “Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатдан ўтказиш тўловини олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида рухсат берилган тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган жисмоний шахсни рўйхатдан ўтказиш у ариза берган пайтдан бошлаб 3 кун мобайнида у доимий истиқомат қиладиган жой бўйича туман, шаҳар ёки шаҳардаги туман ҳокимлиги томонидан амалга оширилади.

Юридик шахс ҳосил қилмай ўз фаолиятини амалга оширадиган, тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахсга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади ва у албатта жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш реестрида қайд қилинади. Ушбу гувоҳнома бошқа бирор қўшимча келишувларсиз банкда ҳисоб-китоб варағи очиш, муҳр ва бошқа реквизитларни тайёрлатиш учун асос ҳисобланади. Гувоҳноманинг бир нусхаси тadbиркорга берилади, яна бир нусхаси бир ҳафталик муддатда тadbиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига юборилади.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган муддатда амалга оширилмаса ёки тadbиркор асоссиз деб ҳисобланган сабабларга кўра рўйхатдан ўтказиш рад қилинса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Фақат лицензия асосида йўл қўйиладиган хусусий тadbиркорлик фаолиятининг айрим турлари ўз меъёрий базасига эга. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 июлдаги 378-сонли қарорида якка шифокор (врач)лик

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

фаолияти (хусусий шифокорлик фаолияти) тўғрисидаги низом тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари эса Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли қарориди тасдиқланган ва ҳоказо.

Хусусий тadbirkorларнинг баъзи тоифаларига улар фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқиб, муайян мажбуриятлар юкланади (масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланадиган шахслар ўз соғлиқларини мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиб туришлари шарт).

Хусусий тadbirkor бундай фаолият турини амалга оширишда хўжалик юритувчи бошқа субъектлар ва миждозлар билан ўз муносабатини шартнома асосида олиб боради.

Хусусий корхонанинг ҳуқуқий мақоми Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тadbirkorлик тўғрисидаги низомда белгиланган. Ўз фаолиятини ёлланма меҳнатни жалб қилиб амалга оширадиган хусусий тadbirkor юридик шахс сифатида намоён бўлади ва у корхонани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт. Хусусий корхоналар ўз мустақил балансига, муҳрига, ҳисобкитоб варағига эга бўлади.

Хусусий корхона мулкидан мулк эгасининг ўзи ҳам, бошқа фуқароларни ёллаб ҳам фойдаланиш мумкин. Тadbirkor ўз мулкини хўжалик юритиш учун тўлиқ бошқа шахсларга бериб қўйиши мумкин, бунда у мулкдан фойдаланиш ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдани тақсимлаш тартибини белгилаб қўйиши лозим.

Хусусий корхонанинг мулкни асосий ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати унинг мустақил балансида акс этадиган бошқа бойликлар ташкил қилади.

Хусусий корхона мулкни шакллантириш ва ўстириш

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Маълумот учун материал

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес корхоналари сони борган сари кўпайиб бормоқда. 1992 йилдан 1995 йилгача уларнинг сони 6 марта кўпайди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, савдо ва тижорат соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар учун айниқса ўсиш суръатлари юқори. Айни вақтда умумий оқватланиш, моддий-техника таъминоти, коммунал хизмат, фан ва фан хизмати кўрсатиш соҳаларида улар сонинг кўпайиш суръати жуда паст.

Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги тadbиркорликка доир ижтимоий базани фақат кўп сонли яқка мулк эгаларигина эмас, балки саноат билан боғлиқ бўлган, унинг рақобатбардошлик салоҳиятини оширишга қодир ходимлар ҳам ташкил этади. Булар, аввало, менежерлар, мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар ва олимлардир. Аҳолининг айнан шу гуруҳи республика саноатининг нодавлат корхоналарини ташкил қилиш ташаббускорлари бўлишди.

Ўзбекистонда акциядорлик, қўшма ва хусусий корхоналар улуши айниқса юқори суръатлар билан ошмоқда, айни пайтда ижара, кооператив ва аралаш мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ҳиссаси эса камаймоқда. Бу ҳол сўнгги йилларда Ўзбекистонда акциядорлик, хусусий ва хоржний инвесторлар жалб қилинган қўшма мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ривожланишини таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий базанинг қабул қилиниши билан боғлиқ.

Республикада нодавлат мулкчилик шаклидаги акциядорлик ва хусусий корхоналар ҳамда корхоналар уюшмалари энг тез суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 1992 йилдан 1995 йилгача бундай корхоналар гуруҳининг ишлаб чиқариш ҳажми, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати ва шу гуруҳ корхоналарининг тушуми - акциядорлик корхоналарида тегишлича 4,4; 3,9 ва 5,9 марта, уюшмаларда - 6,2; 9,2 ва 4,9 марта, хусусий корхоналарда 4,1; 3,8 ва 4,8 марта ўсди, айни пайтда кооперативларда 1,7; 1,6 ва 1,7 марта, ижара корхоналарда 1,3; 1,4 ва 1,3 мартагина ўсган.

Тошкент, Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятларида кичик ва хусусий корхоналар сони юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

Саноатда (48,8%), қурилишда (14,2%), қишлоқ хўжалиги ва савдода (7,6% дан) фаолият кўрсатаётган хусусий сектор корхоналарида, тижорат корхоналарида (5%) ишловчилар сони анча кўп. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги тижорат фаолиятида хусусий секторда ишловчилар сони энг юқори суръатлар билан ўсмоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРНИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

манбаи мулк эгасининг пул ва моддий қўйилмалари, хўжалик фаолияти маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар, банкларнинг кредитлари, қимматли қоғозларга доир операциялардан олинган дивидендлар, қимматли қоғозларни сотишдан тушган даромадлар, меросдан, алмаштириш ёки совға қилиш йўли билан олинган мол-мулк ҳисобланади.

Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик жиҳатдан мустақилдир. Маҳсулот сотиш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш нархларини тадбиркор мустақил равишда ёки шартнома асосида белгилайди. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда маҳсулотлар тартибга солинадиган нархларда сотилади.

Маҳсулот сотишдан тушган тушумдан барча ишлаб чиқариш чиқимларини қоплаш учун сарфланган сумма чегириб ташланганидан кейин қолган соф даромад корхона эгасининг шахсий даромади ҳисобланади ва унга солиқ солинади. Бунинг учун у солиқ органларига белгиланган муддатда шахсий даромади тўғрисида декларация, статистика органларига эса - ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти ҳақида ҳисоботлар топширади. Солиқ ва бошқа давлат органлари унинг фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга; бунда улар корхонанинг тижорат сири ҳисобланган маълумотларнинг сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлашлари лозим.

Хусусий корхона буюмларига албатта фирма белгиси ёки буюмни ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар, буюмнинг номи ёки тимсоли, шу буюмни тавсифловчи бошқа маълумотлар кўрсатилган марка қўйилиши шарт. Бошқа фирма ёки товар белгиларини ўзлаштириб олиш, фирром рақобат усуларини қўллаш, монополия сиёсатини ўтказиш тақиқланади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Хусусий корхонанинг моддий-техника таъминоти иxtисослашган таъминот-сотиш ташкилотлари, биржалар, ярмаркалар, аукционлар хизмати воситасида, шунингдек, ишлаб чиқарувчилардан бевосита сотиб олиш ва импорт бўйича келтириш йўли билан амалга оширилади.

Хусусий корхоналар ходимларни меҳнат шартнома-си (битими) бўйича ёллайди. Бундай корхонада банд бўлган шахсларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари берилди.

Корхона эгаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот фон-дларига мажбурий ажратмаларни амалга оширади.

Хусусий корхона тугатилган тақдирда белгиланган тартибда бюджет ва ташкилотлар, тугатилаётган хусусий корхона ходимлари олдидаги қарзларни тўлагандан маб-лагларнинг кейин қолган қисми корхона эгасига тегишли бўлади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказиш реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти шаклларида бири - ўз тасарруфидаги ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжалигидир.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари - давлат, кооператив, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар ҳамда айрим шахслар билан муносабатларда шу хўжалик манфа-атларини ҳимоя қиладиган хўжалик бошлиғи, унинг тур-муш ўртоғи, болалари, асраб олган болалари, ота-онала-ри, бошқа қариндошлари ва меҳнат ёшига етган ҳамда шу хўжаликдаги иши меҳнат фаолиятининг асосий жойи бўлган бошқа шахслар. Шундай қилиб, деҳқон хўжалиги биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган шахсларнинг оилавий-меҳнат бирлашмасидан иборат.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЎРИЙ БАЗАСИ

Деҳқон ҳўжалигида меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган шахслар унинг аъзоси ҳисобланмайди.

Деҳқон ҳўжалиги махсус республика фондининг захира ерларида, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ҳўжаликларда ва янги суғориладиган массивларда тузилади. Улар зарар келтирадиган ёки кам фойда берадиган қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ерлари асосида ҳам тузилиши мумкин. Кооперативлар (ҳўжаликлар)нинг ерларида деҳқон ҳўжаликларини тузишда шу кооператив ҳўжаликлари аъзоларининг умумий мажмуаси қарори талаб қилинади. Жамоа ҳўжаликлари (колхозлар) ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги кооперативларининг уларнинг таркибидан чиқишни ва мустақил равишда деҳқон ҳўжалиги юритишни хоҳлаган аъзолари мулк қиймати ёки фойданинг ўзларига тегишли улушини олиш ҳуқуқига эгадирлар; уларнинг улуши кооперативдаги меҳнати ишгирокини ҳисобга олиб аниқланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири ишлаб чиқариш кооперативлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кооперативи - фуқароларнинг шахсий ишгироки ва аъзолар (ишгирокчилар)нинг мулкий пай бадалларини бирлаштиришга асосланиб, биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳўжалик фаолияти юритиш учун аъзолик асосида тузиладиган ихтиёрий бирлашмасидир. Қонунда ёки ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида юридик шахсларнинг ҳам аъзолик асосида ишгирок этиши мумкинлиги кўзда тутилган. Ишлаб чиқариш кооперативи, матлубот кооперативидан фарқли равишда, тижорат ташкилоти ҳисобланади (матлубот кооперативи олган даромадлар унинг аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас).

Кооперативнинг мулки дастлаб аъзоларининг пай бадалларидан ташкил топади; бу бадаллар, масалан, ҳўжа-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

лик жамиятлари ва ширкатларининг устав сармоясидаги улушларга ўхшаш эмас. Аъзонинг кооперативга нисбатан ҳуқуқи пай бадали миқдорига ҳеч боғлиқ бўлмайди. Пай бадали қанчалигидан қатъи назар кооперативнинг ҳар қайси аъзоси умумий мажлисда бир овозга эга. Фойда ва тугатилган пайтдаги қолдиқ маблағ кооператив аъзолари ўртасида, одатда, уларнинг меҳнатдаги иштирокига мувофиқ тақсимланади. Бўлинмас фондлар ҳосил қилинган ҳолда эса пай умуман кооператив мулкидаги улушга мос келмай қўяди. Агар аъзо кооперативдан чиқадиган бўлса, у бутун мулкдаги улушни эмас, балки фақат пайни олиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш кооперативи аъзолари кооператив мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставиди кўзда тутилган миқдор ва тартибда субсидиар (қўшимча) жавобгар ҳисобланади.

Кооперативни бошқариш органлари тизими унинг аъзолари мажлисидан (олий орган), кузатиш кенгашидан (АЖДан фарқли равишда бу кенгашни тузиш шарт эмас) ҳамда ижро органлари: бошқарув ва (ёки) раисдан иборат бўлади. Унинг органларини тузишда номзодлар фақат унинг аъзолари ичидан танланиши шарт.

Кооператив аъзоси унинг таркибидан чиқиш, шунингдек, ўз улушини бошқа шахсга бериш (агар у кооператив аъзоси бўлмаса, умумий мажлиснинг розилигини олиш керак) ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжати унинг умумий мажлис тасдиқлайдиган устави ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, кооператив аъзолари сони беш кишидан кам бўлмаслиги керак. Кооператив аъзоси кооперативни рўйхатдан ўтказиш пайтида пай бадалининг

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

камида ўн фоизини тўлаши, қолган қисмини эса рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бир йил мобайнида тўлаши лозим. Кооператив маҳаллий ҳокимликда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тизимида хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг ҳар хил турлари етакчи ўринни эгаллайди. Уларнинг турлари хилма-хиллигига қарамай умумий аломатлари ҳам мавжуд, яъни уларнинг устав сармояси (йиғма сармоя) улушларга бўлинади. Айнан шу аломат хўжалик ширкатлари ва жамиятларини бошқа тижорат ташкилотларидан ажратиб туради. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодексига, дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, жамоа хўжалик юритишнинг кенг ҳуқуқий шакллари кўзда тутилган.

Хўжалик ширкати - умумий ном остида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун бир неча шахснинг шартнома асосида бирлашуви.

Хўжалик жамияти - тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун бир шахс ёки бир неча шахснинг мулкларини бирлаштириш (ажратиш) йўли билан ташкил қилинадиган ташкилот.

Ҳар қандай ширкатнинг асосий фаолият кўрсатувчи шахси - тўлиқ шерик-фирма мажбуриятлари бўйича ўз мулки билан чекланмаган даражада жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун ширкатларда жамиятлардагидан фарқли равишда таъсисчилар, одатда, корхонанинг ишларида шахсан иштирок этишади. Шу сабабли шахс фақат битта ширкатдагина тўлиқ шерик ҳисобланиши мумкин. Одатда, ширкатларда таъсисчилар доираси, улар орасидаги шахсий ишонч муҳити яхшилиги туфайли, жамиятлардагидан анча тор.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Хўжалик жамиятлари учун иштирокчиларнинг шахсий ҳаракатларини бирлаштириш эмас, балки мулкларини бирлаштириш хосроқдир. Иштирокчилар фирма мажбуриятлари учун жавобгар эмаслар (қўшимча масъулиятли жамиятлар бундан истисно) ва уларнинг тадбиркорлик таваккаллари устав сармоясига қўшган бадаллари суммаси билан чекланади. Шунинг учун айнан устав сармоясининг миқдори кредитор манфаатига асосий кафолат ҳисобланади ва ширкат учун хос бўлмаган алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятнинг устав сармояси миқдорини камайтириш учун ундан барча кредиторларни хабардор қилиш лозим; кредиторлар эса бундай ҳолда мажбуриятларини муддатидан олдин тўхтатиш ёки бажаришни ва зарарни қоплашни (худди қайта ташкил қилишдагидек) талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Янги фуқаролик кодексида шундай таъриф мавжудки, унга мувофиқ устав сармояси таъсисчилар иштирокчиларнинг улушлари (бадаллари) ёки акцияларига бўлинган тижорат ташкилотлари хўжалик ширкатлари ёки жамиятлари деб эътироф этилади. Таъсисчиларнинг бадаллари ёки акциялар сотиб олишлари ҳисобига ҳосил қилинган, шунингдек фаолияти жараёнида хўжалик ширкати ёки жамияти вужудга келтирган ва сотиб олган мулк унга тегишли мулк ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда хўжалик жамияти бир шахс томонидан тузилиши ва унинг ўзи жамиятнинг ягона иштирокчиси бўлиши мумкин.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари қуйидаги шаклларда тузилиши мумкин:

- *тўлиқ ширкат;*
- *коммандит ширкат;*
- *акциядорлик коммандити;*

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

- масъулияти чекланган жамият;
- қўшимча масъулиятли жамият;
- акциядорлик жамияти.

Тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари (тўлиқ шериклар) ва коммандит ширкатларнинг иштирокчилари якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ва коммандит ширкатларнинг омонатчилари фуқаролар ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ва коммандит ширкатларнинг омонатчилари бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Хўжалик ширкати ёки жамияти мулкига қўйилма омонат пул, қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқ, ёхуд пул қимматига эга бошқа ўтказиладиган ҳуқуқ шаклида бўлиши мумкин.

Хўжалик ширкати ёки жамияти иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ширкат ёки жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- ширкат ёки жамиятнинг фаолияти ҳақидаги ахборотни олиш ва унинг бухгалтерлик дафтарлари ва таъсис ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда қатнашиш;
- ширкат ёки жамият тугатилган ҳолда кредиторлар билан ҳисоблашгандан кейин қолган мулкнинг ўзига тегишли қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Айни вақтда уларнинг зиммасига таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда, миқдорда, усуллар ва муд-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

датларда бадални тўлаш, шунингдек, жамият ёки ширкатнинг фаолияти ҳақидаги махфий ахборотларни ошкор қилмаслик мажбурияти юкланади.

Иштирокчилари ширкат номидан ўзаро тузилган шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган ва унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли барча мулк билан жавобгар ширкат тўлиқ ширкат деб аталади.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган ва унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли барча мулк билан жавобгар бўлган иштирокчилар (тўлиқ шериклар)дан ташқари ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун қўшилган сумма ёки бадаллар чегарасида таваккал қиладиган ва ширкат амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятида иштирок этмайдиган бир ёки бир неча иштирокчилар (омонатчилар, коммандитлар)и ҳам бор ширкат коммандит ширкат деб эътироф этилади.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ва ширкат мажбуриятлари бўйича бутун мулк билан жавобгар ҳисобланган бир ёки бир нечта иштирокчи (тўлиқ шериклар)дан ташқари ширкатнинг акцияларга жойлаштирилган устав фондининг бир қисмини шакллантиришда қатнашадиган ва ширкат фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида таваккал қиладиган иштирокчилар (коммандит акциялар)и ҳам мавжуд ширкат акциядорлик коммандити деб эътироф этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг энг кенг тарқалган шаклларида бири масъулияти чекланган жамият ҳисобланади. Устав фонди (устав сармояси) таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдордаги улушларга бўлинган, бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

қилинган жамият масъулияти чекланган жамият деб эътироф этилади. Бундай жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзи қўшган бадал қиймати доирасида таваккал қилади. Ушбу таърифдан шундай маъно келиб чиқадики, масъулияти чекланган жамият, биринчидан, устав фонди (дастлабки сармояси) олдиндан иштирокчиларнинг аниқ улушларига бўлиб қўйилганлиги билан; иккинчидан, унинг иштирокчилари фақат зарарлар учун таваккал қилиши (улар қўшган бадалларини йўқотишлари), лекин жамиятнинг эҳтимолли қарзлари бўйича бошқа ҳеч қандай мулклари билан жавобгар бўлмасликлари билан тавсифланади.

Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)нинг таъсис ҳужжати таъсисчилар имзолаган шартнома ва таъсисчилар тасдиқлаган устав ҳисобланади.

Агар МЧЖни бир киши таъсис қилса, унинг таъсис ҳужжати устав ҳисобланади. Таъсис ҳужжатларида фаолият тури, мавзуи ва мақсадлари, иштирокчилар сони ва уларнинг улуши (бадали), устав фонди миқдори, фойда ва зарарларни тақсимлаш тартиби, унинг органлари таркиби ва ваколати, уларнинг қарорлар қабул қилиш тартиби ҳақидаги ва бошқа маълумотлар бўлиши лозим. МЧЖнинг олий органи иштирокчилар (ёки уларнинг вакиллари) мажлиси ҳисобланади; ҳар бир иштирокчи мажлисда ўзининг устав фондидаги улуши миқдорига мутаносиб равишда овозга эга. Ижро органи коллегиал (бош директор бошқарадиган дирекция) ёки якка тарзда (президент, директор) бўлиши мумкин.

Жамиятнинг дирекция фаолиятини назорат қилиб турадиган тафтиш ҳайъати МЧЖ аъзолари (иштирокчилар) ичидан умумий мажлисда ташкил қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРҚОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Қўшимча масъулиятли жамиятда иштирокчилар унинг умумий мажбуриятлари бўйича (жамиятнинг мулки етишмаганда) қўшимча равишда ва тўлиқ шерикликдагидек бутун ўз мулклари бўйича тўлиқ эмас, балки ўзлари қўшган бадалга каррали равишда (уч карра, олти карра ва ҳоказо) жавобгар бўлади. Бу тартиб иштирокчиларга бошқа ширкатларга ҳам аъзо бўлишга, жамиятнинг ўзига эса қўшимча маблағларни жалб қилиш учун қимматли қоғозлар - облигациялар (жамиятни акциядорлар жамиятига айлантириб қўймаслик учун акциялар эмас) чиқаришга имкон беради.

Иштирокчилардан бири тўловга лаёқатли бўлмаса (банкротга учраса, яъни синса), унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги унинг бошқа иштирокчилари ўртасида уларнинг бадалларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Акциядорлик жамияти хўжалик жамиятининг шаклларидадан бири ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қабул қилган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун орқали тартибга солинади. Бу қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян акциялар сонига бўлинган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

Акциядорлик жамияти (АЖ) очиқ турда ва ёпиқ турда бўлиши мумкин. Очиқ турдаги АЖ - акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф қила оладиган жамият. У чиқариладиган акцияларга очиқ обуна ўтказиш ва уларни

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам, акциядорларнинг сони ҳам чекланмаган.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти - акциялар фақат унинг таъсисчилари ўртасида ёки илгаридан белгиланган шахслар доираси ичида тақсимланадиган жамият. Ёпиқ турдаги АЖ таъсисчилари камида уч киши, акциядорлар сони эса эллик кишидан ортмаслиги лозим.

Акцияларни фонд биржасида эркин бошқаларга ўтказиш мумкинлиги юз берадиган вазиятга қараб сармояни бир фаолият соҳасидан иккинчисига эркин ўтказиш имконини беради, жамият аъзоларининг оммавийлиги эса унинг таъсисчиларига ўзларининг nisбатан кичик бадаллари (баъзан у устав фонди суммасининг бир неча фоизинигина ташкил қилади) ёрдамида катта маблағларни (олдин кўплаб майда акциядорлар орасида сочилиб ётган маблағларни) назорат қилишларига имкон беради. Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида кўп давлат корхоналари АЖга, уларнинг ходимлари эса акциядорларга айланди. Бундай вазиятда ҳар қайси акциядор ходим хўжалик фаолиятининг пировард натижасидан манфаатдор, чунки дивидендларни олиш ања шунга боғлиқ.

АЖ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлар жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун фақат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тавakkал қилади.

АЖнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган акцияларнинг номинал қийматларидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Акция бўлинмас ҳисобланади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Акциядорлик жамиятини таъсис қилишда унинг барча акциялари унинг таъсисчилари орасида тарқатилиши керак.

Очиқ турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори - АЖ рўйхатдан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг икки юз карралик миқдорига, ёпиқ турдаги АЖ учун эса энг кам иш ҳақи суммасининг камида юз карралик миқдорига тенг бўлиши лозим.

Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий мажлиси, кузатув кенгаши ва ижро органи бошқаради.

Акциядорларнинг умумий мажлиси олий бошқарув органи ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у АЖ фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

АЖнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

АЖнинг жорий (кундалик) фаолиятига ягона ижро органи (директор) ёки коллегиял (маслаҳат) ижро органи (бошқарув, дирекция) раҳбарлик қилиши мумкин.

Очиқ турдаги АЖ ҳар йили оммавий ахборот воситаларида йиллик ҳисоботни, бухгалтерлик балансини, фойдалар ва зарарлар ҳисобварағини, жамият акциялари эмиссиялари проспектини, умумий мажлисни ўтказиш санаси ва жойи кабиларни эълон қилиб туриши шарт.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда акциядорлар қўйидаги ҳуқуқларга эга эканликлари белгилаб қўйилган:

- уларни акциядорлар реестрига киритиш;
- акциядорлар реестридан ўзи ҳақида кўчирма олиш (бу кўчирма қимматли қоғоз ҳисобланмайди);
- жамият фойдасининг дивидендлар шаклидаги қисmini олиш;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

- АЖ тугатилган тақдирда мулкнинг ўзига тегишли-сига мувофиқ улушини олиш;
- бошқаришда қатнашиш;
- АЖ уставига мувофиқ, эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборотни олиш;
- олинган дивидендларни эркин тасарруф қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органларида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инвестиция муассасалари ва эмитентлардан уқувсизлик ёки фирромлик билан қилган хатти-ҳаракатлари туфайли кўрилган зарарларни ундириб олиш;
- ўз манфаатларини билдириш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олишда кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш билан боғлиқ таваккалларни суғурта қилдириш.

Акциялар **номи ёзилган** (бундай акцияларнинг эгаси акцияга номи ёзилган ва АЖни рўйхатдан ўтказиш дафтарида қайд қилинган шахс ҳисобланади) **ёки оқ** (бундай акциянинг эгаси уни сақлаб турувчи шахс ҳисобланади) бўлиши мумкин. Номи ёзилган акциялар ёпиқ турдаги АЖ томонидан чиқарилади.

Оддий акциялар “овоз берувчи” акциялар ҳисобланади; бундай акцияларнинг эгаси дивидендларни олиш ҳамда умумий мажлисларда қатнашиш ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Эгаларига дивидендларни, шунингдек, АЖ тугатилган тақдирда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланади.

Имтиёзли акциялар ўз эгаларига корхонанинг фойда кўрган ёки кўрмаганлигидан қатъи назар муайян дивидендларни олиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ўзига хос томонларидан бири - миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграцияланиши билан ифодаланган очиқлигидир. Бу вазифани ҳал қилишда янги корхона ташкил қилиш ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб турган корхонадан хорижий инвестор улуш сотиб олиши йўли билан қўшма корхоналар тузиш катта роль ўйнаши лозим. Қўшма корхонанинг устав фондига ҳар бир иштирокчининг ҳисса қўшиш муддати, ҳажми, тартиби ва баҳоланиши таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Қўшма корхоналар Ўзбекистон ҳудудида тузилиши, ундан ташқарида эса филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмалари ташкил қилиниши мумкин. Ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари (ходимларни ёллаш ва ишдан бўшатиш масалалари, меҳнат қилиш ва ҳордиқ чиқариш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари) жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномалари (битимлар) билан тартибга солинади. Бунда қўшма корхоналардаги меҳнат шариоити Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шариоитлардан ёмон бўлишига йўл қўйилмайди.

Қўшма корхона ходимларнинг давлат ижтимоий сугуртасига, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган ходимларнинг пенсия таъминотига ажратмалар тўлайди.

Тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши давлат томонидан кафолатланади; у

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

эркин ва ҳалол рақобат учун шароит яратади, моддий-ашёвий, молиявий, меҳнатга доир, ахборотлар ва бошқа ресурсларга эришиш учун ҳаммага бир хил имконият яратиб беради.

Тижорат ташкилотлари, шу жумладан, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, қайси идорага қарашли эканликларидан қатъи назар, тармоқ, ҳудуд ёки бошқа аломатлар бўйича турли бирлашмаларга киришлари мумкин.

Корхона ва ташкилот бундай бирлашма таркибига кирган ҳолда ҳам юридик шахслик ҳуқуқини ва ундан эркин чиқиш имкониятини сақлаб қолади.

Умуман бирлашма (ассоциация) ҳам юридик шахсга айланади, мустақил ва қўшма балансга, банк ҳисобварағига, бошқарув органларига эга бўлади. Агар бирлашма уставда ёки уни тузиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, бирлашма ўз таркибига кирган ташкилотларнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди, бу ташкилотлар ҳам бирлашма мажбуриятлари учун жавобгар ҳисобланмайди.

Иштирокчи ташкилотларнинг қарорига кўра, айрим ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқарув вазифаларини марказлаштирилган усулда бажариш бирлашма зиммасига юкланиши мумкин.

Бирлашма иштирокчилар томонидан унга ихтиёрий берилган мулкка, шунингдек ўзининг хўжалик фаолияти натижасида топилган мулкка эгалик қилади, лекин унинг таркибига кирган ташкилотлар мулкни тасарруф қила олмайди.

Иштирокчиларнинг келишуви (шартномаси) асосида ҳам бирлашма тузилади. Лекин у албатта корхоналар учун белгиланган қоидалар бўйича давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бунда таъсисчилар монополияга қарши

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олишлари лозим; бу талабларни бузиш, ўз навбатида, бирлашмани рўйхатдан ўтказишни рад қилишга асос бўлиши мумкин.

Бундай ихтиёрий бирлашмаларнинг асосий шакллари ассоциация (уюшма) ва концерн ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий мулкий манфаатларини кўрсатиш ва ҳимоя қилиш мақсадида юридик шахслар ўзаро шартнома асосида ноtijорат ташкилот ҳисобланадиган ассоциация (уюшма) шаклидаги бирлашмани тузишлари мумкин.

Агар иштирокчиларнинг қарорида кўра ассоциация (уюшма) зиммасига тадбиркорлик фаолиятини юритиш юкланадиган бўлса, бундай ассоциация (уюшма)ни қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда хўжалик жамиятига ёки ширкатга айлантириш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ассоциация (уюшма) хўжалик жамиятлари тузиш ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ассоциация юридик шахс ҳисобланади. Ассоциация аъзолари ўз мустақилликлари ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қолади. Юқорида айтилганидек, ассоциация ўз аъзолари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

Ассоциация аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ассоциациянинг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдор ва тартибда субсидиар (қўшимча) жавобгардир.

Ассоциация (уюшма)нинг номи фаолиятининг асосий мазмунини ифодалаш ва унга “ассоциация” ёки “уюшма” сўзлари қўшиб ёзилиши лозим.

Агар таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса ва хизматлар мазмунидан келиб чиқмаса, ассоциация (уюшма) аъзоси унинг хизматларидан текинга фойдаланиш ҳуқуқига эга.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

У ўз хоҳишига кўра молия йили тутаганидан кейин ассоциациядан чиқиши мумкин. Бу ҳолда у чиққан кунидан бошлаб икки йил мобайнида ассоциация мажбуриятлари бўйича ўз бадапига мутаносиб равишда субсидиар (қўшимча) жавобгар ҳисобланади.

Ассоциациянинг таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, бошқа иштирокчилар қарори билан ассоциация аъзоси ундан чиқариб юборилиши мумкин. Чиқарилган ассоциация аъзосининг мулкий бадали ва жавобгарлигига нисбатан ассоциациялардан чиқишга доир қоидалар қўлланилади.

Ассоциация аъзолари - иштирокчиларнинг розилиги билан янги иштирокчи қабул қилиниши мумкин.

Иштирокчилар ўз бирлашмаларига нисбатан бирон бир мулкий ҳуқуқларга эга эмас, шунинг учун иштирокчи ҳиссасини бошқа шахсларга бериш, бирлашмадан чиқишда улушни ажратиш талаби каби мумкин эмас.

Ассоциацияга таққослаганда концерн анча марказлашган тузилма ҳисобланади. У ҳам, одатда, ишлаб чиқариш аломатлари бўйича ўхшаш ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, ҳар доим ягона юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади. Уни алоҳида аппарат ҳам, бош ташкилот ҳам бошқариши мумкин. Концерннинг юридик шахс сифатидаги органи иштирокчилар сайлайдиган бошқарув (кенгаш) ва унинг раҳбари (раис) ҳисобланади.

Концерн таркибига кирган ташкилотлар ягона ишлаб-чиқариш ҳўжалик мажмуини ташкил қилади ва уларнинг ички ўзаро муносабатлари иерархик (бўйсинув) боғлиқлик бўйича эмас, балки шартномалар асосида ишлаб борилса ҳам, улар бутун асосий тижорат фаолиятини келишиб амалга оширади. Лекин концерннинг розилигисиз улар айни вақтда бошқа концернлар ёки ассоциациялар-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

нинг иштирокчилари бўла олмайди. Концерннинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ, концерн иштирокчилари бирлашма мажбуриятлари бўйича қўшимча мулккий жавобгардир, бирлашма эса иштирокчиларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб беради. Кўпинча концерн юридик шаҳе ҳуқуқларидаги хусусий ташкилотларини (ташқи савдо, реклама-соғтиш, маслаҳат ва ҳоказо ташкилотларни) тузади ва уларга нисбатан таъсисчи-мулк эгаси вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, ассоциация ва концернлар юридик шахсларнинг ихтиёрий (шартнома асосида) бирлашмаси сифатида тузилиб, улар фаолиятларини мувофиқлаштириб туради. Улар ўз иштирокчиларини бошқариш ва назорат қилиш, айниқса, улар мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас. Қатъийроқ қилиб айтадиган бўлсак, уларни тузишдан асосий мақсад бирлашманинг ўзи учун фойда олиш эмас, балки бирон бир фаолият соҳасида иштирокчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларга маълум хизматлар кўрсатишдир. Шу нуқтаи назардан, улар моҳият жиҳатидан ЕИИ (ЕЭС) мамлакатларидаги, бир томондан, жамиятлар ва ширкатлар, иккинчи томондан, нотижорат ассоциациялари ўртасидаги оралиқ ўтиш вазиятини эгаллайдиган, иқтисодий мақсади умумий бўлган бирлашмаларга тўғри келади.

4.0. Холдинглар фаолиятининг қонунчилик асослари

Холдинглар трестларнинг ривожланиш натижасидир. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида сармояларини бирлаштирувчи компаниялар ўз акцияларини эътимодли (ишончга асосланган) мулк қилиб жисмоний шахслар гуруҳига эмас, балки юридик шахсларга бера бошлади. Шундай асосда сақлаб турувчи турдаги ёки холдинг компаниялар вужудга келди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бирон бир ишлаб чиқариш вазифаларини бажармайди. Уларнинг вазифаси - соф бошқарувчиликдан, яъни эъти-модли мулк эгаси сифатида уларга ўз акциялари ёки акциялар назорат пакетини берувчи компанияларнинг фао-лиятига умумий хўжалик раҳбарлигини бажаришдан иборат. Компания бу акцияларни ўз органлари, хусусан, ди-ректорат орқали сотади. Бу директорат таркибига ишти-рокчи-компания ўз директорларини юборади. Таъсисчи компаниялар ўзлари холдинг компанияга берган акция-лар ўрнига алоҳида гувоҳномалар ёки сақлаб турувчи ком-паниянинг акцияларини олади.

Холдинг компанияларни ташкил қиладиган таъсис-чи компаниялар бозорда мустақил юридик шахслар сифа-тида фаолият кўрсатади. Лекин уларнинг битимларда кўрсатиладиган хўжалик фаолияти йўналишларини акци-яларни сақлаб турувчи компаниялар белгилайди. Бундай битимларда кўпинча ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳсулот-ни сотиш ва хизмат кўрсатиш нархлари, сотиш ва таъ-минлаш бозорларини тақсимлаш, техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш кабилар белгиланади. Бундай турдаги би-тимлар монополияга қарши қонун ҳужжатлари нормала-рига зид бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида холдинг компаниялар-нинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган Низом (Холдинглар ҳақидаги низом) асосида белгиланади.

Бу Низомга мувофиқ, активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялар назорат пакети кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади.

Акциялар (пайлар, улушлар) назорат пакети корхона

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

сармоясида қатнашишнинг исталган шаклини ифодалаб, у иштирокчиларнинг умумий мажлисида ва бошқарув органларида муайян қарорларни қабул қилиш ёки рад қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Акциялар назорат пакетининг мавжудлиги ҳақидаги қарор монополияга қарши орган томонидан таъсис ҳужжатлари хусусиятларини ва корхона сармояси таркибини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

Холдинг активлари таркибига кирадиган акциялар пакетини назорат қиладиган корхоналар шубба корхоналар ҳисобланади. Шубба корхоналар мустақил юридик шахс ҳисобланади. Ўз навбатида холдинг бошқа холдингнинг шубба корхонаси бўлиши мумкин.

Холдинг чет эл сармоясининг иштирокида ёки бутунлай унинг асосида, шу жумладан, хорижий корхоналарнинг акциялар назорат пакетини сотиб олиш йўли билан тузилиши мумкин. Холдинг активлари қимматли қоғозлар, пул маблағлари, шунингдек таъсисчилар шартнома асосида берган ёки холдинг маблағларига сотиб олинган мулк ҳисобига ҳосил қилинади.

Холдинг активлари таркибига шубба корхоналарнинг акциялар назорат пакети билан бирга акциялар паритет (тенг) пакети (икки иштирокчи бўлганда 50 фоиздан) ва бошқа хўжалик жамиятларининг сармоясида қатнашиш пакетлари (акциялар назоратсиз пакетлари) ҳам кириши мумкин.

Холдинглар инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, ҳар қандай қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга.

Шубба корхоналар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк, шу жумладан, асосий корхона, яъни холдингга тегишли акциялар назорат пакетининг қийм-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ати билан ҳам жавоб беради. Холдинг шубба корхона қарзи бўйича унинг таъсис шартномасида айтилган шартларда жавобгардир. Агар шартномада бундай шартлар бўлмаса, жавобгарлик қўлами ва тариқасини фуқаролик қонун ҳужжатлари белгилайди. Унда қуйидаги қоидалар кўзда тутилган:

а) агар шубба жамият асосий жамият айби билан тўловга лаёқатсиз (банкрот) бўлса, асосий жамият унинг қарзлари бўйича субсидиар (қўшимча) жавобгардир;

б) шубба жамият иштирокчилари (акциядорлар) асосий жамият айби билан шубба корхонага етган зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга (агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса);

в) шубба корхона (жамият) ўзининг асосий жамияти қарзлари бўйича жавобгар эмас.

Холдинг тегишли акциялар пакетининг миқдоридан қатъи назар, қандай шаклда бўлмасин, шубба корхоналар холдинг акцияларига, шу жумладан гаров ва трастга (эъти-модли мулкка) эгалик қила олмайди.

Шубба корхоналар акциялари умумий мажлисларда холдинг вакиллари ушбу шубба корхонанинг акциялар назорат пакетига мувофиқ тарзда овоз бериш ҳуқуқига эга. Шубба корхонанинг уставида рўйхатта келтирилиши лозим бўлган стратегик жиҳатдан муҳим ривожланиш масалаларини ҳал қилиш учун унда малакали кўпчилик ҳақидаги норма белгилаб қўйилади.

Холдинглар шерик корхоналар қўлсизлигига ва уларнинг мувофиқлашган инвестиция сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш учун тузилади. Холдингта ёки унинг шубба корхоналаридан бирортасига холдинг компанияси шубба корхоналарининг маҳсулоти (ишлари, хизматлари)ни учинчи шахе томонидан сотиш (экспорт опе-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

рациялари бундан истисно), шунингдек холдинг томонидан қандайдир шаклда ўша маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг нарҳини тартибга солиш ҳуқуқини беришга рухсат этилмайди.

Холдинглар монополияга қарши органнинг рухсати билан тузилади. Холдинг тузишга рухсат олиш учун монополияга қарши органга бошқа ҳужжатлар билан бирга устав лойиҳаси, холдингни тузишга хоҳиш ҳақида баённома ёки таъсисчилар шартномаси, тузиладиган холдингта киритиш тавсия қилинаётган корхоналар рўйхати, шу корхоналардан ҳар қайсисининг хўжалик фаолияти турлари ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар топширилади.

Агар холдингни тузиш бирон бир маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш монополиясига олиб келадиган бўлса, бундай холдингни тузишга рухсат берилмайди. Агар холдинг бир турдаги ёки ўзаро алмаштириладиган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)нинг муайян гуруҳи бўйича монополия деб тан олинса, шу гуруҳ бўйича монополчи-корхоналар реестрига қўшилган бўлса, нарҳлар амрини ўтказиш воситасида бозорда ўзининг устунлик ҳолатини амалга оширса, унга ва унинг шу гуруҳдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган шубба корхоналарига монополияга қарши қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жазо чоралари қўлланади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ монополиячилар жумласига киритилган корхоналарнинг акциялар назорат пакетларига эга бўлган холдингларни ҳам тузишга рухсат берилмайди. Бозорда бир турдаги ёки ўзаро алмаштириладиган маҳсулотларнинг муайян гуруҳининг умумий улushi монополияга қарши орган белгиллаган энг юқори қийматдан ошадиган корхоналарнинг акциялар назорат пакетларига эга холдингни ҳам тузишга рухсат берилмайди, чунки бундай шароитларда у мустақил ёки

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

шубба корхоналари билан бирга фаолият кўрсатиб, товарларнинг айланиши шароитига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, бошқа ҳўжалик субъектларининг бозорга киришини қийинлаштиради ҳамда шу билан истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зиён келтиради.

Савдода, моддий-техника таъминотида, умумий оқатланишда, маиший хизматда, коммунал ҳўжалигида, транспортда (темир йўл, авиация, трубопровод транспорти ҳамда фақат халқаро ташишлар билан шуғулланадиган корхоналардан ташқари), халқ бадий ҳўнармандчилиги ишлаб чиқаришида холдинглар тузишга йўл қўйилмайди.

Холдинглар барча турдаги ҳўжалик ассоциациялари (уюшмалар, концернлар, консорциумлар, корпорациялар ва ҳ.к) ёки бошқа корхоналар бирлашмаларининг, шунингдек, давлат бошқаруви органлари бирлашмаларининг меросхўри бўла олмайди.

Холдинглар таъсисчилари ўз уставларида монополияга қарши органнинг тавсиялари асосида тadbиркорлик фаолияти тарзига ва шубба корхоналарнинг фаолиятига таъсир қиладиган қарорларни қабул қилиш ваколатлари чегараларига чекловлар белгилаш ҳўқуқига эга.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган корхона (корхона бўлинмаси)ни шубба корхонага айлантиришга фақат меҳнат жамоасининг умумий мажлисида барча ходимларнинг ярмидан кўпининг овози билан қабул қилинган рoзиллиги туфайлигина амалга оширишга руҳеат берилади.

Тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда холдингларнинг ҳар турлилиги ва ташкил қилиш тартиби муҳим аҳамиятга эга.

Сармоясининг 50 фоизидан кўпини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари ва бошқа молиявий активлар ташкил қиладиган холдинг молиявий холдинг ҳисоб-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ланади. Молиявий холдинглар активлари таркибига фақат қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар, шунингдек холдингни бошқариш аппаратининг фаолиятини таъминлаш учун бевосита зарур бўлган мол-мулк кириши мумкин. Бу шартни бажармаслик шу холдингнинг акциялари эмиссияси проспектини рўйхатдан ўтказган органининг тақдими асосида ҳужалик суди уни тутатиш тўғрисида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Молиявий холдинглар фақат инвестиция фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга, фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

Улар шубба корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларига аралаштириш ҳуқуқига эга эмас. Молиявий холдинг вакиллари фақат шубба корхоналарнинг акциядорлари мажлисларида қатнашишлари мумкин. уларни кузатув кенгаши, бошқарув ва шубба корхоналарни бошқарадиган бошқа органларга киритишга рухсат берилмайди.

Молиявий холдинглар ўзларига тегишли акциялар билан фақат ташкил қилинган қимматли қоғозлар бозорида, яъни фонд биржаларида битимларни амала оширади. Бу талабни бажармаслик амалга оширилган битимларнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Холдинглар корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришда таъсис этилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат мулкани бошқаришга ваколатли органлар, шунингдек ўз сармояси (хусусий маблағлари)ни пай, улуш, акциялар тарзида қўйиш истагини билдирган нодавлат юридик ва жисмоний шахслар таъсисчилар бўлиши мумкин. Холдинг иштирокчиларининг сони чекланмайди.

Шубба корхоналарига айлантириладиган корхоналар (бўлинмалар)нинг ходимлари тасдиқланган рўйхатлар ва

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ёпиқ обуна натижаларига мувофиқ бериш ва сотиш учун мўлжалланган акцияларни давлат мулкани бошқариш органининг розилиги билан холдингнинг устав фондига қўшишлари мумкин. Бу акцияларнинг ўрнига шубба корхоналарнинг ходимларига холдинг акциялари берилади (номинал қиймати бўйича сотилади).

Давлат мулкани бошқаришга ваколатли орган холдингни тузиш ҳақида қарор қилган ҳолда:

- шубба корхоналарнинг акциялар пакетлари ва бошқа активларни холдингнинг устав сармоясини тўлаш тартибида давлат мулкани бошқаришга ваколатли орган томонидан қўшилади. Бунда холдингнинг устав сармояси шу акциялар пакетлари ва унга таъсисчилар берадиган бошқа активларнинг йиғма номинал қийматига тенг;
- шубба корхоналарнинг қолган акциялари давлат мулкани бошқаришга ваколатли органларга тақсимлаш (сотиш) учун берилади;
- холдинг акциялари унинг иштирокчилари ўртасида ўзларининг ҳиссаларига мувофиқ тақсимланади. Давлат мулки ҳисобланган акциялар сотилиши лозим.

Холдинглар тўғрисидаги Низомда корхоналарни қайта тузиш ва ўзгартиришнинг муайян доираси кўзда тутилган. Бу эса эркин рақобатни ривожлантиради ва янги монополиячиларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Бир корхонанинг иккинчи корхонага сингиши шу иккинчи корхонанинг биринчи корхона акциялар назорат пакетини сотиб олиши ҳисобланади. Бунда сингдириб олувчи корхона холдинг (агар шундай бўлмаган бўлса), сингувчи корхона эса шубба корхона деб эътироф этилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Қуйидаги ҳолларда корxonанинг сингишига йўл қўйилмайди:

- агар корхона ва холдинг (унинг бошқа шубба корхоналари) учинчи шахсларга ўхшаш ва ўзаро алмаштириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотса;
- агар холдинг ёки унинг шубба корхоналаридан бири сингадиган корхона ишлаб чиқарадиган товарлар (хизматлар) истеъмолчиси бўлса ва тегишли бозорда сингадиган корxonанинг улуши пайтида биринчи корхоналарнинг тегишли товарлар (хизматлар)ни истеъмол қилиш даражасининг 35 фоизидан кўпни ташкил қилса ёки ундан кўп бўлса;
- агар сингадиган корхона холдинг ёки унинг шубба корхоналаридан бири ишлаб чиқарадиган товарлар (хизматлар)ни сотиш билан шуғулланса ва тегишли бозорда сингадиган корxonанинг улуши сингиш пайтида кейинги корхоналар улушининг 35 фоизидан кўпни ташкил қилса ёки ундан кўп бўлса.

Худди шундай ҳолатларда корхоналарнинг бирлашишига йўл қўйилмайди (устав сармоясининг миқдоридан қатъи назар). Бу қоида бир корxonанинг иккинчи корхонага қўшилиши ҳоли учун ҳам тегишли.

Агар сингиш натижасида холдинг сармоясида қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар улуши 50 фоиздан ошмайдиган даражага етса, юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилиш шarti билан молиявий холдинг ва шубба корxonаси (корхоналари)нинг сингишига йўл қўйилди.

Холдинглар ҳар чоракда ўз балансларини, фойдалар ва зарарлар ҳисобварақларини, шунингдек, бошқа корхоналарнинг ўзларига тегишли акциялари (сармоядаги иштироки улуши) ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ҳамда қонун

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ахборотларни эълон қилиб туриши шарт.

Холдинг ҳар қандай корхона (жумладан шуъба) акцияси бўйича 5 фоиздан кўп олди-сотди ўтказган бўлса, буни битим бажарилган пайтдан бир ҳафта муддатда албатта, эълон қилиши керак. Бу маълумотлар битим иштирокчиларининг тижорат сири жумласига қўшилмаслиги лозим.

Бу талабни бузиб амалга оширилган битимлар, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Холдингнинг шуъба-корхоналар билан ўзаро муносабат механизми муҳим аҳамиятга эга. Холдинг билан шуъба корхоналар ўртасидаги структуравий-функционал муносабатларнинг уч тури фарқланади: қатъий, юмшоқ ва мослашувчан.

Қатъий шаклдаги структуравий-функционал муносабатларда шуъба корхоналар ўз ҳўжалик мустақиллигидан маҳрум бўлади, асосий компаниянинг ички бўлинмасига айланади, натижада уларнинг иқтисодий манфаатларига путур етади.

Юмшоқ шаклдагисида шуъба корхоналарнинг иқтисодий манфаатларига путур етмайди, лекин улар уйғунлашмайди ҳам, шунинг учун асосий компаниянинг башоратига кўра ягона техникавий ва инвестиция сиёсатини юргизиш амалда мумкин эмас. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳол шуъба корхоналар структуравий жиҳатдан тўлиқ ривожланган, рақобатбардошлиги юқори бўлган, бозордаги “ўз” сектори барқарорлашган ва ўсаётган, акцияларнинг дивидентлиги рисоладагидек бўлган (акциядорлик жамияти учун), шуъба корхоналарнинг хусусий акциялари даромадлилик ва ликвидлик кўрсаткичлари

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

якши бўлган ҳоллардагина ўзини оқлайди. Бундай ҳолда асосий корxonанинг манфаатлари ва тегишлича улар ҳал қиладиган вазифалар шубба корxonаларнинг қимматли қоғозларидан фойда олишга қаратилади. Бу шакл холдин-гллар ҳақидаги Низомда кўзда тутилган молиявий холдин-гллар ҳуқуқий мақомига кўпроқ мос келади.

Функционал муносабатларнинг мослашувчан шаклида шубба корxonаларнинг манфаатларига путур етмайди, улар мустақил хўжалик юритувчи субъект, яъни юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қолади, лекин ягона акцияга ўтиш ҳисобига бу манфаатлар асосий компания доирасида ягона акция жалб қилинган маблағлар билан шубба корxonаларнинг лойиҳаларини инвестициялаш соҳасида ягона сиёсат олиб боришга имкон беради, ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш учун, жаҳон бозорида рақобатбардошлик даражасига чиқиш учун зарур база яратади. Шубба корxonалар (фирмалар) билан муносабатларнинг бундай турлари динамик тарзда ривожланаётган компаниялар жумласига кирадиган, саноатда жаҳон миқёсида етакчи ҳисобланган, яъни жаҳон бозорида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш борасида имкониятлари катта ва барча жиҳатларда доимий ривожланиш (янги товарлар ишлаб чиқариш, янги бозорларга кириб бориш ва ҳ.к) учун шароит яратадиган кўпчилик акциядорлик компанияларига хос.

5.0. Қишлоқдаги тадбиркорлик ва ер муносабатлари

Тадбиркорликнинг умумий қонун ҳужжатлари базаси доирасида қишлоқ ва ер муносабатлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги - республика ҳукуматининг иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга доир тадбирларини жорий қилишнинг муҳим соҳаси. 1989 йилда бошланган ислоҳ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

от иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги секторидаги бугун муносабатлар тизимини ўзгартириш учун пойдевор бўлди. Ислохот биринчи босқичининг асосий яқунлари бундай ўзгартиришларнинг зарурлигини тушуниб етиш, юз минглаб деҳқонларда хўжалик юригишнинг самарали усулларига ўтишга интилишнинг вужудга келиши бўлди. Ўзбекистонда мустақил хусусий ва жамоа тарзидаги товар ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлди ва динамик равишда кенгаймоқда. Бироқ, шу нарса ҳам равшанки, ерларни қайта тақсимлаш ва деҳқон хўжаликларига участкалар ажратиб беришнинг ўзи самарадорликни ошириш муаммосини ҳеч қачон ҳал қилмайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ичидаги мулкчилик муносабатларини ўзгартирмасдан, хўжалик юригишнинг турли шакллари фаолиятини таъминлайдиган иқтисодий ва технологик инфра тузилмани яратмасдан, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига давлат кўмагини бермай туриб, аграр секторда ижобий натижаларга эришиш мушкул. Шу муносабат билан 1994 йилда Президент ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигида бозор иелохотларининг янги босқичига ўтишни, унинг фалсафаси, мазмуни ва амалга оширишнинг аниқ механизмини белгилаб берувчи ҳужжатлар пакети қабул қилинди. Бу ҳужжатларда аграр сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади.

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотишдаги мустақиллигини ошириш;
- совхозлар ва колхозларни жамоа-улушли ва акциядорлик мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига, хусусий деҳқон хўжалиги ассоциацияларига айлантириш;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

- агросаноат мажмуасини бошқариш тузилмасини тубдан қайта қуриш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ўзгартириш;
- ер ислоҳотини жадаллаштириш;
- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган корхоналар ва тузилмаларни хусусийлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига самарали давлат кўмагини таъминлаш.

Ҳукумат қарорларига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан бирга тегишли йўриқнома-услубий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқди, республиканинг барча вилоятларида кенгашлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида ислоҳотнинг мақсадлари ва механизми кенг ташвиқот қилинди.

Натижада 1200 дан ортиқ совхоз ва давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари жамоа хўжаликлари (колхозлар)га, кооперативларга ва бошқа нодавлат тузилмаларга айлантирилди, 1350 та қорамол фермаси тўловларни ўн йил муддатда тўлаш шарти билан меҳнат жамоалари мулки қилиб берилди. Ҳозир 300 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бўйсунтириш ва ўзаро боғлиқликка асосланган мавжуд муносабатларини ўзаро манфаатдорликка асосланган янги муносабатларга айлантириш лозим. Бунда асосий тамойил - маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бирон бир ташкилий-иқтисодий ўзгартириш қарорини ихтиёрий қабул қилишидир. Фақат шу ҳолдагина янги хўжалик тузилмалари (очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, хусусий хўжаликлар, кооперативлар ва ҳоказо) ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олади ва, демак, иқтисодий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРТИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

жиҳатдан ўзини оқлайди. Ҳозир фаолият кўрсатаётган бригадалар, оилавий звеноларни бошқа турдаги тузилмаларга айлантириш керак ёки керакмаслигини, агар керак бўлса, қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини деҳқонларнинг ўзи ҳал қилиши лозим. Давлатнинг вазифаси - бунинг учун зарур меъёрий базани ишлаб чиқиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун ҳақиқий иқтисодий эркинлик ва жавобгарликни туғдириб берадиган шароитларни яратишдир.

Ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқарувчи юридик шахс бўлган тақдирдагина хўжалик қарорларини мустақил қабул қилиши ва ўз хатти-ҳаракатлари учун тўлиқ иқтисодий жавобгарликни зиммасига олиши мумкин. Мавжуд ҳуқуқий база деҳқонларга кенг доирада танлаш тўлиқ алоҳида майда деҳқон хўжаликларидан тортиб совхозлар ва колхозларни акциядорлик жамиятларига айлантиришгача бўлган имкониятни беради.

Қабул қилинган қарор юридик шахсни 5 ёки 500 кишидан ҳосил қилиш ҳақидаги қарорнинг тўғрилигини бозор, рақобат белгилайди. Хатолар ва камчиликларга йўл қўймаслик учун ҳар қайси ишлаб чиқарувчининг хўжалик юритишнинг аниқ шартларини - ер участкаларининг сифатини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини, бозорлар, таъминлаш ва сотиш шартларини, меҳнат кўникмаларини, ижтимоий-руҳий муҳит ва ҳоказони ҳар томонлама баҳолаш лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар фақат ички ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш билан чекланиб қолмайди.

Агар ҳукумат органлари деҳқонларнинг оператив хўжалик фаолиятига аралашаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари маъмурий тарзда бошқарилса, иш-

◆ БЎЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

лаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини мустақил сотиш ҳуқуқлари чекланса, акциядорлаш ва ҳўжаликни ўзгартиришнинг бошқа шакллари самарадорликни унчалик оширмайди. Деҳқонларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг мавжуд монополистик каналларини ҳақиқий бозор таъминоти билан алмаштириш, уруғликни, техникани, ўғитларни, касб-ҳунар хизматлари ва ҳоказоларни аниқ-равшан таклиф қилиш учун имконият яратиш лозим. Ишлаб чиқарувчиларни сон-саноқсиз воситачилардан қутқаришга, ҳақиқий бозор нархларини шакллантиришга имкон берадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорини ташкил қилиш керак. Қишлоқ ҳўжалигидаги ўзгаришларга шундай кенг ёндашувгина муваффақиятга олиб келиши, илгариги совхозлар ва колхозларни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тайёр турган товар ишлаб чиқарувчиларга айланттириши мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги тузилмасини ўзгартиришда энг муҳим икки вазифани - қишлоқ ҳўжалиги ишларидан бўшган аҳолига янги иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларини кўзда тутиш лозим. Ҳар қайси ҳудуд учун ўша ҳудуднинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, муаммоларни ҳал қилиш усуллари аниқлашга ёрдам берадиган мақсадлар дарахтини (жадвал) тавсия қилиш мумкин.

Ҳал қилувчи масала - ерга эгалик ҳуқуқи. 1990 йилда, социалистик мулк ғояси ҳукмронлиги даврида республикада деҳқонларга ташкилий равишда ер участкалари ажратиб бериш бошланди. “Шахсий ёрдамчи ҳўжалик” (томорқа)ни юритиш учун ҳар бир оилага 0,2 га гача ер ажратилди.

Амалда эса булар хусуеий қишлоқ ҳўжалиги товарла-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Қишлоқ ҳўжалиги ишларидан бўшаган аҳолининг бандлигини таъминлаш

1995-2000 йилларда 2,0 млн. киши учун 100000 корхона ташкил қилиш

Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол молларига талабни қондириш

Сервис мажмуасини жадал ривожлантириш			
Хизматлар кўламини кенгайтириш ва ошириш	Хизматларнинг янги фанбоп ва сермеҳнат хилларини жорий қилиш	Улгуржи воситачилик ва транспорт хизматларини кенгайтириш	Тузатиш-қуриш хизматларини ташкил қилиш
Ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва сифатини яхшилаш			
Ресурс базани аниқлаш ҳамда маҳаллий хом ашё ва материалларни қайта ишлаш	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш	Қишлоқларда корхоналар буюртмаларини жойлаштириш (уйда ишлаш ва ҳ.к.)	Намунали участкалар, цехлар, ишлаб чиқаришларни яратиш
Махсус иқтисодий зоналарни яратиш	Халқ балиғий ҳунармандчилигини ривожлантириш	Ишчи кучини экспорт қилиш	

Давлат қўллаб-қувватлаш тизими

Қонуний меъёрий база
Солиқ қонун ҳужжатлари
Молиявий қўллаб-қувватлаш
Моддий-техника ресурсларига эришиш
Ишлаб чиқариш даражасини кўтариш
Маркетинг
Махсус иқтисодий зоналар
Кадрлар тайёрлаш
Ахборот билан таъминлаш
Тармоқ ва ҳудудий бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлиги

Мақсадлар дарахти

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

ри ишлаб чиқарувчилар эди; улар нима қилишлари керак-лигини мустақил ҳал қилиб, ўз маҳсулотларини рақобат бозорларида сотарди.. 1990-1993 йилларда деҳқонлар ўртасида 300 минг гектардан ошиқ ер бўлиб берилди. 1994 йилда савдо объектлари сотила бошлади ва улар жойлашган ерда хизматлар кўрсатила бошлади. Республика Президентининг “Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонида 0,04 га ўлчамдаги ерни якка тартибдаги қурилиш учун ва 0,06 га ерни шахсий томорқа учун сотиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонда фойдаланилмай ётган ерлардан суғориш тармоқлари бор жойларда 5 га гача, суғорилмайдиган жойларда 15 га гача ерни сотиш режалаштирилмоқда. Бу тadbир - бозор хўжалигига монанд ер муносабатларини яратишнинг асоси.

Ҳозирги босқичда ерга тўлиқ қўламдаги хусусий мулкчиликни жорий қилишнинг имкони йўқ, чунки ислоҳотнинг пировард натижасини аниқ тасаввур қилиб олиш лозим. Ўзингиз айтинг, қайси бири яхши: аҳоли ва миллий иқтисодиётнинг озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондирадиган, самарадорлиги юқори, экспортга мўлжал олган аграр ишлаб чиқаришми ёки майда ер эгалликларига, қўл меҳнатига ва қолақ технологияга асосланган, на экспортнинг ўсишини, на ички эҳтиёжни таъминлай оладиган тарқоқ қишлоқ хўжалигимиз?

Давлатнинг тарихий тажрибасини, ижтимоий қийматларни, аҳолининг руҳияти, миллий анъаналарини, демографик жараёнлар тарзини ҳисобга олган ҳолда ер муносабатларини ислоҳот қилишнинг мавжуд шароитларини ҳаққоний баҳолаш лозим. Бунинг устига энг маҳсулдор, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер-мулклари майдони чекланган (4,2 млн. гадан кўп эмас). Бу ерларни юз мин-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРҚОРЛИКНИ ҚОНУН-МЕЪРИЙ БАЗАСИ

глаб деҳқон оилалари ўртасида адолат билан тақсимлаш усули топилган тақдирда ҳам ерга эгалик тузилмаси жуда самарасиз бўлади, чунки майда деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг замонавий шакллари ва илғор технологиядан фойдалана олмайди. Бор гап шуки, ҳозирги босқичда кўпчилик деҳқонлар ерни сотиб олишга ҳам, унда самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборишга ҳам етарли маблағга эга эмас. Бу ҳол яқка хўжаликларни хонавайрон бўлишга олиб келади. Ер чайқов объектига айланади, хусусий мулк эса ижтимоий кескинликка сабаб бўлади. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигидаги самарали иқтисодий муносабатларни фақат ерга хусусий мулкчилик асосида қуриб бўлмайди.

Шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган пунктларда ерни тақсимлаш муаммоси бошқачароқ. Буларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсаддаги объектларни жойлаштирадиган бойлик сифатида ерга ҳаммининг тенг эришишини ва ернинг ҳақиқий баҳосини аниқлашни таъминлайдиган бозор механизми яратилмоқда.

Ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини танлов асосида тақсимлаш, уларни хусусийлаштирилган савдо ва маиший соҳа объектлари билан бирга хусусий мулк қилиб сотиш Ўзбекистон шароитига мос қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бозори моделини ишлаб чиқишга имкон беради.

Атоқли иқтисодчи А.Чаянов шундай деб ёзган эди: “Халқ учун ерга эгалик қилиш эмас, балки ундан фойдалана олиши, унда мунтазам ва баракали ишлашига ҳеч кимнинг халақит бермаслиги муҳимдир”. Деҳқонни камбағалликдан ерга хусусий мулкчилик эмас, балки ўз меҳнати самарасига бўлган ҳуқуқи, унинг натижаларидан ва ердан адолатли фойдаланиш қутқаради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги ер мулкчилигининг юридик шаклига ҳеч боғлиқ эмас. Бунда энг асосийси - ер эгаси билан ерга ишлов берувчилар орасидаги, қишлоқ хўжалигидаги, қайта ишлаш саноати, савдодаги ишлаб чиқариш муносабатлари занжирининг барча иштирокчилари орасидаги иқтисодий муносабатлардир. Францияда давлат ихтиёрида 50%, Бельгияда - 70%, Исроилда - 90% қишлоқ хўжалиги ер-мулклари мавжуд. Аграр сектор жуда тараққий этган Голландияда барча қишлоқ хўжалиги ер-мулклари давлатга тегишли, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ерга узоқ муддатли ижара асосида ишлов беради. Шундай қилиб, давлат ерларидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлик гарови ерни узоқ муддатли (50-100 йил) ижарага олиш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантиришни таъминлаш учун фақат ерга давлат эгалиги ҳуқуқининг буйруқбозлик-бюрократларча шаклини тутатиш лозим. Ердан хўжалик мақсадларида фойдаланишнинг давлат монополияси марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг яккаҳокимлигини, ерни назоратсизлик ва масъулиятсизлик билан тасарруф қиладиган бюрократик аппаратни келтириб чиқарди. Кўп хўжалик раҳбарлари ҳам ерни ғаразли мақсадларда талон-тарож қилиш билан шуғулландилар, улар кўпинча ерни “менга деса го-влаб кетмайдами” қабилида иш тутадиган айрим хусусий ишлаб чиқарувчиларга узоқ муддат фойдаланиш учун бериб қўйдилар. Айни вақтда бевосита ҳақиқий ишлаб чиқарувчи ерга эгаликдан ва ўз меҳнатининг пировард натижаларидан четлатиб қўйилди. Амалда у ёлланма ходимга

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

айланди ва ерга арзимас бир мавҳум буюмга муносабатда бўлгандек муносабатда бўлди. Шунинг учун деҳқонда ерга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ундан самарали фойдаланишга иқтисодий қизиқишнинг йўқлиги мутлақо табиий ҳол. Бундай ёндашув эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етказиб берилишига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди.

Ислоҳотлар деҳқонга иқтисодий эркинлик бериши, ўз имкониятларини тўлиқ ишга солишини таъминлаши, у ишлов бераётган ернинг дахлсизлигига ҳуқуқий кафолат бериши, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ердан фойдаланишнинг бозор механизмларини кенгайтириш керак. Фармон қабул қилиниши билан ер муносабатларининг бозор ўзгаришлари сифат жиҳатидан янги поғонага чиқади. Фармонда Қорақалпоғистон Республикасида тажриба тариқасида ер участкаларини фуқароларга сотиш ҳуқуқсиз умрбод эгалик қилиш учун кимошди савдосида сотиш тартиби киритилади. Ер участкаларини кимошди савдосида умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш шарти билан сотиб олган шахс ўз манфаатларини ҳимоя қилишнинг қатъий давлат кафолатини олади. Уларнинг ерлари қонунда кўзда тутилмаган мусодара қилиш ва тортиб олиш каби амалларга учрамайди. Давлат ерни авлоддан авлодга мерос қолдириш кафолатини беради. Ер эгаси шунга ишонч ҳосил қилиши керакки, унинг ер-мулки ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий бўронларда ҳам даромад олиш манбаи бўлиб қолаверади. Бўлажак ердан фойдаланувчининг ҳуқуқларини сифат жиҳатдан кенгайтириш билан бир вақтда ердан хўжасизларча фойдаланганлик учун уларга нисбатан иқтисодий жазо

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

чорасининг белгиланиши жавобгарлик ҳиссини кучайтиради.

Ер соҳасида ижара муносабатларини ривожлантиришда анчагина ҳал қилинмаган муаммолар вужудга келади. Мавжуд қонун ҳужжатларини ижарага берувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, ижара ҳақини ҳисоблаш усуллари аниқ белгилаб қўйилган меъёрий ҳужжатлар билан тўлдириш керак. Вариантлардан бири сифатида ижара ҳақини натура шаклида ундириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан фоизларда белгилаш мумкин. Бу усул ер учун ижара ҳақини унинг сифати билан боғлашга, деҳқонларнинг ердан фойдаланишдаги таваккалчиликни йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан “баҳам” кўришларига имкон берар ва уларнинг манфаатдорликларини оширар эди.

Шундай қилиб, ер бозорини шакллантириш жараёни борган сари пухтароқ давлат, ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўлиб боради. Бу жараённи амалга ошириш турли босқичлар, кўламлар, шакллар ва усулларни кўзда тутадиган эволюция йўлидан боради. Бу жараён давлатнинг ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш, жамиятнинг ҳаёт кечириши тизимидаги таркибий қисм сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун жавобгарлиги сақланган ҳолда амалга ошади. Ердан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларнинг босқичма-босқич борадиган бозор ўзгаришлари ерларнинг ҳолати яхшиланишига, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва ресурслардан самаралироқ фойдаланишга олиб келиши лозим.

Ер ажратилиш тартиби ва асосий тамойиллари республикада “Ер тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бошқарилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРҚОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

шуғулланишни хоҳлаган фуқаролари қуйидаги мақсадларда ер участкаларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга олиши мумкин:

- шахсий томорқа хўжалигини юритиш;
- якка уй-жой қурилиши ва турар жойга хизмат кўрса-тиш;
- жамоат бўлиб боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланиш;
- деҳқон (фермер) хўжалигини юритиш.

Шу мақсадларда қишлоқ аҳоли яшайдиган пунктларида ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёридаги, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар ва ширкатлар (кейинчалик бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари) тасарруфидаги ерлар ажратилади. Ер улушларининг аниқ ўлчамлари ер майдонларининг мавжудлигига қараб ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади.

Томорқа участкаларининг ўлчамлари ер ресурслари-га қараб, оилалар, фуқароларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Жамоа хўжалигида - хўжалик аъзоларининг умумий мажлисида ва уставга мувофиқ, давлат хўжалиги ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида - уларнинг кенгашларида (кенгашлар баённомасини ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарори билан тасдиқлаш керак) аниқланади.

Қишлоқ жойларда яшайдиган ва ўзининг томорқа участкаси бўлмаган мустақил оила сифатида қишлоқ ўзини-ўзи бошқариш органининг хўжалик дафтарига қайд қилинган оилалар янги томорқа участкалари олиш ҳуқуқини эга. Ер участкалари майдони ушбу хўжаликда белгиланган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ер улуши меъёридан кам бўлган мустақил оилалар томо-
рқа участкасини кенгайтириш ҳуқуқига эга.

Жамоа хўжаликлари (колхозлар), давлат хўжалик-
лари (совхозлар), шаҳар ҳудуди таркибига киритилган алоҳида
аҳоли яшаш пунктларида 5 йилдан ортиқ ишлаган ва иш-
лашда давом этаётган колхозчиларнинг оилаларига сов-
хозларнинг ишчилари ва хизматчиларига, шунингдек
ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларга ёрдам-
чи қишлоқ хўжалиги юритиш учун умрбод фойдаланила-
диган ва мерос қилиб қолдириладиган ер участкаси бери-
лади; ер участкасининг ўлчами улар яшаётган жойдаги
хўжаликда белгиланган меъёрдан келиб чиқиб аниқлана-
ди; унга иморатлар ва ҳовли банд қилган майдон ҳам ки-
ради.

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ҳамда бо-
шқа қишлоқ хўжаликлари ва ўрмон хўжаликлари корхо-
налари, муассасалари, ташкилотлари тасарруфидаги қи-
шлоқ аҳоли яшайдиган пунктларида яшовчи, уларда иш-
ловчи ва томорқа участкаси олишга ёки борини кенгайти-
ришга муҳтож фуқаролар яшаш жойларидаги давлат хўжа-
лиги дирекциясига ёки жамоа хўжалиги идорасига ариза
беради, уни ишчи комиссия икки ҳафта мобайнида кўриб
чиқади ва ижтимоий адолатта риоя қилган ҳолда аниқ қарор
қабул қилади. Бу ишчи комиссия таркибига ер тузувчи
мутахассис ёки ер масалалари билан шуғулланувчи мута-
хассис (комиссия раиси), агроном, тафтиш комиссияси
раиси, ирригатор, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб
чиқариш илғорлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва-
киллари киради.

Ҳар қайси аризага доир қарор ушбу хўжаликда қабул
қилинган ер улуши нормасини ҳисобга олиб, оила аъзола-
ри сонига, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

натига, илгари ажратилган ерлардан амалда қандай фойдаланилаётганига, қўшимча ердан кўнтилдагидек фойдаланиш имкони бор-йўқлигига қараб қабул қилинади.

Ишчи комиссия аризаларни кўриб бўлганидан сўнг жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари кенгашларининг акциядорлик жамиятлари, ширкатлар бошқарувининг ваколатли вакилларининг мажлиси чақирилади; унда кўриб чиқиш учун ишчи комиссия томорқа ер участкалари олишга муҳтожларнинг рўйхатини топширади. Бунда ҳар қайси оиллага ажратиладиган майдон кўрсатилади, шу билан бирга янги ер участкалари учун ажратиладиган ерлар алоҳида, мавжудларини кенгайтирадиганлари алоҳида қайд қилиниши лозим.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари ҳудудига доимий истиқомат қиладиган, лекин уларда ишламайдиган фуқаролар яшаш жойларидаги шаҳарча, қишлоқ ўзини-ўзи бошқариш органларига ариза топширади, у ерда ҳам аризани икки ҳафталик муддатда кўриб чиқилади ва ижобий қарор қабул қилинса, жамоа хўжаликлари, жамиятлар ва давлат хўжаликларининг меҳнат жамоаси кенгаши ва маъмуриятининг ваколатли вакиллари мажлисига тасдиқлаш учун тақдим қилинади.

Хўжаликлар мажлисларининг баённомаларига томорқа ер участкалари оладиган оилаларнинг рўйхатини илова қилиб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига, сўнгра - туман ҳокимият органлари (ҳокимликлар)га юборилади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва якка уй-жой қурилиши учун ер ажратишга доир ер тузиш материаллари юридик жиҳатдан расмийлаштирилганидан сўнг хўжалик ер тузувчи мутахассиси ёки ер масалалари билан шуғулланувчи мутахассис ҳар қайси оиллага ажратилган томорқа

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРҚОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ер участкасини уларга кўрсатади ва чегараларини белгилаб, қозиқ қоқиб қўяди. Сўнгра маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакили янги ер эгасига ер участкасининг (асосий ва кенгайтириш учун олинган) жойлашиш схемасини, ваколатли вакиллар мажлиси ёки жамоа хўжалигининг умумий мажлиси баённомаси (давлат хўжалиги кенгаши мажлиси баённомаси)дан кўчирма ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи ва туман ҳокимлиги қароридан кўчирма беради.

Деҳқон (фермер) хўжалиklarини ташкил қилиш учун ер участкаларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериш ёки кейинчалик муддатини суриш ҳуқуқи билан камида 10 йил муддатга ижарага бериш мумкин. Биринчи навбатда ерлар чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун берилади. Ихтиёрида камида 30 бош қорамоли бор деҳқон (фермер) хўжалиklари ер участкалари олиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Чорвачилик йўналишидаги деҳқон (фермер) хўжалиklarини юритиш учун ажратиладиган ер участкасининг ўлчами ҳар бир бош қорамол учун Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятларига 0,3 га дан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида сугориладиган ерларда 0,45 га дан, лалми ерларда 2,0 га дан қилиб белгиланади.

Тоғ этаги ва чўл зоналарида қўйчилик билан шуғулланиш учун яйлов ерлар ажратилади.

Сабзавотчилик ва боғдорчилик экинларини етиштириш учун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамлари маҳаллий шароитларни, деҳқон хўжалигидаги меҳнатга яроқли аҳоли сонини ҳисобга олиб аниқланади. Бу мақсадлардаги ер участкасининг энг маъқул ўлчами 2 га чани

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

лалми ерларда 10 га чани, боғдорчилик ва узумчилик учун 5 га чани ташкил этади.

Деҳқон (фермер) хўжалигини юритиш учун ер участкаси олишни хоҳлаган фуқаролар хўжалик бошқарувиغا (идорасига) ариза беради. Аризада оиланинг меҳнатга яроқли аъзолари сони ва мўлжалланаётган фаолият тури кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Ер тўғрисида”ги Қонунининг 24 ва 31- моддаларига мувофиқ, шаҳарлар ва шаҳар аҳоли яшайдиган пунктларида истиқомат қиладиган, томорқа ер участкалари бўлмаган фуқароларга боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бир умр фойдаланишга ёки полизчилик билан шуғулланиш учун вақтинчалик фойдаланишга томорқа ер участкаси ажратилади.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар банд қилиб турган ер участкаси билан бирга хусусий мулкчиликка сотиш тўғрисида қарор қабул қилди. Улар танлов бўйича ёки кимощди савдосида сотилади. Бу тадбирлар Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, ер участкаларини хусусий мулкчиликка сотиш тўғрисида қарор чиқарганидан сўнг амалга оширилади.

Тегишли ҳудуднинг вилоят, туман ва шаҳар ер тузиш хизматлари ер участкаси, иморатлар қурилган ва қурилмаган майдонлар чегарасини аниқлайди ҳамда сотувчига (Давлат мулки қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқарма-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

сига) шу майдонларнинг ўлчамларини тасдиқловчи ҳужжатларни топширади. Бунда ер майдони сотиб олинadиган савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси объектининг санитария ва технология жиҳатдан рисоладагидек фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур энг кичик ўлчамдан катта бўлмаслиги лозим.

Танлов (конкурс) ёки кимошди савдоси (аукцион) голибига Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси белгиланган тартибда ер участкасига эгаллик ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат ордерини беради. Бу ордер кейин тегишли ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Ерга эгаллик ҳуқуқини берадиган давлат ҳужжати (акти) берилади.

Ер участкаларининг қаерда жойлашганлиги, муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлиги ва ҳоказога қараб табақалаштирилган бошланғич нархларини белгилаш учун тегишли шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг қарори билан минтақаларнинг ҳудудлари қуйидагича зоналарга бўлинади:

- 1) Тошкент шаҳрида - 14 зона;
- 2) вилоят марказларида ва аҳолисининг сони 100 минг кишидан кўп бўлган шаҳарларда - 4 зона;
- 3) аҳолисининг сони 100 минг кишидан кам бўлган шаҳарчаларда - 3 зона;
- 4) бошқа шаҳарчаларда - 2 зона.

Ер майдони бирлигининг бошланғич нархи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкасининг 50 карралик миқдоридан қилиб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ер майдони бирлигининг бошланғич нархига оширувчи коэффициент киритилиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солишда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналари ҳамда тайёрлаш ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган меъёрлар жуда муҳим ҳисобланади. Ана шундай муносабатларни тартибга соладиган яқингача амалда бўлган ҳуқуқий меъёрлар ўша иттифоқ даврларида белгиланган бўлиб, турган гапки, ҳозирги кун талабларига ҳамда мустақил давлат сифатида Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос ва ўзига мос томонларига жавоб бермайди. Биринчи навбатда шунинг учунки, иттифоқ қонун ҳужжатлари тайёрлаш тизимининг устунлиги тамойилида тузилган. Хўжалик ишлаб чиқарган маҳсулотини конкрет тайёрловчига топшириши лозимлиги, бўнак (аванс) тўлашнинг бўлмаганлиги ва ҳақнинг ўз вақтида тўлаш учун жавобгарликнинг йўқлиги ва ҳоказолар хўжаликни жуда қийин аҳволга солиб қўяди.

Бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига битимлар тузиш ва битимлар шартномаларини ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди; бу Низом мулкчилик шаклидан ва маҳсулот давлат буюртмаси бўйича ҳисобга олинаяптими ёки томонларнинг розилиги билан эркин сотиб олинаяптими - бундан қатъи назар, барча маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга тааллуқли.

Низом томонларнинг битимлар шартномаларини тузишларини кўзда тутди; бу шартномаларнинг асосий хусусияти шундаки, тайёрлов ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат қабул қилиш ва ўз вақтида ҳақини тўлаши, балки хўжаликка уни ташишда, ишлаб

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

чиқаришни ташкил қилишда, бўнак (аванс) тўлашда улар-га ёрдам бериши ҳам лозим.

Тайёрлов ташкилотлари хўжаликлар билан ўз вақти-да шартномалар тузиши, маҳсулотларни сотиб олиши, бар-ча маҳсулотларни шартномада кўзда тутилган муддатлар-да мутгасил қабул қилиб олиши лозим. Тайёрлов ташки-лотлари зиммасига яна хўжаликларни идишлар ва ўров материаллари билан таъминлаш вазифаси ҳам юкланади.

Низом қайта ишлаш саноати ва савдо ташкилотла-рининг хўжаликлар билан узоқ муддатли бевосита алоқа-ларини ривожлантиришни кўзда тутаяди, тайёрловчилар ва қайта ишловчиларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиш ва уларни ўз транспорти билан олиб кетишга доир мажбуриятлари-ни белгилайди. Хўжаликларни уларга хос бўлмаган вазифа - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш вазифаси-дан озод қилиш, уларга ўз эътиборларини энг муҳим му-аммолардан бири - ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш муаммосига қаратишларига имкон беради.

Тайёрлов ташкилотлари хўжаликларга шартномада кўрсатилган муддатларда бўнак тўлаши - бугдой қиймат-ининг камида 40 фоизи ва шартномада кўрсатилган бо-шқа маҳсулотлар қийматининг камида 25 фоизи миқдо-рида ҳақ тўлаш ҳамда буни маҳсулотни сотганда суришти-ришлари лозим.

Битимлар тузилган маҳсулотлар учун хўжаликларга бўнак тўлаш уларнинг молиявий аҳволиларини бирмунча яхшилашга, банк муассасаларидан қимматга тушадиган-кредитларни олиш заруратидан озод қилишга қаратилган. Фақат 1994 йилнинг ўзида республика жамоа хўжаликла-ри хўжаликни ривожлантириш учун олган кредитлардан

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

фойдаланганликлари учун 14,4 млрд. сўм-купон тўлашди. Хўжаликларга бўнак бериш уларга маҳсулот ишлаб чиқариш учун маблағ топиш билан бирга, аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилашга, иш ҳақини ўз вақтида беришга имкон беради ва ҳоказо.

Хўжалик муносабатларида шерикларнинг тенг ҳуқуқлилиги шартидан келиб чиқиб, хўжаликлар зиммасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган ассортиментда, миқдорда, сифат ва муддатларда сотиш, уни тайёрлаш ёки қабул пунктларига олиб бориш, илова қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш, яхшилаб жойлаш-ўраш, маркировка, чорва молларини ёрлик билан таъминлаш ва ҳоказо юмушлар билан боғлиқ мажбуриятлар юкланади.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот сиёсати, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар қишлоқ хўжалигини бозор асосларида қайта қуриш учун кенг имкониятлар яратади. Бироқ, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг аграр шувбасида ҳақиқий бозор механизмлари ҳали яратилганича йўқ, қишлоқ хўжалигини бошқаришда, нархни шакллантиришда, таъминот ва савдо-сотиқда ҳали ҳам маъмурий усуллар унсурлари сақланиб қолмоқда. Бу ҳол фақат субъектив сабаблар (ўз ишини яхши билмаслик, бозорга доир билимларнинг йўқлиги, ижтимоий-руҳий тайёргарликнинг йўқлиги ва ҳоказо) туфайлигина эмас, балки ўтиш даврининг қийинчиликлари сабабли ҳам юз бермоқда. Бу эса давлат сиёсатига салбий таъсир кўрсатади.

Бир томондан, давлат бозор ислоҳотларининг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлмоқда, иккинчи томондан, ислоҳотларни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайиб кетмайдиган, аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

қувватлаб туриладиган, республикада тинчлик ва хотир-жамлик ҳукм сурган шароитда ўтказишга интиломқда. Бу масалаларни ҳал қилиш халқ хўжалигининг бошқарувчанлигини, ҳали ҳам давом этаётган монополлашган муҳитда ўтаётган иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солинишини сақлаб қолишни талаб қилади.

Ўтиш даврининг объектив зиддиятлари иқтисодиётнинг аграр секторидagi ислохотлар суръати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Маҳаллий ҳокимият органлари бозор ўзгаришларини ташкил қилиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаши, айни вақтда, ҳосилдорликнинг камайишига, чорва моллари сонининг камайишига йўл қўймасликлари, маҳаллий истеъмол бозорини ҳимоя қилишлари лозим ва ҳоказолар. Бу мақсадларга эришиш учун кўпинча ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган йўлга зид маъмурий усулларни қўллашга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада самаралироқ қилиб ўтказиш учун ер банкларини тузиш лозим. Бундай банклар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аграр ишлаб чиқаришнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Ўзбекистонда шу мақсадда “Замин” давлат-акциядорлик ипотека банки тузилди. Бу банкнинг таъсисчилари - бир нечта тижорат банклари.

“Замин” ўз акциялари учун энг юқори фойда олишга интилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий усуллар билан ривожлантириш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиши лозим. Бу банк ўзининг вилоят ва туман бўлинмалари орқали деҳқонларга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан муддатсиз ижарага бериш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиб туриш ташкилотчиси ҳисобланади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪРИЙ БАЗАСИ

Ҳар бир туманда, ҳўжаликларда ерни ижарага олиш-ни хоҳловчилар аниқланади. Аризалар тушган сари бир аризага бирлашган даъвогарлар сони бўйича зарур ер улушлари миқдори ва уларнинг сони аниқланади. Ҳар ойнинг бошида ариза берганлар ўртасида навбат аниқланади, бунда бир пайлилар алоҳида, икки пайлилар алоҳида ва ҳоказо тарзда кўриб чиқилади. Ариза берувчилар навбат билан ерни танлашади; ер текинга берилмайди. Биринчи бадал (ижара ҳуқуқини сотиб олиш) тахминан ер улушидан бир йилда олинадиган ҳосилнинг бозор қийматига тенг бўлади. Бадал нақд пул билан ёки ер банкидан кредит олиб тўланади. Ер улуши эгасига ер банкида ҳисоб-китоб ва-рағи очилади.

Ер улушининг эгаси ер банкидан имтиёзсиз кредит олиш учун ижара ҳуқуқини гаровга қўйиши мумкин; бу иш у, ўз айби билан (янглишиш, агротехникани нотўғри қўллаш ва ҳоказо) зарар қилган ҳолларни кафолатлаш учун қилинади. Агар улуш эгаси гаров юзасидан қарзини тўлай олмаса, унинг ер улушини ижарага олиш ҳуқуқи кимощди савдосига қўйилади, агар сотишдан тушган сумма гаров юзасидан қарзга етмаса, унга тегишли қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва иморатлар кимощди савдосига қўйилади. Кимощди савдосида иштирок этиш учун янги ариза берувчилар ҳам, ер улуши эгалари ҳам қўйилади.

Ер улуши эгаси йиллик тўлов (рента)дан ташқари фойда солиғи, даромад солиғи тўлайди, ижтимоий сўғуртага ажратмалар ажратади. Биринчи йиллари ҳўжаликнинг оёққа туриб олиши учун ер улуши эгасига муайян имтиёзлар берилиши мумкин, табиий офатлар, совуқ уриши, ҳайвонлар эпидемияси (эпизоотия)дан мажбурий сўғурта қилдириш тартиби киритилади ва ҳоказолар.

Ерни муддатсиз ижарага бериш билан бир вақтда

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

корхоналарни, қишлоқ хўжалиги техникасини, транспортни хусусийлаштириш ва акциядорлаштиришга доир, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга оид тадбирлар кенг қўламда ўтказилади ва ҳоказолар.

6.0. Кичик тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Кичик тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади унинг самарали ўсишини таъминлайдиган ривожланган инфратузилмасини шакллантириш учун умумий қулай иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратишдир.

Хўжалик тизимининг муқаррар инерцияга асосланганлиги шуни билдирадики, Ўзбекистон иқтисодиёти таркибий тузилишидаги йирик қўламли ишлаб чиқаришнинг тутган йўли ўрта ва узоқ муддатли келажакда ўзгаришсиз қолади.

Тузилаётган кичик ва хусусий корхоналар иқтисодий жиҳатдан ўсган сари уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли оша боради. Шундай қилиб, қолоқ ишлаб чиқариш кучларини доимо янгилаб замонавийлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш ва мулкчиликнинг турли шакллари ҳамроҳлиги (симбиози)ни амалга ошириш лозим. Бунда майда хусусий корхоналар илмий-техника тараққиёти соҳасида, хизматлар кўрсатиш ва бандлик соҳасида борган сари кўпроқ масалаларни ҳал қилади.

Айнан шу майда саноат корхоналари истеъмол товарининг асосий массасини ишлаб чиқаришга қодир. Даромадларининг ошиши қимматроқ буюмлар сотиб олишга ўтишга эмас, балки кўпроғу арзонроқ товарлар сотиб олишга ўтишга сабаб бўладиган аҳоли қатлами (яъни “ўртаҳол” қатлам) кўпчиликини ташкил қилган шароитда бу айниқса

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

муҳим. Бунда арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашадиган майда тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши таъминланади.

Кичик бизнес кўпгина муҳим халқ хўжалиги муаммоларини, шу жумладан, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳарбийларни, ёшлар ва ногиронларни ишга жойлаш, экологик ҳолатни яхшилаш кабиларни ҳал қилишга ёрдам беради. У бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг бу тури ҳаётнинг илмий ва техникавий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади, у умумий миллий маҳсулотнинг кўп қисмини ишлаб чиқариши, кўшимча иш ўринлари ташкил қилишда ишгирок этиши лозим. Кичик бизнеснинг ривожланиши натижасида кўплаб тадбиркорлар ва мулк эгалари шаклланади, улар иқтисодий ислоҳотларни жадалроқ ўтказиш учун ижтимоий база ва асос яратади ҳамда жамиятда барқарорликнинг қарор топишига анча таъсир кўрсатади.

Кичик тадбиркорликнинг хусусияти йирик индустриал ишлаб чиқариш учун инқироз даврида унинг устуворлиги ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, узоқ давом этадиган иқтисодий инқироз муҳитида асосан истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган майда корхоналар йирик корхоналарга нисбатан камроқ жабрланади, ҳаттоки, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлайди, бу ҳол эса уларни иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилига айлантиради.

Республиканинг саноат корхоналарида ўрнатилмаган ва ортиқча ускуналар кўп; шу билан бирга буюртмачиларнинг қарзларини тўламасликлари ва МДҲ мамлакатларидаги турдош корхоналар билан хўжалик муносабатлари узилиб қолганлиги туфайли ишлаб чиқариш қувватларининг туриб қолиши муносабати билан кейинги йилларда

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

бундай ускуналар сони кескин кўпайди.

Бу ускуналарни субпудрат асосида майда ва хусусий корхоналарга ижарага бериш хусусий секторда тайёрланган маҳсулотлар ҳажми ортишига ва товарлар ассортимининг кўпайишига олиб келган бўларди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари деганда ишловчилар сони чекланган ва уларга мулкка эгаллик ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк асосида тўлиқ хўжалик юритадиган ёки тезкор (оператив) бошқарувни амалга оширадиган, маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва сотадиган, ишларни бажарадиган ҳамда хизматлар кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи жисмоний ва юридик шахслар тушунилади. Ҳисобот даврида кичик корхоналардаги ходимларнинг ўртача сони куйидаги чегарадан ошмайди:

- саноат ва қурилишда - 50 кишигача;
- фан ва фан хизмати кўрсатишда - 10 кишигача;
- ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида - 25 кишигача;
- ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида - 10 кишигача;
- чакана савдода - 5 кишигача;

Шуни таъкидлаш лозимки, собиқ СССР республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон кичик бизнесни ривожлантира бошлади: дастлабки хусусий корхоналар 1990 йилдаёқ Президент И.Каримовнинг кўрсатмаси билан Тошкент ва Самарқандда рўйхатдан ўтказилди. Бутун кейинги давр мобайнида республикада хусусий ва давлат мулки билан аралаш кичик корхоналар ташкил қилиш юзасидан йирик қўламли тажрибалар ўтказилди.

Республикада борган сари кўпайиб келиш билан кичик бизнес билан шуғуланмоқда. 1996 йилда 220 мингдан ортиқ тадбиркор яқка меҳнат фаолияти кўрсатиш учун па-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

тент олди, 20 мингга яқин фермер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим кучга айланди. Нодавлат секторида ҳаммаси бўлиб ишга яроқли аҳолининг 60% га яқини банд. Айни вақтда, экспертларнинг чамасига кўра, иқтисодиёт тузилмасида сезиларли ўзгаришлар қилиш, Ўзбекистонда ҳақиқий рақобат муҳитини яратиш учун камида 0,5 млн. тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиши лозим.

Кичик тадбиркорлик бозор муносабатлари тизимида ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий-иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган деярли барча қонун ҳужжатларида давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашишга доир мажбуриятлари бевосита ёки билвосита тарзда берилган. Шу мақсадларда махсус ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонунини, Президентнинг 1994 й. 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир тадбирлар тўғрисида”ги, 1995 йил 5 январдаги хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир “Хусусий тадбиркорликда ташаббускорлик ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 26 февралдаги “Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга доир тадбирлар тўғрисида”ги, 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес (Бизнес-фонд)ни қўллаб-қувватлаш фондиди ташкил қилиш ва фаолияти масалалари тўғрисида”ги қарорларини киритиш мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Уларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш, молиявий, солиқ имтиёзлари ва устунликлари кўзда тутилган. Хусусан, давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шароит яратаети, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларга эришиш учун тенг имкониетларни таъминлайди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари меъерий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инфраструктурани шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун шароит яратиш ҳисобланади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устун йўналишлари қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган кичик ва хусусий корхоналарни тузишга кўмаклашиш ҳисобланади. Нархларни белгилаш, солиққа тортиш, кредитлаш, суғурта соҳаларида, ташқи иқтисодий фаолиятда, буюртмаларни жойлаштириш кабиларда давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир турли тадбирлар кўрилади ва улар амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб кўйилади.

Бу тадбирлар рақобатнинг ривожланишига, иқтисодиётнинг зиёналигини бартараф қилишга, истеъмол бозорини мол билан тўлдиришга, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, бандлик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берувчи иқтисодий ислохотнинг муҳим йўналишлари бўлиб қолиши лозим.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иқтисодий омиллар билан бирга кенг маъмурий-ташқилый рағбат ва воситалар мажмуини кўзда тутлади. Шу билан бирга, давлат кўмаги бозор иқтисодиётининг янги субъектлари ҳаёт фаолиятини издан чиқарувчи хусусий тадбиркорлик секторига майда-чуйда раҳнамоликка айланиб қолмаслиги лозим.

Халқ хўжалиги таркибий тузилишини жадал қайта қуриш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг шошилинич вазифаларини ҳисобга олиб тадбиркорлик фаолиятининг устун умуммиллий аҳамиятга эга асосий йўналишлари қуйидагилар деб ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, деҳқон (фермер) хўжалигини қўллаб-қувватлаш;
- озиқ-овқат саноати халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига юқори сифатли маиший ва коммунал хизматлар кўрсатиш;
- дори-дармон препаратлар ва тиббий техникани ишлаб чиқариш;
- қурилиш материаллари ва конструкцияларини, санитария-техника буюмлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш;
- турар жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий мақсадлардаги объектларни қуриш;
- ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация хизматлари кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш;
- инновация фаолияти кўрсатиш;
- экспорт ва импорт алмашувини кенгайтириш.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-ЎЎҚУВЧИЛИК ШАРАТЛАРИ

Тармоқлараро асосга эга бўлган ва инновация соҳасида халқаро бозорга чиқишга имкон берадиган технологик устуликлар алоҳида гуруҳни ташкил этади.

6.1. Тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантиришнинг шакллари

Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари куйидаги шаклларда амалга оширилади:

- қонуний-ҳуқуқий таъминот;
- ташкилий таъминот;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун моддий-техникавий шароит яратиш;
- молиявий-кредит таъминоти;
- тадбиркорликни суғурта билан таъминлаш;
- тадбиркорлик шубҳасини кадрлар билан таъминлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;
- ахборот-маслаҳат таъминоти;
- тадбиркорларни ижтимоий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг марказий ва маҳаллий органлари ўртасидаги ваколатларни аниқ белгилаб олишдан иборат. Марказий бошқариш органлари Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш билан шуғулланади, маҳаллий ижро органлари эса ўз ҳудудларида регионал (муниципал) дастурларни ишлаб чиқади.

Кичик бизнесни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш халқаро таж-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

рибасини ўрганиш асосида унинг қуйидаги таркибий қис-
мларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Молиявий қўллаб-қувватлаш; у қуйидагиларни ўз
ичига олади:

- сармоя тўплашга кўмаклашиш;
- *пасайтирилган фойзли ставкада имтиёзли кредитлар бериш;*
- *махсус дастур доирасида ёрдам маблағи бериш (субсидия);*
- *кредитларнинг давлат томонидан кафолатланиши.*

Масалан, АҚШда кафолатланган заёмларни беришда Майда бизнес маъмурияти кредиторларга заём (қарз) сармоясининг 90 фоизигача миқдорда давлат кафолатини бериб, уларнинг таваккалини камайтиради. Давлат шу механизм ёрдамида турли ташкилотларнинг майда фирмаларга молиявий ёрдам беришдан манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилади.

2. Солиқ имтиёзлари бериш:

- *фирмаларнинг фойдасидан олинадиган солиқдан янги ускуналарга, қурилишга сарфланадиган сармоя улуши миқдо-
рида чегирма (камайтириш);*
- *фойда солиғидан илмий-тадқиқот ва тажриба кон-
структорлик ишларига сарфланадиган харажат улуши миқ-
доридида чегирма;*
- *фойда ҳисобидан солиққа тортилмайдиган махсус
мақсадлардаги фондларни шакллантириш;*
- *фойдага пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича со-
лиқ солиш.*

3. Баъзи мамлакатларда кичик корхоналарни ривож-
лантиришда ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг ро-
лини ошириш мақсадида жадаллаштирилган амортизация
усули қўлланилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

I.

Маълумот учун материал

Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида майда бизнесни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тadbирлари давлат иқтисодий сиёсатининг мустақил қисми ҳисобланади. Кичик бизнеснинг ривожланишига миллий иқтисодиёт таркибий тузиллигини ўзгартиришнинг, хизматлар сектори ўсишининг муҳим шarti, банлиқнинг ўсиши учун асосий манба, технологик тараққиёт ва нормал рақобат муҳитини тутиб туриш омил сифатида қаралади.

Кичик бизнеснинг ривожланиш жараёнини давлат томонидан фаол тартибга солиб турилиши учун кўп мамлакатларнинг ҳукуматларида махсус хизматлар ва органлар ташкил қилинган. Масалан, АҚШ конгресси томонидан 1953 йилда Майда бизнес маъмурияти (МБМ) тузилган ва иқтисодиётнинг монополистик секторини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қиладиган майда бизнес тўғрисидаги қонун қабул қилинган.

Японияда кичик корхоналарни давлат томонидан қўлаб-қувватлашнинг асосини кичик бизнесни ривожлантириш умумдавлат дастурини амалга оширадиган умумий миллий давлат марказлари тармоғи ташкил қиладди. Шундай марказлардан 170 таси мавжуд. Булардан ташқари, кичик корхоналарнинг рақобатбардошлигини юқори даражада тутиб туриш учун ҳар қайси префектурада давлат технологик дастурини амалга ошириш учун жавоб берадиган технологик марказлар фаолият кўрсатади. Бу марказларнинг фаолиятини 40-йиллардаёқ ташкил қилинган, мамлакат ҳукумати қошидаги Майда ва ўрта корхоналар бошқармаси мувофиқлаштириб туради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

II.

Англия ҳукумати тadbиркорлик фаолиятининг умумий ижтимоий-иқтисодий шароитларини таъминлаш йўли билан, шунингдек бевосита қўллаб-қувватлашнинг турли-туман иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий меъёр ва усуллардан фойдаланиб, майда бизнес соҳасига таъсир кўрсатади.

Корея Республикасида майда бизнесга қўмаклашиш сиёсатини бутун ташкилотлар тизими амалга оширади. Бу масалаларнинг барчасини майда бизнесга доир махсус қонун тартибга солади; бу қонун давлат муассасалари - майда бизнесга қўмаклашиш органларини тузишни кўзда тутди. Айни вақтда, Кореяда “боқимандалик” кайфиятлари таг-тути билан тутатилади - майда бизнесга қўмаклашишга доир барча ишлар шундай тарзда ташкил қилинадики, кичик корхонанинг ўзи оёққа туриб олиш “иммунитетини”, ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўзи ишлаб чиқади.

Майда бизнесга қўмаклашиш соҳасида Франция ҳукумати фаолиятининг муҳим йўналиши: кичик корхоналарни зарур ахборотлар билан таъминлаш; уларнинг товарлари ўпишига қўмаклашиш; майда ва ўрта фирмаларнинг экспортга мойиллигини рағбатлантириш; молиявий қўмак. Лекин, барибир, француз мутахассисларининг фикрича, кичик бизнесни ривожлантиришнинг бутун бошли сиёсатини ишлаб чиқиш, миллий ва маҳаллий даражадаги хатти-ҳаракатларни аниқ мувофиқлаштириш талаб қилинади.

Жаҳон тажрибасида кичик бизнесга ҳеч қандай қўмак берилмайдиган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Австралияда давлат амалда кичик тadbиркорликни сира қўллаб-қувватламайди, шунинг учун кичик корхоналар йирик фирмалар билан бўладиган рақобатда очиқ-ойдин ютқазади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бир қатор мамлакатларда кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамма кичик корхоналарга ҳам тааллуқли бўлмайди: корхоналарнинг ноқулай ҳудудда жойлашганлигини ва ижтимоий-иқтисодий жаҳатдан қандай аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ҳар қайси ҳолда алоҳида-алоҳида ёндашилади (АҚШ, Германия, Осиёдаги баъзи давлатлар).

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

4. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш соҳасида қўмаклашиш, техникавий ва бошқарув ёрдами кўрсатиш тадбирлари тизими. АҚШ, Германия, Францияда бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилотларидан янги техника ва тугалланган ишланмаларни кичик корхоналарга беришни ташкил қилиш (АҚШда 1986 йилда технологияларни бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинган);*

- *патент-лицензия сиёсатини ўтказиш;*

- *бозор тадқиқотларига ёрдам бериш;*

- *ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;*

- *хом ашё, моддий-техника ресурсларининг кафолатли ажратилишини ташкил этиш;*

- *майда ва хусусий фирмаларни ташкил қилишга доир инкубаторлар кенг тармоғини шакллантириш.*

5. Кичик корхоналарнинг давлат буюртмаларини амалга оширишда иштирок этиши:

- *давлат битимлар тузиш тизимини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини тайёрлашда;*

- *корхоналарнинг барча турлари учун рақобатнинг тенг шароитини яратишда;*

- *иқтисодий таркибий тузилишидаги ўзгаришларга мослашишда кичик бизнесга ёрдам кўрсатишда.*

6. Йирик фирмалар билан битимлар тузишга қўмаклашиш.

Қўп мамлакатларнинг ҳукуматлари майда ва йирик бизнес бир-бирини инкор қилиши эмас, балки бир-бирини тўлдириши учун барча тадбирларни кўради. Бунинг натижасида йирик корпорациялар ўз ички тузилишини ташкил қилганда борган сари йириклашиш (гигантома-ния) йўлидан қочиб, бир қатор ишлаб чиқаришлар ва ва-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Маълумот учун материал

АҚШ қонун ҳужжатларида кўзда тутилганича, 500 миң доллардан ортиқ суммага йирик фирмалар билан тўғридан-тўғри федерал битимлар тузишда ўша йирик фирмалар ўз дастурларига кичик фирмалар учун ҳам ишнинг муайян қисмини киритишлари лозим. Бу қонуннинг ижро этилишини назорат қилиш Кичик бизнес маъмурияга юкланган.

Японияда кичик корхоналар билан йирик компаниялар ўртасидаги муносабатлар пирамида кўринишида тапқил этилган. Бу пирамиданинг чуққисидида кўплаб майда фирмалар билан боғланган йирик фирма туради. Йирик фирма майда фирмаларнинг маҳсулотларини истеъмол қилади ва ўз навбатида, чиқимларга, сифатга ва товарларнинг etkazиб берилишига нисбатан муайян талабларни қўяди. Шу аломат бўйича япон иқтисодиётини икки қаватга бўлишди: юқори қаватда йирик фирмалар, пастки қаватда бутун иқтисодиётнинг асоси бўлган, нойдевор вазифасини ўтайдиган майда фирмалар туради.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

зифаларни кичик корхоналарга бериб, кўпинча уларнинг устидан бирон бир шаклда назорат қилишни ўзида сақлаб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳар йили давлат бюджетини тақдим қилишдан олдин Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш дастури лойиҳасини киритади. Ҳар йили давлат бюджетида ўша дастурни амалга ошириш учун маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Тадбиркорлар фаолиятининг самарадорлиги бозорлар инфра тузилмасининг ҳолатига: ишлаб чиқариш воситаларига, сармоёга ва пудрат ишларига, молия-кредит ресурслари ва қимматли қорозларга, кўчмас мулкка, меҳнат, ахборот ва ҳоказоларга боғлиқ. Республикада 1995 йил бошида бозор инфра тузилмасининг асосий муассасавий тузилмалари: тижорат банклари, биржалар, суғурта компаниялари, аудиторлик ва консалтинг фирмалари тармоғи шаклланди.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалда кичик ва хусусий корхоналарни тузиш ва кенгайтириш учун моддий-техник шароитлар яратишни кўзда тутди. Шу мақсадларда тадбиркорликни ишлаб чиқариш-техникавий мақсадлардаги маҳсулотлар билан таъминлаш учун республикада хусусий сектор корхоналари эҳтиёжи ва имкониятларига жавоб берадиган ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши лозим. Йирик давлат корхоналари қаторида кичик корхоналарнинг ҳам давлат тасарруфидаги ишлаб чиқариш объектлари инфратузилмасига, ер участкаларига ва ижара (лизинг) шарти билан давлат ишлаб чиқариш қувватларига, ҳукуматлараро битимлар ва шартномалар бўйича марказлашган усулда келтириладиган ишлаб чиқариш-техникавий маҳсулотларга эришишларига ҳақиқий тенг имконият яратиш муҳимдир.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Давлат сармоя қўйилмалари ёрдамида, маҳаллий бюджет маблағлари ва манфаатдор қорхоналар маблағларининг улушли асосдаги иштирокида бирор мақсадга мўлжаллаб кичик заводлар тўплами (микроноввойхоналар, ғишт заводлари, ёғоч ишлаш заводлари, консерва цехлари, тикувчилик ва тўқувчилик митти фабрикалари ва ҳоказолар) ни сотиб олиш ва уларнинг асосида тадбиркорлик тузилмаларига лизинг хизмати кўрсатилишини ташкил қилиш мумкин.

Республика вилоятларида тижорат марказлари ва савдо уйлари тармоғини яратиш тадбиркорларни хом ашё ва материал билан таъминлашга қаратилган. Тижорат марказлари вазифасига яна аризаларни йиғиш, товарлар тўпларини сотиб олиш, оморларда сақлаш, зарур меъёрга етказиш ва сотиш юмушлари ҳам киради.

Тадбиркорликни кредитлаш ва суғурталашни маблағ билан таъминлаш тизимини шакллантириш кичик ва хусусий бизнесга хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан бирдай шароитда молиявий ресурсларга (бюджет маблағларига ҳам, тижорат молия-кредит манбаларига ҳам) эришиш имконини беради.

Шу мақсадда Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда тижорат банкларини ривожлантиришнинг тенг ҳуқуқли шароитларини таъминлашга доир баъзи тадбирларни кўради.

Давлат ва тижорат банкларининг активларидан ташқари, тадбиркорлик фаолияти учун маблағлар манбалари қуйидагилардир:

- тадбиркорликни рағбатлантириш дастурларини маблағ билан таъминлашга қаратилган бюджет маблағлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг маблағлари;

- Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес (Бизнес-фонд)ни

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

қўллаб-қувватлаш фонди, давлат ва нодавлат даражаларда шакллантирилган бошқа фондлар, шунингдек, бюджетдан ташқари молиявий фондлар маблағлари;

- иқтисодиётнинг ҳам давлат, ҳам хусусий секторидаги корхоналар ва ташкилотларнинг хусусий маблағлари;

- фуқароларнинг шахсий маблағлари, шу жумладан, ҳисобварақлари ва омонатлардаги маблағлари;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келадиган маблағларнинг Бизнес-фонд орқали инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш, кредитлар бериш ва хусусий корхоналарнинг устав сармоясида иштирок этиш учун тушадиган қисми;

- хорижий инвестициялар, шу жумладан, техникавий ёрдам ва кредит тарзида ажратиладиган маблағлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши банклараро ҳисоб-китоблар тизимини шакллантиришга ва тижорат банкларининг векселлари ва депозит сертификатларини киритишга ёрдам беради. Марказий банкнинг вазифаларидан бири акциядорлик тижорат банкларининг шу банклар таъсисчилари бўлган корхоналарнинг зарарларини заём сармоясини манипуляция (ҳийлали амаллар) қилиш ҳисобига қоплаш имкониятларига тўсқинлик қилиш, шунингдек вужудга келадиган норасмий кредит бозорларини назорат қилишдир. Тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий манбаларга етишишини осонлаштиришга доир тадбирлар корхоналарнинг фойдаларига имтиёзли солиқлар белгилаш амалиёти билан мустаҳкамланади. Имтиёзли солиқлар туфайли тежаладиган маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва техникавий қайта жиҳозлашга ишлатилади.

“Солиқ ташвишини камайтиришда даромадларни солиққа тортишдан фойдадан солиқ олишга ўтиш, - деб

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, - ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш имконини очиб беради. Корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳажмининг ошиши уларнинг молиявий аҳволини яхшилабгина қолмай, инвестиция фаолиятларининг жонланишига ҳам олиб келади, бу эса таркибий тузилишни ўзгартиришлар учун ишлаб чиқариш ва технологик асос бўлиб хизмат қилади”.

Суғурта бозоридagi муносабатларни тартибга солиш ва Ўзбекистондаги суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғуртавий ҳимоя қилиш “Мадад” агентлиги тузилди. У умуман битимлар ва шартномавий муносабатларни ташкил қилишдаги суғуртавий фаолиятни тартибга солишга, миллий ва хорижий инвесторларнинг сармоясини жойлаштириш кафолати сифатида суғурта қилишнинг турли-туман мослашувчан ва аралаш схемаларини ривожлантириш асосида суғурта хизматлари кўрсатиладиган соҳаларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Тадбиркорлик муҳитида янги иш менталитетининг шаклланиши иқтисодиётнинг тадбиркорлик сектори давлат томонидан кадрлар билан қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Шу мақсадларда давлат бир қатор тадбирларни амалга оширади: кадрларга бўлган талабни олдиндан аниқлаб олиш, тадбиркорларни тайёрлаш ўқув режалари ва дастурлари тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқув ва услубий қўлланмалар тўпламини тайёрлаш, иқтисодиёт, ҳуқуқ, бошқарув социологияси, психология фанлари ўқитувчилари тайёрлашни уюштириш, шу жумладан, чет элларда ҳам ўқитиш. Олий ўқув юртларида менежмент, маркетинг, реклама, савдо ва биржа маслаҳатчиси, суғурта иши, аудит ва тижорат фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

мутахассислар тайёрлаш учун факультетлар ва бўлинмалар очилади ёки соҳаларга мосланади. Шу мақсадлар учун ишлаб турган тадбиркорлик тузилмалари, биржалар, банклардан мутахассислар жалб қилинади, ажнабий мутахассислардан фойдаланилади, бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган иқтисодий ривожланган мамлакатларда малака ошириш усули қўлланилади.

Тадбиркорлик секторининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш қўшма тадбиркорлик орқали хорижий фирмаларнинг ишлаб чиқаришдаги ишгирикени кенгайтиришни, ватанимиз тадбиркорларининг маҳсулотларини экспортга сотишни ва импорт бўйича мунтазам алоқалар ўрнатишни кўзда тутаяди. Бироқ хорижий сармояни жалб қилиш лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишидан қатъи назар ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим йўналиши Ўзбекистон тадбиркорларининг экспорт-боп маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикада ҳўжалик юритувчи барча субъектларнинг ташқи иқтисодий бозорга тенг ҳуқуқли чиқиши учун умумий иқтисодий шароит яратилган. Корхоналарнинг хорижий шериклар билан ўзаро фойдали кооператив муносабатларни ўрнатиши, улар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишда кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлар уюшмасига квота (меъёр) асосида савдо - воситачилик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунида ташқи иқтисодий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги шакллари кўзда тутилган:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатдан ўтказиш;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МОНЪУМИЙ АСОСЛАРИ

- ташқи иқтисодий фаолиятни ахборотлар билан таъминлаш давлат тизимини яратиш;
- мослашувчан солиқлар ва имтиёزلарни (шу жумладан, валпотадагиларини) белгилаш;
- дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджет ссудалари тарзидаги молиявий ёрдам кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантириш билан боғлиқ таваккалларни суғурта қилиш;
- республика ташқи иқтисодий алоқаларининг ҳар хил шаклларини ривожлантиришга доир мақсадли мажмуавий дастурларни ишлаб чиқиш, маблағ билан таъминлаш ва экспертизадан ўтказиш;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилаш;
- валюта фондлари ва бошқа фондларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш.

Янги ахборот тузилмаларини шакллантириш ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш Ўзбекистонда тадбиркорликнинг шаклланишидаги муҳим шарти ҳисобланади. Республикада ахборотлар бозорининг ташкилий шакллари вужудга келиш босқичида турибди. Бозор иқтисодиёти мавжуд бўлган, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шунини кўрсатдики, хўжалик-тижорат муносабатлари (битимлар тузиш, аудит, биржа фаолияти, маркетинг ва ҳоказо) ахборотта доир технологияларни бозор инфратузилмасига жорий қилишга асосланади.

Бизнесни қўллаб-қувватлашнинг минтақавий марказлари. 80-йилларда барча ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий назарияси ва амалиётида регионал технология ва инновация марказлари, олий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Ўқув юртлари ҳузуридаги ривожлантириш марказлари ва мустақил компаниялар ёки йирик корпорациялардаги алоҳида бўлинмалар сифатида шаклланиши мумкин бўлган бизнес-инкубаторлар асосида “янги тадбиркорларни етиштириш” концепцияси (ғояси) амалга ошди.

Ўзбекистонда бизнес-инкубаторлар вазифасини ўтайдиган дастлабки ташкилотлар олий ўқув юртлари ҳузурида (Тошкент, Самарқанд) ва Бизнес-фондда (муҳандислик-техник корпорация, Бозор кўникмалари маркази) ташкил қилина бошлади. Улар тадбиркорлар учун семинарлар ўтказишарди. Бироқ энг йирик тармоқ уюшма (ассоциация)лари ва корпорациялари ҳузуридаги тижорат ташкилотлари бизнес-инкубаторларнинг вазифаларини энг тўлиқ кўламда бажариши мумкин, бу эса тадбиркорларни “етиштириш” фаолиятига илгари тармоқлар бошқарув органларида, ИТИ ва КБда ишлаган ва тадбиркорларнинг ўз бизнесларининг тезроқ қарор топиши учун зарур бўлган барча хизматларни кўрсатишга қодир малакали кадрларни жалб қилишга имкон беради.

Бизнесни қўлаб-қувватлаш марказлари (бизнес-инкубаторлар)нинг вазифаси - консалтинг, инжиниринг, аудиторлик ва ахборот хизматлари соҳаларида, хорижий инвесторларни жалб қилиш, кадрларни тайёрлашда тадбиркорларга ёрдам бериш, уларни контрагентлар, ҳокимият органлари, банкларнинг ғирром ва ношуд хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир. Бунда уларнинг акциялари шу минтақа ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан ажнабий шахсларга тарқатилиши мумкин.

Бизнес-инкубаторлар шаклланаётган қорхоналарга қорхонани иқтисодий асослашни таҳлил қилиш, унинг технологиясига баҳо бериш, тадбиркорлар билан илмий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

соҳа, бозор инфратузилмасининг бошқа корхоналари ва муассасалари ўртасидаги ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатиш каби ёрдамларни кўрсатиши мумкин.

Бизнес-инкубатор мавжуд ва бўлажак янги корхоналарга бошқариш ва кадрлар тайёрлашда ёрдам беришдан ташқари, янги корхоналарни ташкил этишнинг дастлабки босқичида улар учун бизнес-режани ишлаб чиқиш, уларни юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш ва ҳоказо хизматларни кўрсатиши мумкин.

Бизнес-инкубаторлар тестлаш воситасида тадбиркорликка қобилиятли шахсларни танлашпи, улар билан зарур машқлар (тренинг) ўтказиши, уларни бинò, телефон ва бошқа алоқа воситалари билан таъминлаши, уларга гаров (масалан, хусусийлаштирилган квартира) эвазига кредитлар бериши, тадбиркор мустақил иш кўникмаларини эгаллаб олушга қадар унга ҳомийлик қилиши мумкин.

6.2. Минтақаларда субпудрат муносабатларини қўллаб-қувватлаш

Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида йирик ва ўрта корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш анча муҳим аҳамиятга эга. Бу эҳтиёжлар энг яқин маҳаллалар билан “ завод-маҳалла ” схемаси бўйича қондирилиши мумкин. Бу ўзига хос кичик иқтисодий зоналар йирик корхоналар томонидан майда тадбиркорларни буюртмалар билан, бу буюртмаларни бажариш учун ишлатилмай ётган ускуналар, ишлаб чиқариш майдонлари ва моддий-хом ашё ресурслари билан таъминлашга доир субпудрат муносабатларининг шаклланишига имкон яратади.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ҳар қандай корхонада ҳам қўл меҳнати билан бажариладиган сермеҳнат операциялар мавжуд. Бундай операцияларга кам иш

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРҚОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

ҳақи тўланади ва қиммат тушиши тусуфайли механизациялаштирилмайди. Шунинг учун уларнинг ҳузурда маҳаллада яшайдиган оилалар ҳисобига хусусий “филиаллар” тузиш мақсадга мувофиқ. Бунда бир қатор муаммолар ҳал қилинади, жумладан:

1. Завод ясаш қийин, сермеҳнат деталлар, узеллар ярим маҳсулоти захираси (задели)ни ҳосил қилади; ишчи кучидан кенг қўламда фойдаланишнинг катта имконига эга бўлади; оралиқ технологик звенолар эгаллайдиган асосий ишлаб чиқариш майдонларини қисқартиради; маҳаллий аҳоли ҳисобига кадрлар захирасини таъминлайди; ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини пасайтиради; бўшаган майдонларда технологик қайта жиҳозлаш юмушларини бажаради.

2. Маҳалла ўз навбатида қўшимча иш ўринларини ташкил қилишда, бюджет дотацияларига муҳтож оилалар сонини қисқартиришда, аёлларга ўзларига қулай вақтларда ишлаш имконини беришда, ногиронларни иш билан таъминлашда иштиради.

Ўзбекистонда 1996 йилда 72 та “ завод-маҳалла ” иқтисодий зонаси фаолият кўрсатди. Бу зоналарда 500дан ортиқ киши ишлаб чиқаришга жалб қилинди.

Ушбу иқтисодий структура анча кенг қўламда қулоч ёйиши учун нодавлат ишлаб чиқариш сектори раҳбарлари ва маҳалла қўмиталари унга доимо эътибор ва қўмак бериб туриши лозим. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти, унинг мустақиллиги ва равнақи кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Ўзбекистонда суббитимли муносабатлар тажрибасининг шаклланиши хусусий секторга баъзи бутлаш буюмлари, эҳтиёт қисмлари, хом ашё ва материаллар етказиб бериш учун буюртма берадиган, хорижий фирмалар би-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕБЁРИЙ БАЗАСИ

Маълумот учун материал

Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда ўтказиладиган сўёсат майда хусусий корхоналарнинг ўрта ва, айниқса, йирик корхоналар билан барқарор ишлаб чиқариш муносабатларини кенгайтиришга қаратилган. Бунинг учун бундай корхоналар муайян ҳукумат имтиёзларини олади. Бу мамлакатларда майда тадбиркорлик билан доимий суббитимли муносабатлар машинасозликда, табиий асбоб-анжомлар, электр товарлар ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Ҳиндистоннинг давлат секторида бир йирик корхонага 55 та майда қўшимча корхона тўғри келади.

Сингапур, Таиланд, Индонезия каби ва бошқа мамлакатларда электрон саноатининг тез ривожланишида ишлаб чиқариш тармоғига майда хусусий корхоналар ва устахоналарнинг жалб қилиниши катта роль ўйнади. Булар ҳар хил компонентларни йиғиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, сермеҳнат арзон маҳсулотларнинг тез ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ АСОСИ

лан бирга тузилган қўшма корхоналарга ҳам кенг ёйилиши лозим. Тадбиркорлик тузилмаларининг замонавий йирик ишлаб чиқаришлар билан суббитимли муносабатларга киришиши замонавий технологияни ўзлаштириб олишга, маҳсулот стандартларини яхшилашга асос яратди.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун маҳаллий хом ашё ва материалларни олиш осон бўлиши лозим, яъни халқ хўжалиги тармоқларининг раҳбарлари майда улгуржи тузилмаларни яратиш борасида қайғуришлари керак.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, нисбатан йирик ишлаб чиқариш учун хусусий ва майда фирмалар билан ҳамкорлик қилиш фойдали. Афсуски, бу тажриба республикамызда деярли қўлланилмайди.

Суббитимли муносабатлардан ташқари, ишлаб чиқариш соҳасида эндигина қарор топаётган хусусий тадбиркорликка йирик корхоналарнинг кўмаги молиявий, моддий-техник, ташкилий таъминотлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай қўллаб-қувватлаш энг йирик корхоналарнинг майда тадбиркорликнинг бошқарувдаги афзалликларидан, улар таъсисчиларининг ижодий ва ташкилий қобилиятидан фойдаланишларига имкон беради.

Йирик корхоналар билан майда бизнес ўртасидаги субпудрат муносабатлар тизимида франчайзинг (имтиёз) истиқболли бўлиши мумкин. Бунда йирик корхона майда корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқаришда, бозорда товарлар ва хизматларни жойлаштиришда ўз тажрибасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолда майда корхоналарга фақат технологиядангина эмас, балки йирик фирманинг ноу-хаусидан, яъни фирма белгиси ёки товар марказидан фойдаланишга ҳам рухсат берилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Айни пайтда ушбу бозор тузилмасининг самарали фаолият кўрсатиши, аввало, тадбиркорларнинг ўзига, тащаббускорлиги ва омилкорлигига, меъёрдаги тижорат тавakkалига боғлиқ. Қонун ҳужжатлари тадбиркорларга “яшовчанлик иммунитети”, шафқатсиз бозор шароитида ўсиш қобилияти вужудга келишига ёрдам бериши лозим. Бу ёрдам асосан кичик корхоналарга кучли рақобатли бозорда фаолият кўрсатишлари учун тенг шароит яратиб бериш ва кичик бизнеснинг самарали ривожланишига тўсиқ бўладиган сабабларни бартараф қилишдан иборат.

Давлат сиёсатини ишлаб чиқишда шу далилни ҳисобга олиш керакки, кичик корхоналарнинг фаолияти асосан маҳаллий бозорга, минтақадаги муаммоларни ҳал қилишга мўлжалланган. Бу ҳол ҳудудий тузилмаларнинг ҳўжаллик ва молиявий мустақиллигини ривожлантириш умумий гоёсига мос келади. Кичик бизнес маҳаллий ҳўжалликнинг фойдали тузилмасини шакллантиришнинг ва ушбу минтақанинг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида маблағ билан таъминлашнинг асосий базаси ҳисобланади. Шунинг учун минтақавий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари минтақаларда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини, шунингдек, зарур тадбирлар мажмуини, бу тадбирларни ўз хусусий манбалари ҳисобига амалга оширишнинг моддий-техник ва молиявий ресурсларини мустақил равишда белгилайди.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг шаклланиши - анча узоқ давом этадиган жараён. Унинг дастлабки бочқичларида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, кичик корхоналарни иқтисодий ва ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, маслаҳатлар беришни ташкил қилиш, уларга хизмат

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

кўрсатадиган молия муассасалари тизимини, шунингдек ишлаб чиқариш-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технологик парклар, лизинг фирмалар (шу жумладан, ишлаб чиқаришни қайта тузиш ва кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш, кейинчалик бўшаган ишлаб чиқариш майдонлари ва ускуналарни сотиб олиш йўли билан) тизимини ривожлантириш муаммолари энг долзарб ҳисобланади.

Албатта, бундай иқтисодий зонани ташкил қилиш учун ҳокимликлар бу ишга қизиқиш ва хайрихоҳлик билан ёндашишлари лозим. Улар хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш жараёнини иложи борича соддалаштириши керак. Солиқ органлари хусусий корхоналарга алоҳида бухгалтерия ташкил қилишга ҳожат қолмайдиган қилиб фақат битта - умумлаштирувчи солиқ киритиш чораларини кўришлари зарур.

Банк ташкилотлари заводнинг хусусий корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоблари тизимини миқозлар учун қулай бўладиган қилиб тузишлари лозим.

Иқтисодиётни иқтисодий жиҳатдан қайта тузиш муносабати билан кичик корхоналарда инвестиция жараёнларини жадаллаштириш муаммоси айниқса долзарб масалага айланади ва уларни техникавий қайта жиҳозлаш зарурияти билан боғлиқ бўлади. Кўпчилик кичик корхоналар ярим ҳунармандчиликка асосланган, жўнгина жиҳозланган ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, уларнинг зиммасига мураккаб технологик ва иқтисодий муаммоларни юклашнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, бундай ишлаб чиқаришларнинг ўз фаолиятини давом эттириши меҳнат, моддий-техникавий ва молиявий ресурсларни самарасиз сарфлаш билан боғлиқ бўлади.

Республикада кичик корхоналарни ишлаб чиқариш-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН МЕВЪНАТ БАЗАСИ

технология жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими фаолият кўрсатмоқда. Бундай қўллаб-қувватлашнинг моҳияти кичик корхоналарни қисқа муддатда замонавий ускуналар ва технологиялар билан таъминлашдан иборат. Бунда шунчаки алоҳида-алоҳида технологик жиҳозлар бирлиги эмас, балки замонавий машиналар, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар мажмуи зарур. Бу ерда гап фақат тайёр ускунани етказиб бериш устида эмас, балки уни тайёрлаш учун лицензияларни, кичик кўламли ишлаб чиқаришларга мосланган ноу-хау (ишлаб чиқариш сири)ни сотиш устида ҳам кетмоқда. Бунда машиналар, ускуналар ва ишлаб чиқариш биноларининг лизинги (узоқ муддатли ижараси)ни ривожлантиришга катта аҳамият берилади.

Кичик корхоналар тармоғини ривожлантириш ва уларни техникавий жиҳозлаш даражаси кўп жиҳатдан бутлаш буюмларини етказиб берадиган йирик ишлаб-чиқариш - хўжалик мажмуаларига боғлиқ. Бу ҳол деталлар бўйича ва технологик жиҳатдан ихтисослашишга, шунингдек ишлаб чиқаришни ҳозирги замон даражасида ташкил қилишни таъминлашга имкон беради.

Лизинг лойиҳаларнинг амал қилишини тезлаштириш, уларни тузиш ва экспертиза қилиш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан республиканинг етакчи лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари асосида махсус инжиниринг компанияси - “Ўзинвестлойиҳа” тузилди.

Кичик тадбиркорликни ахборотлар билан таъминлаш соҳасида республика ва минтақавий даражаларда тегишли ахборот инфратузилмасини тузиш кўзда тутилади; бундан мақсад - кичик корхоналарнинг қулай шартларда иқтисодий, ҳуқуқий ва муваффақиятли фаолият кўрсатишлари учун зарур бошқа ахборотларни олишларига имкон яратишдир.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

Ўзбекистонда ислохотлар жараёнининг бошиданоқ миллий хусусият ва менталитетни ҳисобга оладиган ўзига хос ва ўзига мос йўл аниқлаб олинди. Ҳукумат томонидан қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури”нинг ҳам шунга яраша ўз хусусиятлари ва тафовутлари бор.

Бозор ислохотлари жараёнларини жадаллаштириш учун давлат дастурида республикада, айниқса, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар мажмуи кўзда тутилган ва асосий вазифалар, йўналишлар белгиланган.

Дастурнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- бозор фаолиятига кенг аҳоли қатламларини жалб қилиш; боқимандалик, истеъмолчилик кайфиятини бартараф қилиш, “тадбиркорлик касали”ни юқтириш, хусусий бизнес билан шуғулланиш истагини туғдириш;
- қишлоқ хўжалигини қайта тузиш муносабати билан бўшаган кишиларни иш билан банд қилиш учун қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш;
- қишлоқ жойларда бозор муносабатлари ва инфра-тузилманинг жадал ривожланиши учун шароит яратиш, рақобатни ривожлантириш;
- банк, аудиторлик, консалтинг, воситачилик фаолияти билан боғлиқ хизматлар, айниқса, фанбоп хизматлар ҳажмини кескин ошириш;
- хўжалик юритиш самарадорлигини оширишни, ички бозорни товар билан тўлдиришни ва ишлаб чиқаришнинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган мослашувчан кичик ишлаб чиқаришларни жорий қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил қилиш.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЕРИЙ БАЗАСИ

Дастур давлат томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон аҳолисининг кенг қатлами иштирокида ташаббускор, яратувчи бозор жараёни асосида амалга оширилади. Дастур тўрт асосий бўлимдан ташкил топади: бозор инфратузилмасини ҳамда кичик бизнеснинг фаол ривожланиши ва фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш (айниқса, қишлоқ жойларда); давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларини ўтказиш; молиявий таъминлаш ва ташкилий тадбирларни бажариш.

Давлат дастурида қуйидаги тадбирлар кўзда тутилган:

1. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқариш инфратузилмасининг устун ривожланиши амалга оширилади. Бунда мелиоратив, гидротехник, электр-энергетика иншоотлари ва тармоқларини ривожлантиришга, ерларни сугоришга, эрозияга қарши тадбирларни кўришга, кўп йиллик кўчатларни ўтказишга, қайта ишлаш саноати корхоналарини қуриш ва техникавий қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини, водопроводларни, канализация тизимлари ва иншоотларини, газ ва электр таъминоти тармоқларини, йўлларни, телекоммуникация тизимларини биринчи навбатда қуришга аҳамият берилади. Қишлоқда ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш давлат дастурлари ва маҳаллий дастурларга мувофиқ амалга оширилади.

2. Қишлоқ жойларда бозор инфратузилмасини жадал яратиш жараёнларини ташкил қилиш ва бошқариш, уни жаҳон иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадларида республика вилоятларида Тадбиркорлик департаментлари тузилмоқда. Улар бозор ўзгаришларининг давлат

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, республика ичидаги ва ташқи иқтисодий хўжалик муносабатларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесга кредитлар бериш, шу жумладан, имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлайдиган, уларнинг устав сармоясида қатнашадиган, маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техникавий кўмак берадиган Кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнес (Бизнес-фонд)ни қўллаб-қувватлаш фонди ҳудудий тармоғи ривожланмоқда. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг суғурта муҳофазаси бўйича ҳудудий агентликлар тузилмоқда. Улар кичик ва хусусий корхоналарнинг кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар (тадбиркорлик таваккалларида имтиёзли тарзда суғурта ҳимоясини ҳам қилган ҳолда) олиши учун мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш, тўланмаган кредитлар учун қарздорларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган хорижий инвестицияларнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш юмушларини амалга оширади. Кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бошқа фондлари, суғурта муассасалари шакллантирилади.

Республика минтақаларида давлат органларида тадбиркорлик тузилмаларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган Тадбиркорлар палаталари ташкил қилинади. Улар бозор конъюнктурасини ўрганишга, ахборот-таҳлил материалларини тайёрлаш ва тарқатишга, корхоналарни рўйхатдан ўтказишга, улар учун таъсис ҳужжатларини

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

тайёрлашга, юридик ва техник маслаҳатлар кўрсатишга кўмаклашади.

Қишлоқда ҳам Бизнес-марказлар тузилади. Улар қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий корхоналарга уларни ресурслар билан таъминлаш, маҳсулотларни сотиш ва транспорт хизматлари кўрсатишлари, шунингдек маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш юмушларини бажаришлари аҳолига коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш хизматлари кўрсатишлари, жамоа ҳўжаликлари, деҳқон ҳўжаликлари, шахсий томорқа ҳўжаликлари эгаларини ўқитишлари, ахборот билан таъминлашлари, юридик маслаҳатлар беришлари лозим.

Хусусий маблағ қўйилмаларига асосланган инвестиция фирмалари шакллантирилади. Улар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун илғор технология ускуналарини, хом ашё ва бутлаш қисмларини сотиб олиш учун мўлжалланган маблағларни биринчи навбатда мақсадли айирбошлаш ҳуқуқига эга, Ташқи иқтисодий фаолият вазирлиги органларида битимларни руҳсат олиш тадбирларисиз рўйхатдан ўтказди. Фаолият турлари бўйича майда ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари ташкил қилишга кўмаклашилади. Улар ўз манфаатларини жамоавий ҳимоя қилишга, ҳўжалик юритишнинг илғор усулларини тарқатишга доир тадбирларни амалга оширади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун кредит муассасаларини ривожлантириш, ихтисослаштирилган тижорат банклари (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги) тармоқларини кенгайтириш давом этмоқда.

Савдо уйлари, инвестиция компаниялари, инвестиция воситачилари, фонд дўконлари, клиринг ва агентлик тармоқларининг фаолияти кенгаймоқда. Кичик ва хусу-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

сий корхоналарни ахборотлар билан таъминлашга, бозор конъюнктурасини ўрганиб, бозор имкониятлари ҳақидаги ахборотларни таклиф қилувчи хусусий фирмаларнинг ишига, тармоқлараро маълумотлар банки яратилишига кўмаклашилмоқда.

Ҳосилнинг нобуд бўлишини баргараф қилиш, уни тўсиқларсиз қабул қилиниши, сақланиши ва кейин истеъмол тармоқларида тарқатилишини таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий улгуржи воситачилик тузилмалари, ихтисослаштирилган бозорлар, улгуржи дўконлар, базалар, омборлар, омборхоналар жадал тарзда кўпаймоқда. Қишлоқ хўжалиги хом ашёлари ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш учун биржа савдоси ва улгуржи ярмаркаларнинг ривожланган ҳудудий тузилмаси яратилмоқда. Деҳқон (фермер) хўжалиklarини юқори навли уруғлар ва кўчатлар билан ўз вақтида таъминлаш учун қишлоқ туманларида уруғлар етказадиган ва сотадиган уруғчилик корхоналари ташкил қилинмоқда. Қишлоқлардаги тадбиркорларга тузатиш-тиклаш, агрокимёвий, зооветеринария хизматлари ва хизмат турларини кўрсатадиган агросервис корхоналари тузилмоқда.

3. Давлат қишлоқ фойдасига миграция жараёнларини ўрганишга, оиланинг ҳар томонлама ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун шароитлар яратиш йўли билан аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга доир демографик сиёсатнинг ўтказилишини таъминлайди.

Аҳолининг қишлоқда ўрнашиб қолиши ва уни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ишга жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида қишлоқ жойларда турар-жой, таълим-тарбия, маданият ва спорт, соғлиқни

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

сақлаш объектлари қурилиши, газлаштириш, сув ва электр билан таъминлаш, телефонлаштириш соҳаларида, алоқа, коммунал хўжалиги объектлари қурилишида, радио ва телевидение хизмати кўрсатишда шаҳарга нисбатан устунлик яратиш кўзда тутилади.

Муҳокама учун саволлар

Туртинчи бунёдкорлик қўли чиқинг ва жавоб беринг

- 1** “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунда келтирилган тушунчага мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти нимада?
- 2** Нима учун инновация фаолияти тадбиркорликнинг ажралмас қисми эканлигини тушунтириб беринг.
- 3** Ўзбекистонда барча мулкчилик шаклларида тенг ҳуқуқлилиги қарор топган. Ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиги қарор топтириш учун кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш зарурлиги сабабларини тушунтириб беринг. Бундай қўллаб-қувватлаш қандай тадбирлар орқали таъминланади?
- 4** Тузилаётган кичик ва хусусий корхоналарга моддий-техникавий ёрдам қандай амалга оширилади? Кичик ва хусусий корхоналарнинг молиявий манбаларга етишишини таъминлайдиган шароитлар қандай?
- 5** Жамоат ташкилоти ишлаб чиқариш-тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгами? Масалан, ижодий уюшма озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлари тармоғини туза оладими? Уюшма аъзоларининг ижо-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

дий маҳсулотларини сотиш билан шуғуллана олади-ми?



Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантира бориб давлат мулкчилигининг ҳар хил шакллари асосида қишлоқда бозор муносабатларини қарор топгириш учун ҳуқуқий ва ташкилий тадбирлар мажмуини таъминлаши мумкин. Бунда ўзгаришларнинг муҳим тамойили ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият турини ихтиёрий танлаши ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ҳақиқатан ҳам эркин бўлганлари ва жавобгарликни ҳис қилганларидagina турли-туман янги тадбиркорлик тизимлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Тадбиркорнинг эркинлигини қонун жиҳатидан ҳимоя қилиш нималарни ўз ичига олади?



Тадбиркорнинг эркинлиги ва жавобгарлиги бирлиги тамойилининг моҳияти нима? Қишлоқ тадбиркорлигида бу тамойил қандай амалга оширилади?



Тадбиркорлик секторини кадрлар ва ахборот билан таъминлаш соҳасида давлатнинг ёрдами қандай шаклларда амалга оширилади?



Кооператив, хўжалик ширкати ва хўжалик жамияти ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилинг. Нима учун ҳар хил алоҳида вазиятларда бу шакллардан бирортаси афзал деб топилади?



Кўп шаҳарликлар мева ва сабзавотлар етиштирадиган дала ҳовлиларга эга. Сиз нима деб ўйлайсиз, бу якка меҳнат фаолиятига кирадими? Якка меҳнат фаолиятини қандай аломатлар белгилайди?

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

- ❁ **Бир нечта лицензия бериладиган ва бир нечта тақ-икланган фаолият турларини эсланг. Муайян фао-лият турларига давлат чеклашлари ва тақиқлари қан-дай аломатлар бўйича белгиланади?**
- ❁ **Агар таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритил-ганда тадбиркордан қонунда белгиланмаган хизмат ҳақи тўлашни, бу борада ниманидир сотиб олиш кабиларни талаб қилишса, бу тадбиркорнинг ҳуқуқ-ларини поймол қилиш ҳисобланадими? Айбдор бун-дай хатти-ҳаракатлар учун қонунга мувофиқ жавоб-гарликка тортиладими?**
- ❁ **Акцияларнинг эгалари очиқ турдаги акциядорлик жамиятига нисбатан қандай ҳуқуқларга эга? Қонун ҳужжатларида улар қандай ҳуқуқларга эга? Қонун ҳужжатларида улар қандай ҳимоя қилинади?**
- ❁ **Номи ёзилган акциянинг оқ акциядан қандай фар-қи бор? Имтиёзли акция нима?**
- ❁ **Иштирокчи корхоналарга нисбатан холдингнинг ролини таҳлил қилинг. Қонун қандай ҳолларда хол-динг ташкил қилишга руҳсат бермайди? Бундай чек-лашни нима билан изоҳлаш мумкин?**

Глоссарий

Акциядорлик жамияти - номинал қиймати кўрсатилган муайян акциялар сонига бўлинган устав фондига эга ва фақат ўз мулки бўйича жавобгар ҳисобланган жамият.

Акция - акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсата-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

диган корхонада улушли иштирокчи эканлигини тасдиқловчи ва корхона фойдасининг бир қисмини дивиденд шаклида олиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоз.

Ассоциация (уюшма) - тадбиркорлар, ташкилотлар ёки шахсларнинг умумий хўжалик, илмий ёки бошқа мақсадни кўзлаб ихтиёрий равишда бирлашиши натижасида пайдо бўлган бирлашма, уюшма.

Дивиденд - солиқлар тўланиб, барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейинги акциядорлар жамиятининг соф фойда қисми; уни акциядорлар орасида улардаги акцияларга мувофиқ тақсимланади.

Инновация фаолияти - янги технологияларни, ташкилий шаклларни, буюмлар ва уларнинг турларини яратиш, ишлаб чиқариш, жорий қилиш ва сифат жиҳатдан такомиллаштиришга, хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳамда фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлашуви янги шакллари билан ифодаланадиган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Ишбилармонлик удувлари - бирон бир меъёрий ҳужжатда қайд қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган, тадбиркорлик фаолиятининг бирор соҳасида қарор топган ва кенг қўлланиладиган иш тутиш қоидалари.

Концерн - ишлаб чиқаришни ривожлантириш, молиявий, инвестиция ва бошқа фаолиятга доир вазифаларни ихтиёрий марказлаштириш асосида, нисбатан мустақилликни сақлаган ҳолда кўп саноат, молия ва савдо корхоналарининг бирлашиши натижасида пайдо бўлган бирлашма.

Кооператив - фуқароларнинг шахсан иштироқи ва аъзолар

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚОНУН-МЕЪЁРИЙ БАЗАСИ

(ишгирокчилар)нинг мулкий пай бадалларини бирлаштиришига асосланган, биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини юритиш учун уларнинг аъзолиги асосида ихтиёрий равишда бирлаштириш натижасида пайдо бўлган бирлашма.

Лицензия - муайян фаолият тури билан шуғуллианиш, муайян маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек ихтиро ёки бошқа техника ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун белгиланган тартибда бериладиган рухсатнома, ҳужжат.

Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, фойда (даромад) олишга қаратилган, ўз таваккалчилиги ва мулкий жавобгарлиги ҳисобида амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида кўрсатадиган ташаббускорлик фаолияти.

Тижорат - савдо-сотиқ тури. Кенг маънода - фойда олиш учун қаратилган фаолият.

Холдинг - активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялари назорат пакетлари кирадиган очиқ турдаги акциядорлик жамияти.

Эмансипация - воёга етмаган, 16 ёшга тўлган ўсмир меҳнат шартномаси ёки ота-онасининг розилиги бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллианаётган бўлса, уни тўлиқ ишга яроқли деб эътироф этиш (эълон қилиш).

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

5 - бўлим

1.0. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни транспорт, энергетика, алоқа тизими кабилар иқтисодийнинг энг муҳим секторларидан биридир. Бошқа аксарият тармоқлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида давлат раҳбарлигининг устунлиги яққол сезилиб туради.

Хусусан, дунёдаги кўпчилик мамлакатларда асосий темир йўллар давлатникидир. Айрим жойлардаги хусусий темир йўллар эса иккинчи даражали аҳамиятга эга. Йўловчи ташувчи шаҳар транспортининг деярли ҳаммаси давлат қарамоғидадир. Ҳаво транспорти ҳам асосан давлатга қаршли. Хусусий сектор эса юк ташвишда, ички ва денгиз кемачилигида асосий ўринни тутати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари давлатнинг кучли назорати остида бўлиши лозимлиги хусусида анчагина далил-исботларни келтириш мумин. Буларнинг энг муҳимлари устида тўхталиб ўтамиз.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давлатнинг алоҳида роли зарурлигини белгилаб берадиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги бозорнинг ўзига хос жиҳати қуйидагилардан иборат.

1) Одатда ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги талаб ва таклифни тартибга солиб турадиган бозор механизми товарлар бозоридаги каби жуда самарали амал қилмайди.

Бир томондан, бу соҳада бажарилмаган иш мавжуд қувватлардан фойдаланилмаганлигини аниқлатмайди. Бошқа томондан эса, агар талаб қондирилмаётган бўлса, бу муаммони заҳираларни ишга солиб ҳал этиб бўлмайди. Бозорда бир нечта ишлаб чиқарувчи бўлиб, ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлигидек анъанавий маънодаги рақобат бу ерда бўлиши мумкин эмас, чунки бундай ҳол ишлаб чиқарувчини “синдириб” қўйиши мумкин. Айни вақтда транспорт хизмати, электр энергияси, иссиқ сув кабиларга бўлган талаб соат сайин, кун сайин ва йилнинг фаслларига қараб ўзгариб турганлиги боисидан ана шу тармоқлардаги қувватлардан фойдаланишда талаб энг катта бўлган даврни мўлжаллаб ишлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам давлат раҳбарлигида транспорт, энергетика ва шу кабилардаги қувватларни назорат қилиб туриш зарур.

2) Ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўпчилик объектларининг хизматига нарх қайишқоқ эмас, шу боисдан ҳам уларни пасайтириб, катта қувватлардан фойдаланишга эришиб бўлмайди.

3) Ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматлари бозорининг нотекис таркибий тузилиши, яъни ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг сони ва миқдорига нисбатан ана шундай тузилиш бозорда мувозанатни юзага келтиришни мушкуллаштиради. Фақат давлат аралашуви

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

билан бозордаги мувозанат ҳолатини ушлаб туриш мумкин.

4) Ишлаб чиқариш инфратузилмаси, у ишлаб чиқаришга нечоғли фойда бўлишига қараб ривожланиб боради. Бу ўринда рентабеллик қондаси бошқа бозорлардаги сингари катта аҳамияга эга эмас. Бунинг маъноси шуки, инфратузилма иншоотларини бунёд этиш, қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатишда бутун жамият манфаатларини ўйлаб халқ хўжалиги ва ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар ҳисобга олинади. Масалан, иқтисодий мулоҳазаларни ҳисобга олмай, турли минтақаларда транспорт тармоғи кенгайтирилаверади ёки меҳнаткашлар иш жойига ижтимоий тарифларга кўра элтиб қўйилади.

Мазкур қондалар кўпинча амалдаги чиқимларнинг нархлардан ортиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам уни давлат ишгиرويки билангина амалга ошириш мумкин.

5) Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибига кирувчи кўпгина тармоқлар, масалан, энергетика ва унинг тармоқлари (кўмир, газ ва электр таъминоти, шунингдек нефтни қайта ишлаш ва атом энергетикаси) техникавий ва иқтисодий сабабларга кўра бозорнинг олигополия ва монополия сингари шаклларидагина ишлаши мумкин. Энергетика хўжалиги корхоналарини куришга кетадиган харажатлар шу қадар катта, доимий чиқимлар шу қадар кўпки, электр таъминоти корхоналарининг қувватлари шу қадар улканки, мол олувчи айрим минтақаларга кўпгина корхоналар томонидан хизмат қилиниши техникавий ва иқтисодий сабабларга кўра мақсадга мувофиқ бўлмас эди. Бунинг устига, газ ва электр энергияси энергиянинг “ву-жуд” тури бўлиб, истеъмолчиға фақат ўзига хос магистрал транспорт тизими орқалигина етказиб берилиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Етказиб бериш шоҳобчаларига ёриб киришга тўғри келади, бунинг учун фаолияти қатъий муайян ҳудуд билан чегараланган жавобгар юридик шахснинг ижозати зарур бўлади. Аммо маълум сабабларга кўра, электр узатиш линиялари ёки газ қувурлари қуриш учун концессия фақат битта корхонага берилади, шундай қилиб у беихтиёр монополистга айланади. Бинобарин, электр таъминоти иқтисодий тараққиёт учун катта аҳамиятга эга экан ва энергия тарқатувчилар нархи ички ва ташқи бозорларда таклиф этилаётган товарлар нархига таъсир этар экан, энергия тарқатувчиларни етказиб берувчилар ўзининг монополи ҳолати, қисман монополия ёки олигополия ҳолатини суистеъмол қилмасликларини кузатиб бориш муҳим. Энергетика секторининг алоҳида мавқеи туфайли давлат бу тармоққа эътиборни қаратган. Бу эътибор саноатлаштиришнинг дастлабки давр тажрибаларини ҳисобга олиб, янада кучайди. Ўша пайтда газ ва энергетика таъминоти соҳасидаги хусусий корхоналар фойдани ўйлаб электр энергиясини географик жиҳатдан ноқулай саноат ва дистеъмол минтақаларига етказиб беришдан бош тортган. Натижада иқтисодий энергетика соҳасида “оқ доғлар” вужудга келган. Бунинг устига, монополия ва олигополия нархлари шу қадар баландки, иқтисодий жиҳатдан заиф хусусий корхоналарнинг энергияга талабини қондириш амалда мумкин бўлмай қолади.

Аммо бозор ва тadbиркорлик омилларидан фойдаланилмай, инфратузилма объектларига фақат давлатнинг эгаллик қилиши кам самара бериши мумкин. Агар бозор-рақобат омилларидан фойдаланилса, инфратузилма хизматини такомиллаштириш ва инвестициялар сифатини кўтариш борасида катта имкониятлар очилади. Албатта, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

катта инвестициялар талаб қилинади, бироқ ўз-ўзидан самарали йўл очилиб қолмайди, техникавий хизматнинг сифати кўтарилмайди ва истеъмолчининг талаблари яхшироқ қондирилиб қолмайди.

Бу мақсадларга эришмоқ учун қуйидаги тадбирлар зарур: инфратузилмани ишлатишнинг тижорат қондаларини қўллаш, хусусий сектордаги фирмалар томонидан рақобатнинг рағбатлантирилиши ва айни вақтда улар фаолиятининг зарур даражада тартибга солиб турилиши ҳамда фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг режалаштириш, инфратузилма хизматларини ташкил этиш ҳамда шу хизматлар устидан назорат ўрнатишдаги иштирокини фаоллаштириш. Бу чора-табирлар фақат сиёсатни ўзгартиришнигина назарда тутмай, балки инфратузилма иши тизимини тубдан қайта қуришни ҳам назарда тутади. Инфратузилма хизматини такомиллаштириш ва бундай хизмат сифатини кўтаришга қаратилган, шунингдек бундай хизматларни бажаришдаги қувватларни кўпайтиришга қаратилган ўзгаришларни рўёбга чиқармоқ учун тўртта асосий вариант бор.

Ташкилий структуранинг вариантлари мулкни тақсимлаш, маблағ билан таъминлаш ҳамда ишлатиш ва техник хизмат кўрсатишда масъулиятнинг, шунингдек давлат билан хусусий сектор ўртасида таваккалчиликни тақсимлашнинг турли усулларини ақс эттиради. Ушбу вариантлар мукамал эмас, улар муассасавий қарорлар мажмуасининг ўзига хос намуналаридир.

А вариант: давлат мулки ва давлат томонидан ишлатиш. Инфратузилманинг кўпгина тармоқларида мулк ва ишлатиш ҳуқуқининг кенг тарқалган субъекти - ишнинг давлат йўли билан ташкил этилиши, яъни давлат корхонаси, бошқарув идораси ёки ҳукумат муассасаси, бу муас-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

сасалар марказий, минтақавий ёки маҳаллий ҳокимият органининг мулкидир ва унинг назорати остидадир. Давлат ташкилотлари давлат бюджети билан боғланмаган тижорат асосида фаолият кўрсатганида таклиф этилаётган хизматлар сифати кўтарилади, мазкур давлат ташкилотлари қоғозбозлик тўсиқларидан чўчимайди ва тижорат корхоналари фаолиятини тартибга солиб туришда қабул қилинган меъёрларга бўйсунди. Хусусий фирмалар томонидан бўлаётган рақобат туфайли инфратузилмага даҳддор давлат корхоналари ўз ишларининг сифат кўрсаткичларини яхшилашга мажбур бўлади (бундай рақобатни меъёрий хужжатлар ва бошқа низомлар билан чеклаб қўймаслик керак). Аниқ хизматларни бажариш, яъни коммунал хўжалигидаги давлат корхоналарига техникавий хизмат кўрсатиш учун хусусий пудратчиларнинг жалб этилиши давлат ва хусусий секторларга бир бирларини билиб олишига имкон беради ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Шу тариқа орттирилган тажрибадан, кейинчалик хусусий сектор ижара ёки концессия шаклида (Б варианты) инфратузилмани кенгроқ қўламда ишлатишда фойдаланиш мумкин.

Б вариант: давлат мулки ва хусусий ишлатиш. Давлат сектори концессия ёки ижарага бериш йўли билан инфратузилма объектларини ишлатиш юмушини (бу ишлатиш билан боғлиқ тижорат таваккалчилигини ҳам), шунингдек янги инвестициялар жалб этиш масъулиятини ҳам хусусий секторга бериб қўйиши мумкин. Давлат фондларидан фойдаланиш ҳуқуқи ёки муайян соҳаларга хизматлар тақдим этиш ҳуқуқи инфратузилманинг аниқ тармоғига боғлиқдир.

Ижарага бериш ва концессия хусусий секторга объектларга раҳбарлик қилиш ва уларни маблағ билан таъ-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

минлашни амалга оширишга имкон беради. Айни вақтда мавжуд ташкилотлар таркибий тузилиши бузилмайди ва меъёрий тартибга солиб туришнинг мутлақо янги тизими-ни дарҳол вужудга келтириш талаб этилмайди.

Жадал. Инфраструктура хизмати кўрсатишнинг асосий ташкилий вариантлари.									
Вазифа-си	1-вариант					2-вариант		3-вариант	4-вариант
	Давлат идораси	Давлат корхонаси				Ижара шартно-маси	Концес-сия шарт-номаси	Хусусий (жуял-дин кооп-ератив) мулк ва ишлатиш	Фойдала-нувчилар ёки ҳоки-матнинг маҳаллий органла-ри хизма-тини ушо-тириши
		Анъана-вий	Акцияла-штирил-ган ва ти-жоретла-шган	Хизматта пудрат шартно-маси	Ишлаб чиқариш шартно-маси				
Ишлаб чиқариш воситала-рига эгалик	Давлатники		Давлатники (назорат пакети)			Давлатники (назорат пакети)		Хусусий ёки бир-галликда	Хусусий ёки бир-галликда
Соҳани ишлаб чи-қилишнинг тараққ-иё инвести-ция рақаб-лаштири-лиши	Ички ҳуку-мат оиди-да	Бош вазир-лик	Бош вазирлик ёки мустақил давлат органи			Давлат органи хусусий ишлатувчи корхона билан келишилган ҳолда		Иштирок-сиз ёки давлат органи	Ишти-россиз ёки давлат органи
Асосий фондлар-ни капи-тал маб-лағ билан ташмин-лаш	Давлат бюджети	Суб-сидия-лар ва давлат займ-лари	Асосан, бозор молиялаштирилиши			Давла-тники	Хусусий иш-латиш фир-маси	Хусусий	Хусусий
Жорий молия-латириши (айлан-ма маб-лағлар)	Давлат бюд-жети	Асосан, субси-диялар	Асосан, ички бюджет тушуллари			Хусусий ишлатиш фирмаси		Давлат хизмат-лари-ни тўлаши мумкин	Хусусий
Ишлатиш ва ташма-ка хизма-ти	Давлат	Давлат корхо-наси	Хизматларнинг муайян тури бўйича хусусий ишлатиш фирмаси	Хусусий ишлатиш фирмаси		Хусусий ишлатиш фирмаси		Хусусий	Хусусий
Тариф ту-шуллари йнгиши	Давлат	Давлат ёки дав-лат кор-хонаси	Давлат корхонаси			Хусусий ишлатиш фирмаси		Хусусий	Хусусий
Бошқа тивсиф-лар	Давлат	Давлат	Давлат корхонаси	Хусусий ишлатиш фирмаси		Хусусий ишлатиш фирмаси		Хусусий	Хусусий
Тижорат тавоқил қилувчи	Давлат	Давлат	Давлат корхонаси	Асосан, давлат		Хусусий ишлатиш фирмаси		Хусусий	Хусусий
Хусусий шахслар-га тован тўлаш учун асос	Қўллаб бўлишдан	Кўрсатилган хизматлар асосида энгч тўлов		Кўрсатилган хизматлар асосида, натижаларга кўра		Натижаларга кўра, ишлатувчи фирма фондлардан фой-даланиши учун тў-лаган маблагини чағириб тўлаш		Хусусий тарзда энгс-ланди	Хусусий тарзда энгс-ланди
Одатдаги дивоний-лиги	Чегарала-масдан	5-йилдан кам		3-5 йил апрофида		5-10 йил	10-30 йил	Чегарала-масдан	Чегарала-масдан

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Муқобил (альтернатив) ташкилий тузилмалар доирасида яхши кўрсаткичларга эришиш омиллари куйидаги жадвалда умумлаштирилган

А вариант: давлат мулки ва давлат томонидан ишлатиш.

● Мулкдор, меъёрий тартибга солиб турувчи идора ва ишлатувчи тузилма сифатида давлатнинг ролини аниқ белгилаб қўйиш.

● Давлат кундалик (жорий) бошқарувга аралашмайди.

● Давлат корхоналари умумий тижорат ҳуқуқига бўйсунди ва умум қабул қилган бухгалтерлик ҳисоби ҳамда аудит стандартларига (хусусий корхоналар учун белгилаб қўйилган қоидалар ҳам бу ўринда амал қилади) риоя қилади.

● Тарифлар харажатларни қоплашга йўналтирилади, корхоналар қатъий бюджет интизомига риоя этади.

● Давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари аниқ адрес (шахслар, корхоналар, муассасалар)га қаратилган ва бевосита бюджет ажратмалари ҳисобидан амалга оширилади.

● Бошқарув кадрлари касби ва ишбилармонлигига қараб танланади.

● Уларнинг меҳнатига шунга

яраша ҳақ тўланади.

● Фойдаланувчи билан акс алоқа механизми мавжуд.

● Тармоқ майдаланиб кетаётган бир шароитда фаолиятнинг алоҳида ажратиб қўйилиши лозим бўлган турлари ва уларнинг аниқ юмушлари хусусий сектор учун очиқдир (масалан, хизмат кўрсатиш учун пудрат контрактлари шарт-шароитларида).

● Заруратга қараб хусусий секторнинг бошқарув кадрлари жалб этилади (ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун контрактлар доирасида).

● Мулк билан бошқарув хусусий сектор ажратилади (масалан, акцияларнинг назорат қилинмайдиган мажмуаларига эгаллик шакли)

Б вариант: давлат мулки ва хусусий ишлатиш.

● Шартнома ҳуқуқининг пойдеворига, шу жумладан жорий этиш ҳуқуқининг обрўли механизмга асос солинди.

● Контрактларда назорат кўрсаткичлари аниқ белгилаб қўйилган. Ишлатиш тузилмаси

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

эгасининг мажбуриятлари чегараланган, даврий ахборот жараёни белгиланган (айниқса, ишлаб чиқариш ресурслари харажатларининг кўзда тутилмаган тарзда ўзгаришини ҳисобга олиш мақсадида), мўлжалланган кўрсаткичлар бажарилмаган тақдирда низоларни бартараф этиш механизмлари ва жазо чоралари аниқлаб қўйилди.

● Контрактлар танлаб олишнинг очиқ жараёни доирасида тузилади, бунда, иложи борича, танлов савдо натижаси афзал кўрилади.

В вариант: хусусий мулк ва хусусий ишлатиш.

● Рақобат асосида қайта қурилган секторча.

● Хусусий секторнинг иқтисодий фаолияти учун амалдаги ва меъёрий тўсиқлар бартараф этилган (масалан, кредит ресурслари ва чет эл валюталарини қўла киритишга нисбатан чекловлар).

● Рақобат дурустроқ интизомий таъсир ўтказа олмаётган шароитда жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва зарурат пайдо бўлганида, янги хусусий компанияларнинг инфраструктура тармоқ

объектларидан фойдаланишни таъминлайдиган меъёрий ҳужжатлар жорий этилган.

Г вариант: инфраструктура хизматининг ҳоқимият маҳаллий идоралари ва фойдаланувчилар томонидан уюштирилиши.

● Фойдаланувчилар ёки жамоатчилик вакилларининг дастурни тайёрлашнинг илк босқичларида хизматларга ҳақ тўлашга тайёргарликни таъминлашда иштироки ва умумий ишпа даҳлдорлик ҳис-туйғусини вужудга келтириш.

● Фойдаланувчиларнинг иштироки тегишли ташкилий тадбирлар ҳамда пул ёки натура тарзида ифодаланган бадаллар билан таъминланади.

● Тармоқ муассасалари ёки ноҳукумат ташкилотлар фойдаланувчилар гуруҳига техникавий ёрдам ва ўқитиш дастурлари доирасида кўмакланади.

● Зарурат тутилганда тармоқ инфраструктурасининг бирламчи ёки иккиламчи ўзаро алоқаларига техникавий талаблар эътиборга олинади.

● Ишлатиш учун жавобгар шахслар зарурий тайёргарликдан ўтган, тегишли ҳақ олади ва шахсан масъулдирлар.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

В вариант: хусусий мулк ва хусусий ишлатиш.

Эгаликнинг ва ишлатишнинг хусусий (жумладан кооператив) шакли хусусий сектор учун жуда манфаатлидир, чунки фойдаланувчилардан дурустроқ тўлов олиш мумкин ҳамда тижорат ва сиёсий таваккал камроқдир. Бу вариант рақобат мавжуд бўлган фаолият турлари учун айниқса маъқул.

Г вариант: инфратузилма хизматларининг ҳокимият маҳаллий идоралари ва фойдаланувчилар томонидан уюштирилиши. Инфратузилманинг муниципал ва маҳаллий даражадаги хизматлари хусусида фойдаланувчилар ёки ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари ташаббуси билан чоғроқ лойиҳаларнинг яратилиши кўп туманларда самарали ва арзон хизматларнинг манбаи бўлиши мумкин. Харажатларда ишгирок этувчилар асосий фойдаланувчи бўлганида бу, айниқса, адолатлидир. Ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари томонидан инфратузилмани мустақил таъминлаш механизмлари жойларда танлаб олинishi, ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак. Бу механизмларни ҳеч ким ташқаридан тикишгирмаслиги керак.

Пировард натижада ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида ислоҳотлар ўтказишнинг вариантлари ҳар бир мамлакатда эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб белгиланади.

Эҳтиёжлар инфратузилманинг мавжуд объектлари сони, қамрови, сифати ва самарасига кўра фойдаланувчиларнинг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини нечоғли қондиришига қараб белгиланади. Имкониятлар эса инфратузилма хизматларининг тижоратбоп ва рақобатбардош турларини тавсия этиши, мамлакатнинг ташкилий базаси билан белгиланади, яъни давлат ва хусусий сектордаги бошқарув ҳамда техника потенциали, хусусий сек-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАВОЖЛАШТИРИШ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

тор фаолияти учун давлат идоралари қулай вазиятни вужудга келтиришга нечоғли қодирлиги, шунингдек, хусусий секторнинг манфаатдорлиги ва ҳозиржавоблиги билан белгиланади.

Таклиф этилаётган хизматлар ва талабнинг ўсиб бориши инфратузилма тараққиётидаги устивор йўналишларни белгилаб беради. Турли мамлакатларда таклиф кўрсаткичлари (инфратузилма қамрови ва самарадорлиги) билан талаб кўрсаткичлари (иқтисодий ўсиш ва демографик силжишлар) ўртасида жиддий фарқлар бор. Уларнинг инфратузилмага эҳтиёжи ҳам турли-тумандир. Паст даромадли мамлакатлар, одатда, инфратузилманинг паст даражали қамрови ва паст самарага эга. Амалда, ушбу мамлакатлардаги самарадорликнинг барча кўрсаткичлари, ўрта ҳисобда ОЭСР мамлакатларидагига нисбатан уч баробар камдир. Шаҳар аҳолиси ҳар йили 6 % га ўсиб бораётган шароитда инфратузилмага талаб жуда тез ортади. Мазкур мамлакатлардаги асосий вазифа - иқтисодиёт қайта қурилаётганлиги сабабли ўзгариб бораётган талабга таклифни мослашдан иборат.

Ўртача даромадли иқтисодий ислоҳот ўтказётган мамлакатлар нисбатан юқори қамровли инфратузилмага эга. Лекин, айниқса техникавий хизмат кўрсатиш соҳасида анча паст кўрсаткичларни қўлга киритган. Мазкур ҳолатда иқтисодий ўқишни тиклаш учун хизматлар самарадорлигини ошириш энг юқори устунликка эгадир. Ўсиш сурати юқори бўлган мамлакатларда нисбатан яхши қамров ва юқори кўрсаткичлар қарор топган. Уларнинг вазифаси - барча турдаги инфратузилмага ортиб бораётган эҳтиёжларни қондиришдан иборат. Бундан мақсад - ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик ўсишини таъминлаш ва аҳоли эҳтиёжларига хизмат қилишдир.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Имконият чегараси ҳар бир мамлакатнинг лаёқатига боғлиқ. Ушбу потенциал учта тавсиф билан белгиланади. Биринчиси, мамлакатнинг бошқарув ва техника базасига дахлдор. Инфратузилманинг равнақи техникавий мураккаб жараён бўлиб, бунинг учун муҳандислар ва бошқа мутахассислар, шунингдек истеъмолчилар талабини қондириш муҳимлигини англайдиган бошқарувчилар керак. Иккинчи тавсиф - хусусий секторнинг иштирок этиши учун қулай вазиятнинг мавжудлигидир, бу инвестицияларни жалб этиш ҳамда уни қанчалик самарали тақсимлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим. Мавжуд шарт-шароитнинг қулай бўлиши ҳукуматнинг журъати ва мақсадининг очиқлиги, шунингдек мамлакатдаги тегишли ташкилий базанинг муайян даражада равнақ топиши билан белгиланади. Узоқ муддатли инвестицияларни жалб этиш учун макроиқтисодий ва секторга доир сиёсатнинг барқарорлиги фавқулудда муҳим, шунингдек яхши ишлаётган суд ва молия тизими каби ёрдамчи муассасалар ва тузилмалар керак. Давлат ташкилотлари ва меъёрий тартибга солиш тизимининг жамият манфаатлари йўлидаги амалий қобилияти хусусий сектор фаолияти учун қулай шарт-шароит яратишнинг ажралмас таркибий қисмидир. Учинчи тавсиф хусусий секторнинг инфратузилма тизимларини қурилиш, молиялаш ва ишлатиш соҳасида хизматлар кўрсатиш учун зарур ресурслар билан таъминлаш лаёқати ва бунга тайёрлиги.

1.1. Банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасидаги банклар фаолияти “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ҳамда “Банклар ва банк фаолияти ҳақида”ги ҳужжатлар билан тартибга солинади.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қонунда “Банк” тушунчасига аниқ таъриф берилган. **Банк** - тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсдир ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк фаолиятига мансуб барча фаолият турлари мажмуасини бажаради. Қонунда назарда тутилган банк фаолияти қўйидагилар: юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни қабул қилиб олиш ҳамда ана шу маблағларни таваккал қилиб кредитлаш ёки инвестиция йўлида фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш.

Қонунда банклар ўз фаолиятида амалга оширадиган банк операцияларининг турлари белгилаб қўйилган:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда улар бўйича операциялар бажариш;
- омонатларни жалб этиш;
- ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар операцияларнинг бошқа турларини ҳам амалга оширишлари мумкин:

- мулкдор ёки маблағларни тасарруф этувчи билан шартномага кўра пул маблағларини бошқариш;
- юридик ва жисмоний шахслардан чет эл валютасини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш ҳамда сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари инкассацияси;
- мажбуриятларнинг бажарилишини кўзда тутадиган учинчи шахсларга кафолатлар бериш;
- мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича учинчи шахслардан талаб ҳуқуқини сотиб олиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш, сотиб олиш, сотиш, ҳисобга олиш ва сақлаш, миждоз билан шартнома асо-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУВАЛЛА ҚАНОТЎЗУШНИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- сиду қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- банк маслаҳати ва ахборот хизмати кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларга ижарага махсус бинолар бериш ёки шу бинолардаги сейфларни ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун ижарага бериш;
- молиявий лизинг.

Қонун юқорида санаб ўтилган рўйхат билангина банк операциялари миқдорини чекламайди, лицензияда махсус қайд этилган тартибла халқаро банк амалиётига кўра бошқа операцияларни ҳам бажариши мумкин. айти вақтда банклар ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан бевосита шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Банклар, жумладан чет эл банклари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бериб қўйган лицензия асосида ишлайди. Мазкур лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати бор. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний ҳисобланади ва шундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига ўтказилиши шарт.

Қонунчиликка биноан банклар, одада, мулкнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида тuzилади. Юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахслар банкнинг муассислари бўлиши мумкин. Агар қонунда бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, давлат ҳокимияти идоралари, ижтимоий бирлашмалар жамоат фондлари бундан мустаснодир.

Бирон бир шахс устидан ягона назорат ўрнатмаслиги мақсадида ҳар бир акциядорнинг қатнашув улуши устав сармоясини (капитал) миқдорининг 36 % фоизидан ортмаслиги керак. мазкур чекловлар банклар устав сармоясидаги давлат улушига ҳамда чет эл банкларига даҳддор эмас.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Банк муассислари банк рўйхатдан ўтган кундан бошлаб бир йил мобайрнда банкнинг акциядорлари таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

Банклар ўз уставлари негизда ишлайди.

Банкнинг устав капитали банкнинг муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан таркиб топади. Кредитта, гаров қўйиб олинган маблағлардан ва бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав сармоясини шакллантиришда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Истисно ҳолларда, қонунчиликка мувофиқ тарзда банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш мумкин.

Банк рўйхатдан ўтишига қадар муассислар энг кам устав капиталини тўлаган бўлишлари шарт. Устав капиталига тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ёки бошқа банкларда очилган жамғарув ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Устав капиталининг энг кам миқдори марказий банк томонидан аниқланади. Марказий банк лицензияларни рўйхатта олиш ва бериш тартибини ҳам белгилайди.

Марказий банк банкни рўйхатдан ўтказиш ва унга лицензия беришдан қуйидаги асосларга кўра рад жавоби бериши мумкин:

- банкни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этмаганда;
- таъсис ҳужжатларининг қонунчиликка номувофиқлиги туфайли;
- бир ёки бир нечта муассисларнинг қоникарсиз молиявий аҳволи сабабли;
- муассасалар молиявий маблағ манбаларини ошкор этмаганда;

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- банк рўйхатдан ўтказилаётган вақтда энг кам устав капитали тўланмаганида;
 - банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига кўрсатилган номзодларнинг шу ўринга номуносиблигида.
- Банклар фаолияти бозор иқтисодиёти шароитида ниҳоятда муҳимдир. Шу боисдан ҳам давлат улар учун миқозларга ва умуман жамиятга етиши мумкин бўлган зарарни энг паст даражага туширадиган ҳуқуқий муҳитни вужудга келтиради. Марказий банк куйидаги ҳолларда банк операцияларини бажариш учун берадиган лицензияни қайтариб олиши мумкин;
- пассивлар активлардан балад келиб, банк тўловга қодир бўлмай қолганда;
 - лицензия берилган вақтда маълумотларнинг нотўғрилиги тасдиқланганида;
 - банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлар (қарз берганлар) олдидаги мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмай қолганида;
 - ҳисобот маълумотлари мутасил бузиб тузилганда;
 - Қонунга ва лицензия шартларига зид тарзда банк операциялари ўтказилганда;
 - Лицензия берилганидан кейин бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида банк операциялари ўтказилмаганда;
 - монополияга қарши қоидалар бузилганида;
 - Ўзбекистон Республикаси шубҳа банк очган хорижий давлат банкидан лицензия қайтариб олинганида.

Қонунда банклар мустақиллиги аниқ баён этилган. Ўзбекистон Республикаси банклари банк операцияларини бажариш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда мустақилдир. Масалан, банк операциялари хусусида ставка фоизлари ва воситачилик ҳақининг мустақил белгиланади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗПМА ФАОПЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Марказий банк томонидан давлат дастурларини маблағ билан таъминлаш учун бериладиган кредитлар бўйича банк марказлаштирилган ресурслар ва банк чиқимларининг ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақни ҳисобга олиб, қарз олувчидан ундириладиган ставка фоизнинг энг кўп миқдорини ўзи белгилаши мумкин.

Банк давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса банк мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банкнинг бошқарув органлари акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тарзда шаклланади. Ўзига хос хусусияти шундаки, банк кенгаши аъзоларининг сони беш кишидан кам бўлмаслиги керак. Акциядорлардан ташқари, банк соҳасидаги олимлар ва мутахассислар банк кенгаши аъзолари бўлиши мумкин. Банк бошқаруви банкнинг ижроия органидир. Бу бошқарув бевосита раҳбарлик қилади ва банк фаолияти учун жавобгардир. Бошқарув банк кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот беради.

Банклар барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларни ҳимоя қилиш мақсадида банклар Марказий банк томонида белгилаб қўйилган иқтисодий меъёрларга риоя этишлари шарт.

Улар ўз капиталларини ва ликвид ресурсларини етарли даражада тутиб туришлари, шубҳали ва амал қилмаётган активларни таснифлаб, уларга қарши захиралар бунёд этиши, шунингдек талофатлар хавфини камайтириш мақсадида ўз активларининг диверсификация қилинишини таъминлаши керак.

Банклар куйидагиларга дахлдор шарт-шароитларга риоя этиши шарт:

- Ўтказилган инвестициялар типи ёки шаклига;

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

- кўчмас мулк ёки бошқа мулкни сотиб олиб эгаллик қилишга;
- бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида иштирок этишга;

Амалдаги қонунчилик билан банкларга қуйидагилар тақиқлаб қўйилган:

- агар тақсимлаш натижасида банк капитали талаб қилинган энг кам даражадан пасайиб кетса, капиталларни тақсимлаш;
- акциялар шаклидаги ўзининг қимматли қоғозлари билан кафолатланган кредит бериш;
- Марказий банкнинг барвақт олинган ижозатисиз ўз акцияларини сотиб олиш.

Банкларга шу банкларга алоқадор шахслар билан битимлар тузиш ёки шу алоқадор шахслар номидан банкка алоқадор бўлмаган кишилар билан тузилган битимларга нисбатан қулайроқ шарт-шароитларда битим тузиш тақиқланади.

Марказий банк ўзига боғлиқ шахслар билан шу жумладан кредит бериш юзасидан ҳам битимлар тузишга чекловлар белгилаб қўяди.

Қуйидагилар алоқадор шахслар деб эътироф этилади:

- мансабдор шахс, шу жумладан банк кенгашининг аъзоси, мазкур банкнинг бошқа ходимлари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;
- устав капиталининг ўн фоиздан кўпроғига эга банк акциядорлари;
- акциядорларнинг мансабдор шахслари, яъни банк устав капиталининг ўн фоиздан кўпроғига эга юридик шахслар, шунингдек уларнинг энг яқин қариндошлари;

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗУМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- устав капиталининг ўн фоизидан кўпроғига иштирокчи бўлган мазкур банкка нисбатан юридик шахслар, санаб ўтилган юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ва уларнинг яқин қариндошлари.

Юқорида санаб ўтилган шахсларнинг биронтасига алоқадор шахс, уларнинг ҳар бирига алоқадор шахс деб эътибор этилади.

Банкка алоқадор шахсга кредит бериш, шунингдек, банкка алоқадор шахсга кафолатлар бериш мазкур модданинг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

Банклар Марказий ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этишлари керак.

Томонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар тартиби қонунчиликда махсус тарзда белгилаб қўйилган.

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар исталган банкда ҳисоб-китоб varaғи ва бошқа varaғларни очиш ҳуқуқига эга.

Банклар Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган мижозлар ҳисобvaraғини очиш тартибига риоя этиши шарт.

Акциядорлар ва банкнинг бошқа мижозларига банкнинг барча хизматлари бир хил шароитда кўрсатилади.

Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялар, ҳисобvaraғлари ҳамда омонатлари хусусидаги сирнинг ошкор бўлмаслигига кафолат бериши керак. Банкнинг барча хизматчилари банкнинг мижозлари ва вакилларининг операциялар, ҳисобvaraғлар ҳамда омонатларига дахлдор сирни сақлаши шарт.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига оид маълумотлар шу ташкилотларга, прокурорга, судларга берилади; агар жиний иш қўзғатилган бўлсагина суруштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатчиларига дахлдор маълумотлар ана шу мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига, агарда мижозларнинг ҳисобварағи ҳамда омонатлардаги пул маблағлари ва бошқа бойликлари хатланган, тўловни шулардан ундириш зарурати бўлса ёки мол-мулкни мусодара қилиш чораси қўлланган бўлсагина судларга, қўлидаги ишига кўра суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварағи ва омонатлар эгаси қазо қилган тақдирда маълумотлар шу ҳисобварақ ёки омонат эгасининг шу банкдаги васиятномасида кўрсатилган шахсларга, давлат нотариус идораларига, улар қўлидаги вафот этган омонатчига дахлдор мерос ишлари кўрилаётганида, чет эллик фуқаролар ҳисобварағи эса хорижий консуллик муассасаларига берилади.

Агар хизмат юзасидан банкдаги ахборотдан хабардор шахслар сирни ошкор этса, у қонунда кўзда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Банклар ўз мижозлари ва омонатчилари олдида маблағларининг сақланиши ва омонатчи олдида қабул қилган мажбуриятларининг ижроси, шу жумладан тўловларнинг бир банкдан бошқа банкка ўтиши ҳамда маблағларнинг қорхоналар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб варағларига ўтказиб, ёзиб қўйилиши учун жавобгар.

Мабодо банк тугатилса, унинг жисмоний шахе бўлган омонатчилари банк тугатилишидан тушган маблағлар эва-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

зига ўз омонатларини биринчи галда қайтариб олишлари мумкин.

Банклар ўз мижозларини депозит ва кредит операцияларининг муддати ҳамда шарт-шароитлари, жумладан Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган қоидалар асосида ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва йиғимлар хусусида мунтазам хабардор қилиб туриши шарт.

Банклар фаолияти устидан монополияга қарши назорат ҳам мижозлар манфаатини ўйлаб амалга оширилади. Банкларга банк операциялари бозорини монополияга айлантириш ва банк ишидаги рақобатни чеклашни мўлжаллаб битимлар тузишда ўз уюшмалари ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиш тақиқланади. Монополияга қарши қоидаларга риоя этишни Марказий банк, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ана шу мақсадда тузиладиган бошқа органлар назорат қилади.

Банк қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

- акциядорлар йиғилишининг қарори билан Марказий банк лицензияни қайтариб олганида;
- банк банкрот бўлганида, яъни “синганида”;

Банк ўз фаолиятини тўхтатганида уни Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш китобидан ўчиради.

Банк фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

1.2. Улгуржи ва биржа савдосининг инфратузилмаси

Улгуржи ва биржа савдосининг инфратузилмаси бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Унинг асосий вазифаси - улгуржи савдо бозорининг ишончли амал қилишини ҳамда талаб ва таклифнинг рақ-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

обатли ўзаро муносабатларини таъминлашдир.

Ўзбекистондаги улгуржи савдо инфратузилмасининг марказий бўғинларидан бири - улгуржи ва биржа савдоси республика акциядорлик уюшмаси - “Ўзулгуржибиржасавдо” дир. У 1994 йилнинг март ойида улгуржи савдо акциядорлик жамиятлари асосида тузилган. Уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларга, шу жумладан тadbиркорларга тижорат-воситачилик, савдо, ишлаб чиқариш, лизинг, транспорт, молия, аудит, ахборот хизматлари кўрсатиш;
- улгуржи, биржа, ярмарка ва кимошди (аукцион) савдоларини ташкил этиш ва барча юридик ҳамда жисмоний шахсларга товар-хом ашё ресурслари бозорида савдо битимлари тузишда қулай шароитлар яратиш;
- ҳукумат буюртмаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат эҳтиёжлари учун ватанимиздаги ва хориждаги товар ишлаб чиқарувчилардан, тижорат фирмалари, компаниялар ва бизнесменлардан траст-контракт-шартнома негизида маҳсулотлар сотиб олиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда истеъмолчиларга сотиш.

“Ўзулгуржибиржасавдо” фаолиятида вилоят акциядорлик жамиятлари катта мавқега эга. Уларнинг фаолияти қуйидагилардан иборат:

- мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга тижорат-воситачилик, савдо, ишлаб чиқариш, транспорт, ахборот хизматлари кўрсатиш;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

- вилоят товар-хом ашё биржалари, ярмарка ва кимошди савдолари уюштириш;
- мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга маҳсулотни сотиш ва моддий-техника ресурсларини сотиб олиш учун қулай ва ўзаро фойдали шарт-шароитлар яратиш;
- хом ашё ресурсларини қидириб топиш, фойдали битимлар тузиш учун республика ҳудудида ва чет элларда баҳоларни котировка қилиш учун ахборот хизмати кўрсатиш.

Улгуржи савдо инфратузилмасининг бошқа энг муҳим қисми Республика товар-хом ашё биржасидир.

Ўзбекистонда биржа фаолиятининг бошланиши 1991 йилнинг март ойида очиқ типдаги акциядорлик жамияти сифатида “Тошкент” универсал республика товар-фонд биржасининг очилиши билан боғлиқ.

Шу давр мобайнида қарийб барча вилоятларда, кўпчилик вазириликлар ва идораларда 36 та товар-хом ашё биржалари очилди. Аммо қонуний, меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги, шунингдек биржа фаолияти бобида амалий тажрибанинг ҳамда биржаларнинг экспорт учун товарларга лицензиялар берадиган ташқи иқтисодий органлар, божхона хизмати, молия ва солиқ идоралари билан ўзаро алоқалар механизмнинг йўқлиги туфайли аввал-бошдан оқ “биржа”, “брокер” сингари тушунчалар ва биржа фаолияти билан боғлиқ бошқа ўзига хос воқеликларнинг обрўси тушиб кетди.

1992 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилди.

Бу қонун билан биржа, биржа товари ва биржа фаолияти тўғрисидаги асосий қоидалар белгиланди. Қонунга

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

кўра, биржа - юридик шахс бўлган корхонадир, у белгилаб қўйилган қоидалар асосида ҳамда олдиндан белгиланган жойда ва маълум вақтда ошқора савдо ўтказиш йўли билан биржа товарларининг эркин улгуржи савдосини уюштириш учун шарт-шароитлар яратади.

Биржа фаолияти талаб ва таклифнинг амалдаги нисбатини аниқлаш негизида ва шуни ҳисобга олиб нархларни шаклантириш асосида биржа товарларининг улгуржи бозорини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидан иборат. Мулк, шу жумладан кўчмас мулк, маҳсулот етказиб бериш учун хизмат кўрсатиш, шартномалар, ақлий (интеллектуал) мулк, қимматли қоғозлар, валюта маблағлари ҳамда фуқаро оборотига тушаётган бошқа товарлар - биржа товаридир. Ер, унинг қазилма бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, миллий маданий ва тарихий бойликлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган товарларнинг бошқа турлари биржа товари бўла олмайди.

Қонунда биржа Устав фондининг энг оз миқдори белгилаб қўйилган, шунингдек унда давлат ҳокимиятининг ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий органлари, давлат банклари ва давлат кредит муассасалари (банклар фонд ва валюта биржаларининг муассислари бўлиши мумкин), давлат суғурта ва давлат инвестиция компаниялари ва фондлари, жамоат, диний ва хайрия уюшмалари (ташкилотлари) ва фондлари, шунингдек қонунчиликка биноан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошира олмайдиган жисмоний шахслар биржа муассислари бўла олмаслиги аниқ ифодаланган.

Қонунда биржанинг шакли ва турлари кўрсатилган. Биржалар ҳўжалик жамиятлари: очиқ ёки ёпиқ типдаги акциядорлик жамиятлари, масўулияти чекланган жами-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ятлар ва бошқа шакллардаги уюшмалар сифатида тузилиши мумкинлиги қонунда таъкидланган. Ихтисослашувита кўра биржалар: товар биржаси, шу жумладан универсал ва ихтисослашган биржалар, фонд, валюта, товар-фонд биржалари, ақлий мулк объектларини сотиш биржалари ва аралаш биржалар бўлиши мумкин.

Қонунда биржанинг бевосита товар, товар-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши тақиқлаб қўйилган, биржа омонатлар қўйиш, пайлар (улуш), акциялар сотиш олиши мумкин эмас, у корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар муассиси бўла олмайди (агар улар бевосита биржа фаолияти билан боғлиқ бўлмаса).

Қонунда белгилаб қўйилишича, биржа унинг уставига мувофиқ тарзда бошқарилади. Биржа бошқарув таркибий тузилиши, шакли ва усулларини мустақил белгилайди.

Биржа уставида қуйидагилар белгилаб қўйилиши керак: биржанинг номи ва унинг тури; биржа ўрнашган жой, биржа фаолиятининг мавзуи ва мақсадлари; устав фонднинг миқдори; муассислар томонидан биржа фондига улуш қўшилишининг тартиби ва муддатлари; даромадларни тақсимлаш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш тартиби; биржа муассислари ва аъзоларининг мулквий жавобгарлиги; биржани бошқариш органлари, уларни ташкил этиш тартиби ва ваколати; биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби; биржа аъзолигига қабул қилиш тартиби, аъзоликни тўхтатиб қўйиш ва аъзолликдан чиқариш, биржа аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; биржани қайта тузиш ва тутатиш тартиби. Устава қонунчиликка зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Биржа амалдаги қонунчилик ва ўзининг уставини неги-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

зида биржа савдоси қоидаларини қабул қилиш ва биржа савдоси қатнашчиларидан уни ижро этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Биржанинг вазифалари: биржа савдосини ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш; биржа операцияларини тартибга солиш; товарларга талаб ва таклиф нисбати асосида нархлар котировкасини амалга ошириш; биржа аъзолари ва қатнашувчиларга ташкилий ва бошқа хизматлар кўрсатиш; мунтазам (ҳафтасига камидда бир марта) нархлар котировкаси, индекслар ўзгариши, савдо вақти, товарлар, битимлар ҳажми, контрактлар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиши истиқболлари ҳақида таҳлилий ахборотлар эълон қилишдан иборат.

Қонунда биржа фаолияти қуйидаги қоидалар асосида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган: аниқ жойи ва вақтини олдиндан белгилаб қўйиш йўли билан биржа савдоларининг самарадорлигини таъминлаш; биржа товарлари бозорини шакллантириш; бозор нархларини эркин тарзда юзага келтириш; савдоларни ошқора ва оммавий ўтказиш; биржа битимларини тасдиқланган қоидалар ва шу битимларни рўйхатта олиш асосида эркин тузиш; товар нархи котировкасини ўтказиш ва бу ҳақда ахборот эълон қилиш; монополияга қарши қонунчиликка риоя қилиш.

Мазкур қонуннинг амалда жорий этилиши шу вақтгача ишлаб турган аксарият биржаларнинг юридик жиҳатдан ноқобиллигини кўрсатди ва оқибатда улар қайтадан рўйхатта олинмади ва тарқалиб кетди.

↳ Ўзбекистонда биржа фаолиятининг юзага келиши ва равнақининг биринчи босқичи тажрибасини умумлаштириб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетганидан кейин ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон собитқадамлик билан босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўта бошлади.

2. Кўпдан-кўп брокер идоралари тармоғи билан универсал товар-фонд биржасининг очилиши муайян даражада иқтисодиётнинг илгари режа асосида ва давлат таъминот тизимига кўра боғланиб турган барча соҳаларида узилиб қолган хўжалик алоқаларини тиклашга имкон берди.

3. “Тошкент” биржаси МДХ ҳудудидаги бошқа биржалар билан фаол ҳамкорлик қилгани, шунингдек унинг биржалараро иттифоққа, МДХ мамлакатлари биржалар конгрессига, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон биржалари уюшмасига аъзо бўлиши бир қадар бўлсада кўп йиллар мобайнида таркиб топган иқтисодий муҳитни асраб, қувватлаб турди.

4. Биржа иши амалиётида биржа савдолари техникаси, технологияси ва қоидалари шишитилди, чет эл биржалари тажрибаси ўрганилди ва жорий қилинди, брокерлар ва бошқа мутахассислар тайёрланди.

5. Биржалар нархнинг ўзгариши, иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши хусусидаги иқтисодий ахборотнинг муҳим манбаи бўлди. Биржа савдолари натижаларига кўра, четдан ташиб келтирилаётган товарлар ва экспорт маҳсулотига, айниқса пахта толасига нархлар котировкаси шакллана бошлади; бу эса жаҳон бозоридаги талаб ва таклифни ҳисобга олиб, нархлар даражасини белгилашни таъминлади ва харид нархларининг ўзгаришига асос бўлди.

6. Шу билан бир қаторда собиқ вазирликлар, бош бошқармалар ҳузурида биржаларнинг ғайри-табиий пайдо бўлиши, қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асос ҳамда биржа

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

фаолияти учун бирор бир имтиёзнинг йўқлиги, шунингдек товарларни лицензиялаш турларининг кўпчилиги, республикадан товарлар олиб чиқишдаги божхона тўсиқларининг фаолияти талайгина ноҳушликларни келтириб чиқарди ва “биржа”, “брокер” тушунчаларини бадном қилди.

7. 1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунни қабул қилди ва унда биржа мақоми, биржа фаолиятининг тартиби, хўжалик ва молия органлари кабилар билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилди.

8. Ушбу қонуннинг амалда жорий этилиши туфайли аксарият ноқобил биржалар тарқалиб кетди ва Ўзбекистонда биржа фаолияти ривожланишининг биринчи босқичи яқунланди.

1994 йил 21 январидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг ҳамоя этилишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида” қабул қилган фармони биржа фаолиятини ривожлантиришга янги шароит яратди. Мазкур фармоннинг 11-банди алоҳида аҳамиятга эга, унда товар-хом ашё биржалари иштирокида корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қолган товарлар ҳамда маҳсулотларни сотиш юзасидан улпуржи ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказишни амалда татбиқ этиш кўзда тутилган.

Шу йўсинда сотиб олинган товарларни, бу ҳолни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлганида республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш учун лицензия талаб қилинмайди ва божхона солиғи солинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги “Ўзулпуржибиржасавдо” уюшмасини таъсис этиш ва унинг таркибида Республика акциядорлик

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

товар-хом ашё биржасини тузиш тўғрисидаги фармони ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган фармонларининг ижроси учун Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 25 мартда “Ташқи савдо операцияларини тартибга солиш тадбирлари тўғрисида” 163-сонли қарор ва 1994 йил 19 апрелда “Маҳсулот ва товарларни сотиш учун республика ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 216-сонли қарор қабул қилди ва шу тариқа “Республика товар-хом ашё биржалари ва республика ярмаркаларидан сотиб олинган маҳсулотни олиб чиқиш кетишининг вақтинчалик тартиби” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари республикада биржаларни равнақ топтириш учун янги қонуний негизни вужудга келтирди.

Қонуний-ҳуқуқий асос билан бир қаторда республика биржаларининг асосий ихтисоси ва иқтисодиётнинг ҳар бири ўзаро боғлиқ соҳаларини тақсимлаш аниқланди. Бу эса биржаларнинг равнақи ва халқаро даражага етишувида муайян босқич бўлди.

“Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармонларини ривожлантириш учун ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар мажмуасининг яратилиши корхоналар, хўжаликлар, тадбиркорлик тузилмалари, хусусий фирмалар ҳамда мулкнинг барча шаклидаги бошқа хўжаликлар, шунингдек жисмоний шахслар, шу жумладан чет элликларнинг ўз маҳсулотини биржа савдоси орқали сотишдан манфаатдорлигини оширди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бунга, биринчи навбатда, биржа савдосида сотиб олинган маҳсулотни республика ташқарисига лицензиясиз ва бож солигисиз олиб чиқиб кетишдаги белгиланган имтиёзлар ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси тараққиётининг ҳозирги босқичида икки йирик ҳужжат биржа фаолияти доирасини анча кенгайтди ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда унинг мавқеини оширди. Дарҳақиқат, биржа бозор механизмининг энг муҳим воситаси сифатида республика бозорини биринчи навбатдаги зарур товарлар билан тўлдиришга, барча шакллардаги мулкка эга корхоналар ва хўжаликлар ихтиёридаги маҳсулотни сотиш, МДҲ давлатлари ва чет эллардаги маҳсулот етказиб берувчилар ва турдош корхоналар билан ишлаб чиқариш алоқаларини тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилнинг 9 февралда “1995 йилда биринчи навбатда зарур бўладиган товарлар билан истеъмол бозорини тўлдиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида”ги 42-сонли қарорни қабул қилди ва унга биноан барча вилоят марказларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон товар-хом ашё биржасининг бўлимлари очилди.

Иккинчидан, 1995 йилнинг 1 мартдан эътиборан, 1994 йилнинг апрель ойида ташкил этилган доимий ярмарка “Ўзлугуржибиржасавдо” таркибидан олиниб, товар-хом ашё биржасига ўтказилди.

ЎЗРТХБ бўлимлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ўз вилоятидаги корхоналар ва хўжаликларга хизмат кўрсатиш учун биржа ҳамда ярмарка савдоларини уюштиришдан иборат. ЎЗРТХБ да бўлгани-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОПЛЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

дек, уларнинг таркибида ҳам кўرғазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш бўлимлари тузилади.

Доимий ярмаркалар ўз ишини қуйидаги йўналишларда олиб боради:

- доимий кўрғазмалар ташкил этиш, буларда шартномага кўра сотиш учун корхоналар, фирмалар ва бошқа компаниялар маҳсулотининг намуналари қўйилади;

- кундалик ярмарка савдолари - битимлар тузиш, контрактларни расмийлаштириш ҳамда уларни товарлар ва хом ашёлар (жумладан республикадан ташқарига олиб чиқиш учун) олди-сотдисси бўйича божхона бошқармасида рўйхатдан ўтказиш;

- товарлар гуруҳи бўйича ихтисослашган ярмаркалар ташкил этиш, товарларнинг ана шу гуруҳлари учун уларни тайёрловчи корхоналар билан савдо ташкилотлари, шунингдек бошқа шериклар ўртасида келишиб олинган муддатларда маҳсулот етказиб беришга шартномалар тузилади.

1995 йилда 51,4 млрд. сўмлик 13485 та контракт тузилди. Ушбу контрактлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш учун маҳсулотга бўлган эҳтиёж аниқланди ва улар йил мобайнида келишиб олинган ҳажмларда, ассортиментда ва муддатларда шартномавий нархларда етказиб берилади.

Ярмарка ва биржа савдолари орқали маҳсулотни сотиш учун унинг имконият даражасидаги ҳажмларини аниқлаш учун ҳар йили ярмарка мутахассислари жорий йил учун вазирликлар, идоралар, корпорациялар ва уюшмалар билан ярмарка битимлари тузади. Бу битимларда корхоналар давлат буюртмасини ёки бошқа шартномавий мажбуриятларини адо этиб бўлганларидан кейин корхона ихтиёрида қолган маҳсулот улушидан эркин сотиш учун то-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

варлар ва хом ашёнинг ассортименти ҳамда тахминий ҳажми белгилаб олинади.

Ана шу ярмарка битимларига кўра йил мобайнида маҳсулот етказиб берувчи корхоналар билан аниқ шартномалар тузилади.

1.3. Фонд биржаси тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикасида фонд биржаларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Қонунда белгилаб қўйилганидек, фонд биржаси қимматли қоғозларнинг, рисоладагидек айланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берадиган, уларнинг бозор нархларини (қимматли қоғозларга талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни акс эттирадиган) аниқлаб берадиган ва бу нархлар хусусидаги ахборотни тарқатадиган, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг юксак даражадаги корифталиги (профессионализм)ни қўллаб-қувватлайдиган ташкилотдир.


Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, биржа уставига ҳамда қимматли қоғозлар операцияларини амалга оширишга доир ички қоидаларга риоя қилади.

Фонд биржаси (товар-фонд ёки валюта биржасининг фонд бўлими) рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан қимматли қоғозлар билан биржа фаолиятини юритишга лицензия олади.

Қимматли қоғозлар билан операциялар юритиш ҳуқуқи учун ижозатнома (лицензия) олган юридик ва jisмоний шахслар фонд биржасининг муассислари бўлиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан брокерлик ўрнини сотиб олган хорижий шахслар фонд биржаси (товар-фонд ёки валюта биржасининг фонд бўлими) аъзолари бўлиши мумкин. Фонд биржаси аъзоларининг сонини биржанинг бошқарув органи белгилайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, прокуратура ва суд органлари, булардаги мансабдор шахслар ва мутахассислар фонд биржасининг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Фонд биржаси аъзоларининг савдога кириши учун уларнинг қўлида қимматли қоғозлар операциясининг лицензияси бўлиши ва улар инвестиция муассасаси мақоми олиши керак.

Брокерлик ўрнини сотиб олган ва қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш ҳуқуқини берадиган малага гувоҳномаси бор жисмоний шахс жойлардаги давлат ҳокимияти идораларида рўйхатдан ўтиб, банкда ҳисобкитоб varaғини очганидан кейингина савдога киритилиши мумкин.

Қонунда қимматли қоғозлар билан бўладиган биржа операциялари қоидаларига талаблар белгилаб қўйилган ва у биржа бошқарувининг олий органи томонидан тасдиқланади.

Қоидалар қуйидагиларни назарда тутаети:

- мазкур биржада қимматли қоғозлар савдосининг тартиблари;
- биржа савдолари қатнашчиларининг таркиби ва уларга қўйиладиган талаблар;
- биржа йиғилиши бўладиган жой ва вақт ҳақидаги ахборот;
- биржа савдосига чиқариладиган қимматли қоғозларнинг навбат тартиби;
- биржа битимларининг тавсифи;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- мижозларнинг брокерларга топшириқлари (буйруқлари)нинг турлари;
- савдони ташкил этиш;
- битимларни рўйхатга олиш ва расмийлаштириш тартиби;
- қўлланадиган қимматли қоғозлар операцияларининг, шартномалар, ҳисоботлар, буюртмалар, хабарномалар ва бошқа биржа ҳужжатлари шаклининг намуналари.

Қонун билан фонд биржасининг қуйидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган:

- биржа аъзолигига кириш учун инвестиция муассасаларига қўйиладиган зарур энг кам мажбурий талабларни белгилаш;
- биржа савдоларидаги аъзолар вакилларига малака талабларини белгилаш;
- биржа йиғилишларини чақириш ва ташкил этиш;
- биржа иши учун зарур эксперт, малака, котировка комиссиялари, маслаҳат ва маълумот бюроларини ва бошқа муассасаларни таъсис этиш, шунингдек қимматли қоғозлар операциялари чоғида пайдо бўладиган баҳсларни ҳал этиш учун эксперт комиссиялари тузиш;
- ўз уставига кўра, биржа аъзоларидан кириш ва жорий бадалларини белгилаб қўйиш ва ундириш, битимларни рўйхатдан ўтказиш, техника хизмати, биржани доимий ва биргаллик қатнашчиларидан кириши учун ҳақ олиш, шунингдек уставни, биржа йиғилишлари қоидаларини бузгани ҳамда рўйхатдан ўтиш йиғимини ўз вақтида тўламагани учун жарималар ҳамда пенялар ундириш;
- биржа буклетлари, маълумотномалар, тўшламлар нашр этиш;

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- назорат органларининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари учун судга ариза билан мурожаат этиш.
Фонд биржасининг фаолияти қуйидагилар эвазига маблағ билан таъминланиши мумкин:
 - акциялар ва пайларни сотиш; брокерлик ўрнини сотиш;
 - фонд биржаси аъзоларининг мунтазам тушиб турадиган аъзолик бадаллари;
 - биржа битимларини рўйхатдан ўтказиш йиғимлари;
 - қимматли қоғозлар операцияларидаги воситачилик ҳақи;
 - биржа уставида кўзда тутилган ахборот ва бошқа хизматлардан тушадиган даромад.
- Қуйидаги ҳолда фонд биржаси фаолияти тўхтатилади:
- муассислар умумий йиғилишининг қарори билан ёки суд органларининг қарори асосида.

1.4. Инвестиция фондлари фаолиятини қонун билан тартибга солиш

Инвестиция фондларини ташкил этиш ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июндаги “Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш тадбирлари тўғрисида” ги 220-сонли қарори билан тартибга солиб турилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инвестиция фондлари фойда (даромад) олиш, республика аҳолиси ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларга қўйилган маблағларини ҳимоя қилиш, ижтимоий кафолатларини таъминлаш ҳамда акциядорларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги таваккалини камайтириш мақсадида тузилади.

Инвестиция фонди юридик шахсдир, у акциялар сотиб олиш ва чиқариш билан шуғулланади, бундан мақсад фонд номидан инвесторлар ва уларнинг пул маблағларини қимматли қоғозлар, банк ҳисобварағи ва омонатларга ўтказиб сафарбар қилишдан, шунингдек қимматли қоғозлар билан битимларни амалга оширишдан иборат. Ушбу санаб ўтилган операциялар инвестиция фонди фаолиятининг ўзига хос муҳим турларидир.

Инвестиция фондининг шундай қўйилмалар билан боғлиқ таваккалчилиги, бозор баҳосининг ўзгариши туфайли кўриладиган барча даромад ва зарарлар тўла ҳажмда фонд акцияларининг жорий нархини ўзгартириш йўли билан мазкур фонд акциядорлари ҳисобига ўтказилади.

Инвестиция фондлари қимматли қоғозларни уни қайта сотиб олиш мажбурияти билан чиқариши мумкин, яъни мазкур фонд қимматли қоғозлар эгасининг талаби билан акцияларни олиб, ўрнита пул ёки фонд уставига биноан бошқа мулк қайтариб беришлари (очиқ тип) ёхуд қимматли қоғозларни қайтиб сотиб олиш мажбуриятсиз (ёпиқ тип) чиқаришлари мумкин.

Инвестиция фондлари очиқ типдаги акциядорлик жамиятлари сифатидагина ташкил этилиши мумкин.

Банклар ва суғурта компаниялари инвестиция фондлари бўла олмайди, чунки улар фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг банклар ва суғурта компаниялари тўғрисидаги қонуни тартибга солиб туради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инвестиция фонди фаолиятини фаолиятнинг бошқа турлари билан қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

Инвестиция фонди камида иккита муассисга эга бўлиши керак. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг инвестиция фондлари фаолиятида иштирок этиши мумкин эмас; давлат бошқаруви органлари давлат мулкани бошқариш ваколатлари тақдим этилган инвестиция фондларининг иштирокчиси бўлиш ҳоллари бундан мустасно.

Юридик ва жисмоний шахслар инвестиция фондининг муассислари бўлиши мумкин. Уларнинг ўзaro муносабатлари таъсис шартномаси билан тартибга солиб турилади, ушбу шартномада қатнашчилар, мавзу ва муддатлар, фонд фаолиятининг мақсади ва мавзуси, унинг фирма номи ва ўрнашган жойи, устав фондини вужудга келтириш тартиби ва миқдори, даромад (фойда), дивидендни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби, акцияларга ёзилган шахслар ва учинчи шахслар олдида муассисларнинг жавобгарлиги ҳамда қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилади.

Муассислар йиғилиши инвестиция фондининг Намунавий уставга мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган ўз уставини тасдиқлайди, кузатувчи кенгашни сайлайди, инвестиция фондини бошқариш учун депозитарий ва компания бошқаруви билан битим лойиҳаларини тасдиқлайди (ушбу лойиҳалар депозитарий билан Намунали битимга ҳамда фондни бошқариш тўғрисидаги компания бошқаруви билан тузилган Намунали битимга мос бўлиши керак), кузатувчи кенгаш вакилига ушбу битимларни тузиш учун ваколат беради.

Муассислар инвестиция фонди давлат рўйхатидан ўтгунга қадар мазкур фонд мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавобгар бўлади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги акциядорлик жамияти устави мазмунига қўяётган талабларга қўшимча тарзда инвестиция фондининг уставида албатта қуйидаги қоидалар бўлиши керак:

- инвестиция фондини очиқ типдаги акциядорлик жамияти сифатида белгилаш;
- инвестиция фондининг тури - очиқ ёки ёпиқ;
- фонд фаолиятига чекловлар;
- компания бошқарувининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги маълумотлар, инвестиция фондини бошқариш тўғрисида у билан битим тузиш тартиби, зарар кўрилган ҳолларда унинг инвестиция фонди ва акциядорлар олдидаги жавобгарлиги;
- депозитарий билан битим тузиш тартиби, депозитарий тўғрисида маълумотлар;
- қарзга олинган маблағларни жалб этиш тартиби;
- инвестиция фондининг барча акциялари оддий акциялар бўлиб, бир хил овоз бериш ҳуқуқига эгаллигини ва бу акциядорга бошқарувда иштирок этиш имкониятини беришини, фонд тугатилганида эса у дивиденд ва мулк олишини таъкидлаш керак;
- акциядорлар реестрини юритиш тартиби;
- дивидендлар тўлаш тартиби.

Инвестиция фондининг номи ёзилаётганида “Инвестиция фонди” сўзи албатта қўшилиши керак. Мазкур Низомга кўра иш юритаётган инвестиция фондларидан бошқа ҳеч ким ўз номига “Инвестиция фонди” сўзини ёки худди шу маънони англадиган бошқа сўзларни қўшиш ҳуқуқига эга эмас.

Инвестиция фондининг устав фонди у таъсис этилаётганида унинг муассислари маблағлари эвазига юзага келади ва энг кам иш ҳақининг камида 200 баробарига

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

тенг бўлиши керак. Инвестиция фонди таъсис этилаётган чоғда унинг устав фонди муассислар ўртасида тақсимланган бўлиши лозим.

Муассислар инвестиция фонди рўйхатдан ўтганидан кейин 30 кундан кечикмай устав фонди қийматининг 100 фоизини тўлашлари шарт. Фонд рўйхатдан ўтганидан кейин уч ойдан кечикмай акцияларга биринчи обуна амалга оширилади.

Устав фондига тўлов нақд пул ёки маблағ ўтказиш. қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ёхуд бошқа мулк билан амалга оширилади.

Инвестиция фонди таъсис этилаётганида унинг устав фондининг камида 75 фоизи пул шаклида тўланиши керак.

Муассислар фонд рўйхатдан ўтказилгунига қадар дастлабки сармоя сифатида берган омонатларини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Инвестиция фонди Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамияталари учун мўлжалланган қонунлари асосида унинг учун кўзда тутилган хусусиятларни ҳисобга олиб рўйхатдан ўтказилади.

Инвестиция фонди акцияларини чиқаришни рўйхатдан ўтказиш Мувофиқлаштириш ва назорат маркази белгилаб қўйган тарзда акциядорлик жамиятлари акцияларини рўйхатдан ўтказиш тартибига кўра амалга оширилади.

Инвестиция фонди бошқарувчи компания орқали ўз фаолиятини амалга ошириш (қимматли қоғозларни чиқариш, сотиб олиш ёки сотиш, ўзини реклама қилиш ва оммавий ахборот воситалари орқали акциялар сотилишини эълон қилиш) ҳуқуқига эга бўлиш учун аввало у махсус ижозат (лицензия) олиши керак.

Инвестиция фонди фаолиятини лицензиялаш Ўзбе-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда амалга оширилади.

Мувофиқлаштириш ва назорат маркази акциядорларнинг инвестицияларини ҳимоя қилиш мақсадида инвестиция фонди албатта риоя қилиш лозим бўлган иқтисодий меъёрларни белгилайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши фонднинг олий органидир, унинг амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган танҳо ваколатидан ташқари яна фонд фаолиятидаги асосий йўналишлар, мақсад ва чекловларни маъқуллаш, депозитарий билан контрактни, бошқарувчи компания билан инвестиция фондиди бошқариш тўғрисидаги контрактни, шу жумладан депозитарий ва бошқарувчи компанияни мукофотлаш миқдорларини аниқлаш, буларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш вазифаси ҳам киради.

Акциядорларнинг биринчи йиғилиши инвестиция фонди рўйхатга олингандан сўнг камида 30 кунда ўтказилади. Инвестиция фонди бошқа йиғилишлардан қатъий назар, йилга бир марта акциядорларнинг умумий йиллик йиғилишини ўтказади. Йиллик умумий йиғилишлар ўртасидаги давр 15 ойдан ортмаслиги керак.

Бу даврда кузатувчи кенгаш инвестиция фондининг олий органи бўлади, унга кенгаш аъзолари томонидан сайланган раис бошчилик қилади.

Кузатувчи кенгаш аъзолари сонини акциядорлар умумий йиғилиши белгилайди. Бу сон тоқ бўлиши керак.

Бошқарувчи компания инвестицияларни бошқаради ва фонд қимматли қоғозлари мажмуини шакллантиради, шунингдек фондга маслаҳатчи сифатида хизмат кўрсатади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат берган инвестиция фонди кузатувчи кенгашининг раиси бошқа-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНВЕСТИЦИОННА ФОНДИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

рувчи компания билан инвестиция фондини бошқариш тўғрисида контракт тузади; бунда контракт томонлари, контракт мавзуси, томонларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, фонд фаолиятидаги чекловлар, бошқарувчи компаниянинг мукофотлари ва харажатлари, контрактнинг амал қилишини тўхтатиш шартлари ва томонларнинг жавобгарлиги кўрсатилади.

Контрактнинг амал қилишини муддатидан илгари тўхтатилгани учун товон тўлаш (компенсация)га йўл қўйилди, бу маблағ бошқарувчи компаниянинг контрактда кўзда тутилган бир йиллик мукофотлаш миқдорининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ушбу контрактнинг ҳар қандай қоидаси, агар бу инвестиция фондининг ўз ишини муддатидан илгари тўхтатиш ҳуқуқини чеклайдиган бўлса, бекор қилинади. Инвестиция фонди фаолиятидаги чекловларни бошқарувчи компания ижро этишга мажбур.

Бошқарувчи компания ихтиёридаги активлар энг кам иш ҳақининг камида 200 баробари миқдориди бўлмоғи лозим.

Фонднинг кузатувчи кенгаши бошқарувчи компания тузадиган битимлар рўйхати, шунингдек битимлар хусусияти ва ҳажмига оид чекловларни белгилаб қўйишга ҳақли.

Бошқарувчи компания билан тузилган контрактга ўзгартишлар ва қўшимчалар инвестиция фонди акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ бошқарувчи компания билан келишилган ҳолда киритилади.

Инвестиция фонди билан уни бошқариш ҳақида контракт тузаётган юридик шахснинг инвестиция муассасаси сифатида қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритиш ҳуқуқи узун лицензияга эга бўлиши шарт.

Инвестиция фондларини бошқариш контракт тузган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

бошқарувчи компания фаолиятининг танҳо туридир. У инвестиция фондининг кузатувчи кенгаши топшириғига биноан инвестиция фонди номидан фаолият юритади, корхоналар акциядорларининг йиғилишларида мазкур корхоналар акциясига эга бўлганлиги туфайли қатнашади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, шу идоралар таъсис этган корхоналар (агар уларнинг устав фондида давлатнинг улуши 25 фоиздан ортиқ бўлса), жамоат ташкилотлари ва улар ташкил этган корхоналар, аффил шахслар бошқарувчи компания муассислари бўла олмайди.

Инвестиция фондининг бошқарувчи компанияси депозитарий бўлиши мумкин эмас.

Давлат бошқаруви органлари инвестиция фондининг бошқарувчи компанияси бўла олмайди.

Инвестиция фондлари ҳақидаги қонунлар билан бирга “аффил шахслар” деган тушунча кириб келди. Аффил (тобе, қарам) шахслар деганда, жисмоний ёки юридик шахслар - бошқарувчи компания ва унинг мансабдор шахслари, муассислари, шунингдек овоз берадиган акцияларнинг 15 фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар, инвестиция фондидаги қимгадир овоз берувчи акцияларнинг 15 фоизидан кўпроғи тегишли бўлган акциядорлик жамияти тушунилади. Аффил шахслар қаторига мазкур бошқарувчи компания билан бошқарув ҳақида контракт тузган барча инвестиция фондлари киради.

Бошқарувчи компаниянинг аффил шахслари фонд кузатувчи кенгашининг кўпчилигини ташкил эта олмайди.

Бошқарувчи компания бепарволик, қаллоблик ва қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган бошқа ҳатти-ҳаракатлар оқибатидаги суд исботлаб берган талофатлар учун жавобгар.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бошқарувчи компания оладиган йиллик мукофот (рабатлантириш) миқдори инвестиция фонди билан назарда тутилган бўлади ва у фонднинг соф активлари қийматининг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Ушбу суммага, инвестиция фондлари соф активларига баҳо бериш тартиби тўғрисидаги қоидада назарда тутилган мазкур компаниянинг барча харажатларини қоплаш киради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари инвестиция фонди кузатувчи кенгашининг таркибига, шунингдек бошқарувчи компанияга ҳам сайланмайди ёки тайинланмайди. Инвестиция фонди кузатувчи кенгашининг аъзолари бошқарувчи компания аъзолари бўла олмайди.

Кузатувчи кенгаш аъзоларига, шунингдек бошқарувчи компаниянинг раҳбарларига фонд биржаси (биржаларининг фонд бўлимлари)даги савдоларга акцияларни киритиш юзасидан экспертизада иштирок этиш ман қилинади.

Бошқарувчи компания фаолияти инвестиция фондининг кузатувчи кенгаши ва депозитарий томонидан назорат қилинади.

Бошқарувчи компания, инвестиция фондининг кузатувчи кенгаши ва депозитарийнинг мансабдор шахслари ўз хатти-ҳаракатларида қуйидаги қоидаларга риоя этиши шарт:

- кузатувчи кенгашнинг ижозатсиз улар бирор бир учинчи шахсга қимматли қорғозлар битими хусусида консультация (маслаҳат) бера олмайди, чунки бу битимларга қўшилган корхонанинг устав фондида инвестиция фондининг улуши бор;
- бошқарувчи компания билан устав фондида инвестиция фондининг улуши бор корхона ўртасидаги ҳар

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФОРМАЦИОННА ФАКТИЧНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қандай шартнома кузатувчи кенгаш томонидан маъқулланиши керак.

- инвестиция фонди билан корхона ёки бифор бир юридик шахс (мабодо буларда инвестиция фондининг кузатувчи кенгашининг мансабдор шахси, шунингдек ходимлари иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлса ўртасидаги ҳар қандай битим кузатувчи кенгаш томонидан маъқулланиши керак. Кузатувчи кенгаш аъзолари ва бошқарувчи компания аъзолари, мабодо юридик шахс билан меҳнат муносабатлари ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда бўлсалар, ёхуд ўша юридик шахсга нисбатан мулкдорлик ёки кредиторлик ҳуқуқида бўлса, ўша юридик шахсга устав фондида инвестиция фондининг улуши беш фоиз ва бундан ҳам ортиқроқ бўлса ёки ўша юридик шахсга инвестиция фонди акцияларининг беш фоизи ва бундан ҳам кўроғи қарашли бўлса, иқтисодий жиҳатдан манфаатдор деб ҳисобланади;
- бошқарувчи компания ва депозитарийнинг мансабдор шахслари, шунингдек инвестиция фонди кузатувчи кенгашининг аъзолари инвестиция фондидан олинаётган ахборотни сир тутиши шарт.

Бошқарувчи компания ва депозитарий хатти-ҳаракатлари оқибатида инвестиция фонди ва акциядорлар кўрган зарар учун қонунга биноан, шунингдек бир томондан инвестиция фонди билан бошқарувчи компания, бошқа томондан депозитарий ўртасида тузилган контрактда кўзда тутилган тартиб ва миқдорда жавобгардир.

Инвестиция фонди молиявий чорак тугаганидан кейин 30 кундан кечикмай, молиявий йил тугагач, 60 кундан кечикмай акциядорларга ҳамда Мувофиқлаштириш ва назорат марказига ҳисобот тақдим этиши ва бу ҳисоботни

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

республика матбуотида эълон қилиши керак, ушбу ҳисоботда қуйидаги ахборотлар акс этиши лозим:

- фонд инвестициялари рўйхати таърифланган бухгалтерия баланси (ҳисобот тузилаётган санадаги қимматли қоғозлар сони, турлари ва жорий бозор қиймати кўрсатилади);
- шу давр мобайнидаги харажатлар, фойда ва зарар, шунингдек ушбу давр учун тўланган дивидендлар тўғрисидаги ҳисобот;
- мазкур даврнинг охириги кунда инвестиция фондининг молиявий фаолияти ва соф активларининг ҳолати, фонд чиқарган акцияларнинг сони, ҳисобот ёзилган кундаги битта акциянинг номинал ва жорий бозор нархи, шунингдек инвестиция фонди ўз акциядорларидан акцияларни сотиб олиш мажбуриятининг олгани учун шу акциянинг нархи ҳақидаги маълумотнома;
- бошқарувчи компания ва депозитарийнинг мазкур даврда кўрсатган хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдори;
- аффили шахслар, инвестиция фонди кузатувчи кенгашининг аъзолари, бошқарувчи компания, депозитарий аъзоларини ўзгартиш тўғрисидаги маълумотлар (бу ўзгаришнинг сабаблари ҳам кўрсатилади).

Молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечикмай инвестиция фонди ўзининг ҳар бир акциядорига барча тузилган контрактлар ва амалга оширилган битимлар тўғрисида, шунингдек бошқарувчи компания бошқаруви билан ҳисобот даврида қимматли қоғозларига инвестиция фонди ўз маблағини қўйган ҳар қандай шахс ўртасидаги тўловлар ҳақидаги маълумотлар билан текинга танишиш имкониятини бериши керак.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инвесторларга ёзма тарзда ёки реклама орқали ижобий дароматга кафолат бериш таъқиқланади.

Инвестиция фонди бошқарувчи компания орқали ўз акциядорларига ўз фаолияти ва молиявий аҳволи, акцияларни сотиш ва акциялар эмиссияси проспекти, дивидендлар тўлаш тартиби, фонд биржаларидаги фаолияти, қимматли қозғаларга қўйилмалар хусусида зарур ва тўғри ахборотни тақдим этишлари шарт. Мазкур ахборот (маълумот) кўргазмалар ва тушунарли шаклда акциялар эмиссияси чоғида фуқароларга, акциядорларга оммавий ахборот воситалари, акциядорларнинг умумий йиғилишларида етказилади, шунингдек, акциядор (акциядорлар) талаби билан таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда уларга етказилади.

Инвестиция фонди акциядорлар реестри (рўйхати) юритишни таъминлаш шарт, бу ишни унинг топшириғига кўра депозитарий амалга оширади. Айни пайтда инвестиция фонди акциядорлар рўйхатини юритиш ва сақлаш мажбурияти ҳамда жавобгарликдан ҳоли бўлмайди.

Акциядор суд орқали эълон қилинган дивидендларнинг тўланиши талаб қилишга ҳақли.

Акцияларнинг жорий эмиссияси рўйхатга олувчи органнинг қарори билан тўхтатиб қўйилиши ёки суднинг қарори билан бекор қилиниши мумкин, бунинг учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг бузилгани аниқланганида;
- рўйхатга олиш ҳужжатларида нотўғри ахборот борлиги ошкор бўлганида;
- Инвестиция фонди қуйидаги ҳолларда тугатилади:
 - акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан;
 - ҳужжалик судининг қарори билан;

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги бошқа асосларга кўра.

Инвестиция фонди Мувофиқлаштириш ва назорат маркази (фондга лицензия берган) билан келишибгина қайтадан тузилиши мумкин.

Инвестиция фонди акциядорлар умумий йиғилиши тайинлаган тугатиш комиссияси томонидан ихтиёрий, мазкур фонд хўжалик суди тайинлаган комиссия томонидан эса мажбурий тарзда тугатилади. Тугатиш комиссияси тайинланиши биланоқ унга фонд ишларини бошқариш юзасидан ваколатлар берилади.

Фонд қўлидаги пул маблағлари, жумладан тугатиш пайтида мулкни сотишдан тушган пул, бюджет, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин, тугатиш комиссияси томонидан фонд уставида ва ушбу Низомда кўзда тутилган тартиб ҳамда шартларда акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Давлат рўйхатта олиш реестрида қайд этилиши биланоқ инвестиция фондининг тугатилиши ниҳоясига етган ва фонд ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июндаги 220-сонли қарори билан **“ХУСУСИЙ-ЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ”** тасдиқланди.

Хусусийлаштирилган инвестиция фондлари (ХИФ) инвестиция фондларининг бир тури бўлиб, аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш мақсадида тузилади. Улар аҳолининг пул маблағларини йиғиб, кейинчалик буларни хусусийлаштирилган давлат корхоналари акцияларини сотиб олишга сарфлайди.

ХИФлар очик типдаги акциядорлик жамияти бўлиб, уларнинг вазифаси - ўз акцияларининг эмиссияси эвазига

→ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

маблағлар жалб этишдан, ўз маблағлари ва олинган махсус давлат кредитларини хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг қимматли қоғозларига сарфлашдан, қимматли қоғозлар билан савдо қилишдан иборат.

ХИФларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

- хусусийлаштирилаётган корхоналар чиқараётган акцияларни номинал қийматда умумий миқдорининг 35 фоизига қадар ҳар бир ХИФнинг сотиб олиш имконияти бор;

- махсус давлат кредитини олиш ҳуқуқи.

ХИФлар ёпиқ типдаги инвестиция фонди бўлиб, улар фақат хусусийлаштирилган корхоналар акцияларинигина ўз маблағига сотиб олиш ҳуқуқига эга, шунингдек улар ўз маблағларига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан давлатнинг қимматли қоғозларини ҳам сотиб олишлари мумкин.

ХИФ ками билан иккита, кўпи билан 20 та муассисга эга бўла олади. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек корхоналар (буларнинг устав фондида давлат маблағи 25 фоиздан камни ташкил этиши керак) ХИФнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ХИФларнинг муассислари бўла олмайди. Ҳар бир муассис узоғи билан энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдоридagi маблағга сотиб олинган акцияларга эга бўлиши мумкин. Таъсис этиш ҳақидаги қарор муассислар томонидан қабул қилинади ва бу ҳақида улар ўртасида шартнома тузилади.

ХИФнинг устав фонди муассисларнинг улуши эвазига таркиб топади ва фақат пул маблағларидан иборат бўлади (фонд камида энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорига тенг бўлиши керак). Муассислар ХИФ рўйхатдан ўтганидан кейин 30 кундан кечикмай устав фондининг 100 фоиз қийматини тўлашлари шарт.

ШАРРАТУВИМА ФАСОЛЯТИНИНГ ХУКУҚИЙ АСОСЛАРИ

ХИФлар акциядорлардан ўз акцияларини сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас. Акциянинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтганидан кейин акциялар қимматли қоғозлар бозорида эркин муомалада бўлади. ХИФ акциядорлари ўз акцияларини эркин сотиш ҳуқуқига эга. Лекин бунинг битта шarti бор: мазкур акциялар устав фондида давлат маблағи 25 фоиздан ортиқ бўлган ХИФлар, давлат муассасалари ва корхоналарга сотиш учун таклиф этилмаслиги керак. Акциядорлар ўзларига тегишли акциялар бўйича биржа ва биржадан ташқари савдоларда олди-сотди битимлари тузиш ҳуқуқига эга.

Хужжатлар, пул белгилари, қимматли қоғозларни сохта йўл билан тайёрлагани учун судланган, ўғирлик ёки порахўрлик ёхуд бошқа молиявий жиноятлари учун судланган шахслар, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарувининг мансабдор шахслари ва раҳбарлари ХИФларининг бошқарувчи компаниялари, депозитарийларнинг хизматчилари, мансабдор шахслари ёки раҳбарлари, шунингдек унинг кузатувчи кенгашининг аъзолари бўла олмайди. Ушбу талабнинг бажарилишини рўйхатта олувчи орган назорат қилиб боради.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий шахслар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига биноан бошқарувчи компаниянинг муассислари бўлиши мумкин.

Аҳолининг кенг қатламини хусусийлаштиришга оммавий жалб этиш учун ХИФлар хусусийлаштирилган инвестиция фондининг акцияларини чиқаради, ушбу акциялар 100 сўмлик номинал қийматига кўра фонд дўконлари ва бошқа сотиш пунктлари орқали сотилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси 100 сўмлик номинал қиймат билан ҳар бир ХИФдан кўпи билан 100 тагача ХИФ

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИМ ФАОПЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

акциясини сотиб олиш ҳуқуқига эга. Ушбу банднинг бажарилишини депозитарий назорат қилиб туради.

ХИФ акциялари оддий, номи ёзилган акциялардир. Уларнинг ҳар бири акциядорларнинг умумий йиғилишида бир овоз, шунингдек дивиденд олиш ҳамда ХИФ тугатилгудек бўлса, мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

ХИФ таъсис этилганида унинг биринчи туркум акциялари чиқарилади.

ХИФ ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олганидан кейин орадан узоғи билан уч ой ўтганидан кейин акцияларнинг иккинчи туркуми чиқарилиши керак.

ХИФлар ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни олгунга қадар эълонлар чоп этиш ва акцияларини сотиш (муассислар бундан мустасно)га тавсия этиш ҳуқуқига эга эмас. Улар шунингдек акцияларни жойлаштираётганда кўрилажак даромадни эълон қилиш ва реклама билан шуғулланиш ҳуқуқига ҳам эга эмас.

Акциялар чиқиши ва эмиссиялар проспектарини рўйхатга олиш, шунингдек мазкур акцияларни жойлаштириш, сақлаш ва ҳисобга олиш амалдаги қонунларга кўра ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

ХИФлар ўз акцияларини юридик шахсларга сотиш ҳуқуқига эга эмас, агар улар ХИФ муассиси бўлса бундай ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси хусусийлаштирилган корхоналарга акцияларини сотиб олиши учун махсус давлат кредити беради. Бундай акциялар қийматининг камда олтидан бир қисми ўз маблағлари эвазига, қолган олтидан беш қисми эса кредит ҳисобида сотиб олиниши керак.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ХИФ ҳеч қандай қарз таъминотини бўйнига ололмайди ёки бошқа бир йўсинда ўз зиммасига қарз мажбуриятини ололмайди, махсус давлат кредити бундан мустасно.

Махсус давлат кредитини узиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ишлаб чиққан тартибга кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси берган кредит эвазига ХИФнинг ихтиёридаги барча қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва бошқа активларнинг бутун суммаси гаров бўлиб туради. ХИФ шу акциялар ёки уларнинг овоз бериш ҳуқуқини бериб юборишда чекланмаган ҳуқуқга эга (бу акциялар ва овоз бериш ҳуқуқи мазкур гаров ҳуқуқига тегишли), лекин бир шарт билан, яъни бундай акциялар сотилганида сотишдан келган тушум Давлат мулки қўмитасининг гаров ҳуқуқи фойдасига чекланган бўлади.

Агар ХИФ банкротга учраса (“синса”) ёки тугатилса тугатиш комиссияси унинг активлари ишни очиқ аукцион шаклида давом эттиради. Бу кимосди савдосида хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларни сотиб олишга қонуний ҳуқуқи бўлган барча юридик ёки жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг органлари аукционда сотилаётган хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини мулк қилиб олиш ёки ўз тасарруфига олишда бошқа йўлдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

ХИФлар ҳар бир хусусийлаштирилган корхона акциялари умумий сонининг камида 30 фоизини қуйидаги қоидаларга кўра сотишлари керак:

а) хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари шу акцияларнинг номинал қийматига тенг бўлган, қатъий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФОРМАЦИОННО-ФАОЛИЯТНИНГ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

белгиланган нархда очиқ обунага тақдим этилиши керак.

Очиқ обуна ўтказиш куни шундан бир ҳафта муқаддам оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Агар битта эмитент акцияларини сотиб олишга бир нечта буюртма тушган бўлса, бу ҳолда бундай буюртмалар тақдим этилаётган акциялар сонини талаб этилаётган акциялар сонига тақсимлаб қондирилади;

б) очиқ обуна ўтказилганидан кейин.

30 кундан кечикмай, сотилмаган акциялар энг қиммат нархни тақлиф этаётган ХИФларга сотиб юборилиши керак. Гарчи бу нарх номинал нархдан паст бўлса ҳам ўша тақлиф этилаётган энг юқори нархда акциялар сотилиши лозим.

в) акциялар сотиб бўлинганидан кейин давлат мулки қўмитаси дарҳол харидорга эгаллик қилиш ҳуқуқини беради. Сотилиш вақти ва акцияларга эгаллик қилиш ҳуқуқи харидорга ўтадиган вақт орасидаги даврда ҳеч қандай шаҳе ёки давлат идораси хусусийлаштирилган корхонанинг капитали, активлари ёки операцияларига таъсир этадиган бирон бир хатти-ҳаракатни қилиш ёхуд бошқа бир йўсинда бундай корхоналарнинг акцияларига эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш учун хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин эмас.

ХИФлар хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини ўз маблағларига ёки кредит эвазига сотиб олиши мумкин.

ХИФлар бошқарувчи компания орқали ўз акциядорларига ўз фаолияти ва молиявий аҳволи хусусида, акцияларни сотиш шарти ва акциялар эмиссияси проспекти, дивидендлар тўлаш тартиби, фонд биржаларидаги фаолияти ва қимматли қоғозларга қўйилган маблағлар ҳақида зарур ва тўғри ахборот бериши шарт.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Бундай ахборот кўргазмали ва тушунарли шаклда акциялар эмиссияси чоғида фуқароларга, шунингдек акциядорларга оммавий ахборот воситалари орқали, акциядорларнинг умумий йиғилишлари орқали, бундан ташқари, акциядор (акциядорлар) талабига кўра, таъсис ҳужжатида белгилаб қўйилган тартибда етказилиши зарур.

ХИФлар депозитарий бажарадиган акциядорлар рўйхатини юритишлари шарт. Аини пайтда ХИФ акциядорлар рўйхатини юритиш ва сақлаш мажбурияти ҳамда жавобгарлигидан озод бўлмайди.

Қимматли қоғозларнинг бозордаги нархи ўзгариши туфайли келадиган барча даромадлар ва зарарлар тўлалигича акциядорлар ҳисобига ўтказилади.

Акциядор ХИФ эълон қилган дивидендларни суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ХИФлар кредит қарзини тўлаб бўлганидан кейин умумий йўналишдаги инвестиция фондига айлантирилиши мумкин, бу ҳолда улар хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини номинал қийматда сотиб олиш ва кредит олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор чиқариб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига биноан ХИФнинг Устави ўзгартирилганидан кейин ва у тегишли лицензияни олганидан кейин ХИФнинг умумий йўналишдаги инвестиция фондига айлангани қонуний тус олади ва кучга киради.

1.5. Суғурта ҳақида қисқичлик

Суғурта тизими - иқтисодийнинг алоҳида муҳим тармоғидир. Муайян хавф пайдо бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларга таҳдид юзага келганда, салбий иқтисодий

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

оқибатларни юмшатиш ёки буларнинг олдини олиш суғуртанинг асосий мақсадидир. Шундай қилиб, суғурта мулкнинг турли шаклларидаги тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий мавжуд бўлиб туришини таъминлабгина қолмай, айти пайтда кўриладиган талофотларни имкони борича камайтириб, халқ хўжалиги муомаласини барқарорлаштиради. Суғурта туфайли шахсий суғурта ҳолларига нисбатан халқ хўжалигининг таваккатчилиқдан суғурта мақсадлари эҳтиёжига ажратилган сармоя анча камаяди. Мавхумликнинг камайиши сабабли иқтисодий ўсиш ҳам қўшимча туртки олади. Бугун дунёда суғурта инвестиция ва инвесторларни жалб этишнинг кенг соҳаси бўлиб қолди.

Ҳаёт суғуртаси, бетоб бўлиб қолгандаги суғурта, бахтсиз ҳодисаларда, ёнгин ва бошқа офатлардан суғурта, транспортдаги суғурта, кафолатли суғурта, ҳуқуқий ҳимоя бўйича суғурта ва автомобиль транспорти суғуртаси - буларнинг барчаси давлатнинг алоҳида назоратида туради. Давлат янги суғурта компаниялари пайдо бўлиши учун жавобгар, у ҳисоботни, капитал маблағларни ва тўловга қодирликни назорат қилиб туради. Ўзбекистондаги суғурта қонунчилиги 1993 йилда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги қонунда мужассамлашган. Мазкур қонунга кўра суғурта тузилмалари турли ташкилий шакллардан: давлат корхонаси, акционерлик жамияти, қўшма корхона кабинетлардан фойдаланиши мумкин. Устав капиталининг энг кам миқдори 50000 сўм. Қонунга биноан, суғуртачиларнинг мажбурияти уларнинг активларидан ортиб кетмаслиги керак. Чет эл суғурта ташкилотлари номидан шартномалар тузиш билан боғлиқ суғурта соҳасидаги воситачилик фаолиятига Ўзбекистонда йўл қўйилмайди.

Молия вазирлиги суғурта компанияларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиб боради. У асосан суғур-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

тачиларнинг молиявий кўрсаткичлари - баланс, суғурта мажбуриятлари ҳажми, суғурта қилинган таваккал турларини таҳлил этади.

Умуман Ўзбекистонда суғуртага талаб катта. Фарб компанияларининг экспертлари ҳам шуни таъкидламоқда.

Тўловлар тушумига кўра кредитлар суғуртаси, аввало тижорат кредитлари суғуртаси биринчи ўринда туради, чунки давлатнинг аниқ мақсадли кредитларини асосан “Мадад” компанияси суғурта қилади. Айни вақтда барча кредит суғуртачилари ҳам бажону дил бундай суғуртани ҳоқламайди, уларнинг фикрича бу ниҳоятда таваккалли (қалтис) иш экан.

Ўзбекистон ўзининг ташқи савдо оборотини анча кенгайтирди. Шу боисдан ҳам кредитлар суғуртасидаги юклар суғуртаси кенг ёйилиб, иккинчи ўринга чиқди. Худди шу боисдан ҳам юклар суғуртаси бўйича битимлар суғуртачиларга катта даромад бермоқда, ва келажақда, ҳойнаҳой кучли рақобатни вужудга келтиради. Ҳар қалай, ҳозирнинг ўзидаёқ суғуртачилар мусобақага киришиб, суғурта юзасидан янги полислар ва хизматларни таклиф этмоқда. Мулкни ёнғиндан суғурта қилиш Ўзбекистонда кенг ёйилмаган.

Хусусий шахслар асосан, суғуртанинг йиғиш полисларини сотиб олмақдалар. Бу - пенсия суғуртаси ёки умрининг сўнгги нафасигача тузилган суғуртадир. Экспертлар тиббий суғуртани ҳам истиқболли деб ҳисобламоқда, лекин суғуртачиларнинг ўзи хусусий шахслар билан эмас, балки корхоналар билан иш юритишни афзал деб билмоқда. 1994-1995 йилларда чет элга бораётганлар учун тиббий харажатларни суғурта қилиш расм бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг суғурта бозорига 60 га яқин давлат

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ва хусусий суғурта компаниялари бор. Уларнинг деярли ярми пойтахтда катта офислар очган.

Ўзбекистонда учта компания машҳур бўлди. Булар - Ўзбекистон Республикасининг давлат суғуртаси Бош бошқармаси; “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси ҳамда “Мадад агентлиги” акциядорлик жамиятидир. Буларнинг барчаси ҳукуматнинг фармойиши билан очилган, анчагина устав капиталга эга ва давлатнинг турлича имтиёзларини олади.

Ҳозир Давлат суғуртаси суғуртанинг барча мажбурий турларини ўтказмоқда, Ўзбекистонда буларнинг хили анчагина. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулки суғуртаси, хусусий мулкдаги иморатлар, қорамол, қўй-эчки суғуртаси шулар жумласидандир. Бундан ташқари автотранспорт ҳайдовчиларнинг фуқаролик масъулияти суғуртаси, транспорт воситалари, транспортнинг барча турларидаги йўловчилар суғуртаси мажбурий суғурталардир. Албатта суғурта қилиниши лозим бўлган ходимлар тоифаси ҳам талайгина; улар жумласига - ҳарбий хизматчилар, ҳаво ва темир йўл транспорти ходимлари, бошхоначилар, солиқ хизмати ходимлари, қоровуллар ва геологлар, нефть-газ тармоғи ходимлари ва бошқалар киради.

Мавқега кўра иккинчи ўринни эгаллаб турган “Ўзбекинвест” компанияси 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестицияларни суғурта йўли билан таъминлаш тадбирлари тўғрисида” қарори билан очилган эди. 1995 йилнинг сентябрь ойида “Ўзбекинвест”нинг устав капиталли 50 млн. сўм ва 10 млн. долларгача етказилди. Компанияни тузишдан мақсад - ўзбекистондаги ўзимизнинг ҳамда чет эллик инвесторларнинг, шунингдек хориждаги ўзбек инвесторлари ва экспортёрларнинг инвестицияларини суғурта йўли билан ҳимоя қилишдир. Ҳозир “Ўзбекин-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

вест” мамлакатнинг бугун ташқи-иқтисодий фаолиятини, шу жумладан сиёсий таваккални ҳам суғурта қилмоқда.

“Мадад” суғурта агентлиги 10 млн. сўмлик устав капитали билан 1995 йилнинг ўрталарида тузилган эди. Унинг муассислари орасида ташқи-иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзсаноат қурилишбанк, Ўзпахтабанк, Тадбиркор-банк, Савдогарбанк, Мевасабзавотбанк бор. Бу муассислар Ўзбекистоннинг кредит-моиля соҳасида муҳим ўринни эгаллайди. Президентнинг фармониға мувофиқ Молия вазирлиги “Мадад”нинг дастлабки суғурта фондини бунёд этиш учун 100 млн. сўм ажратди, бундан ташқари агентлик уч йил мобайнида солиқ тўлашдан озод этилган. “Мадад” мажбурий тартибда республика “Бизнес-фонди” ажратаётган барча кредитларни суғурта қилади, маълумки “Бизнес-фонд” давлат тамонидан ўзбекистон бизнесчиларига кредит бериш учун махсус тузилган эди.

Ана шу учта компаниянинг Ўзбекистонда алоҳида ўрни бор. Бошқа суғуртачиларнинг устав капитали ва операциялари ҳажми буларникиға нисбатан жуда оз. Айни пайтда ҳар бир ўзбек компанияси суғуртанинг муайян соҳасида мустақкам ўрин эгаллаб турибди.

Илгари суғуртачиларимиз ўз мижозларига кўндан кўп хизматларни таклиф этган бўлсалар, ҳозир улар ихтисослашган. Ўсиш даврини бошидан кечирган кўпгина ўзбек компаниялари бозорда ўзларига яраша мавқени эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Масалан, “Ўзбексуғурта-Хауден-Лиху” қўшма корхонаси йўловчиларни суғурта қилишға ихтисослашмоқда (мукофот умумий ҳажмининг 69,1 фоизи), кредит соҳасида бу кўрсаткич 29,9 фоизға тенг. “Арк” суғурта гуруҳи ҳаётни (жаъми тушумнинг 42 фоизи) ва транспортни суғурта қилиб (35%) яхшигина маблағға эға бўлмоқда.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантириш амал-да республика иқтисодиётининг ўсиш суратларига уйғун-дир.

1.6. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш

Аудиторлик фирмалари бозор инфратузилмасининг энг муҳим унсурларидан биридир, улар мулкдорлар ва давлатнинг мулкрий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мустақил молиявий назоратни амалга оширади.

Ўзбекистонда аудит Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни асосида амалга оширилади.

Аудит - ҳўжалик юритувчи субъектларни мустақил экспертиза ва молиявий ҳисоботини таҳлил этувчи ташкилотдир, буни шунга вакил қилинган шахслар - аудиторлар (аудиторлик фирмалари) бажаради.

Аудитнинг асосий мақсади - молиявий ва ҳўжалик операцияларининг тўғрилигини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва бошқа меъерий ҳужжатларига нечоғлиқ мослигини аниқлашдан, буларнинг тўлатўқислиги, аниқ-равшанлиги, бухгалтер ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоб юритишга қўшилаётган талабларга нечоғлиқ монандлигини аниқлашдан иборатдир. Аудит таркибига яна консалтинг, яъни миждоз билан шартнома тузиб, хизматлар кўрсатиш ҳам киради.

Аудиторлик фаолияти ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан махсус ваколат олган давлат идораларининг назорати ўрнини босмайди.

Аудитнинг асосий “ҳаракатланувчи шахси” аудитор ва аудиторлик фирмасидир.

Аудитор белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ҳамда аудиторлик кас-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

би рўйхатига киритилган мутахассисдир.

Аудиторлик фирмаси - юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган уставига кўра ушбу фирмага аудиторлик хизмати кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилот.

Аудиторлик фирмалари кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида очилиши мумкин, очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари бундан мустасно.

Қуйидагиларга аудиторлик текширувини ўтказиш таъқиқланади:

- *текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндош бўлган шахсга;*

- *текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда шахсий мулкрий манфаатлари бўлган шахсга;*

- *хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарларига, муассисларига ёки мулкдорларига;*

- *текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ёки унинг филиаллари ходимиغا;*

- *давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мансабдор шахсларига;*

- *кредиторлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга.*

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин фаолият бошлайди.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтади.

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия давлат рўйхатидан ўтгандан кейин берилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Уларни бериш тартибини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Аудиторлар (аудиторлик фирмаси) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- *хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботини аудит қилиш ва тузилган шартномага биноан консалтинг хизмати кўрсатиш;*

- *Ўзбекистон Республикасининг “аудиторлик фаолияти ҳақида”ги мазкур қонун, бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан текширувнинг шакл ва усуларини мустақил белгилаш;*

- *текширилаётган объектда ҳам, учинчи шахслар қўлида ҳам бўлган, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ҳолати ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар билан танишиш имконияти бор;*

- *ўтказилаётган текшириш ёки кўрсатилаётган аудиторлик хизмати муносабати билан текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарларидан ва бошқа ходимларидан, шунингдек учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма тарзда зарур изоҳлар олиш;*

- *лицензиядан маҳрум этиш ҳақида қарор қабул қилинганида судга ариза билан мурожаат қилиш.*

Аудитор (аудиторлар фирмаси)нинг бурчлари:

- *аудитор текширувини сифатли мукамал ўтказиш, текширувлар ўтказиш билан алоқадор бошқа аудиторлик хизмати кўрсатиш;*

- *текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига текширув вақтида аниқланган қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари ва бухгалтерия ҳисоби юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни тузишга қўйилган талабларнинг бузилиши дадиллари ҳақида маълумот бериш;*

- *ўз вазифаларини бажариш чоғида сир сақлаш. Ми-*

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИНФРАТУЗИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

жозга зарар етказадиган маълумотлар фақат суднинг талаби билан ошкор қилиниши мумкин;

- узрли сабаблар бўлмаса, ўз фаолиятини тўхтатмаслик, уни охирига етказиш ва хулоса чиқариш;

- зарур бўлиб қолган ҳолларда текширув натижаларини маълум қилиш учун мулкдорлар (акциядорлар) умумий йиғилишини чиқаришни талаб қилиш;

- мабодо иши ва хулосаларида ҳолис ва объектив бўлишининг имкони бўлмай қолса, ўз фаолиятини давом эттиришини тўхтатиш.

Аудиторни миждоз билан шартнома тузган аудиторлик фирмаси хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари билан келишган ҳолда тайинлайди.

Хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари қарори билан ёки аудиторни тайинлаган юридик шахснинг қарорига кўра аудитор чиқариб олиниши мумкин, аудитор бу ҳақда барвақт ёзма тарзда, унинг хизматидан воз кечиш сабабларини кўрсатиб хабардор қилинади.

Текширув вақтида ёки буюртмага кўра, бошқа ишлар қилинаётганида хизматдан воз кечилса, хўжалик юритувчи мулкдор аудитор хизматига ҳақ тўлаши шарт.

Суриштирув органи, прокурор, терговчи ва суд топшириғи билан аудиторлик текшируви ўтказилса, харажатлар текширилаётган хўжалик субъекти зиммасига тушади, унинг қўлида етарли маблағ бўлмаса, текширувни тайинлаган орган зиммасига тушади.

Мабодо хўжалик юритувчи субъект қўлида зарур маблағ бўлмаса-ю текширув харажатларини тўлашдан бўйин товласа, прокурор аудитор ёки аудиторлик фирмасининг мулкый манфаатларини ҳимоя қилиб тегишли судга мурожаат қилиши шарт.

Хўжалик юритиш субъектининг раҳбарлари ва бошқа

◆ БЎЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСТИҚРАТЧИЛИКНИНГ ҚОСБИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

мансабдор шахслари аудиторнинг талаби билан қуйидагиларни бажариши шарт:

- молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор ҳужжатларни бериш;

- оғзаки ёки ёзма тарзда зарур изоҳлар бериш;

- текширилаётган объектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини сифатли экспертиза қилиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш.

“Аудиторлик фаолияти ҳақида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини аудиторлик текшируви вақтида бузганлик учун аудитор ва аудиторлик фирмаси жавобгар бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мулкый ва маъмурий жавобгарлик;
- Лицензия ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш ёки аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензиядан маҳрум этишгача (лицензия берган орган қарорига мувофиқ) бўлган интизомий жазолар бериш.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солиб туриш учун қонунчиликда аудиторлар палатасини очиш назарда тутилган.

Ўзбекистондаги аксарият аудиторлик фирмаларини аудиторлар ўзлари ташаббускор бўлиб тузган, аммо мустақил аудит ўтказиш учун уларнинг сони етарли эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун Давлат мулки қўмитаси ташаббуси билан 1996 йилнинг май ойида қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатиш учун махсус агентлик - “Консаудитин-форт” ташкил этилди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Муҳокама учун саволлар

*Бешинчи бўлимга ўқиб чиқинг ва қуйидаги
саволларга жавоб беринг:*

- 1** Бозор иқтисодиётининг ишлаб чиқариш инфратузилмасида турли қодаларга асосланган ташкилий-ҳуқуқий шакллар бўлиши мумкин: биринчи - давлат мулки ва давлат ишлатиши; иккинчи - давлат мулки ва хусусий ишлатиши; учинчи - хусусий мулк ва хусусий ишлатиш. Ўқиб чиққанингиздан кейин асосан сизнинг туманингиз ва шаҳрингизда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг равнақи учун ушбу вариантлардан қай бири ва қай нисбатда энг мақбул бўлиши мумкин.
- 2** Тижорат банкларига операция турларини танлаб олишда эрк бериш қандай аҳамиятга молик бўлиши мумкин? Бу ўринда банк учун қайси операцияларни бажариш мажбурий? Нега қонун банкларга фаолиятнинг баъзи турлари билан шуғулланишни тақиқлаб қўйган?
- 3** Қонунчиликда банклар, асосан акциядорлик жамиятлари шаклида тузилиши назарда тутилган. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар ҳам банк акциядори бўлиши мумкинми?
- 4** Банк фаолияти Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида амалга оширилади. Қонунда асослар рўйхати белгилаб қўйилганки, буларга асосан Марказий банк лицензия бериш тўғрисидаги аризага рад жавоб бериш, шунингдек лицензияни қайт-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИПМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ариб олиши мумкин. Шу рўйхатни таҳлил қилинг: банк хизматидан фойдаланаётганлар учун банк қандай қилиб ишончли бўлиб қолади; бу рўйхатда банкнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги қандай мужассамлашган?

5 Агар тадбиркор янги шерик тўғрисида маълумот тўпламоқчи бўлса, у шу банкда шундай маълумотларни олиши мумкинми?

6 Савдони ташкил этишнинг бошқа турларига нисбатан биржа савдосининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Биржанинг қандай хусусиятлари бозор иқтисодиётига амал қилаётган барча мамлакатларда биржа савдоларининг кенг ёйилишига сабаб бўлди?

7 Биржа масъулияти чекланган жамият бўлиши мумкинми?

8 Хусусийлаштирилган инвестиция фондларининг бошқа инвестиция фондларидан ажратиб турадиган хусусиятлари нимада?

9 Қонунга кўра, ХИФлар очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва ёпиқ типдаги инвестиция фондидир. Шу икки типни таърифлаб беринг. ХИФ акцияларини қаердан сотиб олиш мумкин?

10 Ўзбекистонда суғуртанинг қайси турлари, айниқса кенг тарқалган? Суғуртанинг қайси турлари мажбурий?

11 Аудиторлик фирмасининг ҳуқуқлари ва бурчлари. Хўжалик юритувчи субъектлар устидан давлат назорати ва аудит ўртасидаги нисбат?

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Глоссарий (луғат)

Аукцион - барвақт белгилаб қўйилган вақт ва муайян жойда одамлар кўз ўнгида товарлар сотиш усули. Мулқдор ташаббуси билан ўтказилаётган аукцион - ихтиёрий аукциондир, мулқдор банкрот бўлса, қарзларини тўлай олмаса ва бошқа ҳолларда қўлланиладиган аукцион - мажбурий аукциондир.

Банк - эркин пул сармоясини йиғиб ва шу асосда қонунда белгилаб қўйилган фаолиятнинг муайян турларини амалга ошираётган юридик шахсдир. Банк фаолиятига қуйидагилар киради: миждозларга ҳисоб-китоб-кредит хизмати кўрсатиш, банклараро операциялар, халқаро ҳисоб-китоблар, пул омонатларини сақлаш ва жойлаштириш, маслаҳат ва воситачилик хизмати.

Биржа - турли-туман битимлар тузиш учун доимий бозорнинг жуда кенг расм бўлган шакли. Товар биржаси - намуналар ва стандартларга кўра, товарлар катта ҳажмда улгуржи савдо қилинадиган бозор. Фонд биржаси - қимматли қоғозлар бозоридир.

Брокер - миждоз топшириғи билан ва унинг ҳисобидан битимлар тузадиган савдодаги воситачи. Брокер биржада товарлар, қимматли қоғозлар ва шунга ўхшашларни сотиб олиш (сотиш) тўғрисидаги миждоздан олинган буюртмани бажаради.

Валюта - 1) Пул бирлиги, яъни олтин ёки кумушнинг муайян вазнли миқдори, бу миқдор нарх миқёси деб қабул қилинади ҳамда мамлакатнинг пул тизимига асос бўлади; 2) Пул тизимининг тури (олтин, кумуш ва қоғоз пуллар). 3) Халқаро оборотда қатнашаётган чет эл пули белгиси (чет эл валютаси).

Валюта курси - бошқа мамлакатларнинг пул бирликларида ифода этилган муайян мамлакат пул бирлиги нархи.

Вексель - қатъий тарзда шакли белгилаб қўйилган ёзма қарз мажбурияти. Вексель эгаси шу мажбуриятга имзо чеккан шахсдан унда кўрсатилган пул суммасини муайян муддатда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инвестиция - бирор бир корхонага янги фойда олишни назарда тутиб узоқ муддатга капитал (сармоя) қўйиш.

Кредит - ссуда капиталининг ҳаракат қилиши шакли. Кредит ёрдамида бўш маблағлар қайтариб бериш ва фоишлар тўлаш шарти билан вақтинча бериб турилади. Банк кредитлари ва тижорат кредитлари - кредитнинг асосий шакллариدير.

Векселлар ҳисоби - банк томонидан векселларнинг муддати ўтишидан илгари вексель эгаларидан уларнинг сотиб олиниши. Векселлар ҳисобга олинаётганида банк муайян фоишни ўз фойдаси учун ушлаб қолади, вексель эса банкнинг мулкига айланади, у, яъни банк муддат ўтганидан кейин вексель берувчилардан тўлов олади.

Эмиссия - муомалага пул ва қимматли қоғозларни чиқариш.

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

6 - бўлим

1.0. Шартнома моҳияти ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли

Шартнома муносабатларини тубдан ўзгартириш, даставвал принцип жиҳатдан қонунчиликнинг янги базасини яратиш бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усуллари ўрнига келган бозор механизмлари шартноманинг ҳуқуқий мақомини кескин қўтаришни, уни тузиш маданиятини оширишни талаб қилди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ўз маърузаларида бу хусусда қўп гапирган. “Биз, - деб таъкидлаган эди у, - шартнома тузишнинг ҳозирги тартибини ва унинг аҳамиятини тубдан ўзгартиришимиз керак...”

Хужалик фаолиятининг турли жиҳатларини акс эттирувчи шартномаларнинг ўзлари ҳам, уларни қўлланиш соҳаларининг кенгайиши ҳам тадбиркорлик ташаббусла-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

рининг янада тулароқ намоён булишига ёрдам беради, бозорнинг фаолият курсатиш, шахс ва оила турмуш даражасини ошириш учун унинг имкониятларидан тулароқ фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Шартнома тўғрисидаги аввалги тасаввурлар олдинги ижтимоий тузум, давлат мулкчилигининг танҳо ҳуқуқи даврида ҳукмронлик қилган уша тамойиллардан келиб чиққан. Уша шароитларда шартномага уни тузган томонларнинг эркин хоҳиш-гиродасини ифода этувчи тула ҳуқуқли юридик ҳужжат деб қаралмасди. Бир мулкчилик шакли (давлат) доирасида корхоналар ўртасида қарор топадиган мулккий муносабатлар товар-пул кўринишига эга эмасди, чунки мулкчилик субъектларининг алмашилиши йўқ эди.

Шунинг учун ҳам мулккий муносабатларни тартибга солиб турувчи восита сифатида фойдаланиб келинган шартнома том маънодаги шартнома эмасди, у шунчаки режа-топшириқларини бажариш учун бир восита ўрнида қўлланиларди, холос. Унинг мазмунини томонларнинг истаклари ва манфаатлари эмас, балки уша вақтларда мажбурий ҳисобланган режа ҳужжатлари иш топшириғи (нарядлар), бирон ишни бажариш ҳужжати (разнарядкалар) белгилаб, уларга мувофиқ келиш керак эди. Давлат ҳакамлар суди (арбитраж) аргонлари корхоналар ўртасидаги низоларни ҳал этишда биринчи галда ана шу мувофиқликка эътибор беради.

Эндиликда муносабатлар товар-пул, яъни қиймат, эквивалент-тулов тарзида бўлиб, шартнома уларга ҳуқуқий шакл ўрнида хизмат қилади, энда у режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш омилларига асосланган эмас. Фақат унинг ёрдамидагина ишлаб чиқариш соҳаси ва моддий ҳам номоддий неъматларни истеъмол қилишдаги талаб ва таклифларни тўғри белгилаш мумкин.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Аввалги ва ҳозирги шароитларда шартноманинг моҳияти ҳамда ролининг фарқи ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, илгарилари мавзуи ва субъект таркибига боғлиқ равишда ҳам унинг қулланиши чеклаб қўйилган эди. Фуқаролар фақат чакана савдо соҳасидагина шартнома эга (субъект) лари сифатида иш қуриб, истеъмол буюмларинигина харид қила оларди. Иккинчи томондан, улар ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун фақат давлат ва колхоз-кооператив савдо ташкилотлари билангина битим туза олардилар. Фуқароларнинг узаро битимларига эса қонун йули билан жазоланадиган бир чайқовчилик деб қораларди..

Корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам шартнома муносабатларининг эгаси (субъекти) сифатида эркин иш қўролмасдилар. Олди-сотди шартномасига мувофиқ корхоналарга жуда кам, арзимас товарларни (масалан, идора буюмлари, махсус адабиётларни) сотиб олишга руҳсат бериларди, аслида эса ишлаб чиқаришни маҳсулот, иш, хизмат билан таъминлаш эса ажратилган лимитлар ёки фондлар доирасида молларни етказиб бериш шартномасига мувофиқ амалга ошириларди. Лекин шунда ҳам корхона етказиб берувчилар ёки маҳсулот харидорини ўзи танлай олмасди, фақат нарядларда кўрсатилган ташкилотлар билан шартнома тузишга мажбур эди. Корхона нормативдан ошиқ, ортиқча, фойдаланилмай ётган моддий бойликларни эркин сотиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди: булар тўғрисида юқори бошқарув органига албатта маълумот беришлари керак эди, у ўша молларни қарамоғидаги ҳўжалик субъектлари ўртасида тақсимлаб чиқарди.

Фақат давлат ва колхоз-кооператив мулкчилиги мавжуд бўлган шароитда ишлаб чиқариш воситалари муомаладан фуқаролар иштирокида олиб ташланарди. Улар,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

I.

Маълумот учун маълумоти

Инглиз нуфузли ҳуқуқи

Инглиз нуфузли ҳуқуқи шерикларнинг савдо-иқтисодий муносабатларини тартибга солиб турувчи Фарб ҳуқуқ тизимида етакчи мавқега эга. Инглиз ҳуқуқи қондалари Европа, АҚШ, кўпгина ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган.

Конкрет шерикчилик муносабатларининг ҳамма томонларини ўла тартибга солиб туришга ўрганган чет эл ишгирокчиси, агар мазкур мамлакат тadbиркори Фарбда асрлар давомида ишлаб чиқилган бизнес ҳуқуқи асосларини билмаса ёки билишни истамаса, ҳамкорлик қилмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги Жаҳон тажрибасини ўзлаштириб тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шунинг учун ҳам инглиз нуфузли ҳуқуқининг айрим қондаларини ўрганиш ва иложи борича қўллаш катта аҳамиятга эга, ҳозирча улар республикамизнинг қонун ҳужжатларига кирмаган, лекин уларга зид келмайдиган ҳам.

Инглиз ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундаки, Англиянинг контракт ҳуқуқи кондификация қилинмаган. Парламент қабул қилган қонунлар контракт муносабатларининг айрим жиҳатларинигина тартибга солиб туради, ҳуқуқнинг асосий манбаи нуфузи-судлар қарорлари бўлиб, улар ичида Буюк Британия олий суд боққичи, Лордлар палатасининг қарорлари энг кўп юридик кучга эгадир.

Англиянинг контракт ҳуқуқи, эътимодли (ишончга асосланган) мулк, ерга ва кўчмас мулкка нисбатан қўйиладиган талабларни муқобил равишда қондирини сингари ўзига хос қатор ҳуқуқий дарсликларни ишлаб чиққан.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

II.

Айрим контрактлар бир қарашда бeсўнақай туюлса ҳам, замонавий иқтисодий оборотга анча ишончли хизмат қилади, чунки шериклар хатти-ҳаракатининг хилма-хиллигини акс эттиради, вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, эркин қарор қабул қилиш имконини беради.

Инглиз ҳуқуқи бўйича моддий масъулиятнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборни тортади. Бу зарарни қонлашнинг ўрнини тўлдирish тарзидаги ва жарима кўринишидаги бурдсизлик тўловининг қўлланилишига йўл қўймаслик билан боғлиқдир. Англиянинг контракт ҳуқуқи бўйича ҳар қандай зарар, шу жумладан тижорат обрўсига, мол сотиладиган бозорга, компания шаънига путур етказадиган зарарнинг ҳам ўрни қошланishi керак, бунда товлон миқдорини суд белгилайди.

Жанжалларни ҳал этишга алоқадор бўлган инглиз ҳуқуқининг нуфузларини қабул қилиш анча қийин, лекин уларни ўрганиш керак, чунки улар хоржий шерикларнинг маскур масалалар бўйича тутган ўрнини аниқлашга имкон беради.

Англия контракт ҳуқуқи томонларнинг битими бўйича келиб чиқиш мумкин бўлган низоли кўриб чиқиш учун бир ёки бир неча ҳакамларни танлаш имконини берадики, улар аниқ шахсларни белгилаб, контрактга кўрсатилган бўлади. Бундан ташқари, томонлар ҳакамга ҳакамлик ечимининг ўз вариантини берипганда “маятникли” ҳакамлик танланиши мумкин, бу қарор эълон қилинади, ҳакам эса ўз қарорида томонларнинг бири томонидан берилган ҳамма таклифларни ўзгартирмасдан қабул қилади.

Ҳужалик шартнома муносабатлари умуман Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан тартибга солиб турилади. Лекин инглиз нуфузли ҳуқуқидан фойдаланаётган ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилган ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми анча юқори бўлгани учун ҳам инглиз ҳуқуқини билиш амалий аҳамият касб этмоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

айтайлик, фуқаролар билан корхоналар уртасида олди-сотди шартномасининг мавзуи була олмасди.

Бозор шартнома мавзуи була оладиган нарсалар доирасини анча кенгайтиради, бошқача айтганда, шартнома тузишдан кузланган мақсадни яқинлаштиради. Масалан, товар муомаласи соҳасида шартнома мавзуи сифатида ишлаб чиқариш воситаларидан ҳам, истеъмол буюмлари, маҳсулотларидан ҳам чекланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин. Қонун ҳозирги кунда фуқаролик муомаласидан жуда кам объектларни чиқариб ташлаган.

Шартномаларнинг субъект таркиби бўйича олдинги қонунларда булган чеклашлар ҳозир олиб ташланган. Унда шартноманинг тури ва мавзусидан қатъи назар, томонлар сифатида ҳам жисмоний шахслар, ҳам юридик шахслар иш куриши мумкин.

Янги қонундаги қоидага мувофиқ фуқаролар ва юридик шахсларга шартнома тузишда тула эркинлик берилди. Шартнома тузишда уларни мажбур қилишга йул қўйилмайди, шартнома тузиш мажбурияти қонунда ёки қабул қилинган мажбуриятда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Шундай қилиб, жамиятни демократиялаштириш, шахс эркинлиги бошқа механизмларнинг, биринчи навбатда иқтисодий механизмларнинг ишлаши учун қонуннинг чекловчи доираларини анча кенгайтириш имконини олдиндан белгилаб бердики, хусусий мулкчилик ва унинг дахлсизлиги уша демократиялаштириш ва эркинликнинг моддий асосини ташкил этади. Шартномалар мулкчилик ҳуқуқи субъектлари томонидан уларнинг манфаатлари йулида тузилади. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бузилганлиги учун шартнома тузган томонларнинг узлари жавоб беради. Фақат жавоб берибгина қолмай, зарар ҳам

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

қуради, улар илгаригидай давлат маблағлари ҳисобидан қопланиш мумкин эмас.

Бугун дунё шартнома муносибатларида амалий ишда қарор топган муайян урф-одатлар муҳим роль уйнайди, бу омил қонунда ҳисобга олинган, зеро, улар ор-номус, қадр-қиммат, одамийлик аънаналари синовидан утган.

Қонун шартнома муносибатларида қанчалик кўп эркинлик берса, ҳужалик субъектларининг ҳуқуқий маданияти шунчалик юқори жиҳатдан тўғри шартнома тузиш, шартномада қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга масъулият билан ёндашиш, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қила олиш учун зарур бир асосдир.

1.1. Шартнома муносибатларининг қонуний асослари

Шартнома ҳужалик муносибатларини тартибга солиб турувчи бош омил сифатида амалдаги қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак, бу унинг қонунийлигини таъминлабгина қолмай, шунингдек ҳужалик-шартнома алоқаларини аниқ ва оқилона ташкил этишга ҳам ёрдам беради. Меъёрий ҳужжатлар бизнес бўйича шериклар тенглиги ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тартибини яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Фуқаролик ишларини юритиш ва ҳужалик ишларини юритиш қонунлари мажмуаси, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар тўғрисидаги қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар шартнома муносибатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий манбалардир.

Шуни таъкидлаш муҳимки республиканинг ишлаб чиқиладиган фуқаролик қонунда халқаро ҳуқуқий нормалар устуворлигининг конституцион принципи амалга

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

оширилади. Хусусан, агар халқаро битим ёки шартнома билан фуқаролик қонунида кўзда тутилган қоидалар эмас, балки бошқа қоидалар белгиланган бўлса, бу ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Амалдаги Фуқаролик қонуни меъёрларидан фойдаланган ҳолда кейинчалик ишлаб чиқилган барча меъёрий ҳужжатлар ундан олдин эълон қилинганларидан устувор эканлигини ҳисобга олиш зарур. Қонун у кучга киргунча юзага келган муносабатларга нисбатан амал қилади, агар бу тўғридан-тўғри қонунда кўзда тутилган бўлса. Қонун кучига тенг ҳужжатлар (масалан, қарорлар) қонунга бўйсунди. Махсус ҳуқуқий меъёрлар умумий меъёрлардан устун туради. Янги Фуқаролик кодексига меъёр киритилган бўлиб, у фуқаролик қонунини шунга ўхшаш ҳолатларда қўллашни кўзда тутади. Фуқаролик муносабатлари қонун билан ёки томонларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган тақдирда шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун меъёри қўлланилади (қонун аналогияси). Агар юқорида кўрсатилган ҳолларда бундай аналогиядан фойдаланишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари умумий бош қоидалар ҳамда фуқаролик қонуни мазмунидан (ҳуқуқ аналогияси) келиб чиқиб белгиланади. Бундан ташқари амалий ишлар обороти одағлари, маҳаллий урф-одағлар ва анъаналардан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган, фақат улар амалдаги қонун ва ёки шартномага зид келмаган ҳолларда.

1.2. Шартнома тушунчаси ва унинг турлари

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича шартнома келишув, битимнинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, у қонунчиликда фуқарони ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқи ва вазифа-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

ларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатишга қаратилган ҳаракати деб тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик қонунда шартноманинг қуйидаги тушунчаси ишлаб чиқилган: “Шартнома билан икки ёки бир қанча шахснинг фуқаролик ҳуқуқи ва вазифаларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги битими тан олинади”.

Шартнома вазифалари кўп маънолидир, у:

- шериклар ўртасидаги муносабатларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди, уларга мажбурият тусини беради, уларни бажариш қонун билан ҳимояланган;

- шериклар хатти-ҳаракати тартибини, усулларини ва изчиллигини белгилайди;

- мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш ва уларнинг бузилиши учун жавобгарлик усуллари кузда тутади;

- мажбуриятларни тўхтатиш асосларини кўрсатиб беради.

Шартномалар амал қилиш муддатлари бўйича узоқ муддатли, қисқа муддатли ва бир мартали бўлиши мумкин.

Хўжалик амалиётида узоқ муддатли шартномалардан кўпроқ фойдаланилади, чунки улар барча мулк шаклидаги корхоналарга ўз фаолиятини режалаштириш ва истиқболни кўриш имконини беради.

Қисқа муддатли шартномаларнинг мақсадга мувофиқлиги, одатда, товарнинг мавсумийлиги (масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кузда сотиш) ёки товарнинг вақти-вақти билан пайдо бўлиши (вақти-вақти билан очиладиган ярмаркалар билан битим тузиш) билан белгиланади.

• Бир мартали шартномалар, одатда, бирон-бир товарни (масалан, автомашинани) харид қилаётганда тузилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА ВОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шартнома томонлари ўрнида фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар иш кўриши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонуни бўйича Ўзбекистон фуқаролари ҳам, бошқа давлат фуқаролари ҳам фуқаро (юридик шахс) сифатида эътироф этилади. Фуқаролик қонуни фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам амал қилади.

Шартномалар фақат муомалага яроқли фуқаролар томонидан тузилади. Муомалага яроқлилик - бу фуқаронинг ўз саъи-ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиш ва ундан фойдаланиш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларини яратиш ва уларни бажариш қобилиятидир. Тўла ҳажмдаги муомалага яроқлилик балоғат ёшига етиш билан юзага келади. Қонун шунингдек тўла ҳажмдаги муомалага яроқлиликни балоғат ёшига етмасдан олдин ҳам, қонуний никоҳдан ўтиш даврида амал қилишини кўзда тутаяди, кичик ёшдаги болаларнинг қисман муомалага яроқлилигини ва уни балоғатга етмаганлар учун ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача чўзишни махсус олдиндан қайд қилиб кўяди.

Хўжаликни юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мулкка эга ва ўз мажбуриятлари юзасидан ўша мулк учун жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда улардан фойдаланадиган, зиммасига мажбурият оладиган, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнаша оладиган ташкилот юридик шахс деб эътироф этилади. Қонун юридик шахслар ўз мустақил баланс ёки сметасига эга бўлиш керак деб белгиланган кўяди.

Асосий мақсади фойда олиш (тижорат билан шуғулланадиган ташкилотлар) бўлган ташкилот ҳам, асосий мақсади фойда олиш бўлмаган ташкилот (тижорат билан шуғ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

уланмайдиган) ҳам юридик шахс ҳисобланиши мумкин. Тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар (масалан, қонун матлубот кооперацияси, ижтимоий бирлашма, ижтимоий фонд, мулкдор таъминлайдиган муассасани ана шундай ташкилотлар жумласига киритади) ўзларининг уставдаги мақсадлари доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлиш юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари муносабатларида қатнашиши учун тўла асос бўла олади. Юридик шахснинг ҳуқуқий лаёқати уни яратиш, яъни давлат рўйхатга олиш вақтида вужудга келади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш бўйича шартнома бир томонлама ва икки томонлама (кўп томонлама) шартномага бўлинади.

Бир томонлама шартномаларда томонларнинг бири фақат ҳуқуққа, бошқаси фақат мажбуриятга эга бўлади. Бир томонлама шартномага, масалан, совға қилиб бериш шартномаси, баъзи-бир бепул шартномалар киради.

Агар шартнома бўйича ҳар икки томон ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлса, бундай шартнома икки томонлама шартнома ҳисобланади. Айни ўша икки томонлама шартномалар фуқаролик муомалада кўпчиликни (олди-сотди, айрибошлаш, етказиб бериш, бир жойдан иккинчи жойга ташиш) ташкил этади.

Амалиётда шунингдек яна **консенсуал (келишув) ва реал шартномаларга** ҳам бўлинади. Томонлар мажбурият бўйича шарт-шароитлар хусусида келишиб олсалар, бирон-бир мулкни ўтказмаса ёки муайян бир саъй-ҳаракатлар қилмаса (топшириқ шартномаси, комиссия шартномаси), ана шундай шартнома консенсуал шартнома ҳисобланади. Бунда томонларнинг хоҳиш-иродаси, маълум

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

шартлар асосида шартнома тузиш истаги ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Реал шартномани тузиш учун томонларнинг хоҳиш-иродасидан ташқари уларнинг ўзаро келишувлари асосида маълум тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Қарз шартномалари (пулли ёки буюмларни маълум шартлар асосида ўтказиш, кейинчалик уларни қайтариб бериш асосида), юкларни сақлаш, ташиш бўйича шартномалар реал шартномалар ҳисобланади.

Шартномалар пулли ва бепул бўлиши мумкин. Томонларнинг бири шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргани учун ҳақ ёки бошқа бирор нарса олса бундай шартнома пулли ҳисобланади. Томонларнинг бири иккинчи томонга шартнома бўйича бирор нимани бериш мажбуриятини олса, бунинг учун ҳақ ёки бошқа бирор нарса олмаса, бундай шартнома пулсиз шартнома ҳисобланади. Шартномаларнинг кўпчилиги пулли тарзга эга.

1.3. Шартнома шакли ва мазмуни

Агар қонун томонларни шартномани ёзма ёки оғзаки равишда тузишга мажбур этмаса, унда шартнома ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда тузилиш мумкин. Амалиётда, одатда, шартноманинг ёзма шакли кўпроқ қўлланилади, чунки у анча қулай.

Шартнома ёзма шаклининг икки тури мавжуд: оддий ва малакали, жумладан нотариал тури. Оддий ёзма шаклдаги шартнома қуйидаги ҳолларда тузилади.

- томонлар битта ҳужжатни тузаётган ва унга имзо чекаётган пайтда;
- почта, телеграф, телетайп ёки алоқанинг бошқа воситалари орқали ҳужжатлар алмаштирилганда, бу ҳуж-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

жатнинг бир томонлама шартномага мувофиқ тузилганини тўғри аниқлашга имкон беради;

- оферта жўнатилаётганда (конкрет шахс номига юборилган таклиф бўлиб, у адресат билан шартнома тузилганлигини ифода этади) ва акцепт олинганида (тўла ва сўзсиз келишилганлиги тўғрисида жавоб).

Шартнома қўйидаги ҳолатларда албатта нотариус томонидан тасдиқланиш керак:

- Қонунда кўрсатилган ҳолатларда (масалан, кўчмас мулкка нисбатан битим тузилганда, фуқаролар ўртасида автотранспорт олди-сотдиси бўлганида);
- томонлардан бирининг талабига кўра.

Шартноманинг нотариус томонидан тасдиқланишини унинг ваколатли давлат органларида рўйхатда ўтказилиши билан фарқланади (масалан, давлат автоинспекциясида автомашина олди-сотдисида).

Фармойишда белгиланган шаклга амал қилмаслик шартномани ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўла олади. Умумий қоидага мувофиқ томонлар ўз ихтиёрларида шартнома шаклини мураккаблаштиришлари мумкин, лекин қонунда кўзда тутилган шаклдан ҳам соддасини, оддийсини таялай олмайди.

Шартнома мазмуни - бу шартлар тизими бўлиб, ана шулар асосида шартнома тузилади. Унинг шартлари юридик адабиётда муҳим ва номуҳим шартларга бўлинади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган шартнома шартлари муҳим шартлар ҳисобланади, яъни улар тегишли шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишига ва унинг моҳиятига таъсир этади. Қонун муҳим шартларга қўйидагиларни киритади: шартнома мавзую тўғрисидаги шартлар; қонун муҳим шартлар деб кўрсатган ёки мазкур типдаги шартнома учун зарур бўлган шартлар,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

шунингдек, томонлардан бирининг аризасига кўра битимга келишиш учун фойдаланилган барча шартлар. Юридик амалиётда муҳим шартларга, одатда, шартнома иштирокчиларини, унинг баҳосини, вақтини, шартнома мажбуриятларини бажариш усуллари ва жойини, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таърифловчи шартлар киритилади.

Бунда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак.

Томонлар муҳим шартларнинг ақали биронтаси юзасидан келиша олмасалар шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Агар битимга янглишиш ёки алдаш натижасида эришилган бўлса шартнома тузилган ҳисобланади, лекин бу эътирозларни келтириб чиқаради. Манфаатдор шахс бундай ҳолатда шартномани фуқаролик қонуни талабларига мувофиқ бекор қилишни талаб этиш мумкин.

Томонларнинг муҳим бўлмаган шартлар ва фурсатлар бўйича бир битимга келолмаганлиги ёки янглишиш шартноманинг юридик кучига таъсир қилмайди, яъни булар шундай шартларки, улар ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишга ва моҳиятига таъсир кўрсатмайди.

Муҳим шартлар сирасига кирадиган у ёки бу шартларга доир бир неча конкрет мисолларни келтираемиз.

Қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси. Масалан, қонун талабига мувофиқ тўловчилар, юклар ва бағажни ташиш шартлари транспорт айрим турларининг уставлари (кодекслари) билан белгиланади.

Муайян турдги шартноманинг ўзига хос хусусиятлари. Айрим шартномаларни тузганда битим объекти аҳамиятга эга бўлади. Чунончи, топшириқ шартномасида объект сифатида ҳар қандай юридик ҳаракатлар ҳам, қатор конкрет ҳаракатлар берилиш мумкин, уларни ваколат бе-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

рувчи шахс манфаатлари йўлида ишончли вакил амалга оширади. Комиссия шартномасида фақат учинчи шахс билан комитент манфаатлари йўлида тузилган шартномагина битим объекти бўлиши мумкин. Икки ҳолатда ҳам биртомоннинг иккинчи томон манфаатлари йўлида топшириқни бажариш шартнома мавзусининг умумий белгиси ҳисобланади.

Томонлардан бирининг шартномага муайян шартларни киритиш тўғрисидаги аризаси. Масалан, шартномани бажаришнинг ўзига хос хусусиятларига тегишли бўлган алоҳида шартлар ана шундай шартлар (юкларни чартер - кема шартномаси рейси билан ташиш) деб ҳисобланиши мумкин. Лекин бундай шартларни киритиш бошқа томоннинг қонун муҳофаза қилувчи манфаатларига зарар келтирса, улар ҳақиқий ҳисобланмайди ва қонун ёки намунали шартнома белгиланган шартлар билан алмаштирилади.

Бозор иқтисодиётида шериклар ўртасидаги ҳамма амалий мунсоабатлар қонун ва улар шартномада кўзда тутилган шартлар билан тартибга солиб турилади. Юридик амалиёт шартномага унинг ишончилигини таъминловчи қатор асосий талаблар қўяди.

Биринчидан, шартномадаги қоидалар амалдаги қонунларни бузмаслиги керак.

Иккинчидан, ҳар бир томоннинг манфаатлари юридик жиҳатдан яхши ҳимояланиши, мажбуриятлари эса уларнинг масъулияти билан таъминланиши керак.

Учинчидан, шартномада “юридик фирт” деган нарса - мужмал ёки икки хил маноли таърифлар, ифодалар бўлмаслиги керак. Шартнома матни аниқ, лўнда, тушуниш осон бўлиши керак.

Агар томонлар ўртасида барча муҳим шартлар бўйича, қонун талаб қилган тегишли шаклда келишувга эри-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

I.

Маълумот учун материал

Шартнома шерикларнинг ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда бизнес бўйича бўладиган ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Мамлакат тадбиркорларининг аксарияти ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишда ёки бу ишда иштирок этишга ҳаракат қилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиб турувчи меъриий асосни яхши билмаслик, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларини бузувчи шартномага имзо чекиш қўшинча шартнома мажбуриятларини бажармасликка ва жанжалларнинг келиб чиқишга сабаб бўлади. Шартнома баҳосини фақат чет эл давлатлари валютасида, товар қийматининг 50%, 100% ни бўнак тариқасида ёки қийматининг бир қисmini нақд пул билан тўлаш мажбуриятининг қўрсатилиши товарларни (хом ашё, ускуналар), иш, хизматларни экспорт (импорт) қилиш учун шартномалар тузиш вақтида йўл қўйиладиган типик хатолар ва бузилишлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички конверсиясини янада кенгайтириш тадбир-чоралари тўғрисида”-ги Фармонига мувофиқ, мулк шаклларида қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларга қарз бериш 1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб фақат Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалда ошқарилади.

Мазкур фармонга биноан импорт қилинаётган (республикага олиб келинаётган) маҳсулотлар учун бўнак тўловларининг максимал миқдори шартнома умумий нархининг 15% идан ошмаслиги ва чет эл вакил банкнинг албатта кафолати бўлишидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

II.

Импорт қилинган товарлар учун ҳақ корхона ҳисобварағидан Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатаётган банкида тўланиши керак.

Хужжатлар асосида аккредитив бўйича пул юбориш ва инкассо экспорт-импорт операциялар юзасидан тўловнинг асосий шаклларидир.

Шартнома (контракт) бўйича импортта тўловни фақат шартномада кўрсатилган бунак доирасидагина банк ўтказмаси тарзида амалга оширишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикасида ўзаро ҳисоб-китоблар пайтида нақд пуллар ҳаракати қатъий чеклангандир. Амалдаги қонунда товар, етказиб берувчиларга тўловни нақд валютада тўлаш, шу жумладан мажбуриятларни қоплаш учун нақд пул ўтказиш кўзда тутилмаган.

Чет эл шеригидан шартнома бўйича сумманинг бир қисmini чет эл валютасида экспортернинг Ўзбекистон, ҳатто Россиянинг бирон-бир тижорат банкидаги вакилининг "шахсий" ҳисобварағига ўтказишни талаб этиш мамлакат экспортёрларининг валюта маблағларини нақд пулга айлантириш йўлидаги яширинча уринишдир.

Бошқа томондан экспорт маҳсулотларни етказиб берувчилар шартнома тузилган фирмага қайси банк хизмат кўрсатишини ҳар доим ҳам билмайдилар. Ҳолбуки, масалан, вақтли матбуотнинг маълумотларига қараганда, 1996 йилнинг бошларига келиб Россиянинг 47 банки бу хилдаги битимлар учун лицензияларга эга эмас.

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

шилган тақдирдагина шартнома тузилган ҳисобланади. Шартнома томонлардан бирининг оферта (ёки шартнома тузиш таклифини ифодаловчи бошқа усул билан) ва бошқасининг акцепт юбориши (таклифни қабул қилиш) орқали тузилади.

Оферта юборган шахснинг унинг акцептини қабул қилган пайтидан бошлаб шартнома тузилган деб эътироф этилади.

Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мулкни ўтказиш зарур бўлса, у ҳолда шартнома ўша мулк ўтказилган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Қонун бир томоннинг иккинчи томонга қилган таклифи бўйича шартнома тузиш тартибини фарқлайди, таклифда жавоб бериш муддати кўрсатилган ва кўрсатилмаган бўлади. Биринчи ҳолда, агар таклиф берган шахс иккинчи томондан таклиф қабул қилинганлиги тўғрисида белгиланган муддатда жавоб олса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузиш таклифи оғзаки қилинган бўлса, жавоб бериш учун муддат кўрсатилмаса, агар иккинчи томон таклифни қабул қилинганлигини тезда маълум қилса шартнома тузилган ҳисобланади. Агар бундай таклиф ёзма равишда қилинган бўлса, таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги жавоб бундай ҳужжатлар (хатлар, ҳужжатни факс орқали бериш) учун нормал ҳисобланган муддат давомида олинган тақдирда шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузиш таклифи муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради; агар таклиф қилган томон шартномани шартнома таклиф қилинган одам билан тузмаса (қабул қилган тақдирда) у ҳолда унга келтирилган зарарни қоплаш, тўлаш мажбурияти юклатилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Таклифнинг ҳамма шартлари бўйича сўзсиз келишилган тақдирдагина таклиф қабул қилинган ҳисобланади. Агар шартнома тузишга рози эканлиги тўғрисидаги жавоб бошқа шартлар (масалан, бошқа нарх ва товарлар сони таклиф этилади) асосида берилса, у ҳолда бу таклифни рад қилиш деб қабул қилинади ва айти шу вақтнинг ўзида янги таклиф берилади, лекин энди уни бошқа томон киритади. Шундай қилиб, томонлар, мисоли ўринларини алмаштирган бўлади-лар, ва шартнома тузиш жараёни қайтадан бошланади.

Томонлар учун шартномани мажбурий тузиш ҳоллари нисбатан кам учрайди ва у қонун йўли билан белгиланади. Шартномани тузишда томонларнинг эркин бўлиши умумий принципларидан фарқли ўлароқ, бундай ҳолларда улар эркин бўлмайди. Агар томонларнинг бири шартнома тузишдан бош тортса, иккинчи томон мажбуран шартнома туздиришни талаб қилиб судга мурожаат қилади. Шартнома тузишдан олдин бўладиган тортишувлар, баҳслар ҳам шу йўл билан ҳал этилади.

1.4. Шартноманинг таркибий тузилиши

Шартномани тузиш битимга келишишнинг мураккаб ва масъулиятли қисмидир. Малакали ва пухта тузилган шартнома томонлар мажбуриятларни нотўғри талқин этишни истисно қилади ва шериклардан бири шартномага ноинсоф муносабатда бўлганида ёки уни беихтиёр бузиб қўйганида унинг бошқа томонга зарар келтиришга имкон бермайди.

Шунинг учун ҳам хўжалик ишларида шартнома матнининг таърифи катта аҳамиятга эга.

Шартноманинг қуйидаги таркибий тузилиши қулай бўлиб, у анча кенг тарқалган:

1. кириш қисми;
2. шартнома мавзуи;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

3. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
4. қўшимча шартлар;
5. бошқа шартлар.

Кириш қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шартноманинг тартиб рақами, унинг номи, у тўла (ижара шартномаси, етказиб бериш шартномаси) ёзилиши керак, ана шунда шартнома матни хар хил талқин қилинмайди;
- имзо чекилган сана - число, ой, йил; Бу муайян юридик оқибатларни аниқлаш учун асос бўлади (масалан, шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши). Шартномага томонлар турли вақтда имзо чексалар, у ҳолда шартнома унга энг кейин имзо чекилган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади;
- шартномага имзо чекилган жой (аҳоли пункти), агар қонунда ва шартномада бошқа жой кўрсатилмаган бўлса, ўша жой мажбуриятлар бажариладиган жой деб белгиланади. Ташқи иқтисодий битимлар учун имзо чекилган жой белгиловчи омил ҳисобланади. Агар қўлланиладиган ҳуқуқ шартномада кўрсатилмаган бўлса, уни танлашда ўша, жой масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари шартнома тузадиган томонлар аниқланади ва кўрсатилади, уларнинг ҳуқуқий мақоми, тўлиқ номлари, номларининг шартли қисқартирмалари берилди. Шартли номлар сифатида қонун ва белгиланган аталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шартноманинг бу қисмида унга имзо чекан шахснинг исми, отасининг исми, фамилияси, лавозими, шунингдек уларнинг қандай ҳужжатга асосланиб (устав, низоми, ишончнома) ишлашлари кўрсатилади.

Кейин шартноманинг асосий матни баён қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЯТИ

1.5. Шартнома мавзуи

Гражданлик оборотида бўлган ҳамма объектлар, яъни буюмлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа жисмлар, мулкӣ ҳуқуқлар, иш ва хизматлар, ихтиро, саноат намуналари, фан, адабиёт санъат асарлари ва ақлий фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий неъматлар шартнома мавзут бўлиши мумкин. Аввалгисидан жиддий фарқ қилувчи ҳозирги қонун бўйича шартнома мавзуи бўлолмайдиган фуқаролик ҳуқуқи объектлари қонунда аниқ-равшан кўрсатилиши керак.

Матн тузаётганда шартнома мавзуи кўрсатилиши зарур, унга пул ва натура ҳисобида сифат ҳамда миқдор жиҳатдан таъриф берилади. Бунинг учун товарлар, иш, хизмат баҳолари, уларнинг умумий миқдори хусусида олдиндан келишиб олинади ва шунинг асосида шартноманинг умумий суммаси белгиланади.

Шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ҳамда мазмуни уларнинг амалдаги қонун асосида келишувлари билан белгиланади. Томонлар қонунда кўзда тутилмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам белгилашлари мумкин лекин улар амалдаги қонуннинг умумий меъёри ва моҳиятига зид келмаслиги керак.

Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи мулкни харидорнинг хусусий мулки қилиб бериш, харидор эса мулкни қабул қилиб олиш ва унга маълум суммада пул тўлаш мажбуриятини олади. Модомики, олди-сотди шартномаси икки томонлама экан, демак ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам иккала томон зиммасига тушади. Сотувчи пулни, талаб қилишга ҳақли, буюмни беришга мажбур. Харидор буюмни талаб қилиш ҳуқуқига эга,

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

пулни тўлаши мажбур. Томонларнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни, уларни бажариш тартиби ва муддатларини таърифлайди.

Ўзара ҳисоб-китоблар тартиби. Томонлар ўзара ҳисоб-китоблар тартибини белгилар экан, тўлаш шаклларини, валюталар турини, тўлов муддатини ёки ҳақ олиш ҳуқуқи бошланадиган фурсатни кўзда тутати.

Қўшимча шартлар. Шартноманинг бу қисмида унинг амал қилиш муддати - имзо чекилган вақтдан бошлаб ой, йил назарда тутилади ёки амал қилиш муддати календар билан чеклаб қўйилмайди ва мажбуриятлар тўла ҳажмда бажариладиган пайт билан боғлиқ қилиб қўйилди.

Ҳар бир томон учун шартнома бўйича мажбурият бажарилмаган тақдирда масъулият белгиланади. Хўжалик шартномаларнинг кўпчилигида мажбуриятлар бажарилмаса ёки кўнгилдагидай адо этилмаса, айбдор томон иккинчи томон олдида жавобгар бўлади ва бурдсизлик товони (жарима, пеня) тўлайди ҳамда зарарлар ўрнини қоплайди. Шу муносабат билан бурдсизлик товонининг тури, миқдори, зарарларни аниқлаш усули келгусида низо чиқмаслиги учун шартномада қайд этилади. Умуман масъулият, жавобгарлик шартнома қийматига тенг келиши керак.

Бурдсизлик товонидан ташқари шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи бошқа чоралар - гаровга қўйиш, пул ушлаб қолиш, ишонтириш хати, кафолат, заколат каби турлари мавжуд.

Гаров - бу бир шахснинг иккинчи шахсга мулкни ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқини мажбуриятларни бажариш шarti билан беришдир. Кредитор (гаров сақ-

ловчи қарздор мажбуриятни бажармаган тақдирда унга тегишли (гаровга берувчи) гаровга қўшилган мулк қийматининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга, бу унга бошқа кредиторларга қараганда бир афзаллик бўлиб, бу мулк қонунда белгиланган тарзда унга тегишлидир.

Пул ушлаб қолишнинг моҳияти шундаки, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга ўтказилиши керак бўлган мулк эгаси ҳисобланмиш кредитор қарздор мажбуриятни ўз муддатида бажармаган ёки бошқа зарарларни ўз вақтида қопламаган тақдирда тегишли мажбуриятлар бажарилмагунча ўша мулкни ўзида ушлаб туриш ҳуқуқига эга. Юқорида келтирилган меъёр, агар шартномада бошқа меъёр кўзда тутилмаган бўлса, қўлланилади.

Ишонтириш хати шартномаси бўйича кафиллик берган одам бошқа шахс кредитори олдида унинг мажбуриятни тўла ёки қисман бажаргани учун жавоб бериш масъулиятини ўз зиммасига олади. Қонун ишонтириш хати шартномасининг ёзма шаклда тузилишини талаб этади. Бу шаклга риоя қилинмаса ишонариш хати, шартномаси бекор ҳисобланади.

Кафолатлар асосида банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра принципал кредитorigа (бенифициарга) кафолат шартларига мувофиқ бенифициар томонидан тўлов тўғрисида ёзма равишда талаб юборилганидек кейин пул суммасини тўлаш тўғрисида ёзма равишда розилик беради.

Келишилган томонлардан бири шартнома тузиш ва унинг бажарилишини таъминлашнинг тасдиғи сифатида берган пул суммаси закатат сифатида қабул қилинади. Суммасидан қатъи назар закатат тўғрисидаги келишув ёзма равишда тузилиши керак. Агар томонларнинг

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

бири шартнома бўйича тегишли тўлов ҳисобидан тўланган сумма зақалат эканлигига, жумладан ёзма шаклгарио қилинмаганлиги туфайли шубҳа туғилса, бу сумма бошқа исбот қилинмаганлиги учун бўнак деб ҳисобланади. Бўнак тўлови деб қабул қилинган сумма, зақалатдан фарқли ўлароқ томон шартнома бўйича мажбуриятни бажармаса, қайтариб берилиши керак.

Бошқа шартлар. Бу бўлимда, одатда, шартнома қачондан кучга киришиш тўғрисида олдиндан келишиб олинади. Бунда мазкур сана (фурсат)ни белгилашда бир неча вариантлар кўрсатилиши мумкин. Чунончи, мазкур шартнома билан мустақамланган битим ваколатли давлат органларининг рухсат беришини (масалан, лицензия олиш, банк кафолатлари, рўйхатдан ўтиш ва бошқалар) талаб қилиши мумкин. Бундай пайтларда лицензия берилган сана, кўзда тутилган бошқа бир вазият шартноманинг кучга кириш вақти сифатида белгиланиши мумкин. Агар ваколатли давлат органлари битим тузишга рухсат бермаса, у ҳолда шартнома кучга кирган деб ҳисобланмайди.

Бошқа шартларда бундан ташқари шартнома юзасидан бўладиган жанжалларни ҳал этиш, унинг матнига тузатишлар киритиш, шартномани ўзгартириш ва уни бекор қилиш шартлари ҳамда тартиби, асл нусхалар миқдори, шунингдек томонларнинг манзили, почта, банк, жўнатиш реквизитлари, томонлар ўртасидаги алоқа-усуллари кўрсатилади. Шартнома тузган шахсларнинг имзолари қўйилади ва томонларнинг муҳрлари босилади.

Шартноманинг ижроси. Бу жараён моддий ижродан, яъни ўзаро мажбуриятларнинг бажарилишидан, ижронинг ҳужжатлар асосида тасдиқланишдан иборат.

Моддий босқич бир-бири билан боғлиқ икки хат-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

ти-ҳаракатни ўз ичига олади: бир томоннинг бажарилган мавзуни тақдим этиши ва ижро этилган мавзуни иккинчи томоннинг қабул қилиши. Бу босқичда томонлар мажбуриятларни маълум бир жойда, маълум бир муддатда ва шартномада белгиланган қатъий бир тартибда ўзаро ҳаракатлар тартиби ҳамда изчиллигини бузмасдан бажаришлари керак. Буларнинг ҳаммаси бажарилган нарсани тақдим этишга ҳам, уни қабул қилишга ҳам баббаровар тааллуқлидир, чунки бу мажбуриятлар ўзаро алмашилиб туради.

Иккинчи босқичда бажарилган жараён текширилади ва ижро этилганлиги ҳужжатлар асосида тасдиқланади. Мажбурият олган томоннинг кўлида мажбуриятлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлмагунича у юридик маънода қарздор бўлиб қолаверади.

Мажбуриятни натура ҳолида бажариш ўрнига қонун мажбуриятларнинг бажарилишни ўзаро талаблар суришиш билан расмий тўхтатишга, ёки улардан воз кечишга йўл кўяди.

Икки томоннинг ҳам бир-бирига бир хилда талаблари бўлиб, уларни бажариш муддати етиб келганида ўзаро суришишни амалга ошириши орқали мажбуриятларни тўхтатиш мумкин.

Томонларнинг келишувига биноан мажбурият ижроси ўрнига пул тўлаш, мулкни ўтказиш йўли билан ҳам мажбурият тўхтатилиши мумкин.

Шартномани ўзгартириш ва уни бекор қилиш. Шартномани ўзгартириш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги битим ҳам шартнома сингари тузилади. Агар қонундан, шартномадан ёки амалий ишлар қоидасидан бошқа бир усул келиб чиқмаса юқоридаги тарзда тузилади, яъни, одатда, алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Бир томон бошқа томоннинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифга рад жавобини олгандан ёки қонун ёхуд шартномада белгиланган муддатда жавоб олмаганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиши мумкин.

Қуйидагилар шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин:

- томонларнинг келишуви;
- томонлардан бирининг шартномани жиддий бузиши;
- шартнома тузилаётган вақтдаги вазиятнинг жиддий ўзгариши;
- Қонун ёки шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолатлар.

Томонлардан бирининг шартномани бузиши бошқа томон учун катта зарар етказаса, яъни шартномани тузаётганидаги мўлжалининг кўпчилигидан махрум бўлса, бундай бузишга жиддий бузиш деб қаралади.

Агар томонлар вазиятнинг ўзгаришини олдиндан оқилона кўра олсалар, бундай вазиятда шартнома умуман тузилмаган, ёки бутунлай бошқача шароитларда тузилган бўларди, вазиятнинг бундай ўзгаришга жиддий ўзгариш деб қаралади.

Мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама воз кечилган ва шартнома шартларнинг бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Шартномада ёки қонунда воз кечилган ва ўзгартиришлар кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунда кўзда тутилган шартномани унинг мазмуни нуқтаи назаридан ўзгартиришдан ташқари, мажбуриятдаги шахсларни ҳам алмаштириш мумкин. Шахслар-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ни алмаштиришнинг икки усули бор: қарзни ўтказиш ва талабларга ён босиш.

Бир шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахсга қарзини ўтказиш фақат кредиторнинг розилиги билан амалга оширилади. Бундай ўтказиш учун шартнома бўйича биринчи қарздор билан мажбуриятда унинг ўрнини босадиган шахс ўртасидаги келишув асос бўлади. Агар томонлар шартномани тузаётиб қарзни ўтказиш имконини олдиндан кўра олсалар, бу ҳолда шартномада қарздорни ўзгартиришга розилик шартларини ўша заҳоти акс эттириш мумкин.

Талабларга ён босиш шунинг англатадики, қарздор ўз мажбуриятини бажариши керак бўлган аввалги кредитор чиқиб кетади, унинг ўрнига янги шахс келади, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи ҳамма ҳуқуқлар унга ўтади.

Қарздорнинг талабларга ён босишга розилиги қонун бўйича талаб этилмайди, у фақат талабларга ён босиш фактидан, ўз мажбуриятларини янги шахс олдида ўзи бажариши кераклигидан хабардор бўлиши керак.

Шартномага асосланган талабларга ён босиш ва қарзни ўтказиш ёзма равишда амалга оширилиши керак.

Агар қонун, шартнома ёки мажбурият моҳиятидан қарздорнинг уни шахсан ўзи бажариш вазифаси келиб чиқмаса, бу ҳолда мажбуриятни тўла ҳажмда ёки қисман бажариш учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин. Агар учинчи шахс томонларнинг бири билан бўйсунувчи сифатида ёки тегишли шартнома билан боғланган бўлса, юқоридагидай взаият юзага келади. Бунда кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилган ижрони ўз зиммасига олиши керак. Мажбуриятнинг бажарилиши учун жавобгарликни, агар қонун ёки

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

шартномада жавобгарлик учинчи шахсга юкланиши кўзда тутилмаган бўлса, томонлардан бири шартнома бўйича ўз зиммасига олади.

2.0. Ўтиш давридаги шартнома муносабатлари

Бозор муносабатларига ўтиши фақат шартнома муносабатларини тартибга солиб турувчи бутун фуқаролик қонунини тубдан янгилашни эмас, шунингдек жамиятда шартномаларга принцип жиҳатдан бутунлай янгича ёндашишни шакллантиришни ҳам талаб этади. Шартномаларни тузиш борасида орттирилган тажриба, уларни бажаришга масъулият билан ёндашиш, энг қулай битишувларда шартнома намуналаридан фойдаланиш имконияти, зарур бўлганида малакали ҳуқуқий ёрдамни олиш - буларнинг ҳаммаси одатдаги ишлар бўлиб, кундалик турмушимизга чуқур сингиб кетиши керак. Бу малакали тадбиркорлик фаолияти учун зарур асосдир.

Ислохотларни амалга ошириш даврида ҳар йили тадбиркорлар қаторига ўзини бизнесда синаб кўрмоқчи бўлган минг-минглаб кишилар кўшилмоқда. Улар шартномалар асосида ишламоқдалар, лекин шартномаларнинг аҳамиятини, уни тузишнинг масъулиятини доим ҳам тушуниб етмаяптилар. Бу уларнинг ўзлари учун ҳам, улар билан боғланган кўпгина хўжалик субъектлари учун жиддий, кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. 1995-1996 йилларда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, кўпинча шартномаларга бунга ҳуқуқи бўлмаган кишилар имзо қўймоқда. Шартномаларнинг ўзила жуда жиддий, муҳим лаҳзалар тушириб қолдирилмоқдаки, бу жуда йирик, айниқса ташқи иқтисодий алоқаларда молиявий йўқотишларга олиб келмоқда.

Кўпинча бошқа давлатларнинг воситаларни фарқ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Маълумот учун материал

Ўзбекистон Республикасида шартномаларни тузиш тартибидини белгиловчи асосий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги “Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги 343-сонли “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация қилиш юзасидан шартномалар тузиш ва уларни бажариш тартибига доир низоми тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан ҳужжатларнинг қуйидаги намуналари тасдиқланган:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг контрактацияси тўғрисида шартнома;

- олди-соғди шартномаси, маҳсулотни мавоза (бартер) асосида етказиб бериш бўйича шартнома, вагонни контейнер, автофургон) очишда тузиладиган далолатнома, маҳсулот миқдори ва сифатига қараб қабул қилиш далолатномаси, топширилган маҳсулот қийматини тўламаганлиги учун хўжаликнинг тайёрловчига даввоси, топширилган маҳсулот қийматини тўламаганлиги учун тайёрловчига давво аризаси.

ламайдиган бизнесменлари энди иш бошлаган тadbиркорларнинг билимсизлигидан усталик билан фойдаланмоқда, бунда ҳар қандай ҳийла-найрангдан ҳам қайтмаптилар, бу билан фақат моддий эмас, шунингдек жуда катта маънавий зарар келтирмоқда, натижада энди туғилиб келаётган тadbиркорликнинг нуфузига путур етмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни, тadbиркорлар орасида умумий ҳуқуқий таълим даражасини ошириш ўтиш давридаги бозор шароитида хўжалик фаолияти, айниқса шартномалар бўйича махсус адабиётни оммавий тарзда нашр этиш, бизнес билан шуғулланадиган шахслар, нодавлат корхона бухгалтерлари учун курслар, мактабларни кўпайтириш вазифасини кўяди.

Тadbиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан тadbирлар куриш кичик бизнесни ривожлантириш орқали ўтиш даврининг яна бир жуда аҳамиятли масаласи - аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, турмуш даражасини ўзлари оширишга имкон бериш вазифасини ҳал этишда ҳам жуда муҳим.

Бозор муносабатларига ўтиш билан меҳнатга рағбатнинг янги тизими шаклланимоқдаки, у бараварлаштиришдан воз кечишга, ходимнинг меҳнатига унинг ишчанлик фазилатларига қараб баҳо беришга, иш берувчи билан ишчи ўртасида янги ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга асослангандир.

Одамларнинг тобора кўпчилиги ўз келажагини иқтисодиётнинг нодавлат соҳаси билан боғламоқда. Ислохотлар тadbиркорлар қатламини яратишга таянади, улар ўзлари эгаллаб турган вазифаларига, мавқеларига жуда катта масъулият ва билимдонлик билан ёндашишлари, фақат уларнинг шахсий фаровонлиги эмас, шу-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

нингдек ўз тақдирини, келажagini боғлаган корхона, унда меҳнат қилаётган одамларнинг бахт-саодати ҳам ўзларининг қанчалик ҳалол, фидойийлик билан меҳнат қилишларига, бунинг натижасида эришилаётган ютуқларга боғлиқ эканлигини чуқур тушунишлари керак.

Муҳокама учун саволлар

Олтинчи бўлимни ўқиб чиқиб жавоб беринг:

- 1 Маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги шартнома ишининг бозор муносабатлари шароитидаги шартнома ишидан фарқи нимада?
Нега энди бозор муносабатларига ўтиш хўжалик ходимларидан шартнома иши тамойилларини қайтадан ўзлаштиришни талаб қилди?
- 2 Шартноманинг субъект таркибидаги ўзгаришларнинг моҳияти нимада? Хусусий тadbиркор, масалан, йирик автомобиль-қурилиш корпорацияси билан хўжалик шартномаси туза оладими?
Туман санитария инспекцияси билан-чи?
- 3 Агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида икки фуқаро - бири Францияники иккинчиси Туркия фуқароси, совда-сотик шартномаси тузишса, у ҳақиқий, ҳисобланадими? Бундай шартнома қайси мамлакат қонуни билан тартибга солинади, бу нимага боғлиқ?

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ШАРТНОМА ВА БОБОР ИҚТИСОДИЁТИ

- 4 Кўпинча шартномани икки томон тузишади. Иштирокчилар бундан кўп бўлиши мумкинми?
- 5 Агар шартномада қонун талабига мувофиқ келмайдиган шарт бўлса, бу томонлар мазкур шартнома бўйича олган барча мажбуриятларидан озод қилинади деган маънони англатадими? Бундай вазиятда томонлар қонуний ҳатти-ҳаракатининг қандай вариантларини таклиф эта оласиз?
- 6 Шартномани тузишда томонлар сонини кўрсатишни унутишибди. Бу қандай юридик оқибатларга олиб келиши мумкин?
- 7 Шартноманинг энг умумий таркибий тузилиш қисмларини эсланг? Гарчи қонун буни талаб қилмаса ҳам, нега томонлар қабул қилинган структурага амал қилишга интилишади? Шунини таҳлил қилиб чиқинг.
- 8 Сиз сотиб олмоқчи бўлган буюм қийматининг бир қисмини, уни сотувдан олиб ташлашлари учун дўконда қолдирдингиз. Сиз қолдирган сумма қандай аталади - бўнакми ёки зокаладми?
- 9 Шартномани тўхтатиш билан уни бекор қилиш ўртасидаги фарқни айтиб беринг. Шартнома тўхтатилса ёки бекор қилинса, унинг оқибатлари бир хил бўладими, шунини таҳлил қилиб чиқинг.

ШАРТНОМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Глоссарий

Акцепт - тўла ва сўзсиз розилиги ифода этилган шартнома тузиш таклифини қабул қилган шахснинг жавоби.

Қонун аналогияси - қонун ёки томонлар келишуви тўғридан-тўғри тартибга солиб турмайдиган муносабатларга шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солиб турувчи фуқаролик қонун меъёрларини тадбиқ этиш.

Ҳуқуқ аналогияси - конкрет ҳодисани кўриб чиқишда ҳуқуқнинг умумий тамойилларини қўллаш бу ҳуқуқий тартибга солиб туришни талаб қиладю лекин у амалдаги қонунда на бевосита, на билвосита кўзда тутилмаган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари - бу муддат ва номоддий неъматлар бўйича қарор топадиган фуқаролик қонун меъёрларига асосланган ҳуқуқий муносабатлардир, унинг иштирокчилари ҳуқуқий автономия ва мулккий алоҳидаликка эга бўлиб, юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга кишилар сифатида иш кўришади.

Шартнома - фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш, ўзгартириш ёки тўхтатиш хусусида икки ёки бир неча киши ўртасида тузилган битим.

Амалий муомала қоидалари - қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилмаган, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида қарор топган ва кенг қўлланиладиган хатти-ҳаракат қоидалари. Амалий муомала қоидалари қонунга зид келмаган тақдирдагина қўлланилади.

Мажбурият - бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари бўлиб, унинг воситасида бир шахс (қарздор) бошқа шахс фойдасига (кредитор) муайян хатти-ҳаракатлар қилиши, айтишлик: мулкки ўтказиш, ишни бажариш, хизмат кўрсатиши, пул тўлаши ва ҳаноз

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ёки муайян хатти-ҳаракатдан ўзини тийиш керак, кредитор эса қарздордан ўз вазифасини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Оферта - бир ёки бир неча аниқ шахслар номига юборилган таклиф бўлиб, унда бу ишни амалга оширадиган шахснинг нияtlари анча батафсил ифода этилиши, у ўзини ўша таклифни қабул қилган адресат билан шартнома туздим деб ҳисоблаши керак

7 - бўлим

1.0 Ўқим: ва бозор иқтисодиётида ижтимоий соҳа

Ислоҳотнинг Ўзбекистон моделининг асосий унсурлари сирасига кенг қўламли ижтимоий дастур ҳам киради. У бозор иқтисодиёти йўлида, иқтисодиёт тубдан ўзгарган даврда аҳоли бошига тушиши муқаррар мушкулликларни енгиллаштиради. Айни вақтда бошқа бир вазифа ҳал этилади. Яъни ривожланган ва бозор табиатига мос ижтимоий инфратузилма шаклланади.

Бундай озми-кўпми даражада амалий инфратузилма ҳар қандай давлат ва ҳар қандай иқтисодий моделда мавжуд. Бу биринчидан, умуминсоний маънавий йўл-йўриқлар ҳамда булардан келиб чиқадиган давлат сиёсатида тақсимот соҳасига қўйиладиган талаблар, иккинчидан, замонавий хўжалик механизмлари ишлаб туриши учун ижтимоий дастурларнинг иқтисодий заруратини тақозо этади. Шу билан бирга айни иқтисодий моделлар сингари ижтимоий

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

дастурлар ҳам турли мамлакатларда муҳим тафовутларга эга бўлиб, булар ўзи ҳам ҳал этилиши кўзда тутилган аниқ вазифалар хусусияти, жамият анъаналари, ижтимоий таъминот тизимининг имкониятлари ҳамда бошқа омилларга боғлиқ.

Ўзбекистонда қабул қилинган ижтимоий дастур жаҳон тажрибаси таҳлилига асосланади. Дастурда шунингдек, республика аҳолисига хос алоҳида маънавий фазилатлар - кексаларга иззат-ҳурмат, болаларга ғамхўрлик, юксак жамоачилик туйғуси, оилада, маҳаллада турмуш муаммоларини ҳамжиҳатликда ҳал этиш одати кабилар ҳисобга олинган.

Бозор муносабатлари таркиб топа боргани сари республикада амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат меҳнатчи индустриал раёбатларнинг, кишиларнинг мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз турмуш даражасини ошириш борасидаги интилишга мос равишда йўналтирилмоқда. Бошқа томондан, ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим вазифаси турмуш даражаси бўйича жамиятнинг ҳаддан ташқари табақаланиб кетишига йўл қўймасликдан иборат. Кўпгина давлатлар тажрибасида исботланганидек, кескин табақалашув нафақат салбий маънавий мезон-баҳолашнинггина эмас, балки салбий иқтисодий оқибатларни ҳам юзга келтиради, меҳнатга ундовчи омилларни заифлаштириб, беқарорликни келтириб чиқаради.

Адолатли тақсимот ҳақидаги тасавурлар эволюцияси. Жамиятда яшовчи инсон сари йўналтирилган адолатли, инсонпарвар тақсимот тизими дейилганда одатда уни жамият аъзоларининг кўпчилиги нормал, ўзига мос тизим деб ҳисобланадиган тизим тупунилади. Шунга биноан, адолатли тақсимот ҳақидаги тасавур тарихан аниқ тасаввур бўлиб, у жамият эволюцияси жараёнида ўзгара боради.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СЇЄСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Инсоний капитал ва ижтимоий тараққиёт

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги инсонлардир. Асосий ижтимоий кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистон ривожланган мамлакатдир. Инсоний тараққиёт даражаси даромадлар даражасига нисбатан анча юқори. Бу эса бўлажак иқтисодий ривожланиш таянадиган мустаҳкам заминдир. Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражасини саноати ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичларга қиёслаймиз. Ўртача таълим даври 11 йил. Ўртача умр кечириш даражаси нисбатан юқори - 69 йил. Совет Иттифоқи емирилганидан кейин бироз миқдордаги малакали ходимларнинг четга чиқиб кетганига қарамай, мамлакат малакали меҳнат ресурслари билан старлича таъминланган. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига инвестициялар қўйишни қўллаб-қувватлаш, инсоний капиталдан самарали фойдаланиш учун янги имкониятлар яратиш йўли билан эришилган даражани сақлаб қолиш бутунги кунда устувор вазифа бўлиб қолди. Республика меҳнат ресурслари сингари қиёсий афзалликларга асосланган тараққиёт дастурини ишлаб чиқишга интилоқда. Бу стратегияда кишиларни ишлаб чиқаришдан қисиб чиқариш эмас, балки унга жалб этиш кўзда тутилди. Ҳамма жойда ҳам инсоний тараққиёт инсон имкониятларини шунчаки тўллашнинг эмас, балки улардан фойдаланишни тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам, инсоний қобилиятларни чинакам камол топтиришнинг бирдан-бир йўли - улардан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

Барча давлат харажатларининг 40 фоизига қалари ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Булар - таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, болалар ва оналарга ҳукумат нафақалари, камбағал ва кам таъминланган oilаларга молиявий мадад бериш соҳаларига қилинаётган харажатлардир. Булар давлат учун талайгина харажат саналади. Республика ўтиш даврининг жуда қийин шароитида ўз фуқароларининг нисбатан юқори даражадаги ижтимоий муҳофазасини қўллаб-қувватлашга интилоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Капитализм илк тараққиёт босқичида адолат тушунчаси ҳар бир кишининг бозор муносабатларида бошқалар билан тенг рақобатлаша олиш ҳуқуқи билан чекланган эди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур миллий тотувлик ана шундай сиёсат юритиш самарасидир. Масалан, илк бозор иқтисодиёти фанининг энг таниқли назарийчиси Адам Смит (1723-1790 й.) адолатли жамиятни худди шу аломатига кўра таърифлаган эди. Бироқ XIX аср охири - XX аср бошига келиб, жамият табақалашуви тобора кескин тус олгани сабабли намунавий капитализмни аҳолининг кўпчилик қисми адолатли тузум деб баҳоламай қўйди. Ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг турмуш даражаси ўртача ёлланма ишчининг ўзини ўзи таъминлай олиши мумкин бўлган даражадан тобора фарқланиб бораётган эди. Мавжуд тақсимот тизимидан кучая борган норозилик иқтисодиётдаги бошқа танглик ҳодисалари билан қўшилиб, XIX-XX асрлар чегарасида ижтимоий-сиёсий фалокатларни келтириб чиқарган шарт-шароитлардан бирита айланди. Улар Россияда инқилобий тўнтариш яшаш имкониятини юзага келтирдик, бу воқеа кўпгина мамлакатлар тақдирини ярим асрдан ҳам кўпроқ вақт илгари белгилаб қўйди.

Бозор иқтисодиётини сақлаб қолган ва уни янада ривожлантирган мамлакатларда худди ўша сабаблар ижтимоий йўналишнинг кучайишига, янги бозор моделлари пайдо бўлишига, “намунавий капитализмдан кейинги” деб аталмиш капитализмнинг шаклланишига олиб келди.

Шу жиҳатдан “учдан иккилар жамияти” деб ном олган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳамда юксак даражада ривожланган мамлакатлар модели ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унда ишга солинган муҳим қайта тақсимот жараёнлари туфайли, бундай модель ўша мамла-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИСТИҚОҚ ҲАҚИДА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

катлар кўпчилилик аҳолиси (яъни худди ўша - камида учдан икки қисм аҳоли) томонидан адолатли модель деб тан олинмоқдаки, бу эса юқори даражадаги ижтимоий ва ҳўжалик барқарорлигини таъминламоқда. Бироқ, бунда юқори даражада ривожланган мамлакатларда, яъни “учдан иккилар жамиятида”, “фаровон жамиятда” ҳозирги вақтда инсониятнинг атиги 20 фоизигина яшаётганлигини, 80 фоизи эса ночор аҳволда эканлигини унутмаслик керак. Бу ҳол жаҳон иқтисодиёти даражасида адолат ҳақидаги умуминсоний тасаввурларга жавоб берувчи ҳамда дунё миқёсида барқарорликни таъминловчи янги тақсимот механизмларини излаб топишга даъват этмоқда.

Турли сабабларга кўра иқтисодиётни ривожлантиришнинг бозор йўлидан бормаган давлатларга келсак, улар босиб ўтган “реал”, “ҳақиқий социализм” куриш йўли Ўзбекистонга ўз тарихий тажрибасидан маълумдир. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг истисно этилгани, тақсимот вазифаларининг давлат қўлида марказлашгани, айтайлик, маълумот олиш, тиббий ёрдам, пенсия тўловлари ва ҳоказоларни таъминлашда айрим тенг ижтимоий кафолатлар тизимини яратиш имконини берди. Умуман, умумиттифоқ турмуш даражаси бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлардаги даражадан икки-уч баробар паст бўлса-да, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида тафовут камроқ эди. Кўрсатилган ижтимоий мадад табиати кенг аҳоли оммасини олий ўқув юртида ўқиш учун тайёрланишга ундар, ходимлар малакаси, жамият умумий ўртача маданий савиясининг нисбатан юқори даражасини таъминлар эди.

Лекин ходимлардан малака, ижодий, инновация салоҳияти ишлаб чиқариш соҳасида амалда талаб қилинмасди. Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

шароитда бир томондан, корхоналар ходимларнинг ташаббус кўрсатиши учун гоёт тор доирадагина имкон бериши мумкин эди. Иккинчи томондан, улар юксак малакали, ижодий меҳнатни қадрлай олмас эди.

Ижтимоий тақсимотнинг тенгчилик тамойили юқори самарали меҳнат қилишга ундовчи омилларга халақит беради, “ҳамма қатори” маош олишга, бошқаларга нисбатан камроқ ишлаб, кўпроқ ютишга интилишни юзага келтиради. Яъни жамиятда боқимандачилик тамойилларини, ишлаб пул топиш ўрнига давлатдан юлиб қолиш одатини, талаб қилиш, шикоят этиш, турли давлат органларига арз қилиш, “маҳорати”ни ишга солиб, ўз мақсадига эришиш одатини шакллантиради.

Ишлаб чиқаришнинг илмий-техник даражаси паст бўлган, хўжалик соҳасида турғунлик жараёнлари давом этган шароитда малакали ходимларни оммавий равишда етиштириш меҳнат ресурсларида сифат жиҳатдан номутаносибликларнинг кучайишига, ақлий, ижодий меҳнат қадрининг пасайишига, кам малакали меҳнатнинг эса тақчил бўлишига сабаб бўлади. Масалан, бўёқчи ўз хизматига талаб қондирилмаётганидан фойдаланиб, давлат назоратидан ташқарида хусусий тарзда шундай хизмат кўрсатиб, ўзи учун меъмордан ҳам юқорироқ турмуш даражасини таъминлай олади. Поезд проводниги сафар чоғида харид қилган буюмларни сотиб, вагонсозлик корхонаси бош инженеридан яхшироқ турмуш кечириши мумкин. Мазкур жараёнлар кенг ёйлиб, оммалашиб, тобора кўпроқ кишиларда мавжуд тақсимот тизимига салбий муносабатларни юзага келтиради. Умумий турмуш даражаси юқори бўлмаган шароитда маъмурий-қоғозбозлик идораларига имтиёз ва енгилликларнинг берилиши бундай муносабатни муқаррар равишда янада кучайтиради. Аввалги пар-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

тия-совет идоралари шундай кенг тармоқли имтиёзлар тизимига: алоҳида поликлиника, санатория, дўкон ва ҳоказоларга эга эди.

Чинакам демократик давлатларда айни демократик механизмлар ижтимоий баҳолашдаги бундай ўзгаришларга сезgirлик билан муносабат билдиради, жумладан тақсимот муносабатларига ўз вақтида зарур тузатиш киритишга, ижтимоий-сиёсий беқарорлик юзага келмаслиги учун замин яратишга имкон беради. Совет демократияси фақат эълон қилинган, аммо амалга ошмаган. Шу боисдан ҳам кўпчиликнинг танқидий кайфияти билан расмий йўл ўртасидаги узилишнинг кучайиб боришига тегишли муносабат билдирилмас ва билдира олмас ҳам эди.

Сиёсатдонларнинг бунёд этилган ижтимоий-сиёсий тизимни бирдан-бир тўғри тизим, бугун жамият манфаатларига энг мос тизим, деб тасаввур этишга интилишлари эса жиддий хато эди. Ваҳоланки аҳолининг барча қатламлари учун мос, рисоладагидек ижтимоий-сиёсий тизим жаҳоннинг биронта ҳам мамлакатида яратилмаган. Бундай тизимга аслида эришиб ҳам бўлмайди, чунки аҳоли турли тоифалари: ёшлар ва кексаларнинг, муайян маҳсулотни (масалан, автомобилларни) ишлаб чиқарувчилар билан сотувчиларнинг, қонуний ҳокимият ҳуқуқлари берилган жамият аъзолари билан бундай ҳуқуқлар берилмаган кишилар ва бошқаларнинг манфатлари тўлиқ мос келиши мумкин эмас. Ривожланган бозор мамлакатларида жамиятнинг ижтимоий-тақсимот тизимига муносабати, агар шу тизимга кўпчилик, яъни барқарорликни таъминловчи учдан икки қисм ижобий кайфиятда бўлса, яхши муносабат ҳисобланади. Айни вақтда жамиятнинг бошқа бир қисми мавжуд тизимга танқидий қарashi одатий ва зарурий ҳол ҳисобланади. Ривожланган бозор мамлакат-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ларида аҳоли нуқтаи назаридаги бундай бўлинишга тегишли даражада йўлга қўйилган таълим орқали, давлат йўлини аниқ белгилаш учун турли ижтимоий баҳоларнинг бўлиши муқаррарлиги ва фойдалилиги ҳақидаги ғояларни демократик жамиятга сингдириш орқали ҳозирлик кўрилади.

Себиқ совет давлатида иқтисодиёт ва мафкурадаги турғунлик совет тузумидан кейинги даврда барча маконларда аҳолининг ўзини оқламаган социалистик ғоядан воз кечиш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлигига рози бўлишига олиб келди.

Инсонпарварлик йўли - иқтисодий заруратдир. Жамиятда адолат ҳақида ҳукмрон бўлган тасавурларга мос ижтимоий йўналиш фақат ахлоқий-маънавий йўл-йўриқлардан иборатми? Ёхуд ижтимоий дастурлар, умуман иқтисодиётда инсон сари юз бериш замонавий ишлаб чиқариш самарадорлигининг зарурий шартими? Ривожланган бозор мамлакатлари тажрибасида бу масалага ишончли жавоб топиш мумкин.

Нафақат мамлакат ижтимоий тизими учун, балки айрим корхона учун ҳам барқарорликни таъминлаш муҳим принципдир. Гап фирма, компания жамоасида тақсимот тизимига адолатли ва ҳақиқий имкониятларга мос тизим сифатида қараш ҳукмрон эканлиги ҳақида бораётир. Замонавий корхоналарда меҳнатни табақалашган тарзда тақдирлашдан ташқари ижтимоий таъминотнинг турли усуллари - ходимларга кўрсатишган тиббий хизматга ҳақ тўлашдан бошлаб, уларнинг фарзандларини фирма учун зарур ихтисосликларга ўргатишга қадар - қўлланилаётир. Ёлланма ходимларни кўпинча акциялаш, корхонада узоқ муддат ишлаган, мураккаб ва муҳим ишларни бажарган, фойдали ғояни тақлиф этган ва ҳоказо кишиларнинг муай-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ян миқдордаги пайи, улуши билан тақдирлаш орқали улар шерик эгалар даврасига жалб этилади.

Инсонга юз ўгириш сари ундовчи бошқа бир иқтисодий вазифа шахсни саноат конвейерида иштирак этишдан, машинага бўйсунушдан халос этиб, ижодий меҳнат қилишига имкон берувчи технологияларни қўллаш билан боғлиқдир. Айти меҳнатнинг юқори самарали ижодий фаолиятга айланиши илмий-техник тараққиёт ютуқларини яратувчи ва қўлловчи замонавий иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмига айланмоқда. Булар ҳаммаси ривожланган бозор мамлакатларида меҳнатнинг янги сифати ифодаси тарзида “инсоний капитал” тушунчасининг юзга келишига сабаб бўлди. Мазкур тушунча социалистик ўтмишда анъанавий марксистик нуқтаи назарлардан туриб кескин танқид қилинар эди. Бу тушунчанинг моҳияти шундаки, ижодий меҳнатни юқори даражада ақлий салоҳиятга эга ходимдан бегоналаштириш-ажратиш мумкин эмас ва бундай меҳнат жуда катта ижтимоий бойлик яратишга қодир ўзига хос сармояга айланиб бораётир. Масалан, бир истеъдодли олим ёки ижодий гуруҳнинг фаолияти ўз қўлами ва сифати жиҳатидан катта бир корхона фаолият натижаларига қиёс қилгулик ижтимоий бойлик яратиши мумкин.

Шахсий салоҳиятдан фойдаланишни кўзлаб иш тутиш - ривожланган мамлакатларда илмий-техник тараққиёт ютуқларини яратувчи ва фойдаланувчи юқори самарали иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмидан биридир. Бундай иш тутиш ижодий меҳнатни таъминловчи ўзаро боғлиқ шарт-шароитларнинг бутун бир туркумини вужудга келтиришда ўз аксини топмоқда.

Биринчидан, кўпгина замонавий корпорациялар тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнатни муҳофаза қилиш ва

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СЌЁСАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

унинг учун қулай-шинам шароит яратиш, уни чиройли безатиш учун сарфланадиган харажатлар беҳуда эмас, аксинча булар иқтисодий самарадорлик ўсишини таъминловчи омиллардир. Агар конвейерли технология ходимни муқаррар равишда машинага бўйсундирса ва мушкуллик туғдирса, юксакроқ технология даражасига кўтарилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ижодий фаолият учун замин ҳозирлайди. Бошқа томондан, меҳнатни ақлий жиҳатдан бойитмай туриб самарали ташкил этиш мумкин эмас. Антиқа бир мисол: автомобилларни конвейер усулида кўплаб ишлаб чиқаришдан уларни турли вариантда харидорларнинг шахсий дидига мос қилиб тайёрлашга ўтишни олиб кўрайлик. Бундай машиналарни комплекс бригадалар ясайди, автомобилни бошидан охиригача йиғиб, мустақил равишда синовдан ўтказди ва унинг сифати учун ўзи жавоб беради. Ўз-ўзидан равшанки, ишлаб чиқариш бундай ташкил қилинганида меҳнатга, буюртмачи олға сурган вазифаларни бажаришга ижодий ёндашув даражаси ошади. Харидорнинг дидига мос қилиб йиғилган автомобилни яшаш бирмунча қимматга тушади, лекин бу харажат талаб катталиги туфайли қопланиб кетади. Кейинги пайтда ишни шундай тахлитда йўлга қўйиш усули ривожланган мамлакатларда кўшигина соҳаларда анча кенг кўламда расм бўлмоқда.

Иккинчидан, ижодий салоҳиятдан энг кўп даражада фойдаланишни кўзлаб иш тутиш корхоналарнинг ўз ички муносабатларини ўзгартиришга сабаб бўлди. Ажойиб бир мисол - япон “оила-фирма” моделини олсак, у ходимларнинг бошқариш ишида биргаликда қатнашишни, технологик ва иқтисодий вазифаларни ижодий ҳал этишини назарда тутди. Мазкур модель умр бўйи ёлланиб ишлашни, биргаликда меҳнат қилишинигина эмас, биргаликда дам

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

олишни, “оила-фирма” даги талай ижтимоий-маиший масалаларни жамоа бўлиб ҳал этишни ҳам тақозо қилади. Моделнинг рақиблари ҳам бор, булар асосан ёш японлардир. Уларни ҳаётнинг неча ўн йиллаб олдин белгилаб-дастурлаб қўйилиши, ҳатто бундай ҳаёт хотиржам кечса-да ва таъминланган бўлса-да, қониқтирмайди. Лекин умуман олганда мазкур модель анча самарали бўлиб, кўпгина мамлакатларга ёйилмоқда.

Юқори малакали меҳнатни таъминлайдиган **учинчи шарт** - бўш вақтнинг кўпайиши ва ундан оқилона фойдаланиш учун замин яратишдан иборат. Бу вазифа ривожланган давлатларда ҳам тор доирада, яъни корхона миқёсида, ҳам кенг кўламли даражада, мамлакат миқёсида ривожланган ижтимоий-маданий соҳани барпо этиш йўли билан ҳал этилмоқда.

Давлат ижтимоий дастурларга, иқтисодиётни инсоний қилишга маблағ ажратиш орқали унинг барқарорлигини таъминлаб, яна бошқа бир муҳим вазифани бажармоқда, яъни ижтимоий “таянч” меҳнат бозорида юқори нархларни сақлаб турибди. Аллақачонлар маълум бўлганидек, фақат “қиммат” иш кучигина иқтисодиётни экстенсив тараққиёт йўлидан интенсив тараққиёт йўлига ўтказишга қодир. Фақат “қимматга тушадиган меҳнат” гина тadbirkорни меҳнат тежайдиган технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқа инновациялар ҳисобига меҳнатни иқтисод қилишга мажбур этади. Арзон ишчи кучи иқтисодиётда муқаррар равишда турғунлик заминига айланади.

Иқтисодий ўзаро боғлиқликка кўра, ижтимоий дастурлар қанчалик кенг кўламли бўлса, улар бозор вужудга келтирадиган рағбатлар таъсирини: бир томондан, тезроқ бойиб кетиш имкониятини, иккинчи томондан хонавайрон бўлиш

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СМЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

хавфини шунчалик камайтиради. Аммо суст ижтимоий дас-турлар бозор иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб, унинг барқарорлигига путур етказди. Бозорга асосланган мамла-катлар курсининг жуда оз даражада доимо тебраниб туриши мана шу кутблар орасида содир бўлади. Арзимас даражада тебраниб туришнинг сабаби шундаки, бунда илгариги тан-глик ва фалокатлар ҳисобга олинган бўлади, ижтимоий эҳтиёждаги ўзгаришлар демократик воситалар билан дарҳол қайд қилиниб, муқобил муносабатни юзага келтиради. Ма-бодо ривожланиб бораётган қайта тақсимлаш механизмлари бозор самарадорлигининг пасайишига сезиларли даражада таъсир қила бошласа, бу ҳол вақти-вақти билан орқага “бо-зор адолатсизлиги” томон ёки бозор тарафдорларининг таъ-кидлашича, айни бозор одиллиги томон “чеканишни” юза-га келтиради. Кейинроқ эса, аҳоли табақалашуви ҳамда шунга яраша жамиятдаги норозилик кучайиши оқибатида, юқори малакали иш кучи етишмаслиги муаммоси туғилиши каби бошқа сабабларга кўра, тескари тамойил пайдо бўлади. Ҳа-тто АҚШ сингари юксак даражада ривожланган мамлакатда ҳали бозорга қатъийроқ йўналтирилган “рейганомика”ни “клинтономика” қисиб чиқарди.

Шундай қилиб, ривожланган жамиятда ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- *меҳнатга лаёқатлиларнинг ишлашини, ишсизликдан ҳимоя қилинишини, вақтинча ишсизларга ёрдам берилишини таъминловчи барқарор, тангликни билмайдиган иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш;*

- *илгари ва ҳозиргача меҳнатга лаёқатсизлар, ногирон-лар ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор бошқа табақ-аларига нафақа бериш тизими;*

- *кам даромадли кишиларга тўловлар ва ижтимоий мадад беришнинг бошқа шаклларини қўллаш; булар жами-*

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ятда ҳаддан зиёд табақалашувни камайтиради, кам даромадли кишиларнинг асосий оддий эҳтиёжларини энг кам зарурий даражада қондиради;

- ижтимоий-маданий соҳада энг кам даражада баб-баравар хизмат кўрсатиш; булар маълумот олиш, уйғун равишда ривожланиш, замонавий малакали иш кучини шакллантириш учун зарурдир.

Ижтимоий кафолатлар тизими ҳамда ёлланма ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари (масалан, касаба уюшмалари)нинг мавжудлиги иш кучини сотиб олувчига “меҳнат ҳақи”ни камайтиришига йўл қўймайди, аксинча, ходимлар малакаси ва инновация салоҳияти ошгани сари меҳнат ҳақининг кўпайишини таъминлайди. Куйидан бўладиган бундай “таянч” тадбиркорни товарнинг рақобатга қобиллигини ошириш учун меҳнат, бошқа ресурсларни иқтисод қилиш, инновация, илғор технологияларни қўллашдан иборат бирдан-бир осон йўлдан боришга мажбур қилади. Ривожланган мамлакатларда инсоний, инсонга йўналтирилган ижтимоий йўл механизми умуман ана шундай ишлайди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий дастури ҳам, иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос модели каби, мазкур тажрибани ҳисобга олиб, республикада мавжуд воқелик, шарт-шароит ва аниқ замин-негизларга асосланади.

*1.1. Ўзбекистонда кучли ижтимоий кафолатларга
эга демократик жамиятни шакллантириш
вазифалари ва хусусиятлари*

Ўзбекистонда кенг миқёсда амалга оширилаётган ижтимоий дастур, унинг хусусиятлари, ривожланиш ва такомиллашиш бошқичлари республика Президенти Ислам Каримов асарларида чуқур ва батафсил ёритилган.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Бу дастур ўтказилаётган барча ислохотларнинг пировард мақсади - инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-шароит яратиш мақсади билан чамбарчас боғланган. “Ислохот - инсон учун” деган туб қоида Ўзбекистонда “жазава” усуллари қўллашни истисно этди, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан кучли, огоҳлантириш чораларини кўриш зарурлигини тақозо қилди.

Илк босқичда ижтимоий ҳимоя тadbирлари бутун аҳолига нисбатан қўлланилди, бу эса республикада барқарорликни сақлашнинг муҳим омили бўлди. Мунтазам равишда кўриб чиқиладиган турли миқдордаги иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ҳар хил нафақа, товон пули кўринишидаги бевосита пул тўловлари кенг қўлланилди, имтиёзлар ҳамда турли қўшимча тўловлар тизими аҳоли даромадлари ошишини таъминлади. Масалан, энг кам миқдорлардаги меҳнат ҳақи ва пенсияларнинг солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги харажатлари қисман бюджет маблағлари ҳисобидан тўлдирилди. Оммавий равишда талаб қилинадиган товарлар ва хизматлар кўпгина турларининг нархлари ўртасидаги тафовутнинг ўрни қошланди.

Айни вақтда қўшимча ижтимоий тadbирларнинг бутун бир мажмуи - икки ёшга тўлмаган болаларнинг бепул овқатланиши, бошланғич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушта берилиши, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг имтиёзли овқатланиши, жамоат транспортида имтиёзли қатнаши кабилар йўлга қўйилди. Уй-жойлар хусусийлаштирилган пайтда кўпгина тоифадаги фуқаролар уларни бепул ўз шахсий мулки қилиб олди. Аҳолининг талай ижтимоий гуруҳлари учун коммунал хизматлар ва хоказоларда имтиёзлар жорий этилди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Мураккаб иқтисодий аҳвол юзага келганига қарамай, Ўзбекистонда аҳоли учун энг муҳим ижтимоий вази­фаларни ҳал этиш мақсадида зарур маблағлар излаб топи­лди. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ижтимоий муҳ­офазага ажратилган давлат харажатлари республика бюд­жетининг учдан бир қисмини ташкил этди.

Ўша даврда ишлаб чиқилган ижтимоий сиёсат ўз ол­лида турган вази­фаларни амалга оширди ва айни вақтда бозор иқтисодиётига хос заруриятни - ижтимоий ёрдам чоралари ва воситаларини ўзгариб турган шароитга муво­фиқ тарзда доимо мослаш заруриятини юзага келтирди.

Барча аҳолига мўлжалланган ижтимоий сиёсат ёрдамга эҳтиёжнинг кўпроқ ва камроқ даражаси каби жуда муҳим омилга нисбатан сезгирликни қўлдан бой берди. Шундай бўлиб чиқдики, кам таъминланган фуқаролар ҳам, тўла таъминланган фуқаролар ҳам бир хилда мадад оларди. Бунинг устига, дотация жорий этилган асосий товар ва хизмат турлари ҳақиқатан истеъмол этилишига нисбатан улардан айни шундай ёрдамга камроқ муҳтож бўлган ки­шилар кўпроқ фойдаланиб қолишди.

Ҳақиқатан ҳам муҳтож кишилар учун кам самара бер­ган беҳуда сарф-харажат маблағларнинг сочиб юборили­шига сабаб бўлди. Шунини айтиш кифояки, фақат REPUB­лика бюджети орқали ўттиз хил турли йўналишлар бўйича ёрдам кўрсатилган. Объектив равишда ижтимоий ҳимоя қилиш воситаларини қайта йўналтириш зарурати, ялпи ижтимоий мадад бериш йўлидан чиндан ҳам ёрдамга муҳ­тож кишиларга ёрдам кўрсатишнинг табақалашган, адресли тизими­га ўтиш зарурати туғилди.

Республикада чиндан ҳам муҳтож одамларга адресли, табақалашган ёрдам беришга адолат ғоясига оғишмай амал қилиш қондаси асос қилиб олинди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Адолатта интилиш, - дейди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, - халқимизнинг энг муҳим фазилатидир. Адолатни кучли ҳис қилиш, - деб таъкидлайди у, - кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси таъсири остида юзага келганки, унинг ривожланишига ўзбек халқи, ўтмиш мутафаккирлари, олимлари бебаҳо ҳисса қўшган.

Ижтимоий ёрдам тизимининг адолат мезонига бўйсундирилиши аҳоли учун гоят оддий ва кундек равшан бўлган тақсимот воситаларини талаб қилдики, булар субъективизм кўринишларини истисно қилади.

1994 йилда аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш тизими тубдан ўзгартирилди. Мазкур ўзгариш ислохотлар ижтимоий дастурини амалга ошириш биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди ҳамда бозор муносабатлари ривожланишига мос янги устивор йўналишларга ўтилангандан далолат берди.

Янги тизим ижтимоий ёрдамдан аниқ фойдаланувчиларга пухтароқ йўналтирилган. Булар, аввало, мамлакат келажаги - болалар; шунингдек кўп болали ва кам таъминланган оилалардир.

Ижтимоий ўзаро ёрдам тизимида оила асосий бўғинга айландики, бу эса дунёвий асосий инсонийлик ҳоидаларига, миллий анъаналар ва хусусиятларга, жамиятда оила мавқеига мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда бир уйда биргаликда яшашни афзал кўрадиган, умумий хўжаликка эга бўлган, умумий оилавий бюджет сарфлайдиган мураккаб оилалар кўп учрайди. Бундай шароитда эса оилани ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар тоифасига киритиш мезонини танлаш жуда мураккаб иш бўлиб чиқди. Даромадларни декларация қилишдан иборат маълум усул республика учун жуда кам даражада мақбул экан.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Маълумотномаларга расмий аломатларга қараб оилаларга нафақа берилиши адолат устувор мезонидан муқаррар чекинишларга сабаб бўлар эди. Бойси шундаки, республиканинг кўпчилилик аҳолиси қишлоқ жойда яшаб, томорқа хўжалигидан ҳисобга олиш мушкул бўлган даромадлар кўради. Ундан ташқари, даромад ҳисобини яратиш кишиларни ёрдамчи даромадни яширишга ундар, боқиманданиликни рағбатлантирар эди. Барча даромад манбаларини тўла ва аниқ ҳисобга олиш имконини берувчи уй хўжаликларини текшириш воситаси эса ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг содда, самарали ва ошқора воситаси қилиб маҳалла орқали ёрдам берилиши мақбул, деб топилди. Аҳоли демократик асосда сайлаб қўядиган оқсоқоллар (раислар), уларнинг маслаҳаттўйлари ва маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғинлари (уларга қонун йўли билан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи мақоми берилган) ҳар бир оиланинг моддий аҳволини, даромад манбаларини яхши билади. 1994-йилдан бошлаб жорий этилган ижтимоий ўзаро ёрдам тизимида биноан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш масаласи маҳалла фуқаролари йиғилишида ҳал қилинади. Муҳтожларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларга адресли ёрдам бериш ишига бундай мутлақо янгича ёндашувда кўни-қўшниларга ёрдам кўрсатиш, унга ҳамдардлик билдириш, шунингдек текинхўр ва боқимандаларга нисбатан мурасасиз бўлиш каби қадимий халқ анъаналари намоён бўлади. Эндиликда бесўнақай ва қимматга тушадиган қоғозбоз идоралар ташкил этмасдан туриб, аҳолининг адолат ҳақидаги тасаввурларига мувофиқ равишда ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми чиндан ҳам муҳтож оилаларга тақсимлаб берилаётир.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Бундай ёрдам кўрсатиш учун ўз-ўзини бошқаруш органлари зарур ресурслар билан таъминланади. Милаларда республика ва маҳаллий бюджетлар, шунингдек корхона ҳамда ташкилотлар, тadbиркорлик тузилма ва айрим фуқаролар кўнгилли равишда ўтказган пул ҳисобидан махсус фондлар ташкил қилинган.

Ваколатли ва ижроия ҳокимият маҳаллий орган ўзларига қарашли ҳудудда аҳолининг биринчи навбатида эҳтиёжларига биноан, ижтимоий ёрдам тadbирларига алоқасизлик кирита боради. Уларнинг асосий тadbирларидан - ижтимоий-ишлаб чиқариш кўмакчи тузилмаларини вожлантиришдан, яъни газ, сув қувурларини, электр телефон тармоқларини ўтказишдан иборат. Фақат шундай шароитдагина иш ўринларини вужудга келтириш, ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, хизм соҳасини жадал ривожлантириш, бинобарин, ижтимоий муаммолар кенг мажмуини ҳал этиш мақсадида энг қийин ҳолатларга зарур сармояни жалб этиш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилашда маҳаллий ҳокимиятлар фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик қилиши керак. Ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари алоқасизликнинг очор тоифалари учун умумдавлат ёрдам дастури амалга оширилишини таъминлаб, минтақа имкониятини ҳисобга олган ҳолда шу қатламларга мадад бериш юзасидан кўшимча чоралар кўриш ҳуқуқини олган.

Шу тариқа 1994 йилдан эътиборан Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб ва бетакрор адресли тизими амал қилмоқдаки, у халқ анъаналари ва ахлоқий қоидаларига асосланган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитига мосланган.

Ўтган иқтисодий ислоҳотлар даврида ижтимоий сиё-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қоидалари қуйидаги асосий йўналишларда рўёбга чиқ-
ди: аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва
нат бозорини шакллантириш борасида ишга киришни
таганлар учун тегишли шарт-шароит яратилди. Ҳамма
ларда ишга жойлаштириш органлари тузилди. Респуб-
када расмий рўйхатга олинган ишсизлик даражаси 0,4
издан юқори эмас. Иш билан бандлик фондининг маб-
лари ҳисобига ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш,
ақасини ошириш тармоғи тапқил этилиб, молиялан-
янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Турли кўри-
идаги тадбиркорлик, якка тартибда меҳнат фаолияти
дан бемалол шуғулланиш имконияти берилган ва дав-
секторининг анча кенгайтирилгани туфайли жами
ловчи аҳолининг ярмидан кўпроғини шу соҳада иш
ан банд бўлиши таъминланди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гоёси ижтимоий таъ-
т ва ижтимоий қафолат сиёсатининг негизи ҳисобла-
ди. Олий Мажлисда қандай қонун тайёрланмасин, ба-
ир уни ишчи гуруҳларида, кўмиталарда муҳокама қилиш
да - "инсон - давлат" муносабатлари ҳақидаги масала
га келгудек бўлса, инсон доимо биринчи ўринда тура-
Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг самарали ҳал
лиши инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг моддий
ролатларини юзага келтиради.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар биринчи босқи-
и аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутун тизимини
аста-секин ўзгартириш, оқилона йўлга қўйиш ва адресли
бўлишини таъминлаш белгиси остида ўтди. Тенгчилик
қоидасидан қатъиян воз кечиш йўли танланди. Ижтимоий
мададдан асосий фойдаланувчилар аҳолининг энг ночор
қисми - болалар, ўқувчи ёшлар, кексалар, ишсизлар, кам
таъминланган оилалар, ногиронлар бўлди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1996 йил 1 апрелидан бошлаб оналик ва болалик манфаатларини кўзлаб болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш, ўсиб келаётган авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шароит яратиш мақсадида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ойлик нафақалари қуйидаги миқдорда оширилди: бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг - 40 фоизи, икки болали оилаларга - 80 фоизи, уч болали оилаларга - 120 фоизи, тўрт ва ундан кўпроқ болали оилаларга - 150 фоизи. Шунингдек мазкур санадан этиборан иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг кам миқдорлари ҳамда бола икки ёшга тўладиган пайтгача уни парвариш қилиш бўйича ойлик нафақалар (энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдориди) оширилди.

Президентнинг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида”ги 1994 йил 23 август Фармони ижтимоий ҳимоя қилишнинг адреслилигини амалга оширишда муҳим роль ўйнади. Фармонга биноан эндиликда кам таъминланган оилага ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш ҳақидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳарларда маҳалланинг фуқаролари вакилларининг йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Турли жамоат ноҳукумат ташкилотлари ва фондларининг тузилиши ҳам мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлидан бораётганлигининг ёрқин далилидир, уларнинг ҳар бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, “Соғлом авлод учун” фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат генофондини яхшилаш, жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масалалари билан шуғулланиб, ўз дастурларини амалга ошириш орқали муносиб улуш қўшмоқда.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Республикадан ташқарида фаолият кўрсатаётган фондлар ҳам талайгина. Улар бошқа мамлакатларнинг жамоат органлари, халқаро ташкилотлар, элчихоналар, банклар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Булар сирасига Республика хотин-қизлар кўмитаси, “Экосан” фонди, Болалар фонди, Республика ногиронлар жамияти ва бошқа кўпгина фондлар киради. Президент Фармони билан тузилган “Камолот” фондининг мақсад ҳамда вазифалари эса бевосита ёшлар билан ишлаш, уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат. “Камолот” фондининг таъсис этилиши республика фуқароларининг ярмидан кўпроғини ташкил этган 18 ёшгача бўлган ёшлар ҳақида, моҳият эътибори билан ватанимизнинг иқтисодиёт, фан ва маданият, ижодий имконияти тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин далолатидир.

Улкан ишлар кичик бир қадамдан бошлангани каби, шахс камол топиши учун бола соғлом бўлиб дунёга келиши зарур. Она ва бола саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатнинг муқаддас бурчидир. Президент Фармонлари – бунинг далили. Аммо шу бутунданоқ бутун соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш лозим. Уни тубдан ислоҳ қилишгина эмас, балки моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, юқори малакали ходимлар билан таъминлаш керак. Мазкур муаммонинг муҳимлигини ҳисобга олиб, “Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, у депутатлар муҳокамасига тақдим этилади.

1992 йил декабрида мамлакатнинг янги Конституцияси қабул қилиниб, у кучли ижтимоий сиёсат юритишга замин яратди. Ўзбекистон ҳуқуқий давлат курмоқда, бу эса – қонунларга қатъи риоя этиш, жамият турмуши ва

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

фаолиятининг барча соҳаларида қонун устиворлигини таъминлаш; ҳамма-ҳамманинг жинси, ёши миллати ва динидан, ижтимоий аҳволи ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенглигини кафолатлаш, демакдир.

Иш билан бандлик, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, таълим, меҳнат муҳофазаси, жисмоний тарбия ва спорт, давлат ёшлар сиёсатининг асослари, давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунларнинг, Меҳнат кодекси ва Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши аҳоли энг муҳтож қатламлари манфаатларини мураккаб шароитда қонун кучи билан ҳимоя қилишига эмас, кишиларнинг маънавий, ижодий салоҳиятини намоён этиш, ислохотлар ўтказиш учун йирик ижтимоий замин яратиш учун ҳам имкон берди.

Ўзбекистон қонунлари халқаро ва ҳуқуқий меъёрларга мосдир - Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлди, кўпгина халқаро конвенцияларга қўшилди. Улар орасида “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”, “40 соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”, “Ҳақи тўланадиган меҳнат таътили тўғрисида”, “Болани парвариш қилиш учун таътил бериш тўғрисида” каби ҳужжатлар бор.

Собиқ совет фуқароларида тенгчилик асосида қайта тақсимлашга одатланиш, боқимандалик психологияси кабилар чуқур илдиз отган. Бу эса иқтисодий ислохотларга тўсқинлик қилади. Адресли, табақаланган ёрдам кўрсатишга ўтиш юқоридаги иллатларга кескин даражада барҳам бериш зарурати билан ҳам юзага келган эди. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни шунга қаратилганки, токи бутун шахс фаолиятининг асосий ундовчи омили - хўжайинлик ҳисси бўлиб қолсин. Бу ерда гап мулк эгаси ёки ҳамэгаси бўлишга, фойдадан дивиденд

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СПЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

олишга ёки тўшланиб қолган сармоядан ўз ҳолича фойдаланишга, корхонани бошқариш ёки бошқаришда иштирок этишга интилиш каби сабаблар ва рағбатлар ҳақида бораётир. Мазкур босқичда инсон ҳақидаги гамхўрлик ҳуқуқий ва ташкилий воситаларни яратишда намоён бўлиб, булар ҳар бир кишига ўз салоҳиятини кўрсатиб, амалда татбиқ этиш учун дастлабки тенг имкониятларни таъминлаб бермоқда. Иқтисодий муносабатлар танлов эркинлиги билан ўз шахсий таъминоти ва оила фаровонлиги учун масъулият уйғунлиги асосига қурилаётир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий дасурларни рўёбга чиқаришда аввало жамиятнинг иқтисодий фаол қатламлари таянч бўлмоқдаки, уларнинг кучгайрати, инсоний салоҳияти, ўзгаришлар сари интилиши ишлаб чиқаришдаги пасайишни жуда тез орада бартараф этишга, хўжаликни соғломлаштиришга ва юксалтиришга қўмаклашмоқда. Бозор иқтисодиёти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал этишда давлат манбалари билан биргаликда корхоналар, жамоат ва хайрия ташкилот ҳамда фондларининг маблағларини ҳам ишга солишни тақозо этади.

Ташаббускор, янгиликларни жорий этувчи, ижодий тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун бадавлат кишиларни солиққа тортиш - кам таъминланганларга ижтимоий тўловлар тўлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаш жуда муҳимдир. Вазифанинг моҳияти шундан иборат: жамият кам сонли бойларга ва кўп сонли камбағалларга ҳаддан зиёд бўлиниб кетишига йўл қўймай, аини пайтда ташаббускор тадбиркорликка, бунёдкорлик меҳнатига қизиқтирувчи омилларни бўғмаслик керак. Бизга меҳрос бўлиб қолган номутаносибликларни тўғрилаш вазифаси ўткир ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқдаки, бу но-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СПЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

мутаносибликлар оқибатида кам малакали ходим юксак ижодий салоҳият соҳиби бўлмиш мутахассисдан кўпинча яхшироқ яшайди. Мазкур мезонларни ижтимоий тасаввурдаги адолатли нисбатга келтириш маънавий нуқтаи назардангина муҳим бўлмай, балки шу боисдан ҳам аҳамиятлидирки, бу каби номутаносибликлар ва уларни тўғрилашда кечикиш ҳоллари пировард оқибатда “енгил-елпи” кун кечиринишга интилишни, бинюбарин, иқтисодий турғунликни юзага келтиради.

Бозор муносабатларининг имконияти кенг, аммо айни вақтда улар гоят талабчандир. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар кимнинг тақдирини кўп жиҳатдан касб маҳоратига, ўзгариб турган муҳитга мослаша олишига, таваккал қилиб, ҳатто ўз шахсий мол-мулкни хавф остига қўйишдан ҳам қўрқмай, оилавий фаровонлигини таъминлай олишига боғлиқдир. Давлат эса бундай шароитда ижтимоий тотувлик ва барқарорлик кафили бўлиб, адресли ижтимоий сиёсатни мазкур мақсадга йўналтириб туради.

2.0. Ўзбекистоннинг давлат ижтимоий ҳимоясига муҳтож аҳоли тоифалари учун ҳимоя тизими

2.1. Ижтимоий таъминотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аҳолининг илгари ва ҳозир ҳам меҳнатга қобилиятсиз табақаларини; объектив сабабларга кўра меҳнат фаолияти юритолмайдиган фуқароларни; белгиланган миқдорда кам даромад оладиган фуқароларни қўллаб-қувватлашга оид тadbирларнинг яхлит, мажмуий тизимини кўзда тутлади.

Давлат ижтимоий мадади турли ташкилий-ҳуқуқий

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

шаклларда кўрсатилади. Бу эса энг муҳим эҳтиёжларни қондиришда ижтимоий ёрдам йўналиши билан боғлиқ; бу эҳтиёжлар аҳолининг турли тоифаларида турличадир. Хилма-хил ёрдам шаклларини қўллаш орқали ҳам унга муҳтож кўп сонли кишиларга ижтимоий мадад бериш имкониятларини кенгайтиришга эришилмоқда.

Ижтимоий таъминотнинг асосий шаклларида бири ижтимоий суғурта фондидан ёрдам кўрсатишдир. Фондни шакллантиришнинг манбалари қуйидагилар:

- қайси идорага мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг суғурта бадаллари. Мазкур бадаллар белгиланган меъёрлар бўйича иш ҳақи фондига фоиз ҳисобида тўланади ва зарур ҳолларда давлат бюджетидан ажратилган маблағ билан тўлдирилади;
- якка (гуруҳ бўлиб) ижара шароитида ёки якка тартибда шахсий деҳқон хўжалигида меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг суғурта бадаллари;
- фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ажнабий фуқароларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг кўнгилли бадаллари, шунингдек бошқа тушумлар.

Давлат ижтимоий суғурталаш маблағлари ҳисобига таъминотнинг қуйидаги турлари берилди:

- ёшига оид, ногиронлигига, боқувчисини йўқотганига кўра бериладиган пенсия;
- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, аёлларга эса, бундан ташқари ҳомиладорлиги ва туққанлиги учун бериладиган нафақа;
- бола туғилганда бериладиган нафақа;
- дафн маросими учун нафақа;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Республикада 1996 йил 1 январига келиб 106 турдаги имтиёзлар жорий этилган, улардан 1140704 фуқаро фойдаланади. Улар орасида 108280 нафари уруш қатнашчиси ва ногирони, 52280 нафари байналмилалчи жангчи, 478345 нафари меҳнат жабҳаси иштирокчиси, 7220 нафари фалокатни тугатиш қатнашчиси, 100 миңдан кўпроғи болаликдан ногирон ва 302985 нафари умумий касалликларга чалинган ногирондир.

Аҳолига 166 комиссия, жумладан 142 туман, туманлараро, шаҳар комиссияси, 24 марказий вилоят комиссияси эксперт хизмати кўрсатмоқда. Бошланғич комиссиялардан 31 таси - икхисослашган. (12-психиатрия, 6 - физиатрия, 7 - кўз касалликлари, 3 - юрак касалликлари, 3 - травматология бўйича)

Республика тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тизимида 523 эксперт-иниқор ишлайди.

34 та интернат уйларида 9900 ногирон ва кекса кишилар тўла давлат таъминотида яшайди.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- санаторий-курортда даволаниш, профилакторий ва дам олиш уйлари хизматидан баҳраманд бўлиш, даволаниш мақсадида (парҳез) таомлар билан овқатланиш, болаларни соғломлаштириш лағерларида боқиш учун ва ҳоказолар.

Фуқароларнинг талай қисми бошқа тапқилий-ҳуқуқий шаклда: давлат бюджетидан бевосита ажратилган маблағлар ҳисобига давлат мададини олиб туради. Бевосита бюджет ажратмалари орқали қуйидагилар таъминланади:

- болали оилаларга нафақалар;
- кексалар ва ногиронлар уйидагиларни боқиш ва хизмат кўрсатиш;
- ногиронларни меҳнатга ўргатиш ва уларни ишга жойлаш, протез қўйиш;
- ногиронларга ва Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда қатнашган кишиларга бир галлик товон тўлови, моддий ёрдам ва бошқалар.

Давлат ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан, шунингдек давлат бюджетидан бевосита пул ажратмалари ҳисобидан бериладиган ижтимоий таъминот асосан давлат ижтимоий таъминот бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Улар тизимига қуйидагилар киради: республика Ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижтимоий таъминот бошқармалари ҳамда бўлимлари, шунингдек улар қарамоғидаги тиббий-меҳнат экспертиза (ТМЭК) органлари.

Фуқароларнинг оз сонли тоифалари (масалан, ҳарбий хизматчилар, милиция ходимлари)га нисбатан юқоридаги вазибалар тегишлича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан бажарилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.2. Ижтимоий таъминот турлари

Пенсия - ижтимоий таъминотнинг, кексалар ва меҳнатта қобилиятсиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг энг асосий ва энг оммавий туридир. Пенсия таъминоти барча мамлакатларда ижтимоий дастурларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Бутунги кунда Ер юзида ёрдамга муҳтож миллионлаб кишиларнинг энг зарур эҳтиёжлари пенсия тўловлари орқали қондирилади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 2,5 миллиондан ортиқ киши пенсия олади.

Ижтимоий соҳада Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар моделининг асосий қоидаларидан бири - ислохотларнинг тадрижий йўли, инқилобий “жазава” услубларининг истисно этилиши, янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Ислохотларни амалга оширишга эҳтиётлик билан, “етти ўлчаб бир кесиб” ёндашиш зарурлиги шу билан изоҳланадики, бунда аҳолининг энг ночор гуруҳлари - бозор иқтисодиётининг янгича шароитига моддий ва руҳий жиҳатдан айниқса мослашиши мушкул бўлган кишиларнинг манфаатларига дахл қилинади.

Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий анъаналари - мустақкам оила, ижтимоий ўзаро ёрдам анъаналарига мувофиқ кексалар ва болаларнинг эҳтиёжларига нисбатан сезгирлик, диққат-эътибор билан қаралади, ҳимоясиз қолганларга мурувват кўрсатилади. Республика ижтимоий сиёсати ҳам маънавий мезонларни ҳисобга олишга асосланади. Мустақил Ўзбекистонга мерос бўлиб қолган ижтимоий таъминот, жумладан, пенсия таъминоти тизимини пухта ўйлаб, аста-секин ўзгартириш йўли энг мақбул йўл, деб топилган. Мазкур йўл, бир томондан, бозор иқтисодиёти шароитида қўлласа бўладиган, аҳоли ўрганган ва

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

адолат ҳақидаги ижтимоий тасаввурга мос келадиган ун-сурларни танлаб олиш ва сақлаб қолишни, иккинчи томондан, хўжалик ривожланишига тўққинлик қиладиган ёки бозор иқтисодиёти шароитига мос келмайдиган илгариги ижтимоий тизим нуқсонларини аста-секин тузатишни кўзда тутати. Бу эса меҳнатта рабатни сўндирадиган тенгчилик тамойилларидан воз кечиш, тадбиркорликка, оила жамғармаларини оқилона жойлаштириш орқали даромад олишга ҳавас уйғотиш кабилардир.

Мустақил Ўзбекистонга пенсия таъминотининг қандай тизими мерос қолган эди? Бу тизим эндиликда қай йўсинда қўлланмоқда ва такомиллашмоқда?

Шуни эслатиш жоизки, ижтимоий соҳада тенглик совет “реал социализм”ининг дастлаб ташқил топган пайтидан буён унинг асосий кўрсатмаларидан бири бўлиб келган эди. Шу кўрсатмага биноан пенсия тўловлари тизими шакланган эдики, ҳозирда ҳам биз ундан фойдаланмоқдамиз.

1917 йилдан 1919 йилгача бўлган даврдаёқ мазкур масалалар бўйича 50 дан ортиқ декрет қабул қилинган. Уларнинг асосий гоёси меҳнатта қобилиятсизларни таъминлашни жамият зиммасига юклашдан иборат эди.

1918 йилда Меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисида низом пайдо бўлди. Унинг ўша йиллардаги шароит тақозо қилган муҳим хусусияти мутлақо тенгчилик негизига - тирикчилик минимуми даражасининг қатъий миқдорига асосланган таъминот бўлганлигида эди.

30-йиллар бошида давлат ишчи ва хизматчиларнинг пенсия таъминотини яхшилаган қатор тадбирларни амалга оширди. 1930 йил февралда СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети Пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўғрисидаги низом-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ни тасдиқлади. 1956 йил 1 октябрига, яъни Давлат пенсиялари тўғрисидаги қонун чиқарилгунига қадар пенсиялар мазкур Низом асосида тўлаб келинди. Пенсия таъминоти хўжалик эҳтиёжлари билан кўпроқ боғлиқ қилиб қўйила бошланди: биринчи навбатда оғир саноатнинг етакчи (кўмир, металлургия, асосий кимё, машинасозлик) тармоқларида ва транспортда банд бўлган асосий ходимлар учунгина пенсия таъминотида имтиёзлар берилди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида пенсия қонун ҳужжатлари ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг пенсия таъминоти ҳақидаги янги қарорлар билан тўлдирилди. Уруш ва ундан кейинги тикланиш даври жуда кўп маб-лағларни талаб этган бўлса-да, оммавий ижтимоий тўловлар тўлаш, тенгчиликка асосланган таъминот устун бўлиб қолаверди. Аини вақтда жуда оғир уруш ва урушдан кейинги босқичлар бу ишда қозонилган ғалабага кўпроқ шахсан ҳисса қўшганликка қараб йўл тутишни, ижтимоий сиёсатни тенгчилик қоидаларига эмас, балки халқнинг адо-лат тўғрисидаги маънавий тасаввурларига аниқроқ мувофиқ келтиришни қатъий тақозо этарди. 1914-1945 йил-ларда уруш ногиронлари, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат пенсия таъминот тизими ривожланди. Кейинчалик ҳам пенсия таъминоти такомиллаштириб борилди.

1956 йилда Давлат пенсиялари тўғрисида қонун қабул қилиниб, у 1991 йилга қадар амал қилди. Колхозчилар ва уларнинг оила аъзоларига давлат пенсия таъминоти 1964 йилдан бошлаб жорий этилди.

1990 йил апрель-май ойларида пенсия таъминоти тўғрисида қабул қилинган янги қонунлар кекса ёшдагилар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига муҳим ўзгартишлар киритди. Тенгчилик тамойилларидан чекиниб, пенсия таъминотини меҳнат миқдори ва сифатига муво-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

фиқ келтириш томон ўтиш учун уриниб кўрилди.

1956 йилдаги қонунга биноан 20 йил ҳам, 40 йил ҳам ишлаганларга бир хил шартларга биноан бир хил миқдорда кексалик пенсияси тайинланган бўлса, 1990 йилги қонунда кўпроқ йил ишлаган фуқароларнинг пенсия таъминотига устуңлик берилди. Бошқа бир омил ҳам ҳисобга олинди - меҳнатни фақат иш давомийлиги билангина ўлчаш мумкин эмаслиги тан олинди. Шу боисдан пенсия миқдори ни белгилаш учун ойлик иш ҳақи даражаси мезон сифатида қабул қилинди. Бунда 1990 йил қонунда икки муаммо янгича ҳал этилган эди. Биринчидан, пенсияларни охириги йил иш ҳақиға қараб ҳисоблаш варианты бекор қилинди. Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун охириги ўн беш йиллик ишнинг исталган кетма-кет беш йилидаги иш ҳақи асос қилиб олина бошланди. Иккинчидан, иш ҳақи миқдорларини белгилашда меҳнат ҳақининг қўшимча турлари - иш вақтидан тапқари ва ўриндошлик йўли билан бажарилган иш ҳақлари ҳисобга олинадиган бўлди. Ундан тапқари, пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган иш стажидан кейинги ҳар бир иш йили учун пенсия миқдори бир фоиз оширилди. Қонунда стажни ҳисоблаб чиқиш тартибига ҳам ўзгартишлар киритилди: айниқса зарарли, айниқса оғир меҳнат шароитидаги, шунингдек зарарли, оғир меҳнат шароитидаги ишларда банд бўлган шахсларга пенсия тайинлашда кўпроқ имтиёзли шартлар белгиланди. Шу тариқа, бу ерда келтирилган ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан кишиларнинг меҳнат стажы ва иш ҳақиға қараб, меҳнатга қобилиятсиз ҳаёт даври учун табақаланган таъминот тизими жорий этилди.

Иккинчи томондан, муҳтожларни қўллаб-қувватлашдан иборат инсонийлик бурчига асосланиб, 1990 йил қонуни пенсия таъминоти умумийлик қондасини қарор топдирди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Боқувчисини йўқотган ногиронлар ва оилаларнинг пенсия таъминот шароити анча яхшиланди. Биринчи марта қандайдир сабабларга кўра, меҳнат пенсиясини олиш ҳуқуқи берилмаган меҳнатга қобилиятсиз ёшдан юқори ёшдаги барча фуқаролар учун кафолатли пенсия таъминоти қонун даражасида жорий қилинди. Шахсларнинг мазкур тоифасига ижтимоий пенсия бериш кўзда тутилди.

Республикамызга пенсия таъминоти соҳасида мерос бўлиб қолган тизим умуман шундай эди, мустақил Ўзбекистон ана шу асосда ўз дастурларини амалга ошира бошлади. Мазкур дастурларнинг юқорида таърифланган энг асосий қоидалари ҳозирги вақтда ривожланган меёрий асосга эга бўлди.

Фуқароларнинг кексайганда, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (39-модда) мустақамлаб қўйилган. 1993 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унда давлат пенсияларининг ягона тизими, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқиш, қайта ҳисоб қилиш ва тўлаш тартиби белгиланди. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун 1994 йил 1 июлидан бошлаб амалга киритилди.

Қонун пенсияларнинг уч турини: ёшга доир, пенсия, ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини жорий этишни кўзда тутди, шунингдек улар миқдорларини индексациялаш механизмни белгилаб берди. Индексация ёрдамида пенсионерлар учун белгилаб қўйилган моддий таъминот билан ишлаб турган аҳоли таъминот даражаси ўртасида юзага келадиган фарқ бартараф қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Республиканинг пенсияга оид қонун ҳужжатларидаги энг муҳим асосий қоидалардан бири шуки, пенсия олиш ҳуқуқига фақат ишлаган фуқаролар эга. Шу асосий қоидага биноан вафот этган ишчи, хизматчи, колхозчи учун ҳам пенсия тайинланади. Иш стажы бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари давлат пенсиялари олиш ҳуқуқидан маҳрумдир - уларнинг ижтимоий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини белгиловчи асосий шартлар қуйидагидан иборат: пенсия ёшига (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) етиш ва иш стажига (эркаклар учун 25 йил, аёллар учун 20 йил) эга бўлиш. Тўлиқ пенсия олиш учун иш стажы бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар улар стажига мутаносиб равишда тайинланади. Қонун билан белгиланганидек, тўлиқсиз иш стажы бўлганда бериладиган пенсия миқдори энг кам пенсия миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Республика пенсияга оид қонун ҳужжатларида бажариладиган ишларнинг хусусияти ва оғирлиги билан боғлиқ ҳолда имтиёзлар беришга муайян ёндашув ишлаб чиқилган. Ана шу асосларда имтиёзли шартлари бўлган пенсиялар одатда ё ёшидан қатъи назар шундай ишларда муайян стаж бўлганда ёки умум учун белгиланган пенсия ёши 10 йилга ёки 5 йилга камайтирилиб тайинланади. Мазкур имтиёзларни олиш ҳуқуқи, масалан, кончилик саноати етакчи касбларида ишловчи ходимларга, авиациянинг учуш ёки учуш-синов таркибидаги ана шундай ходимларга, ер ости ишларида, айниқса зарарли ва айниқса оғир меҳнат шароитидаги ишларда (кимё, металлургия саноати, металл қайта ишланадиган қайноқ участкаларда), шунингдек зарарли ва оғир меҳнат шароитидаги ишларда

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СПЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

тўла иш куни банд бўлган ходимларга - 1-сонли, 2-сонли ва 3-сонли ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар, кўрсаткичлар рўйхатлари бўйича имтиёзли шартлар билан пенсия олиш ҳуқуқига эга. (1, 2, 3-сонли Рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида педагог ва тиббий ходимлар учун, экологик фалокат минтақасида ишлаган шахслар учун, бевосита қариялар, ногиронлар ва меҳнатга қобилиятсиз ёлғиз фуқароларга хизмат қилувчи ижтимоий таъминот тизими ходимлари учун имтиёзли пенсия таъминоти шартлари биринчи бор белгилаб қўйилди. Масалан, ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари учун пенсия ёшга қараб - эркаклар - 55, аёллар - 50 ёшга етганда ва камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлганда; врачлар ва бошқа тиббий ходимларга худди шундай ёшга етганда ва қишлоқ жойларда - камида 25 йиллик ва шаҳарларда камида 30 йиллик махсус иш стажига эга бўлганда ёшга доир пенсия - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган ишлар ва касблар рўйхати бўйича тайинланади.

Қонун ҳужжатларида беш нафар ва ундан ортиқ болани туғиб, саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар учун, болаликдан ногирон бўлганларни худди шу ёшгача тарбиялаган оналар учун имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқи сақлаб қолинган.

Республика қонун ҳужжатларида меҳнат миқдори ва сифатига қараб пенсия таъминотининг табақалашган қондаси янада кенгайтирилди. Талаб қилинадиган иш стажидан мавжуд бўлганда ёшга доир пенсия ва I ҳамда II гуруҳ ногиронлик пенсиясининг асосий миқдори иш ҳақининг

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

55 фоизини, боқувчисини йўқотганда оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун эса иш ҳақининг 30 фоизини ташкил этади. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинганидан ташқари ҳар бир тўлиқ иш йили учун ёшга доир пенсия ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси миқдори иш ҳақининг I фоизи миқдориди; III гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганда оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун тўланадиган пенсия миқдори иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдориди оширилади. Ёшга доир пенсия ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиясининг энг кўп миқдори иш ҳақининг 75 фоизини, III гуруҳ ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганда оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун пенсиянинг энг кўп миқдори иш ҳақининг 40 фоизини ташкил этади.

Ундан ташқари, қонун I гуруҳ, II гуруҳ ёлғиз ногиронларга, уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда фронт орти меҳнаткашларига, ўлими ҳарбий мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ҳамда хотинига пенсияларга устама кўшиб ҳисоблашни кўзда тутати. Устама республикада белгиланган энг кам иш ҳақига қонун билан белгиланган фоиз нисбатида ҳисобланади.

Республикада амалда бўлган пенсия қонун ҳужжатларига биноан пенсия ҳисоблаш учун бутун меҳнат фаолият даврининг исталган кетма-кет беш йилидаги иш ҳақи асос қилиб олинади. Иш ҳақига амалдаги қоидаларга биноан суғурта бадаллари ҳисобланадиган ҳамма меҳнат ҳақи турлари киритилади. Пенсия ҳисоблаш учун асос бўладиган иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдоридан етти баравар кўп қилиб белгиланган.

Республика қонун ҳужжатларида пенсия таъминоти тизимида меҳнат стажининг роли анча ошганлиги сабаб-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИМТИБОНИ ТИББИЙИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ли, стаж пенсия ҳуқуқининг асоси этиб олинган, пенсия миқдори ҳам стажга қараб белгиланади, қатор ҳолларда эса меҳнат стажига бошқа баъзи бир фаолият турларини ҳам қўшиш кўзда тутилади. Масалан, болали аёлларга болаларни уч ёшгача парвариш қилиш даври, умумий ҳисобда 6 йилгача, иш стажига қўшилади. Моллар ҳайдаб боқиладиган яйловларда чўпон хотини (уни ишга жойлаш имкони бўлмаган жойларда) эри билан биргаликда элоҳида шароитда яшаши ҳам ҳисобга олинган. Мана шу вақт, умумий иш стажига камида 5 йил бўлса, унинг меҳнат стажига кўпи билан 10 йил қўшилади.

Қонун ҳужжатларида стажни имтиёзли тарзда ҳисоблаш ҳоллари ҳам назарда тутилган. Ҳаракатдаги армия таркибига кирадиган ҳарбий қисмларда, штаблар ва муассасаларда, жанговар ҳаракатлар даврида партизанлик отрядлари ва қўшинларида кўнгилли равишда ёланиб ишлаган таркиб сифатидаги хизмат ва иш вақти, байналмилал бурчини бажариш чоғида жанговар ҳаракатларда қатнашган вақт стажга уч баравар кўпайтириб, ҳарбий

хизмат ва фронт ортидаги иш вақти, жумладан иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача) эркин ёлланган таркиб сифатидаги иш вақти - стажга икки баравар кўпайтириб; лепрозорий (моховхона), вабога қарши ва юқумли касалликларни даволаш муассасаларидаги иш вақти - икки баравар кўпайтириб; паталогоанатомия ва тиббий-суд муассасаларидаги айрим тиббий ходимлар тоифалари иш вақти - стажга бир ярим баравар кўпайтириб ёзилади ва ҳоказолар.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан меҳнат стажига пенсия тайинланган кунгача ҳисобга олинади.

Ишлаб турган пенсия олувчиларга пенсия 50 фоиз миқдоридан туланади. Пенсия олдини билан бирга ишни

◆ БЎЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИИ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

давом эттириш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги фуқаролар бундан мустасно сифатида пенсияни 100 фоиз олади. Булар - иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган кишилар, жумладан жанговар ҳаракатлар олиб борилган мамлакатларда байналмилал бурчини бажарган ҳарбий хизматчилар, Чернобил фалокати оқибатида шикастланган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида ишлаганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун оила аъзоларига пенсия олаётган шахслардир.

Қонунда бозор иқтисодиётига ўтилаётган, хўжалик субъектлари мустақиллиги ўсиб бораётган шароитда табақаланган пенсия таъминоти тизими ривожлантирилиб, корхона ва ташкилотларга меҳнат ҳақи тўлаш учун мўлжалланган маблағлар ҳисобидан ўз ходимларига улар меҳнат улуши, моддий жиҳатдан таъминлангани ва саломатлиги ҳисобга олинган ҳолда пенсияларга қўшимча ойлик тўловлар жорий этиш ва тўлаш, мана шу меҳнат жамоасида хизмат кўрсатган ходимлар пенсияга чиқаётган вақтда бир карра нафақа тўлаш, ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган ходимларга (агар улар пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга биноан меҳнат шароитига доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса) муддатидан илгари пенсия тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилган.

Нафақалар. Меҳнат улушига қараб табақаланадиган пенсиялардан фарқи ўлароқ, нафақалар моҳияти бошқача - улар ўта муҳтож кишиларга айнан кўмаклашиши керак. Болалиқдан ногиронларга, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар худди пенсиялар сингари ойма-ой тўлаб борилади.

Ойлик нафақа ногирон болаларга 16 ёшга етгунига

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СЇЁСАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қадар, уни олиш ҳуқуқини берадиган тиббий далиллари бор бўлса; шунингдек иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан ошган, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан болалиқдан I ва II гуруҳ ногирони деб тан олинган шахсларга тўланади. Болалиқдан ногиронларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган. Нафақалар ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва болалиқдан I ва II гуруҳ ногирони ёки ногирон болаларга нафақа тайин қилинган ота-оналари яшайдиган жой бўйича тўланади.

Тайинланган нафақа болалиқдан I ёки II гуруҳ ногиронига у оладиган иш ҳақи, стипендия, алимент ёки бошқа даромадлардан қатъи назар тўланади. Ногирон болага тайинланган нафақа у оладиган (унга бериладиган) бошқа нафақалардан қатъи назар тўланади. Нафақаларни болалиқдан ногиронларга тўлаш, етказиб бериш ва жўнатиш ишлари Ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳисобидан тўланади.

Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажи бўлмаган кекса ва меҳнатта қобилиятсиз фуқароларга бериладиган нафақа - давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақанинг бошқа бир тури ҳисобланади. Мазкур нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ёшга доир нафақа иш стажи ҳамда таъминлаб туриши лозим бўлган қариндошлари бўлмаган шахсларга: эркакларга - 65 ёшдан, аёлларга - 60 ёшдан бошлаб тайинланади. Нафақа олиш юзасидан мурожаат қилган шахснинг қариндошларини моддий аҳволи ночор эканлиги аниқланган тақдирда, моддий ёрдам кўрсатишга қурби етмайдиган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СЎЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қариндошлари бор бўлса ҳам, унга нафақа тайинланиши мумкин.

Ногиронлик нафақаси ногиронлик бошланган ҳолда, яъни доимий ёки узоқ вақт меҳнат қобилияти йўқотилган ҳолда, фақат I ва II гуруҳ ёлғиз ногиронларга тайинланади ҳамда тўланади.

Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажы бўлмаган шахс вафот этган тақдирда, унинг қарамоғида бўлган оила аъзолари юқорида кўрсатилган Низомга биноан нафақа олиши ҳуқуқига эга.

Ёшита доир нафақа, ногиронлик нафақаси ва боқувчисини йўқотганлик нафақаси ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланади. Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолда нафақа тўлови тўхтатилади.

Ижтимоий таъминот тури бўлган нафақалар сирасига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича тўловлар ҳам кирадикли, улар узоқ давом этмайдиган вақт ичида узрли сабаб юзасидан ходим йўқотган иш ҳақи ўрнига ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади. Бундай ёрдам нисбатан қисқа муддатли, аммо йўқотилган иш ҳақи миқдорларига тенг ёки яқин суммаларда нафақа тўлашни тақозо этади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси умумий меҳнат стажы давомийлигига боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликка биноан умумий иш стажы 8 йил ва ундан ортиқ бўлса - иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, 5 йилдан 8 йилгача бўлса - иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида, 5 йилгача бўлса - иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида нафақа тўланади. Ишда майиб бўлган ёки касбий касалликка чалинган ходимлар, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭСда фалокат оқи-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙИ СЇЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

батларини тугатиш иштирокчилари, қарамоғида уч ва ундан ортиқ 16 (ўқувчилар - 18) ёшга етмаган бола бўлган ходимлар каби шахслар тоифаси бундан истиснодир. Уларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси барча ҳолларда иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Қонун ҳужжатларида болаларни таъминлашда ва тарбиялашда адресли моддий ёрдам кўрсатиш, айрим қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида қатор нафақалар бериш ҳам кўзда тутилганки, бунинг учун қонун чиқарувчи асосий турмуш воситалари - меҳнат ҳақи, пенсия ва ҳоказоларни етарли деб ҳисобламаган. Мазкур нафақалар асосий турмуш воситаларига қўшимча тўланади, уларга тенглаштирилмайди, балки қўшимча харажатлар зарурлиги ҳисобга олиниб белгиланади. Бундай тўловлар сирасига болали оилаларга ойлик ва галлик нафақалар, бола туғилганлиги муносабати билан, дафн маросими учун бериладиган нафақалар ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болали оилаларга ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1994 йил 16 июнь Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 20 июнь 308-сонли қарори билан тасдиқлаган “16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга биноан 1994 йил 1 сентябридан бошлаб болаларга нафақа тўлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Қонун чиқарувчи нафақа айна болаларнинг ўзига аталганига асосланади. Шу асосий қоидага биноан 16 ёшгача бўлган болаларга ягона ойлик нафақалар барча оилаларга, оилада болалар сонига қараб белгиланади.

Нафақа миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақиға фоиз нисбатида ҳисобланади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ ТАСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Нафақа болаларга боқувчисини йўқотганлик учун пенсия, болаликдан ногиронлик учун нафақа, алимент тўланишидан қатъи назар тўланади. Болалар тўла давлат таъминотида бўлган тақдирда нафақа тўланмайди.

Нафақа онанинг иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, она ишламаган (хизмат қилмаган, ўқишда бўлмаган) ҳолда - ота (васий ёки ҳомий)нинг иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича тайинланади. Болали оилаларга ойлик нафақа тайинлаш ҳақидаги ариза, ота-она ишламаган тақдирда, болалар бирга яшайдиган ота-она (васий, ҳомий)нинг истиқомат жойидаги ижтимоий таъминот органларига берилади.

Болали оилаларга ойлик нафақалар давлат бюджет маблағлари ҳисобига молияланади.

16 ёшга тўлмаган болаларга ойлик нафақа билан бир қаторда қонун ҳужжатларида икки ёшга тўлмаган болаларни парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тўлаш ҳам кўзда тутилади.

“Болани икки ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 1994 йил 28 июль 85-сонли қарори билан тасдиқланган.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа, одатда онага, она бўлмаган тақдирда - отага, фарзанд қилиб олган кишига, васийга ёки она ўрнини босаётган ва бола икки ёшга тўлгунига қадар уни амалда парвариш қилаётган бошқа қариндошларга тайинланади ҳамда тўланади. Нафақа ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдориди, парвариш қилинаётган болаларнинг сонидан, шунингдек нафақа оладиган шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, тўланади.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа: бюджет таш-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СЇЄСАТНИНГ ХУКУҚИЙ АСОСЛАРИ

килотларида (муассасаларида) ишлаётган оналар (она ўрнини босаётган шахсларга) - иш ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, тежам бўлмаса, - умумий харажатлар сметаси ҳисобидан; мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишлайдиган оналар учун - шу корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Болани парвариш қилиш бўйича хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан нафақа тўлашга сарфланган маблағлар чиқарилаётган маҳсулот (товар, хизмат) таннархига қўшилади.

Ундан ташқари, оилага моддий ёрдам бола тутилган пайтда - энг кам иш ҳақидан икки барабар кўп миқдорда бир карра нафақа тўлаш орқали кўрсатилади. Бундай нафақа “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низомда кўзда тутилган. Айни шу Низомда аҳоли учун ёрдам кўрсатишнинг яна бир муҳим шакли - дафн маросими учун энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорда бир карра нафақа бериш ҳам кўзда тутилган.

Ижтимоий жиҳатдан энг ночор ва ёрдамга муҳтож аҳоли тоифаларига мадад берувчи нафақалар жумласига кам таъминланган оилаларга бериладиган ойлик нафақа ҳам киради. 1994 йилга қадар кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдамнинг ягона махсус дастури йўқ эди. У 1994 йил 1 октябридан эътиборан кам даромадли оилаларга ойлик тўловлар кўринишида амалга оширила бошланди.

Президентнинг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида”ги 1994 йил 23 август Фармони бажара бориб ва оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш юзасидан

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СЇЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ташкилий тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси 1994 йил 24 августда “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлади. Моддий ёрдам адреслилигини аниқлашнинг, уни чиндан ҳам энг муҳтож кишиларга беришнинг янги тартиби мана шу ҳужжатларда янада тақомиллаштирилди. Кам таъминланган оилага ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш ҳақидаги қарор фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи - шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳарлардаги маҳалла фуқароларининг йиғилиши томонидан, йиғилиш чақириниш мумкин бўлмаган ҳолларда - фуқароларнинг кўча, турар-жой, маҳалла, шаҳарча, қишлоқ, овул вакилларининг мажлиси томонидан қабул қилинади.

Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам тайинлашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўйидаги асосий қоидаларга амал қилади:

- *ижтимоий адолатга оғишмай риоя этиши;*
- *бериладиган моддий ёрдамнинг адреслилигини таъминлаш, уни чиндан ҳам муҳтож оилаларга бериш;*
- *айрим оилалар ва фуқароларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларига боқимандалик муносабатида бўлишига йўл қўймаслик;*
- *оиланинг ўз аъзолари, айниқса бөлалар моддий таъминоти, уларнинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий камолоти, маълумот ва касб даражасини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги масъулиятини кучайтириш;*

Ойлик моддий ёрдам оилага 3 ойлик муддатга тайинланади ва тўланади. Шу муддат ўтганидан сўнг оиланинг моддий аҳволи яхшиланмаган бўлса, ёрдам белгиланган тартибда янги муддатга тайинланиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал

Кам даромадли оилаларга ёрдам.

Президент Фармони билан шаҳарча, қишлоқ, маҳалла фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларида кам даромадли оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус фондлар тузилган. Мазкур фондларнинг асосий манбалари - давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ва бюджетдан ташқари манбалар - жамоатчилик ва хайрия фондлари, корхоналар ва ҳўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг кўнгилли эҳсонлари ва ҳоказолар. Мазкур янги дастур жорий даврда мавжуд бўлган аҳолни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид барча усуллар орасида энг самаралисидир. Маблағлар оилалар ва уларнинг эҳтиёжлари билан таниш бўлган маҳалла кўмиталари томонидан тайинланади. Улар кимга ёрдам бериш зарурлигини ҳал қилиб, энг муҳтож оилаларга маблағ тақсимлашади.

Кам даромадли оилалар молиявий аҳволига қараб энг кам ойлик маошларнинг 1,5 бараваридан 3 бараваригача бўлган миқдорда ёрдам пули олади. 1994 йилда мана шу мақсадлар учун барча бюджет маблағларининг 1,5 фоизи ёки 361,5 миллион сўм сарфланган. Айни вақтда дастур самарадорлиги ҳали аниқланмаган ва у жуда катта имкониятга эга бўлиб, келажакда тобора кўп миқдорда бюджет маблағларини жалб қилиши мумкин.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Оилага ойлик моддий ёрдамни молиялаш манбалари қуйидагилар:

- республика бюджет маблағлари;
- маҳаллий (вилоят, шаҳар ва туман) бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари турли манбалар (ижтимоий ва хайрия фондлари, корхона ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг кўнгилли хайриялари ва бошқалар).

Мазкур маблағлар шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг тегишли жамғарма банк муассасасидаги махсус ҳисобварақларига ўтказилади ва олиб қўйишга руҳсат берилмайди.

Моддий ёрдам доимий истиқомат жойи бўйича фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларига ёки шаҳарча, қишлоқ, овул маҳалласига ёрдам кўрсатиш юзасидан ёзма ариза билан мурожаат этган оилаларга, айрим ҳолларда эса фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тавсиясига кўра тайинланади.

Ойлик моддий ёрдам олиш ҳуқуқига ҳолис сабабларга кўра, оиланинг энг зарур эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган даражада кам даромад кўрадиган оилалар ва ёлғиз фуқаролар (вояга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар); боқувчиси ногирон ёки қисман меҳнат қобилиятини йўқотган ёхуд у сурункали касал бўлган овталар; ипсизларнинг оилалари; ёлғиз пенсия олувчилар ва бошқа жуда муҳтож оилалар) эга.

Аризачининг моддий ёрдамга муҳтожлик даражасини ва ёрдамнинг ойлик миқдорини белгилаш учун фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларида махсус комиссия тузилиб, унинг таркибига раис (оқсоқол), шу органларнинг маслаҳатчилари, котиблари, зарур ҳолларда туман (шаҳар) солиқ ва молия органларининг, меҳнат, иш

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлинмаларининг раислари киради.

Комиссия белгиллаган ойлик моддий ёрдам уни тайинлаш пайтида амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 1,5-3 баравари миқдорига белгиланади, фуқароларнинг умумий йиғинида (мажлисида) тасдиқланади ва шундан кейингина тўланиши зарур.

Фуқаролар йиғини (йиғилиши)га унинг мажлисида қатнашиш учун аризачи ишлайдиган корхона ёки муассаса раҳбари, туман солиқ, молия органлари, туман меҳнат, иш билан бандлик бўйича бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимларининг вакиллари таклиф этиш тавсия қилинади.

Нафақа тарзидаги ижтимоий ёрдам республикада жуда кенг қўлланилади, чунки улар фуқароларда мададга ҳақиқий муҳтожлик сезилган чоғда тайинланади, Ўзбекистонда ижтимоий фондларнинг сочиб юборилишининг олдини олиш, улардан самарали ва табақалаштирилган йўсинда фойдаланиш борасида қабул қилинган йўлга мос келади.

Нафақа тўлашнинг меъёрий негизи тажриба тўпланган, бозор иқтисодиёти йўлида иқтисодий ва ижтимоий шароит ўзгарган сари ривожланиб ва такомиллашиб бораётир.

Ижтимоий ёрдам шунингдек айрим тоифа фуқароларга муайян имтиёзлар ва афзалликлар бериш ёки хизмат кўрсатиш тарзида амалга оширилиши ҳам мумкин. Масалан, шулар жумласига қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларни тўлиқ давлат таъминотидаги интернат уйларда таъминлаш, ёлғиз қариялар ва ногиронларга уйда ижтимоий ёрдам бериш ва ҳоказолар киради.

Статистика далолатига кўра, кўпгина ёлғиз, меҳнатга

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СЎБСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қобилиятсиз кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари доимий парваришга муҳтождир. Ногиронлар ва қарияларни интернат-уйларда таъминлаш мазкур вазифани ҳал этиш йўлларида биридир. Бундай уйларда пенсия олувчиларга ижтимоий ёрдам беришнинг улар озиқ-овқати, кийим-кечаги, тиббий ва маиший хизмати, парвариши каби барча турлари ва асосан давлат ҳисобига ҳамда қисман раҳм-шафқат ва эҳсон тарзида оталиқ корхона, муассаса, ташкилотлар ҳисобига амалга оширилади.

Четдан парвариш қилиш зарурати туғилганда, ёлғиз, меҳнатга лаёқатсиз ва кекса кишиларни таъминлашнинг бошқа бир йўли, уларга уйда, улар одатланган шароитда ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатишдир. Уйда хизмат кўрсатиш зарур бўлган шахсларга уйга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, дори-дармон сотиб олиш, коммунал хизмат, электр энергия ҳақини тўлаш, уй-жойини тозалаш, иссиқ таом тайёрлаш каби ёрдам турлари берилади. Мазкур барча ишларни ижтимоий таъминот органлари ана шу шахсларнинг уйида бажаришади. Ижтимоий хизматларнинг ушбу шакли ҳам нисбатан янги бўлиб, унинг меъёрий-ташкилий негизлари такомиллашиб ва ривожланиб бораётир.

Кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларнинг турли тоифаларига муайян имтиёзлар ва афзалликлар бериш тарзидаги ижтимоий мадад ҳам бундан кам роль ўйнамайди.

Республикада 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, ҳалок бўлганларнинг оилалари, меҳнат фронти ишгирокчилари, Ленинград қамалини бошидан кечирган шахслар, Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда қатнашган кишилар жуда кенг кўламдаги имтиёзлардан фойдаланади. Амалдаги қонунчиликда фашист лагерларининг собиқ тутқунлари, меҳнат

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СПЕСАТНИНГ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

ногиронлари ва болалиқдан ногиронлар учун ҳам мауайян имтиёз ва афзалликлар белгиланган.

Пенсия таъминоти бўйича юқорида тилга олинган имтиёзлар билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор турли тоифалари учун тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон, протез-ортопедия воситалари билан ёрдам бериш, санаторий-курортларда даволаниш, махсус транспорт билан таъминлаш, бир жойдан бошқа жойга бориш, уй-жой-маиший масалаларни ҳал этиш, телефон ўрнатиш, ишга жойлаб қўйиш, қайта ўқитиш, таълим бериш, солиқ солиш соҳасида ва улар учун муҳим бўлган бошқа ҳамма ишларда имтиёзлар белгиланмоқда.

Амалдаги қонун-низомларга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ҳамда Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги 1993 йил 12 мартдаги “Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг имтиёзли қатнаш ҳуқуқларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги Шартнома”га биноан (уни давлатларнинг бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акционерлик темирйўл компанияси раиси, “Ўзавтотранс” давлат акционерлик корпорацияси раиси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий компанияси бош директори имзолаган), Ўзбекистон Республикасида 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида темир йўлда, халқаро автомобиль транспортида ва ҳаво транспортида қатнаш имтиёзларини жорий этувчи тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Транспортда бепул қатнаш ва йилда бир марта (уёққа ва буёққа) 50 фоиз чегирмали қатнаш ҳуқуқини олган фуқаролар тоифалари белгиланди. Бу рўйхатга Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслардан тапқари Чернобил фалокатида ногирон бўлганлар киритилди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

Уруш ногиронлари, қатнашчилари ва фуқароларнинг бошқа тоифалари учун турар-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш юзасидан имтиёзлар кўзда тутилган шунга ўхшаш ҳужжат 1995 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири ва Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат вазири томонидан тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатга биноан четдан парваришга муҳтож ёлғиз пенсия олувчилар ва ногиронлар уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан тўла озод қилинди.

Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган қатнашчилари, байналминалчи жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақидан 100 фоиз, коммунал хизматлар ҳақидан 50 фоиз озод этилди. Уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёз ҳуқуқидан шунингдек уруш қатнашчилари, марҳум уруш ногиронларининг янги никоҳдан ўтмаган хотинлари, ҳалок бўлганларнинг оилалари, “қамалда қолганлар”, шахсий пенсия олувчилар, Чернобил фалокати оқибатида шикастланган фуқаролар, I гуруҳ кўзи ногиронлар, меҳнат fronti ишгирокчилари фойдаланмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ҳамма ижтимоий таъминот турлари кўзланган мақсадларидан, бериш шартлари ва ҳоказолардан қатъи назар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор тоифалари учун давлат тўловлари ва имтиёзлари тизimini ташкил этади. Мазкур масалалардан жамоатчилик ва меҳнат жамоалари ҳам четда тургани йўқ. Меҳнат жамоалари кўрсатадиган ёрдам ички пенсиялар тайинлаш ёки қўшимча тўловларни жорий этиш, ишлаб чиқариш фахрийларига бир галлик мукофотлар беришда ифодала-

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

нади. Меҳнат жамоалари ташаббуси шу билан чекланмайди. Улар идораларга қарашли уйларда ва хизмат квартираларида муҳтожлар учун турар-жой имтиёзлари бериш, коммунал хизматлар, дори-дармон ҳақини қоплаш, ўта муҳтожлар устидан оталиқ қилиш ҳуқуқига эга.

3.0. Хусусийлаштириш жараёнида адресли ижтимоий ҳимоя

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги Ўзбекистон давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари иқтисодий ислоҳотнинг ижтимоий соҳага чуқур йўналтирилгани ва уни амалга ошириш ишига оқилона ёндашилгани билан ифодаланadi.

1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни - Конституцияси иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни, биринчи навбатда мулк ҳуқуқини, эркин иш танлаш ҳуқуқини, адолатли меҳнат шартлари ҳамда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаб берди.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастурда аҳолини адресли ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, унда меҳнат жамоаларининг қуйидагилар юзасидан устунлик ҳуқуқи мустаҳкамланди:

- имтиёзли акция туркумлари сотиб олиш;
- юқори даражада эскирган асосий фондларни бепул олиш;
- ижтимоий инфратузилмалардан бепул фойдаланиш (улар сотиб олинмайди);
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳисобидан асосий фондларни сотиб олишга сарфланган маблағлар миқдорида мол-мулк харид нархидан чегирма;

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- савдо ва хизмат соҳаси объектлари билан бирга ер майдонларини сотиб олиш;

- шахсий томорқа хўжалиги учун ажратилган чек ер олиш;

- қишлоқ хўжалигида - совхозлар мол-мулкни, фермалар, боғлар, узумзорлар ва ҳоказоларни имтиёзли тарзда хусусийлаштириш.

Юқориди санаб ўтилган ҳуқуқлар қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан ҳимоя қилинган. Улар орасида қуйидагилар бор: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”, “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банкротлик тўғрисида”ги қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”, “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартдаги” Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармонини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Нодавлат иқтисодиёт секторида банд бўлган фуқароларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Чорвачиликда ислоҳот-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ларни такомиллаштириш ва деҳқон (фермер) хўжаликларини ҳамда хусусийлаштирилган фермаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шартини билан умрбод эгаллик қилиш учун (сотиш ҳуқуқисиз) ажратиш тўғрисида), “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан бирга сотиш тартиби тўғрисида” ги қарорлари; “Ким ошди савдолари ва танловлар орқали давлат мулкани сотишдан тушаётган маблағларни тўлаш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом”, “Ўзбекистон Республикасида давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг вақтинчалик тартиби”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури”, “Давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан хусусийлаштирилган корхоналарни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиш тўғрисида низом”, “Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ва турли мулкчилик шаклларини ташкил этишнинг вақтинчалик тартиби”, “Пайлар ва акцияларни қайта тақсимлаш, ҳақиқий мулкдорларни аниқлаш тартиби”, “Иқтисодиёт нодавлат секторидида банд бўлган фуқароларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида вақтинчалик низом” каби меъриий ва бошқа талай ҳужжатлар.

Қайта тузилган корхоналар жамоаларининг жуда кўпчилиги турли меъриий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳақиқий имтиёзларга эга эди. Хусусан, уларга:

◆ жами 1 миллиард сўмдан зиёдроқ суммадаги мол-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

мулк (соф фойда ҳисобига олинган, 70 фоиздан кўпроқ эскирган мол-мулк, ижтимоий инфратузилма объектлари, қишлоқ хўжалигида 1230 та совхоз ва бошқа давлат корхоналарининг асосий фондлари) бепул берилди;

- савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек қисман автотранспорт соҳасида нархи туширилгани ҳисобига жами 17 миллион сўмликдан кўпроқ мол-мулк ва асбоб-ускуна бепул берилди;
- Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, Афғонистонда хизмат қилган жангчиларга, врачлар, ўқитувчилар ва илмий ходимларга, аҳолининг кам таъминланган қатламларига кирувчи қатор тоифадаги шахслар ва бошқаларга уй-жой квартираларининг анча қисми (хусусийлаштирилган уй-жой умумий миқдорининг 40 фоизга яқини) бепул топширилди. Фақат Тошкент вилоятидагина бепул берилган уй-жойларнинг умумий қиймати 200 миллион сўми ташкил этди;
- Мол-мулк қийматининг қайта сотув бир галлик бадалини тўлаган хусусийлаштирилган корхоналарнинг барча меҳнат жамоаларига 10 фоизлик чегирма-сийлов берилдики, бу тадбир айниқса йирик иншоотлар учун қўлланилгани муҳим иш бўлди.
- Кўшгина корхоналарга мол-мулк қийматининг қайта сотув ҳақини айрим ҳолларда 3 йилдан 10 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилди (ижтимоий соҳа, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бўйича - 3 йилгача, қорамолчилик фермалари бўйича - 10 йилгача ва ҳоказо). Бу эса кўпчилик меҳнат жамоаларига акцияларни сотиб олиши ва шу йўсинда хўжалик фаолиятининг шаклланиб

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

келаётган бозор шароитига ортиқча уринмай кириши учун реал имконият яратди.

Уй-жойларни хусусийлаштириш жараёнида ҳам таллай имтиёзлар жорий этилди:

- корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ўз ходимлари ва пенсия олувчиларга уй-жой қуриши ёки квартираларни хусусийлаштириш учун олинган қарз ёки кредитни тўла ёки қисман узишлари мумкин;
- меҳнатга лаёқатсиз, ёлғиз қариялар, пенсия олувчилар ва уларнинг оила аъзолари учун, агар уларнинг жон бошига ўртача даромади энг кам иш ҳақидан кам бўлса, шунингдек биринчи бор турмуш қурган ва уй-жойга муҳтож бўлган ёш oilалар ҳамда ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган кам таъминланган фуқаролар тоифалари учун давлат органлари ҳузурида мақсадли коммунал турар-жой фонди тузилади ва ундан хусусийлаштириб олиш ҳуқуқисиз ёлганиш шартномаси тузиш шартларига биноан фойдаланилади;
- 1992 йилгача қурилган квартира ва уйларни қайта сотиб олган фуқароларга, уй-жой ҳақи бир галда тўланган тақдирда пул маблағлари суммаси 10 фоиз, 1992 ва ундан кейинги йилларда қурилган уй-жойларни қайта сотиб олган фуқаролар учун мазкур сумма 20 фоиз, квартира қиймати 2,5 йил давомида 5 йилга тўлаб қўйилган тақдирда ўша сумма тегишлича 5 ва 10 фоиз камайтирилган; Фақат Тошкент вилояти бўйича аҳолига берилган юқоридаги имтиёзлар 56 миллион сўмни ташкил этди.

Республикада қабул қилинган ижтимоий сиёсат тўғрисида аҳоли бошқа қатор имтиёзлар бўйича, жумладан гадбиркорлик фаолияти соҳаси ҳам қатъий кафолат ва ижтимоий мададга эга.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Масалан, хусусийлаштирилган объектлар меҳнат жамоаларининг акциялар туркумини сотиб олган айрим аъзолари (корхонада камида беш йил ишлаган пенсия олувчилар, бир корхонада ўн беш йил ва ундан ортиқ ишлаган меҳнат фахрийлари) умр бўйи кафолатланган даромад билан таъминланган.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг маъмурияти билан тузилган уч томонлама шартнома-битимларда ҳимоя қилинмаган ходимлар тоифаларини ишдан бўшатишда чеклаш ҳамда объектлар фаолият турини 3-5 йил сақлаб туриш кўзда тутилганки, шу орқали муайян давр мобайнида иш ўринлари сони сақланиши кафолатланади ва бинобарин иш билан бандлик соҳасидаги вазият юмшатилади.

Қайта тузилган корхоналарнинг жамоалари ижтимоий инфратузилмалардан (поликлиникалар, болалар боғчалари, дам олиш уйлари, спорт ва санатория-курорт муассасаларидан) бепул, муддатсиз ва мақсадли фойдаланиши ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш доирасини кенгайтиради ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳам имтиёзли соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-маданий хизматлар билан таъминланган шахслар сирасига киритади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга оид давлат дастурига биноан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигида аҳолининг муҳтож ва ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари куйидаги йўналишда амалга оширилаётир:

- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ва болали оилаларга нафақалар тўлаш;
- турар-жой-коммунал мажмуанинг ўз харажатини ўзи қоплашига ўтиш даврида аҳолини қўллаб-қувватлаш (келишув босқичида);

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СЌЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- пенсия тайинлаш учун зарур стаж и бўлмаган ногиронлар ва шахсларга нафақалар тўлаш;

Савдо ва хизматлар соҳаси объекларини ер майдонлари билан бирга сотиб олиш, шунингдек чек ерларни умрбод эгаллик қилиш учун олиш ва уларни мерос қилиб (сотиб хуқуқсиз) қолдириш хуқуқининг қонун ҳужжатларида мустақкамлаб берилгани тадбиркорлар ҳамда қишлоқ аҳолиси учун катта рағбат бўлди.

Хусусийлаштиришдан кейинги даврда қайта ташкил этилган корхоналар кўп ҳолларда ўзларига берилган кафолат ва тараққиёт ҳамда техник қайта куриш ишларига қаратилган лойиҳаларни (дастурларни) молиялаш учун имтиёзли кредитлар ва қарзлар олиш шаклидаги мададдан фойдаланаётир.

Меҳнат вазирлиги Иш билан бандликка ёрдам фонди орқали тадбиркорликка ва ўзини ўзи иш билан банд қилишга кўмаклашмоқда. Мазкур маблағлар ҳисобига турли мулк шаклиаридаги корхоналарда 17,5 мингдан кўпроқ янги иш ўрни қайтадан ташкил этилди.

Қайта тузилган (акциядорлик) корхоналарнинг самарали ишлаши кўп жиҳатдан қимматли қоғозлар бозори қандай ривожланишига боғлиқ. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастури бажарила борган сайин акция эгалари сони ҳам кўпайиб бораётир. Биринчи навбатда хусусийлаштирилаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг аъзолари акция эгалари бўлишди. Жамоа аъзоларининг айримлари жами 300 миллион сўмга яқин имтиёзли акция олишди.

Фонд биржаси иш тажрибасидан маълум бўлишича, ҳозирги вақтда қимматли қоғозлар бозори тобора ривожланмоқда ва республика аҳолисининг анчагина қисми фойдаланадиган жой бўлиб қолди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

4.0. Меҳнат бозорини қонун билан тартибга солиш

4.1. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши

Ўзбекистонда бозор ислохотлари бошланмасдан илгари, иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви даврида иш билан ялпи бандлик йўли эълон қилинардди. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаш мажбурийлигини қонун тақозо этарди. Шунга биноан кўпроқ шаҳарларда иқтисодиётда устун давлат секторида иш ўринлари вужудга келтириларди, ваҳоланки, аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди. Шу тариқа иш билан бандликни таъминлаш тadbирлари меҳнатга талаб ва таклиф билан етарлича мосланмас ва минтақавий хусусиятлар ҳисобга олинмасди. Бунинг оқибати ўлароқ меҳнат имкониятларидан самарали фойдаланилмас ва иш билан бандлик тузилмаси оқилона ташкил этилмасди. Қишлоқ жойларда кўпгина иш кучи резервлари мавжуд бўлганига қарамай, шаҳарларда ишчи ихтисосликлари бўйича малакали ходимлар тақчиллиги юзага келарди.


Бозор иқтисодиётига ўтиш меҳнат соҳасида туб ўзгаришлар ясашни, аста-секин меҳнат бозорини шакллантиришни тақозо этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсатида талаб билан таклиф ўзаро монандлигини таъминловчи меҳнат бозорининг миллий моделини шакллантириш марказий ўринлардан бирини эгаллади. Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов таъкидлаганидек: “Меҳнат бозорисиз, иш кучини товарга айлантирмай туриб, бозор муносабатлари тўғрисидаги гаплар гап бўлиб қолаверади”.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумот учун материал



<u>Мулкчилик шакллари</u>	<u>1993</u>	<u>1994</u>
Давлат сектори	55,8	50,4
Нодавлат сектори	44,2	49,6
<i>жумладан:</i>		
Акциядорлик жамиятлари	1,0	1,3
Ижара корхоналари	1,7	1,9
Давлат фондлари	0,3	0,7
Қўшма корхоналар	0,2	0,7
Хусусий корхоналар	1,1	1,6
Кооперативлар	2,6	3,0
Жамоа хўжаликлари	19,4	19,7
Хусусий ерга эгаллик	7,9	8,4
Ўзини ўзи иш билан банд қилиш	1,2	1,3
Фермер хўжаликлари	0,4	0,7
Бошқа соҳалар	8,4	10,3

*Иқтисодийёт секторлари бўйича иш билан
бандлик таркиби (%)*

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида бошланган жараёнлар иш билан бандлик таркибида янги тамоғиларни юзага келтирди, корхоналар ва тармоқлар, меҳнат фаолият соҳалари ва турлари ўртасида ишчи кучининг ҳаракати жадал ўсиши учун шароит яратди. Давлат секторида ишчилар сонининг камайиши нодавлат сектор хўжалик юритувчи субъектларининг тез кўпайиши билан боғлиқ. Давлат мулкни босқичма-босқич хусусийлаштириш, эски корхоналарни қайта тузиш ва янгиларини барпо этиш натижасида аҳолининг иш билан бандлиги анча ортди. Бунга кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан имтиёзли кредит бериш ва солиққа тортиш, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур инфратузилмаларни ташкил этиш ҳам ёрдам берди.

Ислоҳотлар даврида қишлоқ хўжалик аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлашда фермерлик ҳаракат миқёсларини кенгайтириш ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этди. Қишлоқда янги соҳаларнинг очилиши натижасида хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш жараёнларида иш билан банд бўлган ходимлар сони унчалик тез кўпаймади. Хусусий тадбиркорлик, жумладан фермерлик учун реал шарт-шароит яратиб берилиши бунга имкон бермади.

Давлатнинг меҳнат бозорини шакллантириш ишидаги фаол иштироки меҳнат муносабатларига давлат аралашуви ва давлат меҳнат сиёсатининг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Бир қарашда, ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси меҳнат бозорининг ишига давлат аралашуви зарурлигига шубҳа туғдиради. Гарчи ривожланаётган мамлакатлар-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

нинг 90 фоизда бирон-бир даражада меҳнат сиёсати юритилса-да, у турли шаклларда, нари борса, расмий рўйхатта олинган сектордаги иш билан банд кишиларнигина, яъни даромади қўйи даражадаги мамлакатларда меҳнат ресурсларининг атиги 15 фоизини, даромади ўрта даражадаги мамлакатларда эса 45 фоизини қамраб олади.

Даромади қўйи ва ўрта даражали мамлакатлардаги меҳнат бозори сиёсати қишлоқ хўжалигида ёки шаҳарнинг рўйхатта олинмайдиган секторда банд бўлган кўпчилик ходимлар аҳволига ҳеч бир таъсир этмайди. Аслида бундай ходимлар энг камбағаллар сирасига киради, улар кўпинча расмий рўйхатга олинган секторда банд бўлган кишилар иш ҳақининг ярмидан камини олади ва, бинобарин, ижтимоий ҳимояга муҳтож.

Бу ҳол мазкур мамлакатларда меҳнат бозорига давлат аралашуви мақсадга мувофиқ эмаслигини билдирадими? Мазкур сиёсат энг муҳтожлар аҳволига бирон-бир таъсир этмаса, қабул қилинаётган қарорлар қоғозда қолиб кетадими? Албатта, йўқ. Давлат дастурини рўйхатта олинмайдиган сектор ходимлари меҳнат шароитини яхшилаш йўли билан улар фаровонлигини оширишга кўмаклашувчи маҳаллий даражада қабул қилинадиган тадбирлар тўлдириши мумкин. Расмий рўйхатта олинмайдиган секторда давлат аралашуви баъзан бозорлар янада самаралироқ ишлашини, ночор ходимлардан иборат табақаларнинг тенглиги ва ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур.

Қишлоқ хўжалиги ва рўйхатта олинмайдиган сектордаги ходимларга расмий рўйхатта олинмайдиган сектордагиларга нисбатан кўпроқ зарарли шароитларда меҳнат қилишга тўғри келади ва улар иш билан бандлик кафолатига ҳам эга эмас. Меҳнат шароитини буйруқ, кўрсатма тадбирлари билан эмас, балки кўпроқ бевосита ижтимоий

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ҳаракат орқали яхшилашга эришиш мумкин, бу эса шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги жойларда сув таъминоти ҳамда канализация, йўл ҳўжалиги ва дренаж иншоотлари тизimini мустаҳкамлашда, санитария-экология вазиятини яхшилашда ўз ақсини топади. Даромадларни таъминлашга оид норасмий режалар давлат трансфертларига оид дастурлар билан уйғунлашуви: одатда ижтимоий ишларга тааллуқли дастурлар меҳнатга қобилиятли аҳолини қўллаб-қувватлаш учун имконият яратиши мумкин.

Корхоналар билан мустақил касаба уюшмалари ўртасида жамоа шартномаларини тузиш - расмий рўйхатга олинган секторда иш ҳақини ва меҳнат шартларини белгилашнинг самарали усулидир. Бироқ, кўпгина ҳолларда ҳукумат, 80-йилларгача Кореяда бўлгани каби, касаба уюшмалари фаолиятига қарши иш кўради. Баъзан, Индонезияда бўлганидек, ҳукумат мустақил касаба уюшмалари тузиш тўғрисидаги талабларга ён босиб, меҳнат шароитини яхшилашга хизмат қилувчи бевосита тадбирлар кўради. Масалан, энг кам иш ҳақини оширади, аммо бу ҳол иш билан бандликнинг камайишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Айни вақтда ҳукумат меҳнат жамоаси билан корхона ўртасида музокара юритиш қоидаларини жорий этиши, низоларни бартараф этиш механизмларини вужудга келтириши, гигиена ва меҳнат хавфсизлиги тўғрисидаги асосий қонунларни қабул қилиши лозим. Касаба уюшмалари эса бу қонунларга амалда қандай риоя этилаётганини назорат қилиб туриши мумкин. Меҳнат ресурсларининг оз қисмигина касаба уюшмалари томонидан қамраб олинган даромади қуйи ва ўрта даражали мамлакатларнинг кўпчилигида рақобатли ишлаб чиқариш бозорлари вужудга келган шароитда ўтадиган музокаралар жараёнини марказлаштиришдан воз кечиш жуда яхши натижа беради. Бундай

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

I.

Маълумот учун материал

Дулис буйича иш билан машғуллик


Меҳнат фаолиятидан олинмайдиган даромад ҳам камбағал, ҳам бой ҳўжаликлар кўпчилигининг турмуш шароитини асосан белгилаб беради. Дунёда самарали фаолият билан банд 2,5 миллиард аҳолидан 1,4 миллиарди камбағал мамлакатларда яшайди, аниқлашларга қараганда, уларда аҳоли жон бошига йиллик даромад 1993 йилда салкам 695 АҚШ долларини ташкил этган. Яна 660 миллион киши ўртача даромадли мамлакатларда яшайди, 380 миллион киши яшайдиган юқори даромадли мамлакатларда аҳоли жон бошига йиллик даромад 1993 йилда 8626 АҚШ долларидан кам эмас. Мазкур уч тоифадаги мамлакатларда иш билан бандлик таркибида кескин фарқ кузатилади. Камбағал мамлакатларда меҳнат ресурсларининг 61 фоизи - қишлоқ ҳўжалигида асосан оялавий ер майдонларида, 22 фоизи қишлоқ жойларда ноаграр фаолият турларида, шаҳарларда рўйхатга олинмайдиган секторда иш билан банд. 15 фоизи шаҳарларда меҳнат шартномаси асосида, кўпроқ саноатда ва хизмат кўрсатиш секторида ишлайди. Ўртача даромадли мамлакатларда меҳнат ресурсларининг 29 фоизи шаҳарларда ва

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

II.

рўйхатга олинмайдиган секторда банд, 46 фоизи эса саноат ва хизмат кўрсатиш секторида ишловчи ёлланма ходимлардир. Бой мамлакатларда кўпчилик ходимлар расмий рўйхатга олинмайдиган секторда, жумладан, 4 фоизи - қишлоқ хўжалигида, 27 фоизи - саноатда, 60 фоизи - хизмат кўрсатиш секторида ишлайди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг кўпчилиги кам даромадли мамлакатларда яшайди. Уларда аҳоли зичлиги сабабли иш билан бандларнинг салкам ярми - саноатда меҳнат қилади; дунёдаги ишсизларнинг учдан бирга яқини ҳам шу мамлакатлардадир. (Суратга қаранг).



◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон меҳнат ресурсларининг секторлар ва мамлакат гуруҳлари бўйича таркибий тузилиши

Маълумотлар 1995 йилги тахминларга асосланган бўлиб, ҳар бир даромад гуруҳига мансуб мамлакатларни танлаш йўли билан тузилган. Манба: Жаҳон банки ходимларининг қўйидаги материаллар асосидаги баҳолари: EBRD 1994; JLO 1986; Жаҳон меҳнат танкилотининг янгиланган маълумотлари қўйилган; JLO, турли йиллардаги нашрлар, айрим мамлакатларнинг расмий маълумотлари.

Иш ҳақи ўсиши - экспорт йўналишини кенгайтирган мамлакатларда қайд этилган;

Йиллик фоизлар		
3		
2		
1		
0		
1	Экспорт яши ички маҳсулот нисбатлари қисқараётган мамлакатлар	Экспорт яши ички маҳсулот нисбатлари ўсаятган мамлакатлар

Саноатда реал иш ҳақининг ўсиши ва экспорт йўналиши. 1970-1990 йиллар бўйича ўртача йиллик кўрсаткичлар экспорт яши ички маҳсулот нисбатлари қисқараётган 37 мамлакатдан танлаб олинган маълумотлар бўйича келтирилган.

Манба: ЮНИДО ва Жаҳон банки маълумотлари.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ёндашув Гонгконг ва Японияда аллақачондан буён қўллан-
илади, ҳозирда эса у Корея ва Чилида ёйилмоқда.

Болалар меҳнати ҳақида гап борганда, шунингдек бо-
зор воситалари номақбул натижаларга, масалан, аёллар-
нинг камситилишига сабаб бўладиган ҳолларда давлатнинг
бевосита аралашуви мақсадга мувофиқдир. Аммо бунинг
учун ишларни меъёрий тартибга солишнинг ўзигина ки-
фоя қилмайди. Расмий рўйхатга олинadиган секторда бо-
шқа чораларни кўриш, хотин-қизларга арзон таълим бе-
риш, уларнинг ишга кириш имкониятини кенгайтириш
зарур. Ҳиндистонда болалар меҳнатини тартибга солувчи
қатъий қонунлар чиқарилган, аммо миллионлаб болалар
кўпинча зарарли шароитда ишлайди. Болалар меҳнати
маълум даражада камбағаллик аломатидир. Аммо болалар
меҳнатининг энг хавфли ва камситувчи жиҳатлари билан
кураш олиб бориш учун камбағаллик даражасининг па-
сайишини кутиб ўтириш шарт эмас. Масалан, жамоат таш-
килотлари ҳаракати туфайли Филиппиннинг Пагсаньян
шаҳрида болалар фоҳишабозлиги кескин камайди. Брази-
лия, Ҳиндистон, Филиппинда маҳаллий жамоат ташки-
лотлари давлат мадади билан ишлаётган болалар саломат-
лигини яхшилашга ва улар учун маълумот олиш имкони-
ятини янада кенгайтиришга эришмоқда.

Давлат секторида иш билан бандлик сиёсатини юри-
тиш зарур. Кўпгина ходимлар тиришиб, самарали меҳнат
қилади. Аммо кўйи ва ўртача даромадли мамлакатларда
меҳнат аҳдоқ-одоби ёмонлиги сабабли давлат хизматининг
сифати пасайди, бу ҳолходимлар ҳаддан ортиқ кўпайиб
кетгани, иш ҳақи камлиги ва бошқарув самарасизлиги ту-
файли юз берди. Кўп ҳолларда вазиятни яхшилаш учун
давлат секторида банд бўлганлар иш ҳақи даражасини
ошириш ва ходимлар сонини камайтириш, шу билан бир-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СЌЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

га хизматга ёллаш ҳамда мансабга кўтариш тартибини та-комиллаштириш, давлат хизматчилари, ўқитувчилар, тиб-бий ҳамширалар ва маъмурий ходимлар масъулиятига оид асосий қоидаларни мустаҳкамлаш керак бўлади. Давлат ролини қайта идрок этиш унинг қарамоғида қолган соҳ-аларда давлат тузилмалари самарадорлигига эришиш за-рурлигини таъкидлайди.

Агар касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқини қўллаб-қу-вватлаш ва жамоа бўлиб музокара юритиш, шунингдек болалар меҳнатини қисқартириш миллий асосга эга бўлса, мазкур асосий қоидаларни халқаро савдо битимлари би-лан боғлаш ҳамда улар бузилган ҳолда жазо чоралари кўриш яхши натижа бермасмикан? Масалага бундай ёндашув та-рафдорлари кўпгина кишилар учун асосий ҳуқуқларга ўхшайдиган ва бевосита ишчи кучига қилинадиган бево-сита боғлиқ бўлмаган асосий меъёрлар билан тараққиёт даражасига бевосита боғлиқ энг кам иш ҳақи сингари стан-дартларни бир-биридан фарқлашади. Бу мулоҳаза ўринли ва асосий меъёрлар халқаро ҳамжамият эътиборига сазо-вордир.

Шу тариқа, давлатнинг меҳнат бозорида фаол қатн-ашуви бу бозор самарали ишлаши учун зарур шартлардан биридир.

Ўзбекистонда меҳнат бозори ривожланишига давлат аввало меҳнатга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш орқали таъсир этмоқда.

Бозор иқтисодиётининг асосий таркибий қисмлар-идан бири сифатида меҳнат бозорининг шаклланиши меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласига янгича ёндашувларни тақозо қилди. Меъёрий жиҳатдан таъминланган бозор рағбатлари са-марали таъсир кўрсатиши учун шарт-шароит яратувчи

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ташкилий тадбирлар тизимини вужудга келтириш лозим бўлди.

Меҳнат бозорига ўтишнинг энг муҳим шарти - иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларда тенглик ва эркинлик ўрнатишдир. Ислохотдан илгариги иқтисодиётда ходимнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бериқилиши нафақат мазкур воситаларга давлат мулкчилиги асосида, балки ишчи кучини давлатлаштириш негизида ҳам рўй беради. Шунга мувофиқ ҳам ходим, ҳам иш берувчи корхона, танкилот, муассаса маъмурияти ўзаро меҳнат муносабатларида жуда арзимас даражада эркин бўлиб, улар қўллаб аниқ омиллардан қатъи назар бараварлаштирувчи қонун жорий этган кўрсатмалар билан боғланган эди. 1995 йил 21 декабрида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ривожланишига мос янги Меҳнат кодекси қабул қилинди ва 1996 йил апрелидан бошлаб амалга киритилди. Иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларнинг кодекс белгилаган асосий қойдаси шу муносабатни шартнома орқали тартибга келтиришдан иборат бўлди. Томонлар - иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси, улар орасида келишувга эришилса, эндиликда ишга қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қонун ҳужжатлари ходимлар учун энг кам мажбурий даражада меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини жорий этадики, мазкур даража меҳнат шартномасида пайсатирилиши мумкин эмас. Шу тариқа меҳнат муносабатларида иш берувчи билан ходимга талайгина эркинлик берилади.

Меҳнат бозори самарали ишлашининг бошқа бир шарти ишдан кетган ва фаол иш излаётган шахсларга ёрдам кўрсатиш ҳамда ана шу даврда моддий мададдан, ишга жойлаштишда, меҳнат бозори талабгор бўлган касб ёки

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ихтисосни эгаллашда кўмаклашишдан иборат. Бундай мадданинг ҳуқуқий негизи ва уни кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунда, Меҳнат кодексда ва бошқа ҳужжатларда белгилаб берилган.

Ниҳоят, бозор иқтисодиётида меҳнат муносабатларини шакллантиришда касаба уюшмалари ва меҳнаткашларнинг бошқа ваколатли органлари жуда муҳим вазифани бажаради, улар иш берувчи, яъни иқтисодий жиҳатдан ҳимояланган ва кучли томон билан муносабатларда меҳнаткашларнинг манфаатларини муҳофаза этади.

Ўзбекистонда аҳолининг меҳнат билан бандлиги, меҳнат бозорининг самарали ишлаши соҳасида узоқ муддатли давлат стратегиясини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги демографик шароит билан белгиланади. Аҳоли таркибида ёшлар улусининг кўпчилиги яқин келажакда ишчи кучи имкониятини ошириш учун замин яратади. Бу эса республиканинг бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ хўжалик ва ижтимоий тараққиёт дастурларида ҳисобга олинади.

Бозорга чинакам ўтиш босқичида давлат аҳоли бандлигини таъминлашда фаол сиёсатни давом эттирмоқда. Тафовут шундаки, бундай шароитда давлат тадбирлари иқтисодий, бозор механизмларини рағбатлантиришга қаратилган. Шу асосий қоидага биноан қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш учун шароит яратишда давлат ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Асосий вазифалардан бири - ишчи кучининг бир қисmini қишлоқ хўжалик соҳасидан ноқишлоқ хўжалик соҳага йўнаштиришдан иборат. Мазкур мақсадларга эришиш учун қишлоқ жойларда кичик корхоналар очиб рағбатлантирилмоқда. Бундай кичик корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ишлаш, чакана савдо ва умумий овқатланиш, маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, автотранспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда юзага келиб, ишчи кучига талабни кенгайтиришда ёрдам беради ҳамда ходимларнинг кундалик маҳсулот тайёрлаши ва қайта тайёрлаши учун катта имконият яратади. Эркин ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида бундай тадбирларнинг самарадорлиги бошқа, билвосита шаклда ҳам намоён бўлади. Кичик аҳоли истиқомат жойларида, қишлоқ хўжалик асосий хом ашё манбалари ёнгинасида маҳсулотларни қайта ишловчи, замонавий технология билан қуролланган майда корхоналарнинг жадал барпо этилиши қишлоқ аҳли учун мос иш ўринларини ўз-ўзидан таъминлабгина қолмай, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан барқарор талабни юзага келтириб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида ва бошқа турдош соҳаларда ҳам кўшимча ишчи кучларини вужудга келтиришни рағбатлантиради.

Иш қидириб юрган кишиларни нокорпоратив бизнеснинг турли соҳаларига, жумладан, якка тартибда кийим-кечак, пойабзал тикиш, уй мебелларини ясаш каби ишларга жалб этиш уларга ёрдам кўрсатишнинг самарали йўналиши бўлиб қолди. Бунда бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар гуруҳи учун маҳсулот сақлаш ва сотиш, шу маҳсулотга талабни аниқлаш борасида умумий тузилмалар шаклланмоқда.

Юқоридаги мисоллардан кўринадикки, ислохотлар даврида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсати иқтисодиётнинг тобора қисқариб бораётган давлат секторидан ходимларни муқобил, нодавлат секторига жалб қилишга қаратилган. Бозор иқтисодиёти шароитида қонун ҳужжатлари билан мустақамланган, аҳоли бандлиги соҳ-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

асига давлат ёрдамини кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган йўналишлар - ходимлар оммавий равишда ишдан бўшатилишининг олдини олиш, ишдан бўшашга мажбур бўлган ва бўшаш арафасида турган фуқароларни мақсадли қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, иш излаётган шахсларга касб ўргатиш, қайта тайёрлаш, бизнес юритиш асослари билан таништириш негизда уларнинг ўзини ўзи иш билан банд қилишига ва тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларига мадад бериш кабилардан иборат.

4.2. Елланма меҳнат ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатлари меҳнатнинг эндиликда сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган бозор маҳсулоти сифатида намоён бўлишини ҳисобга олиб, ҳуқуқий тартибга солинади. Шу муносабат билан республика Меҳнат кодексига мустақамланган меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ходимлар ва иш берувчилар, давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва саломатлиги ҳимоя қилинишини таъминлаш, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифатининг яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашишдан иборат.

Меҳнат кодекси Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида амал қилади ва барча мулкчилик шаклларидаги корхоналарда меҳнат шартномаси бўйича, шунингдек айрим фуқаролар, жумладан, тадбиркорлар қўлида ҳамда чет эл фирмаларида ишлайдиган жамики шахсларга нисбатан таъбиқ қилинади. Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

нинг муайян ёшга етган ва иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин.

4.3. Меҳнат ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс учун меҳнат қилиш, эркин иш тавлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш, қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш (37-модда) ва пул тўланадиган дам олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мавжуд қонун ҳужжатлари Конституцияда баён этилган ҳуқуқларни ойдинлаштиради ва тўлдиради, улардан фойдаланиш, бу ҳуқуқлар бузилган тақдирда уларни ҳимоя қилиш ва тиклаш шартларини белгилайди.

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқлари ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигига, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятлари ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб, меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 6-моддасида камситишга йўл қўйилган тақдирда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши назарда тутилди. Меҳнат соҳасида ўзини камситилган, деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СМЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қонун меҳнат ҳуқуқи бериш билан бирга мажбурий меҳнатни, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни таъқиқлайди. Меҳнат кодексига мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайдиган ишларнинг турлари кўрсатилган, улар жумласига: ҳарбий ва муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида; фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда; суднинг қонуний қўчга кирган ҳукмига биноан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар кирadi.

4.4. Ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини тузиш

Меҳнат кодекси ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ишлатиш соҳасида иш берувчининг ҳуқуқларини хийла кенгайтирди, ёмон ишлаётган ёки меҳнат интизомини бузаётган кимсалар билан меҳнат муносабатларини тўхтатиш учун ҳақиқий имконият яратди. Айни пайтда қонун фуқарони ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишдан, меҳнат шартномасини асоссиз равишда ўзгартириш ва бекор қилиш ҳолларидан ҳимоя қилинишни мустаҳкам таъминлайди.

Ўз қобилиятларини унумли ва ижодий меҳнатда ишга солиш, қонун таъқиқламаган ҳар қандай фаолият юритиш бўрасидаги мулақ ҳуқуқидан фойдаланиб ходим иш берувчига ёки меҳнат органига тўғридан-тўғри мурожаат этиб, ўзи учун иш жойини эркин тарзда танлай олади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 78-моддасида ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмаслик кўзда тутилади. Ишга қабул қилишда жинси, ёши, irqи, миллатига ва ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган ҳамда юқорида келтирилган

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

бошқа жиҳатларга қараб чеклаш ҳоллари содир бўлганда, бу - ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш, деб ҳисобланади. Иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик ҳам қонунсиз деб саналади. Иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларга - белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган ногиронлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилишни рад этиш ҳам қонунга хилоф иш ҳисобланади.

Айни вақтда қонунчиликда мустаҳкамланган асослар бўйича ишга қабул қилишни рад этиш - қонуний деб ҳисобланади. Бунда ходимларнинг муайян тоифаларидан муайян турлардаги ишларда фойдаланишга оид айрим таъқиқлар ва чеклашлар назарда тутилади. Масалан, ноқулай шароитда, ер ости ишларида 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш ман этилади. Аёлларга нисбатан ҳам шундай қоида белгиланган.

Меҳнат кодексининг 79-моддасига биноан ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, она-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади. Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани; меҳнат

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно (ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани); ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани (ҳарбий хизматта мажбурлар ёки чақирилувчилар); олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёки мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни, масалан, аввалги иш жойидан тавсифнома ёки бошқа бир ахборотни талаб қилиш қонун билан тақиқланади. Шу муносабат билан қонун ҳужжатларига биноан меҳнат дафтарчаларини тутиш юзасидан янги талаблар жорий этилган: энди уларда меҳнат шартномасини бекор қилганлик сабаби кўрсатилмайди. Мазкур сабаб фақат буйруқда Меҳнат кодексининг шартномани бекор қилишга оид тегишли моддаси таърифига тўла мувофиқ ҳолда кўрсатилади. Буйруқ нусхаси ходимга меҳнат дафтарчаси билан бирга топширилади.

Ходим иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузар экан, муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда, тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида, ҳақ эвазига бажаришга рози эканлигини билдиради.

4.5. Меҳнат шартномасининг шакли ва мазмуни, уни тузиш муддатлари

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Унинг шакли Ўзбекистон Республикаси ҳуку-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

мати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Ёзма меҳнат шартномаси (нонуайян муддатга қабул қилинадиган) доимий ходимлар билан ҳам, муайян муддатга (беш йилгача), маълум ишни бажариш вақтига мўлжаллаб, асосий иш жойи бўйича ҳамда ўриндошлик асосида ишлайдиган ходимлар, касаначилар ва ҳоказолар билан ҳам тузилади. Меҳнат шартномасини тузадиган тарафлар, бир томондан, иш берувчи - ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхона, муассаса, ташкилот, унинг раҳбари ёки махсус ваколатли ходими сиймосида; ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи айрим фуқаролар; иккинчи томондан, ўн олти ёшга тўлган фуқаро - ходимдир. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан, болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил инларни бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишувчи бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонулар ва бошқа метёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномасида белгилаб қўйиладиган мажбурий шартлар қуйидагилардир: иш жойи (корхона ёки унинг бўлинмаси); ходимнинг меҳнат вазифаси - мутахассисли-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ги, малакаси, у ишлайдиган лавозим; ишнинг бошланиш кунин; меҳнат шартномаси муайян муддатга мўлжаллаб тузилганда унинг амал қилиш муддати; меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатта оид бошқа шартлар. Мажбурий шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, ходим муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб ишга қабул қилинганда ходим амалга ошириш учун қабул қилинаётган иш меҳнат шартномасида аниқ кўрсатилиши шарт. Ўриндошлик шартин билан меҳнат шартномаси тузилганда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган энг кўп кундалик иш давомийлиги доирасидаги кундалик иш давомийлиги аниқ белгиланиши шарт.

Меҳнат шартномасида иш берувчининг ходим меҳнат фаолиятини ташкил этиш, хавфсиз ва самарали меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш, иш ўрнини меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига биноан жиҳозлаш, оғир ва зарарли шароит учун товон тўловлари ва имтиёзлар бериш бўйича мажбуриятлари, амалдаги меъерий ҳужжатлар ва жамоа шартномаси шартларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлари келтирилади.

Юқорида таъкидланганидек, меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа меъерий ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасида ундан ташқари, тарафларнинг келишуви билан қўшимча шартлар кўзда тутилиши мумкин. Улар тарафларнинг мажбуриятларини аниқлаштиради, тўлдиради, ходимга қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар беришни назарда тутди. Қўшимча шартларга қўйидагилар кириши мумкин: меҳнат шартлари белгиланган ҳолда ходим зиммасига қўшимча меҳнат мажбуриятлари-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ни юклаш; касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб бажариш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб бажариш; агар ходим ишга синов муддати билан қабул қилинаётган бўлса (қайси вақтдан қайси вақтгача) аниқ синов муддати; ходимнинг юқори малакаси, мураккаброқ ишларни бажариши билан боғлиқ равишда меҳнат ҳақининг юқорироқ миқдори (тариф ставкаси, лавозим маоши, қўшимча тўловлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа тақдирлашлар) - агар булар амалдаги қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида ёки корхона, ташкилот, муассасада амал қиладиган бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса; ходим учун белгиланган иш вақти тартиби (тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, соатбай иш, иш кунининг бошланиши ва тугаши кабилар); қўшимча таътил, дам олиш кунлари бериш ва ижтимоий-маиший тусдаги шартлар (болалар боғчасида ўрин билан таъминлаш, санатория-курортда даволаниш йўлланмалари, транспорт хизмати кўрсатиш, овқатланиш учун тоовон тўловлари, уй-жой бериш ва бошқалар).

Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, меҳнат шартномалари: номуайян муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган, деб ҳисобланади. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат кодексининг 76-моддасига биноан иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланади ва муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходим-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

нинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилади, деб таъкидланади. Бу - мавсумий иш ёки аниқ вазифаларни бажариш вақтига мўлжалланган, ходимлар рўйхатига киритилган иш, масалан, тугатиш балансини топшириш пайтида бухгалтерлик лавозими бўлиши, пенсия олувчи ходим манфаатларини кўзлаб - шу даврда тўлиқ миқдорда пенсия олиш мақсадида икки ойга мўлжалланган меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади. Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади, ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этилади. Мансабдор шахснинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини тузган тарафлар тенглигининг асосий қондасига биноан ишга қабул қилиш пайтидаги дастлабки синов тартиби белгилаб қўйилган. Уч ойдан ошиб кетиши мумкин бўлмаган синов муддати ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш учунгина эмас, балки ходимнинг шарглашилган ишни давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши учун ҳам белгиланади. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

4.6. Меҳнат шартномасини ўзгартириш, меҳнат шартларини ўзгартириш

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан биринчи марта меҳнат шартларини белгилаш ва ўзгартиришнинг ягона тартиби ўрнатилди, меҳнат шартномасини тузган тарафлардан бирининг ташаббуси билан меҳнат шартлари ўзгартирилиши мумкинлиги қайд этилди.

Меҳнат шартлари дейилганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг мажмуи тушунилади.

Ижтимоий омиллар жумласига меҳнат ҳақи миқдори, иш вақти, таътил муддати ва бошқа шартлар киради. Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чиқариш, маиший ва бошқа шартлар ишлаб чиқариш омиллари жумласидандир.

Меҳнат шартларидаги барча ўзгаришлар ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилади ва меҳнат шартларини ўзгартириш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун чиқарувчи иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқини белгилаб беради. Бундай ҳуқуқ фақат технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар бўлиши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши муносабати билан, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдидан аниқ бўлган ҳоллардагина берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчига корхона эгаси сифатида ҳўжалик ҳисоб-китобини мустақил равишда юритиш ҳуқуқи берилганини ҳисобга олиб, қонун чиқарувчи иш берувчи ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар асосли эканлигини исботлаб берган тақдирдагина унинг

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОИЙ СЌЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқини белгилаб беради ва унинг зиммасига аввалги меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини, ходим шу масала юзасидан судга шикоят қилган тақдирда асослаб, бериш мажбуриятини юклайди.

Ходим розилигисиз меҳнат шартлари ўзгартирилганда, иш берувчи олдиндан касаба уюшмасидан ёки корхонадаги ходимларнинг вакиллик органидан маслаҳат олиши ва, кейинчалик, жамоа шартномасида келишиб олиш кўзда тутилган бўлса, улардан розилик олиши зарур.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт. Огоҳлантириш билан бир пайтда у худди шу корхонада ходимга бошқа бир ишни таклиф қилади. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ҳолдагина меҳнат шартномаси бекор қилинади. Турдош касблар ва лавозимлар доирасида иш берувчи ходимлар ўрнини алмаштириб, малакалироқ ходимлар афзаллик беради.

Меҳнат шартлари ўзгартирилиши муносабати билан ходимдан меҳнат вазифасини ўзгартириш юзасидан розилигини олгач, иш берувчи бу ходимни бошқа доимий иш, бошқа ихтисослик, малака, лавозим бўйича ўтказади. Бу ўзгаришлар меҳнат шартномасига киритилади ва иш берувчи буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи. Меҳнат кодексига биноан энди иш берувчининг ўзигина эмас, балки ходим ҳам меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Меҳнат ҳақидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда ходим бундай шартларни ўзгартиришни илтимос қилибгина қолмай, балки талаб қилишга ҳам ҳақлидир. Ҳам ишлаб чиқариш, ҳам

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СЎЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ижтимоий омиллар, шунингдек соғлиқ ҳолати, аёлнинг ҳомиладорлиги, аёлларнинг икки ёшга етмаган болалари борлиги шундай талабларга асос бўлиши мумкин.

Ходим меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги ари-засида у аввалги меҳнат шартлари бўйича иш бажара ол-маслигининг сабабларини баён этади. Иш берувчи ариза-ни уч кундан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Агар меҳнат шартлари узрли сабабларга биноан ўзгартирилган ҳамда корхонада ходим талабларини қондириш имкония-ти мавжуд бўлса, ариза ижобий ҳал қилинади.

Иш берувчи аризани рад этган тақдирда унинг са-бабларини маълум қилиши керак. Ходимга унинг талаб-ларини рад этиш сабабларини маълум қилмаслик унинг иш берувчи хатти-ҳаракатлари хусусида ходимлар манфа-атини ҳимоя қилувчи ходимларнинг вакиллик органи орқа-ли, меҳнатга оид низоларни кўриб чиқиш комиссиясига ёки бевосита судга шикоят қилиш учун тўсиқ бўлолмай-ди.

Бошқа ишга ўтказиш. Меҳнат бозори шароитида ўзга-рган талабларни ҳисобга олган ҳолда, қонунда ходимни бошқа ишга ўтказиш тушунчасига ходимга бошқа ихти-сослик, малака, лавозим бўйича иш топшириш, яъни ишбу корхона доирасидагина ходимнинг меҳнат вазифасини ўзгартириш деб қаралади. Бошқа ишга ўтказиш фақат хо-дим розилиги билангина амалга оширилади.

Иш жойини ўзгартириш. Тарафлар келишуви билан шартлашилган меҳнат шартномаси ходимга муайян ихти-сослик, малака, лавозимда ишлаш ҳуқуқини беради, шу боисдан ҳам меҳнат шартномасида умуман бажарилди-ган ишнинг қандай қайд этилиши муҳим эмас. Меҳнат кодексининг 91-моддасида меҳнат шартномасида шартла-шиб олинмаган иш жойини ўзгартириш меҳнат шартла-

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙИ СПЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

рини ўзгартириш ҳисобланмайди, деб кўрсатилади. Шу боис меҳнат шартномасида ходим, масалан, 4-тоифа токаръ қилиб 1-цеҳга ишга олинди, деб ёзилган бўлса, иш берувчи уни бошқа бир цеҳга худди шу лавозимдаги ишга ходим розилигисиз ҳам ўтказишга ҳақлидир.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш. Қонунда иш берувчининг ташаббуси билан ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказишни ҳуқуқий тартибга солишининг янги тартиби кўзла тутилган.

Илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларидан фарқли равишда, Меҳнат кодексида, масалан, табиий офат, фалокат ва ҳоказоларнинг олдини олиш ёки тугатиш мақсадидаги ишлаб чиқариш заруриятига оид ҳолатлар санаб ўтилмайди, 1 ойгача бошқа ишга ўтказишнинг аниқ муддатлари ишлаб чиқариш зарурияти туғилган ёки бекор туриб қолинган ҳолларда белгилаб қўйилмайди.

Шу каби барча масалалар энди марказлашган тартибда эмас, балки корхона даражасида, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши ва жамoa шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгилаши керак.

Ходимнинг ташаббуси билан, масалан, енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш учун соғлиғи ҳолати, ҳомиладор ва икки ёшга тўлмаган боланси бор аёлларнинг вақтинча бошқа ишга ўтказилиши сабаб бўла олади. Ана шундай ишга ўтказиш муайян муддатга мўлжалланган, вақтинча ёки муддати чекланмаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда тиббий хулоса ходим илтимосини қондириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бошқа ишга ўтказиш муддати тутагач иш

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт. Агар ходим юқорида кўрсатилган сабабларга биноан камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилса, шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида унинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга дастлабки икки ой учун касаллик варақаси бўйича ҳақ аввалги ишидаги иш ҳақидан тўланади, иш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган тақдирда, унинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи - ходимнинг меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар - аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди.

Юқоридаги ҳолларда бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарилади, бунинг учун ходимнинг аризаси ва тиббий хулоса асос бўлади. Буйруқда бошқа ишга ўтказиш муддати кўрсатилади.

Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш меъёрлари, хизмат кўрсатиш меъёрлари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи ишга ўтказилади. Бу ҳолда бутун ҳомиладорлик муддати учун аввалги ишдаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун ҳам худди шундай имтиёзлар кўзда тутилган. Бундай аёлларни енгилроқ ишга ўтказишда боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам буйруқ берилади ҳамда иккала ҳолат учун ҳам ариза ва тиббий хулоса асос бўлади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СЇЄСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қонун вақтинча ишга ўтказиш ходим учун - унинг розилигисиз - мажбурий бўлган ҳолларни ҳам кўзда тутати. Одатда бундай ҳоллар ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш билан боғлиқ. Бундай ҳолларда иш берувчига ходимларни ҳар қандай бошқа ишга ихтисослиги ёки малакасини ҳисобга олмай ўтказишга ижозат берилади. Аммо бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Бундай бошқа ишга ўтказишда иш ҳақи бажарилаётган ишга қараб тўланади, аммо у аввалги ўртача иш кақидан кам бўлмаслиги шарт.

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Объектив сабабларга кўра, яъни технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тутатилганлиги; ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки бажараётган ишига соғлиғи ҳолатига кўра нолойиқ бўлиб қолиши; мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари бошқа ихтисослик бўйича бошқа топширилган ишга ўтказилганлиги; илгари шу ишни бажариб келган ходимнинг ишда тикланиши билан боғлиқ ҳолларда иш ҳақи янги лавозим, малака бўйича, аввалги иш ҳақиға қўшимча тўловларсиз тўланади. Бундай ўзгаришлар меҳнат шартномасига киритилиб, иш берувчи буйруғи билан расмийлаштирилади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

4.7. Меҳнат шартномасини бекор қилиш

Ходим билан иш берувчи ўртасида номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шартномани тузган икки томон ёки улардан бирининг уни бекор қилиш хоҳишини билдирмагунича кучда қолаверади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш хоҳиши билдирилишига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг куйидаги сабаблари фарқланади: 1) томонларнинг келишувига кўра; 2) томонлардан бирининг ташаббуси билан; 3) меҳнат шартномаси муддатининг тугаши билан; 4) томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра; 5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш. Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳам ходимнинг, ҳам иш берувчининг хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Меҳнат шартномасини тузган томонлар ўртасида уни бекор қилиш тўғрисида келишувга эришилганда, меҳнат шартномаси томонлар белгиллаган муддатда бекор қилинади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш кuni огоҳлантириш муддати ўтиши билан эмас, балки мутлақо, меҳнат шартномасини тузган томонларнинг келишувига кўра белгиланади.

Меҳнат шартномаси томонлар келишувига кўра бекор қилинганида уларнинг хоҳиши ташаббус кўрсатилган пайтда эмас, балки пировард-оқибатда бир-бирига мос келиши муҳимдир.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги таклиф ҳам ходимдан, ҳам иш берувчидан чиқиши мумкин. Масалан, иш берувчи: ходимда тажриба етишмаслиги оқи-

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

батида зиммасига юкланган вазифаларни лозим даражада бажара олмаяпти, деб ҳисобласа. Агар ходим иш берувчининг далилларига қўшилса, меҳнат шартномаси малака етишмаслиги оқибатида ходимнинг ишга нолайиқлиги маълум бўлиб қолиши муносабати билан эмас, балки томонларнинг келишувига кўра бекор қилинади.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш. Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ҳам иш даврида, ҳам таътил ёки касаллик пайтида берилиши мумкин. Икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаришидан қатъи назар шартнома бекор қилинган, деб ҳисобланади ва ходимнинг ишга чиқмасликка ҳаққи бор. Иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Огоҳлантириш муддати тугамагунга қадар меҳнат шартномаси кучда қолади ва ходим ўз аризасини қайтариб олиш ёки аввалги аризани бекор қилиш тўғрисида янги ариза ёзиш ҳуқуқига эга.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим ишни ташламаган ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этмаган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙИ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шу тариқа, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ўз аризасини йўққа чиқариш учун ходимнинг янги ариза беришига ёки илгари берилган аризани қайтариб олишига ҳожат қолмайди. Бунинг учун огоҳлантириш муддати ўтганидан кейин аввалги ишни давом эттириш кифоя. Бу ариза меҳнат шартномаси бекор қилиниши лозим бўлган ўша кунда ходим ишга чиққанлиги далили билан йўққа чиқади.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза ходимнинг ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги сабабли ва бошқа ҳолларда ўз иштини давом эттиришининг имкони йўқлиги билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда ходимнинг бурдсизлик тўлови тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин. Бунинг учун меҳнат шартномасида меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда бурдсизлик тўлови тўлаш тўғрисидаги банд, унда бурдсизлик тўловининг миқдорини кўрсатиш кўзда тутилган бўлиши шарт. Акс ҳолда ходим бундай тўловдан озод этилади.

Ходим ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги туфайли ва узрли сабаблар билан боғлиқ бошқа ҳолларда муддатидан олдин меҳнат шартномаси бекор қилинса, бурдсизлик тўловидан озод этилади.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга меҳнат қонун ҳужжатларида тамомила янгича ёндашиш кўзга ташланади. Меҳнат

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

кодексида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қатор асослари сақлаб қолинган, чунки уларнинг самарадорлиги ҳуқуқни қўллаш тажрибасида тасдиқланди ва Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциясига зид эмас.

Хусусан, аввалгидек меҳнат муносабатлари ходимлар сонининг қисқариши, корхона, муассаса, тапскилот тугатилиши, ходимнинг эгаллаб турган лавозими ёки бажарётган ишга нолайиқлиги билан боғлиқ равишда бекор қилиниши мумкин. Фақат шуни назарда тутиш лозимки, агар илгари амалда бўлган кодексга биноан, иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи тўлови фақат ходимлар сони қисқарган ёки корхона тугатилган тақдирда камида икки ой давомида сақланган бўлса, энди янги қонун ҳужжатларида мувофиқ, мазкур меъёр ходим янги меҳнат шароитида ишни давом эттиришдан воз кечганлиги; малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғига кўра; илгари шу ишни ба жарган ходимнинг ишга тикланиши муносабати била меҳнат шартномаси бекор қилинганида ҳам қўлланилиш зарур.

Меҳнат қонун ҳужжатларида меҳнат шартномасини ходим ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун бекор қилиш меъёрлари сақлаб қолинган. Қону нда илгари мавжуд бўлган имконият - вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик оқибатида ходим қаторасига тўрт ойдан кўпроқ вақт давомида ишга келмаган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш имкони кўзда тутилмайди. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциясига биноан ходимнинг вақтинча ишга қобилиятсизлиги иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган талабларга биноан, иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СПЁСАТНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

қилиш нияти ҳақида ходимни ходимлар сони қисқарганлиги ёки корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда - камида икки ой олдин ҳамда ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда - камида икки ҳафта олдин огоҳлантириш мажбурияти кўзда тутилади.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддат давомийлигига тўғри келадиган товон пули билан алмаштририлиши мумкин.

Биринчи бор огоҳлантириш муддати давомида ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун, шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда, ишга чиқмаслик имкониятини бериш кўзда тутилган. Айни вақтда иш берувчи ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилса, уни олдиндан огоҳлантиришга мажбур эмас.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб олиш касаласи илгари амалда бўлган қонун ҳужжатларига қараганда тамомила бошқача ҳал этилган. Бундай келишув у жамоа шартномасида назарда тутилган бўлсагина зарурдир.

Ходимлар сони (штати) қисқариши бўйича тадбирлар ўтказилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганида ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади: қарамоғида икки

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга; оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга; мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга ходимларга; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга; мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга; уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга; Чернобиль АЭСида фалокат оқибатларини туғатишда қатнашган шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин.

Иш қидириш даврида, ишдан бўшатиш вақтидаги ёрдам пулини ҳисобга олган ҳолда, ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, аммо бу тўлов меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин икки ойдан ортиқ давом этмаслиги керак. Агар ишдан бўшатишдан ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг ўн календар кун давомида иш қидирувчи шахс сифатида меҳнат бўйича маҳаллий органларда рўйхатдан ўтказилган ва ишга жойлаштирилмаган бўлса, аввалги иш жойи бўйича учинчи ой учун ҳам ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Меҳнат бўйича маҳаллий орган берган маълумотнома ўртача ойлик иш ҳақи тўлаш учун асос бўлади.

Ходимнинг меҳнат вазифаларини мунтазам бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилиш. Ходим узрли сабабларсиз меҳнат шартномаси ёки ички меҳнат тартиб қоидалари билан ўзига юклатилган мажбуриятларни мунтазам равишда бажармаслиги асосида меҳнат шартномасининг бекор қилинишига, меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятлар мунтазам равишда бажарилмаган ёки илга-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ри қўлланилган интизомий ва моддий жазо чоралари лозим даражада натижа бермаган тақдирда унинг бундан буён ишда қолдирилиши ишлаб чиқариш манфаатларига зид деб топилган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг мунтазамлигини аниқлашда кучини йўқотган интизомий жазо чоралари, шунингдек белгиланган тартиб бузилган тақдирда қўлланилган ёки умуман қонунда кўзда тутилмаган жазо чоралари ҳисобга олинмаслиги керак.

Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ва моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан тақдоран интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади. Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қодаларида ходимга ўртача иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Меҳнат интизоми ёки меҳнат шартномаси бўйича бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир бузилиши учун фақат битта интизомий жазо қўллаш мумкин.

Мазкур асос бўйича меҳнат шартномаси ишдан бўшатил вақтидаги ёрдам пули тўланмай бекор қилинади.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Юқорида таъкидланганидек, буйруқда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг тегишли моддалари таърифларига тўла мувофиқ ҳолда кўрсатилиши лозим. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Меҳнат дафтарчаларини тутиш тартиби. Қонунга биноан меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар ёзилиши шарт. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Шундай қилиб, меҳнат дафтарчаси меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб, ходим ҳақидаги маълумотнома вазифасини бажармайди. Айни вақтда меҳнат шартномаси бекор қилинган куни меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари кўрсатилган ва ходимга берилган буйруқнинг нусхаси зарурият туғилган тақдирда унга иш берувчи устидан шикоят қилиш ва айрим асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда бериладиган имтиёزلардан фойдаланиш имконини яратади.

Шу тариқа, республика меҳнат қонунлари бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солиш вазифаларига мувофиқ ҳолга келтирилди.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Муҳокама учун саволлар

*Еттинчи бўлимни ўқиб чиқинг ва қуйидаги
саволларга жавоб беринг:*

- 1** Ҳар қандай замонавий давлатда ижтимоий қайта тақсимлаш дастурлари мавжудлиги қандай сабаблар билан изоҳланади?
- 2** Жамиятда беистисно ҳамма томонидан гўё адолатли деб қабул қилиниши мумкин бўлган қайта тақсимот моделини нега тузиб бўлмайди?
- 3** Маъмурий - буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида юқори малакали ижодий меҳнатнинг қадри қолмаган эди. Бундай аҳволнинг юзата келишита нима сабаб бўлди? Қандай қилиб тақсимот соҳасидаги мана шу ва бошқа номутаносибликлар жамиятда боқимандалик кайфиятларининг кучайишига олиб келди?
- 4** Ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларида Ўзбекистон давлат ижтимоий сиёсатининг асосий қоидаларини тавсифлаб беринг. Бозор иқтисодиёти шакллана борган сайин ижтимоий сиёсатда қандай устивор йўналишлар биринчи ўринни эгаллайди?
- 5** Ижтимоий таъминот соҳасида ислохотларни эволюция йўли билан аста-секин амалга ошириш айниқса муҳим қоидадир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда ижтимоий ёрдамнинг аҳоли одатланган

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

кўпгина турлари сақлаб қолинганки, уларни ўтиш даври шароитида қўллаш мумкин ва улар бозор иқтисодиётига мос келади. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишига давлатнинг ана шундай ёндашаётгани сабабларини таҳлил этинг.

6 Пенсия билан нафақа ўртасидаги асосий фарқлар нималардан иборат? Аҳолининг қайси тоифалари нафақа олиш ҳуқуқига эга? Нафақалар миқдори қандай мезонлар бўйича белгиланади?

7 Президентнинг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги 1994 йил 23 август қарори мазкур оилаларга моддий ёрдам беришнинг мутлақо янги тартибини жорий этди. У Ўзбекистон турмуш тарзи ва миллий анъаналаридаги қандай хусусиятларга асосланади?

8 Республикада пул тўловлари билан бир қаторда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларидан иборат ривожланган тизими ҳам жорий қилинган. Уни тавсифлаб беринг, ижтимоий ёрдам дастурлари фақат пулли мадад билан чекланиб қолмаслигининг сабабларини тупунтиринг.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Глоссарий

Давлат ижтимоий таъминоти - корхоналар бадаллари ҳамда давлат дотациялари ҳисобига пенсиялар ва нафақалар бериш, шунингдек даволаш-профилактика ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш орқали фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш тизими. Ижтимоий таъминот давлат томонидан давлат ижтимоий суғуртаси фондлари ҳамда давлат бюджети-дан бевосита ажратмалар ҳисобидан амалга оширилади.

Имтиёз - бирон-бир кишига афзалликлар бериш, белги-ланган қоидалар, мажбуриятларни бажаришдан қисман озод этиш ёки уларни бажариш шартларини енгиллаштиришдир.

Пенсия - фуқаролар кексаликда, ногирон бўлиб қолгани сабабли ва боқувчисини йўқотган тақдирда оладиган пул таъ-миноти. Одатда пенсия мазкур фуқаролар учун доимий ва асо-сий тирикчилик манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон Республи-каси қонун ҳужжатларига кўра, меҳнат қилган фуқаролар пен-сия олиш ҳуқуқига эга. Иш стажы бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий таъминоти бошқача тартибда амалга оширилади.

Нафақа - ижтимоий мададга муҳтож барча кишиларнинг моддий таъминоти. Нафақалар тайинланишига асослар - уларга муҳтожликни тан олганлик; шунингдек нафақа тўлашни бе-кор қилиш асослари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Меҳнат стажы - ходимнинг меҳнат фаолияти давомий-лиги. Умумий меҳнат стажы - ижтимоий суғурта фондига суғ-урта бадаллари тўлаш шарти билан, фаолият, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, давлат ижтимоий суғуртасига мансуб бўлган ходимнинг бутун ишлаган вақти-

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

дир. Махсус стаж - муайян касб, муайян лавозимларда ва муайян шартлардаги иш давомийлигидир.

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

ҚУШИМЧА УҚИШ УЧУН АДАБИЁТ

И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995 .

И.А. Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. 1993.

Чжен В.А. Особенности экономических реформ в Узбекистане. Т. 1994.

Чжен В.А. Система поддержки предпринимательства в Узбекистане. Т. 1995.

Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Т. 1996.

Абдуллаев И., Баранова Г. Что мы знаем о рынке. Т. 1991.

Гафуров Ш., Беркинов Б., Пичугина О. Рынок ценных бумаг. Т. 1995.

Исполнительная власть, судебная власть и учредительная власть во Франции. Сб. Французской Организации Технического Сотрудничества. М. 1993.

Каримова Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы.

Кэмпбелл Р.Макконнел, Стэнли Л.Брю. Экономикс. Т.1,2. М. 1992.

Ламперш Хайнд. Социальная рыночная экономика. Германский путь. М. 1993.

Лившиц А. Я. Введение в рыночную экономику. М. 1992.

Липсиц И. Экономика без тайн. М. 1993.

Мильштейн Н. Сто вопросов и сто ответов по гражданскому праву. Т. 1990.

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

ҚУШИМЧА УҚИШ УЧУН АДАБИЁТ

Монтескье Ш. Л. Избранные произведения. М. 1955

Правовое регулирование совместного предпринимательства в развитых капиталистических странах: теория и практика. Сб. М. 1991.

Предприятие: внутренняя и внешняя хозяйственная деятельность (правовые аспекты). Сб. М. 1991.

Проблемы собственности. Сравнительное исследование. Программа ТАСИС Комиссии Европейского союза, Европейская экспертная служба совместно с Министерством юстиции Республики Узбекистан. Т. 1995.

Путинский Б.И., Сафиуллин Д.Н. Правовая экономика: проблемы становления.

Суханов Е.А. Лекции о праве собственности в совместных организациях, М. 1989.

Уложение Тимура. Т. 1992.

Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. М. 1992.

Хозяйственное право. Т.1. Мартемьянов В.С. Т.2. Отв. ред. Мартемьянов В.С. М. 1994.

Хоккен П. Я начинаю свое дело. М. 1992.

Шкредов В. Экономика и право. М. 1990.

Экономика переходного периода. Под ред. В. В. Радаева, А. В. Бузгалина. М. 1995.

Эрхард Л. Благосостояние для всех. М. 1991.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....5

1 - бўлим Ислохотларнинг Ўзбекистон модели 9

1.0. Ҳуқуқий ислохот - мустақил Ўзбекистон
умумий ислохотлар йўлининг бир қисми.....9

1.1. Ислохотнинг мақсадлари.....9

1.2. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият.....22

1.3. Ижро этувчи ҳокимият.....23

1.4. Суд ҳокимияти.....28

2.0. Ўзбекистон моделининг хусусиятлари.....32

2.1. Ислохотларнинг эволюция йўли.....36

2.2. Давлат - бош ислохотчи.....38

2.3. Кучли ижтимоий сиёсат.....46

2.4. Иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги.....48

2.5. Қонуннинг устунлиги.....51

3.0. Бозор иқтисодиётини шакллантириш ва
ривожлантиришда давлатнинг роли.....55

3.1. Иқтисодий жараёнларни давлат
томонидан бошқариш қоидалари.....57

3.2. Давлат бошқарувининг устун йўналишлари.....60

3.3. Бошқаришнинг маъмурий ва
иқтисодий усуллари.....68

Муҳокама учун саволлар

Глоссарий

2 - бўлим Мулкчилик ҳуқуқий муносабатлари

1.0. Мулкчилик назариясининг асослари.....83

2.0. Ҳуқуқ ва мулк.....87

2.1. Мулкчилик муносабатларининг
ҳуқуқий шакллари.....88

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....5

1 - бўлим Ислохотларнинг Ўзбекистон модели 9

1.0. Ҳуқуқий ислохот - мустақил Ўзбекистон
умумий ислохотлар йўлининг бир қисми.....9

1.1. Ислохотнинг мақсадлари.....9

1.2. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият.....22

1.3. Ижро этувчи ҳокимият.....23

1.4. Суд ҳокимияти.....28

2.0. Ўзбекистон моделининг хусусиятлари.....32

2.1. Ислохотларнинг эволюция йўли.....36

2.2. Давлат - бош ислохотчи.....38

2.3. Кучли ижтимоий сиёсат.....46

2.4. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.....48

2.5. Қонуннинг устунлиги.....51

3.0. Бозор иқтисодиётини шакллантириш ва
ривожлантиришда давлатнинг роли.....55

3.1. Иқтисодий жараёнларни давлат
томонидан бошқариш қоидалари.....57

3.2. Давлат бошқарувининг устун йўналишлари.....60

3.3. Бошқаришнинг маъмурий ва
иқтисодий усуллари.....68

Муҳокама учун саволлар

Глоссарий

2 - бўлим Мулкчилик ҳуқуқий муносабатлари

1.0. Мулкчилик назариясининг асослари.....83

2.0. Ҳуқуқ ва мулк.....87

2.1. Мулкчилик муносабатларининг
ҳуқуқий шакллари.....88

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУНДАРИЖА

2.2.	Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.....	89
2.3.	Мулкчилик ҳуқуқининг Конституциявий асослари.....	91
2.4.	Фуқаролик қонун ҳужжатларида мулкчилик ҳуқуқи.....	92
2.5.	Мулкчилик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари.....	95
2.6.	Мулкчилик ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор қилиниши.....	96
3.0.	Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича оммавий ва хусусий мулкчилик.....	98
3.1.	Оммавий мулк.....	99
3.2.	Хусусий мулк.....	103
3.3.	Хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.....	114
4.0.	Ўтиш даври иқтисодиётида мулкнинг иқтисодий муносабатлари.....	115
4.1.	Ўтиш даври иқтисодиётида хусусий мулкнинг қарор топиши ва ўзига хос жиҳатлари.....	117

Маълумот учун материал

Глоссарий

3 - бўлим Рақобатнинг ҳуқуқий асослари

1.0.	Рақобатнинг жамиятдаги ва ҳўжалик соҳасидаги ўрни.....	135
1.1.	Рақобатнинг тўрт модели.....	142
1.2.	Бозор ислоҳот ва монополиядан чиқариш.....	
1.3.	Рақобатнинг шакли ва усуллари.....	
1.4.	Компания турлари ва рақобат ҳулқи.....	161
2.0.	Монополияга қарши (антимонопол) қонун ҳуж-	

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆

МУНДАРИЖА

жатлари - рақобатнинг меъёрий асоси.....	168
2.1. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонунлар ва монополияга қарши (антимонопол) органлар тизими.....	169
2.2. Монопол тармоқларга давлат томонидан таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари.....	177
2.3. Монополияга қарши қонун ҳужжатларининг амал қилиш доираси.....	186
3.0. Монополияга қарши тартибга солишнинг хусусиятлари.....	190
3.1. Рақобатни ҳоқимият органларининг қонунга ҳилоф аралашувидан ҳимоя қилиш.....	199
<i>Муҳокама учун саволлар</i>	205
<i>Глоссарий</i>	208
<i>4 - бўлим Тадбиркорликнинг қонун-меъёрий базаси</i> ...	211
1.0. Тадбиркорлик тушунчаси.....	211
1.1. Тадбиркорликнинг инновация-мувофиқлаштириш вазифаси.....	217
1.2. Тадбиркорнинг иқтисодий мустақиллиги.....	219
1.3. Тадбиркорлик фаолияти турларини таснифлаш.....	220
1.4. Тадбиркорнинг ижтимоий-руҳий тури.....	223
2.0. Тадбиркорлик фаолиятининг умумий ҳуқуқий асослари.....	224
3.0. Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.....	240
4.0. Холдинглар фаолиятининг қонунчилик асослари.....	261
5.0. Қишлоқдаги тадбиркорлик ва ер муносабатлари.....	271
6.0. Кичик тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.....	293
6.1. Тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантиришнинг шакллари.....	299
6.2. Минтақаларда субпудрат муносабатларини қўллаб-қувватлаш.....	312

◆ **БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ** ◆

МУНДАРИЖА

<i>Муҳокама учун саволлар</i>324
<i>Глоссарий</i>326

5 - бўлим Инфратузилма амалда бўлишининг ҳуқуқий асослари

1.0. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси.....	329
1.1. Банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.....	340
1.2. Улгуржи ва биржа савдосининг инфратузилмаси....	349
1.3. Фонд биржаси тўғрисидаги қонунчилик.....	360
1.4. Инвестиция фондлари фаолиятини қонун билан тартибга солиш.....	364
1.5. Суғурта ҳақида қонунчилик.....	383
1.6. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш.....	388
<i>Муҳокама учун саволлар</i>393
<i>Глоссарий</i>395

6 - бўлим Шартнома ва бозор иқтисодиёти.....397

1.0. Шартнома моҳияти ва унинг бозор иқтисодиётидаги роли.....	397
1.1. Шартнома муносабатларининг қонуний муносабатлари.....	403
1.2. Шартнома тушунчаси ва унинг турлари.....	404
1.3. Шартнома шакли ва мазмуни.....	408
1.4. Шартноманинг таркибий тузилиши.....	415
1.5. Шартнома мавзуи.....	417
2.0. Ўтиш давридаги шартнома муносабатлари.....	424
<i>Муҳокама учун саволлар</i>427
<i>Глоссарий</i>429

МУҲДАРИҶА

7 - бўлим *Ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асослари*

1.0. Ўтиш ва бозор иқтисодиётида ижтимоий соҳа.....	431
1.1. Ўзбекистонда кучли ижтимоий кафолатларга эга демократик жамиятни шакллантириш вази­фалари ва хусусиятлари.....	443
2.0. Ўзбекистоннинг давлат ижтимоий ҳимоясига муҳтож аҳоли тоифалари учун ҳимоя тизими.....	454
2.1. Ижтимоий таъминотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.....	454
2.2. Ижтимоий таъминот турлари.....	458
3.0. Хусусийлаштириш жараёнида адресли ижтимоий ҳимоя.....	480
4.0. Меҳнат бозорини қонун билан тартибга солиш.....	487
4.1. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши.....	487
4.2. Ёлланма меҳнат ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини.....	500
4.3. Меҳнат ҳуқуқи.....	501
4.4. Ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини тузиш.....	502
4.5. Меҳнат шартномасининг шакли ва мазмуни, уни тузиш муддатлари.....	504
4.6. Меҳнат шартномасини ўзгартириш, меҳнат шартларини ўзгартириш.....	509
4.7. Меҳнат шартномасини бекор қилиш.....	515
<i>Муҳокама учун саволлар</i>	523
<i>Глоссарий</i>	

<i>Кўшимча ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати</i>	527
---	-----

Босишга рухсат этилди 1996 йил 8 ноябрь.
Формат 84x108 1/32.
34 напш ҳисоб табоғи. Нусхаси 5000
Буюртма № 7621. Баҳоси келишилган нарҳда.

Китоб рус тилидан таржима қилинди
Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот
қўмитасининг
Тошполиграфкомбинати
Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй. 1996

◆ БОЗОР ҚОНУНИЯТИ АСОСЛАРИ ◆